



ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
КОНСТИТУЦИЯСИ

ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ- МАЪНАВИЙ АСОСЛАРИ



РЕСПУБЛИКА МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА МАФКУРА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИНИНГ
ОЛИЙ ЎҚУВ КУРСЛАРИ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ

ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ- МАЪНАВИЙ АСОСЛАРИ

*Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 29 февралдаги 141-Ф-сон фармоиши
асосида «Мустаҳкам оила йили» муносабати билан ўтказилган
Республика илмий-амалий конференцияси*

«Сано-стандарт» нашриёти
Тошкент 2012

УДК: 347.61/64-06.053

КБК: 67.4

О-37 «Оила мустаҳкамлигини таъминлашнинг ҳуқуқий-маънавий асослари»/ – Т.: «Сано-стандарт» нашриёти, 2012 – 240 бет.

ISBN 978-9943-396-75-3

УДК: 347.61/64-06.053

КБК: 67.4

Масъул муҳаррир:

Ш.ТЎРАЕВ

Тўпланда зарарли таъсирларга қарши курашишда маҳалла ва оиланинг ролини ошириш масалалари кенг ўрин олган бўлиб, унда бугунги кунда оила мустаҳкамлигини таъминлашнинг ҳуқуқий ва маънавий асослари ёритиб берилган. Жумладан, Оила – авлодлар давомийлиги, кадриятлар, урф-одатлар ва анъаналарни, қолаверса, халқимиз маънавий меросининг авлоддан-авлодга ўтишини таъминловчи омил экани, шунингдек, оиланинг мустаҳкамлиги жамият тараққиётининг гарови сифатида талкин этилган.

Унда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг «Оила соғлом экан – жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан – мамлакат барқарор» – деган сўзларининг мазмун-моҳиятидан келиб чиққан ҳолда оила соғломлигига, унинг мустаҳкамлигига, зарарли таъсирларнинг олдини олиш, мавжуд таъсирларни бартараф этиш билан боғлиқ мақолалар ўрин олган.

Мазкур тўплам материалларидан кенг жамоатчилик, жумладан, мактаб, лицей, коллеж ва олий таълим тизимида, шунингдек, «Нуроний» ва «Маҳалла» жамгармаси, «Оила», «Камолот» ЁИХ, Маънавият тарғибот марказлари фаолиятида, муассаса ва ташкилотларда оила мустаҳкамлигини таъминлаш билан боғлиқ тарғибот ишларида кенг фойдаланиш мумкин.

ISBN 978-9943-396-75-3

© «Сано-стандарт» нашриёти, 2012



21179/1

ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИНИНГ ЁРҚИН НАМОЙИШИ Тошкент шаҳри аҳолиси вакиллари билан ўтказилган сухбатлар мисолида

М.ҚУРОНОВ – педагогика фанлари доктори, профессор

Президент Ислом Каримовнинг Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгаши сессиясида қилган маърузалари бутун Ўзбекистон, жумладан, пойтахт аҳли томонидан жўшиқин кутиб олинди. Айниқса Президентимиз томонидан имзоланган Тошкентнинг эски шаҳар қисмида 2020 йилгача шаҳарсозликни ривожлантириш ва ободонлаштириш бўйича дастур тайёрлаш учун Республика комиссиясини тузиш ҳақидаги фармойишлари тилларда. 2200 ёшли Тошкент ҳеч қачон ҳозиргидек обод ва фаровон бўлмаган. Демак, марра яна кўтарилди. Тошкент бундан ҳам обод бўлади. Бундан ҳам гўзал бўлади.

Тошкентликларнинг сўзларида мамлакатимизда 2012 йилнинг «Мустақкам оила йили» деб аталганидан мамнунликлари сиздаги мамнунликка уйғунлашиб кетади. Шундай пайтда пролетар маданияти даҳоларидан бирининг «Оила революционернинг энергиясини сусайтиради», деган уйбўзар ғоялари сояларида яшаган йиллардан қўтилганимиздан шукроналар келади тилларга.

Муҳтарам Президентимизнинг Конституциямиз кунига бағишланган тантанали мажлисда, хотин-қизларга табрикларида, кун кеча Тошкент шаҳар кенгашидаги нутқларида оналарни, аёлларни қандай ардоқлаганларини Шонинг шод оналари, аёллари қайта-қайта, ифтихор билан эслашмоқда. Уларни тинглар экансиз, Виктор Гюгонинг «Кимда ким она, аёлни ҳимоя қилаётган бўлса, у болаларни ҳимоя қилаётир. Демак, билинг-ки, келажакни ҳимоя қилаётир», деган машҳур иборасини эслайсиз.

Сухбатдошларимиз турли касб эгалари – кексаю ёш, эркаю аёл, қизу йигитлар. Уларни бир нарса бирлаштиради. Бу – баҳорий бахтиёрлик. Кечаги ва бугунги ҳаёт, кечаги ва бугунги Тошкент қиёсидан ўсиб чиққан шукроналик. Эртанги кунга ишонч. Хуллас, Тошкент маҳаллаларида дув-дув гап.

* * *

Учтепа туман, Журжоний маҳалла фуқаролар йиғини раиси Бахтинур Саидов: «Халқ қандай яшаётганини билмоқчи бўлсанг, бозорини кўр», дейишади. Мен ўзим бозор соҳасида ишлаганман. Илгари бозорлар ёзда чанг, кишда лой бўларди. Сотувчи, харидор учун ҳеч бир қулайлик йўқ эди. Декабрдан апрелгача қуруқ мевадан бошқа ҳеч вако йўқ. Пештахталар ҳувиллаб ётар эди. Ҳозир-чи? Йилнинг тўрт фаслида бозорларимиз маҳсулотга лик тўла. Халқимизнинг турмуши кундан-кунга яхшиланиб бораётганидан эмасми бу?

«Томчида қуёш акс этади», дейдилар. Турмушимизнинг қандайлиги маҳаллаларда яққол акс этиб туради. Бир маҳалладошимнинг гапини айтай: «Бахтинур ака. 1991 йили маҳалламизда ҳар ўн беш хонадонда битта енгил машина бўларди. Ҳозир ҳар уч хонадонда биттадан енгил машинаси бор. Баъзиларида иккитадан. Бу одамларимизнинг фаровонлиги беш марта ошгани эмасми. Биз ҳар кун бир эмас, беш марта шукр қилсак ярашмайдими?», – деди.

Фарида Абдурахимова – Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси: Тошкентликлар Муҳтарам Президентимизнинг шаҳримиз аҳлининг, жумладан,

Эски шаҳарликларнинг турмушини фаровон қилиш учун кўп марталаб эски шаҳар кўчаларида юриб, муаммоларни шахсан ўрганиб, вайрона эски шаҳарни дурдона эски шаҳарга айлантирганликларини миннатдорлик билан айтиб юрадилар.

Вайрона деб бежиз айтмадим. Муҳтарам Президентимизнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китобларидаги қуйидаги сатрларни ўқиган киши Тошкентнинг Эски шаҳар қисмини 1990 йилдаги аҳволини ўз кўзлари билан кўргандек бўлади: «Октябрь, Собир Рахимов, Киров районларидаги исталган ўзбек хонадонига кириб, бу районларда 600 минг киши яшаб турибди, хонадонлар урушдан аввал қурилган бўлиб, шу қадар путурдан кетиб қолганки, уларни ремонт қилиб ҳам бўлмайди (бизда 2 миллион квадрат метрга яқин мана шундай уйлар бор). Бу хонадонларда марказий иситиш системаси, водопровод, газ ва канализация йўқ, икки-уч хонада бир неча оила яшаб турибди, киши бошига 2-3 квадрат метр тураржой тўғри келади. Агар Тошкентда ўрта ҳисобда киши бошига 14,2 квадрат метр тураржой тўғри келса, эски шаҳар қисмида бундан икки баробар кам. Қарийиб 7 минг оила шундай яшамокдаки, ҳар бир оила аъзосига салкам 5 метрдан камроқ сахн тўғри келади. Бу – энг оддий ҳаёт таъминоти шартларига ҳам яқинлашмайди. Бу одамларнинг чидамлилиги, саховати ва мардлигига, шу қийинчиликларнинг ҳаммасига бардош бераётганлигига фақат таҳсин ўқимок керак¹».

Президентимизнинг Тошкентнинг Эски шаҳар қисмини ривожлантириш ва ободонлаштиришга қаратилган Фармойишлари чиққанини эшитиб, севиниб юрибмиз. Унда 2020 йилгача Эски шаҳар қисмини ҳам миллий, ҳам замонавий шаҳарсозликнинг энг зўр ютуқлари асосида барпо этилиши айтилибди.

Мустақиллик йилларида қурилган иншоотлар бизнинг кимлигимиздан сўзлаётир. Мустақилликнинг қандай неъмат эканлигини, унинг кадрига етишни эслатаётир. Халқимизни, айниқса, ёшларимизни тарбиялаётир. Ҳар куни.

Йигирма йил аввал кизларимиз «Эски шаҳарга турмушга чиқмайман. У ерда кўмир ёкишади, канализацияси йўқ», деб ҳархаша қилишарди. Ҳақиқатан ҳам шундай эди. «Фалончини оиласи билан ис урибди», дейишарди. Бутун бошли оиланинг кўмир газидан заҳарланиб, вафот этган ҳолларни кўрганмиз.

Кўчага бир снгил машина кирса, рўпарадагилари тўхтаб, кутиб турарди. Бугун эски шаҳарнинг жинкўчалари ўрнида шоҳкўчалар солинди. Энди кизларимиз Эски шаҳарга келин бўлиб туриши учун ноннинг ўртасини ейишга талашишмоқда.

Маъфура Муҳамедова – Шайхонтоҳур туман «Янги Камолон» маҳалла фуқаролар йиғини фаоли: «Аёл – Оллоҳ яратган мўъжиза». Муҳтарам Президентимизнинг ўзбек аёли, унинг садокати, вафодорлиги ҳақида айтган фикрлари қалбларимизни меҳрга тўлдириб юборди. Бир ривоят ёдимга келди.

Онасининг юраги остида дунёга келаётган гўдак Яратгандан сўрабди:

– «Ё тангрим. Мени дунёга келтиришингни айтишди. Мен кўрқаяпман. Бир

¹ Ислон Қаримов. Тошкентни юксак тараққиёт ва маданият шаҳрига айлантиришимиз керак. Тошкент шаҳар фаоллари йиғилишида сўзланган нутқдан. 1990 йил 20 январь./ Қаримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. –Т.: Ўзбекистон, 2011. 104-105 бет.

Ушм қандай яшайман? Ҳали жуда кичик ва кучсиз бўлсам».

«Қўркма», деган жавоб келибди. «Бир фариштам ҳаммиша ёнингда бўлади.

У сени ҳимоя қилади».

Мен гаплашишни ҳам билмайман-ку. Нима қиламан?»

«Қўркма. Уша фариштам сенга энг гузал сўзларни сабр-токат, мухаббат билан ўргатади».

Уша фариштаннинг исми ким?

Унинг исмини билишинг шарт эмас. Сен уни онажон, деб чакирасан», деган экин.

Бугунги ёшларга бокиб, ҳавас қиламиз. Улар ҳам бахт учун туғилмоқдалар. Чунки бугун Ўзбекистонда бахтсиз бўлишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Ҳар бир инсоннинг бахтли бўлиши учун барча шароит муҳайё. Чунки мустақил Ватан бор. Ҳаммамизнинг бахтли бўлишимизни истаб, не-не оғир синовларни, суронли кунларини бошдан кечириб, юртимизни омон сақлаб келаётган мухтарам Президентимиз борлар».

Жавдот Иноғомов – Тошкент шаҳар «Маҳалла» жамоат фонди раиси:

Шаҳримизда 476 та маҳалла бор. Маҳаллаларимизнинг кеча ва бугунини солиштирсак, ер билан осмонча фарқ қилади. Собик тузум даврида «эскилик саркиги» деб йўқ қилишга интилинган «маҳалла» истиклол йилларида Президентимизнинг бевосита раҳбарликлари остида қайта тикланди.

Маҳаллаларимиз ва шаҳримиз ободлигини биргина «Эски шаҳар» мисолида ҳам кўрсак бўлади. Президентимиз томонларидан имзоланган Тошкентнинг эски шаҳар қисмида 2020 йилгача шаҳарсозликни ривожлантириш ва ободонлаштириш бўйича дастур тайёрлаш учун Республика комиссиясини тузиш ҳақидаги фирмойишлари шаҳримиз аҳли томонидан қатта қувонч билан кутиб олинди.

Ўзим ҳам эски шаҳарда туғилиб ўсганман. У ердаги тарихий ўзгаришлар кўз унгимда содир бўлди. Тор «жин» кўчаларга машина кира олмаганидан кўмирни кўча бошига тўкиб, 200-300 метр ичкарига челақлаб ташиганим ёдимдан чиқмайди. Мухтарам Президентимиз ташрифларидан сўнг «жин» кўчалар раво шох кўчаларга айланди, газ, ичимлик, канализация суви келтирилди. Замонавий мактаб ва боғчалар қад ростлади. Болалар ижодиёти маркази, супермаркетлар, гузарлар бунёд қилинди. Ташландиқ бўлиб қолган маданият ва истироҳат боғига қайта жон кириб, халқимизнинг сеvimли гўшасига айланди.

Мухтарам Президентимизнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китоблари ҳаммамизнинг хотирамизни тиклаб, кўзимизни очди. Бир мисол: бундан 22 йил муқаддам баъзи калтабин амалдорлар шаҳримиз юбилейини битта ёлгорлик тош қўйиб нишонламоқчи бўлишган экан. Ёлгорлик тош қачон, нима учун қўйилади? Мана сизга мамлакатга, унинг пойтахтига муносабат. Ўшанда – 1990 йилнинг 20 январида Президентимиз уларни тўхтатиб, кучли қатъият ва босиқлик билан шундай дейдилар: «...Ҳамма нарсани пул билан ўлчайдиган амалиётчилар пойтахтимизнинг юбилейи шарафига ёлгорлик тоши қўймоқчи бўлганликлари бизни оз бўлмаса уялтириб қўяй деди. Холбуки, ҳамма нарса ҳам бир лаҳзалик ималий манфаат билан ўлчанмайди. Шаҳар программасини амалга ошириш чоғида ўтмиш ёлгорликларини сақлаб қолиш ва таъмирлашга жуда эҳтиёткорлик ва меҳр-мухаббат билан қараш керак.

Ҳозир шаҳарда республика ва маҳаллий аҳамиятга молик икки юзта-

дан кўпроқ меъморчилик ёдгорлиги бор. Мабодо биз улардан лоақал битта-сини кўлдан берсак, авлодлар бизни кечирмайди...».¹

Бугун ана шу ёдгорликларнинг барчаси таъмирланган, давлат химоясига олинган. Халқимиз мухтарам Президентимизни нафақат мустақиллигимизнинг, балки мамлакатимиз, пойтахтимизнинг ҳам Бош меъмори деб дуолар қилишмоқда.

Зумрад Тазетдинова – Тошкент ахборот технологиялари университети талабаси: «Мухтарам Президентимиз иборалари билан айтганда «Оллоҳнинг назари тушган, Ўзбекистон деб аталмиш гўзал ва бетакрор ўлкада туғилиш, унинг бағрида камол топиш ҳар кимга ҳам nasib этмайди». Ана шу ҳақиқат биз Тошкент ёшларининг юракларимиздан чуқур жой олган.

10 йил бўлди, каратенинг Шотокан-До тури билан шуғулланиб келаман. «Шарк яққақурашлари ва жанг санъати маркази» мени 2008 йилнинг энг яхши аёл спортчиси, деб эълон қилишди. 2009 йил Зулфия номидаги Давлат мукофоти-га муносиб бўлдим. Ўшанда мен минбардан «2009 йилнинг августида Японияда жаҳон чемпионати бўлади. Японияда Ўзбекистон байроғини кўтаришга ваъда бераман», деган эдим. Ваъдамнинг устидан чиқдим. Жаҳон чемпиони бўлдим.

2011 йилда Лас Вегасда жаҳон чемпионатида 2 ўринни олдим. Россияга бориб, Англия, Америка, Венесуэла, Руминия, Россия, Кипр, Швейцариялик кизларига ҳақиқий ўзбек кизлари канака бўлишини кўрсатиб кўйдим.

Менга «Зумрад. Ўзингиз ёшгина қиз экансиз. Бу ютуқларга қандай қилиб эришдингиз», деган саволни қўп беришади. Мен уларга: Мустақиллик туфайли. Ҳурматли Президентимизнинг биз ёшларга кўрсатаётган гамхўрликлари, устозларимнинг меҳнати, ота-онамнинг эътиборлари туфайли эришдим, – дейман.

Мен бир гапни рўй рост айтаман: «Президентимиз бизга ўргатган Ватан севгисини, Ватанга садоқатни юракларимизда умрбод сақлаймиз».

Нигора Пўлатова – Камолиддин Бехзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти талабаси: Истиклол тенгдошиман. Болалигимдан каштачиликка қизиқдим. Шаҳримиздаги ўқувчилар ижодиёти марказида зардўзликни, ёғоч ўймакорлигини, рассомчиликни ҳам ўргандим.

2007 йилда республика рассомлик коллежига ўқишга кирдим. Ижодий ишларимни турли кўرғазмаларда намойиш этиб келдим. 2009 йилда республика хунармандлар уюшмасига аъзо бўлдим. Коллежни имтиёзли битириб, институтга ўқишга кирдим. Ҳозир Ўзимизнинг атлас, адрас, бекасам матоларидан турли янги, замонавий либослар яратмоқдаман.

«Камалак 2007», «Келажак овози», «Зулфияҳон 2009», «Қўли гулдилр ўзбек аёли», «Ташаббус 2010-2011-2012» кўрғазмаларида совринли ўринларни эгалладим.

Либосларим ўзимизда ҳам, хорижликларда ҳам жуда катта қизиқиш уйғотмоқда. Ишимни кенгайтиришим учун барча шароит ва имкониятлар бор. Улардан унумли фойдаланиб, ижодимни ривожлантираман. Маҳалламиздаги аёлларга, коллеж битирувчиларига янги иш ўринлари яратмоқчиман.

Мен Тошкентнинг бахтли қизларидан бириман. Чунки 20 ёшдаёқ ҳаётда ўз ўринини топдим. Бугун мен фақат ўзимга ҳам эмас, бошқаларга ҳам бахтли бўлиш йўлини кўрсата оладиган салоҳият эгасиман.

¹ Ислон Каримов. Тошкентни юксак тараккиёт ва маданият шаҳрига айлантиришимиз керак. Тошкент шаҳар фаоллари йиғилишида сўзланган нутқдан. 1990 йил 20 январь/Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. –Т.: Ўзбекистон, 2011. 106-107 бет.

Ҳабибулла Абдуллаев – меҳнат фаҳрийси: шурулар бир томондан бизнинг қадимий ёдгорликларимизни йўқотар, иккинчи томондан бизнинг буюк ўтмишимизни қоралар эди. Чунки бизнинг буюк ўтмишимиз уларни қўрқитарди-да. Бунинг асоратларини ҳам кўрдик. Кечагидай эсимда. Халқимиз орасида шаҳримизнинг шонли кўп асрлик тарихига гувоҳ бўлган меъморчилик обидалари қаерда сакланиб қолганини биладиганлар қолмагани хисоб.

Кучаю майдонларимизга умрида Ўзбекистонни кўрмаган аллақандай одамларнинг номлари қўйиларди. Муҳтарам Президентимизнинг тарихимизга эътиромлари ва ташаббуслари туфайли Тошкентимизнинг тарихий қиёфаси тикланди. Таъмирланмаган, эътибордан ташқарида бирорта обида қолмади. Азиз аждодларимизнинг руҳлари шод қилинди.

Яна бир гап. Академик Бўрибой Аҳмедовнинг «Амир Темур» деган китобида Тошкент шаҳримизга тегишли бир воқеани ўқидим. 1364 йилда кишининг иккинчи ойида Соҳибқирон Тошкентда бўлиб, оёқларини Мош табибга даволатган кишилар. Бир ой деганда ранжлари шифо топиб, Оҳангарон тарафга йўл олиб, кишининг қолган қисмини ўша ерда, Оби турк соҳилида ўтказган эканлар.

Мустақиллик шарофати билан Соҳибқиронга буюк ҳурмат рамзи сифатида ўша оддий табибнинг ҳам руҳи шод этилди. Илгари Тошкентга ҳеч бир алоқаси бўлмаган кишининг номи қўйилган, Соҳибқирон Амир Темур даволанган хонадон жойлашган кўчага «Мош табиб» номи қўйилди. Бундан биз – Мош табиб аждодларининг бошимиз осмонга етди.

Муяссар Раҳимжонова – Мирзо Улуғбек туман «Баҳор» маҳалла фуқаролар йиғини хотин-қизлар қўмитаси раиси:

Муҳтарам Президентимизнинг Конституциямиз кунига бағишланган тантанали ишларда, хотин қизларга табриқларида, кунга кеча Тошкент шаҳар кенгашидаги ишларда оналарни, аёлларни қандай ардоқлаганлари қўлдан кетмайди.

Беихтиёр ўзимга савол бераман.

Қайси мамлакатда аёл биздагидек эъзозланмоқда?

Қайси мамлакатнинг пойтахтида оналарга биздагидек гўзал ҳайкаллар қўйилган?

Мустақиллик ўзбек оналарининг сиймосини тиклади. Бугун улар Мустақиллик майдонимизнинг тўрида ўтиришибди. Бахтиёр она гўдагига меҳр, нур бераётир. Чиройли чехрасидан нур ёгилиб турибди. Юзларида шукрона, фарзандининг бахту иқболига ишонч балқиб турибди.

Ўшанда Президентимиз яхши ният билан «Биз яхши биламизки, аёл бахтли бўлса, унинг оиласи ҳам, у яшаётган жамият ҳам бахтли бўлади, бутун олам нурга тўлади», дегандилар. Шундай бўлаётир. Бахтиёр она халқимизга бахт улашаётир. Ёш келин-куёвлар, ёшлар, чет элликлар меҳмонлар бахтиёр она пойига гуллар тўшамоқдалар. Ёш келин-куёвлар бир-бирларига мустаҳкам оила қуришга аҳду паймон қилишмоқда. Пойига гулчамбарлар қўйишмоқда.

Шаҳримиздаги «Ватанга қасамёд» монументи ҳам, шоира Зулфияхонимга қўйилган ҳайкал ҳам аёл зотини эъзозлаб турибди.

Оналар дуоси ижобат бўлади, дейдилар. Илоҳим Ўзбекистон оналарини шунчалар эъзозлаган инсонларни оналар дуоси асрасин.

МУСТАҲҚАМ ОИЛА ЙИЛИДА ЁШЛАР ТАРБИЯСИГА ЭЪТИБОР

*Н.А. МУСЛИМОВ – Низомий номидаги
ТДПУ илмий ишлар бўйича проректори в.б.*

Ўзбекистоннинг ҳозирги даври, бундан кейинги тараққиёти ва истиқболли ҳамда мустақиллигининг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маданий-маърифий-маънавий заминларини яратиш ва мустаҳкамлаш учун биринчи навбатда ёшлар тарбиясига эътибор қаратиш сув ва ҳаводек зарур. Чунки эртанги кунимиз, юртимизнинг эртанги тақдири шу ёшлар қўлида. Бу албатта халқимиз ва жамиятимиз манфаатларига мос, ёшларда Ватан ва миллат, шу юрт, шу халқ, шу замин учун фидойи бўлиш сингари олижаноб ғояларни шакллантирувчи янги ғояни шакллантиришдек долзарб вазифани амалга ошириш билан ниҳоятда чамбарчас боғлиқ.

Ҳар қандай дарахтдан мўл ҳосил олиш учун кўчат ўтказишнинг ўзи етарли бўлмаганидек, ёшларимиз тарбиясида қилаётган ҳатти-ҳаракатларимиз қутилган самарани бериши учун миллий ғояни жамиятимиздаги турли ижтимоий қатлам ва тоифалар манфаати нуктаи назаридан муттасил равишда бойитиб бориш талаб этилади. Бу борада албатта биринчи навбатда оила, маҳалла, атроф-муҳит, тарбия масканлари, билим даргоҳларининг ўрни катта.

Авалло одамлар, хусусан аҳолининг 60 фоизидан кўпроғини ташкил этувчи – ёшлар онгида ғоявий бўшлиқ пайдо бўлишига уларнинг бегона ва бузғунчи ғояларга эргашиб кетишларига йўл қўймаслик керак. Бунинг учун ҳар бир ўғил-қиз бизнинг мафқуравий дастуриламалимиз бўлган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мазмун-моҳиятини теран англаши, ҳар бир боб, моддасини пухта ўрганиши керак бўлади.

Зотан, ўзининг ҳаётини, олдига қўйган мақсадларини аниқ тасаввур қила оладиган, ўз келажаги ҳақида қайғурадиган миллат ҳеч бир даврда миллий ғоя ва миллий мафқурасиз яшамаган, яшай олмайди ҳам. Миллатни бирлаштирадиган ягона умуммиллий ғоя, мафқура бўлмаса, ҳар қандай давлат ва жамият, қолаверса, ҳар қайси инсон ўз йўлини йўқотиши муқаррар.

Ҳозирги мураккаб шароитда халқимиз, аввало, ўсиб-униб келаётган ёш авлодини онги ва қалбида мафқуравий иммунитет ҳосил қилиш катта аҳамиятга эга. Бунинг учун албатта мазкур фанимиз олдига қўйилган ва биз юқорида санаб ўтган мақсад ва вазифаларни амалга оширишимиз зарур бўлади.

Мустақил ҳаётга қадам қўяётган янги авлод жамиятдаги мавжуд ғоялар таъсирида тарбияланади, муайян қарашлар ва ғояларни ўз эътиқодига сингдиради, ўз навбатида, янги ғояларни яратади ва тарғиб этади.

Инсоният тарихидан маълумки, ҳар бир давлат ва халқнинг ўз олдига қўйган аниқ мақсади уни амалга оширишда жамият аҳлини бирлаштирадиган, сафарбарликка ундайдиган мафқураси бўлмаса у муқаррар равишда ҳалокатга маҳкум бўлади.

XXI асрнинг барқарорлигига хавф солаётган, XX асрдан кераксиз мерос бўлиб қолган муаммолардан бири – энг мураккаби бу – **мафқуравий қурашдир.**

Президентимиз айтганидек, «...бугунги кунда одамзот маълум бир давлатлар ва сиёсий кучларнинг манфаатларигагина хизмат қиладиган, олис-яқин манбалардан тарқаладиган, турли маъно-мазмундаги мафқуравий кучларнинг таъсирини доимо

сегиб ишмоқда». Ўз-ўзидан равшанки, бу каби таъсирни биз ўзимиз 1999 йилнинг март-апрелда Тошкентдаги воқеалар мисолида, 2004 йил март ойининг охирида ва апрель ойининг бошларида Тошкентдаги ва Бухородаги экстремистик воқеалар мисолида бошимиздан ўтказдик. 2001 йилнинг 11 сентябрида эса Американинг Нью Йорк ва Вашингтон шаҳарларида содир этилган портлашлар эса бунинг яна бир аниқлиги мисоли бўлди. Бир нарса аниқки, буларнинг негизда ана шу дафъатан, бирданига сезилмайдиган мафкуравий таъсирлар ётибди.

Миллий истиқлол мафкурасининг энг муҳим, яъни ҳам миллий, ҳам умуминсоний жиҳатларни камраб олувчи хусусияти шундаки, у ижтимоий-иқтисодий муносабатларни акс эттириб қолмай, сиёсий бошқарув тизимининг фаолиятини ҳам унда ифода қилади. Шунинг учун ҳам миллий истиқлол мафкурасини ҳаётга татбиқ этишда сиёсий билимларни омма ўртасида кенг ёйиш, тарғиб-ташвиқ этиш, шакл-шубҳасиз катта ўрин тутати. Сиёсий билимлар қанчалик мукамал бўлса, халқнинг онги шунча ўсади, фаоллиги ошади. Сиёсий маданияти, миллий онги, ватанпарварлик туйғуси ўсган. Ўзини ўзи англаб етган халқ ва миллат ўзининг истиқболи билан боғлиқ бўлган масалаларга ҳеч қачон бефарқ қарамайди. Шу маънода 2007 йилнинг «Ижтимоий ҳимоя йили» деб номланишида ва аҳолининг барча қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида ташланаётган дадил қадамларнинг негизда ҳам ўртанги қушимиз давомчилари бўлган ёшларнинг тарбиясига бўлган юксак эътибор ўтганлигини таъкидлаб ўтиш ўринли.

Бугун ёшлар билан кўпроқ иш олиб боришимиз зарур. Чунки Ўзбекистон ёшлар мамлақати. Шу боис бугун катта ҳаётга энди тетапоқ қилаётган фарзандларимизнинг иқтидорларини ёшлиқданок аниқлаш, уларни ўз қизиқиш ва иқтидорларига қараб бирор қасбга йўналтириш, такомиллаштириш катта аҳамиятга эга. Шу боис таълим муассасаларидаги ўқув жараёни билан бир қаторда тарбия жараёнини ҳам муносиб тарзда олиб бориш давримиз тақозосидир.

ОИЛА МУСТАҲҚАМЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР ВА ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ

*Т.А.УМАРОВ – Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари
бошлиғи, юридик фанлар доктори*

Оила – авлодлар давомийлиги, кадриятлар, урф-одатлар ва анъаналарни, қолаверса, халқимиз маънавий меросининг авлоддан-авлодга ўтишини таъминловчи омилдир. Оиланинг мустаҳқамлиги жамият тараққиётининг гаровидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов таъкидлаганидек: «Азал-азалдан халқимиз учун муқаддас бўлмиш оилани ҳаётимиз таянчи ва суянчи, жамиятимизнинг ҳал қилувчи асосий бўғини деб қабул қилишимиз замирида, ҳеч шубҳасиз, жуда катта маъно-моҳият мужжассам. Чунки оила соғлом экан – жамият мустаҳқам, жамият мустаҳқам экан – мамлакат барқарор»¹.

Оилага берилётган алоҳида эътибор тўғайли мамлакатда бугунги кунда 7 млн.дан ортиқ оилада аҳолининг 95,3 фоизи истиқомат қилади. Бу эса мустаҳқам

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008.

оила жамият ва давлатнинг тараккиётга эришиши учун асосий унсурлардан бири эканлигидан далолат беради.

«Инсон ҳуқуқлари» Умумжаҳон декларациясининг 16-моддасида, «Оила жамиятнинг табиий ва асосий ҳужайрасидир ва у жамият, давлат томонидан муҳофаза этилиш ҳуқуқига эгадир»¹ – деб белгиланган.

«Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида»ги ва «Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида»ги халқаро пактлар, «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги конвенция, «Хотин-кизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида»ги конвенция оиллага ғамхўрлик кўрсатишнинг минимал даражасини белгилаб, давлатлар учун муайян мажбуриятларни назарда туттади.

Ўзбекистон Конституциясининг XIV боби оиллага бағишланиб, унинг 63-моддасида: «Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга» деган норма универсал халқаро ҳужжатлардаги принципларга ҳамохандир.

Барча давлатлар оилани мустаҳкамлашга ҳаракат қилиб, бу борадаги ишларнинг асосий йўналишлари ва истиқболларини белгилаб боради.

Мустақиллик йилларида «қучли ижтимоий сиёсат» ривожланишнинг «Ўзбек модели»ни асосий тамойилларидан бири бўлиб, оилани қўллаб-қувватлаш масаласи давлатимизнинг доимий диққат-эътиборида турибди. Кейинги ўн йилда юртимизда аҳоли даромадлари ҳажми 8,1 баробар ортган ҳолда, аҳолининг энг паст ва энг юқори даромадга эга бўлган гуруҳлари ўртасидаги тафовут, бошқача айтганда, даромадлардаги фарк коэффициенти 21,1 баробардан 8,3 баробарга қисқарди².

Ижтимоий дастурлар бевосита оилани ҳимоя қилишга қаратилиб, жорий йил давлат бюджети ҳаражатларининг 60 фоиздан ортигини социал соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга йўналтириш кўзда тутилган³. Никоҳга киришаётганларнинг соғлиғини текшириш мақсадида 2003 йилда «Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисида»ги Низом тасдиқланди. Президентнинг 2007 йилдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони бўйича ёш оилаларга моддий-маънавий жиҳатдан ёрдам кўрсатилмоқда⁴.

Оиллага қўмаклашиш дастурлари ижроси устидан «Оила» илмий-амалий маркази, Хотин-кизлар қўмитаси, «Маҳалла» жамғармаси каби фуқаролик жамияти институтлари фаол жамотчилик назоратини амалга оширмоқда.

Масалан, МФЙнинг маслаҳатчилари томонидан 2011 йилда 4 млн. дан ортик оила ўрганилиб, 336 мингтаси ишга йўналтирилган, ҳомийлар иштирокида 185 мингтасига моддий, 256 мингтасига тиббий, 582 минг оиллага маънавий ёрдам кўрсатилган, яраштириш комиссиялари томонидан 26 мингдан ортик оила яраштирилган.

Оилани мустаҳкамлаш бўйича олиб борилган ишлар натижасида никоҳдан ажралишлар 1991 йилдаги 33,3 мингдан, 2010 йил 20,5 минггага, ўтган йили бу кўрсаткич 18,5 минггага камайди.

Мамлакатдаги демографик ҳолат яхшиланиб, одамлар ўртача умр кўриши 67

¹ Инсон ҳуқуқлари тўғрисида халқаро билл. –Т.: Адолат, 1992, 14-бет.

² Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараккиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади.

³ «Халқ сўзи». 2012 йил 20 январь, №14 (5434).

⁴ Ўша манба.

⁴ Ёрматов Ф. Оилани ижтимоий ҳимоялашда давлатнинг ғамхўрлиги. //»Жамият ва бошқарув». 2010 №2. 109-бет.

Финдан 73 ёшга етган, аҳоли сони 28 млн.дан ошди (мустақиллик йилларида 6,1 млн. ёшга етганга йилига 365 минг кишига кўпайиб борди).

Қишлоқ жойларида замонавий уй-жойлар қурилишига қатта аҳамият берилди, 2011 йилда 7400 та оила ҳар томонлама қулай уй-жойларга, замонавий шарт-шароитларга эга бўлган бўлса, 2012 йилда 8510 та оила ана шундай янги уй-жойга кўчиб кириши мўлжалланмоқда¹.

Аҳоли саломатлиги ҳақидаги ғамхўрлик ва турмуш даражасининг сезиларли ривожини яхшилангани натижасида оналар ўлими 2 баробардан кўпроқ, болалар ўлими 3 баробар, уларнинг туғма ва ирсий касалликлар билан туғилиши 2 баробар камайган. Бунда 2011 йилда 5,9 миллион нафар хотин-киз тиббий кўриқдан, қарийб 150 минг ҳомиладор аёл скрининг текширувидан ўтказилган, қишлоқ жойларда истикомат қилаётган 243 мингдан ортиқ ҳомиладор аёл поливитаминлар билан бепул таъминланган, болаларни юқумли касалликларга қарши эмлаш даражаси қарийб 100 фоизни ташкил этган². 2011 йилда «Save the children» томонидан тузилган 161 мамлакатдан иборат жаҳон рейтингда Ўсиб келаётган ёш авлод саломатлиги ҳақида энг кўп ғамхўрлик кўрсатаётган давлатлар орасида Ўзбекистон 9-уринда қайд этилди. ЮНИСЕФнинг минтақавий офиси оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасидаги дастурлар учун давлатимизни минтақадаги намунавий модель сифатида эътироф этди.

Эришилган улкан ижобий натижаларга қарамай, оила институтини янада мустаҳкамлаш бўйича фойдаланилмаган имкониятлар кўзга ташланмоқда.

Жамоатчилик фикрида фуқаролик никоҳларига нисбатан салбий муносабат (61%) мустаҳкамланаётган бўлса-да, афсуски, никоҳсиз муносабатларга киришиш ва никоҳсиз туғилган чақалоқлар сони 2 мартага ошди, натижада оталикни белгилаш тўғрисидаги ишлар сони 2010 йилдаги 1693 тадан, 2011 йилда 2061 тага етган. Кейинги йилларда никоҳга қирувчилар сонининг камайиши кузатилмоқда.

Айрим оилалар ўзларининг тарбия билан боғлиқ ижтимоий вазифасини етарли бажармаётганлиги сабабли ўтган йилда аёллар томонидан 12322, болалар томонидан 2180 та жиноят содир этилган.

Оила доирасидаги зўравонликлар ҳолати ташвишли бўлиб, шу даврда маншый сабабларга кўра 199 қотиллик, 1425 оғир тан жароҳати етказиш каби жиноятлар қайд этилган.

Айрим ҳудудларда оиладаги барқарор муҳитнинг мавжуд эмаслиги туфайли мактабни ташлаб кетган ўқувчилар ва фарзанди тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи ота-оналар сони юқорилигича қолмоқда.

Ўтган йилда ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ва чеклаш бўйича 1002 даъво қўзғатилган бўлиб, 594 та ҳолатда қаноатлантирилган.

Жумладан, фуқаро Н. хотинини оналик ҳуқуқидан маҳрум қилишни сўраган. Уларнинг 5 та қизи бўлган, онаси 4 та кизини фоҳишалик йўлига бошлаган. Отаси 15 ёшли кенжа кизини ҳам онаси шу йўлга ундаётганини асослаган. Суд қарорига асосан бу аёл кизига нисбатан оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган.

Глобаллашув жараёнида «оммавий маданият» кўринишида мамлакатимизга кириб келаётган турли ахлоқсиз ва маънавиятга зид бўлган иллатлар, айниқса, ёшлар онгу шуурига салбий таъсир кўрсатмоқда.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон халқига янги йил табриги. //»Халқ сўзи». 2012 йил 1 январь, № 1 (5421).

² Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. //»Халқ сўзи». 2012 йил 20 январь, №14 (5434).

Оилавий ҳаёт ҳақида зарур ахборотга эга эмаслиги ва жинсий саводхонлик даражасининг пастлиги айрим ёш оилаларнинг арзимас сабаблар билан бузилишига сабаб бўлмоқда.

Жумладан, судда фуқаро С. никоҳни ажратишни сўраган. Никоҳ қайд этилганида С. 17 ёш, эри А. 18 ёшда бўлган. Даъвогар эри уни ғайритабиий жинсий алоқа қилишга мажбур этганлиги ва у бошқа никоҳни давом эттира олмаслигини билдиради.

Аҳолининг 51,2%, ишчи кучининг 47,8% ни ташкил этган Ўзбекистон учун аёлларнинг жамиятдаги ўрни, мактеби, фаолият даражаси, маънавий ва оила институтини мустаҳкамлашда энг муҳим омиллардан бири¹. Миллий анъаналар туфайли оилада эркакка устунлик берилишини айрим ҳолатларда суниистеъмол қилиниши гендер тенгликни тўлиқ шаклланишига тўсқинлик қилмоқда.

Мальумки, сўнгги 60 йил давомида инсон ҳуқуқлари борасида ижобий ўзгаришлар туфайли қўпчилик давлатларда оила билан боғлиқ муносабатларда «кенг эркинлик бериш» тенденцияси кузатилмоқда.

Ғарбда «иккинчи демографик ўтиш» деб номланган жараён юз бериб, бунда расмий никоҳ тузишнинг сони кескин камайиши, болалик камол топиши учун ота-онанинг иккаласи бўлиши мажбур эмаслиги, аёллар хоҳлаганда ёлғиз ўзлари бола тарбиялашлари мумкинлиги, абортларга бўлган ижобий муносабат кучайиб бормоқда. Бундан ташқари, оила муносабатларига давлатнинг аралашуви тобора камайиб, жинсий муносабатларда эркинлик берган ҳолда оилани мустаҳкамлашни ижтимоий-иқтисодий ёрдам кўрсатиш ва фуқаролик жамияти институтлари орқали кўмаклашиш йўли танланмоқда. Оилавий муносабатлардаги ўта либерал ёндашув натижасида ноанъанавий оилавий муносабатлар шакллана бошлади. 1989 йилда Данияда бир жинсли никоҳга рухсат берилди, кейинчалик Голландия, Англия, Швеция ва бошқа давлатларда бир жинсли никоҳлар расман тан олинди. Айрим давлатларда (АҚШ айрим штатлари, Франция) бунга қарши қонунлар қабул қилинса-да, улар қўтилган самарани бермапти.

АҚШда оилани давлат томонидан кенг моддий қўллаб-қувватлашдан хайрия жамғармаларига оилага қаратилган ижтимоий дастурларни амалга ошириш юклатилмоқда. Давлат маблағлари қисқарган ҳолда фақат ночор оилаларга кўмак бериш, хотин-қизлар ва болаларнинг тенг ҳуқуқлилигини таъминлашга қаратилмоқда.

Швецияда ижтимоий сўғурта тизимида оилага кучли имтиёзлар, хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш назарда тутилди, ҳар қандай вазиятда ҳимояни сўраб мурожаат қилиш имконияти берилаяпти. Бу ерда «фуқаро ўз тақдири ҳақида қайғуриши шарт эмас, давлат унга туғилганидан бошлаб ғамхўрлик қилади» мазмунидаги шпор ижтимоий ҳимояга асос қилиб олинмоқда.

РФда демографик таназзулнинг олдини олиш учун туғишни рағбатлантиришга катта маблағлар сарфланганига қарамай вазият жиддий ўзгармади, аслида одамлар маънавий киёфасини ўзгартириш зарурлиги ҳақидаги фикрлар устуворлик қилмоқда.

Миллий анъаналар катта аҳамиятга эга бўлган Жанубий Кореяда ҳам сўнгги 30 йилда ноанъанавий оилалар пайдо бўлиши, туғишнинг камайиши, ишловчи аёллар сонининг ўсиши, кам фарзандли оилаларнинг қўпайиши, эр-хотин бирга ишловчи оилалар сонининг кескин ортиши, ёш авлоднинг катта авлодга ва урф-одатларга ҳурматида таназзул кузатилди.

¹ Толибсоева Н. Хотин-қизлар: ижтимоий фаоллик омиллари. //»Жамият ва давлат». 2010 № 3, 117-бет.

Бу ўнгиришларнинг олдини олиш мақсадида махсус давлат дастури асосида ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида оила муҳофазига олинди. Миллий урф-одатлар руҳида катта авлодга ҳурмат кўрсатувчи авлод тарбия қилишга қаршилди. Балки айни шу сабабли дунё томонидан тан олинган иқтисодий ривожланишнинг «корейс модели» юз бергандир.

Оилани мустаҳкамлашда хорижий тажрибани ўрганиш муҳим, лекин бунда тўғри ёндашувлар бўлиши мумкин эмас, бир давлатда ижобий натижа берган ингиз бошқасида натижа бермаслиги, аксинча зарарли оқибатларга олиб келиши мумкин. Биз миллий анъаналарни сақлаб қолган ҳолда, ривожланган давлатларнинг ижтимоий ҳимоя сиёсати ва фуқаролик жамияти институтлари тажрибасидан омилкорлик билан фойдаланишимиз мумкин.

Оила институтига берилётган эътиборни янада кучайтириш – оилани мустаҳкамлаш масалалари тўғрисида фундаментал тадқиқотлар олиб бориш, оила муҳитига таъсир этувчи омилларни аниқлаш¹, фуқароларда оиланинг жамият ва давлат ҳаётидаги ўрни, баркамол авлодни шакллантиришдаги аҳамияти ҳақида тушунчаларни мустаҳкамлашни тақозо этади.

2012 йил «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилиниши узоқ давом этиб келатган ижтимоий йўналтирилган ислохотларнинг узвий давоми бўлиб, кучли ижтимоий сиёсат тамойилининг навбатдаги амалий ифодасидир.

Муҳтарам Президентимиз оилани мустаҳкамлаш учун оила қонунчилигини ислох қилиш, оилага давлат томонидан ғамхўрлик кўрсатиш, «маҳалла» институти имкониятларидан самарали фойдаланиш, хотин-қизларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш ва оиладаги маънавий муҳитни юксалтириш йўналишларини белгилаб бердилар.

Фикримизча, ижтимоий сиёсатда ёшларнинг оилавий ҳаёт ҳақида пухта билим ва кўникмаларга эга бўлиши, никоҳга қираётганда унинг ҳақиқий моҳиятини англаши ҳамда оилада юзага келиши мумкин бўлган кийинчиликларга тайёрлаш; оилада ўзаро ҳурмат, хотин-қизлар ва болаларнинг ҳақиқий тенг ҳуқуқлилигига эришиш; оиланинг тарбия маскани сифатида маънавий кадриятларни сингдириш ва мафкуравий иммунитетга эга бўлган шахсни шакллантиришга эришиш; оиладаги зўравонликлар, маиший ҳуқуқбузарликлар сонини камайтириш, ота-оналарнинг ахлоқсиз хулқ-атвори орқали фарзандларига салбий таъсир кўрсатиш даражасини чеклашни назарда тутиш талаб қилинади.

Фикримизча, никоҳга кириш масъулиятини ошириш ва бўлғуси эр-хотиннинг оила-никоҳ муносабатлари ҳақидаги билимларини кучайтириш мақсадида ФХДЁ органларида махсус ижтимоий, ҳуқуқий, тиббий, психологик, маънавий консултация фаолиятини ташкил этиш лозим. Бу борада никоҳга қираётганлар учун оилавий ҳаёт бўйича махсус курсларда ўқитиш тизими яхши самара берган бўлар эди.

Қизларнинг (ҳозирда никоҳга киришнинг ўртача ёши эркакларда 24,3, аёлларда 21,5 ёш) никоҳга кириш ёшини камида 20 ёш бўлиши, эркакларда никоҳга эрта кирмаслик ғоясини сингдириш, оилаларда 2-3 та фарзанд кўришга интилишни шакллантириш (тадқиқотларга кўра ҳар 100 оилага 260 та фарзанд тўғри келса жамият бир маромда ривожланади, бизда бир аёлга 2,7 та бола тўғри келмоқда), никоҳ шартномалари тузишни рағбатлантириш мақсадга мувофиқ.

¹ Туранин А. Оилавий муҳитга таъсир кўрсатувчи омиллар. //»Жамият ва бошқарув». 2011 № 1, 128-129-бет.

Мустаҳкам оилани шакллантиришга қаратилган фаолиятда қонунчиликни такомиллаштириш ҳам жуда муҳим.

Жумладан, ОКнинг 15-моддаси 1-қисмидаги никоҳ қензини аёлларга нисбатан 18 ёш қилиб белгилаш, 16-моддасидаги никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатлар 2-бандига «тоға (хола, амаки, амма) ва жиёнлар, тоғавачча, холавачча, амакивачча ва аммаваччалар ўртасида» – деган мазмундаги жумлани қўшиш зарур. ОКга ФХДЁ органлари келин ва кувёни бўлажак эр-хотин ва ота-оналар сифатида ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақида таништириб ўтишлари шарт¹ деган қондан киритиш лозим. Никоҳдан ФХДЁ органида ажралаётганда ариза берилганда ўтиши лозим бўлган уч ойлик муддатни олти ойга узайтириш. ОКнинг 40-моддасига никоҳдан ажратиш тўғрисидаги даъво аризасини никоҳ қайд этилганидан бошлаб 6 ой ўтгач бериш мумкинлигини киритиш лозим. Фарзандликка олиш жараёнида болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида, фарзандликка олишнинг маъмурий тартибдан суд тартибига ўтказиш ўринли бўлади.

Фикримизча, оилани мустаҳкамлашга йўналтирилган фаолиятнинг асосий йўналишлари сифатида:

- оила институтини ўрганиш бўйича комплекс тадқиқотлар олиб бориш;
- оилани ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини кучайтириш ва самарадорлигини ошириш;
- соҳавий қонунчиликка оила мавқеини янада кучайтиришга қаратилган ҳуқуқий нормаларни киритиш, бу борадаги илғор халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш;
- оилани ҳимоялаш жараёнига фуқаролик жамияти институтларини кенг жалб қилиш, бу мақсадларга йўналтирилаётган давлат маблағларининг сарфлаши устидан уларнинг назоратини кучайтириш;
- оиланинг моддий имкониятларини кенгайтириш, айниқса оилавий тадбиркорликни янада ривожлантириш;
- ташқи мафқуравий хуружларга қарши мустаҳкам иммунитетга эга бўлган, маънавий ва маданий жиҳатдан барқамол шахсни шакллантириш орқали оилаларни мустаҳкамлаш;
- мустаҳкам оила туйғусини жамият ва давлатнинг барча институтларида кенг тарғиб қилишни кучайтириш зарур бўлади.

ОИЛАЛАР ФАРОВОНЛИГИ – ЖАМИЯТ ФАРОВОНЛИГИ МАНБАИ

*И.Ж.ЮЛДАШЕВ – Низомий номидаги
ТДПУ Тарих факультети декани*

2012 йилнинг «Мустаҳкам оила йили» деб аталиши муқаддас даргоҳ бўлган оилани қўллаб қувватлашнинг янги механизмини такомиллаштиришга, оилалар мустаҳкамлигини таъминлашга ҳар жиҳатдан имкон яратди, десак муболаға бўлмас. Шу сабабли бугунги кунда ўзаро ёрдам ҳамда бир-бирини қўллаб-қувватлаш, ўзганинг ҳолидан хабар олиш каби миллий анъаналаримизни ҳисобга олган ҳолда оилаларимизга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилмоқдаки, бу инсонпарварликнинг яна бир намунаси сифатида эътироф этилмоқда.

¹ Украина Оила кодексининг 29-моддасида шундай норма назарда тутилган.

Аслида фуқаролик жамиятида энг аввало инсон манфаатлари чуқур ва апрофича ҳимоя қилинади. Қолаверса, эртанги кун бунёдкорлари бўлган оналар ва болаларга ҳар томонлама эътибор қаратилади. Чунки оналар ва болалар кийфияти орқали жамият маънавий-ижтимоий қиёфасини, давлат қудратини, мамлакат шаънини англамоқ мумкин. Бу даражага шубҳасизки, фаровон турмушни бунёд этиб эришиш мумкин. Ҳар бир юксалишнинг замирида «фаровонлик» тушунчаси ётади. Яъни, бирор бир давлат чинакам маънода ривожланган мамлакатлар каторидан ўрин олиши, иқтисодий, маънавий ва сиёсий жиҳатдан бақувват бўлиши учун, аввало, мазкур давлат фуқароларининг турмуш даражаси кўтарилиб, тўқис ва фаровон яшашлари таъмин этилган бўлиши керак. Инсоннинг бахт саодатга эришувида ҳам фаровонлик энг муҳим омиллардан ҳисобланади. Бир сўз билан айтганда, халқ ва давлатнинг бойлиги унинг халқаро миқёсдаги мавқеини ҳам шакл-шубҳасиз белгилаб беради.

Оиланинг тўла-тўқис фаровонлиги учун куйидаги ижтимоий-иқтисодий заминлар яратилиши шарт:

– Оила аъзолари ҳаётий эҳтиёжларининг қондирилиш меъёри, яъни турмуш даражасининг муносиб изга туширилишини йўлга қўйиш;

– Оила аъзоларида ишбилармонлик хислатлари – ишчанлик, тиришқоклик, ҳаракатчанлик, масъулиятлилик, инсофлилик, ҳалоллик, эпчиллик, уддабуронлик, саранжом-сариншталик, тadbиркорлик, тежамкорлик, баркамоллик, меҳнатсеварлик каби фазилатларни шакллантириш;

– Уларнинг меҳнат қилиш борасидаги конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш;

– Оила аъзоларини мақсадли равишда ва аниқ йўналтирилган тарзда ижтимоий ҳимоялашга эришиш;

– Ёрдამга муҳтож оилаларни ижтимоий ҳимоялаш;

– Оилаларда фарзандларнинг ишга бўлган муносабатларини яхшилаш, уларда меҳнатсеварликни, Ватанга бўлган муҳаббатни уйғотиш ва ҳоказолар.

Мақсад сари интилишнинг фаровон ҳаётни таъминлаши ҳақидаги масала беназир аллома Абу Али ибн Сино асарларида ҳам илгари сурилган. Ибн Сионинг фикрича, инсонлар жамоа бўлиб яшашлари учун ўзаро мулоқотда, турли муносабатларда бўлишлари, бир-бирларининг эҳтиёжларини қондириш учун хизмат қилишлари ва умумий интилишга, мақсадга эга бўлишлари лозим.

Аллома ўзининг «Ишорат ва Танбиҳот» асарида шундай таъкидлайди: «Инсон ўз шахсий талаблари жиҳатидан бошқалардан ажралган ҳолда яшай олмайди, чунки у инсониятнинг бошқа вақиллари билан муносабатда бўлибгина уларни қондира олиши мумкин. Бунинг учун барча жамоа аъзоларини бирлаштириб турувчи ҳуқуқий қонунлар зарур бўлади». Шу жиҳатдан қараганда Ибн Сионинг фаровон ҳаёт ҳуқуқий қонунлар билан муҳофаза қилиниши ҳақидаги фикрлари ғоят қимматлидир. У бу борада шундай ёзади: «... ўзаро боғлиқлик ва алмашув жараёнида инсонлар бир-бирларини қандайдир муҳтожликдан холи этидилар. Бунинг учун инсонлар ўртасида ўзаро қелишув зарур бўлиб, бу қелишув туфайли адолат қондалари ва қонунлари ўрнатилди. Қонуншунослик эса бу қондаларга бажарилиши шарт бўлган мажбурият тусини беради. Шунингдек, у ёмон ишларни қилувчиларга ҳам, яхши ишларни рўёбга чиқарувчиларга ҳам баҳо бериши зарур. Бунинг учун олий қонуншунос ва судьяни тан олиш зарурки, инсонлар ўз фаолиятларида уларнинг ҳуқуқларидан фойдалансинлар».

Демак, ҳар қандай жамиятда фаровонликка эришилиши учун жамият, давлат миълум адолатни ҳимоя этувчи ҳуқуқий қонунлар асосида идора этилиши, адолатсизликка йўл қўйилмаслиги керак.

АХБОРОТ ГЛОБАЛЛАШУВИ ДАВРИДА МАЪНАВИЙ ТАХДИДЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ

*М.СОБИРОВА – ф.ф.н. доцент.ТДПУ «Миллий гоя ва
маънавият асослари» кафедраси мудири
И.ХОЛИҚОВ – т.ф.д., ТДПУ профессори*

Маълумки, XX асрнинг охирида дунёда жаҳоншумул воқеалар рўй берди. Унинг сиёсий харитаси, жумладан, Марказий Осиёнинг манзараси тубдан ўзгариб кетди. Собик СССРнинг парчалалиши, унинг ҳукмрон мафқурасининг барбод бўлиши ва Марказий Осиёдаги республикаларнинг ўз мустақиллигини қўлга киритиши минтакамизда янги ижтимоий-сиёсий, мафқуравий вазиятни ҳам вужудга келтирди. Ушбу вазиятнинг моҳияти қуйидагилардан иборат: биринчидан, собик шўролар ҳукмронлиги шароитида коммунистик мафқура, минтака халқлари азалдан қон-қариндош бўлишларига қарамадан, уларни зўрма-зўраки «бирлаштириб» турган эди. У минтака халқлари онгига зўравонлик билан, «СССР – ягона Ватан» ва «Совет халқи – янги тарихий бирлик» – деган сохта тушунчаларни сингдиришга зўр бериб уринар эди. Минтака халқлари ўзларининг тарихий ва маънавий яқинлашиш интилишларига нисбатан мафқуравий таъйик бениҳоя кучли эди. Иккинчидан, минтакадаги миллатлар ўз мустақиллигини қўлга киритганларига қарамадан, 1991 йилгача собик марказ ўз ҳукмронлигини қайтадан тиклашга мойил эди. Шунинг учун ҳам у минтака мамлакатларини бир-бирига қарама-қарши қўйиш, миллатлараро зиддиятларни келтириб чиқариш каби сиёсатни давом эттирди. Бу, ўз навбатида, ўша даврда, маълум даражада минтака халқларининг ўзаро муносабатларига ҳам муайян таъсир кўрсатди. Маълумки, собик мустабид тузум ўрнида янги мустақил давлатлар шаклланди. Ҳукмрон мафқура барҳам топгач, унинг ҳудудида маълум муддат ғоявий-мафқуравий бўшлиқ (вакуум) вужудга келди.

1990 йилларнинг бошларида бундай мафқуравий бўшлиқ бироз муддат Ўзбекистон ҳудудида ҳам пайдо бўлди. Унинг объектив сабаблари қуйидагича: биринчидан, яқна ҳукмрон, большевистик-коммунистик мафқура бамисоли таназзулга юз тутди ва унинг ўрни бўшаб қолди, иккинчидан, Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритган бўлса-да, жамият фуқароларини истикбол йўлида сафарбар этувчи, бирлаштирувчи мафқураси ҳали тўла-тўқис шаклланмаган эди, учинчидан, ғоявий бўшлиқ пайдо бўлган жойда муқаррар тарзда бошқа ёт ва бегона мафқуралар хуружи бошланади. Ўтиш даврида, янги қарашлар мустахкам эътиқодга айланиб улгурмаган пайтда, ташқи мафқуравий таъсирларнинг яхши ва ёмон, фойдали ва зарарли эканини ҳамма ҳам фарқлай олмайди. Ўзбекистондаги мафқура майдонига бегона, халқимизнинг орзу-интилишларига мутлақо ёт ғояларнинг тажовузи ана шу билан изоҳланади. Марказий Осиё мамлакатлари ўз мустақиллигини қўлга киритиб, тараққиёт сари қадам ташлаётган ҳозирги шароитда ҳам жаҳондаги маълум бир сиёсий кучлар, мафқуравий полигонлар улкан иқтисодий салоҳият ва қулай геополитик мавқега эга бўлган бу минтақани ўз манфаатлари доирасига тортиш ҳаракатларидан тўхтагани йўқ. Улар ўз мақсадларига эришиш учун таъсир ва босим ўтказишнинг барча шаклларини қўллади ва қўлламоқда.

Жумладан, Марказий Осиё мамлакатларининг ўзаро иқтисодий интеграция-

¹ С.Отамуродов, С.Мамашокиров, А.Холбеков, М.Лафасов. Марказий Осиё – ғоявий жараёнлар ва мафқуравий таҳдидлар. –Т.: «Ўзбекистон файласуфлар миллий жамияти», 2001. 14-15-бет.

лашув жараёнига тўскинлик қилишдек, таъсир этиш ҳолатлари содир бўлаётганлигини таъкидлаш мумкин. Бу мақсадда минтақада тарихан шаклланган ижтимоий-иқтисодий, маданий, марифий алоқаларни издан чиқариш, дўст ва биродар давлатлар, халқлар ва миллатлар ўртасига низо солиш, кескин ўчоқларини келтириб чиқариш учун турли ғоявий, диний ва мафқуравий воситалар ишга солинмоқда. Бу ҳолат глобаллашув даврида оммавий тус олди десак муболага бўлмайди.

Глобаллашув жараёни халқимизга тобора тез ва чуқур кириб келаётганининг асосий омилли ва сабаби хусусида гапирганда шунини объектив тан олиш керак. Бугунги кунда қайси давлатнинг тараққиёти ва равнақи нафақат яқин ва узок қўшнилар, балки жаҳон миқёсида бошқа минтақа ва ҳудудлар билан шундай чамбарчас боғланиб бораптики, бирор бир мамлакатнинг бу жараёндан четда туриш ижобий натижаларга олиб келмаслигини тушуниш, англаш қийин эмас. Президентимиз таъбири билан айтганда: «...глобаллашув бу аввало ҳаёт суръатларининг бекиёс даражада тезлашуви демакдир»¹.

Ҳар бир ижтимоий ҳодисанинг ижобий ва салбий томони бўлгани сингари, глобаллашув жараёни ҳам бундан мустасно эмас. Ҳозирги пайтда унинг ғоят ўткир ва кенг камровли таъсирини деярли барча соҳаларда кўриш мумкин. Айниқса, давлатлар ва халқлар ўртасидаги интеграция ва ҳамкорлик алоқаларининг кучайиши, хорижий инвестициялар, капитал ва товарлар, ишчи кучининг эркин ҳаракати учун қулайликлар вужудга келиши, кўплаб янги иш ўринларининг яратилиши, турли кадриятларнинг умуминсоний негизи уйғунлашуви, цивилизациялараро мулоқотнинг янги сифат касб этиши, экологик офатлар пайтида ўзаро ёрдам кўрсатиш имкониятларининг ортиши-табiiийки, буларнинг барчасига глобаллашув туфайли эришилмоқда. Айни пайтда ҳаёт ҳақиқати шунини кўрсатадики, ҳар қандай тараққиёт маҳсулидан икки хил мақсадда-эзгулик ва ёвузлик йўлида фойдаланиш мумкин. Агарки башарият тарихини, унинг тафаккури ривожини тадрижий равишда кўздан кечирадиган бўлсак, ҳаётда инсонни камолотга, юксак марраларга чорлайдиган эзгу ғоя ва таълимотлар билан ёвуз ва зарарли ғоялар ўртасида азалдан кураш мавжуд бўлганини ва бу кураш бугун ҳам давом этаётганини кўрамиз.

Глобаллашув жараёнининг яна бир ўзига хос жиҳати шундаки, ҳозирги шароитда у мафқуравий таъсир ўтказишнинг ниҳоятда ўткир қуролга айланиб, ҳар хил сиёсий кучлар ва марказларнинг манфаатларига хизмат қилаётганини соғлом фикрлайдиган ҳар қандай одам, албатта, кузатиши муқаррар. Президентимиз таъбири билан айтганда, «...бугунги замонда мафқура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кўпроқ кучга эга»². Бу масаланинг моҳияти шундаки, ҳарбий, иқтисодий, сиёсий тазйик бўлса, буни сезиш, кўриш, олдини олиш мумкин, аммо мафқуравий тазйикни, унинг таъсири ва оқибатларини тезда илғаб етиш ниҳоятда қийин. Ана шундай вазиятда одам ўз мустақил фикрига, замонлар синовидан ўтган ҳаётий – миллий кадриятларга, соғлом негизда шаклланган дунёкараш ва мустақил иродага эга бўлмаса, ҳар турли маънавий таҳдидларга, уларнинг ошқора, гоҳ пинхона кўринишдаги таъсирини бардош бериши амримаҳол.

Маълумки, бугунги кунда ёшларимиз нафақат ўқув даргоҳларида, балки радио-телевидение, матбуот, интернет каби воситалар орқали ҳам ранг-баранг ахборот ва маълумотлар олмоқда. Юқорида таъкидлаганимиздек XXI аср бошига

¹ Исом Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: «Маънавият», 2008. 111-б.

² Исом Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: «Маънавият», 2008. 111-б.

келиб бутун дунёда глобаллашув жараёни шу қадар кучайиб келдики, ундан тўла ихоталанган бирорта ҳам давлат йўқ. Хатто халқаро ташкилотлардан узокрок туришга интилаётган мамлакатлар ҳам бу жараёндан четда эмас. Бугунги ахборот асрида интернет тармоғи дунёни тобора кенгрок ўз тўрига ўрамоқда. Мамлакатимизда мазкур тизимдан фойдаланувчилар сони 8 миллион кишини ташкил этган бўлса, сайёрамизда бу рақам 2 миллиард нафардан кўпрокни ташкил этади.¹

Афсуслар билан шуни таъкидлаш керакки, ундаги ахборотларнинг салмокли қисми манфур кучлар томонидан муайян стратегик мақсадларни кўзлаб тарқатилганлиги боис интернет ахборот урушларнинг асосий қуролига айланиб бормоқда. Масалан, йирик ижтимоий тармок – Facebook ўз тизимига ҳар куни 600 миллиарддан ортик ташрифи бўлаётгани ва уларнинг 600 минги ўзгаларнинг хабарлари, фотосуратлари ва бошқа шахсий маълумотларини қўлга киритиш илинжида бўлган ғараз ниятли кимсалар томонидан содир этилаётганини маълум қилди. Кейинги пайтларда айрим давлатлардаги турли намойишлар, кўпорувачилик ҳаракатларини амалга оширишда ҳам мазкур ижтимоий тармокдан фойдаланаётгани сизу биздан огоҳликни талаб этади.

Бугун ядро қуроли ишлаб чиқариш бўйича 20 га яқин давлатларда ҳаракат бўляпти. 120 га яқин давлат эса ахборот хуружларини уюштириш устида иш олиб бормоқда. Бунинг учун хатто миллионлаб маблағ сарфлашдан ҳам тап тортишмаяпти. Энг ёмони, ёшларнинг 90 фоизи асосий ахборот манбаи сифатида интернетга мурожаат қилишади. Айни пайтда тизимда ўз жонига қасд қилишнинг осон йўллари тарғиб қилувчи, 9 минг бехаё, шахвоний мазмундаги 4 мингдан зиёд сайдлар мавжуд, 49 фоиз болалар ва ўсмирлар онлайн орқали тарқатиладиган порнография таъсирига бутунлай қарам бўлиб қолган. Халқаро экспертлар дунё микёсида 38 фоиз бола зўравонлик руҳидаги сайтларни 26 фоиз бола миллатчилик характеридаги веб-саҳифаларни мунтазам кузатиб боришини аниқлашган².

Мухолифларимизнинг ҳаракатларига қарши маънавий-маърифий тарғиботни кучайтириш, вояга етмаган ёшларга оид миллий қонуночилигимизга маънавий таҳдидлар, ахборот хуружларининг олдини олишга қаратилган зарур ўзгартириш ҳамда қўшимчалар киритиш зарур. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бутун юртимизда интернетдан фойдаланувчилар сонининг 8 миллиондан ошганини ҳисобга олсак, мазкур халқаро ахборот тармоғини миллий маълумотлар билан тўлдириш энг долзарб заруриятдир. Таъкидлаш жоизки, бу борада бир қатор ютуқларга эришилмоқда. Жумладан, 2002 йилда «уз» доменидан атиги 587 та сайт фаолият юритган бўлса, энди уларнинг сони 12 мингдан ошиб кетди. Шундан 160дан ортиги ОАВ сифатида рўйхатга олинган. Ахборот-кутубхона марказларининг фонди ҳам 21401 нусхадаги адабиётга кўпайиб, 4 миллион 952 минг 132 нусхани ташкил этмоқда.

Бутун бизга, бир қарашда арзимас бўлиб туюладиган кичкина хабар ҳам глобаллашув шиддатидан қуч олиб, кўзга кўринмайдиган, лекин зарарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган даражага етиши мумкин. Халқимиз тома-тома қўл бўлур деб бежизга айтмаган. Демак, бутун жамоатчилигимиз бундай таҳдидларга қарши ҳар томонлама чуқур ўйланган, илмий асосда пухта ташкил этилган, узлуксиз олиб бориладиган маънавий тарбия билан жавоб беришимиз лозим.

¹ «Мохият» газетаси 2012 йил, 13 апрель.

² Ўша манба.

ОНЛА МУСТАҲКАМЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ЗАРАРЛИ ТАЪСИРЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШГА ДОИР ИЖТИМОЙ- ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАР

Ш. Тўраев – фалсафа фанлари номзоди

Ҳар бир жамиятнинг ижтимоий-тарихий ривожиди зарарли ғоя ва қарашларни ушла мужассам этган ҳаракатлар бўлган. Бундай шароитларда жамиятнинг илгор кинилари ёрқин қарашлар ғоялар ва ёндашувларни илгари суриши билан қарши курашни методологиясини тавсия қилган. Табиийки, бундай тавсиялар негизини Президентимиз Ислоҳ Қаримов қайд этганидек, «ғояга қарши ғоя, фикрга қарши фикр ва жаҳолатга қарши маърифат» ташкил қилган.¹

Ўзбекистон жамиятининг тарихий-ижтимоий ривожиди зарарли таъсирлар мавжуд бўлганлигини ва унга қарши ижтимоий-фалсафий қарашлар мажмуи илгари сурилганлигини кузатиш мумкин. Шу жиҳатдан қуйидагиларга эътибор қаратиш мумкин:

1. **Ёвузликка қарши эзгулик.** Бу масала ҳақида қадимги даврдаёқ идрок этилгани маълум. Табиат, жамият ва инсонни ёвузликдан ҳимоя қилиш мақсадида «Авесто»да эзгулик ғояси илгари сурилади. Бунинг учун инсонда эзгу фикр, сўз ва амал ҳосил қилиш билан уни ёвузлик иллатига қарши курашга отлангириш мумкин. Савол туғилади: ёвузликни эзгулик билан енгиб бўладими? Бу саволга «Авесто» инсонч билан «ха» деб жавоб беради. Чунки эзгуликда адолат, ҳақиқат ва тўғаллик мужассам, ёвузликда эса нодонлик, ёлгон ва мазмунсизлик мавжуд. Шу сабабли ёвузликни эзгулик енга олади.

2. **Тарқокликка қарши бирлик.** Жамиятда тарқоклик, парокандалик ва заифликни келтириб чиқаришга мойил ҳаракатлар мавжуд бўлади. Мисол учун. Турк ҳоконлиги даврига (VI–VIII асрларга) оид битиктошларда қайд этилишича, бойлик, хорж маҳсулотига ошuftалик ва уруғлараро низолар жамиятда тарқоклик иллатини келтириб чиқара бошлаган. Бундай шароитда Ватан, халқ ва давлат манфаати йўлида бирлашиш ғояси ўртага ташланади. «Кечаси ухламадим, кундузи ўтирмадим ва халқни бирлаштирдим», – дейди Шаҳзода Йўллик Тегин. Унга қўра, тарқокликка қарши ватанпарварлик, нафси тўқлик ва ҳақиқатқўйлик бирлаштирувчи ғоя бўла олади. Негаки, «шу бўз ер шу элга берилган» ва бунга муносиб бўлиш керак.

3. **Мутаассибликка қарши эътиқодлилик.** Инсоният тарихида (VIII–XX аср I-чораги) жамиятда баъзан мутаассиблик (факат ўзини чинакам эътиқодли деб билиш) урининлари бўлгани маълум. Бунга қарши соғлом эътиқодли, яъни эътиқодда ўзгалар ҳақ-ҳуқуқларини ҳам ҳисобга олиш ғояси илгари сурилган. Соғлом эътиқодлилик турли кўринишларда талқин қилиб берилганлиги билан кўзга ташланади. Масалан, Мотуридий унинг маърифатлилик, Форобий фазилатли, Беруний бағрикенглик, Ибн Сино ахиллик, Аҳмад Яссавий донолик, Алишер Навоий комиллик, Бобур ватанпарварлик, Аҳмад Дониш маданиятлилик ва Фитрат биродарлик кўринишларини илгари суради. Бу масалада Нашқбанд ва унинг издошлари амал қилган, «Дил Аллоҳда, қўл меҳнатда» (Хожи Аҳрор Валийда «Зоҳир халққа, ботин Ҳаққа») тамойили муҳим аҳамиятга эга. Бундай қарашлар мутаассибликка қарши эътиқодлиликни қўйиш тўғрилигини кўрсатади.

¹ Қаримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: «Маънавият», 2009. 119-120-бетлар.

4. **Исканжага қарши оилапарварлик.** Собиқ шўро даврида халқимизнинг ҳар томонлама маънавий ва ахлоқий жиҳатдан исканжага олингани маълум. Догматик коммунистик мафкура миллий маданиятимизни, менталитетимизни ва ўзлгимизни инкор қилар эди. Бундай зарарли таъсир шароитида халқимиз исканжага қарши оилапарварликни қўйди. Унга кўра, одамлар оилада бирлашишди, оилада миллий тарбияни, авлодлар давомийлигини, анъаналар собитлигини ва менталитет соғломлигини сақлашни таъсис этди. Оилада миллий турмуш-тарзи давом этди ва жамиятда эса бунинг тескараси эди. Ёшлар илм олиш ва фан билан шуғулланишда давом этди. Натижада догматик коммунистик мафкура халқимизни маънавий енга олмади, чунки одамларимиз туни билан миллий колорит билан суғорилган Навойнинг асарларини, Абдулла Қодирийнинг романларини, Саид Аҳмад ва Шукур Холмирзаев хикояларини, Абдулла Орипов ва Эркин Воҳидов шеръларини ўқир эди. Булар исканжага қарши одамларимизда ғоя ҳосил қила олгани шубҳасиздир.

5. **Жаҳолатга қарши маърифат.** Мустақиллик даврида Президентимиз Ислон Каримов томонидан «жаҳолатга қарши маърифат» ғояси илгари сурилди. Унга кўра, вайронкор ғояларга қарши бунёдкор ғоялар билан, фикрсизликка қарши мустақил фикр билан ва билимсизликка қарши таффакур билан курашиш лозим. Бу маънавият ҳисобланади ва уни амалга оширишда мустаҳкам оила ҳамда бирлашган маҳалла институтларининг роли беқиёсдир.

Жаҳолатга қарши маърифат демократик жамият шароитида ғоявий соғломликни, фикрий мустақилликни ва миллий ўзликни таъсис этади. Буни амалий тажрибамизда кўриб келмоқдамиз.

Зеро, зарарли таъсирларга қарши курашишга доир ижтимоий-фалсафий қарашлар анъанавий меросимизда мавжуд. Эндиги вазифамиз улардан унумли фойдаланишдир.

ОИЛА МУҲИТИДА АХЛОҚИЙ ҚОНУНИЯТ ВА ТАМОЙИЛЛАР ФУНКЦИОНАЛЛИГИ

*М.М.ҚАҲҲОРОВА – ТДПУ «Ўзбекистонда демократик жамият
қуриш назарияси ва амалиёти» кедраси мудури ф.ф.н.,доцент*

Маънавий-ахлоқий муҳитни таҳлил қилганда, ундаги тарихий-маданий, этносоциал хусусиятларни ҳисобга олиш зарур. Чунки, айримлар «донишмандона яшаш тажрибаси», бошқалар «бахт-саодатга олиб боровчи йўл», учинчилари эса «абадий ҳаётга етиш учун илоҳий қонунларга амал қилиш манбаи»¹, яна бошқалар эса «персонал макон»*, «хулк-атвор жойи»*, «хаётий макон»² деб талқин қилган жамият маънавий-ахлоқий муҳитини шакллантиришнинг меъёрлари, тамойиллари ва кадриятлари жамиятнинг ривожланиш манбаи бўлган ижтимоий-тарихий жараёнда вужудга келади ва тўлиқ намоён бўлади.

Масалан, Фарб фалсафасида ҳар қандай муаммонинг ечими манфаатлардан

¹ Голубева Г. Этика. – М.: Экзамен, 2005. – С.100.

² Қаранг: М.Ақромов. Экологик психологиянинг фан сифатида шаклланиши // Педагогик таълим, 2011. – №3. – 24-29-б. («персонал макон»* Р.Соммернинг монографияси, «хулк-атвор жойи»* Р.Баркер концепцияси, «хаётий макон» К.Левин концепцияси*)

олиб бериш Манфаатлар силсиласида иктисодий манфаат устувор аҳамиятга эга. Бугунги ёндашув инсонийлик, эзгулик сингари ахлокий тамойилларнинг ҳудудини олиб келмоқда. Натижада «Ғарбий европаликлар инсоннинг ички, ахлоқий, руҳий дунёси мавжудлигини эсдан чиқаришди»¹. Рус олимлари Г.И.Мещенникова ҳамда Е.В.Поповлар эса Ғарбий европаликлар эришган цивилизацияда севги фоҳишалик билан, дўстлик ҳисоб-китоб билан, яқин кишиларга ёрдам эса садақа билан алмаштирилди², – деб таъкидламоқда. Бугунги Ғарб дунёсида индивидуализм, эгоизм, конформизм, маргиналлик, шафқатсизлик инсонларни шахс сифатларига айланиб улғирди.

Шарк халқлари учун эса аҳил, муросада яшаш бош кадриятдир. Инсон шайх, обрў-эътибори, нафсонияти, орияти, виждони ушбу тарихий-маданий парадигма асосига қурилган. Маънавий талаблар эса Ўз-Ўзидан кадриятлар каторини тўлдиришни, мантикий равишда бирининг кетидан иккинчисини қўйишни (кақозо этади. Ота-онага эҳтиром, ака-уканинг ўзаро ҳурмати, қавму қариндошлар тоғувлиги, қўни-қўшилар аҳиллиги ахлокий кадрият сифатида муайян кетма-кетликда, кадрланиш даражасига қўра, муайян шаклда ўрин олган.

Иерархия – шарқона турмуш тарзини белгиловчи мувозанат меъёри ҳисобланади. Иерархик тизим ижтимоий муносабатларнинг эволюцион кечишига, инкирозлар ва инкилоблар рўй бермаслиги учун кафолат вазиғасини ўтаган³. Шундай қилиб, Шарк халқлари учун инсонпарварлик асосида қурилган пастанд-юкорига, босқичма-босқичликка, тадрижийликка риоя қилинувчи муносабатлар тизими-иерархик тенглик мос келади. Иерархик тенглик, Шарк донишмандлари таъкидлаганидек, сабр-қаноат, инсоф-диёнат, ўзаро ҳурмат, ахлоқ-одоб каби фазилатларга таянади. «Маънавий ва ахлоқий покланиш, имон, инсоф, диёнат, ор-номус, меҳр-оқибат ва шу каби чинакам инсоний фазилатлар Ўз-Ўзидан келмайди. Ҳаммасининг заминида тарбия ётади»⁴ деб қайд этганда Президентимиз оила маънавий-ахлоқий муҳити ва кежакка муносабат масаласи бўйича стратегик йўналиш масаласини аниқ белгилаб берган эди. Ижтимоий мавжудот сифатида одамзод тарихан таркиб топган муайян бир жамият бағрида яшаб, ундаги кичик ва катта муҳитдагина Ўз қобилиятлари, истеъдодларини намоен этиш имкониятига эга бўлар экан, демак, мана шундай шарт-шароит яратиб берган жамият ижтимоий ҳаётнинг барча йўналишларидаги тарбиянинг умумий мазмунини ташкил этмоғи муҳимдир. «Токи, ўсиб келаётган ёш авлод ўзи яшаши лозим бўлган жамият қонун-қондалари, одоб-ахлоқ нормалари доирасида яшаш қўникмаларини ҳосил этиш учун астойдил кураш жараёнидагина у қомиллик мартабасига эришиши мумкинлигини англаб етсин»⁵.

Илмий назарий қарашларнинг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, маънавий ахлоқий муҳит шахс ва жамият муносабатларини, манфаатларини уйғунлаштириш асосида шаклланади. Манфаатлар эса ҳар доим ҳам ижобий бўлавермайди,

¹ Каранг: Кавелин К.Д. Наш умственный строй. – М.:1989. – С.7.

² Человек в мире культуры: Восток и Запад // Основы философии. – М.: Гуманитар изд. Центр ВЛАДОС, 1997. – С.190.

³ Ботасина Р.Н. Этика деловых отношений. – М.: Финансы и статистика, 2005. – С. 13-14.

⁴ Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – 432-бет.

⁵ Каримов Иброҳим. Ноосфера: геосиёсат ва мафкура. – Т.: Фан, 2007. – 162-163-бет.

уларда салбий томонлар ҳам мавжуд. Бу эса маънавий-ахлоқий мухитни шакллантиришдаги ижобий ва салбий омилларни классификация қилишга ундайди. Салбий омилларни ислоҳ этиш жамиятимиз равнаки учун маънавий-ахлоқий имунитетни шакллантиришни тақозо этади.

Ўзбекистоннинг стратегик мақсади юксак маънавиятли авлодни тарбиялашдир. Ушбу мақсад салбий, деструктив омилларни бартараф этиб, маънавий-ахлоқий мухитни шакллантириш учун зарур ижобий, яратувчанлик омилларини кўпайтиришга ундайди. Чунки, «Инсон айнан ижтимоий мухитда ўз эҳтиёжларини қондириш ва ўз имкониятларидан фойдаланиш йўлини топади. У айнан шу ерда ўз хис-ғуйгуларини, табиат ато қилган самимийлик, дўстлик, меҳрибонлик, бағрикенглик ва изтироб чекиш фазилатларини кўрасади»¹. Жамиятда ижобий ва салбий омилларнинг таркиб топиши ёки одамларни уларнинг таъсирига тушиб қолиши муайян мухитда рўй беради. Худди шу ўринда жамият маънавий-ахлоқий мухитининг таркиби намоён бўлади.

Уларнинг микро, мезо, макро даражалари мавжуд. Улар ичида муҳим ўрин тутадиган ижтимоий мухит қисмларидан бири оила мухитидир.

Оила мухити ота-она ва фарзандларнинг айнан бир шароитда яшаб, ўзаро иктисодий, ҳуқуқий, репродуктив ва маънавий-ахлоқий муносабатларга киришишидан юзага келадиган мухитдир. У умумий ва хусусий жиҳатларга эга. Барча оилаларга хос ҳолатлар умумий хусусиятни, айрим оилага хос одатлар индивидуал хусусиятини ифодалайди. Оила мухити жамият маънавий-ахлоқий мухитининг бирламчи негизидир. Чунки оилаларда маънавий-ахлоқий тарбия асосий масала ҳисобланади. Инсоннинг ҳаёти ва турмуши, айниқса, ёш авлоднинг камол топишида оиланинг ўрни ва вазифаси бекиёс. Президентимиз Ислоҳ Каримов таъкидлаганидек: «Бола туғилган кундан бошлаб оила мухитида яшайди. Оилага хос анъаналар, қадриятлар, урф-одатлар бола зуваласини шакллантиради. Энг муҳими, фарзандлар оилавий ҳаёт мактаби орқали жамият талабларини англайди, хис этади»². Халқимиз тарихига назар ташлайдиган бўлсак, энг қимматли анъаналар: ҳалоллик, ростгўйлик, ор-номус, шарму-хаё, меҳр-окибат, меҳнатсеварлик каби барча инсоний фазилатлар, энг аввало, оилада шаклланган. Оила эр-хотин, уларнинг фарзандлари, энг яқин туғишганларидан иборат гуруҳ, бошқача айтганда, хонадони, яъни микромухитдир. Миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда оиланинг ўрни бекиёс. Инсоннинг энг соф ва покиза гуйгулари, илк ҳаётий тушунча ва тасавурлари оилада шаклланади. Боланинг характерини, табиати ва дунёқарашини белгилайдиган маънавий-ахлоқий тушунча, мезон ва қарашлар яхшилик ва эзгулик, олийжаноблик ва меҳр-окибат, ор-номус ва андиша каби муқаддас фазилатларнинг пойдевори оилада қарор топади. «Шунинг учун ҳам айнан оила мухитида пайдо бўладиган ота-онага ҳурмат, уларнинг олдидаги умрбод қарздорлик бурчини чуқур англаш ҳар қайси инсонга хос бўлган одамийлик фазилатлари ва оилавий муносабатларнинг негизини, оиланинг маънавий оламини ташкил этади»³. Жумладан тадқиқотчилар оиланинг микромухитда муҳим ўрин тутишини ва оилада инсон ватанпарварлик, миллатпар-

¹ История в энциклопедии Дидро и Д.Аламбери. – М.: Наука, 1978. – 63 с.

² Қаранг: Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – Б. 52-55.

³ Ўша манба.

«фрэнк» чамалатпарварлик руҳида тарбия топишини алоҳида таъкидлашади¹. Ўзбек оила ва кўп бўғинли микромуҳитлар мажмуи унинг ҳар бир аъзоси ўз мавқеига эга, улар шу оқибатнинг ички интизомига бўйсуниб яшайди. Шу маънода, оила жамият ички интизомига муҳит ичидаги муҳитдир. Бу муҳитнинг ўз ҳудуди, қонун-қоидаси бор. Бунда кўплаб микромуҳит анъаналари, урф-одатлари, маънавий-ахлоқий меъёрлар сайқал топади. Улар ворислик қонуниятига мувофиқ такомиллашиб боради. Оила мазкур асосларга таянган ҳолда кишилиқ тафаккури ва ижтимоий ҳаракатнинг улут кашфиёти даражасига етган. Инсон учун муқаддас муҳит ҳисоблангани оила уларнинг табиий, иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий ва маънавий-ахлоқий муносабатлари замирида вужудга келади. Оилада муайян микромуҳитдаги содлом турмуш тарзи ва маънавий-ахлоқий муносабатлар муҳим роль ўйнаб қолмай, унда бошқариш, назорат, йўналтириш, жазолаш каби ахлоқий вазифалар ҳам бажарилади. Барқамол авлодни тарбиялаш ва мукамалликка етказиш оиладан бошланади. Инсон ўз ҳаётини оиласиз тасаввур қила олмайди ва айнан мана шу оила муҳитида у жамият аъзоси сифатида камолотга эришади. Оиладаги тарбия муҳити авваламбор оилавий муносабатлар маданиятига боғлиқ бўлади. Хуллас, ёш авлоднинг ахлоқий камол топишида оила муҳитининг ўрни ва роли бениҳоя катта.

Бизнинг жамиятимиз ўзига хос менталитетга эга бўлганлиги учун унда микромуҳитнинг таъсир кучи бўртиб туради. Жамиятимизнинг микромуҳитида ахлоқийлик тўлиқ сакланган ва бу ҳол бутун жамиятда умумий маънавий-ахлоқий даражани талаб савиясида келтириб чиқаришга таъсир кўрсатади. Ўзбекистонда яшайдиган рус тилида гаплашувчи кенг қатлам аҳоли ҳам микромуҳит таъсирида ўзига хос ахлоқий маданият ҳосил қилган. Мисол учун, рус диаспараси Россиядаги рус аҳолисига нисбатан оила феноменига қатъий амал қилади, оилавий тарбияга ва қариндош-уруғлар билан муносабатларга катта эътибор беради. Демак, бизнинг жамиятимизда микромуҳитнинг мезо ва макро муҳитларга таъсир кучини кўриш мумкин. Маълум бўладики, жамиятимиз маънавий-ахлоқий муҳитининг даражасини белгилашда микромуҳит мезон ролини бажаради.

Оила муҳитида шаклланган ижтимоий-ахлоқий меъёрлар жамиятнинг маънавий-ахлоқий кифасини талаб даражасида шакллантиришга катта таъсир кўрсатади. Бунда этиканинг яхшилик ва ёмонликни фарқлаш, виждон, ор-номус (шаън), адолат, эркинлик, ҳақгўйлик, ҳаёт мазмуни, бахт каби категорияларини тўғри тушунириш ва тушуниш масаласи маънавий-ахлоқий муҳитнинг негизи бўлиб хизмат қилади.

Бу ўринда оила муҳитида маънавий ҳамкорликни юзага келтирувчи қуйидаги ахлоқий меъёрлар муҳим ўрин тутганини таъкидлаш лозим:

1. *Яхшилик ва ёмонликни фарқлаш.* Ҳар бир шахсда яхшилик ёки ёмонликни фарқлаш туйғусининг шаклланиши жамиятда мўътадил маънавий ҳамкорлик руҳиятини таркиб топтиришга хизмат қилади. Ҳаётда мутлақ даражадаги яхшилик ёки мутлақ даражадаги ёмонлик йўқ. Бир шахсда ҳам яхшилик, ҳам ёмонлик хусусиятлари бўлиши табиий ҳолат. Маънавий ҳамкорлик шахслар ўртасида мазкур икки зиддиятнинг «оралиқ йўли»ни танлаш имконини беради. Бунинг маъноси шуки, шахснинг яхшиликларни қабул қилиниб, ёмонликларни ислоҳ этилади.

¹ Узоқов Х., Ғозиев Э., Орипова Л. Оила ахлоқи ва одоби. – Т.: Фан, 1995. – Б.171-276.

2. *Виждонли бўлиш.* Ҳар бир шахсда виждон туйғуси бўлади. Шахс жамиятда муносабатга киришар экан, виждоний ахлоқ меъёрлари ва қоидаларига риоя қилади. Шахснинг виждонлилиги ўзга шахсда собитликни уйғотади, натижада шахслараро маънавий ҳамкорлик меъёрий асосга қурилади.

3. *Ор-номусли бўлиш.* Шахсда уят, ҳаё, ибонинг бўлиши унинг ор-номусли киши сифатида фаолият кўрсатишига асос бўлади. Натижада ўзга шахснинг шаънини сақлаш, унинг ҳаёти, эркинлиги ва ҳуқуқларига дахл қилмаслик таркиб топади. Бу ҳол жамият аъзолари ўртасида маънавий ҳамкорлик учун муҳим асос яратеди.

4. *Бахтли яшаш.* Ҳар бир шахсда бахтли яшаш истаги мавжуд. Бу табиий ҳол. Бугунги инсониятнинг ривожланиш жараёни шахснинг яқка ҳолда бахтли яшай олмаслигини кўрсатмоқда. Жамият «робинзонлар»ни эмас, жамоа бўлиб яшовчиларни тақозо этмоқда. Бу ҳол жамиятда шахсларнинг бахтли яшашлари учун маънавий ҳамкорлик қилишларини зарур эҳтиёж даражасида қўради.

Зеро, жамиятда шахсларнинг маънавий ҳамкорлиги зарурий ахлоқ ҳодисасидир. Бинобарин, маънавий-ахлоқий ҳамкорлик ижтимоий келишувчанлик бўлиб, у бир мақсад сари бирлашган кишиларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан уюштириш, уларни ўзаро ёрдам ва умумманфаат қўришга йўналтиришдир. Жумладан, оила бошлиқлари билан болалар муносабати, ўзаро тотувлик, меҳр-оқибат, ғамхўрлик, яъни хонадон қарияларига ҳурмат, эътибор тўғри тарбия воситаларининг самарадорлиги, ўз бурчига масъулиятни теран ҳис этиш каби оила маданиятининг нозик қирраларининг қай бирида мутаносиблик бузилса, демак, ўша оиладаги соғлом муҳитга путур етади.

Фикримизча, маънавий-ахлоқий ҳамкорлик категорияси учта тамойилга асосланади:

1. Инсонпарварлик.
2. Тенглик.
3. Ошқоралик.

Маънавий-ахлоқий ҳамкорлик категорияси тамойиллар асосида шахслараро муътадил муносабатни шакллантиради. Бунда шахснинг фикр қашшоқлигига қарши қурашиш, янгича фикрлаш, миллий маънавий уйғонишни йўлга қўйиш, умумманфаатни рўёбга чиқарувчи мақсад сари ҳаракат қилиш фаолияти таркиб топади.

Таъкидлаш лозимки, оилада маънавий-ахлоқий муҳитини таъсис этишда энг мақбул йўлни танлаш лозим бўлади. Чунки оилада миллий анъаналар ўта устувор даражада қабул қилиниб муккасидан кетилса, жамият маънавий-ахлоқий муҳитида маҳдудлик, худбинлик ва мутаассиблик иллатлари пайдо бўлади. Борди-ю, умумбашарий одатлар кескин устуворлик қилса, жамият маънавий-ахлоқий муҳитида миллий қиёфасизлик, ўзликни йўқотиш ва ҳавойи идеалларга содиқлик таркиб топади. Бу муаммони ҳал қилишда бугунги фалсафий фанлар, жумладан, этика олдида муҳим вазифалар турибди.

Биз жамиятимиз бошлангич негизи оила маънавий-ахлоқий муҳитида миллий ва умуминсоний кадриятларнинг уйғун таркиб топиши тарафдоримиз. Бундай кадриятларнинг энг фойдали ва инсоний кўринишлари яшовчан бўлиб қолиши керак. Шу маънода, жамиятимиз маънавий-ахлоқий муҳитининг асослари ва меъёрларини белгилашда маънавий ва ахлоқий омилларга эътибор қилиш мақсадга мувофиқ.

III АВЛЮДИНИ БУЗГУНЧИ ҒОЯЛАР ТАЪСИРИДАН АСРАШДА ОИЛАНИНГ ЎРНИ

А.ЯХШИЕВ – тарих фанлари номзоди

XX асрнинг сўнгги ўн йиллиги мамлакатимиз ҳаётида улкан тарихий ўзгаришларни бошлаб берган суронли йиллар сифатида тарих зарваракларидан мустаҳкам урп-навади. Хусусан, 1991 йил 31 августда халқимизнинг асрий орзу-умидлари ушунга. Президент Ислам Каримовнинг қаҳрамонона сабъ-харақати ва ташаббуси билан Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги эълон қилинди.

Ўтган киска 21 йиллик вақт мобайнида мамлакатимизда асрларга татигулик улкан ўзгаришлар, бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Айниқса, ижтимоий-иқтисодий, маданий ва маънавий-маърифий соҳаларда амалга оширилган ислохотлар салмоғи халқаро миқёсда кенг эътироф этилмоқда. Бир сўз билан айтганда, мустақил Ўзбекистон Республикаси халқаро майдонда танилиб ва тан олиниб, жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли ва тўлақонли аъзосига айланди.

Жаҳон ҳамжамиятига юз берган Ўзбекистон халқаро глобаллашув жараёнлари-дан четда қолиши мумкин эмас эди ва бу жараён табиий давом этмоқда. Ҳозирги илмий-техникавий жиҳатдан ривожланган дунёда ахборот алмашинуви ниҳоятда тезлашиб кетганлиги оддий воқеликка айланиб қолди. Бундан ташқари, илгари чет элларга боришни ҳатто орзу ҳам қила олмаган халқимиз, мустақиллик шарофати билан бугунги кунда хорижий мамлакатларга эмин-эркин бориб келмоқда, кўплаб чет эллик меҳмонлар илмий ҳамкорлик, ишлаб чиқаришда шериклик қилиш, спорт мусобақаларида иштирок этиш, сайёҳлик ва бошқа турли максалларда мамлакатимизга ташриф буюрмоқда. Бугунги кунга келиб ўзбеклар ҳам халқаро меҳнат миграцияси жараёнларида фаол иштирок этиб келаётганлиги ҳам ҳеч кимга сир эмас.

Ҳар бир даврнинг ўз муаммолари бўлган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолаверади, албатта. XXI аср ҳам ўз ютуқлари билан бир қаторда, кўплаб умуминсоний ва минтақавий муаммолардан холи эмас. Лоқал уруш ўчоқларининг сақланиб қолаётганлиги, миллий ва этник низолар, демократияни олға силжитиш никоби остидаги агрессия ва босқинчилик, ядро қуролининг тарқалиб кетиш хавфи, янги-янги бедаво касалликлар ва уларга мубтало бўлаётганлар сони ортиб бораётганлиги, ичимлик суви такчиллиги, углеводород захираларининг кескин камайиб бораётганлиги, кўплаб ҳал қилиниши деярли иложсиз бўлган экологик муаммоларнинг кун сайин ортиб бораётганлиги, халқаро терроризм ва наркоагрессия хавфи XXI асрга илгариги асрдан мерос бўлиб ўтган иллатларнинг бир қисми, холос.

Юқорида санаб ўтилган муаммолар кўпроқ халқаро характерда бўлиб, улар ошқора ва яққол кўриниб турган хатарлар эканлиги билан бошқаларидан фарқланади. Яна шундай хавф-хатарлар ҳам борки, улар бирданига кўзга ташланмайди, келтириб чиқарадиган портловчи оқибатлари эса дарҳол намоён бўлавермайди, шунингдек, уларни халқаро миқёсдаги умуминсоний хатарлар сирасига ҳамиша ҳам киритиб бўлмайди, чунки улар кўпроқ лоқал ва минтақавий характерга эга бўлади. Аммо улар келтириб чиқарадиган оқибатлар бугунги глобаллашган дунёда бутун инсониятга даҳл қилиши мумкинлиги нуқтаи назаридан уларни ҳам бемалол халқаро хавф-хатарлар сирасига киритиш мумкин.

Ана шундай кўзга кўринмас хавф-хатарлардан бири бу ғоявий-мафкуравий хуружлар, яъни вайронкор ғоялар хавфидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ислол Каримов ўринли таъкидлаганидек, – «Ҳозирги вақтда кўз ўнгимизда дунёнинг геополитик, иктисодий ва ижтимоий, ахборот-коммуникация манзарасида чуқур ўзгаришлар рўй бераётган, турли мафкуралар тортишуви кескин тус олаётган бир вази-ятда, барчамизга аёнки, фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш ҳар қачонгидан кўра муҳим аҳамият касб этмокда»¹

Ушбу асарда кўтарилган, ёш авлодни вайронкор ғоялар хуружидан муҳофаза қилиш чораларидан бири бу фарзандларимизни она Ватанга муҳаббат, бой тарихимизга, ота-боболаримизнинг муқаддас динига садоқат руҳида тарбиялаш, аввало, уларнинг қалби ва онгида мафкуравий иммунитетни кучайтириш масаласидир.

Маълумки, ёш авлодга дастлабки ва энг муҳим тарбия оила муҳитида сингдирилади. Халқимизда куш ўз уясида кўрганини қилади деган ҳикматли бир нақл бор. Ушбу нақл кўп минг йиллик тажриба асосида яратилган халқимиз даҳоси маҳсулларидан бири десак тўғри бўлади.

Башарти, оила бола тарбиясида ҳал қилувчи аҳамият касб этар экан, ушбу масалани атрофлича ўрганиш ва зарур тавсиялар ишлаб чиқиш фойдадан холи эмас. Аввало, бола оилада соғлом тарбия олиши учун оиланинг ўзида соғлом муҳитнинг мавжудлиги ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Агар оилада ёши катталарнинг ўзлари ёки улардан баъзи бировлари ахлоқсиз, маърифатсиз, беҳаё, беандиша, ичувчи, қиморбоз, гиёҳванд бўладиган бўлса, бундай оила муҳитида тарбия топган боланинг баркамол улгайишига, ундан келгусида баркамол авлод вояга етишига умид қилиш қийин, албатта.

Оилада фарзандлар тарбиясида аҳамиятли ва муҳим масалалардан бири бу оила муҳитида болаларни китоб ўқишга ўргатиш, уларни том маънода китобга ошно қилиш масаласидир. Чунки фарзандлар тарбиясида бадний адабиётнинг роли бекиёс эканлиги ҳеч қимга сир эмас. Файласуф Цицерон китоби йўқ хонадонни жонсиз танага ўхшатган эди. Унинг фикрича, китобларга машғул бўлиш – ёшлиқда маънавий озуқа беради, кексалликда вақтингича чоғ қилади, бахтиёрликни безайди, бахтсизликда бошпана ва овунчок бўлади, уйда қувонтиради, уйдан ташқарида эса халақит бермайди. Шундай экан, болаларни вайронкор ва бузғунчи ғоялардан сақлашнинг муҳим воситаларидан бири бу уларни бадний китоб мутолаасига ўргатишдир.

Болалар тарбияси бузилмаслиги, улар оиладан безиб, четдан ўзларига паноҳ изла-маслиги ва шу тарика бузғунчи ғоялар домига тушиб қолмаслиги учун улар билан чин дилдан суҳбатлашиш, уларни қизиқтираётган муаммолардан хабардор бўлиб туриш, саволларига асосли ва тўғри жавоб бера олиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бола-ларга нисбатан ўта қаттиққўллик, оилада уларни ортикча тергаш, ҳақоратлаш, жисмоний қийноққа солиш, яшаш ва билим олишлари учун зарур воситалар билан ўз вақтида таъминламаслик, бир сўз билан айтганда, уларнинг кўзёшларини беҳудага окизиш фарзандлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатади. Қадимги алломалардан бири Пифагор таъкидлаганидек, болаларимиз вақти келиб қабримиз устида кўз ёш тўки-шини истасак, бугун уларнинг кўзёшларини асрашимиз лозим. Ёки файласуф Диоген айтганидек, оталар ва фарзандлар бир-бировларидан илтимос кутиб турмасликлари, аксинча, бир-бировларининг эҳтиёжларини жонкуярлик билан қондирмоқлари ва бунда биринчилик оталарга хос бўлмоғи лозим.

Бугунги глобаллашган дунёда Шарқ дунёсини ташвишга солаётган муаммо-лардан бири бу худбинлик, фақат ўзи учун яшаш, яъни индивидуализм (эгоцен-

¹ Каримов И.А. Юсак маънавият – энгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 119-бет.

гориш муаммосидир. Индивидуализм бугунги Ғарб дунёсида нафақат оддий бошқа сифатида баҳоланади, балки тараккиётнинг муҳим омилларидан бири, яъни навоҳиш ҳодиса сифатида рағбатлантирилади ҳам.

Маълумки, биз яшаётган муҳитда азалдан жамоатчилик анъаналари юксак сифатли. Ота-она, кавм-қариндошлар, маҳалла куй тақдири ҳеч кимни эътибордан қолдирмаган, яъни манфаат ва маслақлар муштарақлигига амал қилинган. Буларнинг барчаси жамланиб она-Ватанга муҳаббат руҳини шакллантирган.

Айниқса, катталарга хурмат, кичикларга izzat, ота-онани эъзозлаш, уларни раҳиммаслик, кексайиб, кучдан қолганларида уларга суянчиқ бўлиш халқимизда муқаддас бۇри саналиб келган. Умуман, ушбу ахлоқий меъёрлар қадимда Ғарб ва Шарқни даража ўтирмаган дейиш мумкин. Файласуф Сукротнинг қуйидаги ўғитлари буни осмалюл тасдиқлаши мумкин: Ўз ота-онангга нисбатан хурматсиз эканингни одамлар пайқаб қолиб, ёлласига сендан ҳазар қилишларидан ва шу туфайли бугунлай дўстсиз қолнидан эҳтиёт бўл. Чунки одамлар сенинг ўз ота-онангнинг қадрига етмаётганингни кўрар экан, ҳеч кимда сенга яхшилик қилиб, эвазига ташаққур эшитишга ишонч қолмайди. Исоқрат эса фарзандларинг сенга қандай муносабатда бўлишини хоҳласанг, ота-онангга ҳам шундай муомала қил, дея ўғит беради.

Умуман, тарбия масаласи азалдан инсониятни бефарқ қолдирмаганлигига кўплаб далиллар келтириш мумкин. Масалан, Платоннинг фикрича, тарбия ва ўғит инсон ҳаётининг аввалидан бошланади ва умрининг охирига қадар давом этади ёки ҳеч ким тасодифан яхши одам бўлиб қолмайди.

Оилада бола улғаяр экан, унинг дунё ва инсон ҳақидаги тасаввур ва қизиқишлари ҳам орта боради. Уларда оила, боғча, мактабдаги ўзаро мулоқотлар орқали дастлабки диний тасаввурлар ҳам шакллана бошлайди. Бизнинг болалигимиз кечган давр даҳрий тузум шароитига тўғри келган бўлиб, бу борада оила ва таълим муассасаларида бериладиган тарбия ўртасида мурғак бола қалбини жароҳатловчи зиддиятлар мавжуд эди. Масалан, сира эсимдан чикмайди, раҳматлик бобом мадраса кўрган домла бўлиб, бизга ёшлиқдан имон-эътиқод ҳақида тушунча беришга ҳаракат қиларди. 1-синфга ўқишга борган болаларнинг ўқитувчига берадиган дастлабки саволларидан бири эса худонинг бор-йўқлиги ҳақидаги савол эди. Ҳукмрон мафкура тарғиботчиси бўлган ўқитувчи эса худонинг борлигини инкор қилишга мажбур эди. Шу тарика кимга ишонини билмаган ўқувчилар руҳан кийналиб, бир сўз билан айтганда, аросатга тушиб қоларди.

Бугунги хур жамяятда барчага эътиқод эркинлиги берилган. У ёки бу динга эътиқод қилиш ёки эътиқод қилмаслик масаласи ҳар кимнинг ўз ихтиёрида. Шундай экан, ақидапарастлик, фундаментализм, диний экстремизм, ёхуд миссионерлик ғоялари таъсирга тушиб қолмасликлари учун болаларда ушбу масалаларга қизиқиш уйғонганда, уларга ота-боболаримиз амал қилиб келган соф эътиқод ҳақида тўғри маълумот бериб, уларни ҳатарли оқимларга аралашиб кетишдан асрашда оиланинг, айниқса, ота-онанинг хизмати қатта бўлмоғи лозим. Шунини унутмаслик керакки, фарзандларда ушбу масалаларга қизиқиш уйғонар экан, улар агар ўзларини қизиқтирган саволларга уйда, боғча ёки мактабда қониқарли жавоб топа олмаса, унинг жавобини ташқаридан изламаслигига ҳеч ким қафолат бера олмайди. Бузғунчи ғоя намояндалари эса айнан шундай руҳдаги болаларга тузук кўйини тажрибадан маълум.

Ҳозирги кунда компьютер ва интернет хизматидан фойдаланиш оддий ҳодисага айланиб қолди. Нафақат компьютер хоналари, интернет кафелари, балки уяли телефонлар орқали ҳам бемалол интернет тизимига уланиш мумкин. Интер-

нет тизимининг ахборот олишдаги афзалликлари бекиёс эканлигини инкор қилиб бўлмайди. албатта. Аммо шу билан бирга ёш авлоднинг мафқурасини издан чиқаришга қаратилган вайронкор ғоялар ҳам айнан интернет тармоқлари орқали тарқатилмоқда. Шундай экан, ота-оналар ўз фарзандларининг қайси сайтлар хизматларидан фойдаланаётганлигига эътиборсиз бўлмасликлари лозим.

Компьютер ўйинлари ҳам, агар меъёридан ошиб кетадиган бўлса, фарзандлар тарбияси ва саломатлигига жуда катта зиён етказади. Аввало, компьютер ўйинларига муккасидан кетган бола муттасил ўйинга машғул бўлиши оқибатида кам ҳаракат бўлиб қолади ва бу унинг жисмоний ривожланиши ва соғлигига салбий таъсир кўрсатади. Қолаверса, бу лудоманияга олиб келади ва бола виртуал ҳаёт билан реал ҳаётнинг фарқига боролмай қолади. Мутахассислар ушбу ҳолатни руҳий касалликнинг бир тури сифатида эътироф этишмоқда. Шундай экан, фарзандларни узоқ муддат компьютер ўйинларига берилиб кетишдан тийиб туриш, уларга бунинг зарарли оқибатларини тушунтириб бориш ҳам оиладаги ёши катталарнинг бурчи ҳисобланади.

Бундан ташқари, телевизор орқали ҳам кўпгаб ахборот ва маълумотлар тарқатилади. Ҳозирги кунда параболик антенна ёки кабел тармоғига уланмаган хонадон камдан-кам топилади. Мазкур узатиш тармоқлари орқали эса фойдали маълумотлар, одоб-ахлоққа йўғирилган кўрсатувлар билан бирга, кўпгаб ғайриахлоқий, бузғунчи, зўравонлик ва фахшни тарғиб қилувчи кино ва кўрсатувлар ҳам намоиш этилиши ҳеч кимга сир эмас. Бу ўз-ўзидан ёшлар онги ва шуурига салбий таъсир кўрсатиши, уларнинг маънавиятини издан чиқариб, бузғунчи ғоя ва эътиқодларга эргашишларига олиб келиши, улар қалбига зўравонлик ва фахшга мойиллик ҳисларини уйғотиши изоҳ талаб қилмаса керак. Гарчи, айтиш нојонз бўлса-да, бир олийгоҳ домласининг фахшга йўғирилган фильмларни ўзининг 9 яшар ўғли билан бирга томоша қилиши, мазкур лавҳаларни кўрган ўсмир болада хирсий уйғониш содир бўлишини ғурур билан айтиб бергани сира эсимдан қичмайди. Буни изоҳлашга ҳожат бўлмаса керак. Шунинг учун ҳам тарбиячининг ўзи тарбияланган бўлмағи лозим деган гап бежиз айтилмаган. Оилада ота-она ва ёши катталар болаларни бундай бемаъни кўрсатувларни томоша қилишдан сақлашлари лозим.

Ҳозирги кунда жамият маънавиятига раҳна солиши мумкин бўлган иллатлардан яна бири бу бойликка ружу қўйиш ва пул ҳамма нарсадан устун деган ғояга сажда қилиш ақидадир. Доншмандлардан бири Саллустий Крисп ўринли таъкидлаганидек, каердаки бойлик улуғланса, у ерда барча ҳалол ва пок нарсалар: вафо-садоқат, андиша, уятдан ҳазар қилинади. Жамиятнинг иқтисодий табақалашуви, унда бойлар, ўртахоҳлар ҳамда маълум маънода қашшоқларнинг мавжуд бўлиши бу бозор иқтисодийнинг қонуниятга дейиш мумкин. Албатта, бизда давлат томонидан аниқ йўналтирилган қучли ижтимоий сиёсат олиб борилмоқда. Аммо шунга қарамадан, айникса, бадавлат оилалар ўз фарзандларининг манманлик ва менсимаслик иллатига берилиб кетмасликлари, бойликка муккасидан кетиб, ахлоқ-андишани унутиб қўймасликлари, саҳий ва серҳиммат бўлишлари йўлида кўп меҳнат қилишлари керак бўлади. Фақат фарзандлари шундай оилаларда тарбия топган жамиятдагина тотувлик ва ўзаро ҳамжихатлик ҳукм суради.

Юқорида санаб ўтилган ҳолатлар бир қарашда арзимас нарсалар бўлиб туюлиши мумкин. Аммо оилада ана шу унча кўп меҳнат ва билим талаб қилмайдиган нарсаларга ота-оналар ва ёши катталар эътиборсиз бўлишмаса, ёш авлодни бузғунчи ғоялардан асраш ишига салмоқли хисса қўшган бўладилар.

СВОБОДА И ОТВЕТСТВЕННОСТЬ, КАК СОСТАВЛЯЮЩИЕ ЛИЧНОСТИ И СЕМЬИ

К. ТУЛЕНОВА – д. филос. н., ТГПУ,
Э. РАСУЛЕВ – к. филос. н., ТФИ.

«Где царит закон, там есть и свобода»

Амир Темура

1. Проблема свободы – это проблема каждой исторической эпохи. Она возникла на самых ранних этапах становления человечества, но и сегодня это самая актуальная проблема современности.

Свобода есть альфа (исходный пункт) и омега (конечная цель) в жизни человека. Свобода является первой целью, к которой мы стремимся с самого начала своей жизни, и вместе с тем она конечная цель жизни. Жизнь любого человека направлена на освобождение от подчинения естественной среде. На протяжении всей своей истории, человечество идет все более глубокому пониманию понятия свободы. С этой точки зрения, положение известного философа Гегеля о мировой истории как истории прогресса сознания свободы имеет глубокий смысл. Историю общества в целом можно назвать историей развития человеческой свободы.

Каждый человек в понятие свободы вкладывает свой собственный смысл, в котором, как правило, главным является идея о личной свободе. Такой подход о свободе приемлем в рамках обыденного сознания, но он никак не может претендовать на какую-то научность. Так сложилось, что свобода возникает в процессе совместной деятельности людей. В современном обществе принято различать свободу экономическую, духовную и политическую.

В реальной жизни свобода начинается с возможностей личности. Так, первобытный человек, чтобы удовлетворить свои потребности, сохранить и воспроизводить свою жизнь, все время должен был «бороться» с природой, такова судьба и современного человека. Но он «борется» с ней уже с меньшей затратой сил и большими возможностями, хотя кроме свободы для... формируется и свобода от... то есть формируется как позитивная, так и негативная свобода. И сегодня любое правовое государство накладывает ограничения на своих граждан в соответствии с существующим законодательством. Одним из примеров таких ограничений сегодня является международное гуманитарное право.

Ограничения на свободу накладывает и ответственность личности перед другими личностями и обществом в целом. Зависимость между свободой и ответственностью личности находятся в прямой пропорциональности, чем больше свободы дает человеку общество, тем больше и его ответственность за пользование этими свободами. Примерами таких ограничений являются национальные и международные правовые нормы.

Человек, стремясь к свободе, стремится к счастью. Желания людей крайне разнообразны и все же конечная цель всех людей – добиться счастья. Человек ощущает счастье в свободе, а свободу в счастье. Каждый человек по своему понимает счастье, но в сущности можно сказать, что главной составляющей счастья для многих людей является мирное небо над головой. Пока человек не имеет гарантий своей безопасности он несчастен, он ощущает в этом какую-то несвободу.

В личной жизни мы иногда чувствуем себя свободными, а иногда несвободными. Так как свобода без безопасности становится очень часто бесполезной вещью.

Проблема свободы, в настоящее время – это проблема, связанная с общественной безопасностью. Большая часть наших проблем порождена не естественной средой, а социальной. Человек до сих пор не одержал победы как не над природой, так и не над собственной социальной природой.

2. Наиболее распространенное понимание свободы связано с возможностью выбора: если у индивида есть возможность выбирать, то он свободен. Возможность выбирать те или иные средства, ставить различные цели, выбирать условия деятельности делают деятельность индивида все более свободной.

Когда говорят о том, что свобода личности связана со свободой общества, что последняя служит основой личной свободой, то это верно в том смысле, что именно общество дает индивиду тот набор возможностей, из которого он может выбирать. Но как не ценна свобода выбора, она лишь первая ступень свободы. Такая свобода по своей сути всегда ограничена: мы всегда выбираем из рамок существующего набора возможностей.

Вторая, высшая ступень свободы – это свобода, возможность не только выбирать из того, что предлагает нам общество и природа, а творить новые возможности. Если максимальная свобода выбора – это выбор средств, целей и условий деятельности, то свобода творчества означает возможность создавать новые средства, ставить новые цели, творить условия в соответствии только со своими собственными желаниями и вкусами.

Деятельность, свободная в этом смысле, не знает никаких ограничений и во всех своих элементах определяется лишь волей действующего индивида. Такая деятельность ограничивается только особенностями действующего индивида и выполняет только одну функцию – служит средством его самовыражения.

3. В Узбекистане идет не просто построение правового государства, но и одновременно формирование гражданского общества, где и первое и второе дают еще большее понимание свободы. Идея справедливости и законности охватывает все большие области общественной жизни, в том числе и социальной. Президент Ислам Каримов отмечает, что идею справедливости сегодня, когда происходит объективный процесс социальной дифференциации в доходах и уровне жизни населения, можно свести к очень лаконичной формуле: государство не должно допустить резкого расслоения общества на чрезмерно богатых и чрезмерно бедных.

Для достижения этого, необходимо создание и развитие такого правового механизма, который обеспечивал бы равные начальные возможности для всех людей, чтобы они могли раскрыть и реализовать свои способности, удовлетворить свои потребности. А дальнейшее положение человека в обществе должно определяться его желанием и умением честно и добросовестно трудиться, что даст ему возможность содержать свою семью, равные права в получении образования, медицинского обслуживания, в защите своей чести, достоинства, в защите своих близких.

Социальная политика Республики, механизмы ее реализации направлены не только на создание условий для повышения трудовой активности и предприимчивости людей, но и формированию политической активности и правовой грамотности. В своем выступлении от 12 ноября 2010 года перед Олий Мажлисом Республики Узбекистан Президент И.Каримов особо отметил вопросы правового совершенствования по дальнейшей демократизации государственной власти,

реформированию судебно-правовой системы, обеспечению свободы слова и информации, формированию и развитию институтов гражданского общества.

4. Права и свободы человека являются высшей ценностью независимого Узбекистана. Одной из таких ценностей является семья. 2012 год в Узбекистане был объявлен Годом семьи.

Семья одна из важнейших составляющих социальной структуры общества. Она представляет собой исторически сложившуюся ячейку, клеточку жизни цивилизованного общества. Как определенная форма организации общественной и личной жизни, семья обнаружила огромную историческую устойчивость. Семья исторически изменяющееся явление. Развитие семьи определяется как естественными, так и социальными факторами. Семья – один из социальных институтов, который «производит человека», а также та микросреда, которая способствует сохранению и развитию физических и нравственных сил человека, духовного комфорта, оказывая тем самым влияние на социальную активность человека. Семья – надежный оплот **«...в деле дальнейшего развития духовных основ нашей жизни, сохранения наших исконных ценностей, широкого утверждения в обществе атмосферы высокой нравственности, противостояния все более усиливающимся и абсолютно чуждым нашему национальному менталитету различным вредным влияниям».**¹

Определяющей особенностью социально-демографического положения Узбекистана является сильный институт семьи как основы общества. В Узбекистане семья была и остается одной из важнейших жизненных ценностей, соответствующей многовековым традициям и менталитету нации.

В Конституции Республики Узбекистан особое значение придается семье, о чем свидетельствует и наличие в ней специальной главы о семье. В статье 63 Конституции записано: «Семья является основной ячейкой общества и имеет право на защиту общества и государства»

Социальная политика – одна из главных составляющих внутренней политики Узбекистана. Она направлена на управление социальным развитием общества, на обеспечение удовлетворения материальных и культурных потребностей человека. Важнейшей ее задачей является достижение определенного уровня равновесия и стабильности в общественной жизни. Она призвана разрешать противоречия между текущими и перспективными интересами общества, между несовпадающими и расходящимися интересами личности и общества и здесь огромна роль семьи.

5. Новые тенденции в социально-экономическом развитии страны как появление многообразных форм собственности, процессы приватизации, появление новых форм трудовой деятельности и, в целом, формирование рыночных отношений требует по-новому анализировать социальную ответственность личности и общества друг перед другом.

Проблема свободы, в настоящее время, обусловлено с национальной независимостью. Свобода в наши дни есть не только индивидуальное требование, но, в первую очередь, национальное требование.

Действительно свободен ли тот, кто интересуется не столько тем, как жить лучше, сколько тем, как выжить? Нищета и свобода редко мирно уживаются в

¹ Каримов И. Наш путь – углубление демократических реформ и последовательное продолжение модернизации страны. Т. 2011. С.44-45.

жизни конкретного человека. Тем более, если рядом живут вроде бы такие же, но гораздо более обеспеченные. Поэтому еще одним важным условием проявления свободы, является ответственность личности и общества по формированию обеспеченной жизни, здоровой и прочной семьи.

За 20 лет независимости ВВП Узбекистана вырос в 3,5 раза, на душу населения в 2,5 раза, средняя продолжительность жизни увеличилась с 67 лет до 73 лет, идет реализация таких программ как «Здоровая мать – здоровый ребенок», «Год гармонично развитого поколения» и т.д.

Новые тенденции в социально-экономическом развитии страны (появление многообразных форм собственности, процессы приватизации, появление новых форм трудовой деятельности и, в целом, формирование рыночных отношений) требует по-новому анализировать социальную структуру общества. Тем более жизнь показала, что многие трактовки прошлого, в том числе проблемы развития социальной структуры общества, социальной политики устарели, пришли в противоположность с сегодняшними реалиями жизни.

Формирование рыночных отношений объективно углубляют общественное разделение труда, а вместе с тем ведут к усилению процессов социального расслоения населения по существушим и вновь образуемым социальным группам и слоям.

С появлением и развитием формы частной собственности формируется класс собственников и предпринимателей, объединяющих бизнесменов, коммерсантов, частных кооператоров и т.д. В стране растет число предпринимателей-собственников, которые своим трудом удовлетворяют как свои запросы, так и общие людские.

Сильная социальная политика, проводимая сегодня – это шаг к построению общества, где главной ценностью будет приоритет прав и свобод личности.

ОИЛА МУХИТИДА СОДИР ЭТИЛАЁТГАН ЖИНОЯТЛАРНИНГ САБАБЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ МАСАЛАЛАРИ

М.А. МУСАЕВ – Бош прокуратуранинг Олий ўқув курслари катта ўқитувчиси, юридик фанлар номзоди

Ҳар бир инсон ўзининг хатти-ҳаракатлари, юриш-туриши тўғрисида ўзи ва унинг фикрини ҳурмат қилувчи, кадрловчи одамлар томонидан ижобий баҳоланишини хоҳлайди. Агар бундай ҳолат оилада бўлмаса, бепарволик пайдо бўлади, ақлий фаолликка бўлган интилиш йўқолади, ҳаёт мақсадсиз бўлиб қолади, оила муҳитида эса жиноят содир этишга мойиллик пайдо бўлади.

Аксарият жиноятлар шу жумладан, ўғрилик, қасддан одам ўлдириш, ўзини-ўзи ўлдириш ҳодисалари айнан юқорида қайд қилинган ҳолатлар туфайли содир этилади.

Оиладаги ўзини ўзи ўлдиришни олдини олувчи чоралардан энг муҳими, бу жамоалардаги тарбиявий ишлар. Бундай жамоаларда ўтказиладиган маданий ва санитар-гигиена тадбирларининг режаларига албатта қуйидаги мавзуларга бағишланган маъруза, суҳбат, савол-жавоб кечалари киритилади:

Инсон учун энг қимматли нарса – ҳаёт; ҳақиқий ва фараз қилинадиган қасалликлар; жисмоний тарбия; спиртли ичимликлар ва гиёҳвандлик воситалари ёки психотрон моддаларни истеъмол қилиш оғир оқибатга олиб келиши; ишонтириш ва ўз-ўзини ишонтириш ҳақида ва бошқа тадбирлар.

Сухбатларни ўтказишдан асосий мақсад, инсоннинг маънавий ва жисмоний маданиятини ошириш, унда ўз кучига ишониш ва курашиш хусусиятларини ривожлантириш, низоларни бартараф қилишнинг иложини топиш ва турли мураккаб руҳий вазиятларда ўзидаги салбий ҳис-туйғуларини енгитиш, инсонпарварлик туйғуларини, юксак маънавий идеалларни ривожлантиришдир.

Бу каби услубларни факат, лицей, коллеж, олий ўқув юртларида эмас, балки корхона, ташкилот ва муассасалардаги жамоалар ва турли ижтимоий ташкилотлар ҳам қўллашлари мумкин.

Тарбиявий ишларни ташкиллаштиришда эса асосан одамови, бошқалардан маънавий озука олишда қийналадиган одамларга эътибор қаратиш керак.

Маъмурий ва бошқа кўринишдаги жазолар берилаётганида эса бундай одамлар атрофида руҳий яққаланиш ҳосил қилиб бўлмайди, акс ҳолда инсоннинг асабий зўриқиши кучаяди. Албатта барча инсонлар учун ўзини жиловлаш хусусияти жуда муҳимдир. Бу хусусият илмий-техник инқилоб асрида турли зўриқишлар ортиб, одамларнинг асабий кучланишларини бартараф қилишда катта аҳамият касб этади. Шахснинг ўғрилиқ, безорилик, қасддан одам ўлдиришга ёки ўзини ўзи ўлдиришга мойилликлари кўпинча оилада шаклланади, шунинг учун энг муҳими жойларда оиладаги муҳитга кўпроқ эътибор бериш лозим, чунки оилага таъсир кўрсатиш йўли билан нафақат юқорида кўрсатилган жиноятларни, балки бошқа барча жиноий қилмишларнинг ҳам олдини олиш мумкин. Бунинг учун жойларда ички ишлар ходимлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қуйидаги чора-тадбирларни амалга оширишлари лозим:

- оила аъзоларига салбий таъсирларга барҳам бериш учун шарт-шароит яратиш;
- оилада вужудга келган муайян низоларни ҳал қилиш;
- оиланинг ижобий имкониятларидан кенг фойдаланиш;
- оила институтидаги карама-қаршиликларга чек қўйиш.

Бу чора-тадбирлар эса ўз навбатида оилада содир этилиши мумкин бўлган жиноятларни умумий даражасини пасайишига имконият яратади.

Оилада содир этилиши мумкин бўлган жиноятларни олдини олиш чораларини бир неча гуруҳларга ажратиш мумкин:

- а) оиладаги қриминоген таъсир ўчоқларини аниқлаш чоралари;

Бу гуруҳга бекарор, илгари судланганлар ҳамда ҳуқуқбузарлар яшайдиган оилалардаги салбий таъсир манбаларини, жанжал чиққан оилаларни, болаларнинг назоратсизлик ҳолатларини аниқлаш чоралари қиради.

б) бекарор оилаларни ҳисобга олиш ва уларни сурункали назорат қилишни таъминловчи чоралар;

Бундай оилалар ҳақидаги ахборотлар ягона органга тўпланиши, йиғилган маълумотлар эса ёрдам кўрсатиш учун тегишли органларга юборилиши, зарур чоралар қўрилиши устидан назорат олиб борилиши лозим.

- в) оилани қўллаб-қувватлаш чоралари.

Оилавий ҳаётни рағбатлантириш, оилаларга моддий ва турар жой муаммоларини ечишда қўмаклашиш, оилали шахсларни иш билан таъминлаш масалаларини ҳал қилиш лозим. Бу мақсадга эришиш учун соғлом оила турмуш тарзини тиргиб қилиш, болали ва муҳтож оилаларга ўз вақтида нафақалар тайинлаш масаласини ҳал қилиб бориш.

г) жойлардаги ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат тузилмалари ва фуқароларнинг ўзлари билан ҳамкорликда шахсларнинг, айниқса ёшларнинг жиноят содир этилишининг асосий сабаби бўлган ҳаётдаги, айниқса ижтимоий-иктисодий, оила-турмуш соҳасидаги муаммоларни ҳал этиш лозим.

Ҳозирги кундаги энг муҳим вазифалардан бири бу жинойтчилик устидан ижтимоий-ҳуқуқий назоратни амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлари, жамоат бирлашмалари, шунингдек, аҳолининг барча қатламларини бевосита иштирок этилишини таъминлашдир.

Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, республикамиз ҳудудда вояга етмаганлар орасида ўзини ўзи ўлдириш ёки ўзини ўлдиришга суиқасд қилиш ҳолатлари учраб турибди. Бундай ҳолатларни бартараф этиш, жинойтни содир этишнинг ўз вақтида олдини олиш ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Вояга етмаган ўспиринлар ўзларини англашлари даврида, тенгқурлари орасида ўз ўринларини топишлари, улар руҳиятининг ўзига хос хусусиятлари яққол сезилади. Бу даврда улар катталар томонидан ўз шахсларини ва мустакилликларини тан олиншини истайдилар ва башарти, буни акси бўлса, каттик изтироб чекадилар (аксарияти ҳолларда асоссиз равишда). Лекин улар бундай ҳолатларсиз руҳан ривожлана олмайдилар, бу уларнинг эҳтиёжи.

Шу билан бирга, ўспиринлар жисмоний жиҳатдан жуда тез улғаяди, шу сабабли уларда барча руҳий жараёнлар жуда таъсирчан ўтади: сезиши, қабул қилиши, ҳис-туйғулари, хотираси ва эътибори, лекин мулоҳаза қилиши ва иродаси етарли даражада ривожланмаган бўлади. Асабий жунбушга келиш тормозланишдан устун туради. Жисмоний, маънавий ва моддий эҳтиёжлари тез ўсади, бунинг натижасида уларнинг хоҳиш-истаклари керагидан ортик бўлади.

Шу билан бирга, ўз интилишларига етишиш имкониятлари анча чекланган бўлади, буларнинг барчаси, ўз навбатида ўспиринлар ва ота-оналар, ўқитувчи, тарбиячилар орасида қелишмовчиликларни юзага келтиради. Агар ўспирин «керак» деган тушунчани идрок этишга тайёр бўлмаса, у ҳолда ўзбошимчалик қилиб, катталарнинг талабларига қарши қурашади ва ўзининг ҳали етук бўлмаган истақларига интилади.

«Истайман» ва «бажаришим керак» деган тушунчалар ўртасидаги қелишмовчиликлар сабабли мактабда, лицей ва коллежларда анча нохуш низолар келиб чиқади. Айнан шу масалаларда ўзини ўзи ўлдириш сабабларини ва ўз жонига қасд қилишга мажбур этилиши аломатларини излаш керак бўлади.

Ўспириннинг вояга етмаганлиги ва тажрибасизлиги, ўзининг ён-атрофдагилар томонидан қўллаб-қувватланишни қидиришга мажбур этади.

Ҳаётда уни тушунадиган ва унинг истак-хоҳишларини амалга оширишда ёрдам берувчи дўст керак бўлади. Агар у дўстни ўзининг яқин қариндошлари ва педагоглар орасидан топа олмаса, албатта бегоналардан шундай дўст орттириши аниқ, у бусиз ривожлана олмайди.

Албатта топилган дўст унинг деярли устозига айланиб қолади ва ўспириннинг фикрлашига, ҳис-туйғуларига ва интилишларига жуда каттик таъсир этади. Айнан шу каби дўстга у қарам бўлиб қолади. Чунки бу одамнинг юриш-туриши, унинг ўспиринга бўлган муносабати ўспириннинг истак ва хоҳишларининг амалга ошишига боғлиқ бўлиб қолади.

Вояга етмаганларни ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш жинойтларининг олдини олиш учун қуйидаги профилактик чораларни амалга ошириш лозим:

– вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг назоратсиз, қаровсиз қолиши ҳамда улар ўртасида содир этилаётган ҳуқуқбузарлик ва жинойтларнинг қелиб чиқиши сабаблари, шарт-шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш;

вояга етмаган ёшларнинг ҳуқуқий онги, тафаккури ва маънавиятини шакллантириш, юксалтириш, дунёқарашини кенгайтириш ҳамда ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида маънавият ва маърифат ишларини жонлаштириш;

жаъони ижро этиш жойларидан озод бўлиб келган ёки махсус ўқув-тарбия муассасаларидан қайтган вояга етмаганларни турар-жой ва иш билан таъминлашда ёрдам бериш, шунингдек, вояга етмаганларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича қонунида кўзда тутилган бошқа вазифаларни амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Республика Маънавият ва маърифат кенгаши, Ўзбекистон Чоғин-кичалар кўмитаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Соғлом авлод учун, «Камолот» жамғармалари, фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари, Ички ишлар идоралари томонидан ёшлар ва ўсмирларни тарбиялаш, ўқитиш ишлари устидан назоратни кучайтириш, яшаш жойларида нотинч оилаларни, тарбияси оғир бўлган ёшларни аниқлаш, улар билан тарбиявий ишлар олиб бориш, вояга етмаганларни ўқишдан ташқари вақтларда дам олиш ва иш билан таъминлаш масалаларини доимий назоратга олиш;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги идоралари руҳий касалга чалинган, гиёҳвандлик ва ичкиликбозликка ружу қўйган вояга етмаганларни аниқлаш, тўлиқ ҳисобини юритиш ҳамда уларни даволаш ишларини катъий йўлга қўйиш чора-тадбирларини қўришлари лозим.

Шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ҳаётдан маҳрум қилувчи қуроллардан фойдаланишни чеклайдиган тақдирномалар ҳам киритилиши лозим.

Булар қуйидагилар: ўқотар қуролларни ноқонуний равишда сақлаш ва сотиш, тиббий муассасаларда таркибида психотроп ёки шахснинг ақл-идрокига таъсир этувчи бошқа моддалари бор дори-дармонларни ноқонуний равишда сотилиши, ишлаб чиқаришдаги захарли моддаларни сақлаш ва сарфланишда жиноий бепарволик, руҳий жиҳатдан ночор бўлган одамларнинг қуролдан фойдаланиши устидан назоратнинг йўқлиги, спиртли ичимликларни истеъмол қилишни чеклаш, сурункали спиртли ичимлик истеъмол қилувчи шахсларни даволашни йўлга қўйиш, вояга етмаган шахсларга спиртли ва тамаки маҳсулотларини сотишни тақиқлаш, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларини истеъмол қиладиган шахсларни аниқлаш ва уларни ўз вақтида даволаш муассасаларига юбориш ва қайд этилган ҳолатлар бўйича узлуксиз равишда оммавий ахборот носиталарида чиқишларни ташкил этиш масалаларини ҳал этиш ва ҳоказолар.

Мамлакатимизда ижтимоий ҳаётимизнинг турли жабҳалари – иқтисодий, сиёсий, маънавий соҳаларда у ёки бу муаммолар билан шуғулланувчи илмий марказлар фаолият юритмоқда.

Аmmo, айтиш жоизки, уларнинг ҳеч бири оила муҳитидаги зиддиятлар, келишимовчиликлар ёки жиноят содир этилиш процессида ёшлар муаммолари билан шуғулланмайди.

Шу муносабат билан республикаимизда жиноят содир этиш билан боғлиқ ҳамда турли жабҳаларда ёшлар муаммолари билан бевосита шуғулланувчи илмий-мислаҳат марказларини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Бу марказлар жиноят йўлига адашиб кириб қолган ёшларнинг муаммоларини ўрганиши билан шуғулланса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

ЮНИСЕФ халқаро ташкилотининг маълумотларига кўра, дунёнинг 40 дан

ортик мамлакатларида Болалар ҳукуки бўйича вакил (ювенал омбудсман) институти самарали фаолият кўрсатиб келмоқда. Шу сабабли, Ўзбекистон Республикасининг конун чиқарувчи ҳокимияти тизимида мазкур институтнинг жорий қилиниши болалар ҳаёти муҳофазаси, болалар ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари тўғрисидаги конун ҳужжатларига риоя этилиши устидан парламент назорати самарадорлигини янада оширишга хизмат қилган бўларди.

ЎТМИШДА МАҲАЛЛАДА ЭРКАКЛАРНИНГ АНЪАНАВИЙ ЙИГИНЛАРИ

*В.ИШҚУВАТОВ – Низомий номли ТДПУ «Маънавий-ахлоқий тарбия ишлари бўйича» проректор в/б
Ф.ТОЛИПОВ – ТДЮИ катта ўқитувчиси*

Маълумки Шарқ халқларига хос жамоавий уюшқоқлик, ўзаро ёрдам, бирдамлик туйғулари ўзининг қадимги тарихига эга. Бунда халқ орасида азалдан ўтказиб келинган анъанавий халқ йиғинлари муҳим аҳамият касб этган. Ўрта Осиёнинг йирик шаҳарлари оилавий тантаналар, йиғинлар, маросимлар анъанавий тарзда ўтказиб келинган ҳудудлардан ҳисобланади. Бундай маросимлар эркаклар орасида кенг тарқалган бўлиб, шу минтақага хос йиғин ва маросимлар алоҳида аҳамият касб этган. Бундай тадбирлар халқ орасида «**гаштак**», «**тўкма**», «**зиёфат**» номлари билан учрайди. Тошкент шаҳрида эса ушбу эркаклар йиғинлари «**гап**» номи билан аталади. Мазкур оммавий йиғин нафақат байрам сайиллари ёки маросимлар олдидан, балки оилавий ва жамоавий маросим сифатида мавсумий тарзда ёки йил фаслларида катъий назар бирдек, жўра-ўртқоқлар ўртасида навбат билан ўтказиб келинган.

Маросим ва йиғинлар ўз мазмунига кўра ижтимоий аҳамият касб этиб, уларда маҳалла, оила умуман жамият ҳаётига онд кўпгина масалалар муҳокама этилган. Жўра-ўртқоқлар ўртасидаги шахсий масалалар, ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларига онд муаммолар ўз ечимини топган. Ўтмишда бундай маросимлар Тошкент, Фарғона, Қўқон, Термиз, Бухоро каби шаҳарларда чойхоналар, маҳалла гузарларида ёки оилаларда навбат билан ўтказиб келинган. Шу боис улар ўзига хос тарбия тадбирлари ҳисобланган.

Одатда эркаклар орасида ўтказиб келинган анъанавий «гап» лар ўтказиладиган жойлар шаҳардаги маҳалла гузарлари ва чойхоналар бўлган. Тадқиқотчиларнинг қайд этишларича бундай йиғинларга одатда 20-30 киши аъзо бўлганлар. Улар ўзаро йиғилишиб, зиёфат мобайнида чакчақлашиб хурсандчиликлар қилганлар, ўзаро суҳбатлашиб янгиликлардан хабардор бўлишган, китоблар мугоала қилишиб, баҳс-мунозаралар ҳам ўтказилган¹.

Тадқиқотчиларнинг қайд этишича, ўтмишда Ўрта Осиёнинг барча халқларида патриархал кўринишдаги эркаклар уйлари (меҳмонхона-оловхона), *гапхона, гап-гаштак, жўра (дўст-биродарлар жамоаси), кўна ўтиришлари, тўкма, жоро бозо* муҳим жамоавий йиғинлар бўлиб, бундай тадбирларда жўра-

¹ Тошкент маҳаллалари: анъаналар ва замонавийлик. / Масъул муҳррир. т.ф.д. З.Х.Ориф-хонова. –Т.: 2002. 64-65-бетлар.

уртоқлардан ташкари айрим ҳолларда кўни-қўшни, маҳалланинг фаол аъзолари ҳам иштирок этганлар.

Бундай ўтиришлар айниқса йилнинг куз, баҳор, киш фаслида мавсумий ўтказиб турилган. Айрим ҳолларда бундай маросимлар шаҳардаги маҳалла гузариди жойлашган **меҳмонхона**ларда ҳам ўтказилган. Меҳмонхонани ўзига тўқ кишилар саховат учун ёки ҳар бир маҳалла ҳашар йўли билан қуришган. Меҳмонхонаси бўлмаган маҳаллаларда гаштаклар навбат билан хонадонларда ўтказилган¹. Маҳалла гузариди жойлашган меҳмонхоналар жамоа аъзолари маросимлар ўтказадиган, меҳмонлар дам оладиган, эркаклар гап-гаштак ва бошқа жамоа йиғинлари ўтказадиган жой ҳисобланган.

Одатда шаҳардаги маҳаллаларда гузарлар, меҳмонхоналар ёки шахсий хонадонлардаги гап, халфана ва ўтиришлар куз, киш, баҳорда давом этган. Улфатлар гаштак ёки навбат билан бериладиган зиёфатлар баҳонасида болаларини олиб меҳмонхонага чиққанлар. Турли сўхбатлар қилинган, эртак, топишмоқлардан сўнг болалар ўртасида навийхонлик, бедилхонлик тadbирлари ўтказилган. Этнолог олима З.Х.Орифхонава илгарилари шаҳарда ўтказилган эркаклар йиғинларида уларнинг иштирокчиларининг куйидаги уч тоифасини ажратиб кўрсатади:

1. 18-20 ёшдан 30-35 ёшгача.
2. 36-40 ёшдан 50-55 ёшгача.
3. Қариялар (55 ёш ва ундан катталар)².

Бундай йиғин ва маросимларда айрим ҳолларда болалар ҳам иштирок этганлар. Болаларнинг иштироки уларнинг янада қизиқарли ўтишини таъминлаган. Хусусан, XIX аср охирида маҳалладаги худди шундай анъанавий йиғинларни Тошкент шаҳри мисолида ўрганган Н.П. Остроумовнинг қайд этишича, чойхона ва ҳужраларда эркаклар гуруҳ-гуруҳ тўпланишиб мусиқа жўрлигида ўйин-кулгу қилишганини, кичик ёшдаги болалар учун алоҳида болаxonаларда қизиқчи ва масхарабозлар ўйин кўрсатганлигини, кўнгилочар томошалар бўлиб турганлигини ёздаи³.

Кўпинча болалар иштирокидаги йиғинлар кундуз кунлари ташкил этилиб, кечкурунги йиғинга улар жалб қилинмаган. «Гап» раиси, меҳмонхона бошлиги алоҳида тартибда ўтказиладиган маросим олдида болаларга тарбия ҳақида, инсоннинг бурч ва вазифалари, одоб-ахлоқ тўғрисида панд-насихатлар қилган, уларга ёшига қараб юмушларни тақсимлаган.

Эркакларнинг бундай йиғинлари қадимги даврларда шаклланган бўлиб, улар жамиятда эркакларнинг юкори мавкега эга бўлиши учун интилиши натижасида шаклланганлиги ҳам қайд этилади⁴. Улар «*эркак уйлари*» деб аталган манзилларнинг трансформацияга учраган кўриниши сифатида, жамиятда эркаклар ўртасидаги ўзаро муносабатларни, ижтимоий тотувликни ва ўзаро ҳурमत тамойилларини шакллантирган. Албатта анъанавий эркаклар йиғинларидаги

¹ Бўриёв О. Ўғил улфат кўрганми // Фан ва турмуш. – 1993. – № 3. – Б. 10-11.

² Тошкент маҳаллалари: анъаналар ва замонавийлик. / Масъул муҳррир. т.ф.д. З.Х.Орифхонава. Т., 2002. 64 бет.

³ Остроумов Н.П. Сарты. – Т.: 1896. – С. 68.

⁴ Қирин: Снесарев Г.П. Традиция мужских союзов в её позднейшем варианте у народов Средней Азии // МХЭ. Вып. 7. – М.: 1963.

бундай уюшқоқлик ҳозирги кунда эркаклар ҳамда аёллар орасида бирдек ўтказиб келинса-да, кўпроқ у йиғин аъзоларининг кўнгил очиш, дам олиш тадбири ҳисобланади. Бундай йиғинлар шаҳарда «жўрабоши» лар томонидан назорат қилинади¹. Ҳар бир йиғиннинг ўз «жўрабоши»си бўлиб, тадбирга иштирок этишнинг ҳам ўз тартиб-қоидалари бўлган. Бундай тартиб-қоидаларнинг бузилиши ўз навбатида уларга нисбатан чора кўрилиши, гапдан четлатилиши, ҳатто жазоланиш билан яқун топган.

Ўтмишда эркаклар орасида оммавий тарзда ўтказиб келинган бундай йиғинлар ўз мазмун ва моҳиятига кўра нафақат ижтимоий, балки моддий, маънавий аҳамият касб этиб, жўра-ўртоқларнинг моддий томондан ва маънавий жиҳатдан уюшувида ҳамда бириқишида ўзига хос ўрин тутган. Одатда бундай йиғинларда унинг аъзолари дастурхонга қўйиладиган зарур егулик ва озиқ-овкатларни ўзлари билан олиб келган бўлсалар, айрим ҳолларда бундай моддий таъминот ўртага ташланган харажатлар ҳисобидан қопланган. Бундай йиғинга Тошкент шаҳрида анъанавий таом «норин» тайёрланган. Ночорроқ оилаларда кўпинча палов тайёрлаш анъана тусини олган. Пишириклар, ҳўл ва курук мевалар, шаҳар учун одатий бўлган сомса, кази каби таомлар ҳам тортилган.

XX асрга келиб, шунингдек, дастурхонда таомлар тури янада бойиди, улар орасида европача таомларнинг айрим турлари пайдо бўлди. Одатга кўра йиғин тугагандан сўнг ўзаро келишув ва жўрабоши кўрсатмасига мувофиқ тадбирни ўтказиш навбатдаги кишига топширилган. Айрим ҳолларда иштирокчилардан белгиланган миқдорда пул маблағлари йиғиб олиниб, унга зарур масалликлар, озиқ-овкат сотиб олинган.

Бугунги кунда ижтимоий ҳаётнинг ахборотлашуви, демократлашуви, кундалик ҳаётимизга европача удумларнинг жадал кириб келиши натижасида анъанавий йиғинларни ресторан ва кафеларда ўтказиш оммалаша бошлади. Ҳаддан ташқари дабдабали дастурхон уюштиришлар, уларда кулоқларни жунбушга келтирувчи мусикалар, спиртли ичимликларни керагидан ортик истеъмол қилишлар одат тусига кира бошлади.

Айниқса иштирокчиларнинг ёш ва жинс хусусиятларида тафовутлар унчалик сезилмаяпти. Ҳаттоки оилавий, қариндош уруғлар, тоға, амаки, холаваччалар ўртасида ўтказиладиган гаплар ҳам пайдо бўлмоқдаки, уларда дастурхонга тортилаётган баъзи спиртли ичимликлар, йиғинларнинг керагидан ортик вақт давом этиши, ресторан, кафеларда ўтказилиши, атрофдагилар, айниқса ёшлар тарбиясига баъзан салбий таъсир кўрсатаётганлигини ҳам кайд этмоқ зарур. Баъзи ҳолларда бундай йиғинларга ҳатто битта-иккита тўйга кетадиган сарф-харажатлар ҳам ишлатилмоқда. Бу жўра-ўртоқлар ўртасида «ким ўзарга ўйнаш», «мен ҳам сендан кам эмасман» каби тушунчаларнинг шаклланишига сабаб бўлмоқда.

Бу борада биз ўтмишда анъанавий ўтказиб келинган эркакларнинг йиғинлари ҳақидаги умумий маълумотларимизни таҳлил қилган ҳолда, зарур хулосалардан келиб чиқиб, бундай йиғинлар ҳар бир хонадоннинг шахсий иши ёки юмуши бўлса-да, бу борада ҳозирги кунда қуйидагиларни амалга оширишни мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз:

- *ўтказиладиган йиғинларда катта дастурхон ёзмасдан, ортиқча*

¹ Petrik Boris Mathieu. Pouvoir don et reseaux en Ouzbekistan Post- Sovetienique. – Paris: Presses Universitaires de Franse, 2002. – 169 p.

шириги тўғрисида воз кечиб, камтарона ўтказиши, уларни маънавий-маърифий, тарбиявий йиғин сифатида уюштириши мақсадга мувофиқ. Бу ўша хонадон ширинлиги моддий томондан тежаси билан бирга, жамиятда кишилар, яқин бировларлар, таниш-билишлар ўртасида ижтимоий тотувликни мустаҳкамлайди;

маҳалла гузарлари, чойхоналарда ўтказилаётган анъанавий йиғин ва ширинликларни назорат қилиши ва уларга ўз ваколатлари доирасида ариштириши маҳалла кўмиталари, фуқаролар йиғини кенгашилари раисларининг ваколати қилиб белгиланса, бундай йиғинларни ўтказиши янада ижобий характер касб тлади деб ўйлаймиз.

ОИЛАДА СОДИР ЭТИЛАДИГАН ЖИНОЯТЛАР ВА ЎЎРАВОНЛИКЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШГА ОИД ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

*А. ОДИНАЕВ - Бош прокуратуранинг Олий ўқув
курслари катта ўқитувчиси, 3-даражали юрист*

Оила ҳар бир халқнинг, миллатнинг давомийлигини сақлайдиган, миллий кадриятларнинг ривожини таъминлайдиган, янги авлодни дунёга келтириб, уни маънавий ва жисмоний баркамол қилиб тарбиялайдиган, жамиятнинг асосий негизи ҳисобланувчи муқаддас маскандир. Оила аъзолари бир-бирлари билан умумий турмуш, ўзаро иқтисодий-мулкӣ, ҳуқуқӣ, ахлоқӣ, руҳӣ алоқалар билан боғланади. Оиланинг биринчи вазифаси ўз насл-насабини давом эттиришдан, оқил ва оқила фарзандларни тарбиялашдан, оила аъзоларининг тирикчилигини, бўш вақтини кўнгилли ўтказишни таъминлашдан иборатдир.

Оила ҳуқуқлари ва бурчлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгилаб қўйилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги қонунининг 30-моддасида ҳам «Вояга етмаган болаларнинг ота-оналари ёки қонуний вакиллари боланинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишлари шарт ҳамда уларнинг тарбияси, мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими олишлари учун жавобгардирлар»¹ деб таъкидланади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда 6 миллион 300 мингдан ортиқ оила мавжуд. Республикаимиз Конституциясининг 63-моддасида «Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга», деган қоида мустаҳкамлаб қўйилган. Оилалар тинч-тотув яшашса, жамиятга келтирадиган ютуқлар ҳам кўпаяди, фарзандлар яхши тарбия олади. Оилага ғамхўрлик қилиш ва унга ҳар тарафлама моддий ва маънавий ёрдам бериш, инсонпарвар демократик давлатнинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги «Бизнинг йўлимиз – демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир» мавзусидаги маърузаларида 2012 йилни «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилар эканлар, «... Бугунги кунда биз ҳеч кимдан кам бўлмайдиган демократик давлат,

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 225-модда.

халқимиз учун озод ва фаровон ҳаёт қуриш мақсадлари билан яшар эканмиз, оила институтини янада мустаҳкамлаш, бу борада олиб бораётган ишларимизни янги босқичга кўтариш алоҳида аҳамият касб этади», деб алоҳида таъкидладилар.

Оила – авлодлар давомийлиги ҳамда кадриятлар, урф-одатлар ва анъаналарни, қолаверса, бутун бир халқ маданий-маънавий меросининг авлоддан-авлодга ўтишини таъминловчи омилдир. Оиланинг мустаҳкамлиги жамият тараққиётининг гаровидир. Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов таъкидлаганидек: «Азал-азалдан халқимиз учун муқаддас бўлмиш оилани ҳаётимиз таянчи ва суянчи, жамиятимизнинг ҳал қилувчи асосий бўғини деб қабул қилишимиз замирида, ҳеч шубҳасиз, жуда катта маъно-моҳият мужжассам. Чунки оила соғлом экан – жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан – мамлакат барқарор»¹.

Оилага берилаётган алоҳида эътибор туфайли мамлакатда бугунги кунда 7 млн.дан ортиқ оилада аҳолининг 95,3 фоизи истиқомат қилади. Бу эса мустаҳкам оила жамият ва давлатнинг эртанги тараққиётга эришиш учун асосий унсурлардан бири эканлигидан далолат беради.

«Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси»нинг 16-моддасида, «Оила жамиятнинг табиий ва асосий ҳужайрасидир ва у жамият, давлат томонидан муҳофазат этилиш ҳуқуқига эгадир»² деб белгиланган.

Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартлар «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида»ги Халқаро пакт, «Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида»ги Халқаро пакт, «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги конвенция, «Хотин-қизларни камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисида»ги конвенция оилага кўрсатилиши лозим бўлган ғамхўрликнинг минимал даражасини белгилаб, давлатлар учун муайян мажбуриятлар доирасини назарда тутди.

Президентимиз айтганларидек, «Биз шахс ва оиланинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва онгини ошириш вазифасини ўзиниш учун мақсад қилиб қўйиш билан бирга, бу масалани том маънодаги демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуришнинг муҳим шарти сифатида белгилаб олдик»³.

Оила қонунчилиги нафақат фуқаронинг оила аъзоси сифатидаги ҳуқуқини, балки ҳар бир оила аъзосининг шахсий ҳуқуқидан фарқ қилувчи оиланинг жамоа ҳуқуқини ҳам кўзда тутди.

Шу боис, ҳар бир фуқаро ўзининг, оиласининг тақдири ва эртанги куни учун ривожланиш йўлимизда ғов бўлиб турган тўсиқларга қарши қатъий кураш олиб бориши керак⁴.

Жамиятимизнинг асоси – оила, шундай экан, давлат ҳар бир оилага мудом ёрдам беради, чунки оиладаги тўқинлик шахснинг, миллатнинг маънавий ва ахлоқий кадриятларини оширишга кафолат беради⁵. Шу боис, оила муносабатларини тартибга солиш ва қонунга мувофиқ шаклланиши, ривожланиши ҳамда мустаҳкамланишига жуда катта эътибор берилган.

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б. –56.

² Инсон ҳуқуқлари тўғрисида халқаро билл. – Тошкент: Адолат, 1992. – Б. –14.

³ Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодий-иқтисодийни барқарор ривожлантириш йўлида. Т. 16. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – Б. –14.

⁴ Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий кадрият. Т. 14. – Тошкент: Ўзбекистон, 2006. – Б. –67.

⁵ Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т.4. – Тошкент: Ўзбекистон. 1996. – Б. –112.

Мамлакатимизда оила муносабатларини мустахкамлаш, уларни барқарор ривожланиши учун Конституциядан ташқари жуда кўплаб қонунлар, фармонлар, қарорлар қабул қилинган бўлиб, уларни ижро этиш учун турли хилдаги тадбирлар ўтказиб келинмоқдаки, улар жамиятимизни ривожланиши ва оилаларни мустахкамланишига хизмат қилади.

Республикаимизда оилада болаларга нисбатан содир этиладиган зўравонликни профилактика қилишнинг ҳуқуқий асослари яратилган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси фуқаролик, оила, меҳнат ва бошқа қонунларида болаларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жинсий дахлсизлигини муҳофаза қилувчи нормалар мавжуд.

Оилада вояга етмаганларга нисбатан жинсий жиноятларнинг содир этилиши боланинг жисмоний ва руҳий соғлиғига тузатилиши қийин бўлган жароҳат етказиши шахснинг жинсий дахлсизлиги ва жинсий эркинлигига таъовуз қилувчи жинсий қилмишлар орасида алоҳида ўрин эгаллайди. Жинсий жиноятлар болалар руҳияти, уларнинг жисмоний ва руҳий ривожланишига ўта салбий таъсир кўрсатади. Мазкур қилмишлар вояга етмаганларнинг ахлоқан бузилишига, уларда жинсий майднинг барвақт пайдо бўлиши, жинсий ҳаётнинг табиий меъёрларидан оғишларга, оилавий муносабатларнинг тубдан бузилишига сабаб бўлади. Болалигида жинсий зўравонлик қурбони бўлган шахс одамларга, жамиятга нафрат ҳисси билан қарайди, келажакда унинг ҳам жинсий зўравонлик содир этиш эҳтимоли ортади.

Сўнгги йилларда бу жиноятларнинг динамикаси ва даражаси камайиб бораётганилиги кузатилмоқда, бироқ, шуни унутмаслик керакки, жинсий жиноятлар расмий статистика маълумотларида бошқа жиноятларга қараганда камроқ акс эттирилади, зеро уларнинг ақсарияти яширин (латент)лигича қолмоқда.

Қўпинча бундай қилмишлар оталарнинг вояга етмаган ўғай қизларига, айрим ҳолларда эса ўз қизларига нисбатан содир этидиган номусга тегиш ёки уятсиз, шахвоний ҳаракатларида ифодаланади. Баъзан бундай жиноятларни яширин содир этиш йиллаб давом этади, чунки жабрланувчи турли сабабларга қўра, бўлган воқеа ҳақида «сукут сақлаш»га мажбур бўлади. Ёки бўлмаса, жабрланувчиларнинг оналари қўпинча бундай зўравонликдан хабардор бўлса-да, эри ёки жазманидан қўрққани ёхуд қизига нисбатан бефарқ бўлгани боис, жинсий алоқаларни тўхтатиш чораларини кўрмаган.

Жамиятда ушбу муаммонинг мавжудлиги оилада вояга етмаганларга нисбатан содир этилган жинсий жиноятларнинг назарий ва амалий жиҳатларини ўрганиш, мазкур ҳодисанинг ижтимоий омилларини, жиноятчи ва жабрланган шахснинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда таҳлил ўтказишни тақозо этади.

Суд-тергов амалиётига оид маълумотларни ўрганиш оилада болаларга нисбатан содир этиладиган жинсий таъовузларнинг олдини олиш, вояга етмаганларни жиноят-ҳуқуқий воситалар билан ҳимоя қилиш самарадорлигини ошириш мақсадида жиноят қонуни нормаларини такомиллаштириш бўйича тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш зарурати борлигидан далолат беради.

Оиладаги жиноятлар оилавий муносабатларнинг интимлиги, ўта яширинлигини одатда уларга ўзгаларнинг аралашувига йўл қўйилмаслиги ва шу сабабли кўпинча ижтимоий назорат доирасидан четда қолиши билан бошқа қилмишлардан фарқ қилиб, оилавий криминалогиянинг муҳим таркибий қисмларидан бири ҳисобланади.

Оиладаги жиноятлар деганда оилада унинг бир аъзоси бошқа аъзоларга

карши содир этувчи жиноятлар тушунлади¹. Оилада ҳар хил (ғаразғўйлик, жинсий ва бошқа) жиноятлар содир этилади. Бироқ уларнинг орасида бир оила аъзоси бошқа оила аъзосига нисбатан зўрлик ишлатиб содир этадиган жиноятлар, шу жумладан фарзандкушлик ҳамда болаларга карши бошқа жиноятлар кўпчиликини ташкил этади.

Оиладаги жиноятлар замирида одагда оила аъзолари ўртасидаги ички жанжал ёки оила аъзолари ва у яшайдиган муҳит ўртасидаги жанжал ётади. Бугунги кунда оиладаги жиноятлар орасида хотинга (эрга) карши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар ва фарзандкушлик айниқса муфассал ўрганилган².

Оилада зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар – оламшумул ижтимоий муаммо. Чет элда оилавий муносабатлар криминологиясининг бу йўналиши кўпинча «уйдаги зўравонлик» («оиладаги зўравонлик») деб аталади³. Бу муаммонинг оламшумуллиги шу билан белгиланадики, турли мамлакатларда зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларнинг аксарият қисми айнан оилада содир этилади. Оила доирасида жиноятлар кўпинча эр (хотин) томонидан хотинга (эрга) нисбатан содир этилади.

Умуман олганда, оиладаги зўравонлик муаммоси баҳс-мунозара предметига айланишида сиёсатчилар ва олимларнинг эмас, балки хотин-қизлар ҳаракатлари ҳамда бола манфаатларини ҳимоя қилувчи ҳаракатларнинг хизмати катта⁴.

Президентимиз таъкидлаганларидек: «Оилани ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ижтимоий сиёсатимизнинг тамал тошидир. Биз давлатимизнинг ижтимоий негизларини унинг барқарорлигини мустаҳкамлашда, жисмонан бакувват, маънавий бой авлодни – мамлакатимизнинг эртанги кун эгаларини тарбиялашда оиланинг ролини оширишга жуда катта аҳамият бермокдамиз»⁵.

Оила ва у билан боғлиқ муаммолар ечимини таснифлашда оиладаги зўравонликларни тадқиқ этиш мақсадга мувофиқдир.

Оила-турмуш муносабатларидаги «зўравонлик» тушунчасини аниқ ифодасини бермок лозим. Бир катор илмий адабиётларда таъкидланганидек, «зўравонлик» бу: 1) Бирор-бир кимсага жисмоний куч ишлатиш; 2) Бирор-бир кимсага унинг дахлсизлигини бузган ҳолда мажбурлаш чорасини ўтказиш; 3) Шахснинг у ёки бу ҳуқуқларини чеклаш, унга нисбатан турли гайриқонуний хатти-ҳаракатлар қилиш ва эркинлигини чеклаш⁶.

Шунга кўра, зўравонликни ўзига хос усулларда юзага келиш таснифи ҳам белгиланган. Жумладан, зўравонликни куч ишлатиш шакли – жабрланувчига қасддан оила аъзолари, яқин дўстлари ва бошқа шахслар томонидан уриш, озодлигини чеклаш, яшаш жойидан, соғлом турмуш тарзи ва овқатланишидан маҳрум қилиш ҳамда шу орқали шахснинг жисмоний ва руҳий саломатлигини бузилишига, унга турли хил зарар етказилишидир.

¹ Криминология. Учебник для юридических вузов. – М.: 1998. –Б. –502.

² Ўша ерда. –Б. –199.

³ Криминология. Словарь-справочник. Составитель Х.Ю.Кернер. Перевод с немецкого. –М.: Норма, 1998. –Б. –162.

⁴ Криминология. Словарь-справочник. Составитель Х.Ю.Кернер. Перевод с немецкого. –М.: Норма, 1998. –Б. –162.

⁵ Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. –Тошкент: Ўзбекистон, 1999. –Б. –594.

⁶ Ожегов С.И. Словарь русского языка (под ред. Н.Ю.Шведовой). –М.: 1990. –Б. –390.

Рухий таъйик эса – жабрланувчининг кадр-кимматини касддан ерга уриш, кўркиниш, шантаж, ҳақорат, алдовлар орқали жамият учун бирор бир хавфли қийматини содир этишга ва шунинг орқасидан ўзининг ҳаёти, саломатлигига зарар етказиши ва шу билан боғлиқ ҳолда унинг рухий ривожланиши ва саломатлигини озутилишига олиб келиш деб талкин этилади.

Жинсий зўравонликнинг жиноят сифатида таърифи эса куйидагичадир. Жабрланувчининг жинсий дахлсизлигига ва шу билан боғлиқ турли жинсий хатти-ҳаракатлар орқали таъовуз қилиш ҳамда унинг жинсий руҳияти билан боғлиқ саломатлигига зарар келтиришдир.

Санаб ўтилган зўравонлик турларини билиш орқали уларнинг ҳар бирига қарши олдини олиш чораларини аниқ ишлаб чиқиш зарур. Оила ва турмуш соҳасидаги куч ишлатишнинг сабаблари эса юздан ортик криминоген омиллар билан боғлиқ ҳолда кечади ва охир-окибат ўзига хос турмуш тарзи, оила аъзолари эр-хотинлар, ота-оналари, оиланинг катта ёшдагилари ҳамда ёшлар, ёрдамга муҳтож ногирон ва кекса ёшдаги шахсларга бўлган салбий муносабатларнинг шаклланишини кўриш мумкин.

Оила-турмуш муносабатларида жиноятчилик ва зўравонликка қарши курашиш орқали жамиятимизда мавжуд бўлган бир қанча криминологик оғриқли нуқталарни даволаш мумкин.

Оиладаги зўравонликнинг олдини олиш учун фақат халқаро миқёсдаги ҳуқуқий талабларнинг белгиланиши старли эмас. Бу масаланинг ечими кўп жиҳатдан қонунчилик даражасида мустаҳкамланган самарали ҳуқуқни қўллаш фаолиятига боғлиқ.

Бунда, албатта, оиладаги зўравонлик нафақат миллий, балки универсал, умумий ҳолат эканлигини ҳам ҳисобга олиш лозим. Бундай зўравонлик истисносиз барча давлатда, уларнинг жамият ва давлат тузилишидан катти назар, турли кўриниш ва шаклларда мавжуд.

Бундан ташқари, охирги муддатгача у мустақил ҳуқуқий институт сифатида эътироф этилмаган эди. Масалан, ўтган асрнинг 80-йилларига қадар дунёнинг 102 давлатидаги қонунчиликда оилавий зўравонлик учун жавобгарлик назарда тутилмаган, 52 мамлакатда эса эр-хотиннинг зўравонлиги жиноий жазога тортилмас эди. Ўтган асрнинг 90-йилларига келиб бу ҳолат ўзгара бошлади.

Бугунги кунда оиладаги зўравонликка қарши кураш бўйича АҚШда, Буюк Британия, Австралия, Янги Зеландия, Тринидад ва Табагода махсус қонунлар қабул қилинган. Яна шуниси аҳамиятлики, мусулмон давлатлари бўлган Малайзия ва Туркияда ҳам бундай қонунлар мавжуд.

Ҳозирда оиладаги зўравонликка қарши қаратилган қонунлар 47 давлатда мавжуд. Баъзи давлатлар жабрланганларни дастлабки ҳимоя билан таъминлайдиган фуқаролик ҳуқуқи билан чегараланса, бошқа давлатлар эса бу ҳимояни янада кенгайтирган. Баъзи давлатлар эса фуқаролик ва жиноят ишларини узвийликда кўради. Кўпчилик давлатлар жиноий ҳаракатларнинг янги таркибини белгилаб, уй-оилادا содир этиладиган зуғумлар талқинини ўзгартирди. Кўпчилик давлатларда, масалан, Финляндия, Бельгия, Буюк Британия, Словения, Германияда оиладаги зўравонлик жиноят деб ҳисобланади. Баъзи давлатлар «қонунлар интеграцияси» йўлидан бориб, унда қонун чиқарувчи ҳокимият ва давлат тузилмаларининг қонун билан белгиланган давлат томонидан молиялаш тизимида ои-

ладаги зўравонликнинг олдини олиш бўйича ижтимоий хизматлар яратиш ва дастурлар ташкил қилишда масъул эканлиги таъкидланган.

Оиладаги зўравонлик тўғрисида 2005 йилда қонун қабул қилган Европанинг энг охириги давлати Испания бўлди.

Оиладаги зўравонликни олдини олиш бўйича тўпланган энг катта ижобий тажриба Канадададир.

Канада – оиладаги зўравонликни бартараф этиш бўйича сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда етакчи давлат, деб тан олинган. У бундай жаҳолатга қарши йўналтирилган федерал ва ҳудудий қонунлари, маҳаллий микёсдаги ижтимоий дастурлари билан машхур.

Канадада хотин-қизларга нисбатан зўравонлик бўйича махсус федерал қонун мавжуд эмас. Шунга қарамай, 1994 йилдан бошлаб Жиноят кодексига аёллар ва болаларни зўравонликдан ҳимоя қилишга қаратилган қоралар тизимини назарда тутадиган қўшимчалар (тузатишлар) киритилган.

Махсус қонунлар қабул қилиш йўлидан МДХнинг баъзи давлатлари ҳам дадил бормокдалар. Хусусан, 2001 йил 15 ноябрда МДХ давлатлари орасида биринчи бўлиб Украинада «Оиладаги зўравонликнинг олдини олиш тўғрисида», 2006 йил 9 июнда Грузияда «Оиладаги зўравонликка қарши кураш, унинг олдини олиш ва жабрланувчиларга ёрдам кўрсатиш тўғрисида», 2006 йил 10 октябрда Озарбайжоннинг Миллий межлиси «Гендер тенглигини таъминлаш тўғрисида» қонунлар қабул қилинган.

Ўзбекистонда ҳам оила муносабатларни мустаҳкамлаш бўйича бир қанча ишлар амалга оширилган. Шу билан бирга, оиладаги можароларни профилактика қилишда, эр-хотин ўртасидаги муносабатларни барқарорлаштириш ва оиладаги зўравонликнинг олдини олиш йўналишида ҳали амалга оширишимиз лозими бўлган талайгина ишлар бор.

Оиладаги жиноятчилик масалалари юзасидан ўрганилган ҳолатлар ва илмий-назарий қарашлар натижаларидан келиб чиқиб, қуйидаги таклиф ва тавсияларни билдириб ўтиш лозим:

Биринчи. Оилада зўравонлик билан боғлиқ ҳолатларни асосий сабабларига ишсизлик ҳолатининг мавжудлиги, аҳолининг маълум бир қисмининг кам таъминланганлиги ва турмуш эҳтиёжларини тўлиқ таъминлай олмаслиги қаби-ларни кўрсатиш мумкин.

Иккинчи. Оилада содир бўладиган зўравонликни олдини олиш ва унга қар-ши курашиш борасида Финляндия, Бельгия, Буюк Британия, Словения, Германия, Испания, АҚШ, Буюк Британия, Австралия, Янги Зеландия, Малайзия, Туркия, Украина, Грузияда ва Озарбайжон давлатлари тажрибасидан келиб чиқиб, «Ои-ладаги зўравонликларга қарши кураш ва уни олдини олиш тўғрисида»ги Қонун қабул қилиниши лозим. Мазкур қонунда оиладаги зўравонлик, оиладаги жисмо-ний зўравонлик, оиладаги жинсий зўравонлик, оиладаги руҳий зўравонлик, оила-даги иктисодий зўравонлик, оиладаги зўравонлик жабрланувчиси, оиладаги зўра-вонликнинг олдини олиш каби тушунчаларнинг аниқ таърифи ёритилиши керак.

Учинчи. Ҳозирги кунда оилада ичкиликбозлик туфайли келиб чиқувчи ни-золарни бартараф этишда, руҳий чекинишда бўлган ва тажовузқор жиҳатларга эга руҳий беморлар ҳамда ичкиликбозларни тиббий даволашнинг ҳуқуқий асослари-ни қонун даражасида қайта кўриб чиқиш зарур.

Тўртинчи. Аёлларга ҳамда вояга етмаганларга нисбатан ҳар қандай зўрлик ишлатилишини бартараф қилишда энг асосий ролни албатта оила бажаради. Шу боис бу борадаги жинойтчиликка қарши курашни оилани ахлокий-ҳуқуқий тарбиялашдан бошлаш керак.

Бешинчи. Оиладagi жинойтларнинг олдини олиш мақсадида оила-рўзғор можаролари ва уларни олдини олишга қаратилган кенг қамровли тадбирлар ташкил қилиб унда аҳолини иштироки тўла таъминлаш, болаларга боғча ёшдан бошлаб оилада зўрлик ишлатишга қарши психологик иммунитетни сингдириш, каттаю-кичикка ҳурмат руҳида тарбиялаш, стрессли вазиятларда ўз эмоцияларини тўғри баҳолай олиш, ўз ҳагги-ҳаракатларини ҳар қандай ҳолатда назорат қила олишни ўргатиш лозим.

Олтинчи. Ўзбекистон Республикаси Жинойт кодексининг 118-моддасининг учинчи қисми «б» бандида ифодаланган бўлиб, унда «якин қариндош»нинг ному-сига текканлик учун жинойи жавобгарлик белгиланган.

Шубҳасиз, «якин қариндош» оила ришталари билан боғланган шахслар жумласига қиради. Лекин «якин қариндош» бўлиб ҳам эркак, ҳам аёл ҳисобланади. Шунингдек, қонунчиликда «оила аъзоси» тушунчаси белгиланмаган. Масалан, бирга яшайдиган шахс ёки қуда-андалар ким бўлади? Зўравон билан битта хонадонда яшовчи боқиманда ёки қариндош бўлади, лекин якин қариндош эмас.

Шу боис, ЖКнинг «Атамаларнинг ҳуқуқий маъноси» деб номланган VIII бўлимида «оила аъзолари» тушунчасига қуйидагича таъриф бериш керак:

«Оила аъзолари – қариндошликда, қуда-андаликда ёки қарамоғида бўлган якин қариндошлар ва бошқа шахслар, шунингдек паспорт тизими бўйича рўйхатдан ўтган ўтмаганлигидан қатъи назар, битта хонадонда биргаликда яшаётган ва умумий рўзғор юритаётган, шунингдек никоҳ муносабатларида бўлган шахслардир».

ОИЛА ҚОНУНЧИЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ДЎЛЗАРЪ МАСАЛАЛАРИ

*М.А.АМИНЖОНОВА - Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратурасининг Олий ўқув қурслари
кафедра бошлиғи, юридик фанлар номзоди*

Оила жамиятнинг кичик бир бўлағи ҳисобланиб, унинг мустақамлиғи ва барқарорлиғи юртнинг келажагини белгиловчи омилдир. Оиланинг жамият раънакида тутган ўрни бекиёс эканлиғи алоҳида эътиборга олиниб, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида оила жамиятнинг асосий бўғини эканлиғи, жамият ва давлат муҳофазасида бўлиши қатъий белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикасида оила муносабатларини тартибга солишда Конституция билан бир қаторда шу Конституция нормаларига асосланган ҳолда ишлаб чиқилган Оила кодекси муҳим аҳамиятга эга. Ушбу Кодекс оила муносабатларида ота, она ва фарзандларнинг бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳам белгилайди. Кодексдаги бу нормалар Ўзбекистон Республикасининг миллий кадриятларига асосланган ҳолда ишлаб чиқилган бўлиб, кодекснинг IV-бўлими ота-она ҳамда вояга етмаган болаларнинг ҳуқуқ ва

мажбуриятлари деб номланиб, бу бўлимда вояга етмаган болаларнинг шахсий номулкий ҳуқуқлари, ота-онанинг шахсий номулкий ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ота-она ҳамда болаларнинг мулкый ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўлиқ ёритиб берилган. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Оила қонунчилигининг айрим жиҳатларини такомиллаштириш долзарб вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади. Оила қонунчилигига кўра ота-онанинг фарзандлар олдида бир қатор мажбуриятлари белгиланган. Масалан, Оила кодексининг 65-моддасида боланинг оилада яшаш ва тарбияланиш ҳуқуқи белгилаб берилган. Унга кўра, ҳар бир бола оилада яшаш ва тарбияланиш, ўз ота-онасини билиш, уларнинг ғамхўрлигидан фойдаланиш, улар билан бирга яшаш ҳуқуқига эга, бола манфаатларига зид бўлган ҳолатлар бундан мустаснодир.

Бола ўз ота-онаси томонидан тарбияланиши, ўз манфаатлари таъминланиши, ҳар тарафлама камол топиши, инсоний кадр-қимматлари ҳурмат қилиниши ҳуқуқига эга.

Боланинг ота-онаси бўлмаганда ёки улар ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганда ва бола ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бошқа ҳолларда унинг оилада тарбияланиш ҳуқуқи васийлик ва ҳомийлик органи томонидан таъминланади.

Шунингдек, 73-моддага кўра ота-она ўз болаларини тарбиялаш ҳуқуқига эга ва тарбиялаши шарт.

Ота-она ўз болаларининг тарбияси ва камолоти учун жавобгардир. Улар ўз болаларининг саломатлиги, жисмоний, руҳий, маънавий ва ахлоқий камолоти ҳақида ғамхўрлик қилишлари шарт.

Ота-она ўз болаларини тарбиялашда бошқа барча шахсларга нисбатан устун ҳуқуққа эга.

Ота-она болаларининг қонун ҳужжатларида белгиланган зарур даражада таълим олишини таъминлаши шарт.

Ота-онанинг фарзандлар олдидаги мажбуриятдан яна бири ота-она вояга етмаган болаларига таъминот бериши шартлигидир.

Вояга етмаган болаларига таъминот бериш мажбуриятини ихтиёрий равишда бажармаган ота (она)дан суднинг ҳал қилув қарорига ёки суд буйруғига асосан алимент ундирилади.

Ота-онанинг фарзандлар олдида белгиланган мажбуриятларидан кўриниб турибдики, бу мажбуриятлар асосан болани моддий ва маънавий жиҳатдан баркамол бўлиб етишишига қаратилган. Бугунги кунда айрим ота-оналарнинг фарзандлар олдидаги ўз мажбуриятини бажармаслиги натижасида вояга етмаганларни баркамол инсон қилиб етиштиришда айрим муаммолар келиб чиқмоқда. Энг асосийси, айрим ота-оналарнинг ўз мажбуриятини бажармаслиги натижасида фарзандлар тарбиясида, уларни вояга етиштиришда фақатгина давлат ўз мажбуриятини бажармоқда, ҳолос.

Яъни, давлатимиз болалар тарбиясида ҳамда уларнинг ҳар томонлама баркамол вояга етишида ўзини масъул ҳисоблаб, уларни ривожланиши учун барча шароитларни яратиб келмоқда. Жумладан, бугунги кунда уч ёшгача бўлган болаларни Республикамиздаги мавжуд гўдақлар уйи, 3 ёшдан юқори бўлган вояга етмаган болаларни меҳрибонлик уйи, болалар маҳаллалари, болалар шахарчалари ўз бағрига олиб, уларни ҳар томонлама баркамол вояга етишлари учун барча шароитлар яратилган. Лекин, шу вояга етмаган болани дунёга келтирган айрим ота-оналар эса фарзандлар олдидаги

Ўз мажбуриятларини бажаришни хаттоки ҳаёлларига ҳам келтирмайдилар. Хаттоки ўз фарғидларни учун арзимаган миқдордаги алиментни тўлашдан бўйин товлаш мақсадида турлича найранглар ўйлаб топишади.

Ота-оналарнинг фарзандлари тақдирига бу қадар бепарқ карашлари, ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлашлари уларнинг нафақат фарзанд тарбиясига бепарқлигини, балки жамият тақдирига бафарқлигини ифодалайди. Бугунги кунда ота-она меҳридан йироқ усаётган фарзандлар сонини камайтириш мақсадида ота-оналарнинг фарзандлар камолотидаги бурчини, мажбуриятини такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир. Чунки, ота-оналарнинг фарзандлар олдидagi ўз мажбуриятидан эркин воз кечиш имкониятининг мавжудлиги ниқоҳсиз болалар туғилишининг кўпайиши, ота-оналарнинг ўз фарзандларини вояга етказишдан бош тортиши ҳолатларини кўпайишига олиб келмоқда. Шунинг учун ҳам оила қонунчилигида ўз фарзандининг парваришидан сабабсиз воз кечган ота-оналарга нисбатан жиддий таъсир чорасини белгилаш лозим.

Оила қонунчилигига доир вояга етмаганларни фарзандликка олишнинг ҳуқуқий тартибга солишни ҳам такомиллаштириш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Вояга етмаган болаларни фарзандликка олиш Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексини амалга ошириш учун зарур меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарори билан тасдиқланган «Вояга етмаган болаларни фарзандликка ва болаларни оилага тарбияга олиш (Патрионат) тўғрисида»ги низом асосида амалга оширилади.

Фарзандликка олиш фақат ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган вояга етмаган болаларга нисбатан, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида йўл кўйилади.

Фарзандликка олиш болани фарзандликка олишни хоҳлаган шахсларнинг аризасига ва васийлик ва ҳомийлик органлари тавсиясига кўра туман, шаҳар ҳокими қарори билан амалга оширилади.

Ушбу Низомга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 20 июндаги 183-сон қарори билан киритилган қўшимчага кўра фарзандликка олиниши лозим бўлган болалар ҳақидаги маълумотларни ва фарзандликка олинувчиларни жойлаштириш бўйича туман, шаҳар ҳокимига тавсиялар тайёрлаш халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлими томонидан амалга оширилади. Фарзандликка олиш туман ҳокимининг қарори билан расмийлаштирилади. Юқоридагилардан кўришиб турибдики, мамлакатимизда фарзандликка олиш маъмурий тартибда амалга оширилмоқда. Бирок ҳозирги кунда жаҳоннинг кўплаб ривожланган мамлакатларида фарзандликка олиш суд тартибида амалга оширилиши кузатилади. Албатта фарзандликка олиш бир неча мураккаб босқичлардан иборат бўлиб, айрим ҳолларда фарзандликка олиш нафақат миллий давлатчилик миқёсида, балки халқаро миқёсда ҳам бўлишини инobatга оладиган бўлсак, фарзандликка олишга доир ишлар суд тартибида белгиланиб, бу турдаги ишларнинг кўрилишида прокурор интигирокнинг мажбурийлигини белгилаш лозим. Бу вояга етмаганларни фарзандликка олишнинг қонунийлигини таъминлашга хизмат қилади.

Шунингдек, Оила қонунчилигига кўра бола таъминотида масъул бўлган ота-оналарнинг сабабсиз таъминот беришдан бош торганлиги учун белгиланадиган

таъсир чораларини кучайтириш лозим. Яъни, бу чораларни бир йўла Жиноий жазо чораси сифатида эмас, балки Маъмурий жавобгарлик чорасини белгилаш масаласини кўриб чиқиш лозим. Яъни биринчи марта таъминот тўлашдан тўрт ой давомида бош тортган ота ёки онага шу тўланмаган нафақа миқдорини бир ярим баробари миқдорида тўлатиш мажбуриятини юклаш, агар шу таъминотни тўлашдан бош тортса жиноий жавобгарлик белгилаш масаласини кўриб чиқиш лозим. Амалдаги қонунчилик талабига кўра, алимент тўлашдан бош тортган ота ёки онага бир йўла жиноий жавобгарлик белгилаш назарда тутилган. Бунинг ҳуқуқий оқибати ҳам болаларнинг келажаги учун кўпроқ таъсир этишини назарда тутган ҳолда дастлаб маъмурий жавобгарлик белгилаш масаласини кўриб чиқиш лозим.

Албатта, оила қонунчилигини такомиллаштиришга доир яна бир қатор тақлифларни келтириш мумкин. Чунки бизнинг мақсадимиз оилаларнинг мустақамлигини таъминлаш, бунинг натижасида эса жамиятнинг мустаҳкам пойдеворини яратишдан иборат.

ЭРКИНЛИКНИНГ ЧЕГАРАСИ БОРМИ?

(Замонавий Ғарб тамаддунида оилага муносабат ва маънавий таназзул)
М.С.ИМОМНАЗАРОВ – филология фанлари доктори, профессор

Бугунги кунда Европа фан ва техникаси ниҳоятда тараккий этиб кетди. Аста-секин бу жараён Осиё китъасига ҳам ўтиб бормоқда. Натижада инсонларнинг яшаш шароитларида кундан-кунга турли қулайликлар бунёдга келмоқда. Аммо бу яратилаётган қулайликлардан, фан ва техника ютуқларидан инсоният доимо оқилона фойдалана олаётганими?

Бу саволга осонгина «Ҳа» деб жавоб бериш кийин. Ҳозирги экологик фожеалар, оммавий қирғин қуролларининг доираси тобора кенгайиб бораётгани, халқаро терроризм хавфининг кескинлашуви фан-техника таракқиёти борган сари башарият ҳаёти учун ўта хатарли вазиятлар туғдираётганининг очик далилидир. Бугунги жаҳон ахборот алмашувининг тезлашуви ва глобаллашуви эса ҳар бир халқнинг маънавий ҳолатига ҳам жиддий хавф сола бошлади. Бу муаммолар ўтган асрнинг сўнгги чораги ва XXI асрнинг дастлабки йилларида Ғарб дунёсида нашр этилган Фридрих Хайекнинг «Қуллик сари йўл» (1989), Френсис Фукуяманинг «Тарих интиҳоси» (1985), «Тарих интиҳоси ва сўнгги одам» (2004), Жак Барзумнинг «Ёруғликдан зулмат сари: Ғарб маданий ҳаётининг 500 йиллик тарихи» (2000) каби қатор асарларда ҳар томонлама таҳлил қилиб берилган. Айниқса, америкалик таниқли файласуф, журналист ва сиёсий шарқловчи Патрик Бьюкененнинг «Ғарбнинг ҳалокати» (2002) асарида Европа ва Шимолий Америка каби ўта ривожланган тамаддун ўчоқларидаги **маънавий таназзул жараёни** кенг очиб берилган.

Асарда муаллиф, статистик ва социологик маълумотлар ҳамда қўллаб таниқли олим-мутахассисларнинг фикр-мулоҳазаларига таянган ҳолда, Ғарб тамаддуни асосларига таҳдид солаётган қатор хавф-хатарларга эътибор қаратади.

Улардан бири – **демографик омил**, яъни Ғарб мамлакатларида туғилиш даражасининг кескин пасайиши бўлиб, муаллиф сўзи билан айтганда, Ғарб цивилизацияси ғалати «**қрақиб**» — **зурриёт қолдиришдан воз кечаётган аҳолига** рўбарў келиб қолди. Бьюкененнинг ёзишича: «**Ўн миллионлаб америкалик ёш аёллар** бола

туғишни истамас экан, демак, Америка олмавий муҳожирликни ҳар жиҳатдан рағбатлантиришига мажбур бўлади». Муаллиф фикрига кўра бундай ҳолатнинг асосий сабаби дин ва ахлоққа зид бўлган ғоя ва қарашларнинг инсонлар онига сингдирилиши оқибатида азалий кадрият, урф-одат ва анъаналарнинг емирилишидир.

Асарда таъкидланишича, ўтган асрнинг 60-йилларида Ғарб мамлакатларида содир бўлган «**маданий инқилоб**» эр, хотин ва болаларни оилавий вазифалар, бурч ва масъулиятдан озод этиб, **оилага бўлган ижтимоий эҳтиёжни йўққа чиқарди**. Бундай вазиятнинг вужудга келишида ўтган асрнинг бошларида аксарият Ғарб мамлакатларида шаклланган ва бугунги кунга келиб ғоят кучли ижтимоий ҳаракатга айланган **феминизмнинг «хизмат»и** катта бўлган. Китобда ёзилишича, ашаддий феминист аёллардан бири Ш.Кронин «*Жуши Уорлд Ревью*» журналининг 2000 йил февраль сониде чоп этилган мақоласида оила-никоҳ масаласи ҳақида тўхталиб, бундай деб ёзади: «*Никоҳ бу — қуллиқнинг бир шаклидир. Шундай экан, аёллар ҳаракати ана шу институтга қарши йўналтирилиши зарур. Негаки, никоҳ барҳам топмаган жамиятда аёлларнинг озод этилишига умид қилиш хомхаёлдир*». 1973 йилда Ненси Леманн ва Хелен Саллинггер «*Феминизм декларацияси*» номи билан хотин-кизлар мартабасини кўтаришга қаратилган ҳаракатнинг янги манифестини эълон қилди. Бу ҳужжат кенг оммалашиб, талай мактовларга сазовор бўлди. Унда бундай жумлалар бор: «*Никоҳ — эркаклар томонидан, эркаклар манфаати учун ўйлаб топилган бидъат... Биз уни йўқотишимиз керак*». Афсуски бундай ғоялар таъсирида миллион-миллион америкалик аёллар оила қуриш ва бола туғишдан воз кечмоқда, барча динларда қораланган оиланинг ноанъанавий шакллари пайдо бўлмоқда.

1970 йилдан ҳозирги вақтгача никоҳсиз яшаётганлар сони 523 мингдан 6,5 миллионгача, яъни 1000 фоизга ошгани, фақат тўрт хонадондан биттасида тўлиқ оила истиқомат қилаётгани, бир жинсга оид «*никоҳ*»лар кўпайиб бораётгани, яқка ўзи яшаётган америкаликлар мамлакат аҳолисининг 26 фоизини ташкил этаётгани бу фикрни тасдиқлайди.

Оила-никоҳ муносабатларининг инкирози ғарбона турмуш тарзининг азалий кадриятлари саналган фидойилик, меҳрибонлик, садоқат, иймон-эътиқод каби фазилатларнинг фақат шахс манфаатларининг қондирилишига қаратилган **индивидуалистик қарашлар** томонидан сиқиб чиқарилгани билан изоҳланади.

«*Гомосексуализмни қоралаган муқаддас китоблар четга сурилди, энди гомосексуализм уят эмас, балки унга ола кўз билан қараш уят деган ғоя тақиштирила бошланди. Мусо алайҳиссаломнинг «Ўн суннати» унутилиб, унинг ўрнида презервативлар пайдо бўлди*», деб ёзади ўз китобида П.Бьюкенен. Бу аччиқ ва инсоният учун шармандали ҳолатнинг нақадар кенг тус олганини интернет саҳифаларидан олинган куйидаги маълумотлар ҳам тасдиқлаб турибди.

Рус тилида ёзадиган машҳур сексолог И.С.Кон Россияда чоп этиладиган «*Фалсафа масалалари*» журналининг 2001 йил 8-сониде босилган «*XXI аср чегарасида инсонлар шахвонияти*» номли мақоласида шундай фикрларни баён қилган эди: «*Бир хил жинслар аро муҳаббатга муносабатнинг ахлоқий-руҳий жиҳатдан нормал ҳолга келтирилиши гейлар ва лесбиянкалар (ушбу сўзлар таржимаси ҳануз лугатларга ҳам кирмаган, ўзбек тилида қадимда «бачабозлар» ва «булғорилар» деб аталган) ўз хоҳиш-истакларини очик-ошкор намоён қилишларига ва ижтимоий ҳаётда ўз ўринларини топишларига эркин имконият яратиб беради. XXI асрнинг биринчи ярмида бар-*

ча маданиятли мамлакатларда бир жинсли никоҳлар ёки уларнинг бир оилда яшашлари аниқ қонунлаштирилади, инсонларни жинсий муносабатларидаги ўзига хос йўналишлар сабабли камситиш эса худди ирқчилик ёки антисемитизм сингари ахлоқан ва қонунан номақбул деб топилади.»

Бу сексолог «олим» яқинда ўзининг шахсий сайтида эълон қилган «XXI аср ва бир жинсли никоҳлар» мақоласида шу 10 йил бурунги гапларини эслаб: «Менинг башоратим ўзини оқламоқда, бу соҳадаги ривожланиш эса тобора тезлашмоқда...» деб ниҳоятда мамнуният билан қайд этади.

Дарҳақиқат, Нидерландияда (2001 йил 1 апрелдан), Бельгияда (2003 йил 1 июндан), Испанияда (2005 йил 3 июлдан), Канадада (2005 йил 20 июлдан), Норвегияда (2009 йил 1 январдан), Швецияда (2009 йил 1 майдан), Португалияда (2010 йил 5 июндан), Исландияда (2010 йил 27 июндан), Аргентинада (2010 йил 22 июлдан), АҚШнинг Массачусетс штатида (2004 йил 17 майдан), Калифорния (2008 йил 16 июндан), Коннектикут (2008 йил 12 ноябрдан), Аёва (2009 йил 27 апрелдан), Вермонт (2009 йил 1 сентябрдан), Нью-Гэмпшир (2010 йил 1 январдан), Округ Колумбия (2010 йил 1 мартдан), Мексиканинг пойтахти Мехико шаҳрида (2010 йил 4 мартдан) бир хил жинсларо никоҳланишга қонуний тус берилди. Бошқа бир қатор мамлакатларда (жумладан, Буюк Британия, Ирландия, Дания, Гренландия, Франция, Андорра, Германия, Финляндия, Люксембург, Лихтенштейн, Чехия, Словения, Венгрия, Швейцария, Хорватия, Австрия), шунингдек Исроил, Янги Зеландия, Австралияларда «никоҳланиш» атамаси ишлатилмаган ҳолда бир хил жинсли шахсларнинг қонуний бир оила бўлиб яшашларида руҳсат берилган. Жанубий Америкадаги Колумбия, Уругвай, Эквадор мамлакатларида ҳам шундай ҳаёт тарзининг баъзи шакллари қонуний руҳсат берилган. И.С.Коннинг ёзишича, бу масаладаги ижтимоий фикр ҳам ўзгармоқда. Яқинда эълон қилинган сўровларга қўра АҚШдаги 393 коллежнинг 271 минг 441 биринчи курс талабасидан 61 фоизи бир хил жинслар аро никоҳланишга қонуний тус берилишини маъқул топган.

Мақола сўнггида И.С.Кон шундай ёзади: «Албатта, хануз қатор мамлакатларда нафақат бир жинсли «никоҳлар» қонунлаштирилмаган, балки гей и лесбиянкалар ўз муносабатларини яширишга мажбурлар. Аксарият ҳолатда бундай мамлакатларда нодемократик тузумлар ҳукмрон, уларда халқнинг турмуш даражаси паст, бегона фикрларга душманлик билан қараш ва диний мафкура тазйиқи кучли, нафақат бу масалада балки бошқа соҳаларда ҳам инсон ҳуқуқларига риоя қилинмайди. Лекин XXI аср энди бошланмоқда».

Мана гарбона «**инсон ҳуқуқлари**» химоячиларининг нуқтаи назарлари.

Ҳозирги кунда қонунан «*никоҳланган*» бир жинсли «*оила*»ларга бола сақлаб олиш ва уни тарбиялаш ҳуқуқи бериш масаласи кун тартибига қўйилмоқда. Охирги 10 йилда инглиз тили жорий бўлган ўлкаларда изоҳли луғатлардан «*никоҳ*» сўзининг изоҳида эркак ва аёл ўртасида деган таъкид олиб ташланмоқда.

Яқинда Россия телеканалларидан бирида антика мавзуда кўрсатув намойиш қилинди. Кўрсатувда мушуқлари ўта ривожланган бир инсон ҳақида суҳбат кетди. Бу ўрта яшар инсон кўринишидан эркак кишига ўхшар эди, аммо негадир унинг кўкракларидан чандиқ излари сезилди. Суҳбат давомида маълум бўлдики, бу одам асли онадан қиз бола бўлиб туғилган экан, аммо руҳан ўзининг ўғил бола бўлишини орзу қилар экан. Балоғатга етгач, пул топиб, ўзини оғир косметик операцияларга мубтало қилиб, эркак киши қиёфасини касб этипти ва бундан ҳозир ўзи жуда бахтиёр эмиш.

Аммо суҳбат охирида бир сир очилиб қолди. Бу ёлгон «эркак» киёфасидаги зот ҳар қайси ёки ўн кунда махсус гормонал укол олиб турар экан, агар шуни тўхтатиб қўйса, унинг киёфаси намоён бўлиб қолиши мумкин экан. Ана сизга «бахтли» инсон. Ўша кўрсатувда айни вақтда, яна бир аёл кўкрак безларини олдириб ташлаб, эркак киёфасида қирибди, аммо энди фарзанд кўргиси келаётган эмиш. Юкорида тасвирланган «аёл-эркак»нинг хотин киши киёфасидаги «онаси» хақида ҳам хабар берилди, аслида бу «аёл» эркак бўлиб туғилган ака бўлган экан.

Бундай «сариқлиш» ишқибозларининг руҳий касаллардан қандай фарқи бор. Бундай «сариқлиш»ларни нормал ҳолат деб эълон қилаётган «олимлар» кимнинг фойдасига хизмат қилмоқда. Маълумки, бундай пластик амалиётлар жуда катта пул эвазига бажарилади ва бундай «ишқибозлар» бир эмас, бир неча қайта тигилганга ўхшабди. Аммо барибир бундай руҳий васвасага йўлиққанлар ўз ниятларини тўлиқ амалга ошира олмайдилар. Чунки аёл шаклан «эркак»ка айлангани билан аёлик хусусиятини умрбод йўқотган ҳолда моҳиятан тўлақонли эркак бўла олмайдди, шаклан «аёл»га айланган эркаклар ҳам ўз жинсини йўқотадилар, аммо фарзанд кўриш имкониятини топмайдилар. Катта пул эвазига инсон танасини умрбодга шикастлаб, ушбу хатарли жиноятни амалга оширувчилар агар «тибиёт» ходимлари» аталса, унда ўғри ва котилларни ким деб аташимиз керак?

«Бугунги кунда дунёнинг айрим ҳудудларида, – деб қуюнчақлик билан қайд қилилади Президентимиз, – катта маънавий йўқотишлар юз бераётгани, миллимизнинг асрий қадриятлари, миллий тафаккури ва турмуш тарзи издан чиқаяётгани, ахлоқ-одоб, оила ва жамият ҳаёти, онгли яшаш тарзи жисдий вафв остида қолаётганини қузатиш мумкин.»

Мустақил Ўзбекистон раҳбарияти оила ва маҳалла каби асрий қадриятларимизни ривожлантиришга алоҳида аҳамият бераётгани бежиз эмас. Чунки маънавий барқамол авлод тарбияси оила ва маҳалладан бошланмас экан, бу йўналишда сезиларли ютуқларга эришиш мумкинлигини тасаввур этиб бўлмайди. Шу сабабли Ўзбекистон Президенти Исом Каримов ўзининг «Юксак маънавият – энгилмас куч» китобида таълим-тарбия муассасалари билан бир қаторда оила ва маҳаллага асосий тарбия масканлари сифатида алоҳида аҳамият қаратиш зарурлигини таъкидлаб ўтади.

ОИЛА ВА ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИ

М.Ф.ЛАФАСОВ –ТДПУ профессоци

Маълумки, оила ижтимоий ҳодиса сифатида инсониятнинг улуғ кашфиёти саналади. Президент Исом Каримов таъкидлаганидек: «Шарқда қадим-қадимдан оила муқаддас Ватан саналган. Чунки агар оила соғлом ва мустаҳкам бўлса, маҳаллада тиричилик ва ҳамжихатликка эришилади. Бинобарин, маҳалла-юрт мустаҳкам бўлсагина, давлатда осойишталик ва барқарорлик ҳукм суради. Зеро, оила фаровонлиги – миллат фаровонлиги асосидир».¹

Жамият тараққиётини ҳаракатга келтирувчи ҳужжат бўлган Қомусимиз–

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008, 58-бет.

Конституциямизда оила масаласига ҳам алоҳида урғу берилган ва «Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳукукига эга»¹ – деб ёзилган.

1998 йил – «Оила йили», 1999 йил – «Аёллар йили», 2001 йил – «Она ва бола йили», 2002 йил – «Соғлом авлод йили» шиори остида ўтганлиги бунинг далилидир. 2007 йилнинг «Ижтимоий ҳимоя йили», 2008 йилнинг «Ёшлар йили», 2010 йилнинг «Баркамол авлод», 2012 йилнинг «Мустаҳкам оила йили» йили деб эълон қилинганлиги моҳият-эътибори билан жамиятнинг асосий бўғини бўлмиш оилани ижтимоий муҳофазга қилишни аңлатади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «...ёшларимизни хар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, хаёт абадийлиги, авлодлар давомийлигини таъминлайдиган маънавият кўрғони бўлган оилани мустаҳкамлаш бугунги кунда барчамизнинг нанки асосий вазифамиз, балки инсоний бурчимизга айланишини истардим»² – деб алоҳида таъкидлагани бежиз эмас.

Халқимизнинг тарихини кўздан кечирсак, оила, унинг вазифалари, жамият тараққиётидаги ўрни ва салмоқли ишлари хақида кимматли фикрлар айтилган. Демак, ўзбек оиласи ва миллий оила педагогикаси тарихи жуда қадимийдир.

Ўзбек халқининг қадимги тарихини акс эттирган «Авесто»да ҳам оила муносабатлари билан боғлиқ мантқий фикрлар илгари сурилади. Унда қайд қилинишича, эркак зурриёт қолдириш қобилятига эга бўлса-ю, аммо уйланмаса, унга тамға босишар ёки белига занжир боғлаб юришга мажбур қилишарди. «Авесто»да қариндошларнинг ўзаро оила қуриши ман этилган. Қавм ва уруғ конини тоза, авлодни бенуксон сақлаш учун шундай қилинган³.

Аждодларимиз азалдан оила мустаҳкамлиги соғлом авлоднинг яралиши йўлида муттасил эътиборда бўлган, оиласи, уруғи обрўси мустаҳкамлиги, ғурури учун доим қурашиб келган. Бундай оилапарварлар ва болапарварлар зардуштийлик ғояларининг айнан бизнинг заминда туғилиши билан ҳам боғлиқ. Буни тарихий манбаларни кузатишнинг ўзйёқ аңлатиб турибди. Зардуштийликнинг муқаддас китоби «Авесто»да оила, унинг мустаҳкамлиги, тарбия масалаларига катта эътибор берилгани унинг исботидир. «Оилапарварлик ва болапарварлик ғоялари фақат йўл-йўриқлар сифатидагина қабул қилиниб қолмай, авлод турмушининг бахтли-саодатли, тўла таъминотли, хушчакчақ, серфарзанд бўлиши тўғрисида ҳам катта ғамхўрлик кўрсатилган. Бундай ғоялар авлоддан-авлодга айнан оила тарбияси орқали сингдириб борилган деб»⁴.

Бу мисоллардан кўриниб турибдики, эрамизгача бўлган узоқ ўтмишда ҳам биологик-физиологик жиҳатдан соғлом эркак ёхуд аёл кишилар оила қуришга мажбур бўлишгани ҳолда улар (инсонлар) қавм-уруғни тоза сақлаш, миллий конни (авлод маъносида) бузмаслик, никоҳ тушмайдиған қариндошлар ўртасида оила қурмаслик қаби ахлоқ-одоб нормаларига амал қилишган.

Демак, оила инсонларнинг табиий биологик-физиологик, моддий-иктисо-

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: Адолат, 2008, 24-бет.

² Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини яна юксалтиришдир. –Т.: Ўзбекистон, 2010, 74-75-бетлар.

³ Қаранг. Ўзбек педагогикаси антологияси. –Т.: Ўқитувчи нашриёти, 1995, 32-35-бетлар.

⁴ Хўжаниёзов Т. Оила тарихи ва ҳуқуқ. –Т.: Адолат, 2006, 16-17-бетлар.

дий, ҳукукий-қонуний, маънавий-ахлоқий алоқа-муносабатлари асосига қурилган ижтимоий бирликдан иборатдир. Инсонларнинг табиий биологик-физиологик муносабати деганда жинсий алоқа ва насл қолдириш (фарзанд туғиш ва тарбия-лиш)ни моддий-иктисодий муносабатда – уй-рўзгорни бошқариш, мулкӣ муносабатни, ҳуқуқӣ-қонуний муносабат – никоҳнинг қонунийлигини, маънавий-ахлоқӣ муносабатда эса эр-хотин иноқлиги, поклиги, ота-она билан фарзандлар ўртасидаги меҳр-оқибат, ҳурмат, бурч ва шу қабиларни тушуниш лозим. Бундан жамият ва оила диалектик бирликни ташкил қилади деган мантиқӣ хулоса қилиб чиқади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Қаримов ва ҳукуматимиз оилани жамият негизи сифатида билиб, унга нисбатан ғамхўрлик қилмоқда, унинг моддий-маиший раванқи учун бутун имкониятларни ишга солмоқда. Жумладан, Президентимиз оиланинг жамиятда тутган ўрни ва аҳамияти тўғрисида шундай дейди: «**Оила қуриш масаласи ҳар бир инсон ҳаётида – у йиғит бўладими, қиз бўладими – улкан ҳодиса эканини, бу масала шахсий, хусусий доирадан чиқиб, ижтимоий аҳамият қасб этишини кенг жамоатчиликка тушунтириб боришимиз керак**»¹. Бу ўрнида илгари сурилаётган педагогик ғоянинг туб моҳияти оила тарбиясини тўғри йўлга қўйиш, мустаққамлаш ва янада чуқурлаштириш билан боғлиқдир. Оила тарбияси деганда ота-она, оиладаги қатта кишилар, бува ва бувилар, ака-опалар ва шу қабилар томонидан болаларнинг тўғри, миллий ахлоқ-одоб нормалари асосида тарбиялашни тушуниш лозим. Зотан, болаларнинг келажакда қандай инсон бўлиб етишиши ота-она, ака-опа ва бошқаларнинг ўзаро муомала-муносабатлар, ҳулқ-атвориға, тартиб-интизомига бевосита боғлиқдир. Халқимиз: «Қуш уясида қўрганини қилади» деб бежиз айтмаган.

Оила тарбияси қабӣ қатта масъулият, биринчи навбатда, ота ва она зиммасига тушади. Шу ўринда бир нарсани алоҳида уқтириш керакки, болалар тарбиясида асосий таъсирчан қуч-қудрат бу – Онадир. Дарҳақиқат ота қўпинча оиланинг моддий эҳтиёжларини қондириш ва таъминлаш, қолаверса оиланинг хўжалиқ ишлари билан банд бўлади. Бу ўзбек оилалари тарихидан маълум бўлган ҳақиқат ва ота-боболаримиздан мерос бўлиб қолган аънаадир. Шунга қўра бола билан қўпроқ она бирға бўлади. Ахир, халқимиз: «Сут билан қирган – жон билан чиқади» дейди-қу! Тарбия, яъни юксак ахлоқ-одоб ақидалари бола жонига (руҳига) қўпроқ она сути (тарбияси) билан қиради.

Оила тарбиясида ҳикмат (фалсафӣ-педагогик йўналишлар) қўп. Янги ўтқазилган ниҳолнинг тўғри ёҳуд эгри ўсиши боғбон меҳнати ва маҳоратига боғлиқдир. Эгри ўсаётган ниҳолнинг қаддини ростлаб қўйилмаса, у нотўғри ривожланади. Янги туғилган гўдақ тарбияси билан шу ёш ниҳол ҳолати ўртасида қандайдир табиий ўхшашлик мавжуд.

Бундан қўриниб турибдики, меҳнат тарбияси, маънавий-ахлоқӣ тарбия, ахлоқ-одоб нормалари, Ватан туйғуси ва ватанпарварлик тарбияси, маънавий-эстетик тарбия, жисмоний тарбия, қатталарға ҳурмат, қичиқларға шафқат, миллий гурур ва ифтихор тарбияси, ижтимоий тарбия ва шу қабилар оиладан бошланади. Шу зикр қилинган педагогик-фалсафӣ тушунчалар оила раҳбарларининг дунёқараши билан қамбарчас боғлиқдир. Дейлик, дехқон дунёқараши унинг

¹ Қаримов И.А. Соғлом авлод тарбияси – барқамизнинг муқаддас инсоний бурчимиздир. – 8-жилд. Т.: Ўзбекистон, 2000. 432-бет.

ҳалол меҳнат қилиб, дастлаб оила тўқинлиги ва сўнгра халқ фаровонлигини таъминлашда кўрилади. Унинг барча фаолияти шу олижаноб туйғу билан уйғунлашган. Бу оилада бола меҳнатсеварлик руҳида тарбияланади. Ҳаёт ва турмушнинг ҳамма нукта ва қирралари меҳнат билан равшанлашади. Зотан, меҳнаткаш инсон ҳар соҳада ўз йўлини топа олади.

Хулоса қилиб айтганда, оила ва унинг моҳияти, оиланинг ҳар томонлама раўнақи ва жипслигини таъминлаш шарт-шароитлари, оила тарбияси-миллий ифтихор, унинг жамият негизи экани, оила ичидаги оила камолотини таъминлаш сингари муаммоларни тадқиқ этиш ҳамда уларни халққа содда ва тушунарли тарзда етказиш шу куннинг долзарб вазифасидир.

ОИЛАНИ МУСТАҲКАМЛАШНИНГ АСОСИЙ ЙўНАЛИШЛАРИ

*А.АБДУЖАББОРОВ –Бош прокуратуранинг
Олди ўқув курслари бўлим бошлиғи*

«Оила – жамиятнинг негизи. Бизнинг давлатимизни ҳам қатта бир оила деб тушуниш лозим. Бунда ўзаро ҳурмат ва қаттиқ тартиб бўлмаса, оиланинг барча аъзолари ўз бурчларини адо этмаса, бир-бирига нисбатан эззулик билан меҳроқибат кўрсатмаса, яхши ва муносиб тарзда яшаш мумкин эмас».

Ислом КАРИМОВ

Кишилиқ жамиятнинг тарихига назар ташлайдиган бўлсак, унда инсонларнинг турмуш-тарзи, кунлик кечинмалари шу жамиятнинг кейинги ривожланиши учун омил бўлган. Инсонларда бўлган бир-бирига интилиб, жамоа бўлиб яшаш, айниқса, ташқи хавф-хатардан ҳимояланишда биргаликда курашиш ўзининг самарасини берганини илгаридан пайқашган.

Шу маънода турли мақсадлар йўлида, хусусан, турли жинсдаги одамларнинг биргаликда турмуш куриб, келажакда насл қолдиришга бўлган интилиши оила деган ғоят мураккаб, серқирра, шу билан бирга, жамиятнинг энг қуйи бўғинига асос ҳисобланган ижтимоий ҳодиса келиб чиқишига замин яратди.

Ҳар бир кишининг ҳаётида оила алоҳида ўрин тутати. Оилада бола улғаяди ва ҳаётнинг илк кунларидан бошлаб биргаликда турмуш кечириш ҳамда инсоний муносабатлар қоидаларини ўзлаштира бошлайди, ўзининг оиласидан яхшилик ҳамда ёмонликни онгига сингдиради, оиласига хос бўлган барча хусусиятлар унда мустаҳкам ўрин олади. Улғайгач эса бола ўзининг оилаларида ота-онасининг оиласида кўрган кадрятларни ёки иллатларни қайтаришга уринади.

Оилада боланинг атроф-муҳитга бўлган муносабати тартибга солинади, оилада бола маънавий ва ахлоқий қоидалардан тажриба орттиради.

Оила энг кичик ижтимоий институт, жамиятнинг ижтимоий негизи сифатида талқин қилинади. Бутун бир давлатнинг аҳволи шу давлатдаги оилаларнинг аҳволига боғлиқ бўлиб қолади. Оилада ота-она ва болалар маънавий яқдиллиги билан боғланган. Жамиятдаги маънавий маданият даражаси оиладаги маънавий

маданият даражасига бевосита боғлиқ бўлади. Оиланинг иктисодий аҳволи давлатнинг иктисодий аҳволига боғлиқ бўлади. Жамиятдаги иктисодий ҳолат эса, ўч навбатига, бола қанчалик меҳнат қилишга ўргатилганлиги ва ўспирин эртага қайси қисбнинг эгаси бўлишига ҳамда мустақил меҳнатга тайёргарлигига, оиланинг меҳнатга лаёқатлилиги ҳамда унинг жамиятнинг умуммеҳнат жамғармасида қандай улушга эга бўлишига анчагина боғлиқдир.

Оила ўзининг ижтимоий функциясини амалга оширар экан, ўзининг маданий, ижтимоий ва маънавий даражасига қараб шаклланиб боради. Оиладаги шарт-шароит, яшаш жой, тозалик, оиладаги ҳаёт ва унинг қарашларининг хусусиятлари – буларнинг барчаси давлатнинг ижтимоий сиёсатига билвосита боғлиқдир. Оиладаги социаллашув унинг таркибий қисмига боғлиқдир. Ҳозирги кунда боболар, бувилар, тоғалар, холалар ва бошқа қариндошлар бирга яшаб келган катта оилаларнинг салмоғи анча кам.

Шундай бўлса-да, оилада шахснинг социаллашуви оиланинг ичидаги муносабатлар, ота-онанинг обрўси ва нечоғли ҳукмронлик лаёқатига боғлиқдир. Оиланинг замонавий ҳолатига жамиятда содир бўлаётган барча ўзгаришлар ўзининг таъсирини ўтказди: билимлар, технологияларни эгаллаш ва ахборот алмашинув, ҳаттоки энг катта ўзгаришлар, тизимнинг қайтадан ташкил қилиниши, сиёсий ва иктисодий тизимларнинг инкирози.

Шундай экан, оилани таърифлашда энг мукамал формула – бу оила шундай ижтимоий институтки, унда турли жинсдаги одамлар никоҳ деб аталмиш иттифоққа бирлашади ва бир-бирига турмушнинг умумийлиги ва ўзаро жавобгарлиги билан боғлиқ бўлади.

Никоҳ – бу эркак ва аёл ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг тарихан ўзгариб турадиган ижтимоий шаклидир. Бунда никоҳ нафақат уларнинг жинсий ҳаётини тартибга солувчи ижтимоий институт, балки оила қуриш, болани дунёга келтириш ва уни тарбиялаш мақсадида эр-хотинлик, қариндошлик ҳуқуқ ва мажбуриятларни белгилаб берувчи ҳуқуқий институтдир.

Оила – бу нафақат никоҳ тузилмаси, балки, у ижтимоий институт ҳамдир. Яъни оилада нафақат эр-хотин, балки болалар, шунингдек, қариндошлар ўртасидаги алоқалар, муносабатлар тизими жамланади.

Оила ижтимоий институт сифатида бир нечта босқични босиб ўтади. Булар қуйидагилардир:

- никоҳга киришиш;
- биринчи боланинг туғилиши;
бола парваришлашни тамомланиши;
охирги болани алоҳида рўзғор қилиб чиқариб юбориш;
- эр-хотиннинг бирининг ўлими муносабати билан никоҳнинг тугатилиши.

Ҳар бир инсоннинг иккита оиласи мавжуд бўлади, биринчиси, бу – унинг дунёга келишига сабаб бўлган оила, иккинчиси бу ўзи яратган ва ҳозирда яшаётган оиласидир.

Оила – бу инсон томонидан яратилган ва унинг дилига яқин бўлган яшаш муҳитидир. Оила аъзолари қондош алоқалар орқали бир-бирига боғланган, оила қариндошларни, яъни уларнинг барчасини, ҳаёт бўлганларни, вафот этганларни, узок ва яқинларни, маълум ва номаълумларини бирлаштиради.

Оиланинг мавжуд бўлиш шартларидан бири бу оиладаги ўзаро муносабатлардир. Болаларнинг дунёга келиши ва тарбияланиши, хўжалик юритилиши,

оиланинг барча аъзолари манфаатларини қандай қондириётганлиги, ўзаро тушуниш, ҳурмат, қўллаб-қувватлаш, тушуниш – буларнинг барчаси оиланинг ичидаги ўзаро муносабатларни ташкил қилади. Шунингдек, қариндошларнинг саломатлиги, характери ва қилмиши ҳам оиладаги ўзаро муносабатларни шакллантирувчи омиллар ҳисобланади.

Оиланинг асосий функцияси бўлиб бу унинг репродуктивлиги, аҳолини биологик жиҳатдан шакллантирувчи омил эканлигидир. Қайд этилганлар оиланинг асосий функцияси бўлса-да, бироқ унинг бир қатор ижтимоий функциялари ҳам мавжуддир:

- тарбиявий, яъни ёш авлодни жамиятга сингдириш;
- хўжалик-маиший – оиланинг жисмоний ахволига дастак бўлиш, болалар ва қариялар ҳақида ғамхўрлик қилиш;
- иқтисодий – оиланинг бир аъзосидан бошқа аъзоси учун моддий бой-ликлар олиш, вояга етмаган ва қарияларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш;
- ижтимоий назорат – оила аъзоларининг бошқа аъзоларнинг жамиятдаги, фаолиятнинг турли соҳаларида хулқ-атвори учун жавобгарлиги, яъни эр-хотин, ота-она ва болалар, кекса авлод ва ёшлар ўртасидаги ўзаро мажбурият тизимидир;
- маънавий мулоқот – ҳар бир оила аъзосининг маънавий жиҳатдан камолотга етиши;
- ижтимоий мақом – оиланинг аъзоларига жамиятда муайян ижтимоий мақомни эгаллаши учун имконнинг тақдим этилиши;
- дам олишни ташкил қилиш – ҳар бир оила аъзосининг дам олиш вақтини оқилона ташкил қилиш, ҳар бир оила аъзосининг манфаатини ўзаро бойитиш;
- эмоционал – ҳар бир оила аъзосини психологик ҳимоялаш, шахснинг ҳиссиётларидаги барқарорликни таъминлаш, психологик терапияни амалга ошириш.

Шахснинг ижтимоий ҳимояси жорий қилинган ҳар қандай давлатда бу масалани фақатгина оилани ҳимоялаш орқали амалга ошириш мумкин. Оила жамиятнинг асосий бўғини сифатида одамларни бирлаштиради, ёш авлодни тарбиялашни, шахснинг дунёни англашини, меҳнат фаолиятини ташкил қилади. Оиланинг мақоми ота ва онанинг хулқ-атвори, уларнинг болалар тарбиясида тутган ўрнига боғлиқ бўлади. Ота-онанинг болалари учун ўрнак бўла олиши ҳам жуда аҳамиятлидир, айрим ҳолларда, улардан бирининг бўлмаслиги боланинг ривожланишига салбий таъсир қилади, бундай болалар кўпинча асабий, таҳликали ва ваҳимали бўлиб қолишади.

Оила болани жамият сари илк қадам қўйишида дастак бўлади, айнан оилада бола ижтимоий жиҳатдан тарбияланади, шахс сифатида шаклланади.

Оилада болаларнинг саломатлиги мустаҳкамланади, уларнинг истеъдоди ва қобилияти ривожлантирилади, уларнинг таълими, ақлини ривожланиши ҳақида ғамхўрлик кўрсатилади.

Оилада инсоний ҳислатларнинг кўринишларига асос солинади, болада меҳр ва раҳмдиллик шакллантирилади, у ўзининг ҳаракатлари учун жавоб беришни ўрганади.

Айнан шу маънода, ўзбек халқида оилани кадрлаш ва уни асраш борасида муайян қўникмалар асрлар оша шаклланиб келган. Оиланинг нечоғлиқ азиз ва қадрдон Ватан эканини унинг аъзолари ҳисобланган онги-шуурида чуқур илдири отган.

Мозийга назар ташласак, халқимизнинг буюқ аждодлари ўзидан қолдирган меросларида оилага жуда катта эътибор беришганини кўришимиз мумкин.

Чунончи, ўзбек халқининг маънан ривожининг асоси ҳисобланган Форобий, Беруний, Ибн Сино, Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий сингари буюқ боболаримиз асарларида ҳам оила аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабатлар, бола тарби-

ясида ота-онанинг, оиланинг ўрни масаласига алоҳида аҳамият қаратилган. Иб-
рагим хикоятлар, ривоятлар, фарзандларига мактублар, ҳикматли сўзлар орқали
насиҳатларини, ҳаётий хулосаларини ёзиб қолдирганлар.

Ўтган асрнинг бошларида яшаган Махмудхўжа Бехбудий, Абдурауф Фит-
рат, Абдулла Авлоний, Абдулла Қодирий, Чўлпон каби маърифатпарвар зиёлилар
бирқамол авлодни тарбиялашнинг ягона чораси – оила асосларини тўғри қуриш
жанини, оилани мустаҳкамламасдан жамият тараққиётига эришиб бўлмастлигини
таъкидлаганлар.

Абдурауф Фитратнинг «Оила» рисоласида оила қуришнинг асл мазмуни,
ота-она ва фарзанд ҳуқуқлари, оилавий муносабатлар масаласи батафсил ёри-
тилган. Абдурауф Фитрат шундай ёзади: «Болаларни ўзига ишонган, кучли,
тоқир, чаққон ва ақлли қилиб тарбиялаш учун ўз қадр-қимматини, шаънини
хурмат қилиш руҳини тарбия қилмоқликни, шунинг билан бирга, ён-атрофдаги
одамлар билан ҳисоблашишни ўргатмоқ керак. Қасрда оила муносабати кучли
интизомга таянса, мамлакат ва миллат ҳам шунча кучли ва муаззам бўлади».

Оилани мустаҳкамлаш дунё микёсида бош масала даражасига кўтарилган му-
аммолардан биридир. Оилалар аҳиллиги ва мустаҳкамлигига эришиш мақсадида
Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси 1993 йил 20 сентябрдаги
йўғилишида 15 майни ҳар йили «Халқаро оила» куни сифатида нишонлаш тўғри-
сида қарор қабул қилди. Шундан буён бутун дунёда, жумладан юртимизда ҳам
«Халқаро оила» куни кенг нишонлаб келинади. Ўтган йиллар мобайнида юртимиз-
да «оила» тушунчаси, унинг мазмун-моҳияти, жамиятда тутган ўрни масалаларига
алоҳида эътибор қаратилиб, барча ҳуқуқий асослар яратилганини таъкидлаш лозим.
Айниқса, аёллар ва болалар манфаатлари, саломатлигини ҳимоя қилиш борасида
салмоқли ишлар амалга оширилди. Конституциямизнинг 14-бобида ҳам оила жа-
миятнинг асосий бўғини эканлиги, жамият ва давлат муҳофазасида бўлиши қатъий
белгиланган. Оила кодекси ва бошқа қонунлар орқали ёш ва кўп болали аёл-
ларни ишга қабул қилишда имтиёзлар белгиланган.

Янги оила қураётган ёшларнинг тиббий кўрикдан ўтаётгани, ҳомиладор аёл-
лар, болаларнинг бепул тиббий хизматдан фойдаланаётгани оилада соғлом тур-
муш тарзини шакллантиришга хизмат қилмоқда.

2007 йил 18 майда Ўзбекистон Президентининг «Ёш оилаларни моддий ва
маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фар-
мони ёш келин-куёвларга янги имкониятлар яратиб, уларнинг оила учун масъул-
лик ҳиссини оширди.

Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон хотин-қизлар қўми-
таси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғри-
сида»ги Фармони билан камида 500 оила истиқомат қилаётган маҳаллаларда,
шунингдек, таркибида маҳаллалар ташкил қилинмаган посёлка, кишлоқ ва овул-
ларда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчи лаво-
зими жорий этилди.

Шунингдек, ёшлар ва ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида тадбир-
корлик фаолияти билан шуғулланиш имкониятига эга бўлган шахсларга давлат ва
хусусий банклар томонидан имтиёзли ҳамда истеъмол кредитлари ажратилмоқда.
Республика микёсида турли соҳага ихтисослаштирилган замонавий завод ва фаб-
рикалар, қўшма корхоналар, цехлар, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ҳам-
да ўқув муассасаларининг бунёд этилиши ишсизлар сонининг камайишига, моли-
явий аҳволнинг яхшиланишига замин яратмоқда. «Кишлоқ тараққиёти ва фаро-

вонлиги йили» Давлат дастури доирасида, айниқса, кишлоқ жойларда истиқомат қилувчи аҳоли турмуш шароитини яхшилаш ва оила барқарорлигини таъминлашга қаратилган эътибор хонадонларимизнинг янада тинч ва фаровон бўлишига хизмат қилиши, шубҳасиз¹.

Зеро, Президентимиз томонидан олиб борилаётган ислохотларнинг негизида ҳам халқ фаровонлиги, мамлакат тинчлиги, оилалар мустаҳкамлиги ва баркамол авлодни тарбиялашдек эзгу мақсадлар ётади. Айниқса, жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози даврида олиб борилаётган оқилона сиёсат, Инқирозга қарши чоралар дастури ва шу асосдаги саъй-ҳаракатлардан жаҳоннинг турли мамлакатлари андоза олиш ҳаракатида эканлиги кишининг ўз-ўзига, келажакка бўлган ишончини юксалтиради.

Шунга асосан жамиятда оиланинг тутган ўрнини янада мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 19 йиллигига бағишланган тағтали маросимда сўзланган нутқда 2012 йил – мустаҳкам оила деб эълон қилинди.

ЁШ АВЛОД ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИ МУҲОФАЗАСИ – ДАВЛАТИМИЗНИНГ ДОИМИЙ НИГОҲИДА

*3.ТУПСУНОВ – Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси
бошқарма катта прокурори*

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки кунлариданок ҳар томонлама етук ёш авлодни шакллантириш давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири сифатида белгиланди. Соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, уларнинг замонавий билим чўққиларини эгаллаши, ўз қобилият ва имкониятларини намойён этиши учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 27 январда қабул қилинган қарори асосида тасдиқланган «Баркамол авлод йили» Давлат дастури бу борадаги ишларни янги босқичга кўтарди. Унда фарзандларимизни баркамол ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, амалдаги қонунчилик ҳамда меъёрий ҳужжатларга замон талабларига мос равишда ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш вазифаси қўйилди.

Болалар ва ёшларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатлари муҳофазаси давлатимизнинг доимий эътиборидадир. Айни ана шу мақсадга қаратилган миллий қонунчилик асослари яратилган ва такомиллаштириб борилмоқда. Фарзандларимизнинг яхши шароитларда яшаши, ўқиши, илму ҳунар эгаллаши учун яратилаётган имкониятларга ҳавас қилса арзийди.

Мамлакатимизда болаларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, ўсмирлар ўртасида ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш тизимини мустаҳкамлаш, ота-оналар ҳамда васийлик ва ҳомийлик органларининг ўсиб келаётган авлод учун масъулиятини ошириш юзасидан қўрилган чоралар натижасида ўтган йилда вояга етмаганларнинг жиноятчилиги ва жиноятда иштирок этган вояга етмаганларнинг сони бирмунча камайди.

¹ А.Норкулов «Оила – муқаддас кўрғон», «Ҳуқуқ ва бурч» журналининг 2009 йил 5-сони.

«Барқамол авлод йили» Давлат дастури асносида 2010 йил 29 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонун бу борада муҳим аҳамият касб этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бунгача ушбу йўналишда яхлит қонун билан эмас, балки турли меъёрий ҳужжатлар асосида фаолият олиб борилган. Нотинч оилалар ва тарбияси оғир болаларни тураржойи бўйича аниқлаш, улар ўртасида тарбиявий ишларни ташкил этиш, болаларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш ва бандлигини таъминлаш борасидаги ишларга алоҳида эътибор қаратилаётгани натижасида вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик сезиларли даражада камайди.

Эндиликда янги қонун вояга етмаганларнинг назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларини профилактика қилиш тизимидаги идоралар ва муассасаларнинг ўзларига юклатилган вазифаларни бажариш юзасидан масъулиятини янада ошириш, болаларнинг ғайриижтимоий хулқ-атворини эрта аниқлаш ва бартараф этиш борасидаги тадбирлар самарадорлигини яхшилашга ҳуқуқий замин яратди. Чунки унда вояга етмаганларнинг назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарлигини профилактика қилиш тизимидаги идоралар ва муассасалар, уларнинг асосий вазифалари, фаолият принциплари ва йўналишлари ҳамда ваколатлари аниқ белгилаб берилди.

Шу билан бирга, қонунда ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганлар ва оилалар билан яқка тартибдаги профилактика ишини олиб бориш асослари ва тартиби, вояга етмаганларни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари ва ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларига жойлаштириш тартиби ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганларнинг ҳуқуқий мақоми, уларни ижтимоий-ҳуқуқий ва педагогик реабилитация қилиш асослари ҳам белгиланган.

Қонуннинг ижроси болаларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимояси самарасини янада оширишга, ўсмирлар ўртасида ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш тизимини мустаҳкамлашга, ота-оналар ҳамда васийлик ва ҳомийлик органларининг ўсиб келаётган авлод учун масъулиятини оширишга хизмат қилади.

Ушбу қонунни амалга татбиқ қилиш юзасидан ўтган йил октябрда ҳуқуқ-тартиб тизимини таъминлаш бўлими томонидан ташкилий-амалий чора-тадбирлар режаси тасдиқланиб, мазкур дастур асосида «Ички ишлар органларининг Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари тўғрисида», «Таъминлаш, тарбиялаш ва таълим бериш учун алоҳида шароитларга муҳтож бўлган болалар учун ихтисослаштирилган мактаб тўғрисида», «Таъминлаш, тарбиялаш ва таълим бериш учун алоҳида шароитларга муҳтож бўлган болалар учун ихтисослаштирилган касб-ҳунар коллежи тўғрисида»ги низомлар ишлаб чиқилиб, тасдиқланди.

Шунингдек, 2010 йилнинг 17 майида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун ҳам болаларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, уларни миллий кадрият ва аъёнларга ҳурмат руҳида тарбиялаш масаласи долзарб аҳамиятга эга. Чунки ҳозирги мураккаб ва таҳликали замонда миллий ўзлигимиз, азалий кадриятларимизга ёт ва бегона бўлган турли хуружлар, ёшларимизнинг онги ва қалбини эгаллашга қаратилган ғаразли интилишлар тобора кучайиб бормоқда. Бунда замонавий ахборот технологиялари, хусусан, интернетдан фойдаланилаётгани сир эмас.

Шуларни ҳисобга олиб, вояга етмаганларнинг тунги вақтда ота-онасидан бири ёки унинг ўрнини босувчи шахснинг кузатувисиз интернет-кафедрда, кўнгил очиш ёки дам олиш жойларида бўлишига йўл қўймасликка оид меъёр белгиланди.

Мазкур қонунга биноан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 188-2-молда билан тўлдирилди. Унда ресторан, кафе, бар, клуб, дискотекалар, кинотеатр, компьютер заллари, интернет тармоғидан фойдаланиш хизматларини кўрсатиш учун жиҳозланган хоналар ёки бошқа қўнғил очиш (дам олиш) муассасаларининг раҳбарлари ёхуд бошқа масъул шахслари томонидан вояга етмаган шахснинг тунги вақтда ота-онасининг бири ёки унинг ўрнини босувчи шахснинг кузатуви-сиз кайд этилган муассасаларда бўлишига йўл қўйганлик учун энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима жазосига тор-тиш белгиланди. Ушбу меъёр айни пайтда ота-оналар (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) зиммасига ҳам тегишли масъулия юклайди.

Қонунда вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда жамоатчилик иштирокини таъминлашга доир меъёрлар ҳам акс эттирилди. Қонуннинг 19-моддасига кўра, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари ва нодавлат-нотижорат ташкилотлар ваколати доирасида вояга етмаганларнинг маънавий, ахлоқий, ҳуқуқий, эстетик, жисмоний, меҳнат тарбиясида қатнашди, уларда соғлом турмуш тарзини шакллантиришга кўмак беради.

Қонун қабул қилинганидан буён жойларда маҳаллий ҳокимликлар, солиқ, ички ишлар ҳамда бошқа мутасадди идоралар масъул ходимлари ва тадбиркорлик субъектларининг раҳбарлари ҳамда ота-оналар иштирокида йигилишлар ўткази-либ, ушбу қонуннинг мазмун-моҳияти кенг тушунтирилди.

Вояга етмаганларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиши, ёшларнинг бандлиги, ижтимоий ҳимояси бўйича ҳам прокуратура органлари ва жойлардаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар томонидан таҳсинга сазовор ишлар амалга оширилмоқда.

Биргина ўтган йилда пойтахтимиздаги Ўзбекистон миллий боғида ташкил этилган умумтаълим мактаби ўқувчиларини ёзги таътил мавсумида қизиқишларини инобатга олган ҳолда тўғарақларга жалб этиш мақсадига «Куч – билим ва тафаккурда» тўғарақлар кўرғазмасида пойтахтда фаолият кўрсатаётган 13 та ўқувчилар ижодиёт ва 8 та техник ижодиёт марказлари, 30 та мусика ва санъат мактаблари, 13 та болалар спорт мажмуалари, 30 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари кўрғазмалари билан иштирок этди.

Ёзги таътил даврида болаларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этишда Тошкент шаҳрида ўтказилган «Куч – билим ва тафаккурда» тўғарақлар кўрғазма-си ҳақидаги фотоальбом ва дисклар тўплами ҳудудий комиссияларга амалиётда фойдаланиш учун юборилди.

Наманган вилояти прокуратураси ташаббуси асосида вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия билан ҳамкорликда 2009-2010 ўқув йилида 9-синф битирувчиларини таълимнинг кейинги босиқчига тўлиқ жалб қилиш ва уларнинг ўз қизиқишлари бўйича академик лицей ва касб-хунар коллежларида ўқишларини давом эттиришларини таъминлаш мақсадига «kollejar.uz» электрон сайти ташкил этилди.

Шунингдек, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари битирувчилари-ни, ишсизлар ва одам савдосидан жабрланганларни иш билан таъминлаш мақса-дида Наманган шаҳар бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказида «bandlik.uz» электрон сайти ташкил этилди.

Замонавий ахборот технологиялари, хусусан, интернет тармоғи имкониятла-рини фаолиятда жорий этишда Наманган вилоятида ташкил этилган «bandlik.uz» ва «kollejar.uz» электрон сайтлари ҳамда ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш юзасидан амалга оширилган ишлар ҳақидаги фотоальбом ва дисклар тўплами амалиётда фойдаланиш учун

жойларга юборилди.

Хулоса қилиб айтганда, юртимизда ҳар бир фарзанд меҳр ва эътиборда. Уларнинг бахту камоли учун қилинаётган эзгу ишлар оилалар, жамиятимиз фаронлигининг муҳим омили бўлаётир. Ёш авлоднинг соғлом, баркамол бўлиб вояга етаётгани, ҳар томонлама стук ёшларимиз сафи кенгаяётгани эса ёруғ истиқболимиздан даракдир.

ОИЛАДА ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИНГ УЙ-ЖОЙГА БЎЛГАН ХУКУҚИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

*М.АШУРОВА – Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси
бўлим катта прокурори*

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан жамиятда оиланинг тутган ўрнини янада мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 19 йиллигига бағишланган тантали маросимда сўзланган нутқда 2012 йил – мустаҳкам оила деб эълон қилинди.

Мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қуриш, давлат ва жамоат органлари фуқароларни, оилани, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, янги ижтимоий-иқтисодий шароитларда оила аъзоларининг манфаатларини қўриқлаш, вояга етмаган болалар ва меҳнатга лаёқатсиз оила аъзоларини ҳимоялашга қаратилган.

Президентимиз Ислон Каримов таъкидлаганидек, биз оила ҳақида гапирар эканмиз, авваламбор, оила ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга келажак насллар қандай инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғидир, шунингдек, биз маънавий ҳаётимиз ва келажакимизни кураётганда бекиёс миллий кадриятимиз бўлиши оилани асосий таянч деб биламиз. Чунки ўзлимизга қайтиш, миллий урф-одатларимизни эъзозлаш, катталарга ҳурмат ва кичикларга ғамхўрлик, одамийлик, ҳалоллик, олижаноблик, меҳр-оқибат сингари асл инсоний фазилатлар айнан оила муҳитида шаклланади, – деб кўрсатиб ўтганлар.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Р.Х.Қодировнинг «Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш – суд-ҳуқуқ ислохотларининг бош мақсади» номли мақоласида ҳам вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва уларнинг ҳимояланиши тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтганлар.

Ўзбек оиласи мустабиллик замонида ҳам ўзининг тарихан шаклланган киефасини йўқотмаган. Ота-онанинг фарзандлар олдидаги бурчлари қонуний асосда белгиланган. Бундай масъулият ота-оналар ва мустақил, буюк келажакка интилаётган давлатимиз зиммасига жуда катта вазифалар юклайди.

Шунинг учун ҳам бу мақсадга қаратилган лойиҳалар жамоатчилигимиз диққат-эътибори марказига ўтмоқда, тарбия соҳаси ислохоти бугунги энг долзарб, эртанги тақдиримизни ҳал қилувчи муаммога айланмоқда.

Шунга қўра, прокуратура органларида ҳам вояга етмаганлар манфаатлари бўйича алоҳида эътибор қаратилган.

Хусусан, фуқаролик ишлари бўйича вояга етмаганларнинг манфаатларида қўрилган ишларнинг таҳлилларига қўра, 2011 йилда фуқаролик ишлари бўйича биринчи инстанция судларида жами 299942 та (2010 йилда 289124 та) фуқаролик

ишлари кўрилган бўлиб, шундан вояга етмаганларнинг манфаатини кўзлаб 474 та (2010 йилда 481 та) 146775 (121310) сўмга даъво аризалар киритилган бўлиб, шулардан барчаси каноатлантирилган.

Айрим ҳолларда судлар томонидан оилаларни тиклаш, уларни яшаш шароитларини ўрганиш, вояга етмаган фарзандларини эътиборга олмасдан қарор қабул қилганлиги аниқланиб, Бош прокуратуранинг судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўлими томонидан назорат тартибида протест қилинишига эришилган.

Масалан: фуқаролик ишлари бўйича Ромитан туманлараро судининг 16.08.2011 йилдаги ҳал қилув қарори билан даъвогар Х.Исматилоеванинг жавобгар Б.Ашуровга нисбатан ўтказиб юборилган муддатни узрли деб топиб, тиклаш ва уйга киритиш тўғрисидаги талаблари рад қилинган.

Кўшимча жавобгар Х.Ашуровнинг даъвогар Х.Исматилоевага нисбатан турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиш ҳақидаги қарши даъвоси каноатлантирилиб, даъвогар Х.Исматилоева низоли Ромитан туман «Зарафшон» МФЙ ҳудудидаги Х.Олимжон номли кўчаси, 8 уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топилган.

Фуқаролик ишлари бўйича Бухоро вилоят суди апелляция инстанциясининг 27.09.2011 йилдаги ажрими билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Иш ҳужжатларига кўра, жавобгар Ашуров Бобир 18.06.1996 йилда қонуний никоҳдан ўтиб даъвогар Х.Исматилоевага уйлانган ва ота-онасининг розилиги билан уни Ромитан туман «Зарафшон» МФЙ ҳудудидаги Х.Олимжон номли кўчада жойлашган 8-рақамли уй-жойга кўчириб келган ва Ромитан туман ИИБ ХЧК ва ФБ томонидан Х.Исматилоева 29.11.1996 йилда ушбу уйга рўйхатга қўйилган.

Биргаликдаги турмушлари давомида 26.11.1996 йилда уларнинг кизи Хайруллаева Мафтуна ва 10.06.2002 йилда ўғли Хайруллаев Нодирбек туғилган.

Ашуров Бобирнинг отаси Ашуров Хайрулло 28.09.2004 йилда Ромитан туман давлат нотариал идорасида расмийлаштирилган ҳады шартномасига кўра ўзига тегишли бўлган низоли уй-жойни ўгли Б.Ашуровга ҳады қилган.

Ромитан туман «Ермулккадастр» хизмати бошлиғининг 20.05.2011 йилдаги 164-сонли маълумотномасига кўра, ушбу низоли уй-жой Ашуров Бобир Хайруллаевич номига давлат рўйхатидан ўтказилган. Мазкур уй-жойда жавобгар Б.Ашуров, даъвогар Х.Исматилоева ва уларнинг фарзандлари ҳамда жавобгарнинг ота-онаси яшаб келишган.

Жавобгар Б.Х.Ашуров «Фаровон қурилиш инвест» МЧЖ раиси лавозимида ишлаб келиб, ҳужжатларни сохталаштириш ва солиқларни тўлашдан қасддан бўйин товлаш жиноятларини содир этганлиги учун 11.08.2008 йилда унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 184-моддаси 3-қисми ва 228-моддаси 2-қисми «а» ва «б» бандлари билан жиноят иши кўзгатилган.

Бироқ, Б.Х.Ашуров терговдан яшириниб номаълум томонга кетиб қолганлиги боис унга нисбатан қидирув эълон қилинган ва ЖИБ Бухоро шаҳар судининг 07.10.2008 йилдаги ажрими билан «қамокқа олиш» эҳтиёт чораси қўлланилган.

Оилавий жанжал сабабли 2009 йил август ойида даъвогар Х.Исматилоева 2 нафар фарзанди билан биргаликда Ромитан туман «Самосий» МФЙ ҳудудидаги «Комкуч» кишоғида яшовчи ота-онасининг уйига кетган.

Жавобгар Б.Х.Ашуров қидирувдан ушланганидан сўнг, ЖИБ Когон туман судининг 07.05.2010 йилдаги ҳукми билан 3 йил 2 ой муддатга озодликдан

маҳрум қилинган.

Жиноят иши бўйича Муборак туман судининг 22.06.2010 йилдаги ажрими билан Б.Х.Ашуровнинг озодликдан маҳрум этиш жазоси ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган ва у озодликка чиқарилган.

Шундан сўнг, даъвогар Х.Исматилоева 2 нафар фарзанди билан биргаликда низоли уй-жойга кириш чораларини кўрган ва судга ариза билан мурожаат қилган.

Суд, томонидан асоссиз равишда Уй-жой кодексининг 54-моддасини татбиқ қилиб, мулкдор бўлмаган ваколатсиз шахс Х.Ашуровнинг қарши даъвосини қабул қилган ва уни қаноатлантирган.

Бирок, суд уйнинг мулкдори даъвогар Х.Исматилоеванинг турмуш ўртоғи жавобгар Б.Ашуровга тегишли эканлигига ҳуқуқий баҳо берилмаган.

Бундай ҳолатда, суд низони Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 164-моддаси талабидан келиб чиқиб ҳал қилиши лозим эди.

Мазкур қонун талабига кўра мулк ҳуқуқи шахснинг ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек, ўзининг мулк ҳуқуқини, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборатдир.

Мазкур низоли уйнинг мулкдори эса, мулкдор Б.Ашуровнинг отаси Х.Ашуровга турмуш ўртоғи Х.Исматилоевани уйдан чиқариш ҳақидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқини берувчи ваколатномаси мавжуд эмас. Бундан ташқари, мулкдор Б.Ашуров озодликдан маҳрум этиш жойларидан бўшаб чиққанидан сўнг шундай даъво билан судга мурожаат қилиш имкониятига эга бўлган. Бирок, унинг бундай истаги бўлмаганлиги учун судга даъво бермаган. Шу сабабли Х.Ашуровнинг даъвосини Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 97-моддаси 2-қисмига кўра, манфаатдор шахс номидан аризани иш юритишга ваколати бўлмаган шахс берган бўлса қўрмасдан қолдирилиши лозим эди.

Суд даъвогар Х.Исматилоева билан жавобгар Б.Ашуров никоҳдан ажратилмаганлигини, ҳозирда даъвогар 2 нафар фарзанди билан яшаб келаётган Ромитан туман «Самосий» МФЙ ҳудудидаги «Комкуч» кишлоғида жойлашган ота-онасининг уйида улардан ташқари яна 5 нафар кишидан иборат 2 та оила яшаётганлигини эътиборга олмадан «Ўтказиб юборилган муддатни узрли деб топиб тиклаш ва уйга киритиш тўғрисида»ги талабларини рад қилиб, иш бўйича қўшимча жавобгар Х.Ашуровнинг даъвогар Х.Исматилоевага нисбатан «турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиш ҳақида» ги қарши даъвосини қаноатлантириш ҳақида ноқонуний қарор қабул қилган. Бу билан вояга етмаган Хайруллаева Мафтуна ва Хайруллаев Нодирбекнинг ҳам турар жойга бўлган ҳуқуқлари бузилганлигига ҳуқуқий баҳо берилмаган.

Мазкур фуқаролик иши бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий судига протест киритилган ва мазкур протест Олий суд томонидан қаноатлантирилган.

Вояга етмаганларнинг фуқаролик ҳуқуқ ва муомала лаёқати айрим жиҳатлари билан тўла муомала лаёқатидан ажралиб туради. Вояга етмаган шахс фуқаролик муомала лаёқатига тўлиқ эга бўлмаганлиги, ҳамма вақт ҳам ўз ҳуқуқ ва манфаатларини амалга ошира олмаслиги, жисмоний ва биологик жиҳатдан ўз хатти-ҳаракатлари оқибатини тўлиқ англай етмаслиги сабабли уларнинг ҳуқуқларини амалга оширишда қонун ҳужжатларида бир қатор ўзига хосликлар белгиланган.

Маълумки, шахслар ўзларига тегишли бўлган фуқаролик ҳуқуқларини, шу

жумладан уларни ҳимоя қилиш ҳуқуқини ҳам ўз хоҳишларига кўра тасарруф этадилар. Лекин бу қондани вояга етмаганларга нисбатан тўлиқ қўллаб бўлмайди. Албатта вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини амалга оширишда уларнинг хоҳиш ва истаклари ҳам ҳисобга олинади.

Бирок кўпчилик вазиятларда вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини амалга ошириш уларнинг қонуний вакиллари эрк-иродасининг натижаси ҳисобланади ва бу эрк-ирода қонун талабларига мос бўлиши керак.

Н.А.Ашурованинг фикрича, вояга етмаган болаларнинг уй жойга бўлган ҳуқуқи нафақат улар туғилгандан сўнг, балки туғилмасдан олдин, яъни у ҳомила пайтиданок ҳимоя объектига айланади.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек вояга етмаган уй жойга нисбатан ҳуқуққа эга, лекин бу мустақил ҳуқуқни амалга оширувчи деган хулосани келтириб чиқармайди.

Гарчи вояга етмаган шахс оила аъзоси сифатида уй-жойга нисбатан мулкдор бўлсада, лекин у уй-жойга нисбатан мулк ҳуқуқини мустақил амалга ошира олмайди¹. Айнан шундай фикрни Р.Ж.Матқурбанов ҳам билдиради².

Вояга етмаганларнинг уй-жойга нисбатан ҳуқуқлари уй-жой мулкдори ва оиланинг бошқа аъзолари каби уй-жой яшаш ва фойдаланиш ҳуқуқига эга ҳисобланади.

Уй-жой кодексининг 32-моддаси 1-қисмига мувофиқ, уй, квартира мулкдорининг оила аъзолари, шунингдек, у билан доимий яшаётган фуқаролар, агар уларни кўчириб келган пайтда ёзма равишда бошқа ҳол қайд этилган бўлмаса, уйдаги, квартирадаги хоналардан мулкдор билан тенг фойдаланишга ҳақлидирлар.

О.Оқюловнинг фикрича, мулкдорнинг вояга етмаган (18 ёшга тўлмаган) оила аъзолари яшаётган турар жойни уларни ота-онаси бўлмаган тақдирда, (вафот этган, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган), васийлик ва ҳомийлик органининг (туман, шаҳар ҳокимлигининг) розилиги билан бошқа шахсга бериш мумкин.

Бунда биринчи галда вояга етмаган болалар манфаатларини таъминлаш талаб этилади.

Хусусийлаштирилган квартира ёки уйни ҳар қандай тарзда бегоналаштириш (сотиш, айирибошлаш, ҳадя қилиш), ижарага бериш учун квартира ёки уй мулкдорининг вояга етган аъзолари ва квартира ёки уйнинг хусусийлаштиришига розилик берган шахслар (шерик мулкдорлар)нинг розилиги олинishi керак.

Ушбу тартибга риоя қилмасдан тузилган шартнома ва битимлар ҳақиқий ҳисобланмайди.

Юқоридаги ҳолатларда хусусийлаштирилган уй-жой мулкдорининг вояга етмаган оила аъзолари манфаатларини уларнинг ота-онаси, улар бўлмаган тақдирда эса васийлик ва ҳомийлик органи ҳимоя қилади. Демак, юқоридаги ҳаракатларни содир этишда уларнинг розилиги (ёзма шаклда) олинishi керак³.

Дарҳақиқат вояга етмаган шахсларнинг уй-жойга бўлган ҳуқуқини амалга ошириш васийлик ёки ҳомийлик органи томонидан ҳимоя қилинishi ва бунинг учун ушбу органларнинг розилиги олинishi лозим.

¹ Ашурова Н. Вояга етмаганлар фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардаги иштироки. Юрид. фан. номз. дис... – Тошкент: ТДЮИ, 2008. – 100 б.

² Матқурбанов Р.Ж. Гражданская дееспособность граждан: понятие, дифференциация, ограничение. – Ташкент: ТДЮИ, 2008. – 23 с.

³ Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодексига шарҳлар. – Т.: ТДЮИ, 2007. 121-122 б.

Амалиётда вояга етмаганларнинг уй-жойга бўлган ҳуқуқлари васийлик ва ҳомийлик органининг розилиги олингандан кейин ҳам бузилиш ҳолатлари мавжуд.

Вояга етмаганларининг уй-жойга нисбатан мулк ҳуқуқларини амалга оширишдаги ўзига хослик турар жойларни алмаштиришда намоён бўлади.

Уй-жой кодексининг 106-моддаси 5-қисмига кўра, муниципал, идоровий уй-жой фонди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондининг уйларидаги турар жойни ижарага олувчи ва уй-жой қуриш ёки уй-жой кооперативларининг аъзолари ўзлари билан бирга яшовчи вояга етган оила аъзоларининг, шу жумладан улар билан доимий яшаётган, вақтинча бўлмаган фуқароларнинг ёзма розилигига биноан эгаллаб турган турар жойини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда алмаштиришга ҳақлидирлар.

Бунда вояга етмаган оила аъзоларининг розилиги ота-оналари томонидан, улар бўлмаган тақдирда эса, васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан тасдикланади.

Вояга етмаган ёки муомалага лаёқатсиз деб топилган ёхуд муомала лаёқати чекланган фуқароларнинг турар-жойини алмаштиришга нисбатан Уй-жой кодекси алоҳида нормаларни мустаҳкамлайди.

Мазкур шахсларнинг турар-жойларини алмаштириш қатъий тартибда васийлик ва ҳомийлик органининг розилиги билан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги 171-сонли Қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги Низомда васийлик ва ҳомийлик органларининг вазифаларидан бири сифатида васийликдаги шахсга қарашли турар жойни айирбошлашга розилик бериш кўрсатилган.

Бундай розилик бериш учун васийлик ва ҳомийлик органи васийликка ёки ҳомийликка олинган шахснинг ҳуқуқлари бузилмаётганлигига ёки уларнинг манфаатларига путур етмаётганлигига ишонч ҳосил қилиши лозим. 18 ёшга тўлмаган шахсларнинг турар-жойини алмаштиришга нисбатан – халқ таълими бўлимлари, суд томонидан муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахсларнинг турар-жойининг алмаштиришга нисбатан – соғлиқни сақлаш бўлимлари, соғлиғи ёмонлиги сабабли ҳомий тайинлашга муҳтож бўлган муомалага лаёқатли шахсларнинг турар-жойини алмаштиришга нисбатан – ижтимоий таъминот бўлимлари васийлик ёки ҳомийлик органи сифатида розилик беради.

Розилик беришда васийлик ва ҳомийлик органлари васийлик ва ҳомийликни тайинлаш мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб қарор қабул қилади.

Зеро, васийлик ёки ҳомийлик ота-она вафот этганда, улар ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилганда, уларнинг ота-оналик ҳуқуқи чекланганда, ота-она муомалага лаёқатсиз деб топилганда, улар касал бўлганда, ота-она узоқ муддат бўлмаганда, ота-она болаларни тарбиялаш ёки уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдан бўйин товлаганда, шу жумладан, ота-она тарбиялаш, даволаш муассасалари ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасаси ва шунга ўхшаш бошқа муассасадаги ўзининг боласини олишдан бош тортганда, болалар ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бошқа ҳолларда, шунингдек, вояга етган, суд томонидан муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахсларга нисбатан уларни таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш мақсадида, шунингдек, уларнинг шахсий ва мулкий ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун белгиланади.

Агар турар-жойни алмаштириш васийлик ёки ҳомийлик остидаги шахснинг

таълим олишига, тарбиясига (яқин қариндошлари яшаётган жойдан узоқроқ жойга кўчилиши), соғлиғига (экологик жиҳатдан атроф муҳити ифлосланган ҳудудга кўчилиши оқибатида) салбий таъсир кўрсатадиган бўлса, васийлик ва ҳомийлик органи турар-жойни алмаштиришга розилик бермаслиги мумкин.

Агар васийлик ва ҳомийлик органи васийлик ва ҳомийликка олинган шахснинг турар-жойини алмаштиришга розилик билдирмаса, бунинг устидан васий ёки ҳомий судга шикоят билан мурожаат қилиши мумкин.

Суд васийлик ва ҳомийлик органи қарорини (алмаштиришга розилик бермаслик ҳақидаги) асоссиз деб топса, васийлик ёки ҳомийликдаги шахснинг фойдаланишида ёки мулкда бўлган турар-жойни алмаштиришга рухсат беради¹.

Бинобарин васий ва ҳомийлар ўз қарамоғидаги шахсларнинг ҳуқуқларини амалга оширишда масъулдирлар ва ушбу шахс ҳуқуқлари поймол этилганда ўзларининг айбсиз эканликларини исботламаса жавобгар ҳисобланадилар².

Ф.Ф.Мухитдинованинг фикрича, гарчи мулкдор уй-жойга нисбатан мулк ҳуқуқида асосий фигура ҳисобланса-да, уй-жойни алмаштириш ёки айирбошлаш, уни сотиш ёки ҳадя қилишда оиланинг бошқа аъзоларини розилигини олиши лозим³.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, вояга етмаганларнинг уй-жойга нисбатан мулк ҳуқуқини амалга оширишдаги қуйидаги хусусиятларни ажаратиб кўрсатиш мумкин:

1. Вояга етмаганларнинг уй-жойга бўлган мулк ҳуқуқи фуқаролик ҳуқуқидаги айрим кўчар ашёлардаги каби уларнинг ўзлари томонидан мустақил амалга оширилмайди.

Бунда уй-жой бевосита вояга етмаган шахснинг номида бўлса ҳам мулк ҳуқуқини амалга ошириш учинчи шахслар томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган талаблар асосида амалга оширилиши керак.

Бунда ФКнинг 27-моддаси 1-қисми ва 29-моддаси 2-қисмида белгиланган талаблар ҳамда «Ўзбекистон Республикасида васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги Низомда белгиланган қоидаларга амал қилган ҳолда қонуний вакиллар, ота-оналар вояга етмаган болаларининг номидан фуқаролик-ҳуқуқий битим тузишга ҳақли ҳисобланадилар.

Бундай қонуний вакиллар васий ёки ҳомийдан фарқли равишда бевосита қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлсалар, васий ва ҳомийлар васийлик ва ҳомийлик органининг қарори асосида қарор қабул қилади.

Бирок бу ҳолатда ҳамма вақт ҳам вояга етмаган шахснинг манфаатлари тўлиқ ҳимоя қилинишига эришиши қийин.

Шу сабабли агар уй-жой вояга етмаган шахснинг номида бўлса, ушбу уй-жойни тасарруф этиш билан боғлиқ битимларни расмийлаштиришда ота-онанинг розилиги ва иштироки билан бирга васийлик ва ҳомийлик органларининг, яъни туманлардаги вояга етмаганлар иши бўйича комиссиянинг ҳам розилиги олиниши лозимлиги қондаси амалдаги Уй-жой кодекси ва «Нотариат тўғрисида» ги

¹ Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодексига шарҳлар. –Т.: ТДЮИ, 2007. 272-274-бет.

² Юлдашева Ш.Р. Фуқаролик ва оила ҳуқуқида васийлик ва ҳомийликнинг моҳияти, уни амалга ошириш усуллари. Юрид.фан.номз.дис...автореф. –Т.: 2005. 15-бет.

³ Мухитдинова Ф.Ф. Право собственности граждан на жилище и его судебная защита по законодательству Республике Узбекистан. Автореф.дис...канд.юрид.наук. Т.: 1997. – С.17.

Қонуишларди белгиланиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Бу ҳолат вояга етмаганларнинг уй-жойга бўлган мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишида на уй-жойдан ғаразли ва бошқа мақсадларда фойдаланишни, вояга етмаганларнинг манфаатларига путур етишига олиб келадиган ҳаракатларнинг олдини олган бўлар эди.

Албатта вояга етмаганлар иши бўйича комиссиянинг қайси ҳолатларда розилик бериши рад этиши ва бунинг устидан судга мурожаат қилиш қоидалари ҳам тегишли норматив ҳужжатларда акс эттирилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

2. Вояга етмаганлар уй-жойдан фойдаланиш, унда яшаш ҳуқуқлари мулкдорнинг вояга етган бошқа оила аъзоларининг ҳуқуқлари билан тенг ҳисобланади ва бу ҳуқуқлар бузилган биринчи навбатда улар вояга етмаган шахснинг ота-оналари, улар бўлмаганда эса васий ва ҳомийлари томонидан ҳимоя қилиниши керак.

Вояга етган шахслар ўзларининг уй-жойга бўлган ҳуқуқларини мустақил тасарруф этсалар, вояга етмаган шахсларнинг бундай ҳуқуқларини амалга оширишда қонуний вакилларнинг розилиги талаб этилади.

3. Уй-жойни алмаштириш, айирбошлаш, ҳада қилиш ва сотишда ҳам оиланинг бошқа аъзолари каби шу уй-жойда яшаётган вояга етмаган шахснинг ҳуқуқлари ҳам ҳисобга олинади ва уларнинг розилиги талаб этилади ва бу розилик ота-оналар, васий ёки ҳомийлар орқали уларнинг иштирокида рамиёлаштирилади.

Ўзбекистон Республикаси «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунининг 19-моддасида «Ҳар бир бола турар-жойли бўлиш ҳуқуқига эга. Турар жой мулкдорининг ёки турар-жойни ижарага олувчининг оила аъзолари бўлган болалар улар қаерда бўлишларидан қатъи назар, турар-жой мулкдори ёки турар жойни ижарага олувчиси эгаллаб турган турар-жойга нисбатан ҳуқуққа эга бўлади» деб қайд қилинганлигини эътиборга олиб, келгусида ҳар бир вояга етмаган болаларнинг яшаш жойи яъни уй-жойларини сотилишида, айирбошлашда ва бошқа битимларнинг тузилишида алоҳида эътибор қаратиб, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш лозим.

БОЛАЛАР ТАРБИЯСИДА ВАСИЙЛИК ВА ҲОМИЙЛИКНИНГ ТУТГАН ЎРНИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ

*У.Э. РАДЖАПОВ – Бош прокуратуранинг
Олий ўқув курслари тадқиқотчиси*

Васийлик ва ҳомийлик органлари ўз фаолияти давомида васийликка ёки ҳомийликка берилиши керак бўлган шахсларни ҳисобга олиб боради. Бунда кенг жамоатчилик ҳам иштирок этади, яъни таълим, даволаш муассасалари, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасалари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, турар-жой хўжалиги органлари, вояга етмаганлар иши бўйича комиссиялар ва бошқа муассасалар, шунингдек, фуқаролар васийлик ва ҳомийлик органларига қаровсиз қолган болалар тўғрисида маълумотлар беради.

Васийлик ва ҳомийлик органлари бундай болалар тўғрисида маълумотлар олган вақтдан бошлаб 1 ойдан кечиктирмасдан васий ёки ҳомий тайинлайди. Васий ёки ҳомий этиб вояга етмаган ҳар икки жинсдаги фуқаролар тайинланиши мумкин. Болаларнинг ҳаёти ва соғлиги хавфсизлигини, муносиб тарбия олишини таъминлаш мақсадида қуйидаги шахсларнинг васий ёки ҳомий этиб

тайинланишига йўл қўйилмайди:

– ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганлар ёки ота-оналик ҳуқуқи чекланганлар;

– конунда белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилганлар;

– собиқ фарзандликка олувчилар. Агар фарзандликка олганлиги Оила кодексининг 169-моддасига мувофиқ бекор қилинган бўлса, (яъни, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш учун асос бўлган ҳолатлар юз берганда, шунингдек, фарзандликка олинувчи 18 ёшга тўлгандан кейин унинг хулқ-атвори фарзандликка олувчиларнинг шаъни ва кадр-қимматига путур етказиб қўйган, уларнинг ҳаёти ёки соғлиғига хавф солаётган бўлса, фарзандликка олиш суд тартибда бекор қилиниши мумкин);

– конун билан зиммаларига юкланган мажбуриятларини лозим даражада бажармаганликлари ёхуд ўз ҳуқуқларини суистеъмол қилганликлари учун васийлик ёки ҳомийлик вазифаларидан четлатилганлар;

– руҳий ёки наркологик муассасаларда рўйхатда турганлар;

– қасддан содир этган жинояти учун илгари жазога ҳукм қилинганлар.

Бундан ташқари васий ёки ҳомий тайинлашда унинг шахсий фазилатлари, тегишли мажбуриятларни бажаришга қобилияти, мазкур шахс ва васийлик ёки ҳомийликка муҳтож шахс ўртасидаги мавжуд муносабатлар, шунингдек, 10 ёшга тўлган васийликка олинувчининг ўз хоҳиши эътиборга олиниши лозим.

Россия Федерацияси Фуқаролик кодексининг 35-моддаси 2-қисмига биноан вояга етган ва муомалага лаёқатли шахслар васий ва ҳомий қилиб тайинланиши мумкинлиги белгилаб қўйилган. Шундан келиб чиққан ҳолда, 18 ёшга тўлмасдан никоҳ муносабатига кирган ва эмансипация орқали муомала лаёқатини тўлиқ қўлга киритганлар васий ёки ҳомий қилиб тайинланмайди. Чунки у 18 ёшга тўлмаган шахс вояга етмаган ҳисобланади. Васий ёки ҳомий этиб унинг яқинлари, васийликдаги (ҳомийликдаги) шахсларга қариндошлари орасидан тайинланади. Амалда қариндошлари йўқ бўлса, васий ёки ҳомий этиб васийлик ва ҳомийлик органи тавсиясига биноан уларга васийлик ёки ҳомийлик белгиланиши мумкин. Фикримизча, шахснинг 18 ёшдан васий ва ҳомий бўлиши мақсадга мувофиқ эмас. Бу ёшда шахс ҳали васийлик ва ҳомийлик мажбуриятларини бажаришга тайёр бўлмайди. Жисмоний ва руҳий жиҳатдан 18 ёшли фуқаро ўзи васий ва ҳомий бўлаётган шахсларга қўп ҳолларда намуна бўла олмайди. Шу муносабат билан васийлик ва ҳомийлик ёшини 18 ёшдан юқори қилиб белгилаш лозим. Фикримизча, бу ёш камида 21 ёшни ташкил қилиши керак.

Васий ва ҳомий бўлиб фуқаролар ихтиёрийлик асосида тайинланадилар. Бу тамойил 1926 йилги РСФСРнинг Никоҳ ва оила кодексига белгиланган эмас эди. Ушбу ҳолат кодексда мажбурий эканлиги қайд қилинган эди. Аксари юридик адабиётларда эса, яъни васийлик ва ҳомийлик мажбуриятлари ихтиёрий эканлиги белгилаб қўйилган¹.

Амалиётда васийлик (ҳомийлик)ка олинаётган шахс ҳақида оиланинг барча аъзолари хабардор бўлишлари лозимлигини кузатмоқдамиз. Чунки оиладаги

¹ Н.М.Ершова. Опекa и попечительства над несовершеннолетними. –М.: 1959. –С.67. А.И.Пергамент. К вопросу о правовом положении несовершеннолетних.//Уч.зак. ВДОН. Вып.3. 1955. –С.36.

шахслар боланинг тарбияси билан шуғулланиши, у ҳақда ғамхўрликни амалга ошириши лозим бўлади. Аксарият ҳолларда, қонунда белгиланган бир ойлик муддат ичида васий ва ҳомий топилмай қолади. Бундай ҳолларда васий (ҳомий)ликни васийлик ва ҳомийлик органи амалга оширади.

Махсус ўқув юртлар муассасаларига жойлаштирилган шахслар муносабатлари тартибга солиниши алоҳида аҳамиятга эга. Буларга юқоридаги муассасаларга жойлаштирилган ва тарбияга олинган вояга етмаганлар билан биргаликда шу органларга мос равишда жойлаштирилган муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар киради. Бундай фуқароларга васий ва ҳомий тайинланмайди. Чунки ушбу муассасалар улар вазифаларини бажарадилар ва ўз навбатида васий ва ҳомий бўлиб тан олинадилар.

Васий ёки ҳомий тайинлашда уларнинг шахсий ва салбий хусусиятларини ҳам инобатга олиш зарур. Шахсий ижобий хусусиятлари салбий хусусиятларини ёшиб туради. Масалан, унинг мажбуриятни бажаришга мойиллиги, васийликдаги шахсга муносабати, васийлик ёки ҳомийликдаги шахс билан алоқаси ва бошқалар.

Шу билан биргаликда васий бўлиши мумкин бўлган шахснинг оилавий аҳволига жиддий эътибор бериш лозим. Оила қурмаган ёки оиласи нотинч, оиласидан ажралган шахсларга ушбу ваколатларни юклаш мақсадга мувофиқ эмас.

Оилада болаларга нисбатан муносабат маданият, ички муҳит ва шу кабилар эътиборга олинishi даркор. Шунингдек, ўз ҳаракатлари ва болаларга муносабати билан болага ёмон таъсир қиладиган шахснинг бор ёки йўқлиги бола учун хавфли бўлган касалманд шахсларнинг йўқлиги ҳам текширилиши лозим.

Фуқароларнинг муомала лаёқати уларнинг вояга етиши билан, вояга етиш эса ёш цензи билан аниқланади. Амалдаги қонунчилик бўйича тўла муомала лаёқатига етишнинг ёш цензи 18 ёш қилиб белгиланган. Бу ценз халқаро ҳуқуқ нормаларига ҳам тўла мос келади¹. Чунончи, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 1989 йилда қабул қилинган Бола ҳуқуқлари Конвенциясининг 1-моддасида 18 ёшдан бошлаб шахслар вояга етган деб ҳисобланишлари нормаланган.

Фуқаролик ҳуқуқи назарияси ва амалиёти бўйича фуқаронинг муомала лаёқати ёш цензи бўйича қуйидагича фарқланади:

- 14 ёшга тўлмаган вояга етмаганларнинг муомала лаёқати (ФКнинг 29-моддаси);
- 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган вояга етмаган шахсларнинг муомала лаёқати;
- тўла муомала лаёқати (юқорида таъкидлаганимиздек, умумий асосларда – 18 ёш, никоҳ муносабатларида муддатидан олдин никоҳга кириш билан; эркаклар учун – 17 ёш, аёллар учун – 16 ёш, эмансипация бўйича – 16 ёш).

Кичик ёшдаги болалар мустақил туза оладиган майда маиший битим деганда, бола ёки унинг оила аъзоларининг одатдаги, қундалик эҳтиёжларини қондиришга қаратилган ва қиймати юқори бўлмаган битимлар тушунилади. Битимнинг майда маиший битим эканлигини белгилловчи икки шарт мавжуд. Улар одатдаги, ҳар кунги эҳтиёжларни қондиришга қаратилган ва юқори бўлмаган баҳода бўлади, – деб таъкидлайди тадқиқотчи Н.Ашурова². Фикримизча, бундай мезонлар майда

¹ Бу шу билан изоҳланадики, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муқаддимасига биноан Ўзбекистон халқи халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қондалари устуңлигини тан олади. Бинобарин, деярли барча қонун ҳужжатларида халқаро ҳуқуқ нормаларининг устуңлиги эътироф этилади.

² Н.Ашурова. Муомала лаёқати//Ҳаёт ва қонун. 2003. №2. 47-48-бетлар.

маиший битимларни шундай битим эканлигини асослашда етарли далил бўла олмайди. Тўғри, кундалик эҳтиёжларни қондиришга қаратилганлиги ўринли. Аммо «юкори бўлмаган баҳо» бу қандай баҳо? Суммаси неча пулни ташкил қилади? – деган саволлар барибир очик қолмоқда. Дейлик, ҳаётда шундай ҳолатлар учрайдики, вояга етмаган ўн уч яшар дароз бўйли бола озик-овқат супермаркетига кириб, киймати 120 минг сўм турадиган ширинлик (торт) ҳарид қилди. Иккинчи ҳолда, шунча пул суммасига Сергели машина бозоридан ЗАЗ автомобиллини сотиб олиш мумкин бўлади. Агар ушбу икки ҳолатни иктисодий, ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил қиладиган бўлсак, иккала битимнинг ҳам иктисодий қиймати бир хил, яъни тенгдир. Аммо, масаланинг ҳуқуқий томониға келсак, биринчи ҳолда, фуқаролик-ҳуқуқий муносабат ташкилий жиҳатдан жуда оддий, содда ҳолда амалға оширилади. Иккинчи ҳолда эса тарафлар ушбу битимни амалға оширишлари учун бир қанча «чиғирик»лардан ўтишларига тўғри келади. Чунончи, автомобилға нисбатан мулк ҳуқуқи мулкдорға (сотувчига) тегишли эканлиги, тарафларнинг шахси, битим тузишға лаёқатли эканлиги, битимнинг қонунға мос шаклда тузилишининг талаб қилиниши қаби ҳоллар. Кўришиб турибдики, иккинчи ҳолат бирмунча мураккаб фуқаролик-ҳуқуқий муносабатдир. Аммо қизиғи шундаки, иккала ҳолатда ҳам бир хил ҳуқуқий оқибат келиб чиқади. Яъни тортнинг торт эмас, аллақандай қимёвий аралашмалардан иборат эканлиги унинг келгусида бекор қилинишиға ҳамда иккинчи ҳолат бўйича автомобилдаги дефектнинг кўрсатилмаслиги келгусида битимни ҳақиқий эмас деб топишға асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Аммо биринчи ҳолат юзасидан вояға етмаган шахснинг ўз субъектив ҳуқуқини химоя қила олиш имконияти эҳтимоли нечаға тенг? Тўғри, бундай ўринларда вояға етмаган шахснинг қонуний вакиллари унинг номидан ҳаракат қилишади. Аммо битим тузишнинг ҳақиқий саналиш шартларидан бири бўлган – битимларни тузувчи шахслар муомала лаёқатига эға бўлишлари¹ ҳақидаги талаб бу ўринда бажарилмаяпти. Бинобарин, бундай ҳолларда вужудға келадиган иктисодий йўқотиш билан боғлиқ таваккалчилик сотиб олувчининг зиммасиға ўтиб кетиш ҳоллари кўп учрайди. Шу маънода, ФКнинг 29-моддаси 2-қисми 1-бандидаги «майда маиший битимлар»ға расмий изох беришға тўғри келади. Бу ҳолат аналогия билан боғлиқ бўлганлиги учун фикримизча, Олий суд Пленуми ўз ваколати доирасида тушунтириш бериши лозим. Қабул қилинадиган актада майда маиший битим тушунчаси, унинг субъектлари доираси, субъектларнинг муомала лаёқати даражаси, ҳуқуқий оқибатлари ўз аксини топиши лозим. Шу ўринда айтмоқчимизки, майда маиший битимлар суммаси битим тузилган кундаги Республикада ўрнатилган энг кам иш ҳақи доирасида бўлиши лозимлиги, мақсадға мувофиқ бўлар эди.

Таҳлил қилинаётган модданинг 2-бандидаги олти ёшдан 14 ёшгача бўлган кичик ёшдаги болалар «текин манфаат кўришға қаратилган, нотариал тасдиқлашни ёки давлат рўйхатидан ўтказишни талаб қилмайдиган битимлар» ҳам туза олишлари белгиланади. Қизик, турмушда жуда кўп учрайди, айниқса, бизнинг «ўзбекчилигимизда» – ҳадыя, хайитлик, турли эҳсонлар бериш. Амалдаги Фуқаролик қонунчилигимизға кўра, бу муносабатларда муқобил ижро бўлмайди. Ва айниқса, ёзма шаклда деярли тузилмайди...² Масаланинг моҳияти шундаки, дейлик,

¹ И.Зокиров. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ҳуқуқи. –Т.: Адолат. 1996. 108-бет.

² М.Усмонова, Й.Турсунов. Қарияларни ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоялашнинг конституциявий қафолатлари. –Т.: 2002. 23-бет.

тога жиянга 200 доллар миқдорида ҳайитлик улашмоқда. Кодекс тили билан айтганда, текин манфаат кўришга қаратилган битим тузилмоқда. Аммо, 200 доллар (!) – бу бугунги ижтимоий турмушимиз ва аҳолининг харид қувватидан келиб чиқадиган бўлсақ, ҳазилакам миқдордаги пул эмас. Шу маънода, истикболда келиб чиқиши мумкин бўлган муаммоларнинг олдини олиш мақсадида ФКнинг 29-моддаси 2-қисми 2-бандида назарда тутилган «текин манфаат кўришга қаратилган, нотариал тасдиқлашни ёки давлат рўйхатидан ўтказишни талаб қилмайдиган битимлар» ҳам худди биринчи қисмдагидек, Олий суд Пленуми қарори асосида тушунтириш берилишига муҳтождир. Фикримизча, ушбу «битимлар»нинг ҳажми битим амалга оширилаётган кундаги Республикада ўрнатилган энг кам иш ҳақининг ўн баравари доирасида бўлиши мақсадга мувофиқ бўларди. Бундай ҳолатнинг киритилиши болалар тарбиясида ҳам ўзига хос профилактик чора-тадбир бўлган бўлур эди. Ўз ўрнида, шуни ҳам айтмоқчимизки, ФКнинг 27-моддаси 2-қисми 4-бандида ўн тўрт ёшдан 18 ёшгача бўлган вояга етмаганлар ҳам мазкур 29-моддада белгиланган битимларни ҳам туза олишлари назарда тутилади. Шунингдек, конунчиликнинг муваффақиятли жиҳатларидан бири – 27-модданинг 4-қисмига кўра, «етарли асослар мавжуд бўлганида суд ота-оналар, фарзандликка олувчилар ёки ҳомийнинг ёхуд васийлик ёки ҳомийлик органининг илтимосномасига мувофиқ ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмагanning ўз иш ҳақи, стипендияси ёки бошқа даромадларини мустақил тасарруф этиш ҳуқуқини чеклаб қўйиш ёки бу ҳуқуқдан маҳрум қилиши мумкин...». Худди мазкур нормадан келиб чиқиб, назаримизда, ФКнинг 29-моддасига учинчи қисм сифатида қуйидагича тўлдириш киритиш лозим деб ўйлаймиз: «етарли асослар мавжуд бўлганида суд ота-оналар, фарзандликка олувчилар ёки васийнинг ёхуд васийлик ва ҳомийлик органининг илтимосномасига мувофиқ олти ёшдан ўн тўрт ёшгача бўлган вояга етмагanning мазкур модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган битимларни тузишни чеклаб қўйиши мумкин

РОЛЬ СЕМЬИ В ФОРМИРОВАНИИ ГАРМОНИЧНО РАЗВИТОЙ ЛИЧНОСТИ

Н.А.КАРИМОВА, А.М.МУСИЧЕНКО

В общественном укладе, семья всегда занимала первостепенное место, так как от ее благополучия зависело воспроизводство населения, рост материального благополучия страны, сохранность культуры, нравственная культура, социальное и психическое здоровье человека.

Семья – основное пространство воспитания, развития человека. Именно в семье индивид постигает основы добра и зла, чести и порядочности, демократических взаимоотношений. Семья – воспитательная колыбель человечества. Здесь он совершает свои первые шаги на пути нравственного, эстетического, политического, экономического и философского постижения мира. Традиции семейного воспитания оказывают непосредственное влияние на социализацию ребенка.

Сегодня для абсолютного большинства, семья остается социально значимым институтом. Она не утрачивает свои ценности для населения страны и является фундаментом для достижения успеха в жизни. Основная функция семьи как показывают социологические исследования заключается все-таки в воспитании гармонично развитого поколения.

В конституцию Узбекистана отдельно включена глава «Семья», в которой особо подчеркивается значимость семьи. Семья – это ячейка общества, где происходит первичная социализация личности, откуда берут корни исторической преемственности поколений.

Семья имеет право на защиту общества и государства, брак основывается на свободном согласии и равноправии сторон, родители обязаны содержать и воспитывать детей до их совершеннолетия. В свою очередь, совершеннолетние, трудоспособные дети обязаны заботиться о своих родителях, дети равны перед законом независимо от происхождения и гражданского состояния родителей, материнство и детство охраняются государством.

Объявляя 2012 год Годом семьи, Президент Узбекистана назвал этот социальный институт «символом вечности жизни». На основе задач, обозначенных в выступлении главы государства, в этом году будет многое сделано для процветания миллионов семей Узбекистана. В настоящее время, в Узбекистане разрабатывается Государственная программа «Год семьи», над которой работают как государственные, так и негосударственные, общественные организации, благотворительные фонды. Важнейшим направлением Государственной программы «Год семьи» станет развитие взаимодействия семьи и образовательных учреждений в вопросах воспитания подрастающего поколения.

Именно в семье, может быть заложено осознанное понимание ребенком того, что получение образования не только есть главное условие обеспечения процветания в будущем собственной семьи. Формирование настоящего специалиста в любой сфере общественной деятельности – это продуктивный вклад в экономическую мощь своего народа, страны, условие реализации всех насущных социальных целей.

Сегодня проблемы семьи и образования обладают большим общественным резонансом. Прежде всего, это социальное положение, материальное благосостояние семьи и особенно уровень образования родителей. Чем выше уровень образования родителей, тем больше вероятность, что их дети собираются продолжать учебу после школы и, что эти их планы будут реализованы. Социальная среда – это совокупность отдельных сфер, в которых человек проявляет личные качества, осуществляет свои социальные функции и влияет на эффективность самопознания и самооценку в процессе социализации личности.

Семья и образование взаимосвязаны: во – первых, семья является одним из основных «факторов социальной среды» ребенка. Именно духовные установки семьи определяют выбор того или иного вида дополнительного образования, выбора будущей профессиональной подготовки.

Во – вторых, уровень и качество образования личности сопряжены с уровнем семейного ресурса – социальным и материальным капиталом семьи.

Данный аспект преломляется в вопросах смены образовательных стратегий и социального риска в области образования, обусловленного проблемами доступности качественных образовательных услуг в современном обществе.

Возможности доступа к образовательным услугам имеют четкую зависимость от капитала семьи, прежде всего материального, уже на ступени общего образования, закрепленного законодательно на бесплатной основе, и связаны в возможности получения дополнительного образования (развития эстетических и творческих способностей детей посредством посещения музыкальных и художественных, спортивных школ, возможностей занятий с репетитором и т.п.). При

штом, ограничения данной ступени способны выступить фактором ограничения на последующей ступени образовательного процесса. Это становится одной из ключевых проблем образовательного процесса в условиях рыночных отношений.

Основной задачей сегодняшнего дня становится разработка и реализация комплекса адресных мероприятий по охвату выпускников профессиональных колледжей, лицеев, вузов страны трудоустройством в соответствии с выбранной профессией. Этот важный в социальном и экономическом масштабе процесс, может остаться чисто формальным без привлечения к его реализации общественных институтов семьи и махалли.

«ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ» ХАЛҚАРО МУСИҚА ФЕСТИВАЛИ – ЁШЛАРНИ УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР РУҲИДА ТАРБИЯЛАШ ОМИЛИ

У. БОЛИЕВ – СамДУ ўқитувчиси

Маълумки, халқимиз қадим замонлардан инсонпарвар, болажон халқ сифатида ажралиб туради. Албатта, фарзандларимизни болалик чоғиданок ахлоқ-одобли, ватанпарвар, маънавиятини юксак қилиб тарбиялаш биз учун ҳамиша долзарб масала бўлиб келган. Бу масалага нафақат ота-она, балки бутун жамият ва давлат масъулдир. Бугунги кунда Ўзбекистон ҳуқуқий-демократик давлат ва одил фуқаролик жамияти қуриш йўлидан бораётган бир пайтда доимо халқ ва давлат манфаатини ҳимоя қилиш кўникмасига эга бўлган авлодни шакллантириш умумдавлат аҳамиятига молик вазифа эканлиги барчамизга маълум. Бинобарин, «Агар биз Ўзбекистонимизни дунёга тараннум этмоқчи, унинг қадимий тарихи ва ёруғ келажagini улугламоқчи, уни авлодлар хотирасида боқий сақламоқчи бўлсак, авваламбор буюк ёзувчиларни, буюк шоирларни, буюк ижодкорларни тарбиялашимиз керак»¹.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида миллий таълим тизимининг жаҳон меъёрларига мослаштириш бўйича жадал ислохотлар амалга оширилди ва бугунга келиб уларнинг самаралари яққол кўзга ташланмоқда. Аммо бу инсоният яратган бекиёс маънавий, маданий бойлик жуда катта имкониятларни ўз хазинасида асраб келмоқда. Уларни тўлиқ ишга солиш педагогика фани ривожига ҳам назарий, ҳам амалий ҳисса бўлиб қўшилади.

Ёш авлодни таълим-тарбиянинг самарали услубларидан бири бўлмиш санъат орқали, айниқса, мусиқа санъати воситасида тарбиялаш муҳим ўрин тутди. Чунки, мусиқа – инсонларни эзгулик оламига етакловчи маънавий восита ҳисобланади. Қолаверса, мусиқанинг нафақат қалбга, балки танга ҳам шифобахш таъсири бундан бир неча аср илгари ҳам маълум эди. Ўрта асрларда мусиқани ҳатто нарқоз ўрнида ишлатишга ҳаракат қилишган. Ноанъанавий тиббиёт оқими орасида мусиқа-терапия ҳам мавжуд. Шу билан биргаликда мусиқа инсоннинг маънавий етуқлигига ҳам хизмат қилади.

Президентимиз маънавиятга таъриф берар эканлар, уни «...инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродаси-

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. – 139-бет.

ни бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган бекиёс куч»¹ сифатида талқин қиладилар. Ана шу таърифдан келиб чиқкан ҳолда, маънавийтни қарор топтиришда, инсон руҳини поклашда мусиқа санъати ҳам асосий омиллардан бири эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтадилар. Зеро: «Инсоннинг руҳий камолоти ҳақида гапирар эканмиз, албатта бу мақсадга мусиқа санъатисиз эришиб бўлмайди. Халқимиз ҳаётида мусиқа азалдан бекиёс ўрин тутиб келади»².

Халқлар ва маданиятлар тобора яқинлашаётган ҳозирги глобаллашув даврида, шу билан бирга, сайёрамизнинг турли бурчақларида ёвуз кучлар ўз қабиҳ ниятларини амалга оширишга уринаётган бир шароитда одамларни эзгулик ва бағрикенгликка даъват этишда маданият ва санъат, хусусан, мусиканинг таъсири бекиёс экани барчага аён. Айниқса, ёш авлоднинг маънавий тарбиясида муסיқий таълимнинг аҳамияти бекиёс. Шу боис, мустиқиллик йилларида мамлакатимизда болалар мусиқа ва санъат мактаблари фаолиятини янада такомиллаштириш, шу соҳа педагогик кадрларини тайёрлаш ишини замон талаблари даражасида йўлга қўйиш, мусиқа мактабларини ўқув қўлланмалари, чолғу асбоблари билан таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда. Муסיқий меросни сақлаш ва ривожлантириш учун янги дастурлар ишлаб чиқиш, мусикашуносларни ўқитишни такомиллаштириш ёш санъаткорларни ижодий бунёдкорликка илҳомлантириш шулар жумласидандир.

Истиклол йилларида муסיқий маданиятимизни ривожлантириш соҳасида Президентимизнинг қатор фармонлари ва қарорлари эълон қилинди. Булар орасида «Ўзбекинаво» гастроль-концерт бирлашмасини ташкил этиш тўғрисида» (1996), «Ўзбекистон – Ватаним маним» қўшиқлар байрамини ўтказиш тўғрисида» (1996), «Республикада муסיқий таълимни, маданият ва санъат ўқув юртлари фаолиятини яхшилаш тўғрисида» (1996), «Ўзбекистонда эстрада санъатини янада ривожлантириш тўғрисида» (1998, 2001), «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустиқамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида» (2008 йил 7 январь) сингари фармон ва қарорлар республикаимизда муסיқий санъатни янада юксалтириш борасида қўйилган катта қадамлар бўлди.

Айниқса, 1997 йилдан буён ҳар икки йилда Самарқанд шаҳрида ўтказилаётган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали халқаро майдонда юртимиз нуфузини янада ошириб юборди. Ушбу нуфузли анжуманда дунёнинг 50 га яқин давлатлари вакиллари иштирок этмоқда. Бу фестивалда ўзбек хонанда ва ижрочиларининг совринли ўринларни эгаллаши таҳсинга сазовор бўлмоқда.

Хўш, давлатимиз раҳбари ва ҳукуватимиз томонидан яратиб берилган имкониятлардан ўринли фойдаланишми? Айниқса, бўлажак мусиқа ўқитувчиларини тайёрлашда яратиб берилган шундай имконият ва шароитлардан келиб чиқкан ҳолда барча ишлар самарали йўлга қўйилган, деб айта оламизми? Масалан, «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалини ўтказишдан қўйилган тарбиявий вазифалар тўғри тушуниб, муסיқий таълим ва тарбияда самарали фойдаланилаётirmi?

Мазкур фестивални ўтказиш тўғрисидаги қарорда бу борада: «Шарқ мамлакатлари халқлари миллий мусиқа ва қўшиқчилик санъатининг ноёб намуналарини кенг тарғиб қилиш, миллий мусиқа анъаналарини асраб-

¹ Қаримов И.А. Юксак маънавий – энгилмас куч. –Т.: Маънавийт, 2008. – 19-бет.

² Ўша манба. – 140-бет.

авайлаш ва ривожлантириш, ёш авлод қалбида санъатга бўлган меҳр-муҳаббат туйғуларини камол топтириш, гўзалликни, чин инсоний кадриятларни тараннум этиш, шунингдек, халқлар ўртасидаги дўстлик, биродарлик ришталарини янада мустаҳкамлаш, ижодий ҳамкорлик, маданий-маънавий муносабатлар доирасини халқаро миқёсда кенгайтириш»¹ сингари педагогик вазифалар белгилаб қўйилган.

Олий таълим муассасалари мусикий таълим, санъат факультетларининг таълим ва тарбия режаларини ўрганиш бу муҳим педагогик вазифаларнинг етарли даражада ижро этилмаётганлигини, илмий методик таъминланмаганлигини кўрсатмоқда. Икки йилда бир маротаба бўлиб ўтадиган ушбу тадбир фақат ўтказилиш арафасида ва ўтгандан кейин қисқа муддатда тарғиб қилинади. Бошқа пайт эса, ўқувчи талабалар орасида унинг тарғибот-ташвиқоти олиб борилмайди ва мақсади тушунтирилмайди.

«Шарк тароналари» халқаро мусика фестивали – ниҳоятда самарали, жозибали тарбия воситаси. У орқали ёш авлод қалбида жаҳон халқлари санъатига бўлган меҳр-муҳаббат туйғуларини камол топтириш, гўзалликни, чин инсоний кадриятларни тараннум этиш, шунингдек, халқлар ўртасидаги дўстлик, биродарлик ришталарини, айниқса, миллатларо тотувликни янада мустаҳкамлаш каби олийжаноб ғояларни сингдириш имкониятлари мужассам.

Бизнинг фикримизча, фестивалда ижро этилган бетакрор мусика асарлари ва ижро маҳорати ёшларимизни юксак маданиятли, эстетик диди юқори даражада ривожланган комил инсонлар қилиб тарбиялаш, уларда анъаналарга содиқлик тушунчалари туфайли маънавий бурчни шакллантириш, инсонпарварлик, меҳр-оқибат, иймон, эътиқод, Ватанга муҳаббат, миллий кадриятларни эъозлаш, ота-она ва ўз яқинларига, инсонларга муруватли, саховатли бўлиш каби маънавий-эстетик тарбия белгиларини таркиб топтиришга хизмат қилмоғи лозим. Чунки, «бугунги кунда мусика санъати навқирон авлодимизнинг юксак маънавий руҳида камол топишида бошқа санъат турларига қараганда кўпроқ ва кучлироқ таъсир кўрсатмоқда»².

Шу маънода, олий таълим муассасалари талабалари, хусусан, мусика ва санъат факультетлари ҳар икки йилда бир ўтказиладиган «Шарк тароналари»дек гўзал анжуманни шунчаки одатий ҳол сифатида эмас, балки дунё халқлари миллий маданиятига қизиқиш ва ўзбек миллий маданиятига бўлган юксак ҳурмат руҳи билан, юксак маданият ва камолотга элтувчи омил бўлиб хизмат қиладиган тадбир сифатида қабул қилишлари зарур. Уларга ушбу фестивал ўтадиган пайтни интизорлик, катта қизиқиш билан кутадиган даражада сингдиришимиз лозим.

Бунинг учун талабаларни «Шарк тароналари» халқаро мусика фестивали ва унинг барча жараёнлари билан яқиндан таништириб бориш талаб этилади. Бунда қуйидаги воситалардан фойдаланиш тавсия этилади:

- Халқаро мусика фестивали ва унинг ўтказилишидан кўзланган мақсад ҳақида тушунтириш ишлари олиб бориш;
- Фестивални ўтказиш бўйича қарор ва уни ўтказиш низоми мазмуни билан таништириш;
- анжуман лавҳалари акс этган суратлардан фойдаланган ҳолда мусикали суҳбатлар сериясини яратиш ва амалга ошириш;

¹ Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамасининг қарори. «Шарк тароналари» халқаро мусика фестивалини ўтказиш тўғрисида. Тошкент ш., 1997 йил 11 март, 132-сон

² Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. – 141-бет.

- фестивал иштирокчилари ижро этган қўшиқлар ёзилган аудиокассеталар ва CD дискларни эшиттириш;
- фестивал жараёни суратга олинган видеокассеталар ва DVD дискларни қўйиб бериш;
- анжуман кунлари бўлиб ўтадиган илмий анжуман материаллари ҳақида назарий маълумотлар бериш;
- анжуманнинг чет эллик қатнашчилари, меҳмонлари томонидан юртимиз, унинг тарихи ҳақида айтилган фикрлар билан таништириш.

Хулоса ўрнида шунга айтиш керакки, юртимизда миллий ва умумбашарий мусика санъати ютуқларини, жаҳон эстрадасининг энг яхши намуналарини ўрганиш бўйича катта имкониятлар очилди. Булар соҳа ривожига кўрсатилаётган доимий эътибор, ёш истеъодларнинг ўзини намоён этиши учун яратилаётган қулай шарт-шароитларда ўз аксини топган. Биз ана шу имкониятлардан ёшларимизнинг маънавий-мафкуравий дунёкарашини шакллантириш ва ривожлантириш учун, уларга миллатлараро тотувлик ва ижтимоий ҳамкорлик каби ғояларни сингдириш учун самарали фойдаланишимиз зарур эканлигини унутмаслигимиз лозим.

ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИГА ТАҲДИД ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИ УЧУН ЖИДДИЙ ХАВФДИР

Д. НАЗАРОВА, М. РАҲИМБОБОВА – Миробод саноат КҲК

Хавф-хатарларга жиддий разм соладиган бўлсак, мустамлакачилик сиёсати, бировларни қарам қилиш сиёсати янги асрда йўқолмаганини, балки ўзининг шаклу шамойилини ўзгартирганини тушуниб етамиз¹. Дарҳақиқат, «Миллат бор экан, миллий давлат бор экан, унинг мустақиллиги ва эркинлигига, анъана ва урф-одатларига таҳдид соладиган, уни ўз таъсирига олиш, унинг устидан ҳукмронлик қилиш, унинг бойликларидан ўз манфаати йўлида фойдаланишга қаратилган интилиш ва ҳаракатлар доимий хавф сифатида сакланиб қолиши муқаррар»².

Аслида, суверенитет давлат миқёсида олий ҳокимиятга эгалликни, ташки ва ички сиёсатни олиб боришдаги тўла мустақилликни англатади. Айнан суверенитет муайян давлат мустақиллигининг бирламчи шarti ва белгисидир. Бу эса суверенитетнинг қисман ёки чекланган шаклда мавжуд бўла олмаслигини англатади. Чунки суверенитет давлатнинг бошқа давлатларга тобе бўлмай, қарам бўлмай яшашини, ўзга қучлар томонидан бошқарилмай, бировларнинг иродасига бўйсунмай, мустақил ҳаёт кечиришини назарда тутати. Мухими, давлат суверенитетининг ўрнатилиши мамлакатлар ўртасида тенглик қарор топишини шартлаб қўяди ҳамда мутелик, ўзгалар ҳисобига яшаш, турли камситишлар, ортикча таъзим-тавозега йўл қўймайди. Давлат суверенитети мустамлакачиликнинг ҳар қандай шаклини, унинг камситувчи табиатини, у такозо этадиган зўравонликларни инкор этади³.

¹ Аббосхўжаев Ш., Умарова Н., Қўчқоров Р. Мафкура полигонларидаги олишув. – Тошкент, «Академия», 2001. 14-15-бетлар.

² Миллий истиклол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Тошкент, «Ўзбекистон», 2000, 3-бет.

³ Аббосхўжаев, Умарова Н., Қўчқоров Р. Мафкура полигонларидаги олишув. – Тошкент, «Академия», 2001. 16-бет.

Гарчи бугун дунё мамлакатлари ўртасидаги тенг ҳуқуқлилиқ асосидаги алоқа ва муносабатлар жаҳон ҳамжамияти тараққиётининг табиий ва зарурий шarti ҳисобланса-да, айрим мулоҳазалар ва ҳатти-ҳаракатларда ҳамон империяча фикрлаш таъсирини, давлатлар суверенитетини емириш истагини илғаш кийин эмас.

Глобаллашув жараёнларини таҳлил қилган олимлар бу жараёнларда давлатнинг ролини турлича баҳолайдилар. Айрим назарияларда глобаллашув жараёнида давлатнинг роли тобора пасайиб бориши уқтирилса, бошқаларида унинг ўрни ва аҳамияти ўзгармайди, деб таъкидланади. Яна бир гуруҳ олимлар эса глобаллашув шароитида давлат билан давлатлараро ташкилотлар ўртасида сиёсий ҳоқимият қайта тақсимланиб, давлат уларга ўз суверенитетининг бир қисмини беради¹, деган фаразларни илгари сурмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов томонидан эътироф этилганидек, «Ўзбекистонни олиб бораётган мустақил сиёсатдан қайтариш, кимгадир қарам қилиш мақсадида четдан туриб ички ишларимизга аралаштиш, турили никоблар остида бизга қарши тазйик ва зўравонлик ўтказиш сиёсатини мутлақо қабул қилмаймиз»².

Давлатлар суверенитетини кемирувчи хавф-хатарларга юзаки қараш, уларни таҳдид манбаи сифатида эътироф этмаслик инсоният бошига яна кўплаб кулфатлар солиши муқаррар. Шу боис, бугунги кунда суверенитетимизга таҳдид солаётган бундай ҳодисаларнинг мафқуравий пойдеворини ҳосил қилувчи вайронкор ғояларни фoш этиш бирламчи вазифага айланади.

Ҳозирги воқелиқда миллий истиқлол ғояси ва ёт мафқуралар орасидаги муносабатлар мафқуравий кураш, мафқуравий қарши туриш, психологик уруш шаклларида кечмоқда. Ёт мафқуралар мафқуравий курашларнинг минг йиллик услубларини, шунингдек, замонавийлаштирилган услублари: ахборот майдонини эгаллаб олиш; мафқуравий диверсия, сиёсий индоктринация, мафқуравий инфилтрация, дезориентация, мафқуравий кўпоровчилик ҳаракатларини қўллаш орқали халқимизда Ўзбекистоннинг буюк келажагига ишончсизлик уйғотишга, давлат сиёсатини обрўсизлантиришга, одамлардаги лоқайдлик қайфиятларини кучайтиришга интиладилар. Бунда улар бирор хусусий фактни умумлаштириш (экстраполяция), ёлғонни ҳақиқатга ўхшатиб тасвирлаш, кичик муаммодан катта ёлғон ясаш, бир нарсани такрорлайвериш, туйғуни ақдан устун қўйиш, тингловчининг шахсий манфаатини биринчи ўринга қўйиб, (унга дўст бўлиб қўриниш) «ҳасратлаштириш», ҳуқуматларни халқларга ёмон кўрсатиш, миллат душманларига нисбатан раҳмдиллик, ҳамфикрлик туйғуларини уйғотиш, масалан одамларга таниш, кадрдон маълумотларни ишлатиб (фалон жойда фалон воқеа бўлди деб), ростга ёлғонни улаб юбориш услубларидан мафқуравий курашда фойдаланаяпти.

Хулоса сифатида шунини таъкидлаш лозимки:

1. Диний ақидапарастлик ва бошқа ёт мафқуралар энг аввало ёшларнинг айрим қисмининг ғоявий-сиёсий тажрибасизлигига таянади. Ёт мафқура ва бузғунчи таъсирларга қарши кураш мафқуравий тарбияда лоқайдлик, бефарқлик қайфиятнинг ҳар қандай қўринишларига мурасасизликни тақозо қилади.

2. Таҳдидларга қарши тарғибот самарадорлигининг зарурий тамойилларидан би-

¹ Удовик С.Л. Глобализация: семиотические подходы. – М.: Ваклер, 2002, –С.389.

² Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – энг олий қадрият. //»Халқ сўзи», 2005 йил 8 декабрь.

ри – унинг тезкорлигида бўлиб, унда муайян минтақавий шароитларни, кишиларнинг ёш хусусиятларини, олий ўқув юртининг у ёки бу муддатда ҳал қила олиши мумкин бўлган мафқуравий имкониятларини ҳисобга олишни кўзда тутлади.

3. Шахснинг мамлакат ичкарасида ва ташқарисида содир бўлаётган воқеаларни мустақил таҳлил қила олиши, мафқуравий иммунитетни мустаҳкамлайди.

Мафқуравий таҳдид ўзининг мазмуни, тамойиллари, услублари ва шаклларига кўра мураккаб ҳодисадир. Мустақил Ўзбекистоннинг ҳаётий ютуқларини далил-исботсиз атайлаб қоралаш, мустақилликка эришган мамлакатларнинг ҳаммасида бор бўлган умумий муаммоларни «фақат Ўзбекистонда бор» деб талқин қилиш, эришилаётган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ютуқлар моҳиятини пайсантириш, ҳукуматимизнинг ташқи ва ички сиёсатини сохталаштириш, бузиб кўрсатиш; айрим мамлакатларнинг турмуш тарзи, сиёсий тизимини кўкка кўтариш; миллий ғояларимизни обрўсизлантириш; кўп миллатли Ўзбекистонда аҳоли ўртасида ижтимоий ҳамкорликни бузишга қаратилган кайфиятларни тарқатиш ва низолар келтириб чиқаришга уриниш; одамларнинг диний туйғуларини жунбушга келтириш, диний ёвқарашни пайдо қилиш каби йўналишлар мафқуравий таҳдидларни акс эттиради.

Ёт мафқуралар тарғиботининг «меҳрибонлиги», «холислиги» ва «бетарафлиги», «ёқимлилиги», «дўстоналиги»нинг ортида нима ётганини доимо билишлари лозим.

ОИЛА – МУҚАДДАС ДАРГОҲ

*О.А.КАРИМОВА – ТДПУ профессори
Г.СУЛТАНОВА – Тошкент Банк коллежи катта ўқитувчиси*

Ўзбекистон Республикасида 2012 йил «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилинди. Президентимиз Ислам Каримов бу номга катта эътибор бериб: **«Шу борада ҳам жисмоний, ҳам маънавий жихатдан етук, ўз мустақил фикрига эга, оқни қорадан ажратишга, тараққий тонган давлатлардаги тенгдошлари билан беллашишга қодир бўлган баркамол авлодни тарбиялаш, уларнинг соғлиғини асраш, ҳаётга йўллашда оиланинг ўрнини ҳеч нарса билан баҳолаб бўлмаслигини биз юксак кадрлаймиз»¹** дедилар.

Оила – жамият ҳаётининг бир бўғини бўлиб, жамиятнинг тараққиёти ва шаклланишида муҳим ўрин тутлади. Шарқда қадим-қадимдан оила – муқаддас даргоҳ сифатида саналиб келинган. Унинг муқаддаслигини асраш ҳар бир оила аъзоларининг бурчи ҳисобланади.

Республикамиз Президенти оиланинг жамиятдаги ўрнига баҳо бериб шундай дейдилар: **«Оила – жамиятнинг негизи. Бизнинг давлатимиз ҳам катта бир оила деб тушуниш мумкин ва лозим. Бунда ўзаро ҳурмат ва қаттиқ тартиб бўлмаса, оиланинг барча аъзолари ўз бурчларини адо этмаса, бир-бирига нисбатан эзгулик билан меҳр-оқибат кўрсатмаса, яхши ва муносиб яшаш мумкин эмас. Ойлада турмуш ва виждон қонунлари асосида иш қўрилади,**

¹ Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз – демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. Инсон ва қонун. 2011 йил 8 декабрь.

Ўзининг кўп асрлик мустахкам ва маънавий таянчларига эга бўлади, оилада демократик негизларга асос солинади, одамларнинг талаб-эҳтиёжлари ва қадриятлари шаклланади. Ўзбекларнинг аксарияти Ўзининг шахсий фаровонлиги тўғрисида эмас, балки оиласининг, қариндош-уруғлари ва яқин одамларининг, қўшниларининг омон-эсонлиги тўғрисида ғамхўрлик қилишни биринчи ўринга қўяди. Бу эса энг олий даражада маънавий қадрият, инсон қалбининг гавҳаридир»¹.

Оилада аёлнинг тутган ўрни ва унинг аҳамияти жуда катта. Президентимиз: «...оила кўрғонининг ҳам чиройи, ҳам чароғбони – аёл», дедилар. Ҳақиқатан аёл – ҳамма замонларда ҳам жамият тараққиётига у ёки бу жиҳатдан ўз хиссасини қўшиб келган ва келмоқда. Ўзбек аёллари орасидан не-не инсонлар етишиб чиқди. Уларнинг ҳар бири ўзларининг юксак камолоти, салоҳияти, истеъдоди ва ёрқин инсонийлик фазилатлари билан халқимизнинг қалбидан чуқур ўрин эгаллаган. Тўмарис, Бибихоним, Гулбаданбегим, Зебунисо, Нодира, Увайсий, Анбар отин ва бошқа аёлларнинг ёрқин, сиймолари порлоқ юлдузлардек, абадиятга нур сочиб тураверади. Бизнинг давримизда ҳам бундай машҳур аёллар кўплай етишиб чиқди. Улар қаторида Зулфия, Сора Эшонтураева, Тамарахоним, Мукаррама Турғунбаева, Фозила Сулаймонова, академик Хадича Сулаймонова, Раҳима Аминова ва бошқа номи оламга танилган машҳур аёлларимизни фахр ва ғурур билан тилга оламиз.

Ҳозирги кунда олий ва ўрта махсус билимга эга бўлган мутахассисларнинг ҳар иккинчиси аёлдир. Илмий ходимларнинг 37 фоизи, академиклар 7та, фан докторларининг 11 фоизи, фан номзодларининг 26 фоизини хотин-қизлар ташкил қилади.

Хурматли Президентимиз аёлга – Онага қарагандай қараш керак, дейдилар. Дарҳақиқат, она шундай бир мўъжизадирки, унинг юраги узок-узок масофалардаги фарзанд дилида содир бўлаётган туғёнлар, ларзалар, қувончлар, эхтиросларни ҳис қилади.

Аллоҳ аёлни яратганда, Одамнинг қовурғасидан яратишни буюрган экан. Чунки уни бошдан яратса ман-манликка, оғиздан яратса, сергапликка, юракдан яратса, бировларни кўролмастикка, қўлдан яратса, уни керак-кераксиз вақтда кўтаришга, кўздан яратса, ҳамма нарсага қизиқувчи бўлишга, оёқдан яратса у ёк бу ёққа кераксиз юришга сабабчи бўлиб қолиши мумкин. Қовурга эса кўринмайдиған жойда жойлашганлиги учун аёл иболи, ор-номусли бўлиб туғилган. Ана ўша вақтдан буён аёл гўзал, ифбатли, номусли, вафодор, садоқатли инсон. Шунинг учун Президентимиз «Худонинг марҳамати билан оилани оила қилдиган зот – бу аёлдир. ...аёлларни қанча улуғласак, ҳаётимизнинг чироғи, умримизнинг гули деб эъзозласак, демак оиламизни, Ватанимизни эъзозлаган бўламиз» дейдилар.

Бугун Ватаним бутун дунёга танилди, тан олинди. 1991 йили бир гуруҳ делегация билан биргаликда Германия сафарига борган эдик. Танишув жараёнида – биз Ўзбекистон давлатиданмиз десак, биз бундай давлатни билмаймиз дейишди. Эртаси куни «...руссиянинг туркий тилда гаплашувчи вакили билан Германиянинг туркий тилда гаплашувчи вакили учрашишди» деб, газетада мақола чоп этилган эди. Ўшанда жуда қаттиқ хафа бўлгандик. У кунгача Ўзбекистон Мустақилликка эга бўлган ва Президентимиз сайланган эди.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон миллий истиклол, иктисод, сиёсат, мафкура. –Т.: Ўзбекистон. 1993. 47-бет.

Қаранг, 2011 йил ноябрда, 2012 йил февраль ойида «Соғлом она – соғлом бола» ҳамда таълим ривожига бағишланган 2 та халқаро анжуманларда Ўзбекистонни дунёнинг манамаман деган 40 дан ортиқ мамлакатидан келган олиму фузалолар юксак минбардан баралла тан олишяпти! Буни эшитиб Худога минг бора шуқурлар айтамыз! Шу кунларга етказган Президентимизга таъзим қиламыз.

Ҳақиқатан ҳам, бутун Ватанимиз бутун дунёга танилмоқда. Шу Ватанимизни ёмон кўзлардан Яратганнинг ўзи асрасин. Президентимиз бошчилигида ҳаммамиз бир тану, бир жон бўлиб, юртимиз келажаги учун сидқидилдан хизмат қилиб, фарзандларимизни Ватанга садокатли, соф виждонли, окни-қорадан ажратадиган инсон қилиб тарбиялайлик. Юртимиздаги 7 миллиондан ортиқ оилага, бутун Ўзбекистон халқига соғлиқ-саломатлик, куч-қувват тилаймиз. Бизга ҳасад эмас, ҳавас кўзи билан қарайдиганлар кўпаяверсин.

АБДУРАУФ ФИТРАТНИНГ «ОИЛА ЁКИ ОИЛА БОШҚАРИШ ТАРТИБЛАРИ» АСАРИДА ОИЛА ВА ТАРБИЯ МАСАЛАСИ

К. НОМОЗОВА – ТДПУ катта ўқитувчиси

Маълумки, бола тарбиясида оиланинг ўрни катта. Фарзанд тарбияси оиладан бошланади. Оила боланинг фақат жисмонан вояга етишидагина эмас, маънавий камолга етишида ҳам макон, ижтимоий-маънавий муҳит, шарт-шароит бўлиб хизмат қилади.

Оила инсонни камолга етказишнинг асосий воситаси сифатида ҳамиша одамлар диққатида бўлиб келган, айниқса, халқнинг зиёли қатлами орасида бу масалага алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, Туркистон жадидчилиқ ҳаракатининг йирик вакилларида бири Абдурауф Фитрат ўзининг «Оила ёки оила бошқариш тартиблари» асарида оила, оила қуриш ва уни бошқариш, оилада фарзанд тарбияси билан боғлиқ масалалар юзасидан қимматли фикрлар билдиради.

Абдурауф Фитрат ўзининг ушбу асарида оилани «бир неча одамлардан иборат жамоа» деб атайди. Оилани тарбия воситаси, фарзандни камолга етказишнинг бошланғич ва энг асосий мезони сифатида тилга олади ҳамда китобхон диққатини оиланинг жамият тараққиётига таъсири билан боғлиқ масалаларга қаратади. Фитрат оиланинг барқарорлиги ва унинг бардавомлигини оила аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабатда, бу муносабатнинг муайян тартиб, қонунларга асосланганлигида деб билади. Унинг фикрича, муайян қонунларга асосланган оилада тинчлик, хотиржамлик ва барқарорлик қарор топади, оиланинг тинчлиги, унинг тараққиёти эса мамлакат тараққиётининг асосини ташкил этади. «Ҳар бир миллатнинг саодати ва иззати, албатта, шу халқнинг ички интизоми ва тотувлигига боғлиқ. Тинчлик ва тотувлик эса шу миллатнинг интизомига таянади. Қаерда оила муносабати кучли интизом ва тартибга таянса, мамлакат ва миллат ҳам шунча кучли ва тартибли бўлади».¹

Дарҳақиқат, оила барқарорлиги, унинг тинчлиги ва тараққиёти мамлакат барқарорлиги, тараққиёти ва келажагини белгилайди. Шундай экан, оила бағрида камол топаётган фарзанд тарбиясига эътибор ҳамиша жиддий масаладир.

¹ Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. –Т.: Маънавият, 2006. 215-бет.

Абдурауф Фитрат ўзининг «Оила ёки оилани бошқариш тартиблари» асариди оиланинг фарзанд тарбиясидаги ўрни ҳақида аниқ фикр, қарашларини баён этади. Фарзанднинг тўғри тарбия топиши, унинг ҳар томонлама соғлом ўсиши, жисмонан ва миянин камолга етишида ота-онанинг вазифаси, бурчига алоҳида ўрин ажратлади. Фитратнинг фикрича, ота-она ўз фарзандини тарбияси билан жиддий шуғулланиши керак, аммо фарзанд тарбияси билан шуғулланадиган ота-онанинг ўзлари аввало, тарбия қўрган, фарзанд тарбияси ҳақида муайян билимга эга бўлишлари керак, уларнинг ҳар иккиси ўз вазифасини, ота-оналик бурчини мукамал адо этишлари керак, токи «... фарзандни жисман, ақлан ва ахлоқан камолга етиштириб ҳаёт майдонига кучли, ақли ва яхши ахлоқ билан чиқариш зарур».¹

Яхши ахлоқ эгаси эзгу ишлар ташаббускори, асосчиси бўлади. Инсоният тарихида амалга ошган барча эзгу ишлар қалби эзгу гоёлар билан йўғрилган инсонлар томонидан амалга оширилган. Соҳибқирон Амир Темур қалбида ниш урган жасорат, ғайрат ва шижоат, мардлик ва ватанпарварлик туйғуси, шоир ва ҳукмдор Заҳириддин Муҳаммад Бобур томонидан Ҳиндистонда амалга оширилган эзгу ишлар ёки ғазал мулкнинг султони Алишер Навоийнинг халқларвар инсон сифатида шаклланишида муайян оила муҳити, тарбиянинг аҳамияти катта бўлган. Фитратнинг фикрича, аждодларимиз орасида бундай инсонларнинг вояга етишида уларнинг ота-оналари таъсири кучли бўлиб, бу ота-оналар «... ўз фарзандларига замона талабларидан ҳам кўпроқ тарбия берганлар. Натижада, ўша замондаги мусулмонларнинг ўрталарида минглаб ижодкор, юзлаб аллома ва мутафаккир, гуруҳ-гуруҳ аҳли санъат, жамоа-жамоа мулкдорлар етишиб чиққанлар».² Демак, Фитрат айтганидек, буюк инсонлар, эзгу фазилатли, жамиятнинг оқил ва қобил инсонлари ўз-ўзидан пайдо бўлмайди, бундай инсонлар мукамал, замонага мос, давр талаблари билан ҳамоҳанг руҳда яшашга қаратилган тарбия орқали камолга етадилар.

Ахлоқ тарбия орқали шаклланади. Юксак ахлоқли инсонлар жамият таянчи, миллат фаҳри. Қайси жамиятда ахлоқли, эзгу фазилатли инсонлар кўп бўлса, ўша жамият тараққий топади, ўша мамлакатда яшовчи миллат ва халқ ўзини миллат ва халқ сифатида бардавомийлигини таъминлайди. Агар аксинча бўлса-чи?

«Фикри заиф инсон ўз ишлари устида ўйламайди, дейди Абдурауф Фитрат ўз асариди, зарар ва фойдасини андиша назаридан ўткази олмайди, ҳиссиётга асир ва шахвоний лаззатга тобе бўлиб, жисми заиф ва ахлоқи вайрон бўлади. Ахлоқи бузук бўлган одам баданига ва фикрига зарар келтирадиган ишларга қўл уради. Бинобарин, унинг жисми ва фикри ҳам тезда ишдан чиқади».

Тасаввур қилинг, жамиятда Фитрат таърифлаган «ахлоқи бузук» инсонлар қўпайса нима бўлади? Жамиятда маънавий тубанлик илдиз отиб, муаммолар қўпаяди, натижада мамлакат тақдири таназул сари юз тутади.

Бугун сизу биз умргузаронлик қилаётган жамиятда Фитрат эътироф этган «ахлоқи бузук» инсонлар йўқми? Албатта бор. Ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳаммаси ҳам мукамал тарбия қўрган оила муҳитида тарбия топаяптими, албатта йўқ. Бугунги ёшларимизнинг ҳаммасини ҳам юксак ахлоқли, маънан етук дея оламизми? Мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-маънавий ислохотлар талабларига бугунги ёшларимиз қай даражада тайёр? Содир этилаётган турли жинойт, тартиббузарликларнинг асосий иштирокчилари нима учун ҳамон ёшлар

¹ Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. –Т.: Маънавият, 2006. 216-бет.

² Ўша манба. 217-бет.

бўлиб қолмоқда? Бугунги ёшлар оила деб аталмиш муқаддас даргоҳга қадам қўйишга тайёрми? Аслида, буларнинг ҳар бири алоҳида масала, масалагина эмас, сизу биз яшаётган жамият, мамлакат муаммосидир.

Бу муаммолар устида бош қотириш, ёшлар ўртасидаги турли иллатларнинг олдини олиш бугун ҳар биримиз, айниқса, биз ота-оналар олдида турган муҳим масаладир. Юртимизда амалга оширилаётган ижтимоий ислохотларнинг туб негизини оила ва фарзандлар тарбияси ташкил этаётганлиги ҳам бежиз эмас. Хусусан, 2012 йилнинг «Мустақкам оила йили» деб номланиши ҳам ана шу мақсадга қаратилган.

Бугунги глобаллашув жараёни даврида, ёш авлод қалби ва онгани ўзининг зарарли таъсирига олишга уринаётган, ёшларни ўз таъсирига олиб, ўзларининг ғаразли мақсадларини, юртлар, ҳудудлар устидан ҳукмронликни ўз қўлларига киритиш, ер юзидаги моддий бойликларнинг ягона соҳибига айланишга ҳаракат қилаётган бузғунчи кучлар ҳамон ҳаракатда экан, Ватан деб аталмиш юрт манфаатини, унинг барча неъматларини асраш, миллат ва халқ бардавомийлигини сақлаб қолишнинг ягона йўли кураш, бузғунчи таъсирларга, миллий манфаатларни оёқ ости қилишга қаратилган ҳар қандай кучларга, турли ёт ғояларга қарши тинмай, шижоат ва ғайрат билан курашни давом эттирмоқ керак. Маърифат йўли билан ёшларни турли иллат ва қусурлардан, «оммавий маданият» кўринишидаги бузғунчи ғоялардан, ислом динини никоҳ қилиб олиб, ёшларни асрий аъёналаримиздан бездиришга уринаётган экстремистик қарашлардан, маънавий тубанлик сари етакловчи хатти-ҳаракатлардан асрашимиз, тарбия жараёни орқали уларнинг қалбида миллий турмушимизга хос, аъёна ва урф одат ҳамда кадрятларимизга мос дунёқарашни шакллантиришимиз, президент Ислом Каримов таъриф этган «... гўзал ахлоқ мезонлари билан яшаб келаётган, ўғил-қизларини шу руҳда тарбиялаб келаётган ибратли оилалар»¹ сонининг орғишида ўз ҳиссамизни қўшишимиз керак, токи фарзанд деб аталмиш бу улуғ неъмат юрт тараққиётига ҳисса қўшадиган инсонлар бўлиб етишсин.

ZARARLI OQIBATLARGA QARSHI KURASHDA MAHALLA VA OILANING O'RNI

S. SABOHITDINOV – TDPU talabasi

Mahalla – ijtimoiy-siyosiy hayotimizning ko'z-gusidir, xalqimizning eng yaxshi an'analari, urf-odatlari, xususan, mehr-shafqat, muruvvat, to'yda ham, azada ham el-ulusning hamjihatligi mahalla hayotida yorqin namoyon bo'lgan va bo'lmoqda.

Islom Karimov

Yurtimiz kelajagi bo'lmish yoshlarning ta'lim-tarbiyasida, ularning kelajakda komil inson bo'lib voyaga yetishishlarida oila va mahallaning o'rni beqiyosdir. O'sib-ulg'ayib kelayotgan yosh avlodning kelajakda, jamiyatimizda o'zining munosib o'rniga ega bo'lishi har tomonlama mukammal aqlu-zakovatli, iymon-e'tiqodli va yuksak

¹ И. Каримов. Юксак маънавият – энгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. 55-бет.

ma'naviyatli bo'lib ulg'ayishlarida, ana shu muhit katta rol o'ynaydi. Mustaqil O'zbekistonning kelajagi bo'lmish yoshlar tarbiyasi bugungi kundagi dolzarb masalalardan biri bo'lib kelmoqda. Bu borada mamlakatimizda keng ko'lamli ishlar amalga oshirilmoqda. Jumladan 2012-yilni «Mustahkam oila yili» deb e'lon qilinishi bejizga emas. Negaki oila bu – jamiyatimizning negizi hisoblanadi va uning tinch, osoyishta va mustahkam bo'lishi yurtimiz taraqqiyotining yanada jadal rivojlanishiga zamin yaratadi. Demak, oiladagi muhit ota-ona va ular o'rtasidagi ahilik, mehr-oqibat o'z navbatida farzandlar tarbiyasi, ularning dunyoqarashi, kelajakda yurtimizga munosib farzandlar bo'lib yetishishlari uchun zamin yaratadi. Oilaviy muhitning ahamiyati aynan shunda namoyon bo'ladi. Zero oila bu – vatan ichra vatandir. Ota-ona o'z farzandiga to'g'ri ta'lim-tarbiya berishi, uning har tomonlama kamol topib voyaga yetishini ta'minlashi, kerak bo'lsa uning ustidan nazoratni amalga oshirishi, uning qalbidagi vatanga bo'lgan mehr-muhabbat tuyg'ularini shakllantirib, kelajakda yurtiga sodiq, munosib farzand bo'lib yetishishini ta'minlashlari zarur. Ana shundagina yurtimiz kelajagi ishonchli qo'llarda bo'ladi. 1998-yil «Oila yili», 2001-yil «Ona va bola yili» davlat dasturlarida oilalarning har tomonlama davlatimiz tomonidan muhofazaga olinib, qo'llab-quvvatlandi. Bularning bari yurtboshimizning oilalarga qaratgan alohida e'tibordan darak beradi. Shu jumladan, 2007-yil «Ijtimoiy himoya yili» davlat dasturi doirasida ham ko'plab kam ta'minlangan ijtimoiy himoyaga muhtoj oilalar qo'llab quvvatlandi. Bulardan ko'zlangan asosiy maqsad esa sog'lom oila muhitini shakllantirish va sog'lom avlodni kamol toptirishdan iborat.

Yoshlar kamolotida mahallaning ham o'z o'rni bor. Zero xalqimizda «Bir bolaga yetti qo'shni ota-ona», – deyilishi bejizga emas. Mahalla bir hududda yashovchi qo'ni-qo'shni va yaqinlardan tashkil topadi. Bu esa o'z navbatida o'sha yerda yashovchi kishilarning o'zaro birligini, hamjihatligini ta'minlaydi va ko'plab noxush holatlarning oldini olish, o'zaro hal etish imkonini tug'diradi. Albatta bu asosan yoshlar masalasiga ham taalluqlidir. Har bir mahallaning ko'pni ko'rgan oqsoqollari, faollari bo'lib, ular yoshlarni to'g'ri yo'lga chorlaydi. Bu esa o'z o'rnida sodir bo'lishi mumkin bo'lgan ko'ngilsizliklarning oldini olishda katta ahamiyat kasb etadi. Shu bois yurtboshimiz taqdim etgan Konsepsiyada ham mahalla faoliyatini yanada takomillashtirish, uning vazifalari ko'lamini kengaytirish masalalariga alohida e'tibor qaratilgan. Hozirda yurtimizda kuchli davlatdan kuchli fuqarolik jamiyatiga o'tish borasida amalga oshirilayotgan islohotlar jarayonida mahallaning huquq va vakolatlarini kengaytirishga qaratilgan qonunchilik yanada takomillashtirilmoqda. 2003-yil «Obod mahalla yili» deb e'lon qilinganligida ham biz mahallalarga qaratilgan e'tiborni ko'rishimiz mumkin. Bu esa har bir mahalla fuqarosidan vatan ravnaqi, el-yurt manfaati va kelajagiga daxldorlik tuyg'usi bilan yashashni talab etadi.

O'sib kelayotgan yosh avlod ongida ona vatanga bo'lgan mehr-muhabbatni shakllantirish, huquqiy ongni va huquqiy madaniyatni yuksaltirish, manaviyatni kamol toptirish va o'zligini anglab yetishlarida yaqindan ko'maklashish zarur deb hisoblayman. Ana shundagina bizning oldimizda turgan mashaqqatli yo'lni bosib o'ta olishimiz mumkin. Bu yo'lida bizni yana nimalar kutayotgani va uning oldi olinmasa qanday oqibatlar olib kelishi barchamizga sir emas. Ayniqsa bugungi globallashuv jarayonida manaviy tahdidlar, turli xil illatlarning yoshlarimiz ongini zaharlab o'z girdobiga tortib ketishidan va ma'naviy bo'shliqqa tushib qolishdan saqlashimiz lozim. Buning uchun esa yurtboshimiz ta'kidlaganlaridek mafkuraviy immunitetni shakllantirishimiz kerak. Aynan shu jihatdan mahalla tashabbuskor bo'lgan holda yoshlarni to'g'ri yo'lga boshlashi, turli

xil tadbirlar, yig'ilishlar o'tkazgan holda yoshlar ongida jinoyatchilikka, giyohvandlikka qarshi va shunga o'xshash turli xildagi zararli illatlar va ularning zararli oqibatlarlari haqida tushuntirish ishlarini olib borishlari, tabiatni asrash, vatanga va ota-onaga bo'lgan mehr muhabbat, atrofdagilarga hurmat-ehtimomda bo'lish kabi fazilatlarini singdirib milliy ruhda tarbiya berib borishlari maqsadga muvofiq deb o'ylayman. Bundan tashqari ma'naviyatni yuksaltirish, kamol toptirish masalalariga jiddiy yondoshgan holda, mahalla ziyolilari va yoshlar o'rtasida suhbatlar, tushuntirish ishlari olib borilishi o'zining ijobiy natijasini bermasdan qolmaydi.

Xulosa o'rinda Prezidentimizning quyidagi fikrlarini keltirdim: «Xalq – bamisoli ulug' va sharafli yo'ldan ilgarilab borayotgan ulkan karvon. Uni yo'ldan chalg'itishga urinuvchilar, payt poylab orqasidan hamla qiluvchilar hamisha bo'lgan, bundan keyin ham bo'lishi mumkin. Ammo xalq karvonini hech qanday kuch ortga qaytarolmaydi. Nega deganda, xalqning qalbida ne-ne avlodlardan meros yengilmas kuch – ma'naviyat bor». Zero yoshlarimiz ongida ma'naviyatni kamol toptirishda mahalla va oilaning o'rni va ahamiyati beqiyosdir.

МИЛЛИЙ МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ИНСОН ВА ЖАМИЯТ ҲАЁТИДАГИ ЎРНИ

Х.С. ЖУМАНИЁЗОВ, Г.К. МАШАРИПОВА – ТДПУ

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Юксак маънавият – энгилмас куч» асарининг **«Маънавият – инсоннинг улғайиш ва куч-қудрат манбаидир»** деб номланган биринчи бобида асосий эътибор «маънавият» тушунчасининг мазмун-моҳиятига қаратилиб, унинг инсон ва жамият фаолиятида намоён бўлиши, ҳар бир халқ, миллат ва шахснинг ҳаёти билан уйғунлиги ҳақида фикр юритилади. Президентимиз Ислам Каримов маънавиятни шакллантирадиган асосий мезон ҳисобланган маънавий мерос, маданий бойликлар, кўҳна тарихий ёдгорликларнинг ўрни ва аҳамияти ҳақида атрофлича тўхталади.

Шунингдек, ушбу бобда инсон ва жамият тараққиётининг муҳим омили – маънавий ва моддий ҳаёт муштараклиги, айнан ушбу тамойиллар бир-бирини инкор этмаслиги, аксинча, бир-бирини тўлдириши ҳамда мамлакатда сиёсий, ижтимоий, иқтисодий барқарорлик ва тараққиётнинг мустаҳкам гарови бўлиб хизмат қилиши каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилган.

Бу бобнинг **«Маънавиятни англаш»** деб номланган биринчи фаслида Президентимиз Ислам Каримов «маънавият» тушунчасига қуйидагича таъриф беради: **«Маънавият – инсонни рухан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодни бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган бекиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир»**¹. Ушбу таърифда инсоннинг ботиний ва зоҳирий табиати, асл моҳиятини белгиловчи ғоявий, мафкуравий, маърифий, маданий, диний ва ахлоқий қарашларнинг ўзаро муштараклиги асослаб берилган.

«Юксак маънавият – энгилмас куч» асарида Ер юзиде турли миллатлар,

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008, 19-бет.

чиққилар, давлатлар бўлгани каби, инсонларнинг табиати ва хусусияти ҳам турфа экани, уларнинг бир-биридан фарқли ҳаёт тарзи, урф-одат ва анъаналари, миданияти борлиги ва буларнинг барчаси ягона меъёр – маънавий билан ўрнатилган ҳаёт мисоллар орқали таҳлил этилган.

Президентимиз Ислоҳ Каримов маънавий ҳақида фикр юритар экан, бу масалани чуқур таҳлил этган, унинг ижобий томонлари билан чекланиб қолмасдан, мураккаб жиҳатларини ҳам назардан четда қолдирмаган. Бу дунёда ҳаёт бор экан, турфа хил одамлар, уларнинг онгу тафаккуридаги ўзаро тафовут ва зиддиятлар сақланиб қолавериши, турли дунёқарашлар, оқим ва йўналишлар мавжудлигини табиий ҳол, деб қабул қилиш зарурлигини атрофлича асослаб берган.

Президентимиз Ислоҳ Каримов қарий 150 йил давом этган мустамлакачилик ва мустабил тузум даврида топилган маънавий-маърифий меросимиз, миллий кадриятларимизни тиклаш ҳамда уларни замон талаблари асосида ривожлантириш ўта муҳим ҳаёт заруратга айлангани, истиқлол йилларида бу масала амалга оширилган туб ислоҳотларнинг негизини ташкил қилганини алоҳида таъкидлайди.

Асарда барча даврларда, ҳар қандай босқин ва истилоларга қарамасдан ота-боболаримиз оғир ва мураккаб шароитларда ўзлигини йўқотмасдан, маънавий ҳаёт мезонлари, ахлоқ-одоб қоидаларига амал қилиб, қомиллик сари интилиб яшагани ва муваффақиятга эришгани алоҳида қайд этилган. Асарда таъкидланганидек, зўравон ва тажовузкор қучлар қайси бир халқ ёки мамлакатни ўзига тобе қилиб, бўйсундирмоқчи, унинг бойликларини эгалламоқчи бўлса, авваламбор, уни қуролсизлантиришга, яъни энг буюк бойлиги бўлмиш миллий кадриятлари, тарихи ва маънавиятидан жудо қилишга уринган. Бу тарихий ҳақиқатни англаш, миллий маънавиятнинг жамиятдаги ўрнига юксак баҳо бериш имконини яратади.

Халқ миллий маънавияти аслини кадриятлар ташкил этади. «Миллий маънавий кадриятлар» деганда: Муайян миллат, шу миллат вакиллари учун зарур ва аҳамиятли, азиз ва ардоқли бўлган манфаати ва мақсадларига хизмат қиладиган маънавий бойликлар, амаллар ва тамойиллар, ғоялар ва меъёрлар назарда тутилади.

Ҳар бир халқнинг ўзи учун эъзозли, қимматли бўлган маънавий бойликлари бўлади. Булар асрлар давомида авлоддан-авлодга ўтиб келган, ҳозирги кунда ҳам аҳамияти ва қадри йўқолмаган, шу халқнинг ифтихор манбаига айланган дурдоналардир.

Миллат ва элатларнинг ўзига хос тарихий мероси, санъати ва адабиёти билан уларнинг урф-одат ва маросимлари, маданий муносабат ва ахлоқий фазилатлари маънавий кадриятлар тизимига киради. Булар халқнинг ўзига хослигини сақлаб қолишда, ёш авлодни тарбиялашда, шахснинг ижтимоийлашувида муҳим роль ўйнайди.

Миллий маънавий кадриятларда халқнинг дунёқараши ва ҳаётга муносабати, ички табиати ва турмуш тарзи ўз ифодасини топади. Буларда миллатнинг руҳий олами ва тафаккур тарзи, орзу-умидлари ва идеаллари, виждони ва ор-номуси акс этади.

Миллий кадриятлар халқнинг кундалик ҳаёти ва турмуш тарзида ўзига хос мезон вазифасини ўтайди. Ушбу кадриятлар воситасида турли ҳодиса ва ҳолатларга, янги пайдо бўлаётган фаолият турлари ва расм-русумларга баҳо берилади. Ёш авлоднинг ҳаёт мўлжаллари, «замона қаҳрамони» ҳақидаги тасаввурлари ҳам маънавий кадриятлардан келиб чиқиб шаклланади.

Миллий маънавий кадриятлар – ижобий ахлоқий сифатларни такомиллаштириш, давлат ва миллат ривожига тўғанок бўладиган салбий иллатларни бартараф этиш омилidir.

Хулоса қилиб айтганда, миллий маънавий кадриятлар ижтимоий ҳаётнинг ва маънавий борлиғимизнинг муҳим ва серқирра соҳаси бўлиб, инсон ва жамият камолотида муҳим аҳамият касб этади. Миллий кадриятлар муттасил ривожланиб, такомиллашиб боради. Буларнинг ижтимоий гуруҳлар ва алоҳида шахслар томонидан ўзлаштирилиши таълим ва тарбияни талаб қилади.

МАҲАЛЛА МУҲИТИ – МУСТАҲҚАМ ОИЛАНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВОСИТАСИ

Г.УМАРОВА – т.ф.н., ЎзДЖТУ

Маҳалла соғлом ижтимоий муҳит сифатида оиланинг ҳаёт фаолиятида, унинг осойишталиги, тотувлиги, жипслигини мустаҳкамлашда етакчи омил ҳисобланади. Бу ерда кучли таъсирга эга бўлган жамоатчилик фикри маҳалла аҳлининг хулқ-атвори, ўзаро муносабатларини адолат ва маънавий мезонлар асосида тартибга солиб туради. Оила мустаҳкамлиги, маҳалла ҳамжиҳатлиги – ижтимоий тараққиёт омили.

«Мустаҳкам оила» ғоясининг ҳаётимиздаги амалий ифодасини кўришда, ҳеч шубҳасиз, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идораси сифатида ном қозонган маҳалла тизимининг ўрни ва таъсири бекиёсдир. Ҳақиқатан ҳам, бундай ноёб ижтимоий тузилма ҳозирги кунда «Маҳалла халқ виждони» деган юксак таърифга ҳар томонлама муносиб бўлиб бормоқда. Айниқса, ёш оилани ҳаётнинг турли тўфонларида асраш, унинг мустаҳкам оёққа туриб олиши учун елкадош бўлиш, бу борада зарур кўмак, маслаҳат кўрсатишда маҳалланинг роли ва аҳамиятини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди»¹ – деб қайд этади Президентимиз И.А.Каримов

«Ижтимоий фикр» марказининг ўтказган «Маҳалла, Жамоатчилик муносабати» социологик тадқиқоти республикамиз маҳаллаларида яшовчи аҳолининг 70,6 фоизи, маҳалла уларнинг шахсий ва оиласи ҳаётида муҳим роль ўйнашини, 60 фоизи эса маҳалла тадбирларида доимий равишда фаол иштирок этишини кўрсатган.² Оиланинг маҳалла билан яқин алоқаси, жамоатчилик эътиборида бўлган турли ижтимоий аҳамиятга молик тадбирлар: ҳашар, тўй тантаналари, дафн маросими, анъана ва кадриятлар муносабати билан ўтказиладиган Наврўз байрами, Рўза ва Қурбон ҳайитлари фуқароларда кўшниллар, жамоа билан, бирга аҳил, баҳамжиҳат яшаш кўникмасини шакллантиради.

Жамият ҳаётида аёлларнинг фаоллигини ошириш, уларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш, имкониятларини рўёбга чиқариш учун шарт-шароитлар яратиб бериш долзарб аҳамиятга эга. Бу эса уларни маҳалла ҳаётини ташкил қилиш ва бошқаришга жалб этиш орқали амалга оширилади. Маҳалла фуқаролар йиғини хотин-қизларнинг манфаатларини ҳимоя қилиши, ёш авлодни тарбиялаш ишидаги мавқеини оширишга қаратилган чора-тадбирларни кўради. Уларнинг кизиқишлари ва билимларига мос равишда хусусий корхоналарни барпо этишга кўмаклашади. Кичик корхоналар,

¹ И. Каримов Бизнинг йўлимиз – демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. Халқ сўзи, 2012 й. 12 декабр.

² Ўзбекистон макон ва замонлар оша. –Т.: 2011. 30-бет.

касаначилиқни, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, аёлларнинг ижтимоий иқтисодий фаоллигини ошириш маҳаллалар фаолиятининг асосий йўналиши бўлиб, уларнинг оиладаги иқтисодий кийинчилиқни камайтириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, янги иш ўринларининг ташкил қилиниши демократик ислохотларни чуқурлаштириш жараёнларида янада самаралироқ иштирок этишларини таъминлайди. Бугунги кунда республикада фаолият юритаётган 9942 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг раисларидан 1043 тасини аёллар ташкил этади. 1999 йилда маҳаллалар ҳузурида Яраштириш комиссиялари ташкил этилди. Бу комиссиялар мамлакатимизда соғлом авлодни тарбиялашга, фуқароларнинг оилада ва маҳаллаларда тинч-осойишта ҳамда ҳамжихатликда яшашларини таъминлашга, оилавий келишмовчиликларни тинч йўл билан ҳал этиш, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб-ташвиқ этишга қаратмоқда. Маҳаллалар қошидаги Хотин-қизлар билан ишлаш ва айрим Яраштириш комиссияларининг раислари ҳам – аёллар. Бу комиссияларни бошқараётган маслаҳатчилар сони бутун республика бўйича 30000 га яқиндир.

Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги Фармонида биноан маҳаллалар қошида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия ишлари бўйича маслаҳатчилар лавозими таъсис этилди, ҳозирда 8167 та аёллар бу лавозимда ишламоқда.¹ Маҳаллаларда отиноий», «дастурхончи», «кайивонилар тўй-маъракалар, турли урф-одат, дафн ва бошқа маросимларда кўпчиликка бош-қош бўлиб, ишбошилик қилади. Тўй тантаналари, дафн маросимлари, анъана ва удумлар муносабати билан ўтказиладиган тадбирлардаги кўпгина юмушларни бажарадилар ва хотин-қизларга ўзига хос таъсир кўрсатадилар.

Бундан уч ярим минг йил илгари яшаб ўтган фиръавнлардан бирининг қабртоши устига «Ёшларимиз ўзар ва кайсар, кексаларнинг айтганини назар-писандга олмайди, ажодлар кадриятларини инкор этади», деган сўзларнинг битиб қўйилгани ёшлар тарбияси, унинг маънавий камолоти инсоният тараққиёти-нинг барча босқичларида асосий масалалардан бири бўлиб келганини тасдиқлайди. «Миллатнинг муҳим бойлиги – деб ёзади А.Авлоний унинг маънавий қиёфасидир. Ҳар миллатнинг саодати, давлатларнинг тинч ва роҳати ёшларнинг яхши тарбиясига боғлиқдир.»² Ёшлар тимсолида шу халққа хос хусусият ва фазилатларини намоён этадиган, унинг мақсад ва интилишларини рўёбга чиқарадиган куч намоён бўлади. Бундай хусусиятлар эса оилада ҳамда жамоа, жумладан, маҳалла шароитида шаклланади.

Халқимизда азал-азалдан «Отанг – маҳалла, онанг – маҳалла», «Бир болага етти қўшни ота-она» деган ҳикमतлар бежиз айтилмаган ва уларга изчил риоя қилиниб келинмаган. Маҳаллада ёшлар тарбияси икки томонлама оила ва жамоатчилик (маҳалла) томонидан амалга оширилади. Оила тарбияси азалдан соғлом фикрловчи, юксак ахлоқли, ижтимоий фаол инсонни шакллантиришнинг асосий омилдир. Ҳозирги глобаллашув ва мафкуравий тўқнашувлар кучайган Президентимиз И.А.Каримов таъбири билан айтганда, «...маълум бир давлатлар ва сиёсий кучларнинг манфаатларигагина хизмат қиладиган, олис-яқин манбалардан тарқаладиган, турли маъно-мазмундаги мафкуравий кучларнинг таъсири»³ доимий равишда сезилиб турган бир даврда ҳар бир оилада фарзандлар тарбиясига янада жиддийроқ ёндашиш, уларнинг давр руҳи, муҳити, муаммо-

¹ Ижтимоий фикр. 2008 йил. №1. 44-бет.

² Абдулла Авлоний. Танланган асарлар. 2-жилд. –Т.: Маънавият, 1998, 38-39-бет.

³ Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 1998. 125-бет.

ларининг чуқуррок тушуниб олиб, тўғри йўлни танлаб олишларига қўмаклашишни талаб этмоқда. Маҳаллада ва оилалардаги тарбия масалаларида ўзаро ҳамкорлик, тамойиллар муштараклиги, тажриба алмашиб туриш, мураккаб муаммоларни бамаслаҳат ҳал қилиш заруриятидан келиб чиқиб «Маҳалла» хайрия жамғармаси билан Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси, шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институти ҳамкорликда ишлаб чиқилган «Мустақил Ўзбекистоннинг ёш авлодини тарбиялашда маҳалла, мактаб ва оила ҳамкорлиги» дастури ҳаётга муваффақиятли татбиқ этилмоқда. Бу дастур мазкур тарбия масканлари оила ва маҳалла ўртасида ўзаро алокани мустаҳкамлашга, сиёсий, маънавий-тарбиявий, ҳуқуқий тарғибот ишларини амалга оширишга катта ёрдам бермоқда. Ёшлар ижтимоий фаоллигини оширишда халқимизнинг бой миллий, маданий, тарихий анъаналари, урф-одатлари ҳамда умумбашарий қадриятлари энг самарали бўлган воситага айланмоқда. Ижтимоий мослашув марказлари маҳалланинг имкониятларини янада кенгайтирмоқда. Маҳалла рўйхатдан ўтмаган диний ташкилотлар фаолият кўрсатишининг олдини олиш, фуқароларнинг диний эътиқод эркинлиги ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлаш, диний эътиқодни мажбуран сингдиришга йўл қўймаслик чора-тадбирларини кўради. Республикада 8094 та «Маҳалла посбони» жамоат тузилмалари фаолият кўрсатмоқда. Уларга 50758 нафар посбон жалб қилинган. Шунингдек, «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси ёрдамида биргина 2011 йилда 6575 та жиноят очилиб, 156 мингдан ортиқ ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланган.¹

Оила мустаҳкамлиги ва ёшларни ўзга ғоялар таъсирига тушиб қолмасликлари, уларни диний экстремизм, ақидапарастлик ғояларидан ҳимоялашда қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

– маҳаллада диний экстремизм таъсирига мойил бўлган шахсларни аниқлаш ва улар билан маҳалла фаолларининг индивидуал суҳбатларини ташкил этиш, аёллар иштирокида ўтказиладиган диний тадбирларда маҳалланинг фаол аёллари, маҳаллалар қошида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия ишлари бўйича маслаҳатчиларнинг иштирок этишлари;

– диний олиму уламолар иштирокида виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар, диний экстремизм ва раҳна солаётган ҳар бир бошқа диний сиёсий оқимларга қарши илмий жиҳатдан асосланган учрашув ва семинарлар ташкил этиш ва унга шу маҳаллаларда яшовчи зиёлиларни жалб қилишлари;

– маҳалла фуқаролар йиғинлари, давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ички ишлар идораларида рўйхатда турувчи, нотинч ва кам таъминланган оилаларда тарбияланувчи вояга етмаган ёшларни аниқлаш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, улар билан спорт мусобақаларини ўтказишга шароит яратиш;

– маҳаллаларда болалар футбол командаларининг ташкил қилиш, спортнинг бошқа хилма-хил (теннис, шахмат, волейбол, баскетбол ва б.) турларини ривожлантириш;

– аҳоли зич жойлашган қишлоқ фуқаролар йиғинлари ва шаҳар маҳаллаларида ички имкониятлардан келиб чиққан ҳолда касаначилик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари ташкил этишни кенгайтириш.

¹ Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармасининг 2006-2011 йиллардаги ҳисобот-сайлов даврига оид маълумотлар. –Т.: 16-бет.

ПОТЕНЦИАЛ СЕМЬИ В ПРОТИВОДЕЙСТВИИ ВЛИЯНИЮ РАЗРУШИТЕЛЬНЫХ ИДЕЙ

Г.Н.УСМАНОВ – к. ф. н, доцент ТГПУ

Семья – важнейшая часть общества, его первичная ячейка. В ней, словно в капле воды, отражаются все происходящие в нем процессы, как положительные, так и отрицательные.

Ключевая функция семьи - воспитание и развитие детей, социализация подрастающего поколения. В семье формируется характер человека, его отношение к труду, познаются моральные и культурные ценности, обеспечивается преемственность поколений, воспитывается духовность. Здесь закладываются идейные основы личности, формируется ее мировоззрение, определяются жизненные цели и устремления. Воспитательный процесс строится на основе сотрудничества родителей, детей, родственников, любви и уважения к старшим, заботы о младших.

Родители составляют первую общественную среду ребенка. Личности родителей играют существеннейшую роль в жизни каждого человека. Как первые воспитатели они имеют наибольшее влияние на детей. Тут нельзя не вспомнить французского философа Жан-Жака Руссо, который справедливо заметил, что каждый последующий воспитатель оказывает на ребенка меньшее влияние, чем предыдущий.

Семейное воспитание обычно строится на основе идеологии, морали и системы взаимоотношений того социального слоя, к которому относится семья. Моральные нормы общества первоначально предстают перед ребенком в форме требований, предъявляемых родителями, предстают воплощенными во всем образе жизни семьи и даже, не будучи еще осознанными, усваиваются как единственно возможный способ поведения.

Одно из основных направлений воспитательной деятельности семьи - идейное воспитание, формирование убеждений у детей. Это сложный и трудоемкий процесс, включающий и передачу личного отношения родителей к своей Родине («Любовь к Родине, – говорил английский мыслитель Фрэнсис Бэкон, – начинается с семьи»), и привитие гордости за великих предков и тысячелетнюю историю народа, и раскрытие неразрывной связи между прошлым, настоящим и будущим, и развитие качеств гражданина. В семье зарождается преданность идеям независимости, готовность беречь, укреплять и защищать ее.

Идейное воспитание - это возможность создания базиса личности, придания ей соответствующей направленности, определяющей отношение человека к происходящим событиям, историческим достижениям, понимания им самого себя, своего места в обществе. Формируя взгляды, убеждения, ценностные ориентации, оно развивает национальное самосознание, определяет гражданскую позицию, повышает чувство ответственности.

Среди основных задач идейного воспитания - непримиримая борьба с чуждыми менталитету нашего народа разрушительными идеями и выработка стойкого идеологического иммунитета у подрастающего поколения.

Слабость или отсутствие идеологического иммунитета может привести к тяжелым и крайне нежелательным социальным последствиям, вплоть до дезинтеграции и распада социума. Поэтому его формирование становится насущной потребностью и актуальной социально-педагогической проблемой нашего времени.

Под идеологическим иммунитетом (от лат. *immunitas* - освобождение, из-

бавление) подразумевают систему идеологической защиты, способную поддерживать стабильность общества и государства, обеспечивать устойчивость мировоззрения и самостоятельность мышления личности, оберегать ее от духовных угроз современности, своего рода идейных «инфекций».

Идеологический иммунитет – это не только невосприимчивость индивида к влиянию чуждых идей и идеологий, но и его способность анализировать и аргументированно критиковать враждебные идеи, разоблачать их истинные, а не декларируемые цели.

Первую линию «обороны», первый заслон против злонамеренных идей создает семья. Старшие ее члены учат младших отличать хорошее от плохого, добро от зла, настраивают их на социально приемлемое, благоразумное, правильное поведение. Естественно, что при этом, взрослые предупреждают и об опасности противоправной, преступной деятельности, в том числе, связанной с неосмотрительным принятием, пропагандой и практической реализацией идей, противоречащих Конституции и действующему законодательству нашей страны, чуждых национальному сознанию, истории и культуре нашего народа.

Чтобы предотвратить распространение разрушительных идей религиозного фундаментализма, экстремизма, терроризма и др., необходимо раскрыть их антигуманную и антидемократическую сущность, показать, что они противоречат основам традиционной религии и моральным устоям нашего общества, его обычаям и традициям, направлены против свободы и независимости Родины.

В связи с бурным развитием современных информационно-коммуникационных технологий, в последние годы усилилось отрицательное влияние на сознание молодежи «массовой культуры», в частности, кино и телевидения, демонстрирующих чужую жизнь, нравы, обычаи, навязывающих культ силы и денег.

К отличительным чертам «массовой культуры» относятся предельная упрощенность и ориентация на примитивную эмоциональность. В ее рамках сложные символы культуры трансформируются в упрощенные образы, которые освобождают зрителей, слушателей от интеллектуальных усилий и социальной ответственности, препятствует развитию у них возвышенных чувств и тонких эмоций.

Взрослые, прежде всего родители, должны помочь молодым людям не попасть под пресс масскульта. Самим им трудно этого избежать, поскольку в силу недостаточности жизненного опыта, наивности, простодушной доверчивости многие юноши и девушки даже не замечают, что «массовая культура» исподволь дискредитирует национальную культуру, ориентирует на потребительское отношение к жизни, пропагандирует низменные страсти, вытесняет подлинно гуманистические ценности (социальная ответственность, патриотизм, уважение к старшим и др.), подменяя их эгоцентризмом, индивидуализмом, жадной остротой ощущений, стремлением к достижению материального благополучия и самоутверждению в обществе любой ценой.

В силу доверительных отношений, устанавливающихся в семье, оценки и мнения самых близких, родных ему людей пользуются у ребенка особым авторитетом и исключительно важны для него. В родителях, дедушках и бабушках, других родственниках он находит образец для подражания, на который стремится походить.

Вопросы идеологии - это мост, связывающий семью с обществом и наполняющий ее жизнь новым смыслом. Семья помогает человеку сформировать первоначальные представления об идеях и идеологиях. Очевидно, что характер этих представлений зависит, прежде всего, от того, какого рода идеи и насколько глу-

боко усвоили сами старшие члены семьи. Отсюда актуальность вопросов просвещения, расширения кругозора, повышения идейного уровня взрослых, их самообразования и самовоспитания. Представители старшего поколения должны глубже и прочнее усвоить смысл и значение национальной идеи и идеологии, чтобы стать мудрыми наставниками и служить положительным примером для собственных потомков и наследников.

«ОММАВИЙ МАДАНИЯТ» ХАВФИГА ҚАРШИ КУРАШДА МИЛЛИЙ АХЛОҚИЙ НОРМАЛАР ВА ТАМОЙИЛЛАРНИНГ ЎРНИ

Х.АЛИҚУЛОВ – Солиқ академияси катта ўқитувчиси

Инсоният тарихининг учинчи минг йилликка кадам қўйиши жамият тараққиётида икки теденцияни намоён қилмоқда. **Биринчиси** – инсон моҳиятини ташкил қиладиган мезонлар тизимида, унинг интеллектуал салоҳияти, ахборотлар арсенали, техник-технологик имконияти ғоят ривожланиб, янги маънавий кадриятлар шаклланиши билан характерланади. **Иккинчиси** – инсон онгида, амалий турмуш тарзида, унинг моҳиятига ёт ғайриахлоқий хатти-ҳаракатлар (ўз турига, жамиятга, табиатга нисбатан агрессивлик) ва руҳий тушкунлик кайфияти кучайиб, этикологик инқирозларнинг белгилари кўзга яққол ташланмоқда. Бу тенденцияларнинг ҳар бирини муқобил изоҳлайдиган фалсафий таълимотлар шаклланиб, ҳозирги даврнинг интеграциялашиш, глобаллашиш хусусиятларига мос равишда миллий ва умуминсоний кадриятлар универсаллашуви, ижтимоий-сиёсий муносабатларни бошқарувчи сиёсий ҳамда жамоатчилик институционал тизимлари олдига янги талабларни қўймоқда.

Мустақилликка эришгандан кейин Ўзбекистон босиб ўтган тарихий давр тажрибалари ижтимоий-сиёсий муносабатларни бошқаришда мустабид тузум даврида таназзулга юз тутган миллий кадриятларни тиклаш, уларни ривожлантириш имкониятлари яратилганлигини кўрсатди. Мустақилликнинг илк йиллариданоқ мамлакат тараққиётининг маънавий-ахлоқий асосларини тиклашга алоҳида эътибор берилди. Айниқса, Президентимиз Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган: 1) умуминсоний кадриятларга содиклик; 2) халқимизнинг маънавий меросини қайта тиклаш ва ривожлантириш; 3) инсоннинг ўз эркинлигини амалда намоён қилиш; 4) ватанпарварлик каби тамойиллари ҳамда уларни ҳаётга жорий этишдаги изчил сиёсати юрт тинчлигини, Ватан равнақи, халқ фаровонлигини таъминлашнинг асосларини яратиб берди.

Жамиятнинг барча соҳаларидаги ислохотларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан таъминлаш заруриятини ҳар бир фуқаро англаб етмас экан, унинг самараси ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов: «Бирон бир жамият маънавий имкониятларини, одамлар онгида маънавий ва ахлоқий кадриятларни ривожлантирмай ҳамда мустаҳкамламай туриб ўз истикболини тасаввур эта олмайди»,¹ деб таъкидлайди. Зеро, барча соҳалардаги ислохотларнинг миллий маънавий-ахлоқий кадриятлар асосига

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари. –Т.: Ўзбекистон. 1997. –137-бет.

қурилиши, унинг самарадорлигини таъминловчи устувор омили бўлиб қолмоқда. Бундан кейин ҳам эришилган ютуқларни янада мустаҳкамлаш учун миллий менталитетимизга мутлоқо ёт, ахлоқий қадриятларимизга зид ва маълум маънода глобаллашиб кетаётган ижтимоий иллатларнинг сабабларини илмий жиҳатдан ўрганиш барқарор тараққиётини таъминлашга хизмат қилади. Чунки, жамият барқарорлигини, иктисодий, ижтимоий тараққиётни издан чиқаришга қаратилган ҳар қандай ҳавф, энг аввало ғайриахлоқий ғояларда, уларни амалга оширишнинг мафкуравий усулларида намоён бўлади. Айниқса, бу ғояларни «эзгу мақсадлар» никоби остида ҳаётга жорий этиш жиддий ҳавф туғдирмоқда. Президентимиз таъкидлаганларидек: бугунги кунда инсоният қўлида мавжуд бўлган қурол-ярроғлар ер қуррасини бир неча бор яқсон қилишга етади. Бунини ҳаммамиз яхши англаймиз. Лекин ҳозирги замондаги энг катта ҳавф – инсонларнинг онги ва қалбини эгаллаш учун узлуксиз давом этаётган мафкуравий қурашдир.

Масалан, ривожланаётган мамлакатларга демократия ғояларини экспорт қилиш, умуминсоний цивилизация андозаларини барчага тотал қўллашдан иборат мафкуравий ҳатти-ҳаракатлар ижтимоий-сиёсий муносабатларни тарихий меросларга ворислик тамойили асосида ривожлантириш ғоясига путур етказмоқда. Ваҳоланки, дунёда демократик жамият қуришнинг универсал, ягона андозаси бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий муносабатларни бошқариш сиёсатида ахлоқий норма ва тамойил мақомига эга бўлган тарихий анъаналарига, маънавий маданиятининг ўзига хос хусусиятларига таянмоқда. Зеро, Президентимиз таъкидлаганларидек – «Айниқса, ҳозирги вақтда дунёда кучайиб бораётган турли маънавий таҳдидларнинг олдини олиш, «оммавий маданият»нинг зарарли таъсиридан фарзандларимизнинг онгу тафаккурини ҳимоя қилишда илму фан ва маданият жамоатчилиги, ижод аҳлининг ўрни ва роли тобора ортиб бормоқда»¹.

Хўш оммавий маданият нима? У қандай қўринишларда салбий жиҳатларини намоён қилади ва қай қўламда оқибатларга эга? деган саволга жавоб беришимиз лозим.

Бу биринчидан, бизга четдан кириб келаётган, маънавийтимиз, маданиятимиз, миллий қадриятларимизга мутлақо ёт бўлган, маънавий ва ахлоқий тубан иллатларни ўз ичига олган иллатлар йиғиндиси. Иккинчидан, «Оммавий маданият» деган нуқоба остида ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзини маънавий негизларига бепасандлик, уларни қўпоришга қаратилган хатарли таҳдидлардир. Учинчидан, Коммунистик мафкура ва унинг ахлоқ нормаларидан воз кечилганидан сўнг жамиятда пайдо бўлган ғоявий бўшлиқдан фойдаланиб, четдан биз учун мутлақо ёт бўлган, маънавий ва ахлоқий тубанлик иллатларини ўз ичига олган «оммавий маданият» ёпирилиб кириб келиши мумкинлигини унутмаслик керак.

Бу ҳавфнинг оқибатлари эса *биринчидан*, «Оммавий маданият» одамларнинг дидини юксалтиришга, миллий ва жаҳон санъатининг мумтоз асарларини тушунишга эмас балки улардан узоқлаштиришга хизмат қилади. Ўзбекистонликларга хос юксак бадиий дидни ўртамиёна, оммабоп, «бизга шу ҳам бўлаверади», – дейдиган даражагача тушириб, пасайтириб юбориши мумкин. Иккинчидан, табиий-

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. –Т.: Маънавият. 2008. –133-бет.

ки, «оммавий маданият» деган никоб остида ахлоқий бузуклик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни қўпоришга қаратилган хатарли таҳдидлар одамни ташвишга солмай қўймайди.

Албатта, халқимиз, жумладан, ёш авлод ғарб фан-техникаси, маданияти, адабиёти санъатининг илғор жиҳатларини инкор этмайди. Бироқ ғарбдаги тараққийпарвар зиёлиларнинг ўзи «ғарбнинг муаммоси» сифатида баҳолаётган «оммавий маданият»нинг маънавий-ахлоқий тубанликларини ёшларимиз қанча тез англаса, шунча яхши.

Қолаверса, дунёқараш тарбияси имкониятларини ривожлантиришимиз лозим. Масалан, «огоҳлик» иборасининг маъноларини бугунги замон шароитидан келиб чиқиб, анча кенг миқёсда тушунишимизга тўғри келади. Яъни, бугунги огоҳлик халқимиз, айниқса, ёшлар дилини, руҳиятини, ақл-идроқи ва умуман маънавиятини диний-ақидапарастлик, жаҳолатпарастликлар хатаридан ташқари, айни пайтда, жаҳонда юз бераётган сиёсий, мафкуравий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий ва эстетик манфаатлар йўналишидаги ошқора ва хуфя курашларнинг кенг миқёсдаги хатарли жиҳатларидан, жумладан, «оммавий маданият»нинг емирувчи таъсирдан муҳофаза қилишни ҳам ўз ичига олади. Иложи бўлса, мамлакатимиз таълим тизимининг мактаблардан тортиб то олий таълим муассасаларигача бўлган барча босқичлари ўқув дастурларига ана шундай кенг, юксак малакали, илғор замонавий, маъно-мазмунли, махсус «Огоҳлик» дарсларини киритиш мақсадга мувофиқдир. Бу ўйлаб қўриладиган муҳим ва жиддий масаладир.

Эгоцентризм худбинликнинг бир қўриниши бўлиб, фақат ўзини, ўз манфаатларини ўйлаб яшаш, бошқа ҳеч нарсани тан олмасликни билдиради. Инсониятга етказадиган зарари нуқтани назаридан бу иллат жаҳолат, ақидапарастликдан асло қолишмайди.

«Менга нима» деб қараш, лоқайдлик, беписандлик, ўзини, ўз манфаатини ҳаммадан устун қўйиш, худбинлик, ҳамма, ҳамма нарсалар менинг ҳузур-ҳаловатимга хизмат қилиши керак, дейиш, шуҳратпарастлик, кибр, маҳмадоналик, тажанглик, бировни эшита билмаслик, хатосини тан олмаслик, совуққонлик, танқидга чидамсизлик – эгоцентризм дардига дучор бўлган одамнинг белгилари.

Эгоцентризм ва эркинлик никобидаги ахлоқсизлик фасафаси, лоқайдлик, маънавий ва ахлоқий қашшоқлик биз олдимизга қўйган мақсадларга зиддир. Улар жамият ривожига қатта тўсқинлик қилади.

3000 йиллик тарихимизда тўпланган ўзбек мақоллари фарзандларимизни эгоцентризмдан ҳимоя қилишга, бирлашишга чорляпти. Худбинлик ва эгоцентризмни қоралайти.

Хулоса сифатида қуйидаги тавсияларни беришни мақсадга мувофиқ ҳисоблайман.

- Маънавий салоҳиятни ўстириш ва барқамол авлод тарбиясида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан тўғри фойдаланишни ташкил этиш.

- Интернет ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳамда компьютер ўйинлари ва Интернет-кафе фаолиятини тартибга солиш.

- Ахборот-коммуникация ва Интернет технологиялари ютуқларидан оқилона ва мақсадли фойдаланиш.

- Ахборот-коммуникация технологияларидан ва ахборотлардан фойдаланиш маданиятини ва муҳитини шакллантириш.

Интернет тармоғида ёшларга, уларнинг кизиқишларига ва интилишларига, ахборот эҳтиёжларига ҳамда ютуқларига йўналтирилган электрон манбаларни ташкил этиш.

ЗАРАРЛИ ТАЪСИРЛАРГА ҚАРШИ КУРАШДА ПЕДАГОГЛАРНИНГ ЎРНИ

Р.ЯРМАТОВ – ЖДПИ ўқитувчиси

Зарарли ғоявий таъсирлар ва онгни заҳарлашлар вояга етиб келаётган ёшларга қаратилиши маълум. Ёшларнинг қони қаёқлиги, кизиқувчанлиги ва ишонувчанлиги маккор кимсаларга қўл келмоқда. Шу сабабли, Призидентимиз Ислом Каримов ҳамиша ёшларни маънавий муҳофаза қилиш ва бунда уларнинг билими, интеллектуал салоҳиятини оширишга асосланишди уктириб келмоқда¹. Бу ишда педагог кадрларнинг туган ўрни аҳамиятли эканлиги билан диққатни тортади.

Педагоглар бизнинг жамиятимизда ёшлар билан мактабгача таълим муассаларидан тортиб, олий ўқув юртини тугатгунга қадар бирга бўлади. Йигирма йиллик бу давр ёшлар ҳаётида катта аҳамиятга эга. Айтиш жоизки, демократик шароитда ёшлар онгига бўлаётган зарарли ва заҳарли таъсирлардан аввало, педагогларимиз кўпроқ азият чекмоқда. Чунки, маънавий фарзандига айланиб улгурган ўспиринни ўроқда йўқ, машоқда йўқ – хирмонда ҳозир, маккор кимсаларнинг алдов йўли билан ўзига оғдириб олиши педагогларни ташвишга солади. Мутаассиблик, «оммавий маданият», ҳаётдан совиш, маъносиз мақсад-муддаоларни даъват қилиш билан бундай кимсаларга қарши курашиш ҳар бир педагогнинг уйқусини қочириб, ҳаловатини бузмоқда. Нима қилмоқ керак? Бу савол куну тун педагогларимизни қийнб келмоқда, ўз маънавий фарзандларини муҳофаза қилиш учун бедор онадек жонсарак. Бугунги ғоявий ва мафкуравий курашлар полигониди ёшларни турли зарарли таъсирлардан асраш учун педагогларнинг вазибалар қўлами янада кенгайди. Бунда айниқса, қуйидагилар муҳим аҳамиятга эга:

- ёшларни билим билан қуролантириш ишида давом этиш ва бу борада «фақат – олға» тамойилига амал қилиш;
- ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини, талаб даражасида бўлишини таъминловчи воситаларни кенг қўллаш ва бунинг учун уларда мустақил фикрлаш кўникмасини ҳосил қилишга бирламчи тарзда эътибор бериш;
- ёшларнинг ахлоқини замонлар ва тарих синовларидан ўтган миллий одоб қоидалари асосида шакллантиришдан чўчимаслик ва бекинмаслик;
- ёшларнинг ўз вақтларини ўқув даргоҳларида кўпроқ ўтказиши учун тўғарақлар, ихтиёрий курслар, танловлар, синовлар, конкурслар, мусобақалар, устоз-шогирд анъанаси каби воситалардан фойдаланишни қучайтириш;
- оилалар билан самарали ишлаш учун таълим-тарбия даргоҳларидаги ота-оналар қўмиталари фаолиятини тубдан ўзгартириш;
- маҳалла (кишлоқ) фуқаролар йигинларида «Педагог маслаҳатчи»

¹ И.А.Каримов Юксак билимли ва интеллектуал салоҳиятли баркамол авлодни тарбиялаш – энг муқаддас мақсад // «Халқ сўзи» газетаси, 2012. 18 февраль сони.

кенгашларини тузиш ва бундай кенгашлар зиммасига ёшлар ва оилалар билан коррекциялаш ишларини олиб боришни юклаш;

– ёшлар муаммоларини ҳал қилишга доир аналитик тавсияларни ишлаб чиқиш ва ҳудудлар бўйича педагогик кузатув ишлари олиб бориш ва ҳ.к.

Бугунги кун педагоги Ўз фаолиятида ижтимоий вазифаларни бажариши ҳам тақоза этилмоқда. Бу ўз навбатида педагог шахсининг ижтимоий, касбий ва ахлоқий жиҳатдан баркамол бўлишини талаб қилади. Бунинг учун педагог кадрлар тайёрловчи ўрта махсус ва олий ўқув юртлирида ўзига хос модел амал қилмоқда. Бир сўз билан айтганда, бугунги педагогнинг жамиятнинг энг фаол кишиси бўлишига асосий эътибор қаратилмоқда.

Барча замонларда педагог кадрлар зиммасига энг масъулиятли вазифалар юкланган. Бу вазифаларнинг қўлами демократик жамият шароитида янада ортди. Шу маънода педагогларимизнинг «Яхшилик қил – дарёга сол, дарё билмаса – балиқ билади, балиқ билмаса – Холик билади» мазмунидаги ҳикматга амал қилиши муҳим бўлиб турибди. Негаки «дарё» – ҳаёт, «балиқ» – Борлик ва «Холик» эса ҳаёт ато этувчидир, педагогнинг иши ёшларни ҳаётга тайёрлаш, уларга Борлик сирини аёнлаштириш ва бунинг самарасини келажакдан кутишидир.

МАЪНАВИЙ ТАҲДИДНИНГ ИЛДИЗЛАРИ

(Оила мустақамлигини таъминлаш масаласи талқинида)

Б.ЖАЛОЛОВ – ТДПУ талабаси

Инсоният ўз-ўзини англаб яшай бошлаган даврдан эътиборан доимо баркамоллик сари талпиниб келган. Одамзот барча нарсанинг асосини оиласи бағридан олади. Тарих ва археология фанларининг гувоҳлик беришича, узок йиллар давомида одам деб аталувчи мавжудот ёввойи тарзда турмуш кечириб келди. Бунинг энг асосий сабабларидан бири сифатида тартибсиз никоҳнинг ўша давр жамоаларида мавжудлиги деб таъкидлаш керак бўлади. Одамзот узок йиллик тараққиёти натижасида «дин» деб аталувчи тушунчани ўзи учун кашф этди. Бу унинг ўша пайтгача эришган энг катта ютуғи эди. Дин жамоада янгича тартиб-қондани ўрнатди. Дин инсонлар (биз энди қадимги одамларни бемалол инсон – жамиятда яшаш малакасига эга одам деб айта оламиз)га ижтимоий идеалларни берди. Жамоа аъзолари орасида мана шу идеалларга тақлид қилиш бошланди. Бунинг натижасида одамзот ўз-ўзини аста-секинлик билан тарбиялаб борди. Жамоада маълум ҳукмронликка эришиш учун диндан фойдаланилди. Ижтимоий соҳанинг деярли барча жабҳаларида дин кириб бормаган йўналишнинг ўзи қолмади. Бу ўзига яраша диний дунёқараш¹ доминантлиги эди.

XXI аср кишиси учун бу мулоҳазалар эртақдек туюлиши мумкин. Чунки биз у даврларни аллақачонлар унутганмиз. Ҳозирги давримизда фалсафий дунёқараш устуворлик касб эта бошлади. Жамият ҳаётидаги барча маънавий таҳдидлар айнан мана шу фалсафий дунёқараш моҳиятини тўғри англамаслик натижасида келиб чиқмоқда. Жамиятлар ҳозирда ўзаро фикр алмашиш, маданиятлари билан

¹ Дунёқарашнинг типологияси ҳақида қаралсин: Философия: Учебник / Под ред. проф. В.Н.Лавриненко. – 2-е изд. – М.: Юристъ, 1998. – стр. 14-29

билан ўртоклашиш замонда яшамокдалар. Бундай шароитда жамиятнинг бошқа вакиллари фикри билан ҳисоблашиш ўта муҳимдир. Бунинг учун бизга фалсафий тафаккур лозим бўлади. Фалсафий тафаккур шундай бир ҳолатки, унда барча турдаги дунёқарашдан ўз ўрнида фойдаланилади, ижобий жиҳатлари олинади. Фалсафий дунёқарашни бошқа дунёқараш турларидан айро ҳолда асло тасаввур қилиб бўлмайд¹.

Бугунги глобаллашув даврида миллий ўзликни сақлаб қолиш энг муҳим омиллардан биридир. Миллийлик эса оила бағрида шаклланади. Тараққиётга хавф солишни истаган кучлар унинг маънавий туйғулари билан ўйнашади. Маънавият издан чиккач, ҳеч қандай ривожланиш ҳақида гап бўлиши ҳам мумкин эмас. Тарих китобларида ёзилишича, Қайқубод подшоҳлиги даврида Маздак исмли руҳоний дин соҳасида ислоҳот ўтказиб, барчанинг тенглигини эълон қилади: замин, зар (бойлик), завжа (аёл) умумий бўлишлигини ёқлаб чиқади. Шунда шохнинг ўғли Ануширвоннинг илтимосига кўра келган мубад² бир кўзага подшоҳ ва шахзодадан сув солишни сўрайди. У кўзага ўзи ҳам сув солиб бўлгач, ҳар ким ўз сувини ажратиб олишини таклиф қилади. Бунинг иложи йўқлигини тушунган шох завжа (кўза)ларнинг умумий бўлиши мумкин эмаслигини англайди, ҳар ким ўз суви (авлоди)га эга бўлсин, оилаларни барбод қилиш бу давлатни барбод қилишдир, деб Маздакни дорга осад³. Демак, жамиятнинг пойдевори оилаларни барбод қилиб, бутун бир жамиятни ҳам йўқ қилиши мумкин бўлган ғоя дин никоби, чиройли шиор (барчанинг тенглиги) остида халқ орасига ёйилиши бошланган эди.

Ҳозирда ҳам худди шундай: чиройли шиорлар садоси остида иллатли ғояларни халқимиз орасига ёйиб, уни пароканда қилишни истаган кучлар, афсуски, йўқ эмас. Учинчи томон манфаатларига хизмат қилувчи бундай нохуш ҳолатлар динни никоб қилиб олган кимсаларнинг қўли билан амалга оширишга уринилмоқда. Қуйида уларнинг энг ашаддийси билан танишиб чиқамиз.

Гленн Майерз халқларни, гўёки, нажотга чорлаш учун уларни евангелизация⁴ қилиш асосларини ишлаб чиқади. Унга кўра, бу ҳаракат (кейинги ўринларда – миссионерлик)нинг ғоявий асосини Яратганнинг Ўзи берган: бутун дунё бўйлаб тарқалиб, Менинг таълимотимни ёйинглар (Марк Инжили 16:15).⁵ Асар давомида муаллиф «миссионерлик фақат фанатлар учун эмас, балки барча учундир», деб айтишдан ҳам қайтмайди⁶. Китоб якунида Майерз ўзбекларга ҳам алоҳида диққатини қаратиб қуйидагиларни ёзади: «Ўзбеклар Собик совет Иттифоқида учинчи йирик миллатдир, айтиш керакки улар ҳамон инжиллаштирилмаган... кейинги йилларда ўзбеклар орасида миллий ўзликни англашга кучли интилишлар бўлмоқда. Санъат соҳасида улар ўзларини миллат сифатида намоён қилиб бўлдилар. Уларда фахрланса арзигулик бой мерос бор. Алишер Навоий ва Улуғбек – бу икки сиймонинг ўзиёқ нафақат ўзбекларнинг, балки бутун дунёнинг фахридир⁷». Кўринадики, аждодлар мероси миссионерлик фаолятининг жиддий антипоти-

¹ Батафсилроқ маълумот учун қаралсин: Каримов И. Имон ва маслак тарихи. –Т.: Yangi nashr нашриёти, 2010. –137-145-бет.

² Зардуштийлик дини руҳонийси

³ Низомулмулк. Сиёсатнома, ёки Сияр ул-мулк. – Т.: Адолат, 1997. –185-202-бетлар.

⁴ Инжиллаштириш. Христианлик динининг муқаддас китоби номидан олинган

⁵ Майерз Г. Каждый христианин – миссионер. – М.: изд. Логос Билефельд, 1991. –стр.4

⁶ Ўша асар, 5-бет.

⁷ Ўша асар, 111-бет.

дир. Агар биз мана шу меросга таянадиган бўлсак, ҳеч қандай куч ёки таҳдид халқимизнинг бирдамлигига путур етказа олмайди. Буни буюк миссионерлар йўлбошчисининг ўзи ҳам тан олиб турибди.

Президентимиз мустақиллигимизнинг илк кунлариданок миллий меросдан фойдаланишни биринчи даражали масала қилиб белгилаган эди. Президентимиз шундай деб ёзган эди: «Ўзбекистонни янгилаш ва ривожлантиришнинг ўз йўли тўртта асосий негизга асосланади. Бу негизлар:

- умуминсоний кадриятларга содиқлик;
- халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;
- инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши;
- ватанпарварлик»¹.

Биз аждодларимиз босиб ўтган йўл, улар қолдирган мерос ва тажрибага таянар эканмиз, ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч қимга қарам бўлмайди.

ADABIYOT – MA'NAVİY-AXLOQIY TARBIYANING DEBOCHASI

M.X.QO'CHQOROVA – O'zDJTU katta o'qituvchisi

Inson ko'ngli borligi, ruhiyatga egaligi bilan boshqa jonzotlardan farq qiladi. Shu vaqtga qadar o'tgan barcha buyuk zotlar odamlar ko'nglini poklash, ruhini g'uborlardan tozalashga harakat qilganlar. Inson ko'ngli va ruhi pokizaligiga bu qadar katta e'tibor qaratilishining sababi pokiza ko'ngil va toza ruh bo'lgan kishidagina ezgulikka, yaxshilikka, oliyanoblikka mayl bo'ladi. Toza ruh hamda pokiza ko'ngil esa o'z-o'zidan paydo bo'lib qolmaydi. Ularni qaror toptirish, shakllantirish uchun har bir odam tozarish yo'lini o'tashi, o'zgalarning ko'nglidagi holatlarni ilg'aydigan darajaga ko'tarilishi lozim bo'ladi. Ayni shu jarayonda badiiy adabiyotning zimmasiga ulkan vazifa yuklatilgani anglashiladi. Faqat badiiy asargina odamga o'zga kishilarni tushunish, anglash, tuyish imkonini beradi. Chunki badiiy asarlarda boshqa odamlarning ko'ngil manzaralari, ruhiyat chizgilari ta'sirli yo'sinda aks ettiriladi. Badiiy adabiyot inson ruhidagi nozik tovlanish va hissiyotidagi chigal jarayonlarni ilg'ash hamda aks ettirishga xizmat qiladi. Chinakam badiiy asar insonni to'liqlantiradigan, hayajonga soladigan o'y-fikrlar, orzu-umidlar, sezgi va kechinmalarni ifodalaydi. Dunyoda yashayotgan odamlar bir-birlariga o'xshamaganlaridek, ularning qalb kechinmalari ham takrorlanmasdir. O'zbek adabiyoti inson ruhiy holatlari mahorat bilan aks ettirilgan durdonalarga boy. Ular hozirgi avlod ruhiyatida, qalbida ham hayajon uyg'ota olishi bilan ularning ma'naviy takomiliga hissa qo'shadi. Muhimi, ular kishiga faqat ma'rifat beribgina qolmay, uning badiiy didi takomiliga, ma'naviy kamolotiga ham xizmat qiladi. Ma'naviyatning mavjudligi insonni olamdagi boshqa jonzotlardan ajratib turadi. Ma'naviyatning mag'zini esa badiiy adabiyot tashkil qiladi. Ma'lumki, «Adabiyot» atamasi «adab» so'zidan olingan. Adabning ma'nosi keng: yurish-turish odobi, so'zlash odobi, ovqatlanish odobi, muomala odobi va h.k. Shu jihatdan adabiyot odobshunoslikdir. Ammo adabiyot odob o'rgatish bilangina cheklanib qolmaydi. U bizga inson hayotini, uning sezimlarini ko'rsatib beradi. Uning qalbi, orzu-intilishlari, sevinch-

¹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли. –Т.: Ўзбекистон, 1992. –65-бет.

armonlari, qayg'u-iztiroblari, bir so'z bilan aytganda, ma'naviy borlig'ini namoyon etadi. Demak, adabiyot insonshunoslik, ruhshunoslik hamdir. So'zlar badiiy matnning yuzaga kelishiga omil bo'ladi, ammo har qanday matn va so'z badiiy adabiyotga dahldor bo'lavermaydi. Buning uchun so'z muayyan estetik vazifani bajarishi lozim. Shu ma'noda ko'ra ham badiiy adabiyot voqea-hodisalar, insoniy kechinmalar, histuyg'ularni bayon qilmaydi, balki ularni tasvirlaydi. Tasvir so'zga tayanadi. So'z sehr, mo'jiza bilan o'ziga mahliyo qiladi, rom etadi. Shuning uchun go'dak allaga, kichik yoshdagi bola ertakka, kattalar badiiy ijodning turli ko'rinishlariga nihoyatda qiziqib qaraydilar. Ularning olamiga kirib qolgach, o'zlarini ham shu olamga mansub hisoblaydilar, chiqib ketolmaydilar. Odamlar muayyan zamon va makonda yashaydilar, ya'ni har bir kishining hayot sanalari, tug'ilib, faoliyat ko'rsatadigan joyi, o'z hayoti bor. Ular yashash uchun, muayyan ideallar uchun kurashadilar, yengadilar, yengiladilar. Biz buni tarix deymiz. Adabiyot inson faoliyatini yoritir ekan, o'z-o'zidan uning tarixini ham yaratadi. Demak, adabiyot tarix hamdir. Biz yashab turgan Turkiston esa dunyoning inson bolasi bino bo'lgan eng qadim tarixiy beshiklaridandir.

Yosh avlodni ma'naviy, axloqiy yetuk, inson bo'lib yetishishida Qur'oni Karim va hadislarda, Markaziy Osiyodagi mashhur mutafakkir va donishmandlar Muso al-Xorazmiy, Ahmad Farg'oniy, Abu Nasr Farobiy, Abu Ali ibn Sino, Abu Rayhon Beruniy, Yusuf Xos Hojib asarlarida shuningdek, «Temur tuzuklari» da, Alisher Navoiy asarlarida hamda XIX o'rtalarida ijod qilgan Ahmad Donish, Furqat, Muqimiy va boshqa yetuk namoyondalarimizning kitoblarida umumbashariy qadriyatlarining ahamiyatiga katta e'tibor berilgan.

Ma'naviy yetuklik insonning ehtiyojiga aylanib qolishi zarur. Odob qoidalari hamma uchun hayotiy talabdir. Axloq – kishining ichki olami, e'tiqodi, fazilatlarini sifatida mavjud bo'lsa, odob - shaxsning ko'zga tashlanadigan mulozamati, xulq-atvori, muomala munosabati tarzida namoyon bo'ladi. Jamiyatimizning buguni, ertasi va kelajagi ko'p jihatdan yoshlarimiz tarbiyasiga bog'liq. Shunday ekan biz – adabiyotshunos murabbiylarning maqsadimiz milliy, ma'naviy va moddiy qadriyatlarimizni, odob-axloqni yoshlarimiz ongiga adabiy merosimizni anglatgan holda chuqurroq singdirishdan iboratdir. Adabiy muhit ta'siri ostida yoshlarimiz axloqiy tarbiya jarayonida ya'ni o'qish, jamoat ishlarida tirishqoq, do'stlariga sofdil munosabatda bo'lish, o'z burch va vazifalariga vijdonan yondashish, halol mehnat qilish kerakligini, ba'zi tengdoshlarining ayrim salbiy odatlariga befarq bo'lmasligini tushunib anglab boradilar. Shuningdek ular o'z manfaatlarini uchungina emas balki oilasi, oliy dargoh jamoasi sha'niga dog' tushurmaslikka o'rganadilar. Insonning insonligi birinchi navbatda uning ma'naviy-ahloqiy barkamolligi, pokligi bilan belgilanadi.

Ilm peshvosi – muallim o'quvchiga ma'naviy-ahloqiy tarbiya berishda katta ahamiyat kasb etadi. Ma'naviy-ahloqiy tarbiya tushunchasi keng qamrovlidir. Ma'naviy-ahloqiy barkamol inson ota-onasi, farzandlar, qarindoshlari, xullas, butun oila a'zolari, qo'ni-qo'shnilari, mahalla-kuyi va butun mamlakat, xalq farovonligi haqida qayg'uradi, tevarak-atrofnini o'rab olgan insonlar unga kerak bo'lgani singari o'zi ham ularga kerakli kishi bo'lishga intiladi. Odob-ahloq, fe'l-atvorini yoqimli qilishni insoniy burch deb hisoblaydi, ota-bobolaridan yodgor bo'lib qolgan ma'daniy merosni qadrlaydi. Milliy qadriyatlarni e'zozlaydi va ularga sodiq bo'lib qoladi. Vatanparvarlik, xalqparvarlik, insonparvarlik tuyg'ulari barqaror bo'ladi; o'zaro muomala-munosabatda o'mak bo'lishga moil bo'ladi. Birovning og'irini yengil qilishni odat qiladi. Umumxalq ma'qullagan va hurmat qilgan konstitutsiyani hurmat qiladi va unga sadoqat na'munalarini amalda

ko'rsatadi; Vatanni himoya qilish, boshqacha aytganda, xarbiy vatanparvarlik tuyg'ulari bilan yashaydi, diyonat va adolat, mehr-shafqat va ezgulikni himoya qiladi, va'daga vafoli bo'lishni o'ziga kasb qilib oladi. Biz ilm elchilari – murabbiylar yoshlarni ma'naviy, axloqiy, avlodlar me'rosiga, madaniyatiga, qadriyatlariga nisbatan hurmat bilan qarash, ularni c'ozlash, qadrlash, sayqal berish va boyitishga o'rgatishga va ularni milliy ruh bilan tarbiyalashga mas'ulmiz.

ҒАРБ АХЛОҚИДАГИ ИНҚИРОЗЛИ ҲОЛАТЛАРНИНГ ЁШ АВЛОД МАЪНАВИЯТИГА САЛБИЙ ТАЪСИРИ

Н.А.ШОКИРОВА – ТДПУ магистранти

*Бугунги замонда мафкура полигонлари ядро
полигонларига нисбатан ҳам кўпроқ кучга эга
Ислом Каримов*

Сўнги йилларда Шарк ва Ғарб мамлакатларининг ўзаро бир-бирига таъсири кучаймоқда. Ҳозирги кунда Шарк мамлакатларида истикомат килувчи кўпчилик ёшлар Ғарб маданияти, унинг тамаддунига интиладилар. Инсонлар онгида Ғарб деганда мукамал дунё тасаввурларига келади. Ғарб деганда «халқ ҳоқимиятчилиги»ни мукамал намунасини тасаввур қилишади. Лекин Ғарб мамлакатларининг маънавияти унинг инкирозий ҳолатларининг бутунги кунда ёшлар маънавиятига таъсири ортиб бормоқда.

Ғарб воқелигини, ахлоқини ўрганган ҳар қандай одамда нима учун Ғарб дунёси турли туман гоёларга, «изм»ларга бой? деган савол туғилади. Фашизм ва тоталитаризмдан – анархизмгача, христианликдан – атеизмгача, космополитизмдан – нацизмгача бўлган оқимлар нима учун айнан Ғарб дунёсида намоён бўлган ва нима учун бир-бирига зид таълимотлар айнан Ғарб ижтимоий онгида мустаҳкам ўрин эгаллаган?

Германияда ушбу гоёларни Лессинг, Гёте, Шиллер, немис мумтоз фалсафаси вакиллари Кант ва Фихте илгари сурган. Уларнинг космополитизми ватанпарварлик туйғулари билан муштарак, миллий бирлашишга эришиш истагида кўринган.

Аслида, ҳар қандай миллат, у қатта-кичиклигидан қатъи назар, инсониятнинг бойлигидир ва шу боис унинг тили, маданий ва бошқа хусусиятларининг йўқ бўлиб кетиши Ер юзидagi миллий генетик фондининг, шахс имкониятларининг қашшоқлашувига олиб келади. Бу омилни асло инкор этиб бўлмайди. Лекин шунга қарамай, АҚШ Сербияни айнан Ғарб ва православлар муқаддас ҳайити куни бомбордимон қилган, бу эса ҳаттоки миллий-маънавий муқаддас анъаналарга ҳеч қандай ҳурмат йўқлигидан далолат беради.

Ғарбда яна бир таълимот чегараланмаган эркинлик гоёси, эркинлик – субъект томонидан табиат ва жамият ривожланиши қонунларини билиш асосида ўз истақларини намоён этиш имкониятидир. Лекин эркин инсон ўз хатти-ҳаракатлари учун ўзи жавобгардир. Шу боис «эркинлик» тушунчаси «маъсулият» тушунчаси билан узвий боғлиқдир. Маъсулиятсиз эркинлик – бу оқлаб бўлмайдиган беллоқлик, зўравонликдир. Зеро, бировнинг эркинлиги бошқа одамларнинг эркинлиги ни минфаатларига даҳл қилмаслиги зарур.

Аммо кейинги вақтда Ғарб мамлакатларида эркинлик гоёсининг фалсафий маънун-моҳиятидан йироқлашув, гоёвий-мафкуравий ёндашувлар устуворлиги

кўзга ташланмоқда. Бу, айниқса, «чегараланмаган эркинлик ғояси» концепциясида намоён бўлмоқда.

Унинг хатарли жиҳати шундаки, ривожланган Ғарб мамлакатларидаги муайян кучлар мазкур концепцияга таянган ҳолда ўзга миллат ва халқлар турмуш тарзи, айниқса, ёшлар онгига гарбона кадриятлар, демократия мезонлари ва фалсафасини кенг тарғиб қилиш ва жорий этишга интилоқда.

Ғарб дунёсида азалдан кишилар онгидаги ўзгаришлар, рухияти билан боғлиқ муаммолар файласуф ва мутафаккирларни кизиқтириб келади. Турли фалсафий оқим ва мактаблар вакиллари томонидан жиддий тадқиқотлар амалга оширилган. Мазкур тадқиқотларда инсон моҳияти, унинг ахлоқий кадриятларига оид турли концепциялар илгари сурилган.

Улар орасида Ричард Никсон ва Рональд Рейганнинг собиқ ёрдамчиси, америкалик таниқли файласуф, журналист ва сиёсий шарҳловчи Патрик Бьюкененнинг «*Ғарбнинг ҳалокати*» (2002) асари алоҳида ўрин тутади. Мазкур асар мавзу доирасининг кенглиги ва хулосаларининг кескинлигига кўра америкалик сиёсатшунос Самуэль Хантингтоннинг Ғарб мамлакатларида жиддий шов-шувга сабаб бўлган «*Тамаддулар тўқнашуви*» (1994) асаридан асло қолишмайди. С.Хатингтон ҳам тамаддулар тўқнашуви тўғрисида сўз юритганда, аслида маънавиятлар ўртасидаги муносабатлар ҳақида гапиради. У сўз юритаётган дин, саънат ва ахлоқ аввало маънавиятнинг таркибий қисмларидир. Бу ижтимоий ҳодисалар тамаддун таркибига маънавият оркали кириб боради. Шунинг учун тамаддулар тўқнашуви тўғрисида баҳс юритгандан кўра маънавиятлар тўқнашуви ҳақида фикр юритиш ўринлироқ. С. Хангтон тамаддулни мустаҳкам бир бутунлик сифатида талқин қилади. Бундай ёндашувга кичик бир изоҳ билан қўшилиш мумкин: тамаддун – шартли бутунлик. Унинг фикрича, асрлар давомида энг сурункали ва конли низолар айнан тамаддулар ўртасидаги тафовутлар туфайли юзага келган, деган фикрига қўшилиш кийин.

Агар Шарқ алломалари таълимотларида азалдан инсоннинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини кондириш, унинг ҳар томонлама ривожланиши, такомиллашуви, комилликка интилиши муаммолари асосий ўрин тутган бўлса, Ғарб мутафаккирлари қарашларида инсон яхлит объект сифатида эмас, балки унинг алоҳида жиҳатларининг таҳлили устувор бўлиб келган. Хусусан, «техник рационал» жамиятда шахснинг «кайфияти», инсоннинг бегоналашуви каби масалалар атрофлича тадқиқ этилган.

Ғарб дунёсида маънавий таназзул шу даражага етганки, бу муҳитда оддий одамнинг исёнкор, экстремист ва бузғунчига айланиб қолиши ҳеч гап эмас. Чунки жамиятдан бегоналашув, ёлғизлашув ҳаётдан коникмаслик ҳисси кўп ҳолларда одамларни фанатизмга, ғазаб ва исёнга бошлайди. Шу маънода жамиятда юз бераётган оммавий чиқишлар сабабини четдан, хусусан, «ислом фанатизм»идан излаётган Ғарб олимлари унинг илдизларини ўша жамиятининг ўзидан кидирсалар, айни муддао бўлур эди.

Қолаверса, бундай ёндашув Ғарб жамиятига хос иллатларни аёвсиз танқид қилган таниқли олим ва мутахасислар ижодида алоҳида ўрин тутади.

Масалан, машҳур немис файласуфи Т. Адорно «Салбий диалектика», «Маърифат диалектикаси» асарларида фанатик тимсолини теран таҳлил қилган. Хусусан, у «оммавий маданият» ҳодисасини ўрганар экан, унинг кўп қиррали мазмун-моҳиятининг икки жиҳатига, бири – дунёни фаровонлик ва роҳат макони сифатида, иккинчиси эса

ўравонлик, қаҳр-ғазаб ва қасоскорлик дунёси эканига эътибор қаратади.

Юқоридаги мулоҳазалар Ислом Каримов асарларида шундай талқин қилинади: «**Ғарб оламида эса одамларнинг ҳаёт тарзида жамоавийликдан қўра индивидуализм, шахсий манфаат тамойиллари устунлик қилишини кузатиш мумкин. Бу ҳам муайян, объектив ижтимоий-тарихий омиллар туфайли шаклланган воқелик бўлиб, уни ҳам инкор этиб бўлмайди.**».

Қисқаси, Европа халқлари ижтимоий ва маданий соҳаларда тарихий тажрибаларидан келиб чиқиб, ўз ажодлари қолдирган меросга мос ҳолда, илмий андоза ва ўлчовлар яратганлар, таъриф ва тизимлар шакллантирганлар. Бизни улардан камчилик топиш ёки қоралаш ниятимиз йўқ. Аммо Ўзбекининг миллий тафаккури охириги 70 йилда шакланган деб бўлмаганидек, бугун энди маънавий-ахлоқий соҳаларда илмий мулоҳазалар юритиш учун онгимизга кечаги зўраки жойлаштирилган сунъий қопиллардан ўйламай-нетмай фойдаланишга уринишимиз ҳам ўринли эмас.

Хулоса ўрнида шунини таъкидламоқчимизки, Шарқ ва Ғарб ўзаро бир-бири билан туташиб ҳолда тараққий этди. Ғарбда маънавият деган алоҳида тушунча бўлмасдан, у руҳият, ахлоқ таркибида ўрганилса-да, лекин инсонларнинг ўзидаги маънавияти мавжудки, шунинг учун ҳам бу масалага чуқур аҳамият берилмоқда. Шарқда маънавият сўзига, маънавиятнинг ўзига чуқур аҳамият берилади. Бежизга Шарқ ахлоқи, Шарқ маданияти ва Шарқ тамаддуни деб айтилмайди. Шарқ ва Ғарб тамаддуни ўз вақтида бир вақтда ривожланмаган бўлса ҳам тарихда асрлар оша бир-бирига ўргатди, тажрибадан ўтказди, ўрганиб яна ўзига қайтариб берди. Вақти келса узвий ҳолда қўшилиб ривожланди. Инсон бор экан, оила бор, оила бор экан, жамият мавжуддир. Жамият бор экан, тарих деган сўзгина эмас тарих деб аталувчи ўтмиш ҳам мавжуддир. Тарихни эса ўтмиш, хозир ва келажак ташкил қилади.

ҒОЯВИЙ ТАҲДИДЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ОМИЛЛАРИ ВА ВОСИТАЛАРИ

Б.АЛИМБОЕВА – ТДПУ катта ўқитувчиси

Мустақилликнинг дастлабки ва энг олий неъматини ўзлимизни англаб етиш бўлди. Ўзлимизни англаб етган тафаккурнинг биринчи белгиси миллий гоя, миллий мафкурадан баҳраманд бўлишдир. Мамлакатимиздаги тинчлик ва барқарорлик миллий мафкура доирасида учраши мумкин бўлган ички ихтилофларнинг олдини олди ва уни кенг миқёсда ёшлар қалбига кириб боришига имкон яратди. Ёшлар онги ва тафаккурида ўзгариш кучаяр экан, улар ўз ҳаёти ва истикболини миллат ҳамда мамлакат истикболи билан боғлиқ эканлигини чуқур ҳис қила бошлаганини англатади. «Дунёда ёшлар онги ва қалбини эгаллашга» уринишлар сақланиб қолмоқда. Айниқса, ёшлар тафаккури, дунёқарабини шакллантириш масалаларига бефарқ бўлмаслик керак. Демак, мафкуравий таҳдиднинг сақланиб қолиши ёшларни ҳам ўйлашга ундайди.

Ғоявий таҳдид юзаки қараганда бирдан ва бевосита кўзга ташланмаслиги мумкин. Чунки гоя инсон онги, тафаккурида шаклланади. Шунга биноан, онгни, тафаккурни таҳликага солувчи ҳар қандай таҳдидларнинг олдини олиш, уларга йўл қўймаслик зарур.

Миллий гоя, миллий тафаккур ва миллий мафкура йўлида ёшлар қанчалик бирлашса, жиплашса, жаҳон халқлари кўз ўнгида кучимиз, мавқеимиз ва

Ўрнимиз шунчалик баланд кўтарилди. Биз бошқа давлатларга суяниб, бошқа давлатларни паноҳ тутиб, уларнинг этагидан ушлаб юрадиган давлат, халқ эмасмиз, мустақил сиёсат, мустақил тафаккур ва мустақил ҳаракатларгина доимо бошқаларда хурмат ва эътибор уйғотган. Мутелик, тобелик меваси ҳар қандай шароитда миллатнинг ривожланишига йўл бермайди.

«Ҳозирги вақтда ахлоқсизликни маданият деб билиш ва аксинча, асл маънавий қадриятларни менсимасдан, эскилик саркити деб қараш билан боғлиқ ҳолатлар бугунги тараққиётга, инсон ҳаёти, оила муқаддаслиги ва ёшлар тарбиясига катта хавф солмоқда», – деб ёзади Президент ўз китобида ва бундай хатарли ҳолатдан фақат ўз халқини эмас, балки бутун жаҳон афкор оммасини огохлантириш лозим деб билди.

Биз бошқаларга ақл ўргатмоқчи ёки «бу ишинг – тўғри, буниси – нотўғри» деб ҳакамлик қилмоқчи ҳам эмасмиз. Биз фақат ўз фарзандларимизни турли ахборот воситалари орқали ёпирилиб келаётган бало-қазолардан ҳимоя қилмоқчимиз, улар онги-шуурида она сути, аждодлар ўғити, халқ ҳикмати орқали ўзлашган мустақил миллий қадриятларга садоқат, ўз инсоний фазилатларини дадил ҳимоя қила оладиган жасорат уйғотмоқчимиз, холос. Шу билан бирга ўзимизнинг ҳаётдаги турли қарашларга муносабатимизни ҳам очик баён қилмоқдамиз, зеро, ошқоралик бўлмаса, тафаккур эркин бўлмаса, маънавий соҳасида бирор салмоқли натижага ҳеч қачон эришиб бўлмайди.

«Маънавий таҳдид деганда, – дея таъкидлайди Президент, – аввало, тили, дини, эътиқодидан катъи назар, ҳар қайси одамнинг том маънодаги эркин инсон бўлиб яшашига қарши қаратилган, унинг айнан руҳий дунёсини издан чиқариш мақсадини кўзда тутадиган мафқуравий, ғоявий ва информацион хуружларни назарда тутиш лозим, деб ўйлайман.»

Президентимиз айтганидек, *«кимдир Раҳмон измида юрса, кимдир шайтон измида юради,»* ҳар кимнинг гуноҳи ҳам, савоби ҳам ўзига. Аммо бостириб келаётган хавфни қўриб туриб, қўрмасликка олиш, ҳозири-ю ҳузури, ўзимнинг ишим битса бўлди-да, ўзга билан нима ишим бор, деган кайфият бизга тўғри келмайди. Колаверса, гап биздан кейин шу юртнинг чироғини ёкиб ўтирадиган болажонларимиз тақдир устида кетаяпти.

«ОММАВИЙ МАДАНИЯТ» УНИНГ ЖАМИЯТИМИЗ ҲАЁТИГА САЛБИЙ ТАЪСИРИ

Н.Х. ЁРИҚУЛОВ – ТДПУ тадқиқотчиси

«Биз бугун юртимизда янги ҳаёт барпо этар эканмиз, бир масалага алоҳида эътибор қаратишимиз лозим. Яъни коммунистик мафқура ва ахлоқ нормаларидан воз кечилганидан сўнг жамиятда пайдо бўлган ғоявий бўшлиқдан фойдаланиб, четдан биз учун мутлақо ёт бўлган, маънавий ва ахлоқий тубанлик иллатларини ўз ичига олган «оммавий маданият» ёпирилиб кириб келиши мумкинлиги барчамизга аён бўлиши керак»

Ислом Каримов

Сўнги йилларда глобаллашув таъсирида маънавий эҳтиёжларни қондиришда ҳам стандартлашув қарор топа бошлади. Бу жараён бугун рок ва поп мусика, видео ҳамда турли жанрдаги арзон-гаров филмлар, сериаллар, ранг-баранг кўнгилочар шоу-томошалар, ўйинларни камраб олмақда. Оммавий

маданият никобидаги аксилмаданият пайдо бўлиб, тобора кенг ёйилиб бормоқда. Президентимиз бу борада катта ташвиш билан огохлантириши бежиз эмас: «Табиики, «оммавий маданият» деган никоб остида ахлокий бузуклик ва ўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик аъғана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига бепасандлик, уларни қўришига қаратилган хатарли таҳдидлар одамни ташвишга солмай қўймайди».¹

Ушбу фикрдан келиб чиқадиган биринчи хулоша шуки, оммавий маданиятни никоб қилиб олиб бузуклик ва ўравонлик сингари инсон шахсини руҳан емирадиган ғояларни тарғиб этадиган асарларнинг ҳақиқий маданиятга ҳеч қандай алоқаси йўқ.

«Оммавий маданият»нинг ўзи нима? деган саволга жавоб беришдан олдин шуни таъкидлаш ўринлики, бу бало одамзод ҳаётида дабдурустан, кеча ё бугун пайдо бўлиб қолгани йўқ. Гарчи бу ҳодисани илмий жиҳатдан ўрганишга ўтган асрнинг 60-йилларидан бошлаб қўл урилган бўлса-да, «оммавий маданият»нинг шаклланиш тарихи бир неча асрларга тенг.

Бугунги замонавий фан «оммавий маданият» нинг (инглизчада mass culture) туб замирида тижорат, моддий манфаатдорлик борлигини эътироф этади. Тарихга назар солинса, ҳар доим эркин бозор муҳитида серхаридор товарлар билан бирга ёт мафкуралар ҳам ёйилгани маълум бўлади. Зеро, туя қарвони ёхуд кема юкхонасида олиб келинаётган товар ёнида ҳаммиша муҳим сиёсий «маҳсулот» – ғоя ҳам бўлган ва у бошқа моллар қатори экспорт қилинган.²

«Оммавий маданият» туб моҳиятига қўра миллий маданиятларнинг қушандаси бўлиб, у маданий хилма-хилликни хушламайди, унинг асл мақсади – бу оламни бир хил рангда кўриш.

Дастлаб XX асрнинг 50-60 йилларида АҚШнинг жанубий штатларида истикомат қилувчи бир гуруҳ ёшлар ўз ҳаёт тарзларини бутун дунё маданиятига айланттиришни хоҳлаб қолдилар. Бу ҳаёт тарзи ўзининг енгил-елпилиги, жинсий ҳаётда эркинлиги, космополитизм ғоялари билан бутун дунё ёшларини ўзига оҳанграбодек жалб қила бошлади. Аср охирида АҚШ ва Ғарбий Европадаги гўзал афишалар, тунги клуб ва дискотекалар жохон ёшларининг идеалларига айланди ва бу бутун дунёга «оммавий маданият» номи билан тарқалди.

«Оммавий маданият» иллат сифатида қандай намоён бўлиши мумкин?

1. «Оммавий маданият» намояндаларининг амаллари ўзлари учун ҳар тарафлама манфаатдорликка асосланган: улар «ноёб санъат» намуналари, ғояларини нафақат тарғиб қилади, балки, пуллайди.

2. Фақат бугунни, яна ҳам аниқроғи, ҳозирни кўради ва тан олади.

3. Умуминсоний маданиятни бўйсундириш ва ўз таъсир доирасига тортиш каби тубан мақсадларни амалга оширишга ҳаракат қилади.

4. У одамзоднинг мустақил фикрлашига тиш-тирноғи билан қарши. Андозалашган ахбороту маҳсулотлар қуршовида қолган одамларнинг ўзи ҳам бора-бора бир ўлчамга тушади: ҳаммининг юриш-туриш, ўй-кечинмаси, фикрлаш тарзи бир хил.

¹ Қаримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т: Маънавият, 2009й, 117-бет.

² О.Тошбоев. Оммавий маданият таҳиди. “Тафаккур” журнали, 2008-йил, 1-сон

5. Шахснинг ижтимоийлашувига имкон бермайди. У воқеа жараёнларга лоқайд бефарқ авлодни шакллантиради.

6. «Оммавий маданият» ўз навбатида мафкуравий, информациион, иктисодий кадриятлардан фойдаланган ҳолда «маърифатпараст»лик ғоялари асосида ўзига хос муомала ва мулоқот маданиятини ҳам тарғиб қилади.¹

Гарчи «Оммавий маданият» уммон ортида ягона давлат шаклланишига қўл келган бўлса-да, бутунга келиб унинг Ғарбда юз бераётган ахлоқий таназзулнинг муқаддимаси ҳам эканлиги аёнлашмоқда. Бу каби ҳаётий ҳақиқатларни Ғарбнинг ўз муаллифлари Элвин Тоффлернинг «Учинчи тўлқин», Патрик Бьюкененнинг «Ғарбнинг ҳалокати» каби асарларида кўришимиз мумкин.

Модомики, «оммавий маданият» ғоя экан, унга қарши қандай ғоя билан курашиш даркор?

Бу каби ёт, зарарли ғояларга қарши Президентимиз таъкидлаганидек **«...фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан курашиш мумкин»**

Президентимиз бундан олти йил олдин 9 – май Хоҗира ва кадрлаш куни арафасида журналистлар билан ўтказган суҳбат-мулоқотида шу масалага алоҳида тўхталган, Интернетни катта бир дўконга қиёслаган эди. «Бу дўконга кирган одам ўзига керакли молни харид қилади. Лекин гап мана шу дўкондан нимани олишда» деган эди Президентимиз.

Бу масалага счим сифатида тарбия миллий бўлиши зарурлиги, ёшларни миллий руҳ асосида вояга етказиш лозимлигини жамиятимиз ҳаётига комплекс тарзда сингдиришимиз мақсадга мувофиқдир.

XXI аср бошида ҳам бу муаммо кун тартибидан тушмаётгани маърифатпарвар Абдулла Авлоний тарбияни ҳаёт-мамот масаласи, Абдурауф Фитрат оиладаги маънавий-тарбиявий муҳитни-долзарб масала сифатида талкин этгани бежиз эмаслигини кўрсатади.

Ўзбекистон деб аталмиш муқаддас заминда яшаётган ҳар қайси инсон ўз фарзандининг бахту саодати, фазлу камолини кўриш учун бутун ҳаёти давомида курашди, меҳнат қилади. Келажак авлод ҳақида қайгуриш, соғлом баркамол авлодни тарбиялаш, вояга етказишга интилиш бизнинг миллийлигимиздан далолатдир. Бугун ана шундай олийжаноб анъаналарни қайтадан мустаҳкамланиши, ривожланиши учун улкан имкониятлар яратиб берилмоқда. Жумладан, маҳалланинг кенг жамоатчилик ўртасида ғоявий-мафкуравий ишларни йўлга қўйишда ўрни ниҳоятда каттадир. Маҳалла, аввало, соғлом ижтимоий муҳитдир. Бу ерда кучли таъсирга эга бўлган жамоатчилик фикри маҳалла аҳлининг хулқ-атвори, ўзаро мунасобатларини адолат ва маънавий мезонлар асосида тартибга солиб туради. Шу маънода маҳалла, Президентимиз таъкидлаганидек, ҳақиқий демократия дарсхонасидир.

Президентимиз Ислом Каримов «Албатта, ҳар бир бандага ризқ – насибани Оллоҳ таоло беради. Лекин бу ҳаётда насибаси бутун ва тўла бўлиши учун инсоннинг ўзи ҳам чин дилдан интилиши, зурриёдини соғлом муҳитда тарбиялаши катта аҳамиятга эга эканини унутмаслигимиз зарур»², – деган эди: Президентимиз мазкур фикрларида мамлакатимизда амалга оширилаётган ижти-

¹ Хусанов Б. Нафосат фалсафасининг аҳамияти ва унинг глобал муаммолари. – Т.: 2010, 28-бет.

² Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2009й, 58-бет.

монӣ-сиёсий, маънавий-маданий тизимдаги ислохотлар нафакат фаровон турмуш тарзини йўлга қўйиш, балки маънавияти юксак янги авлодни шакллантиришга хизмат қиладиган, кези келса, «оммавий маданият» га қарши тура оладиган ижтимоий-маънавий муҳитни назарда тутадилар.

МАҲАЛЛА – ЎЗ-ЎЗИНИ БОШҚАРИШ ИНСТИТУТИ СИФАТИДА

Ш.ЗОКИРОВ, Ш.АТАДЖОНОВ – ТДПУ

Маҳалла – ўз-ўзини бошқаришнинг ўзбек халқи яратган энг катта ютуғи, оқилона шаклидир. Маҳалла – тарбия маскани, ҳар бир оилага таянч ва суянч эканлиги кўпчиликка аён. Ўзбек халқининг ҳаёти, кундалик турмуши, кадриятлари билан танишган ҳолис фикрли хорижликлар маҳаллани ноёб кадрият, буюк кашфиёт сифатида эътироф этмоқдалар.

Кўни-қўшничилик муносабатлари узок тарихга эга бўлиб, асрлар давомида бу борада муайян кадриятлар шаклланган. Жаҳон тарихининг охириги бир неча асрида ҳукмрон бўлган бегоналашув жараёни бу соҳага ҳам ўз таъсирини ўтказган. Айрим ерларда қўшниларга мутлақо бепарқлик юзага келган. Бундай ҳолатни олдини олиш муҳим.

Ўзбек халқининг кадриятлари тизимида қўшниларга муносабат катта ўрин эгаллайди. Халқ яратган мақол ва маталлар (мас., «ён қўшним – жон қўшним», «узокдаги қариндошдан яқиндаги қўшни афзал», «ҳовли олма – қўшни ол» ва х.к) унинг бу масалада ўзига хос фалсафаси борлигидан далолат беради.

Яхши қўшничилик муносабатлари бузилган, арзимас сабаб билан қўшнилар юз кўрмас бўлган ҳолларда қанчалар теран миллий кадрият оёқ ости бўлганлиги, бағркенглик ва муроса тамойили лат еганлиги аён бўлади.

Кексаларга ҳурмат – инсоний муносабатлар ифодаси сифатида кадрият ҳисобланади. Тирик табиатнинг «яшаш учун кураш», «фақат кучликлар енгади» кабилидаги қонунлари мавжуд. Насл қолдириш, янги авлодга меҳр қўйиш, уни оёққа турғазгунча жон фидо қилиш ҳайвонларда ҳам бор. Аммо, қарияларни эъзозлаш, кексаларга эҳтиром, меҳр-мурувват кўрсатиш – инсоний фазилатдир. Буларсиз миллий ғоямизни тасаввур эта олмаймиз.

Ривоят қилишларича, бир қабилада шундай одат бўлган экан: отаси қариб, кучдан қолгач, ўғли орқалаб, кимсасиз тоққа элтиб ташларкан. Бир фарзанд отасига раҳми келиб, яширинча овқат олиб бориб, падарини ўлимдан саклабди. Ўғлини паришон кўрган ота бунинг сабабини сўраганда, юртда вабо тарқалгани, чораси топилмаётгани ҳақида хабар топибди. Донишманд чол айтган йўл-йўриқ туфайли бало даф бўлибди. Бошқа бир пайт табиий офатдан, кейинги сафар душманнинг ҳужумидан қариянинг маслаҳатлари қабилини кутқарибди. Йигитнинг «дона»лиги сабабарини юртдошлари сўраганда, у ўлим жазоси хавф солса ҳам, отасини асраб қолганини, унинг ўғит ва маслаҳатлари ас қотганини айтибди. Шу-шу кексалар ҳурматини жойига қўйиш раем бўлибди.

Аёл зотига эҳтиром – инсониятнинг қарийб ярмини ташкил этадиган хотин-кизларга бўлган муносабатнинг энг юқори чўққисидир. Тарихда аёллар иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан ҳукмрон бўлган давр матриархат деб аталган. Ҳукмронлик эркакларга ўтган даврларда аёлнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини камситадиган муносабатлар жорий этилган. Демократиянинг энг

мухим ютуғи – ҳар икки жинснинг тенг ҳуқуқли ва эркин бўлишининг таъминланишидир.

Ўзбекистонда истиқомат қиладиган барча миллат ва элатлар хотин-қизларга муносабатда Асосий Қонуннинг халқаро ҳуқуққа мос қондаларига амал қиладилар. Ўзларга аёлга, аввало, Она, меҳрибон опа-сингил, ардоқли қиз деб қарайдилар. Оилада аёлнинг ўзига хос мавқеи ва ўрни бор. Халқнинг бой маданий мероси, адабиёти, санъати ва фалсафаси миллий ғоясида акс этади. Шунингдек аёллар гўзаллик ва нафосат, вафо ва садоқат тимсоли ҳисобланади.

Онага бўлган ҳурмат ва садоқат – энг олий қадриятдир. Шунинг учун Ватанга, миллий тилга нисбат берилганда Она номи қўшилади. Миллий истиклол ғояси Оналар учун, жамиятдаги барча аёллар учун фаровон ҳаёт, гўзал турмуш яратишни мақсад қилиб, хотин-қизларнинг эркинлиги ва ўз кадр-қимматини англаб етишига, салоҳият ва имкониятларини юзага чиқаришига шароит яратишни бош ғояси орқали мужассамлаштирган.

«ОММАВИЙ МАДАНИЯТ»НИНГ МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗГА ТАЪСИРИ

У.А. АЗИМОВ – ТДПУ магистранти

Ҳозирги кунда дунё буюк емирилишлар палласида. Ким учундир ахборот асри, бошқа бировга компьютер даври. Америкалик келажакшунос олим Э.Толфлер таъбири билан айтганда, келажак бугунги кун устига шитоб билан бостириб келётган бу давр қадрият, анъана, миллий маданият дид сингари тушунчаларни, бинобарин улар ҳақидаги тасаввурларни кескин ўзгартириб юбормоқда. Бунинг натижасида ўзлигимизга, миллий маънавиятимизга, азалий қадриятларимизга ўз салбий таъсирини кўрсатаётган иллатлар шаклланмоқда.

Бугун глобаллашув шароитида маънавиятимизга таҳдид солаётган ёт иллатлар ҳақида баҳс тобора қизиқиб бормоқда. Улар орасида эса энг хавфлиси бўлган «оммавий маданият» баъзи маълумотларга кўра XIX асрнинг 50-йилларида бева аёлларнинг фарзанд кўриши табиий деб қаралган Европада бошланган. Кейинчалик бу ҳолатлар АҚШда ҳам кузатишган. XX аср ўрталарига келиб Европа ва АҚШда «оммавий маданият» тушунчасига «Эркин муҳаббат» ғояси қўшилиб кетди. Унга кўра, ёшлар расмий никоҳга қадар бир-бирини синаш учун муайян муддат эр-хотиндек яшаб кўриши одат тусини олади. Агар улар бир-бирига маъқул тушса никоҳ тузилади ва аксинча. Шу маънода «Оммавий маданият» аслида зинокорликни оқлашдан бошланиб, 1989 йилга қадар турли ахлоқсизликларни келтириб чиқарди. Никоҳсиз яшаш, номаълум мусика ва кўшиқлар тинглаш, беҳаё фильмларни табиий равишда томоша қилиш одатий ҳолга айланди. Сўнг бир жинсли кишиларнинг никоҳга кириши, уларнинг жамият анъана ва қондаларига зид равишда қийиниши каби иллатлар пайдо бўлди.

Президентимиз Ислам Қаримов «оммавий маданият» иллатининг мамлакатимизга кириб келишидан огоҳ қилар экан, унинг куйидаги кўринишларини ажратиб кўрсатади: ахлоқий бузуқлик; зўравонлик; индивидуализм; эгоцентризм.

Агар «оммавий маданият»нинг бу каби белгиларини таҳлил қилсак:

– Ахлоқий бузуқлик – энг тубан иллат бўлиб, аста-секин «эркин муҳаб-

бат»дан «бир жинсли одамлар ўртасида никоҳ тузиш»гача бўлган босқичларга кўтарилди. Ахлокий бузуклик даставвал оилага дахл қилади, кейин эса насл поклигига путур етказди. Контрабанда йўли билан мамлакатимизга кириб келаётган ҳаёсиз фильмлар ва ёшларнинг ҳаёт йўлида «эрмак» бўлиб улгураётган интернет сайтлари воситасида ахлокий бузуклик тарғиб қилинмоқда. Бундай «маҳсулотлар»ни тарқатишга интилаётган кимсаларни фақат бойлик орттириш қизиқтиради, холос.

– Зўравонлик – инсоннинг инсон устидан тазйиқ ва ҳукм ўтказишидир. Зўравонлик инсон онгида ҳайвонийлик ҳиссини ҳосил қилади. У бугунги кунда кинолар, мультфильмлар, компьютер ўйинлари орқали кенг тарғиб қилинмоқда. Булар эса бугун компьютер ўйнаб суяги қотаётган болалар онгига қай даражада таъсир этаётгани барчага аён.

Олимлар фикрича зўравонлик ғояларини тарқатишдан мақсад – баъзи давлатларнинг кучсизроқ давлатларга нисбатан ўтказадиган сиёсати учун асос яратишдан иборат (П.Бьюкенен, Смерть Запада «Гардарики» 2004 г, стр. 103). Шу ўринда бундай зўравонликка йўғрилган фильм, мультфильмлар асосан қайси давлатларнинг ижодий маҳсулоти эканлигини ҳам назарда тутиш лозим.

– Индивидуализм ғоясига кўра, шахс ўз манфаатини ўзгалариникидан устун қўяди. Ғарб мамлакатларида индивидуализм ғояси билан яшаш анъанага айланиб улгурган. Бу ғояга биноан инсон фақат ўзи учун яшашни афзал билиши лозим.

– Эгоцентрист – ўзининг хатти-ҳаракатларини, у салбийми, ижобийми мутлақо тўғри деб билиш унинг асосий белгиларидандир, у худбин одамга хос жиҳат ҳисобланади.

«Оммавий маданият»дан мақсад: шунинг ҳисобидан бойлик орттириш; бошқа халқларнинг неча минг йиллик миллий урф-одат, анъана, кадриятлари, турмуш тарзини маънавий негизларига беписандлик ва ҳурматсизлик билан қараш; уларни кўпоришга, йўқ қилишга қаратилган хатарли таҳдидлар туғдириш одамни албатта ташвишга солмай қўймади.¹

«Оммавий маданият» сохта маданиятлигига ҳеч қандай эътироз йўқ, лекин у барибир «ок - қора» деган оддийгина таснифга сиғмайди. Чунки унинг кич (тубан), мид (ўртамиёна) ва арт (юксак) деган босқичлари бор.

«Оммавий маданият»нинг мазкур кўринишлари ўзбек миллий минталитетимизга, маънавий-ахлокий кадриятларимизга бутунлай зид бўлиб, миллий маънавиятимизни йўқотишга қаратилгандир.

Хориж олимлари, агар дунёда оммавий маданият ҳозирги ҳолда яшаб қолса, инсониятнинг маданий салоҳияти наинки ўсишдан тўхтайди, балки ўнганмас талофат ҳам кўради.

Ҳозирги кунда «оммавий маданият» бамисоли ўлатга айланиб, ахборот худудидаги барча инсонун жамиятларнинг соғлом хужайраларини еб, ўлдириб бормоқда.

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008 й, 117-бет.

ФАВКУЛОДДА ҲОЛАТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ БАРҚАРОРЛИКНИНГ МУҲИМ ШАРТИ

А.НОРБОЕВ –ТДПУ катта ўқитувчиси

Бугунги кунда «барқарорлик» тушунчаси жуда кенг маънони англатмоқда. Унга мафкуравий таҳдидлар ва уларнинг турли кўринишлари, террористик ҳаракатлар, экологик ҳолатнинг ёмонлашуви, табиий, техноген тусдаги ҳалокатлар ва авариялар ҳам келиб қўшилди. Дунё мамлакатларини табиий, техноген ва экологик тусдаги фавқулодда ҳодисалар ларзага солмоқда. Жумладан, мамлакатимизда ҳам бундай хавфлар таҳдиди мавжуд.

Минтака мамлакатлари, жумладан, Ўзбекистоннинг ҳам Ўрта ер денгизи – Осиё сейсмик камарида жойлашганлиги бу ҳудудда табиий офатлар ичида энг даҳшатлиси ҳисобланган ер силкинишлари хавфини хамиша сақлаб туради. Мамлакатимизда бундай хавф даражаси МШК шкаласи бўйича 5-9 баллни ташкил этади. Шунингдек, табиий офатнинг бу тури бошқа кўринишдаги офат, ҳалокат ва аварияларни келтириб чиқариш характериға эға. Тарихда ана шундай ер силкинишлари халкимиз ҳаётиға жуда катта салбий таъсир этиб келганлиги маълум.

Биргина ўтган асрда, яъни 1966 йилнинг 26 апрелида юз берган Тошкент zilzilasi катта йўқотишларға олиб келгани маълум. Мутахассислар фикриға қараганда, zilzilадан жабрланганларнинг 10 фоизи бундай ҳодиса натижасида қулаб тушган турли буюмлар ва бошқа жисмлар қолган қисми эса тўғри ҳаракат қилишни билмаслиги оқибатида азият чекади.

Ҳозирги кунда дунё бўйлаб турли тусдаги офат ва ҳалокатларнинг қўпайиб бораётганлиги сир эмас. Шу боисдан, бундай ҳалокатлар оқибатларини қамайтириш муҳим аҳамиятға эға. Бунинг учун, бу каби ҳодисаларға тайёргарлик кўриш, яъни улар содир бўлганда тўғри ҳаракатланишға ўрганиш катта ўрин эғаллайди.

Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов 1996 йилнинг 4 мартида «Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармонини қабул қилди. Юртимизда ва шунингдек, минтақадаги қўшни республикаларда юз бериши мумкин бўлган табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятлардан мамлакат аҳолисини ҳамда халқ хўжалиги объектларини самарали муҳофазалашни ташкил этишға қаратилган бу фармон муҳим тарихий ҳамда ҳуқуқий ҳужжатлардан бири бўлиб қолди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 7 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишға тайёрлаш тартиби тўғрисида»ги Қарорининг 4 бандида «Давлат матбуот қўмитаси, «Ўзгелерадио» компанияси, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Қизил ярим ой жамияти марказий қўмитаси, республика давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, бошқа вазирликлар, идоралар, корпорациялар, бирлашмалар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар аҳолини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги билимлар, шу жумладан, оммавий ахборот воситаларидан фойдаланган ҳолда кенг ташвиқот қилинишини таъминласинлар» деб кўрсатилган.

Ҳолбуки, Ўзбекистон Республикасининг бу соҳаға оид қатор қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида аҳолини

фавкуллода вазиятларга тайёрлаш ва бу ишда ўзини ўзи бошқариш органларининг ўрни, вазифаси, ваколати хусусида кўрсатиб ўтилган.

Зеро, мамлакатимизда маҳалла – ўзига хос кичик бир институт, яъни худудий тамойилга асосланган маскан бўлиб, маҳалла аҳли қайси миллат, дин, ирк ёки эътиқод эгаси бўлмасин унга бир хил муносабатда бўлган ва унинг муаммосини ўз муаммоси, деб англаган. Маҳаллага эътибор мамлакатимиз мустақилликини қўлга киритган кунданоқ қаратилган. Чунки, маҳалла аҳолининг барча табақаларини, ёш-қарисини, оддий одаму олим ва зиёлиларини бир жойда тўплай оладиган маскандир. Шу сабабли мамлакатимизда маҳаллаларда турли кўринишларда бўлган фавкуллода вазиятлар ҳақида тушунтириш, улардан муҳофазаланишга тайёрлаш энг самарали йўللardan бири ҳисобланади. Аинниқса, оилада, юртимизда хавф тариқасида сакланиб келаётган ер силкиниши ҳақида болалар даврасида гапириш, уларни қўркмасликка чақириш, уйнинг таянч деворларини кўрсатиш, қаттиқ жисмли жиҳозлардан химоя воситаси сифатида фойдаланишга ўргатиш, ўйни жиҳозлашга эътибор бериш, захира сувлари, озик-овқат, хужжатлар, дорилар қутисига эга бўлиш каби кўплаб омилларга эътибор қаратиш муҳим аҳамият касб этади. Албатта, юқорида кўрсатиб ўтилган омиллар ер силкинишлари юз беришидан олдин аниқланиши ва қилиниши керак бўлган ишлар ҳисобланади. Биргина уйни ногўғри жиҳозлаш, ер силкиниши юз берса оила аъзоларини шикастланишига олиб келиши мумкин. Шу боис, уй жиҳозлари ҳисобланган мебелларни деворга қотириш, қаттиқ жисмлардан иборат бўлган ҳар қандай буюмни оиладаги энг кичик кишининг ҳам бўйидан баланд қўймаслик, тез ёнувчи, бироқ оила учун кундалик эҳтиёж учун зарур бўлган суюкликларни алоҳида жойда сақлаш, гугуртни ёш болалар ега олмайдиган даражада узок қўйиш, уларни қаровсиз қолдирмаслик, сув ҳамда газ жўмрақларини, шунингдек, уларни беркитувчи асосий жўмрақларнинг ишлаш фаолиятини вақти-вакти билан текшириб туриш, таянч девор олдини ҳамшиша бўш сақлаш муҳим ўрин эгаллайди.

Оилада хоналарни тоза-озода тутиш, саранжом саришталikka эътибор қаратиш, рўзғордан чиқаётган чикиндиларни махсус жойларга олиб бориш, кўча-кўйда ҳар хил нарсаларни ташлашга йўл қўймасликка ўргатиш юз бериши мумкин бўлган турли хавфли ҳодисаларнинг олдини олади. Акс ҳолда, юқумли инфекциялар, вирусларнинг пайдо бўлишига, шунингдек, уларни ташувчи – каламуш ва бошқа шу кабиларни кўпайишига олиб келади. Ҳолбуки, турли хил вируслар ташувчи жонзотларнинг кўпайиши тарихда миллионлаб инсонларнинг nobуд бўлишига олиб келганлиги маълум.

Халқимизда азалдан одат тусига кириб келган кадриятлардан бири, кеч куз ва эрта баҳор пайтида турли оммавий ҳашарларнинг ўтказилиши ҳисобланади. Маҳаллада айнан ушбу тадбирларнинг ўтказилиши орқали ободончилик ишлари олиб борилган, дарахтларга ишлов берилган, оқланган, катта-катта каналлар ва ариқлар турли чикиндилардан тозаланиб, улар маълум жойларга олиб бориб зарарсизлантирилган. Айни шу тадбирлар аввало, экологияни тоза сақлашга, турли вирусларни пайдо бўлиши ва кўпайишига йўл қўймаган. Каналлар ва ариқларнинг тозаланиши сув тошқинлари ҳамда селларни аҳоли яшаб турган худудларга, шунингдек, ишлаб чиқариш объектларига таъсир етказмасдан ўтказиб юборган. Ҳашар йўли билан боғ-роғларнинг яратилиши ҳам хавони соф бўлишига, тупроқ эррозияси, ер қўчкилари ва сурилишларининг олдишида муҳим ўрин тутган.

Халқимизнинг асрлар давомида авайлаб-асраб келинган кадриятлари, мустақиллик йилларида яна қайта тикланди. Ана шундай кадриятлардан бири

инсонни табиатга бўлган муносабатини акс эттиради. Президентмиз Ислом Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари» номли асарига «Афсуски, охириги юз йилликда айнан минтақанинг экологик тизимига жуда катта зарар етказилди. Аждодларимизнинг табиатдан фойдаланиш соҳасидаги анъанавий одоб қоидалари унутиб юборилди. Бу қоидаларга қўра сув ва ерни ўйламай-нетмай булғаш, исроф қилиш гуноҳи азим ҳисобланар эди.»¹ деб, ёзган эди. Бугунги кунда минтақамиз мамлакатлари, шунингдек, Ўзбекистон «Орол фожиаси» га дуч келиб турибди. Бу фожиани келтириб чиқарган асл сабаблар ҳам миллий кадриятларимизни топталиши, уларнинг унутилиши, менсимай муносабатда бўлиниши, собиқ Совет давлатининг бир ёқламалик сиёсати оқибатидир. Шу сабабли ёшларимизга сув ва ундан оқилона фойдаланишнинг усуллари ва аҳамияти ҳақида билдириш, уни аждодларимиз қанчалик ардоқлаб, тоза-озода сақлаб келганлигини, «Авесто» китобида сувни ифлослантирганлар учун тарбиявий чоралар билан бирга жазо чоралари кўрилганлигини тушунтириш катта самара беради. Бу борада маҳаллаларда катта ишлар амалга оширилмоқда. Аҳоли орасида фавқулодда вазиятлардан муҳофазаланиш тадбирларини янада кўпайтириш ҳамда сифатини ошириш тинчлик ва осудалигимизни таъминлашнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади.

Оила тинч экан – маҳалла тинч, маҳалла тинч экан – юрт тинч, Ватан тинч. Шу сабаб, барқарорликнинг асосий нуктаси оила ва маҳаллаларимиз осудалигини таъминлаш ҳар биримизнинг бурчимиз, она-Ватанимиз ҳамда фарзандларимиз келажаги олдида бажаришимиз керак бўлган вазифамиздир.

ВАТАН РАВНАКИДА МАҲАЛЛАНING ЎРНИ

М.Э.ХУҲАМОВ – ТДПУ доценти

Ўзбекистоннинг мустикаликка эришуви билан ўзбек халқининг азалий орзуси рўёбга чиқди. Шу асосда улкан бунёдкорлик ишларини амалга ошириш, буюк истиқбол йўлида астойдил фаолият олиб боришга катта имкониятлар эшиги очилгани ҳеч кимга сир эмас. Асосий мақсад, тинчлик, барқарорлик мухити шароитида жамият ҳаётининг барча соҳаларида тараққиёт сари мўлжалланган кенг камровли ислохотларни тўла-тўқис амалга оширишдир. Буларнинг барчаси ўз навбатида ҳар бир фуқародан Ватан ва халқ олдидаги ўз бурчини англашни, умумий келажак йўлида баҳамжихат бўлиб фаолият олиб боришни такозо этади. Давлатимиз эса фуқароларнинг ҳуқуқларини ва юрт тинчлигини қонун йўли билан қафолатлайди. Зеро, Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек, **«Мустикал Ўзбекистон давлатининг сиёсати инсонийлик ва эзгулик тамойилларига асосланади»².**

Мамлакат аҳолиси ўртасида тинчлик-тотувлик, осойишталикнинг бардавомлигида, жойларда, теварак-атрофда ижтимоий ва табиий соғлом мухитни барпо этишда ҳамда маданий-маърифий тадбирларни самарали бўлишида маҳалланинг ўз ўрни бор. Шарқона ҳаёт тарзининг ҳозирда ҳам давом этиб келаётган муҳим кўринишларидан

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари. –Т.: Ўзбекистон, 2007 й. 146-бет.

² Каримов И.А. Ўзбекистон мустикаликка эришиш остонасида. – Т.: Ўзбекистон, 2012 й. 26-бет.

бири бу – жамоавийлик анъанасидир. Халқимиз аждодлари ҳақиқатан ҳам азал-азалдан жамоа бўлиб ҳаёт кечириб, турли маданий-маиший тадбирларни биргаликда амалга оширганлар, душман хуружи пайдо бўлганда унга қарши яқдил ва жипс бўлиб кураш олиб боришган ва кўпинча улар устидан ғолиб келганлар.

Ўзбекистон ҳудудида оилаларнинг жамоа бўлиб, ҳамкорликдаги яшаш тарзининг илк кўринишлари бронза даврига бориб такалиши қайд этилади.¹

Мустақиллик йилларида ўз-ўзини бошқариш органи бўлмиш маҳаллага бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Маҳаллага давлатимиз томонидан катта эътибор қаратилаётгани, уни жамиятдаги мавқеини тобора мустақкамлаш сари йўл тутилаётгани муҳим аҳамиятга эга бўлиб, уларнинг барчаси шунга доир тегишли чора-тадбирлар, қарорларнинг қабул қилинаётгани ва амалга жорий этилаётганлигида ўз ифодасини топмоқда. Зеро, Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов қайд этганларидек, «Ўз-ўзини бошқаришнинг халқимиз анъана ва кадривларига хос бўлган усули – маҳаллалар тизими сўнгги йилларда жуда катта нуфузга эга бўлиб бомоқда. Улар амалда ўз ҳуқуқларидаги барча ишлар учун масъулдирлар. Зеро маҳалланинг қўлидан келмайдиган иш йўқ. Унинг нуфузини кўтариш, билингки, нафақат иқтисодий, нафақат ижтимоий, балки бу сиёсий, тарбиявий, улкан маънавий масалалардир. Биз маҳаллаларга шу нуқтаи назардан қарашимиз лозим».

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддаси ва 1993 йил сентябрдаги Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунига кўра маҳаллалар ўз ҳуқуқий мақомига эга бўлиб, маҳаллий ҳокимият таркибига киритилди.

1993 йил 17 августда Ўзбекистон «Маҳалла» жамғармаси ташкил топди. Унинг асосий мақсади: маҳалла ва унинг аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий юксалишига ҳар томонлама ёрдам бериш, халқимизга хос миллий анъана ва урф-одатларни бойитиш, маҳаллалардаги кам таъминланган оилалар, кексалар, фахрийлар, ногиронлар, кўп болали оилалар, етим-есирлар, байналмилалчилар манфаатларини ҳар жиҳатдан ҳимоя қилишдир.

1996 йилдан чиқа бошлаган «Маҳалла» газетасида эса маҳалла ҳаётига оид бўлган долзарб масалалар мунтазам ёритиб борилмоқда.

Маҳаллага раҳбарликни «Маҳалла» кенгаши амалга оширади. Кенгаш эса маҳалла раисини ва котибни сайлайди. Кенгаш айни вақтда маҳалла ҳудудида фаолият олиб борувчи турли соҳалар бўйича комиссияларни тузади.

Юқорида қайд этилганидек, маҳаллаларнинг жамиятда тутган ўрни ортиб бормоқда. Маҳалла ҳудудда юзага келиши мумкин бўлган ҳар қандай зарарли таъсирларни (турли диний экстремистик оқимлар(тўдалар), терроризм ўчоқлари, гиёҳвандлик ва наркотик моддалар истеъмоли ёхуд уларнинг бизнес – савдо-сотиклари, алкоголизмнинг ҳар қандай қусурли кўринишлари, табиатга, экологик муҳитга беписандлик ва унга зарар келтиришга уриниш, давлат ва умумхалқ мулки бўлган табиий ва маданий бойликларни талон-тарож қилиш, турли иншоотлар ёхуд муассаса биноларига зарар келтиришга уринишлар ва бош.) олдини олиш ва шунга доир зарурий чора-тадбирларни амалга оширишда катта имкониятларга эга. Маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий, маданий юксалишида қуйидагиларни инобатга олиш зарурдир:

– Ер юзида глобал муаммолар кўпроқ намоён бўлаётган ҳозирги мураккаб

¹ Шораҳмедов Д., Маҳалла, Ўз.МЭ, № 5, 548 бет., –Т.: "Ўз.МЭ", 2003 й.

бир даврда минтакамизда уларнинг ёйилишига йўл қўймаслик, шунга доир керакли бўлган ишларни амалга ошириш, яъни маҳалла аҳолиси, айниқса, ёшлар орасида ўзгача дунёқараш асосидаги ҳар қандай фаолиятнинг намоён бўлишига йўл қўймаслик учун маҳаллаларда назоратни ташкил этиш бўйича тегишли комиссияларни тузиш мақсадга мувофиқ.

– Кўп қаватли уйларда ёки яқка тартибдаги хонадонларда яшовчи оилаларнинг ҳар бир аъзоси теварак-атроф – қўшниларни яхши биладилар. Шундай экан, кишилар маҳалла ҳудудига келган ҳар қандай шахс ёки меҳмонни фарқлаши, агарда уларда бирон-бир шубҳали ҳолатлар ёки аломатларни сезса, тегишли давлат органларига мурожаат этишлари мумкин. Бу эса маҳалла ҳудудида соғлом ижтимоий муҳитнинг барқарорлигида муҳимдир.

– Маҳалла ҳудудида ишлаб чиқариш шаҳобчаларини, савдо-сотик ёхуд шу каби хизмат турларини йўлга қўйиш асосида унинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини ошириш мумкин.

– Маҳаллани ободонлаштириш (йўл ва йўлақлар четига гуллар экиш, дарахлар ўтказиш, кўкаламзорлаштириш) ва ораста сақлашга ҳар бир кишининг масъуллигини ошириш зарур.

Хулоса қилиб айтганда, Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши, равнақ топишида маҳалланинг тутган ўрни жуда катта бўлиб, шу билан боғлиқ ҳаётий жараёнларга масъуллик билан қараш ҳар бир фуқаронинг муҳим бурчидир.

ОИЛА ВА МАҲАЛЛА ИНСТИТУТИ: ИЖТИМОЙ, ҒОЯВИЙ, МАҒКУРАВИЙ МУНОСАБАТЛАР ТИЗИМИДА

Ҳ.М.РАСУЛОВ, Я.Э.АЛИМОВ – ТерДУ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги (2005 йил 28 январь) маърузасида жамиятни демократлаштириш ва янгилаш концепцияси, шунингдек, мамлакатимизни 2005 йил ва келгуси даврда модернизация ва ислох этиш бўйича асосий вазифаларнинг дастурий концептуал йўналишлари белгилаб берилди. Мазкур маърузада мамлакатни модернизация қилиш борасида узоқни кўзлайдиган «**Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари**», деган тамойилга асосланган ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг барча йўналишларида амалга оширилиши лозим бўлган мақсад ва вазифалар аниқ-равшан ифода этилди. Мамлакатда марказий давлат ҳокимияти органлари ваколатларини номарказлаштириш асосида кучли жамиятнинг шаклланиши учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида «**ҳокимият ваколатларининг маълум бир қисмини марказдан маҳаллий ҳокимият органларига ўтказишга қаратилган мавжуд қонун ва ҳуқуқий ҳужжатларни бир тизимга келтириш ва уларга қўшимча тарзда янгиларини ишлаб чиқиш**»¹ вазифаси белгиланди. Шу билан бирга, «ўзини ўзи бошқариш органлари – маҳалла, маҳалла қўмиталари ва қишлоқ фуқаролик йиғинларининг роли ҳамда ваколатларини амалда қучайтириш»² муҳим вазифалар сирасига киритилди.

¹ Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. // Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. 13-ж. – Т.: Ўзбекистон, 2005. 181-бет.

² Ўша жойда. 181-бет.

Мамлакатимизда 2012 йилнинг «Мустаҳкам оила йили» деб номланиши ҳамда давлат дастурининг қабул қилиниши оила ва маҳалланинг жамиятдаги ўрни ва нуфузига давлат сиёсати доирасида алоҳида эътибор қаратилаётганлигини кўрсатади. Давлат дастуридан «жамиятимизнинг асоси бўлмиш оила институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, оилаларни, айниқса ёш оилаларни ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларини химоя қилиш ҳамда қўллаб-қувватлашни кучайтириш борасида олиб борилаётган барча ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, жисмонан соғлом, маънавий етук ва ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбиялашда оиланинг ролини ошириш, мустаҳкам, соғлом оилани шакллантиришда маҳалланинг мавқеини мустаҳкамлаш ва ролини кучайтиришга доир аниқ мақсадга йўналтирилган кенг қўламли чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш мақсади» кўзланган.

Маҳалла ва Оила муносабатлари тизими халқимиз ҳаётида қарор топган қадрият ҳисобланади. Маҳалла ва Оиланинг фаровонлиги, барқарорлиги, у ердаги ғоявий-мафкуравий муносабатлар бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб келган. Мамлакатимизда 2012 йилнинг «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилиниши, шу асосда давлат дастурининг қабул қилиниши оила ва жамият мустаҳкамлигини таъминлаш масаласи давлат сиёсати даражасига алоқадор муҳим масала эканлигини кўрсатади. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, **«...оила соғлом экан – жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан – мамлакат барқарордир. Буни исботлаб, тасдиқлаб беришнинг ҳеч қандай ҳожати йўқ»**. Шу маънода мамлакатнинг барқарорлиги оила-маҳалла-жамият уйғунлигидан иборатдир.

Мамлакатимизда маъмурий-худудий жиҳатдан бошқарувнинг энг қуйи бўғини бўлган маҳалланинг ҳуқуқий мақомини аниқлаш, унинг жамиятдаги мавқеини қайта кўриб чиқиш ҳамда давлат тузилишининг таркибий қисмига айлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Бунинг назаримизда учта сабаби бор. Биринчидан, маҳалла юртимизда қадимдан халқ бирлигини таъминловчи аҳоли ўртасида ўзига хос ижтимоий муносабатларни тартиблаштирувчи бошқарув тизими вазифасини бажарган. Иккинчидан, мустақилликка қадар мавжуд бўлган маҳалла комитетлари тўғрисидаги низом ва тартиб-қоидалар маълум бир манфаатлар доирасида бўлиб, халқимиз менталитетига ва замон талабларига жавоб бермай қўйган эди. Шу сабабдан ҳам бу борада давлат бош ислохотчи сифатида ўзини-ўзи бошқарувнинг тарихий, замонавий ва айна пайтда самарали тизими маҳалланинг шаклланишига алоҳида эътибор қаратди. Учинчидан, айнан шу жараёнларнинг давоми сифатида Ўзбекистонда кучли давлатдан – кучли жамият сари концепцияси амалга оширилмоқда, яъни бошқарувнинг қуйидан – юқорига қараб такомиллашишига эътибор қаратилган.

Маҳалла тобора кундалик муносабатлар яъни, анъана, урф-одат, маросим ва қадриятлар билан боғлиқ ҳодисадан ижтимоий-сиёсий мавқега эга бўлиб бормоқда. Яъни, маҳалланинг вазифаси мазкур ҳудуддаги ободончилик, тозалик, халқнинг ижтимоий аҳволи, турли урф-одат, маросим ва анъаналарни тартиблаштиришдан иборат бўлиб қолмасдан, у ўзига хос «хавфсизлик ва тинчлик органи» ҳам ҳисобланади. Амалга ошаётган ўзгариш ва янгиланишларнинг ижтимоий-маънавий асослари, бевосита маҳалла билан боғлиқ. «Обод маҳалла» дейилганда жуда кенг ҳолатни англашимиз керак бўлади. Чунки бу тушунча биз яшаётган маҳалланинг саранжом-саришта, кўркем ва обод бўлишинигина англамасдан, ундаги тинчлик ўзаро инсоний муносабатлар, маънавий барқарор муҳит ва аҳоли хавфсизлиги даражаси билан ҳам

белгиланади. Хозирги кунда аксарият ҳолларда «Обод маҳалла» дейилганда фақат яшаётган манзилимизнинг тозалиги, обод ва кўркемлигига эътибор қаратилган ҳолда иш олиб борилмоқда. Бу масала бизнинг ҳар кунлик, доимий вазифамиз эканлиги эътибордан четда қоляпти. Матбуотда тўй-ҳашамлар, турли маросимлар, уларни тартиблаштириш борасида фикрлар билдирилмоқда. Лекин, маҳалланинг ижтимоий, иқтисодий, маънавий, мафкуравий вазифалари билан боғлиқ ишларга хозирча жиддий эътибор қаратилганича йўқ.

Президентимиз И.А.Каримов «Юксак маънавият – енгилмас куч» номли асарига оила ва маҳаллани маънавиятнинг шакллантирадиган энг муҳим мезонлардан эканлигини эътироф этган. «Чунки инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётгий тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оила бағрида шаклланади».

Азалдан маҳалла тарбия маскани, миллий анъана ва кадрларни ривожлантирувчи ва сакловчи ижтимоий институт сифатида амалда намоён бўлиб келган. Яъни маҳалла тарбия мактаби, ахлоқ ва маънавий маркази, таъсирчан мафкура ўчоғи вазифасини бажарган. Маҳалланинг ушбу вазифалари бутунги кунда ҳам, муҳим аҳамият касб этмоқда. Маҳалла Ўзбекистонга хос давлат билан фуқароларни боғловчи ислохотлар амалиётини таъминловчи сиёсий-ҳуқуқий восита бўлиб, бу орқали давлат ва жамият муносабатлари тартиблаштирилган. Шу боис ҳам ота-боболаримиз қадимдан маҳаллага ҳурмат билан қараганлар, унинг ёзилмаган, аммо ҳар бир маҳалладошнинг қон-қонига сингий кетган тартиб-қоидаларга сўзсиз амал қилиш шарт, деб билганлар.

Мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар ва бозор муносабатлари, жамият сиёсий-ҳуқуқий тизимидаги ўзгаришлар ҳамда ғоявий-мафкуравий масалалар туйғайли унинг вазифалари доираси тобора кенгайиб бормоқда.

Биринчидан, маҳалла мафкуравий муносабатлар тизимида алоҳида ўрин тутувчи, давлат ва жамият бошқарувида одамлар бирлиги ва ҳамжиҳатлигини таъминлашга қаратилган бошқарувнинг ўзига хос шакли сифатида тарихан таркиб топиб ижтимоий тузилма, халқ анъаналари, тартиб-қоидалари асосида ривож топган ва ижтимоий муносабатларда муҳим аҳамият касб этиб келган. Маҳалланинг ана шу вазифаси фуқаролик жамиятини шакллантиришда асосий босқич бўлиб хизмат қилади.

Иккинчидан, маҳалла фаоллари фақат иқтисодий кўмакка эҳтиёжманд оилаларга ёрдам бериш билан шугулланмасдан маънавий-мафкуравий томондан ҳам кўмак бериш лозимлигини, давр дунёдаги ўзгаришлар ва воқеа-ҳодисалар такоза қилмоқда. Айни пайтда фуқаролик жамияти шароитида бу масала фақат маҳалланинг зиммасига тушмасдан, жамоат ташкилотлари ва оила институти билан ҳамкорликда амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Учинчидан, бутунги дунёвий жараёнлар маҳалла ўзига хос «хавфсизлик ва тинчлик органи» даражасида фаолиятга эга бўлиши кераклигини ҳам кўрсатмоқда. Унда тараққиётга таҳдид туғдирувчи ҳодисаларга нисбатан онгли муносабатни, умумхалқ қаршилиги ва бирлигини шакллантириш мумкин. «Маҳалла посбонлари» мамлакатимизда ушбу ҳудудий бирликдаги хавфсизлик ва тинчликни таъминлашда муҳим ўрин тутуди.

Зеро, инсоният доимо эзгуликка интилиб, тараққиётга қарши ҳар қандай ҳолатга биргаликда курашган. Шу жиҳатдан ҳам у доимо уюшиб бахтини ҳам, ташвишини ҳам биргаликда баҳам кўриб келган. Маҳалла эса, халқимизнинг ана шундай қадимий уюшмасидир.

ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИДА МАҲАЛЛАНИНГ ТУТГАН ҶУНИ

М.Ф. ҲАСАНОВА – ТҚТИ ўқитувчиси
Ғ. ШЕРАЛИЕВ – талаба

Кўп асрлик тарихга эга, юртимиз фуқароларининг ўзини ўзи бошқариш органлари тизимидаги энг муҳим бўғинлардан бири бўлган маҳалланинг аҳамияти кундан-кунга ортиб бормоқда. Фуқароларимизни миллий кадриятларимизга асосланган ватанпарварлик, давлатчилигимизнинг буюк келажигига ишонч руҳида тарбиялаш, комил инсон даражасига етказиш маҳалла фуқаролар йиғинларининг бугунги кундаги муҳим вазифаларидандир. «Маҳаллалардаги маънавий муҳитни мустаҳкамлаш, асрлар давомида унинг бағрида шаклланиб келаётган ибратли анъана ва кадриятларни ўрганиш, тарғиб-ташвиқ этиш борасида ҳам кўплаб тадбирлар амалга оширилгани эътиборлидир»¹.

Маҳалланинг қадимдан ўзига хос вазифалари мавжуд бўлиб, улар сирасига маросимларни биргаликда ўтказиш, ўз ҳудудини батартиб сақлаш ва ободонлаштириш, ёш авлодни ижтимоий руҳда тарбиялаш, ижтимоий тартибни сақлаш, урф-одатларга риоя қилиш, жамоат мажбуриятларидан бўйин товлаганларни тарбиялаш каби кўп вазифалари бор. Маҳаллаларда ариқ-ҳовузларни тозалаш, кўчалар, йўллар қуриш ва маҳалла ободончилиги билан боғлиқ бошқа жамоат ишлари ҳашар йўли билан амалга оширилган. Зеро, Президентимиз таъкидлаб ўтганларидек, «...Тошкент маҳаллаларидаги инсонийлик муҳити, ўзаро меҳр-оқибат ҳар бир юртдошимизда катта ҳавас ва гурур уйғотади. Дунёнинг пасту баландини кўрган маҳалла оксоқоллари, кайвони онахонлар ўзларининг ҳаёт тажрибаси билан ёшларга тарбия ва сабоқ бериб, анъаналаримиз давомийлигини асраб келаётгани ибратлидир»².

Ёшлар маънавий оламини юксалтиришда, уларни миллий ва умуминсоний кадриятлар руҳида тарбиялашда маҳалла фахрийлари фаолияти алоҳида аҳамиятга эга. Узок яшаб, тарихимизнинг мазмун ва моҳиятини ўз тақдирларидан синовдан ўтказган, маҳалла ҳаётида фаол иштирок этиб, унинг фаровонлиги ва ороишталлигига муносиб ҳисса қўшган ёши улурғ кишилар маънавият, ахлоқ ва одоб тарбиясида фаол иштирок этиб келмоқдалар. Уларнинг ҳаёт йўли, Ватан, халқ манфаатлари йўлидаги фидойиликлари, юксак инсоний фазилатларининг ўзи маҳалла аҳли, айниқса ёшлар учун бебаҳо мактаб саналади. Уларнинг маҳалладаги, ёшлар даврасидаги суҳбатлари, насиҳат ва даъватлари алоҳида таъсир кучига эга.

Маълумки, азалдан ўзбек маҳаллалари чинакам миллий кадриятлар маскани бўлиб келади. Ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик ва тотувлик, эҳтиёжманд, ёрдамга муҳтож кимсалар ҳолидан хабар олиш, етим-есирларнинг бошини силаш, тўй-томоша, ҳашар ва маъракаларни кўпчилик билан бамаслаҳат ўтказиш, яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам бирга бўлиш каби халқимизга хос урф-одат ва анъаналар авваламбор маҳалла муҳитида шаклланган ва ривожланган. Халқимизга хос ўзини ўзи бошқариш тизимининг бу ноёб усули қадим-қадимдан

¹ Қаримов И.А. Тинчлик ва ҳавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжихатлигимиз ва қанғий продаимизга боғлиқ. 12-ж. – Т.: Ўзбекистон, 2004. 100 бет.

² Қаримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайдми. 13-ж. – Т.: Ўзбекистон, 2005. 259-бет.

одамларнинг нафақат тилида, балки дилидан, бутун ҳаётидан чуқур жой эгаллагани бежиз эмас. Биз «Маҳалла – ҳам ота, ҳам она» деган ҳикматли нақли ана шу ҳаётгий ҳақиқатнинг ифодаси сифатида қабул қиламиз¹.

Президентимиз Ислоҳ Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида таъкидлаганидек, «**ёш оилани ҳаётнинг турли тўфонларидан асраш, унинг мустаҳкам оёққа туриб олиши учун елкадош бўлиш, бу борада зарур кўмак, маслаҳат кўрсатишда маҳалланинг роли ва аҳамиятини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди**»².

Маҳаллада ёшлар тарбияси икки томонлама — оила ва жамоатчилик томонидан амалга оширилади. Оила тарбияси азалдан соғлом фикрловчи, юсак ахлокли, ижтимоий фаол инсонни шакллантиришнинг асосий омилларидан бўлиб келган. Бугунги кунда оиланинг бу соҳадаги масъулияти янада кучайиб бормоқда. Айниқса, «маънавий ҳаётимизни юксалтиришда, жамиятимизда эзгу инсоний фазилатларни кенг қарор топтиришда, тобора кучайиб бораётган, бизнинг миллий табиатимиз, урф-одатларимизга мутлақо зид бўлган ҳар қандай зарарли таъсирлар, бузғунчи ғояларга қарши туришда, азалий кадриятларимизни асраб-авайлашда оилани мустаҳкам таянч деб биламиз»³. Бозор иқтисодига ўтиш билан боғлиқ муаммолар ҳам ҳар бир оилада фарзандлар тарбиясига янада жиддийроқ ёндошиш, уларнинг давр руҳи, муҳити, муаммоларини чуқурроқ тушуниб олишни, тўғри йўлни танлаб олишларига кўмаклашишни талаб қилмоқда.

Оиладаги тарбия аввало болалар ахлоқини шакллантириш мақсадини назарда тутди. Шу жараёнда маҳалла одоби ҳам ўргатиб борилади. Ҳар қайси ота-она даставвал маҳалла кексаларини ҳурмат қилиш, катталар олдида ўзини тутиш, насихатларга кулоқ солиш, соғлом турмуш тарзи тамойилларига риоя қилиш, гиёҳвандлик, ахлоқсизлик, четдан кириб келаётган ҳар хил зарарли таъсирлардан «оммавий маданият» никоби остидаги таҳдид ва ҳагарлардан асрашга ҳаракат қилади.

Ўсмирлик ёшиданок қийиниш одобига ўргатиш маҳаллага ҳурмат ҳиссини шакллантира боради. Зеро, маҳалла аҳли ҳар бир кишининг, хусусан, ёшларнинг ҳулқ-атворига баҳо берад экан, аввало қийинишига эътибор беради. Қийинишдаги камтарлик, одоб-ҳаё ёшлар одоби ифодаси саналади. Маромида қийинган, меъёрида безак тақдан ёшлар маҳалла эътибори, эҳтиромига сазовор бўлади. Қизлар ҳаё ва ибони дастлаб оилада, кейин маҳаллада ўрганади, катталардан дақиқ эшитмай деб очик-сочиқ кўчага чиқмайди. Бўлажак келин ёки куёвларининг кимлигини ота-оналар маҳалла катталаридан суриштиради. Совчилар ҳам келин ёки куёв бўлмишининг уйига қадам ранжида қилишдан аввал қўшнилариининг хонадонига кириб, уларнинг холис баҳосига қараб иш тутадилар. Шунинг учун ҳам «Бир болога етти қўшни ота-онадир», деган нақл бор.

¹ Каримов И.А. Юсак маънавият – энгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. 58-59-бетлар.

² Бизнинг йўлимиз – демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. //Президент Ислоҳ Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. //»Халқ сўзи», 8 декабрь 2011, №238, 2-бет.

³ Бизнинг йўлимиз – демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. //Президент Ислоҳ Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. //»Халқ сўзи», 8 декабрь 2011, №238, 2-бет.

Тарихан таркиб топган миллий ва маънавий кадриятларни эъзозлаш ва изчил тарғиб қилиш, халқимизнинг энг яхши удум ва анъаналарини кенг оммалаштириш, республиканинг маҳаллалари ўртасида маданий ва маърифий ишларни кенг йўлга қўйиш, шунингдек уларни ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан янада мустаҳкамлаш борасида бугунги кунда ҳам қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Маҳаллада ёшлар маънавиятини юксалтиришда зиёлилар, олимларнинг алоҳида ўрни бор. Мамлакатимиздаги деярли ҳар бир маҳаллада олий маълумотли кишилар бўлиб, улар ўз маҳаллаларидаги маънавият камолотига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Маҳаллада истиқомат қилаётган ҳар қайси одам ўз маҳалласига, аввало, ақлу идрок билан муносабатда бўлиши, маҳалланинг инсон ҳаётидаги аҳамиятини, унинг мураббийлик қудратини, фуқароларнинг ўзаро ҳамжихатлиги ва ҳамдўстлигини мустаҳкамлашдаги, яхши ва ёмон кунларда мададкор бўлишдаги ўрнини, умуман, унинг кадрини англаб етиши, маҳалладошлар билан муомала одобини касб этиши, ҳар бир қадамини ўйлаб босишга, ҳар қайси сўзни мулоҳаза қилиб гапиришга ўрганиши лозим.

Барқамол авлодни тарбиялашда оила, маҳалла, таълим муассасаси ҳамкорлиги, таълим ва тарбия соҳасига эътиборни кучайтириш, бу борада ҳукуратимиз томонидан қабул қилинган қонун ва ҳужжатлар, маъмурий кўрсатмаларни самарали бажариш учун оила, маҳалла, таълим муассасаси ҳамкорлиги фаолияти ўзига хос педагогик тизим, услуб ва шаклларга эга бўлиши зарур.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, бугунги кунда маҳалла тизими фуқароларимизнинг энг долзарб муаммоларини ҳал этишда, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишда бекиёс институтга айланди.

ЁШЛАР ТАРБИЯСИДА МАҲАЛЛАНING РОЛИ

*М.Ф.ҲАСАНОВА – ТКТИ доценти
Н.И.ҚОДИРОВА – катта ўқитувчи*

Маҳалла қадимдан турли кўринишларда фаолият юритиб, ўзига хос ички тартиби, қоидалари, ёзилган ва ёзилмаган қонунларига эга бўлган. Унинг ички тартиблари, муносабатлари, ижтимоий кадриятлари шунчалик одат тусига кириб, одамлар онги-шуурига маънавий-руҳий таъсир кўрсатганки, амалдаги қонунларга нисбатан қучлироқ самара берган. Собик шўролар даврида маҳалланинг ана шундай ёзилмаган тартиб ва қонунларига дарз кетди. Чунки маҳалла қўмиталари давлат ишларига аралашмаса-да, мустабид тузум раҳбарлари унинг номиданок ҳадиксирашар, маҳалла сўзини маҳаллийчиликнинг ўзаги деб билишар, фаолиятини чеклашга уринарди. Шундай бўлса-да, маҳалла қўмиталари собик совет даврида ҳам ўзини саклаб қололди. Эл ишончига сазовор бўлган маҳалла оксоқоли давлат томонидан маош олмаса-да, катта-ю кичикнинг бошини қовуштириб, маҳалладошларнинг оғирини енгиллаштириш ишлари билан шуғулланиб келди. Истиклол туфайли маҳалланинг қадимий мақоми қайта тикланиб, тараққий қилиши учун ҳуқуқий асослар яратилди¹.

Фуқароларимизни миллий кадриятларимизга асосланган ватанпарварлик,

¹ Иномов Қ. Фуқаролик жамиятининг негизи. // «Жамият ва бошқарув» журнали. 2006. - № 4. - Б. 89.

давлатчилигимизнинг буюк келажагига ишонч руҳида тарбиялаш, комил инсон даражасига етказиш маҳалла фуқаролар йиғинларининг бугунги кундаги муҳим вазифаларидандир.

Маҳалла халқимизнинг энг яхши анъаналари, урф-одат ва маросимларини асраб-авайловчи, уларни ёш авлодга сингдириб борувчи маскандир. Тошкент шаҳри маҳаллаларида ёш авлодни тарбиялаш, уларга миллий кадриятларимизни сингдиришнинг ўзига хос анъаналари шаклланган.

Маҳалла – камдан-кам мамлакатда мавжуд бўлган ноёб идора, - дейди Ислом Каримов. – Бу маскан миллий кадриятларимизни асраб-авайлашда, эл-юртимиз тинчлиги ва осойишталигини мустахкамлашда, ёшларимизни комил инсонлар этиб тарбиялашда муҳим роль ўйнаб келмоқда¹.

Қадимдан ота-боболаримиз тарбия ишини суз ва амал бирлиги асосида амалга ошириб, юксак натижаларга эришиб келган. Улар ёшларга панду насихатлар билан бирга, бевосита ўз турмуш тажрибаларидан ибратли мисоллар келтириб, ҳаётнинг пасту-баланди, аччик-чучугидан сабоқ берган. Ўғитлари ҳаётий бўлган. Яъни, ёшларга ўзлари бир умр амал қилган одобу ахлоқ қондалари, муомала ва муносабат меъёрларини ибрат қилиб кўрсатганлари бонис, тарбия бобидаги ишлари ҳам таъсирли, ҳам ишончли кечган. Бироқ бутун ёшлар тарбияси масаласида катталарнинг ўз ҳаёти мисолида оилада, кўча-куйда, жамоат жойларида етарли даражада ибрат бўла олмаётганини ҳар қадамда кузатиш мумкин. Тарбия бобида биргина ибратнинг етишмаслиги, ҳар қанча саъй-ҳаракатларимизга қарамай, қутилган самарага эриша олмаётганимизнинг асосий сабабларидан бири эканини доим ҳам ўйлаб кўравермаймиз².

Ёшларга онд сиёсат Ўзбекистон Республикаси давлат фаолиятининг устувор йўналишларидан бири бўлиб, унинг мақсади ёшларнинг ижтимоий шаклланиши ва камол топиши, ижодий иқтидорини жамият манфаатлари йўлида имкон бори-ча тўла-тўқис рўёбга чиқиш учун ижтимоий иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий жиҳатдан шарт-шароит яратиш ҳамда уларни қафолатлашдан ибрат³.

Ҳозирги кунда маҳалла ёшларини иш билан таъминлаш асосий вазифалардан бири бўлиб турибди. Вояга етган ёшларнинг бекор юриши, бирон фойдали фаолият билан шуғулланмаслиги турли нохуш оқибатларга олиб келиши аён. Шу тўғрисида ҳар бир маҳаллада бу муаммога жиддий аҳамият бериб, уни ижобий ҳал қилишга иштирокчи бўлиш зарур.

Тошкентдаги айрим маҳаллаларда бу жиҳатдан эътиборга лойиқ тадбирлар амалга оширилмоқда. Маҳалла ёшлари эҳтиёжини аниқлаб, уларни турли касб-ҳунарларга ўргатишни ташкил қилган, маҳалланинг ўзида ёшлар учун иш жойлари ташкил қилган жамоалар фаолияти таҳсинга сазовордир.

Маҳаллаларда ёшлар ўртасида ўтказилаётган тадбирлар ҳар томонлама, пухта, мантқан теран, кўргазмали ва кизиқарли, таъсирчан, оммабоп, амалий жиҳатдан қисқа ва лўнда, эстетик жиҳатдан кенг қўламли бўлишига аҳамият берилмоқда.

¹ Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий кадрият. Т.14. –Т.: “Ўзбекистон”, 2006. 210-бет.

² Каримов Ф. Тарбияда ибрат юксак маънавиятни такозо этади. // Матрифат. –Тошкент, 2009 йил 8 июл. – Б. 5.

³ Маҳалла. Фуқаролар йиғини тизимининг намунавий тузилмаси ва иш юритиш услублари. – Т.: 2007, - Б. 33.

Ушбу тадбирлар урф-одатларимизни, маданият ва тарихни ўрганиш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, миллий ҳунармандчилигимизни эъозлаш, миллий гурурни юксалтириш, ташкилий-тарбиявий ишлар самарасини ошириш, баркамол авлодни тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга.

Ҳар қандай мамлакат ўз келажагини жисмоний ва маънавий жиҳатдан баркамол ёшларда қўриши табиий. Баркамол авлод тарбияси учун қайгуриш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва руёбга чиқариш ҳар бир жамият, оила, қолаверса, ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи, инсонийлик масъулиятидир. Мамлакатимизда вояга етмаган ёшлар муаммосига у ёки бу даражада алоқадор бўлмаган бирорта ташкилот ёки шахснинг ўзи йўқ. Вояга етмаганларни баркамол этиб тарбиялашда ҳар бирнинг ўз ўрни, аҳамияти, ўзига хос таъсири бор.

Маҳалла ҳаётида оилага бўлган эътиборни кучайтириш оиладаги тотувлик, тинчлик ва фарзандлар тарбиясининг гаровидир. Маҳалладаги ҳар бир оила фарзандининг руҳияти бу ерда яшовчи маҳалладошларнинг муносабатига ҳам таъсир кўрсатади. Сўнгги йилларда негадир оилада отанинг ўрни, онанинг вазифаси каби масалаларга эътибор пасайиши сезилмоқда. Фарзанд тарбиясига ота-она бирдек масъул. Ота оилада фарзандни меҳнатсевар, ўз кадр-киммати ва шаънини ҳурмат қилиш руҳида тарбия қилмоғи керак. Аёллар, қизлар фарзанд тарбиялашлари учун ҳаммадан ҳам кўра билим олишга кўпроқ интилишлари керак, зеро, бу билимлар билан улар келажак авлодни тарбиялайдилар¹.

Маҳаллада истикомат қилаётган ҳар қайси одам ўз маҳалласига, аввало, ақлу идрок билан муносабатда бўлиши, маҳалланинг инсон ҳаётидаги аҳамиятини, унинг мураббийлик қудратини, фуқароларнинг ўзаро ҳамжиҳатлиги ва ҳамдўстлигини мустаҳкамлашдаги, яхши ва ёмон кунларда мададкор бўлишдаги ўрнини, умуман, унинг кадрини англаб етиши, маҳалладошлар билан муомала одобини касб этиши, ҳар бир қадамини ўйлаб босишга, ҳар қайси сўзни мулоҳаза қилиб гапиришга ўрганмоғи лозим.

Маҳалладошлар ўзаро масъулият ҳисси билан яшаганлари боис, бир-бирларига назоратчи ҳам ҳисобланадилар. Бинобарин, эзгуликка хизмат қилувчи ҳатти-ҳаракатлар маҳалла аҳлининг олқишига сазовор бўлса, ножўя, номақбул ҳатти-ҳаракатлар улар томонидан қораланади. Маҳаллада яшаш ундаги тартиб-қоидаларга барча маҳалладошлар катори риоя этишни заруриятга айлантиради.

Ҳозирги кунда маҳаллаларнинг таълим-тарбия муассасалари билан ҳамкорлиги ортиб бормоқда. Бу ҳолни ўтказилаётган турли тадбирлар мисолида қўриш мумкин: «Бебаҳо миллий кадриятларимиз», «Ўқувчи ёшлар орасида турли қўринишдаги ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш», «Аёлларни эъозлаб, қизларимизни авайлайлик», «Дин ва миллатлараро тотувлик – ҳавфсизлик ва осойишталик таъминланишининг асоси», «Ёшларнинг маънавий камолоти», «Аждодлар анъаналарига содиқмиз», «Ёшларни қонунларга риоя қилиш руҳида тарбиялаш жамиятда соғлом муҳитни шакллантириш мезонидир», «Инсон маънавияти ва унинг касбга бўлган муҳаббати», «Гиёҳвандлик – иллат» мавзусидаги маънавий-маданий тадбирлар, давра суҳбатлари, баҳс ва мунозаралар ёшлар учун тарбия мактаби бўлмоқда. Етук мутахассислар, олим, ёзувчи ва шоирлар интироқида ўтказилаётган бундай тадбирлар, шубҳасиз ёшларда катта таассурот қолдирмоқда, улар онгида она –Ватанга муҳаббат, миллий кадриятларимиз, анъа-

¹ Соатови С. Маҳалла – оила таянчи. // Жамият ва бошқарув. –Т.: 2006. - № 4. – 58-бет.

наларимизга ҳурмат ҳамда фахр-ифтихор туйғуларини оширишга, шу билан бирга маънавиятини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Зеро маънавияти юқори бўлган ёшлар юрт келажакдирлар.

Юртимизда амалга оширилаётган кенг камровли, халқчил ислохотларнинг ҳаётга татбиқ этилиши ва ижросида жамоат бошқарувининг азалий, анъанавий ва самарали воситаси – маҳаллаларга таяниб иш олиб боришдир.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, маҳалла миллий кадриятларимизни тиклаш, оммага кенг тарғиб қилиш, тинчлик, барқарорликни таъминлаш ва мустаҳкамлаш, айниқса, ёш авлодни жамиятга муносиб инсон сифатида тарбиялаш каби масалаларда катта аҳамият касб этади.

ЁШЛАРДА МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА МАҲАЛЛА ОМИЛИ

Д.И. АЗИМОВА – ТОХТБЮ ўқитувчиси

«Ҳарбий, иқтисодий, сиёсий тазйиқ бўлса, буни сезиш, кўриш, олдини олиш мумкин, аммо мафқуравий тазйиқ, унинг таъсири ва оқибатларини тезда илғаб етиш ниҳоятда қийин»

Ислом Каримов

Бугун Мустақил Ўзбекистон жадал ривожланаётган, юксак салоҳиятга, дунёда ўз ўрни, жаҳон ҳамжамиятида ўз обрў-эътиборга эга давлатдир. Албатта, буларга осонликча эришилгани йўқ. Бизнинг юртимизга менсимай қараганлар ҳам, ўз йўналишига солишга интилганлар ҳам, менталитетимиз, урф-одатларимиз, кадриятларимиздан йироқ бўлган андозаларни суқмоқчи бўлганлар ҳам бўлди. Аммо Президентимиз Ислом Каримов бошчилигида ўзимизнинг олдимизга белгилаб олган йўлимиздан ҳеч қачон қайтмадик. Бу йўлимиз ўзининг аниқ демократик тамойилларига асосланган, фуқаролари эркин ва қонуларга итлоқдор давлат барпо этиш йўлидир. Бизнинг йўлимиз энг тўғри йўл эканлиги ҳозирги кундаги мафқуравий тазйиқлардан, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози қўлами тобора кенгаётган ҳозирги шароитда яна бир бор ўз исботини топди. Бу йўлда айрим иллатлар мустақил Ватанимиз равнақида таҳдид солишга уринмоқда.

Бугун ҳукуратимиз томонидан ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама барқамол, етук инсон қилиб тарбиялашга катта эътибор қаратиб келинмоқда. Ёшлар қалбида она Ватанга меҳр-муҳаббат, ватанпарварлик, садқат каби туйғуларни шакллантириш ҳар бир ёши улут авлоднинг бурчи ҳисобланади. Айниқса, келажак давомчиларини турли ёт унсурлардан ҳимоя қилиш, уларни бузғунчи ғоялар исқанжасига тушиб қолишдан сақлаш масалалари давлатимизнинг устувор вазифасига айланди.

Президентимиз бошчилигида юртимизда маънан қомил инсонни тарбиялаш борасида қўпгина ишлар амалга оширилмоқда.

Глобаллашув даври олдимизга улкан муаммоларни қўймоқда. Тўғри, бугун ҳар бир давлатнинг тараққиёти, фаровонлиги жаҳон, минтақа, ҳудудлар билан ҳамбарчас боғлиқлигини яхши биламиз. Давлатлар ва халқлар ўртасида интеграция, ҳамкорлик алоқалари қучаймоқда, хорижий сармоялар кириб келмоқда. Замонавий технологиялар, илм-фаннинг сўнгги ютуқлари негизда давлатлар тараққий топмоқда. Улкан

муаммолар ечимига ҳамжихатликда киришилмоқда. Хуллас, тараккий этишни истган мамлакат мазкур жараёндан – глобаллашувдан четда туролмайди. Айтиш мумкинки, бу глобаллашувнинг бир томони. Иккинчи томонида эса...

Глобаллашув жараёни воситасида турли мафкуравий таъсирлар, оқимлар ҳам ҳаётимизга кириб келяпти. Мустақил фикр, соғлом дунёкараш, мустаҳкам ирода турли таъсир ва таҳдидлардан ҳимоя қилиши мумкин. Жамият иммунитетини мустаҳкамлаш учун маънавиятли инсонни тарбиялаш лозим. Мустақил таракқийтимизнинг бошиданок таълим-тарбияга, миллий кадриятларга, аждодлар бой маънавий меросига эътибор қаратилди.

Ҳозирги кунда дунёнинг мафкуравий манзарасига назар ташлайдиган бўлсак, мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам хавфлироқ эканини кузатиш мумкин. Шундан келиб чиққан ҳолда, ёшларимизнинг нафақат, жисман соғлом ва бақувват, балки юксак салоҳиятли, заковатли, мустаҳкам иродали, халқига, Ватанига садоқатли бўлиб тарбияланишига эътибор қаратилляпти.

Шарқ азал-азалдан ибодат-ҳаё, андиша, ор-номус маскани бўлиб келган. Хусусан, ўзбек халқи қадимдан ўз фарзандларини ибодат, ҳаёли, ифқатли қилиб тарбиялаган. Аммо глобаллашув, оммавий маданият, ғарбона турмуш тарзи сингари ёввойи тўлқинлар ҳаётимизга шиддат билан кириб кела бошлади. Диний ақидапарастлик, терроризм, миссионерлик, уюшган жиноятчилик сингари қанчадан-қанча ҳаёлат ва қабоҳат йўллари борки, улардан юрган киши эртами-кечми, албатта, афсус-надомат қангалига тушади.

Президентимиз томонидан «Юксак маънавият – енгилмас куч» деган ғоя бежиз эътироф этилмаган, зеро, юксак маънавиятли инсонларни ҳеч қачон енгил бўлмайди.

Инсон маънавиятига таҳдидлар ва улардан ўзини ҳимоя қилиш қўниқмалари таълим-тарбия, аждодлар панд-насихати, жамоа-маҳалла ибрати орқали шаклланади.

Президентимиз 2010 йил 12 ноябрдаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да ҳам фуқаролик жамияти, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига яна бир бор эътибор қаратиб, «Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида»ги Қонунни қабул қилиш ҳақида тўхталиб ўтилди.

Маҳалла бу «кичик Ватан», табаррук замин. Собиқ Шўролар даврида маҳаллаларга деярли эътибор бўлмаган. Мустақиллик туфайли «маҳалла» тушунчаси қайта тикланди. Президентимиз сўзлари билан айтганда: «Маҳалла ҳозир халқ ишончини қозонган адолат маскани ҳамда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш механизми бўлиб қолди».

Ҳаётимизда маҳалланинг ўз ўрни мавжуд. Ҳар қайси маҳалла оилалардан ташкил топади. Оилалардаги тинчлик-тотувлик маҳалла осойишталигининг гаровидир. Мафкуравий иммунитет, авваламбор, оилада сингдирилади. Оила инсон учун муқаддас даргоҳдир. Инсон ана шу даргоҳда улғаяди, вояга етади. Ҳар бир онгли инсон ўз оиласидаги фарзандлар тарбияси учун ўзи масъул. Чунки келажак авлоднинг ким бўлиб етишиши уларнинг тарбияси, уқуви ва баркамоллигига боғлиқ. Тартиб-интизом, одоб-ахлоқ, ўзаро ҳурмат бўлган оила маҳаллада ҳам ҳурмат билан тилга олинади.

Маҳалла турли касб соҳибларини, хилма-хил моддий шароитга эга бўлган кишиларни ягона мақсад: тинч-тотув яшаш, турмуш муаммоларини биргалашиб халқ қилиш, муҳтожларга ёрдам қўрсатиш, зарур ҳолларда ҳимоя қилиш каби муҳим

ижтимоий-ахлоқий вазибаларни ҳал этишга хизмат қилади. Ҳар бир инсоннинг ҳалол яшashi, фарзандларини тўғри тарбиялаши маҳалла билан узвий боғлиқ бўлади. Маҳалла ўз таъсир кучи билан поклик, адолат, инсоф, одоб, ҳаё йўлидан чиққан маҳалла аъзоларини тартибга чақиради, ўзаро келишолмай қолган оилаларни яраштириб, уларнинг яхши муносабатларини тиклашга қўмақлашади. Маҳалла халқимиз ҳаётининг ажралмас бўлагидир. Чунки гўдақликдан шу ажойиб масканда камол топади, оилада олинган тарбия маҳаллада такомилланиши. Маҳалла ўз ҳудудда яшовчиларни кузатиб бориб, унга баҳо беради, зарур ҳолларда химоя қилади, керак бўлса уни тартибга чақиради, тарбиялайди, жазолайди.

Ёшларни турли зарарли ғоялардан, гиёҳвандликдан, нопок кимсалар таъсирдан химоя қилиш, соғлом авлодни камол топтиришда маҳалла оксоқоли, унинг маслаҳатчилари, фаоллар, зиёлилар, илғор оилалар, ҳуқуқни химоя қилувчи органларнинг биргаликдаги самарали ҳамкорлиги фойдали ҳисобланади.

Ёш авлод – маҳалланинг келажаги. Маҳаллада истикомат қилувчи ҳар бир фуқаро жамият олдидаги масъулиятни теран ҳис қилиши шарт.

Мустақил Ўзбекистон ўзи танлаган юксак истиқболни кўзловчи йўлда собитқадамлик билан бормоқда. Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида олиб борилаётган иқтисодий салоҳиятни юксалтириш, эл-юрт тинчлигини таъминлашга қаратилган ислохотлар, айниқса, таҳсинга сазовор. Ватанимиз тинчлиги олий неъмат бўлиб, Президентимиз таъбири билан айтганда, «Тинчлик, осойишталик ҳар бир инсонга дахлдор бўлган ҳаётини заруратки, уни сақлаш шу юртда яшайдиган ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи бўлмоғи керак».

ЁШЛАРНИ МИЛЛИЙ ҒОЯ РУҲИДА ТАРБИЯЛАШДА БАДИЙ АДАБИЁТНИНГ ЎРНИ

У.КҶЧИМОВ – ЎЗДЖТУ

Маълумки, бадий адабиёт инсоншунослик ҳисобланади. У инсонни турли ракурсларда ўрғанади. Яъни инсоннинг муҳаббатини, хиёнатини, суратини, сийратини, эзгулигию ёвузлигини умумлаштириб айтадиган бўлсак, бутун аъмолини ўрғанади. Инсон калбида эзгулик ва ёвузлик туйғуларининг ёнма-ён яшashi ҳеч кимга сир эмас. Шундай экан, «техника асри» деб ном олган янги асрда ёшларнинг маънавий етук инсонлар бўлиб шаклланишида нималарга эътибор қаратиш лозим деган ҳақли савол туғилади. «Бутун дунё халқлари, – деб ёзади. Мойли Лафасов, бир-бирини тушуниб яшашга интилоғи лозим. Душманлик, ғайри кўзи билан қараш эмас, меҳр башариятни бирлаштиради... Аммо ўзгани тушуниш учун, ўзгага меҳр кўзи билан боқиш учун, аввало, инсон ўзлигини англаб етмоғи керак»¹.

Бирок инсон тафаккурининг ожиз нукталари ҳам бор. У техника тараққиятини ҳам янги ахборотларни ҳам тўлалигича фавқулотда қабул қилолмайди. Айниқса турли ниқоблар пардасига ўралган маълумотларни англаб, мағзини чақиш учун инсондан катта куч талаб қилади. «Аслида, – деб ёзади шоир Э. Воҳидов, – планетанинг «ё

¹ Лафасов М. Маънавий таҳдидлар ва унга қарши кураш йўллари. –Т.: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти. 2010 йил. 10-бет.

хаёт- ё мамоти» олдида, башариятнинг аламиди нидоси олдида кадим замонлар фожеалари нима деган гап? Эскиллар, Шекспирларнинг замонларида хаёт мамот саволи инсон олдида турган бўлса, бугун бу савол инсоният олдида турибди»¹. Эркин Вохидов тўғри таъкидлаганидек, бугун инсоният олдида ўз ечимини кутиб турган масалалар талайгина. Шулардан бири инсон онгини турли кўринишдаги маънавий тахдидлардан асраш, ёшларга маънавий меросимизни янада чуқурроқ сингдиришдир. Бунда бадий адабиёт ўзига хос ўрин тутати.

Бадий адабиётнинг бошқа жанрларида бўлгани каби фантастик асарларда ҳам мангу муаммолар ўртага ташланади ҳамда фантастик парда ортидан ечимини топиш йўллари кўрсатилади.

Ўзбек фантастикасининг энг етук вакили Ҳожиакбар Шайхоннинг «Туташ оламлар» романи мистик-фантастик асардир. Романда: «...бадий адабиётнинг мангу муаммолари – нур ва зулмат кучлари ўртасидаги кураш, хаёт ва ўлим масалаларини бадий тадқиқ этар экан, бу оламда ҳеч нарса – яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам исиз йўқ бўлиб кетмайди, инсоннинг ҳар қандай қилмиши (ваҳшийлик, қотиллик... маънавият-сизликнинг жами кўринишлари ва ҳоказо) ҳеч қачон жазосиз қолмайди»².

«Туташ оламлар» романининг бош қаҳрамонлари уч опа-сингил Назира, Наргиза ва Нафисалардир. Улар ажойиб қобилиятга – келажакка назар ташлаб, башорат қила олиш қобилиятига эга. Ёзувчи уларни фантастик ҳислат билан сийлайди. Романда реал қаҳрамонлар билан бирга руҳият дунёсининг энг зўр кучлари Фавсул Аъзам, Шайх Тохир, Тилла Шайх ва Шайх Хожа Асрор валийларнинг руҳлари опа-сингилларга ҳомийлик қилади, тўғри йўл-йўрик кўрсатиб туради.

Ҳожақбар Шайхон ижодининг марказида инсон қалби, инсон руҳи, руҳ озодлиги, инсоннинг тортган азоб-укубатлари ва инсон фожеалари туради. Асарнинг бош ғояси – эзгулик билан ёвузлик ўртасида тинимсиз олиб борилаётган курашлар.

Ёзувчи Назира образи орқали замонамизнинг ақлли, доно, билимдон, иф-фатли кизлари образини гавдалантиради. Бирок унга қарши курашувчи шайтонлар ва инс-жинслар раҳнамоси Улуспир ҳамда унинг малайлари Нур, Нут, Яос образлари, шунингдек, уларнинг югурдагига айланган, бутун эркини, ақлини уларга топширган Гулшодабону образи ҳам мавжуд. Гулшодабону образи мураккаб образ ҳисобланади. У асар воқеалари ривожига гоҳ Назиралар оиласига, гоҳ Улуспир малайларига хизмат қилади.

Ёзувчи асарда Назира, Наргиза ва Нафисаларни қадимда яшаб ўтган улуғ авлиё боболарининг руҳлари билан учраштириб, буюк аждодларимиз номларини абадийлаштиришга, уларга муносиб ворис бўлишга ёш авлодни чакиради. Ўзининг маънавий қарашларини ифодалашда турли ранг, рамз ва мажозларга чуқур фалсафий маъно юклайди. Шу орқали фантастик асар қаҳрамонларининг характер қирраларини, руҳиятларини очиб беради. Назира гўдаклик пайтида эмаклаб ҳовлига чиқиб кетади ва ариқдаги сувга тушиб кетади. Уни Шайх Тохир буваннинг руҳи келиб ариқдан олиб чиқади. Ёзувчи Шайх Тохир буваннинг психологик портретини қуйидагича чизади: «Вожаб, ариқчадан сал берида оппоқ салла ўраган, оқ ҳарир чопон кийган баланд бўйли оқсоқол мўсафид қизчасини кўтарганча ёш жувонга гинаомуз тикилиб турарди. Унинг оқариб кетган ўсиқ қошлари остидан қатта-қатта кўзларида кишининг ву-

¹ Вохидов О. Шоир шайху шуур. –Т.: “Ёш гвардия” нашриёти. 1987 йил. 29-бет.

² Шарафиддинов. Ҳожиакбарнинг сирли олами. Туташ оламлар, Икки жаҳон овораси. –Т.: “Шарк” нашриёти. 2001. 8-бет.

жудини жимиралигиб юборувчи аллакандай сирли бир ифода бор эди»¹.

Ёзувчи «оппок салла», «ок ҳарир чопон», «оксокол мўйсафид», дейиш билан ок рангнинг мажозий маъноларини қаҳрамон рухиятига, туйғуларга ҳамоҳанг тарзда ифодалайди. Чунки Шайх Тохир бобонинг тасвирини ўқиганимизда, кўнглимизда бир илиқлик самимийлик, ишонч туйғулари жўш уради. Халқимизда «оклик-поклик» деган нақл бор. Ҳожиакбар Шайхов Шайх Тохирни ок рангда тасвирлар экан, бу чизгилардан унинг яхши инсон, доимо яхшилик қилувчи, тўғри йўлга йўлловчи, кийин аҳволга тушган инсонларга ёрдам берувчи нуруний сиймосини кўрамыз.

Ҳожиакбар Шайхов Ғавсул Аъзам портретида ҳам ок рангдан фойдаланади. «Олтамиш тўрт ёшдаги барваста қоматли дароз одам қўринишида бўлиб, ихчам саллалари остидаги чеккаларига ок оралаган қорамтир майин сочлари тўлқин ҳолда елкаларига тушиб турарди... кўзлари ўта синчков боқар, бўлик соқоллари кўксига тушган ва бир текисда тарашланганди(18-бет).

Ёзувчи Ҳазрат Ғавсул Аъзамни ташки қўринишиданок инсонларга ғамхўр, меҳрибон, бағри кенг киши эканлигини тасвирлайди. Унинг «барваста қомати», «синчков боқишлари» уни алдаб бўлмаслигини, қатъиятли, иродали киши эканлигини билдиради. Олдига қўйган мақсад, вазифа, интилишларини ўзининг ҳам бажаришини, ўзгаларга ҳам бажартира олишини ташки тузилишига берилган чизгилардан биламыз.

Ёзувчи нурга ҳам китобхон эътиборини тортади. «Шу пайт ўз-ўзидан чирок ўчиб, дераздан тушиб турган ой нури катта хонани сутдек нурафшон қилиб юборди. Шу ондаёқ опа-сингиллар нимқатдаги оппок соқоллари кўксига тушган барваста қомат Шайх бувани кўришди(40-бет). Ёзувчи Ҳожиакбар Шайхов азиз авлиёларнинг руҳини нурга, ёруғликка ўхшатади. Чунки, ёруғлик, нур ҳаёт, яшаш рамзи демакдир. Ёзувчи азиз-авлиёлар ўтган жойлар, уларнинг руҳи келиб турган жойлар албатта обод бўлади, нурафшон бўлади деган бадний гоёни олға суради.

Ҳожиакбар Шайхов буюк алломаларни ок рангда тасвирлаган бўлса, Улиспир малайлари Нуж, Нут ва Яос, яъни инс-жинслар портретини чизишда қора ранг ва рамзлардан фойдаланади. Ок рангга қора рангни қарама-қарши қўяди. «...қалласи улкан шалпанқулоқ каламушни, танаси қора от қуйруғини эслатувчи Нуж исмли ёқимсиз инс-жинс думчасини аста ликиллатаркан...», «қўзойнакли илонга ўхшаган лекин бикинида ёлдор қанотчалари бор Нут исмли бадбин инс-жинс кўзларини совуқ чакнагиб...», «...жундор қора мушук қиёфасидаги Яос исмли манфур инс-жинс олд панжаси билан узун мўйловчасини мамнун силаркан...» (53-б).

Ёзувчининг Нуж, Нут ва Яосни қилмишларига мос «қаламушга», «Қора от қуйруғига», «қора мушук»ка ўхшатиб тасвирлашдан мақсад, ўзининг бермоқчи бўлган фикрига китобхонни мантикадан ишонтирмоқчи. Чунки қора ранг ёмонлик, зулмат ва ёвузлик тимсолидир. Шунингдек, қаламуш ҳам тимсоллар ичида кемирувчи, касаллик тарқатувчи, зарарқунанда, ёвузлик рамзи сифатида тасвирланади. Ана шу инс-жинслар Улуспирга ваъда бериб, қизларни Назира, Наргиза, Нафисаларни бадном қилиб, ер юзидан йўқотмоққа интилади. Лекин боболаримизнинг руҳлари уларни қўллаб тургани учун ёвуз инс-жинслар мақсадларини амалга ошира олмайдилар.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, ёзувчи Ҳожиакбар Шайхов ёвузлик

¹ Шайхов Х. Туташ оламлар. –Т.: «Шарк» нашриёти. 2001. 14- бет. (Изоҳ: кейинги мисоллар ҳам ушбу манбадан олингани учун қавс ичида саҳифасини кўрсатамыз).

ва эзгулик ўртасидаги азалий курашни турли ранглар, рамзлар воситасида тасвирлаш билан ёшларни буюк аждодларимиз руҳига муҳаббат, маънавий меросларимизга, ҳурмат, эътиқод ва оилага, жамиятга, Ватанга садоқат билан хизмат қилишга чақиради.

РЕПРОДУКТИВНЫЕ УСТАНОВКИ СЕМЕЙ УЗБЕКИСТАНА

Н.КАРИМОВА – ТошДТУ катта ўқитувчи

Семья – своеобразная система поддержки прав каждого члена, она обеспечивает своим членам экономическую, социальную и физическую безопасность; заботу о малолетних, престарелых и больных; условия для социализации детей и молодежи.

Именно семья для каждого из нас является неисчерпаемым источником любви, преданности и поддержки. Здоровая семья – рост рождаемости населения, залог стабильности и процветания любого общества.

Сегодня в Узбекистане проживает около 28,8 млн. человек. По численности населения республика занимает 3 место среди стран СНГ, после России (142 млн. чел.) и Украины (46 млн. чел.). Узбекистан по численности населения относится к средним странам. Республика занимает по числу жителей 43 место в мире и 18 в Азии.

За 1991–2009 годы численность населения Узбекистана выросла на 6,9 млн. человек и составила на 1 января 2009 года 27,5 млн. человек. Среднегодовые темпы прироста за это время составили 1,8%, а среднегодовой абсолютный прирост – 384,0 тыс. человек.

За предыдущее десятилетие (1980–1990гг) численность населения Узбекистана выросла почти на 4,5 млн. человек при ежегодном росте – 448 тыс. человек и среднегодовом темпе прироста – 2,8%.

Самые высокие темпы прироста в Узбекистане были отмечены в 1959–1970 годы, когда численность населения страны росла в среднем за год – на 3,8%.

В настоящее время, темпы роста численности населения соответствуют среднемировым показателям. За последние пять лет (2004–2009 гг.) среднегодовой темп прироста численности населения Узбекистана составляет около 1,4%, а абсолютный прирост за год – около 365,0 тыс. человек.

Узбекистан сегодня относится к странам с относительно высокими показателями рождаемости и естественного прироста населения, хотя в последние годы рождаемость коренного населения республики снизилась.

Сегодня коэффициент естественного прироста населения республики снизился более чем в 1,5 раза. За это же время (1991–2008 гг.), коэффициент рождаемости снизился т.е. сократился почти в 1,5 раза.

Коэффициент рождаемости в Узбекистане, сегодня выше среднемирового показателя на 3,6%, а уровень смертности (5,1%) значительно ниже среднего показателя в мире. Относительно высокие показатели естественного прироста населения Узбекистана обеспечиваются сегодня высоким демографическим потенциалом, заложенным в 80-е годы, которые характеризовались очень высокой рождаемостью коренного населения. В результате, в последнее время в фертильный (детородный) возраст каждый год в республике вступает 170–180 тыс. женщин.

Современный естественный прирост населения Узбекистана также будет со-

храняться в предстоящие годы в результате относительно высокой брачности и низкой разводимости браков, характерных для коренного населения. В расчете на 1000 человек населения, в республике приходится в последние годы в среднем 6–7 браков и лишь 0,6–0,7 разводов.

Анализ современной детности семьи в Узбекистане показывает, что наиболее распространенными в республике являются семьи с двумя или тремя детьми, т.е. двухдетная (25,0%) или трехдетная (23,6%) семьи (см. рис.1).




Рис.1. Количество детей в семье в целом по республике и в зависимости от места проживания, %

* Здесь и далее приводятся результаты социологического опроса: «Семья и нравственность» проведенного в феврале 2010 года. Количество респондентов – 1794 чел.

Менее характерны для населения республики семьи с одним ребенком или четырьмя детьми (12,4% и 12,3% соответственно). Еще реже встречаются семьи, в которых пять (6,5%), шесть (4,9%), семь (0,4%) или восемь (0,6%) детей.

Существуют определенные различия в детности для городских и сельских семей. Во-первых, городских семей, в которых один или два ребенка, больше, чем сельских (один ребенок – 15,8% и 10,4%, два ребенка – 28,7% и 22,9% соответственно). Во-вторых, сельские семьи в 1,7 раза чаще имеют четверо детей, чем городские (14,5% и 8,4% соответственно). В-третьих, наблюдается сближение процента городских и сельских семей, имеющих 5–8 детей.

Анализ детности в зависимости от уровня образования населения не обнаружил отчетливой взаимосвязи между образованием и количеством детей в семье. Следует, также отметить, что однодетная семья более свойственна лицам со средним (12,4%) и средне-специальным (15,0%) образованием, чем для людей с неполным средним (5,3%) или высшим образованием (10,4%). В социологических опросах прошлых лет, вплоть до начала 80-х годов XX века, на вопрос об идеальном представлении количества детей в семье: «Сколько лучше всего иметь детей в семье?» типичным ответом среди коренного населения был: «Чем больше, тем лучше». На вопрос о желаемом количестве детей в семье: «Сколько детей Вы собираетесь иметь?» абсолютное большинство отвечало: «Сколько Бог даст».

Сегодня таких ответов практически нет. Репродуктивные установки и кон-

кретные намерения иметь определенное количество детей в семье резко снизилось. Результаты ответов респондентов о желаемом количестве детей в семье в разрезе городского и сельского населения представлены на рисунке 2.




Рис. 2. Распределение ответов на вопрос: «Сколько в семье лучше всего иметь детей?» в зависимости от места проживания, %

Как видно, и городские, и сельские жители Узбекистана желают иметь в своих семьях в основном двоих, троих и четверых детей. В частности, двоих детей желают иметь 31,7% горожан и 20,3% сельских жителей, троих – соответственно 30,5% и 23,8%, четверых – 23,4% и 37,6%.

Желание иметь пятерых и более детей высказали всего 10,9% мужчин и 11,5% опрошенных женщин, 6,2% молодых респондентов в возрасте 16–20 лет, 6,2% – в возрасте 21–24 года и 4,3% – в возрасте 25–29 лет.

Мнение респондентов о том, сколько они собираются иметь детей, представлено на рисунке 3.



Рис. 3. Распределение ответов на вопрос: «Сколько всего Вы лично собираетесь иметь детей?», %

Как видно, почти каждый четвертый участник опроса больше не собирается иметь детей в связи с тем, что они у него/у нее уже есть. Далее, по убыванию, респонденты указывают, что они лично собираются иметь двоих (21,5%), трех (21,2%) или четырех (19,1%) детей.

Существенных различий в намерениях иметь определенное количество детей в семье между городскими и сельскими жителями, между мужчинами и женщинами и по возрастам не наблюдается.

В социальном же срезе, репродуктивную установку на многодетную семью (пять детей в семье) проявляют чаще всего дехкане (11,0%) и фермеры (13,6%) (в среднем по республике 5,0%), а на двухдетную семью – учащиеся и студенты (36,3%, в среднем по республике 21,5%).

Различия в репродуктивных установках особенно показательны в образовательном разрезе, что представлено в таблице 3.

Таблица 3

Распределение ответов на вопрос: «Сколько всего Вы лично собираетесь иметь детей?», в зависимости от образования, %

Количество детей	Образование				Всего
	неполн. среднее	среднее	среднее спец.	высшее	
Ни одного	1,1	0,5	0,4	0,5	0,5
Одного	1,1	7,2	5,1	4,3	5,6
Двоих	16,8	15,9	26,5	26,5	21,5
Троих	18,9	22,5	21,6	18,6	21,2
Четырех	28,4	20,7	18,3	15,0	19,1
Пятерых	4,2	3,3	5,7	7,6	5,0
Больше пяти	7,4	2,6	1,6	1,8	2,4
Сколько Бог даст	1,1	0,4	0,2	2,0	0,7
Затрудняюсь ответить	1,1	0,5	1,3	1,3	0,9
Больше не собираюсь, достаточно имею детей	19,9	26,4	19,3	22,4	23,1
Всего	5,3	42,3	30,5	21,9	100,0

Намерение иметь двух детей чаще демонстрируют более образованные респонденты – 16,8% с неполным средним образованием, 15,9% – со средним, 26,5% – со средне-специальным, 26,5% – с высшим. Желание иметь четверых детей прослеживается чаще у менее образованных людей – 28,4% с неполным средним, 20,7% – со средним образованием, 18,3% – со средне-специальным, 15,0% – с высшим.

Социологический опрос позволил выявить основные факторы, которые формируют новые репродуктивные установки населения Узбекистана (см. рис. 4).

Как видно, основной причиной планирования числа детей в семье (59,4%) является экономическое состояние семьи, далее следуют здоровье супругов и их мировоззрение, особенности национальных и местных обычаев, психологическая обстановка в семье и религиозное мировоззрение. Это свидетельствует о том, что среди тех, кто планирует количество детей в семье, доминирующим является желание поставить своих детей на ноги, обеспечить им оптимальные условия для

развития, что во многом определяется как экономическим состоянием семьи, так и здоровьем супругов. При этом, большее внимание на экономическое состояние семьи обращают жители города (66,5%) по сравнению с сельскими жителями (55,4%), мужчины (62,2%) по сравнению с женщинами (56,5%).

Таким образом, произошёл переход от многодетности к среднететности. Сегодня, сельские жители собираются иметь в семье 3–4-х детей, а горожане 2–3 ребенка.

Абсолютный прирост населения Узбекистана будет заметно увеличиваться, главным образом за счет возрастания общей численности населения республики, которая в 2015 году предположительно составит 29,6 млн. человек.

Сегодня национальная политика республики направлена, главным образом, на качественное развитие семей. Качество семьи определяется следующими характеристиками:

- состояние здоровья семьи;
- средняя продолжительность жизни семьи;
- уровень образования семьи;
- уровень и структура профессионально-технической подготовки семьи;
- национальные ценности, семейно-бытовые обычаи, народные традиции и их сохранность;
- приверженность к общечеловеческим ценностям.

ОИЛА ВА ЁШЛАР

Қ. БЕГНИЯЗОВА – ЎзДЖТУ талабаси

Оила бу ҳар биримизни совуқ, қорли бўрон, иссиқдан ҳимоя қилгувчи кўрғон ҳисобланади. У – муқаддас дарғохимиз. Биргина шу муқаддас сўзининг оилага нисбатан ишлатилишида чуқур маъно ва моҳият мужассам. Зеро, миллатнинг эртанги кунига дастлаб оилада пойдевор қўйилади. Унда ҳаётнинг давомийлигини таъминловчи авлод шаклланади. Миллий маданият, урф-одат, ахлоқий-маънавий кадрятлар асраб-авайланади. Жамият таракқиётининг иқтисодий фарвонлик ва маданий юксалишига асос солинади.

Оила – инсоннинг илк устози. У одамга ҳаётни ўргатади. Эртанги кун учун зарур бўладиган ирода, жасурлик ва меҳрни қалбга жойлайди. Бундай одамдан эса ҳеч қачон ёмонлик кутиб бўлмайди. Негаки, болалиқда оилада сингдирилган туйғулар тоза ва мусаффо, бардавом бўлади. Оиласиз одам қанотсиз қушга ўхшайди. Уча олмайди. Қанчалик парвозга шайланмасин, баланд кўтарилмай яна ерга қўнишга мажбур бўлади. Демак, оиланинг кадри шундай беқиёс. Унинг таърифини ортиқча келтиришнинг эса ҳожати ҳам йўқ.

Бугунги кун учун маънавиятли одамлар керак. Негаки, шиддат билан ўзгараётган турмушимизнинг фарован бўлишида шундай инсон зарур. Фан-техника ривожини сабаб туйғулар ҳам техникалашмоқда. Бундай хавfli ҳолатнинг олдини олишда маънавиятли одамларнинг ёрдами лозим. Улар жамиятни тарбиялайди. Бошқаларга ўрнак бўлади, орқасидан эргаштиради. Ҳозирда дунё мамлакатларининг аксариятидаги асосий муаммо – бу жаҳон иқтисодий инкирозининг олдини олиш эмас, балки ёшлар маънавий қиёфасини яхшилаш ҳисобланади. Негаки, чет

давлатларда ёшларнинг маънавияти ижобий даражада эмас. Ҳозирда биз ахборотга қурилган замонда яшайпмиз. Дунёнинг турли нуктасидан келаётган ахборотларни доимий истеъмол қилаёпмиз. Хохлаймизми, йўқми ушбу ахборотларнинг айримларида яширин ҳужумлар бўлади. Буни эса ҳамisha ҳам вақтида англайвермаймиз. Табиийки, шундай ахборотлар инсон психологиясига таъсир қилади. Натижада, маънавий оғиш бошланади. Одам бир оғдими, уни қайта тарбиялаш жуда кийин бўлади. Шунинг учун ҳам бутунги куннинг асосий талаби – бу ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларни турли ёғ гоё ва таъсирлардан асраш ҳисобланади.

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан 2012 йилга мамлакатимизда «Мустақкам оила йили», деб ном берилишини инсон манфаатларига йўғрилган ислохотларимизнинг изчил давоми сифатида таъкидлаш жоиз. Оила мустақкамлиги масаласига умумдавлат миқёсида эътибор қаратилаётгани унинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маънавий вазифалар тизимидаги ўрни ва улкан аҳамиятини яққол кўрсатиб турибди.

Истиқлолнинг дастлабки йиллариданок, мамлакатимизда оила манфаатларини ҳимоялашнинг ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий асосларини умуминсоний ва миллий кадриятлар муштараклигида янада бойитиш, чуқур билимли, касб малакаси шаклланган маънавий ва жисмоний соғлом авлодни вояга етказиш борасида кенг камровли ишлар бошлаб юборилди. Хусусан, Конституциямизда алоҳида бобда оиланинг ижтимоий мақоми аниқ белгиланди. Оила, Фуқаролик, Уй-жой кодекслари, бошқа қонун ҳужжатларида оилавий муносабатларнинг азалий кадриятлари ўз ифодасини топди.

Шунингдек, ўтган йиллар давомида Президентимизнинг аҳоли даромадларини ошириш, ёш оилаларни уй-жой билан таъминлаш, тадбиркорлик, касаначилик, хунармандчилик ва оилавий бизнесни ривожлантиришга қаратилган фармон ва қарорлари қабул қилинди, мақсадли давлат дастурлари ҳаётга татбиқ этилди. Ҳар бир фуқаронинг ҳалол йўл билан фойда олиши, оиласининг тўкинлиги, фаровонлигини таъминлаши учун зарур шарт-шароитлар яратилди.

Жамиятнинг муҳим бўғини оилани мустақкамлаш, юртимиздаги маънавий ўзгаришлар асосида ривожлантириш, нуфузини оширишга доир режалаштирилган дастурларни бажаришда жамиятнинг барча институтлари, айниқса, ўзини ўзи бошқариш органлари – маҳаллалар ҳам ўз имкониятларидан кенг фойдаланган ҳолда фаол иштирок этмоқда. Албатта, бу ҳаракатлар ўзининг натижасини кўрсатиши табиий. Аммо яна ёшлар маънавияти масаласига келганда гап оилага келиб такалади. Оиланинг мустақкамлигини таъминлайдиган нарса – бу унинг иқтисодий имконияти ҳисобланади. Шунинг учун ота-она фарзандини кичкиналигидан бирон касбга йўналтириши ва унинг таълим олиб, ўзини таъминлай оладиган даражада қилиб тарбиялаши керак.

Қуш уясида кўрганини қилади. Бола тарбиянинг дастлабки дарсини оилада олганида асосий таққос қиладиган инсонни ота-онаси ёки, оиладаги бошқалар ҳисобланади. Шунинг учун ота-она фарзандларига ҳар томонлама ўрناق бўлиши керак. Улар болага бола сифатида эмас, катталардек муносабат қилиши лозим.

Инсоният янги тамаддунга қадам қўйганини ҳар нафасда ҳис қилмоқдамиз. Бу нарса умумбашарий тамойилларга урғу берилган ҳолатда миллий маънавиятнинг эврилиши, кадриятларнинг ўзгариши ёки алмашиши ҳодисалари мавжуд замонавий тафаккур тарзида яққол намоён бўлмоқда. Бутун дунёда кадриятлар алмашиши, интеграциялашув, глобаллашув, агар таъбир жоиз бўлса, маданиятлар аралашуви, синтезлашуви жараёни кечаётган ҳозирги пайтда ўзга урф-одатларга, маънавий тамойил-

ларга мойил бўлиш табиий ҳол. Қўплаб тадқиқотчилар истилоҳларида кишилар онгини дастурлаш, ахборот экспансияси, маданий гегемонлик, маданий империализм каби иборалар қўлланмоқда. Унда янги маданий тамойилларга кўр-кўрона эргашиш, ҳукмрон маданий ахлоққа бўйсунуш каби ҳодисалар кечади. Ачинарлиси шундаки, демократик тамойиллар ва либерализм турткилари таъсирида виждон ва индивидуал хусусият билан боғлиқ бу ҳодисаларда ҳеч ким айбланмайди. Ушбу жараён нафақат катталарга, ҳатто болалар психологиясига ҳам таъсир қилади. Кичик дўстларимиз жажжи маънавий дунёсини эгаллаш борасида турли ахборот расталаридан ташқари яна мафқуравий бозорларда ҳам «савдо» кетмоқда. Болалар онгу шуурини эгаллаш курулларидан бири компьютердаги Интернет тармоғи ҳисобланиб, у бошқа воситаларга қараганда етакчилик қилмоқда.

Ҳозирги пайтда эса компьютер ва Интернет аввалги кизиқишларни ёш авлод ҳаётидан сиқиб чиқарди. Замонамиз ёшларининг 70 фоизи ўз кизиқиш ва сеvimли машғуллотлари ҳақида сўз юритганда спорт, дўстлар билан суҳбатлашиш, маънавий ва маданий ҳордиқ чиқариш билан бир қаторда компьютер технологиялари, Интернетга бўлган кизиқишини биринчи ўринда тилга олади. Бундан ҳам қўринадики, ёшлар масаласида маънавиятга биринчилардан бўлиб эътибор қаратиш керак.

Шулардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, маънавиятимизга, келажакимизга «оммавий маданият» каби хавф-хатарлар раҳна солиб турар экан, бизнинг бу борадаги вазифаларининг методологик асосини бундай курашларда орттирилган тажрибаларни, янгиликларни қабул қилиш, қадриятларга, аждодлар руҳига таяниш ва янгиликларнинг ижодий раvнақини тарбиялаш бўлиши лозим. Биз айниқса, глобаллашган, тезкор коммуникациялашган, тўлиқ ахборотлашган мафқуравий гўкнашувлар кучайган, Президент Ислам Каримов таъбири билан айтганда, «Маълум бир давлатлар ва сиёсий кучларнинг манфаатларигагина хизмат қиладиган, олис-яқин манбалардан тарқаладиган, турли маъно-мазмундаги мафқуравий кучларнинг таъсири» (Каримов И.А. Жамиятимиз мафқураси халқни – халқ, миллатни – миллат қилишга хизмат этсин.) доимо билиниб турадиган даврда яшаётган эканмиз, энг аввало ёшларимиз онгида мафқуравий бўшлиқ пайдо бўлишига йўл қўймаслигимиз лозим. Ёшларда ташқи гоъвий таъсир ва хуружлардан ҳимоя қиладиган мустаҳкам маънавий иммунитетни шакллантириш керак бўлади. Бунинг учун ёшларимизга эркин, мустақил фикр юритишни ўргатиб бориб, иймон-этиқодли, ақл-заковатли, иродаси мустаҳкам, доно, турли ахборотлар қаршисида ўз фикрига эга бўлишига маънавий-моддий мадад кўрсатишимиз талаб этилади. Қолаверса, оила институтларини яратиш, ёш оилаларни ҳаётга тарбиялаш ва ёшлар онгида маънавий бўшлиқ қолдирмаслигимиз керак. Шундагина ёшлар зарарли таъсирлардан ўзини ҳимоя қила олади.

ЗАРАРЛИ ТАЪСИРЛАРГА ҚАРШИ КУРАШДА МАҲАЛЛА ВА ОИЛАНING ТУТГАН ЎРНИ

А. ИМОМАЛИЕВА – ЎзДЖТУ талабаси

Фарзанд тарбиясида оила ва маҳалланинг роли каттадир. Тарбия тўғри берилиши учун эса албатта, оила мустаҳкам бўлиши керак. Бугун мустаҳкам оилани шакллантиришда маҳалла қошида фаолият юритаётган диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, Яраштириш, Маънавият тарғиботи, Ёшлар

билан ишлаш комиссияларидаги вакиллар зиммасидаги масъулиятни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Улар фаолиятларида асосий эътиборни аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида маънавий-ахлоқий тарбия ишларини олиб бориш, оилаларнинг ижтимоий-маънавий аҳволини ўрганиш, нотинч оилаларни ўз вақтида аниқлаб, улар билан яқка тартибда ишлаш, хогин-қизларни фойдали меҳнатга жалб этиш, миллий кадриятларимизни тарғиб этадиган тадбирлар уюштиришдек масъулиятли вазифаларни изчил амалга оширишга қаратиб келаётир. Чунончи, республикамиздаги ўн мингга яқин ўзини-ўзи бошқариш органларида фаолият юритиб келаётган жами 8135 нафар диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар зиммасига оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, оила аъзоларининг бандлигига қўмаклашиш, оилада соғлом муҳитни қарор топтиришда зарур маслаҳат ва аниқ йўл-йўриқлар кўрсатишдек долзарб вазифалар бириктирилган.

Шубҳасиз, оила мустаҳкамлигининг асосий омилларидан бири унинг қонуний ва меҳр-муҳаббат асосида қурилганидир. Шу боис, оилалар билан яқка тартибда суҳбат олиб бориш, уларнинг муаммоларини ҳал этишда маслаҳатчилар ҳамда ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ўзгазилаётган тадбирлар яхши самара бермоқда. Хусусан, хотин-қизлар қўмитаси, ФХДЁ бўлимлари, ҚВП ва оиларий поликлиникалар ҳамкорлигида аҳоли ўртасида оила ва никоҳ муносабатларининг қонунийлигини таъминлаш, ёшларни турмушга тайёрлаш, никоҳдан аввал тиббий кўрикдан ўтказишга бағишланган турли маънавий-маърифий тадбирлар уюштирилаётир. Бундай тадбир ва тарғиботлар ёшларнинг мустаҳкам оила қуришларига замин яратади.

Инсон табиатидаги энг яхши фазилатлар, дунёқарашини белгилайдиган маънавий мезонлар аввало оила, маҳалла, қолаверса, мактаб бағрида куртак ёзади. Ҳар бир боланинг эртага қандай инсон бўлиб вояга етиши, иқтидорининг шаклланиши мана шу уч муҳим бўғин ҳамкорлиги ва таълим-тарбиясига боғлиқ. Барчамизга яхши маълумки, таълимни тарбиядан, тарбияни таълимдан айро ҳолда тасаввур қилиш мумкин эмас. Эртанги кун эгалари бўлган ёш авлоднинг ҳар томонлама барқамол инсонлар бўлиб вояга етишида нафакат ота-она ёки ўқитувчи, балки қўни-қўшни, маҳалла-қўй ҳам бирдек жавобгар. Шу маънода, ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятида йўлга қўйилган «Оила-маҳалла-мактаб ҳамкорлиги» концепцияси таълим ва тарбия самарадорлигини оширишда муҳим омилдир. Эндиликда маҳалла маслаҳатчилари ва турли комиссиялари иштирокида ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, йиғинлар ва ўқув муассасалари қошида ташкил этилаётган турли бадий ва ҳунар тўғараклари, спорт машғулоти ёшлар ўртасида майда безорилик, жиноятлар, иллатларга берилиш ёхуд зарарли оқимлар таъсирига тушиб қолишнинг олдини олишда қўл келмоқда.

Жорий йилга «Мустаҳкам оила йили» номининг берилиши замирида ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, обод ва фаровон турмушини таъминлаш мақсади борлигини англаш кийин эмас. Зеро, оила мустаҳкамлигини таъминлашда иқтисодий барқарорлик муҳим мезондир. Халқимиз азалдан тадбиркорлик, ҳунармандчилик билан шуғулланиб келган. Қасб-қори орқали оиласини, турмушини фаровон қилган. Халқимизнинг бундай тадбиркорлик фазилатлари бутун юртимиз маҳаллалари, гузарлари тимсолида кишлоғу шаҳарларимиз кўркига кўрк қўшиб турибди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда томорқачилик, паррандачилик, чорвачилик, боғдорчилик, ҳунармандчилик каби оилавий бизнес тармоқларини ривож-

лантиришга доир кенг имконият ва имтиёзлар яратилди. Оилавий бизнес орқали фаровон ҳаёт кечириётган юртдошларимиз сафи кун сайин ортиб бормоқда. Эндликда, касб-хунар коллежини битирган ёш йигит-кизлар фуқаролар йиғини кўмагида банкдан имтиёзли кредит ва керакли ускуналар олиб тадбиркорликни иўлга қўймоқдалар. Турли маиший хизмат ва ишлаб чиқариш корхоналари очиб, юрт тарақиётига ҳисса қўшишга интилмоқдалар. Шу маънода, маҳаллаларни оилавий бизнес ва хусусий тадбиркорлик марказларига айлантиришда ёш оилалар иштирокини ошириш айтиш мумкин.

Оилани муқаддас билиш ва унинг мустақкамлиги учун курашиш бизнинг кон-конимизга сингган юксак маънавий туйғу, ҳаётний аъмолдир. Зотан, Президентимиз Ислам Қаримов «Юксак маънавият – енгилмас куч» китобида таъкидлаганидек, ҳаёт абадийлиги, авлодлар давомийлигини таъминлайдиган маънавият кўрғони бўлиши оилани мустақкамлаш бутунги кунда барчамизнинг наинки асосий вазифамиз, балки инсоний бурчимиздир.

Инсоният янги тамаддунга қадам қўйганини ҳар нафасда ҳис қилмоқдамиз. Бу нарса умумбашарий тамойилларга урғу берилган ҳолатда миллий маънавиятнинг эврилиши, кадриятларнинг ўзгариши ёки алмашиши ҳодисалари мавжуд замонавий тафаккур тарзида яққол намоён бўлмоқда. Бутун дунёда кадриятлар алмашиши, интеграциялашув, глобаллашув, агар таъбир жоиз бўлса, маданиятлар аралашуви, синтезлашуви жараёни кечаётган ҳозирги пайтда ўзга урф-одатларга, маънавий тамойилларга мойил бўлиш табиий ҳол.

Хулоса ўрнида шуни айтмоқчиманки, соғлом, илмли ёшларни тарбиялашда ота-она, маҳалланинг иштирокини янада ошириш талаб этилади. Яъни ота-оналар ва маҳалла эндигина ўсиб келаётган ёшларни катъий назоратда тутиши лозим. Зеро, Ватанимиз келажаги эгалари турли оқим ва иллатларнинг қулига айланмасин. Улар юксалиб аждодларига муносиб авлодлар бўлиб етишсин.

ОИЛА ТИНЧ БЎЛСА, ВАТАН ТИНЧ!

Д. САЙДУЛЛАЕВА – ЎзДЖТУ талабаси

«Оила ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини, келажак авлодларни қопил инсонлар бўлиб етишишларини таъминловчи, миллий урф одатларимизни авлодлардан авлодларга етказувчи тарбия ўчоғи эканини тан олишимиз даркор.»¹

Ислам Қаримов

Оила муқаддас даргоҳ. У жамиятнинг кичик бир бўлаги, негизи. Оила ватан ичра кичик бир Ватандир. Ватан остонадан бошланади. Эндигина дунёга келган гўдак учун она бағри – Ватан. У улғая борган сари «Ватан» тушунчасини янада кенгрок англай бошлайди. Оила – ўзи вояга етаётган хонадон, унинг учун энг қадрдон маскан.

Оила – бу ота-она, фарзандларимиз, бизга кадрдонлар, ғамхўрлик улашишни истаган барча инсонларимиз. Оила бу – ёрқин ва меҳрга тўла дунё. Ҳар бир

¹ Қаримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: «Маънавият» 2008, 112- бет.

инсон ҳаётга мана шундай меҳрга тўла бўлган ўз дунёсини яратишни истайди. Бундай дунёнинг яратилиши эса фақатгина инсоннинг ўзигагина эмас, балки ён-атрофдагиларга ҳам боғлиқдир.

Инсонларни, оилаларни бир-бирига жипслаштирувчи даргоҳ бу – маҳалла. Маҳалла – ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик ва тотувлик маскани. Оилаларнинг тинчлиги, хотиржамлигини таъминлаш, ёшларни маҳалла ва оила шаънига масъул инсонлар қилиб тарбиялаш ҳам айни шу ерда амалга оширилади. Шунинг учун ҳам «Бир болага етти маҳалла ҳам ота-она» деган ҳикматли мақол бежизга айтилмаган.

Инсоннинг оилада шаклланган ва сайқал топган иймон-этикоди, одоби, орияти ва виждони, ақл-заковати, маҳалла микёсида янада юксалиб жамиятда соғлом муносабатларнинг шаклланишига замин ҳозирлайди.

Агар маҳалладаги аҳиллик оиланинг мустаҳкамлиги гарови бўлса, ўз навбатида, мустаҳкам оила маҳалланинг ободлиги ва тинчлиги, аҳоли хотиржам яшашининг мезонидир. Мана шундай омилларни ҳисобга олган ҳолда, жамиятимизнинг асоси бўлмиш оила институтини янада муътаҳкамлаш ва ривожлантириш, оилаларни, айниқса, ёш оилаларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий, иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда қўллаб-қувватлашни кучайтириш, жисмоний соғлом, маънавий етук ва ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбиялашда оиланинг ролини ошириш, мустаҳкам, соғлом оилани шакллантиришда маҳалланинг мавқеини кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 13 декабрдаги Ф-3760 сон фармонида мувофиқ 2012 йил Ўзбекистон Республикасида «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилинди. Бу биринчи навбатда, оилада ижтимоий, маънавий муҳитнинг барқарор бўлишига хизмат қилади ҳамда оила аъзолари ўртасидаги илиқ, меҳрли муносабатлар, мулоқотлар натижасида ўзига хос маънавий муҳит юзага келишида замин яратади.

«Оила соғлом экан – жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан – мамлакат барқарор» деган инсонпарвар тамойилдан келиб чиққан ҳолда, «Мустаҳкам оила йили» давлат дастурини амалга оширишнинг энг муҳим йўналишларини таҳлил қиладиган бўлсак, унинг асл моҳияти:

– бугунги кун талабларини ҳисобга олган ҳолда қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, амалдаги қонун ҳужжатларида оила институтини ривожлантириш ва такомиллаштиришига қаратилган зарур ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, янги қонунлар, қоида ва меъёрларни ишлаб чиқиш, бу масалага жамиятимиз эътиборини янада кучайтириш;

– ёш оилаларга эътибор ва ғамхўрликни кучайтириш, уларни ҳуқуқий ҳимоя қилишини таъминлаш, моддий ва маънавий жиҳатдан кенг қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, қулай ва шинам уй-жой билан таъминлаш, зарур имтиёз ва афзалликлар бериш;

– биринчи навбатда эҳтиёжманд оилаларнинг муаммоларини ҳал этишда давлат ва жамият томонидан ғамхўрликни янада кучайтириш, уларга моддий ёрдам кўрсатиш ва фарзандларни тарбиялашда ижтимоий қўллаб-қувватлаш, муносиб ижтимоий-маиший шароитлар яратиш, бунда оилани мустаҳкамлашда асосий юкни ўз елкасига олган аёлларга алоҳида эътибор қаратиш;

– «соғлом она – соғлом фарзанд» тамойилига мувофиқ оила саломатлиги, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш;

– жамиятимизнинг маънавий негизларини янада ривожлантириш, азалий миллий кадриятларни асраб-авайлаш ва мустаҳкамлаш, жамиятимизда юксак

маънавий мухитни кенг қарор топтириш, миллий менталитетимизга мутлако ёт бўлган ва кучайиб бораётган турли зарарли таъсирларга қарши туришда оиланинг ўрни ва аҳамиятини ошириш каби масалалардан иборат.

Бугунги кунда «оммавий маданият» деган тушунча турли хил жабҳаларда турлича намоён бўлаётганлигини кўришимиз мумкин ва бу ёшларимизнинг оила қуришлари, никоҳдан ўтишларига ўз таъсирини кўрсатмоқда. «Гуруч курмаксиз бўлмагани» сингари оила ва никоҳ масалаларига енгил-елпи қарайдиган, хирс ва хавас, бойликнигина ўйлаб яшаётганлар ҳам йўқ эмас. Мана шундай ҳолатларнинг сонини камайтириш ва олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Оила Кодексининг 14-моддасида никоҳ тузишнинг ихтиёрийлиги, 15-моддасида Ўзбекистонда яшаётган ва Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган аёллар 17 ёшдан, эркеклар эса 18 ёшдан никоҳ қуриши белгилаб қўйилган.¹

Узрли сабаблар бўлганида, алоҳида ҳолларда никоҳга киришни хоҳловчиларнинг илтимосига кўра, никоҳ давлат рўйхатидан ўтказиладиган жойдаги туман, шаҳар ҳокимлиги, никоҳ ёшнини кўпи билан бир йилга камайтириши мумкинлиги белгиланган.

Жамиятимизда йилдан йилга ёш оилалар сони кўпаймоқда. Уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, муносиб ижтимоий-маиший шароитлар яратиш мақсадида, Президентимиз Ислоҳ Каримов ташаббуси билан ҳукуматимиз томонидан ёш оилалар уй-жой билан таъминланмоқда, уларга имтиёзли кредитлар берилмоқда. Ушбу амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлардан кўзланган асосий мақсад, ҳар томонлама ривожланган, камолот чўккиси сари одимлаётган авлодларни тарбиялашда оиланинг ролини оширишдан иборатдир.

Оиланинг устун ота-она экан, уларнинг маънавий фазилатлари ҳар бир фарзанд учун муҳим аҳамият касб этмоғи лозим. Дарҳақиқат, оила муқаддас, оила миллий-маънавий бойликларнинг йиғиндисидир. Чунки, оила кичик, аммо ўз қонун-қоидалари мавжуд бўлган жамиятдир. Оилани ҳар биримиз эъзозлашимиз, унинг юксаклиги ва тинчлиги учун курашмоғимиз шарафли ва инсоний бурчимиздир.

МАЪНАВИЙ ТАҲДИДЛАР ВА УЛАРНИНГ КЎРИНИШЛАРИ

*Н.ЭШОНҚУЛОВА – к/ў,
Г.САТТОРОВА, А.ХУДОЙБЕРДИЕВА.*

Дунёдаги ҳар бир халқнинг ўзига хос анъаналари, урф-одатлари миллий қадриятлари бор. Муайян заминда куртак очиб, неча юз йиллар давомида шаклланган ва сайқал топган маънавий мезонлар шу миллатнинг, шу халқнинг бебаҳо бойлиги ҳисобланади. Ҳаётимизга шиддат билан кириб келаётган техника ва технологиялар, глобаллашув жараёнларида бундай бойликнинг моҳиятини янада чуқурроқ англаш долзарб аҳамият касб этади. Бугун кескин тус олаётган «оммавий маданият» ҳам маънавий таҳдидлардан биридир.

Замонавийлик, тезкор тараққиёт билан ҳамқадам бўлиш ёшларимизнинг ҳаёт тарзига айланиб бормоқда. Албатта, бу қувонарли ҳол. Чунки бир неча тилда

¹ Ўзбекистон Республикаси Оила Кодекси – Т.: 1998 йил, 23-бет.

бемалол сўзлаша олиш, интернет оламига кириб дунё янгиликларидан бохабар бўлиш имкониятининг мавжудлиги уларнинг билими, дунёкараши кенгаётганидан дарак беради. Бирок глобаллашув жараёнларида турли ғоялар кураши, ахборот хуружлари, мафкуравий тайиқлар тобора авж олаётгани сир эмас. Бугун арзимасдек туюлган кичик хабар ҳам одамларнинг, айникса ёшларнинг ҳаётини ўзгартиришга қодир куч бўлиши мумкин¹.

Айни пайтда дунёда демократия ва эркинлик, ошкораликнинг «ягона модел»ини зўр бериб тарғиб қилаётган бузғунчи кучлар инсонлар онгига таъсир кўрсатишининг турли йўлларида фойдаланишга ҳаракат қилмоқда. «Оммавий маданият» ана шу йўлда жуда муҳим вазифани – инсон маънавиятини йўқотиш орқали уни бўйсундиришга хизмат қилади. Уларнинг фикрича, ҳар бир миллат, мамлакатнинг миллий маданияти, маънавияти ва кадриятлари «эскилик саркити» бўлиб, улар «кўз-кўз» қилаётган «маданият» эса инсон ҳуқуқларини чекламайдиган, ҳар ким эркинлигидан бемалол фойдаланишга асосланган эмиш.

Шу ўринда бобокалонимиз Алишер Навоийнинг қуйидаги сатрлари ёдга тушади:

Олдиға қўйганни емак – хайвон иши,

Оғзига келганни демак – нодон иши.

Бу сўзларни чуқур таҳлил қилсак, ҳар бир нарсага эркинлик берадиган «оммавий маданият» никобининг тагидаги асл мақсад яққол кўринади.

Аслида «оммавий маданият» соясида кириб келаётган ахлоқсизлик, беҳаёлик, зўравонлик ва бузқулик каби иллатлар дунёдаги ҳеч бир халқнинг миллий маданиятига ҳам, умумбашарий кадриятларга ҳам тўғри келмайди. Хусусан, бизнинг заминимизда туғилиб ўсган, жаҳон маданияти ва цивилизациясига улкан ҳисса қўшган Имом Бухорий, Бурҳониддин Марғилоний, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Мирзо Улуғбек ва бошқа кўплаб буюк аждодларимиз қолдирган мерос бугун ҳам долзарблигини йўқотгани йўқ. Халқимизнинг гўзал маънавий кадриятларга йўғрилган ор-номус, уят ва андиша, шарму ҳаё каби тушунчалари ҳаётимизга сингиб кетган. Айникса, ота-онага ҳурмат, аёлга эҳтиром, мардлик ва жасурлик сингари туйғуларимиз бугун дунё халқларини ром этиб келади.

Мамлакатимиз аҳолисининг катта қисмини ёшлар ташкил этади. Шу боис «оммавий маданият» таҳдидига қарши тура олиш тобора долзарб аҳамият касб этаётир. Президентимиз Ислоҳ Каримов «Юксак маънавият – энгилмас куч» аса-рида бу масалага тўхталиб, ахлоқсизликни маданият деб билиш ва аксинча, асл маънавий кадриятларни менсимасдан, эскилик саркити деб қараш билан боғлиқ ҳолатлар бугунги тараккиётга, инсон ҳаёти, оила муқаддаслиги ва ёшлар тарбия-сига катта хавф солмоқда, дея алоҳида таъкидлайди.

Бугун турли йўллар билан, ҳар хил «эзгу» никоблар остида «оммавий маданият» мамлакатимизга ҳам таҳдид солаётгани сир эмас. Айникса, жангари филмлар, ёшларни соатлаб ўтиришга «мажбур» қилаётган компьютер ўйинлари бетўхтов ёвузликни тарғиб этса, боласининг отаси кимлигини билмасдан боши қотиб ДНК текширувини ўтказмоқчи бўлган хонимлар ҳақидаги сериаллар, интернет оламида аёл ва эркекларга лаззатланиш ҳақида берилаётган «энг яхши маслаҳатлар» фахш ҳамда бузқулик кўчаси сари чорлайди.

¹ Лафасов М. ва бошқалар. Маънавий таҳдидлар ва уларнинг олдини олиш чора-тадбирлари. – Т.: 2010, 25-бет.

Бунинг устига эстрада санъатига кириб келаётган айрим йўналишлар ва кўшиқлар, клиплар, яратилаётган кинофильмлар, реклама роликларида тарғиб этилаётган турлича кийиниш ва сўзлашув «маданияти», умуман ҳаёт тарзимизга тўғри келмайдиган ҳолатларга йўл қўйилаётгани ачинарлидир.

«Оммавий маданият»нинг энг хавfli томони – у тўсатдан кириб келмайди. Аввало, жуда кичик деталлар, арзимас воқеалар орқали одамларни ўзига ўргатади, кўнктиради. Ана шунда 3-4 ёшдаги фарзандимиз репер бўлиб куйласа ҳам, ўғлимиз кулоғига зирак тақиб, кизимиз йиртик шимни кийганида ҳам «замона зайли» дея бепарво бўламиз. Қолаверса, фарзандимизнинг замонавийлигидан кувонамиз.

«Оммавий маданият»ни тарғиб қилаётган ғаразли кучларга аслида ҳеч қандай маданият ва инсон маънавияти, ахлокий қоидаю қадриятларнинг асло кераги йўқ. Уларнинг стратегик режа ва сиёсий мақсадларига эришиш, айрим мамлакатларнинг ер ости, ер усти бойликларига эга бўлиш учун бу бир восита, ҳолос. Бир сўз билан айтганда ҳамма нарсага эркинлик нуқтан назаридан қарайдиган «оммавий маданият»нинг асосий мақсади – одамнинг иродасини сусайтириш, ўзининг ҳаётига, атрофидаги одамларга қарши қўйиш ва охир-оқибатда эркинлигидан жудо қилишдир.

КИБЕРЛУДОМАНИЯ: ЎСМИРЛАР МАЪНАВИЙ ҲАЁТИГА ТАҲДИД

Б.И. БЕРДИЕВ, З.О. МИНГБОЕВ – ЎЗМУ магистрантлари

XXI – аср глобаллашув асри бўлиши шубҳасиз. Глобаллашув (жадаллашув)нинг фойдали томонлари билан бир қаторда зарарли оқибатлари ҳам мавжуд. Шу сабабли бугун кимда-ким глобаллашувнинг зарарли томонларини англаб, уларга қарши иммунитетни кучайтириб, фойдали томонларидан оқилона фойдаланса, «ютуқ» ўшаники бўлиши шубҳасиз. Мустақил Ўзбекистон ўзининг тараққиёт йўлини танлаб, энг эзгу орзу-интилишлари – Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш йўлида одимлаб бормоқда. Ва бу йўлда учрайдиган тўсиқларни бартараф этиш жамият ва давлат олдида турган энг муҳим вазифалардан биридир. Мамлакатимизда барча соҳалар қатори компьютер технологиялари жадал суръатларда ривожланмоқда. Ёшларимиз томонидан яратилаётган янги дастурлар нафақат мамлакатимиз, балки бутун дунё олимларида қатта кизиқиш уйғотмоқда... Аммо ҳар бир ишнинг яхши ва ёмон томонлари бўлгани сингари, компьютер технологиялари – киберлудоманиянинг бартараф этишни кечиктириб бўлмайдиган айрим зарарли томонлари ҳам кўриниб қолди.

Бугунги ёшларимиз, айниқса мактаб ва коллеж ўқувчилари бўш вақтларини компьютердаги жангари ўйинларга сарфлаётганликлари қўпчиликка сир эмас. Айниқса, 5, 6 ёшли мурғак қалб соҳиблари ҳам 8, 9 ёшли акаларига қўшилиб жангари ўйинларига берилиб қетганликлари аянчли ҳолатдир. Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган компьютер хона(интернет кафе) ларининг кечки пайтдаги (соат19.00 дан кейин) фаолиятини қўзатганимизда интернетдан маълумот излаётган баъзи ўқувчи ёки талаба ёшлардан ташқари, аксарият мактаб ўқувчиларининг турли фильмларни кўриш билан машғул эканликларининг

гувоҳи бўлдик.

Ёшларимизни компьютерга бунчалар кизикишларини сабаби нимада?

Биринчидан, компьютер ўзида катта тармокни бирлаштириб, жуда катта маълумот базасига эга.

Иккинчидан, иш унумдорлиги ошиб, вақт сарфи камаяди; яъни бир жойда туриб хоҳлаган соҳангиз бўйича, хоҳлаганча маълумотга эга бўласиз.

Учинчидан, компьютердаги ранг-баранглик айниқса ёшларимизни ўзига жалб этади ва зеркишига «йўл қўймайди».

Юқорида келтирилган рақамларни фойзга ҳисоблаганда, бугун вақтларини компьютерхоналарда ўтказаетган ёшларимизнинг **92 фойзи** турли хил ўйинлар билан овора бўлиб, шулардан **76 фойзи** жангари ўйинларга вақтларини сарфламоқдалар.

Агар эътибор бериб қарайдиган бўлсак, деярли барча компьютер хоналари қоронғуликка мойилдир. Қоронғулик – азалдан ёвузлик рамзи ҳисобланиши бежиз эмас, албатта. Психологик талқикотлар, кўрсатишича, инсондаги ёвузлик хислатлари қоронғуликда намоён бўлиб, аксарият жиноятчилар жиноятларни қоронғуликда содир этар эканлар.

Мунтазам равишда террористик ўйинларни ўйнаган ёшларимиз қалбида ёвузлик, шафқатсизлик, зўравонлик каби иллатларнинг шаклланиши аниқ. Террористик ўйинлар «каҳрамонлари» бугун фақатгина «кучлилар ғалаба қозониши», «ҳамма ишни куч билан ҳал қилиш мумкинлиги», «зўравонлик, тажовузкорлик кучлилиқ белгиси» эканлигини тарғиб этмоқда. Компьютерхоналарда ўйнаётган ёшларимизни гап-сўзлари ҳам мутлақ тажовузкорликка асосланган. Уларнинг ўзаро мулоқотида фойдаланадиган энг яхши сўзлари – ўзбек-рус аралаш тилдаги қўлланиладиган кўпол сўқинишлардан иборат. Улар бу сўқинишларни оддий муурожаат сўзи сифатида фойдаланаётганликлари аянчлидир. Буларнинг оқибатларини ёшларимизнинг ота-оналари билан ўзаро салбий муносабатларида, айрим коллеж ўқувчиларининг ўқитувчиларидан сигарет сўрашларида, вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган жиноятларда қўришимиз мумкин.

Хўш ёшларимизни бундай тажовузкор гоълардан сақланиб, халқимизга ҳос юксак маънавиятли барқамол инсон бўлиб қамол топиши учун қандай чоралар қўрмоқ зарур?

2010 йил 29 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Қармовнинг «**Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида**»ги 263-Сонли Қарорининг қабул қилиниши ва ушбу қарорнинг 7-моддаси иккинчи бандида «Таълим муассасаларида ўқиётган вояга етмаганларнинг ўқиш вақтида ресторанлар, кафелар, барлар, клублар, дискотекалар, кинотеатрлар, компьютер заллари, Интернет тармоғидан фойдаланиш хизматларини кўрсатиш учун жиҳозланган хоналарда ёхуд бошқа қўнғилочар (дам олиш) жойларда бўлишига йўл қўймаслик...» лозим эканлигининг таъкидланиши бу борадаги муҳим қадамлардан биридир.

Бу Қарорни ҳаётга татбиқ этиш, нафақат ушбу соҳадаги масъул ходимлар, балки, Ўзбекистоннинг келажаги учун қайғурадиган ҳар бир фуқаронинг бурчидир. Бунинг учун аввало фарзандларининг тарбияси учун масъул бўлган айрим ота-оналар ҳам унутиб қўйган масъулиятларини ёдга олмақлари зарур ва шартдир. Ота-оналарга бундай муҳим вазифани эслатишда ОАВ(Оммавий ахборот воситалари)даги тарғибот муҳим аҳамият касб этади. Оиладаги тарбия, мактабга-ча, мактабдаги ва мактабдан кейинги (ўрта махсус ва олий) ўқув юртларидаги

таълим-тарбия ҳамда ОАВ томонидан олиб бориладиган тарғиботлар учун тайёрланган махсус курсатувлар ҳам бу йўлда ижобий самаралар бериши тайин.

Хулоса эса, ўзини Ватан, халқ тақдирига, «Буюк Ўзбекистон» келажига дахлдор, деб биладиган мамлакатимизнинг ҳар бир фуқаросига ҳавола...

БАҒРИКЕНГЛИК НЕГИЗИДА ГУМАНИСТИК ҒОЯЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

М. АЙТБОЕВ – УрДУ ўқитувчиси,

Р.САУРОВ – Урганч тадбиркорлик ва сервис КХК талабаси

Мустақиллик ёшларнинг ижтимоий фаоллиги ва толерантлигини янада такомиллаштириш асосида Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини куриш жараёнидаги ўзига хос хусусиятларни ижтимоий-фалсафий таҳлил қила билишдан иборатдир.

Бағрикенглик – бу ҳар бир инсонни ўзига хос бўлган ички руҳий дунёси ёки онг даражаси ҳисобланиб, кўнглида шодлик, истак-хоҳиш, кўтаринкилик, ўз ишига берилганлик, ўз фаолиятини бутун жамият фаолияти деб англаш, ишонч, дўстлик хоҳиши, кўнглида тўпланган барча шодлик, ғам-аламларни очик-ойдин ифодалаб бериш, ўз жавобгорлигига олиш, биронта фаолиятда хархаша қилмаслик, ҳар бир шахсни кучли севиш, ҳар бир инсон ҳақида ўз фикрини ифодалаш каби ижобий сифатлар каторида баъзи бир кўнгли коралик, хархашалик, бировни кўнглига тегиш каби салбий хусусиятларни ҳам сезиш мумкин.

«Бағрикенглик» тушунчаси ўзбек миллатига хос «толерантлик» тушунчасининг асосий йўналиши сифатида тасдиқланади. Чунки уни мазмунида тўлиқ дўстона очик кўнгилик, бир-бирига хоҳиш, мулоимлик, насиҳатқўйлик, тинчлантирувчанлик, ҳаддан ташқари бошқалар ҳолатини сезувчанлик, узок маслакдошлик, ёқимлилиқ, кайфият, қарашлар ифодаланади. Бағрикенглик хилма-хил эътиқодга эга бўлган кишиларнинг бир замин, бир Ватанда, олижаноб ғоя ва ниятлар йўлида ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшашини англатади.

Бунда хусусиятлар йиғиндиси толерантлик тушунчасини ифодалаб қадимдан-қадим инсоният тараққиёти шуларга асосланганлигини тасдиқлайди. Бағрикенглик ёки толерантлик хусусиятларига кўра миллий кадриятларимиз, урф-одатларимиз, анъаналаримиз асрлар оша безавол яшаб келаяпти ва янгидан-янги анъаналар ва кадриятлар билан бойиб келмоқда. Чунки дунёдаги барча ривожланиш жараёнлари эзгулик ғояларига асосланган бўлиб яхшилиқ, тинчлик, дўстлик каби бағрикенглик, толерантлик фазилатларига таянади. Одамларни ҳалоллик ва поклик, меҳр-шафқат ва бағрикенгликка даъват этади. Ҳозирги замонда бу ғоя эзгулик йўлида бутун жамият аъзоларининг ҳамкорлигини назарда тутаяди, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашнинг муҳим шарти ҳисобланади. Шундай экан толерантлик, уни юқори даражаси ҳисобланган бағрикенглик ғоясини ҳам назарий ҳам амалий жиҳатдан миллий онг, миллий мафқура асосига айлантириш давр талабидир.

Миллий онгда шаклланган миллий истиқлол мафқураси толерантликка хос дунёқараш, ҳур фикрлилиқ, ўз кучи, билимига ишонч, иймон-эътиқоди қабиларни шаклланишига хизмат қилувчи маънавий муҳитни яратаяди.

Тафаккурда ўзликни англаш, тарихга садоқат, кадриятларни асраб-авайлаш, ватанпарварлик тўйгулари шаклланиб, улар халқимизга хос бўлган толерантлик, имон-этикод, инсоф-диёнат, саховат, меҳр-оқибат, шарму ҳаё каби фазилатлари янада ривожланиб, кўп миллатли халқимиз онги ва калбида «Ўзбекистон – ягона Ватан» деган тушунчани шакллантиради.

Бундай тушунчани англаш, бағрикенглик фильтрини (тозаловчи мосламани) ўрнига қўя билиш билан боғлиқ. Яъни салбий ҳолатларга эрк бериш, лоқайдлик ёки муросалилик, салбий ҳолатларга, «терроризмга нисбатан бепарворлик» кабиларга йўл қўймасликдир. Акс ҳолда толерантлик – бу ўзини барча ноҳуш ва тушунарсиз ҳолатлардан ҳимоя қилиш эмас, балки билиш, турли умумийликлар (ирсий, этник, маданий, диний каби) тўғрисидаги тасаввурларимизни деталлаштириш ва дифференциялашга қаратилган жараён дир. Агар «бағрикенглик» тушунчаси тамойил ва восита сифатида қўлланилса, у ҳолда кадриятлар тизими янада кенгайди. Лекин ҳеч қандай толерантлик таъсирида бўлмаган олдинги кадриятлар тизими асосида қарорлар қабул қилиниши давом этади. Кенгрок маънода, толерантлик ижтимоий хилма-хиллик ва алоҳида олинган инсоннинг фақат муайян гуруҳга тегишли бўлиши туфайли таҳқирланишига йўл қўймаслигини тақозо этади.

Толерантликнинг маъносини ечишнинг ўз механизми мавжуд. Ҳар бир фуқаро ўзга субъект иззат-ҳурматини жойига қўйиш орқали шахсий кадр-қиммати, мавқеини англайди ва шу орқали сиёсий маданиятини белгилайди. Бу муаммони ахлоқий томони ҳам мавжуд: ижтимоий мавқеида, обрў-эътибор оилада ўқитилмайди, таълим тизимида ҳам шаклланмайди. Натижада фуқаро ўз табиий ва ижтимоий тафовитдан келиб чиққан ҳолда хулоса қилади ва шунга қараб иш кўради. Халқимиз толерантлиги Ўзбекистонда миллий ҳамжиҳатлилик руҳини таркиб топди. Турли миллат вакиллари Ўзбекистонни ўз Ватани деб ҳис эта бошлаб, миллий-маданий анъаналари, диний муносабатлари ва эътиқодини намойиш этишда кенг имкониятларга эга бўлдилар. Бу эса ҳамжиҳатлик, бағрикенглик каби толерантлик хусусиятларини шакллантириш имконини яратди.

СИЁСИЙ МАДАНИЯТЛИ, МАЪНАВИЙ БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШДА ОИЛА МУҲИТИНИНГ ТАЪСИРИ

Ф. МАМАДАЛИЕВА – ТДПУ тадқиқотчиси

Оила бу муқаддас даргоҳдир. Ҳар бир инсон борки, у ўзининг бекаму-қўст оиласи бўлишига интилади. «Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга», деб таъкидланган Конституция-мизнинг 63-моддасида.

Дарҳақиқат жамиятда оиланинг роли аҳамиятли. Оила ижтимоий ҳаётнинг алоҳида соҳасини ўзида мужассам этган бўлиб, унда келажакда жамиятда яшаши ва давлатнинг фуқаросига айланиши керак бўлган шахснинг дунёга келади ва шаклланади.

Жамиятнинг барқарорлиги, равнаки ундаги маънавий баркамоллик даражаси, инсонлар камолоти ва дунёқараши йўналишлари бевосита оилага, ундаги

маънавий, моддий, ижтимоий-иктисодий муҳитни барқарорлигига, оила аъзоларининг жисмонан ва маънан соғломлик даражасига боғлиқдир.

Ҳозирда оила, оила тарбияси масалалари жамият учун биринчи даражали аҳамиятга эга бўлган ижтимоий вазифалардир¹.

«Оила кишилар бирлигининг бошланғич шакли сифатида яққа ва жамоа асосларини ўзида мужассамлаштиради. У кишиларнинг фақат ижтимоий ҳаётини эмас, шу билан бирга яққа ва жамоавий ҳаётини ҳам ўзаро боғловчи бирлик, уларга ижтимоий жиҳатлар ва хулқ-атвор мезонларининг дастлабки манбаси сифатида хизмат қилади».²

Оламда барча нарса жуфт-жуфт бўлиб яратилган экан, жуфт бўлиб яшаш табиат қонуни, тақозосидир. Лекин оила бўлиб яшаш махлуқотлар орасида фақат одам наслига хосдир.

Эр ва хотин икки тирик вужуднинг, икки оламнинг ўзаро иттифоқидан пайдо бўлган учинчи бир олам – оиладир. Агар оила тинч-тотув, аҳил бўлса, олам тинч ва обод. Акс ҳолда турмуш дўзахга айланади, оила зиндоннинг ўзи бўлади, бунинг жабрини эса эр ва хотиннинг ўзигина эмас, балки фарзандлари ҳам тартади.

Оила покликка ва софликка, икки томонлама муҳаббатга, садоқат ва вафодорликка, ўзаро ҳурматга асосланиши керак. Бу фарзандлар тарбияси учун муҳим омил ҳисобланади. «Оиланинг жамиятдаги ўрни, тарбиявий-ахлоқий аҳамияти, кадр-қимматини англаб етмасдан, оилага миллат манфаати нуқтан назаридан ёндашмасдан туриб, халқчил мафкура ярата олмаймиз»,³ яъни маънавий соҳадаги вазифаларимизни муваффақиятли амалга ошира олмаймиз. Шунинг учун ҳам юртимиз Ўзбекистонда оилани мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Президентимиз Ислоҳ Каримов томонидан 2012 йилга «Мустаҳкам оила йили» деб ном берилиши ҳам бежиз эмас. Кўп йиллик илмий кузатиш ва тадқиқотлар шуни кўрсатадики, инсон ўз умри давомида оладиган барча ахборотнинг 70 фоизини 5 ёшгача бўлган даврида олар экан. Айнан шу даврда унинг қалбида оиладаги муҳит таъсирида маънавиятнинг илк қуртаклари намоён бўла бошлайди.⁴

Жамиятда оиланинг ўрни бекиёс. Айнан оилада инсон – шахс шаклланади ва ривожланади. Маънавий-ахлоқий тарбияли шахс фақатгина маънавий-ахлоқий соғлом оила муҳитида шаклланиши мумкин. Маънавий-ахлоқий тарбиянинг ижтимоий ҳаётдаги ўрнини юксак баҳолаган А. Авлоний унга таъриф бериб қуйидагиларни ёзади: «Агар бир киши ёшлигидан нафси бузилиб, тарбиясиз, ахлоқсиз бўлиб ўсдими, бундай кишилардан яхшилик кутмак бефойдадир».⁵

Оила мустаҳкамлигини таъминлаш асрлар давомида халқимизнинг кадрияти ҳисобланиб, унга эътикод қилиш кишиларнинг қон-қонига сингиб кетган.

Оила ва унинг мустаҳкамлиги оилада аёлга бўлган эътибор ва ҳурматга ҳам боғлиқ. Оилада аёлнинг ҳам, эркекнинг ҳам ўз ўрни, мавқеи бор. Улар ҳеч қачон бир-бировларининг ўрнини эгаллай олмайди. Аёлнинг камтарлиги, эри ва фар-

¹ Йўлдошева С. Соғлом авлод маънавий тарбияси – миллат келажаги. –Т.: 2003, 26-бет.

² Имомназаров М. Маънавиятимиз назариясига чизгилар. –Т.: Фан, 1998, 78-бет.

³ Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажаққа ишончдир. –Т.: Ўзбекистон, 2000, 23-бет.

⁴ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008, 53-бет.

⁵ Авлоний А. Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ. –Т.: Ўқитувчи, 1992, 11-бет.

зандларига фидойилиги, меҳрибонлиги оила баркарорлиги ва ширин ҳаётнинг замини бўлиб келган. Аммо аёл ҳам вазиятга қараб ўз ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилмоғи ва оила олдида кадр-қимматини сақламоғи лозим. Бу эса аёл кишидан кенг дунёқарашни ва ўз мустақил фикрига эга бўлишини талаб этади.

Аёл – она. Миллатнинг тарбиячиси ҳам аввало она ҳисобланади. Агар аёл кишининг ўзи юксак маънавиятли бўлса, оилада у тарбиялаган фарзандлар нафақат жисмонан соғлом, балки маънавий етук, барқамол инсонлар бўлиб улғайишади. Президентимиз Ислоҳ Каримов бу хусусда тўхталиб, шундай деган эди: **«Фақат жисмоний жиҳатдан бақувват одамни тарбиялаш унчалик кийин эмас. Аммо уни ҳам жисмоний, ҳам маънавий қамол топтириш ғоят мураккаб вазифа. Айниқса, бугунги кунда мафқуравий қурашлар гоҳ ошқора, гоҳ пинҳона тус олган таҳликали замонда бу масала нихоятда долзарб аҳамиятга эга».**

Биз бугун юксак маънавиятли авлодни вояга етказишни устувор мақсад қилиб олган эканмиз, табиийки бу маънавият, аввало, буюк иродани, яъни сиёсий етук, ўз халқининг ҳақ-ҳуқуқини танийдиган ва ҳимоя қила оладиган шахсни тарбия этишга қаратилмоғи зарур. Бугунги давр талабига кўра маънавий барқамол инсон сиёсий маданиятли бўлмоғи ҳам зарурдир. Чунки, эркин ҳаёт, демократик муҳитнинг ўзи сиёсий маданиятни ижтимоий заруриятга айлантириб қўяди. Фуқаро ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳам, бошқаларни ҳақ-ҳуқуқларини ҳам билмаса, тушунмаса, у демократик жамият бағрида эркин ҳаракат қила олмайди, ижтимоий-сиёсий жараёнларга қандай муносабат билдиришни ҳам билмайди.

Оилада сингдирилган тарбия, Ватан, эл-юрт, мустақиллик, озодлик ҳақида берилган тушунча, боланинг мурғак калбида бир умр муҳрланиб қолади. Бу эса боланинг онгида сиёсий маданиятнинг илк қуртаклари пайдо бўлишида ҳам муҳим роль ўйнайди. Масалан, билимли, китобхон, дунёдан боҳабар, кизиқувчан оилада тарбия топган шахснинг сиёсий даражаси ҳам юксак бўлади. Дейлик ишга, замонга, тараққиётга бепарво оилада униб ўсган шахснинг кизиқиши ҳам, тасаввури ҳам тор бўлади, у ижтимоий сиёсий жараёнлар моҳиятини тезда илғаб ололмайди.

Хулоса қилиб айтиладиган бўлсак, ёшларни сиёсий маданиятини шакллантиришда ҳам оила маънавий муҳитининг таъсири муҳим. Оилада қанчалик илмий салоҳият юқори бўлса, унинг аъзолари давлат ва жамиятда қандай жараёнлар бўлаётганига бефарқ қараб тура олмайди, балки бу жараёнларга нисбатан ўз фикр мулоҳазасини ҳам билдириб боради.

АБУ НАСР ФОРОБИЙ АСАРЛАРИДА ИНСОНПАРВАРЛИК МАСАЛАЛАРИ

Ҳ.Ю. АТАМУРАТОВ – ТДПУ магистранти

Эркин фикр юритиш, яъни ҳурфикрлилик ғояларидан илҳомланган ўрта аср файласуфи: Абу Наср Форобий инсон борлиғи, хусусан, унинг танаси билан жони жисми билан унинг инсонийлиги, инсонийлиги билан у яшаётган жамият ўртасидаги ўзаро алоқадорлик, инсоннинг инсонийлигини намоен қилувчи фазилатлар, ҳислатлар ва уларнинг шаклланиш жараёни муаммоларини назарий жиҳатдан очиб беришга ҳаракат қилди.

Жон ва тананинг ўзаро алоқадорлиги муаммолари ҳақида фикр юритган Абу Наср Форобий қадимги юнон файласуфи Платоннинг инсоннинг кўчиб юриши

хақидаги таълимотига қарши чиқди. Ўзининг «Масалаларнинг моҳияти» («Ўйинуд масаил») рисоласида жон танадан олдин мавжуд бўлмаслиги, бир танадан бошқа танага кўчиб ўта олмаслиги ҳақидаги ғояни олға сурди.

Абу Наср Форобийнинг фикрига асосан, одамларнинг танаси пайдо бўлиши билан унинг «озиклантирувчи қуввати» вужудга келади. Ўша қувват ёрдамида инсон танаси ҳамиша озикланади ва шу жараёнда инсонда сезги органлари пайдо бўлади. Инсон сезги органлари туфайли хис-тасаввур, хотира бирлашиб, ҳаёл ҳосил бўлади.

«Ҳаёл қуввати» ёрдамида инсон билим, хунар эғалайди, фаолият кўрсатади, фойда-зарарнинг фарқига боради¹.

Форобий таъкидлаганидек, инсон ўзининг ақл-заковати билан оламдаги бошқа тирик мавжудотлардан тубдан фарқ қилади. Ундаги ақл-заковат («Ақлий қувват») борлиқнинг турли-туман кўринишларининг аксидир. Инсон ўзидаги ўша ақл-заковат ёрдамида аввал ерда содир бўлаётган ўзгаришларнинг сабабларини, сўнг эса осмон жисмларининг сир-у асрорини билади. Инсоннинг олам тўғрисидаги тўплаган билимлари, яъни ҳаётлигида яратган маънавий бойликлари ҳеч қачон йўқ бўлиб кетмайди, балки «Дунёвий ақл»ни ташкил этади. Инсон ақли олам сирларини билишда энг юксак чўққига кўтарилганда, «дунёвий ақл», «дунёвий рух» билан қўшилади.

Форобий инсон ўз тақдирини ўзи ўзгартира олмайди, деган ислом дини қоидаларига қарши бориб, инсон ўз тақдирини ўзгартириши мумкин деган ғояни илгари сурди. Хусусан, инсоннинг бахт-саодатли бўлиши ҳам ўзининг қўлида эканлигини исботлашга ҳаракат қилади. Бахт-саодатга эришиш йўллари аниқлаб беришга интилади. Унинг фикрига кўра, инсон бахт-саодатга эришмоғи учун, энг аввало, бахт ҳақида билимга эга бўлмоғи, сўнгра бахтга эришиш йўллари воситаларини билмоғи даркор. Шунингдек, инсон бахт-саодатга эришмоғи учун, инсоннинг инсоний фазилатлари мазмун ва моҳиятини ҳам англаб олмоғи зарур. Чунончи, ўрта асрнинг машхур инсоншунос алломасининг тушунтиришича, «фазилат» аллақандай мавҳум тушунчага эмас, балки инсоннинг инсон бўлиб камол топиш жараёнидаги амалий ишлари билан ўлчанадиган алоҳида маънавий-ахлоқий хусусиятидир. Фазилат инсоннинг эзгуликка эришиш борасидаги хулқ-атвори, хатти-ҳаракатларининг ифодасидир. Форобийнинг таъкидлашича, инсонни яхши хайрли ишлар қилишга, гўзал хулқ-атвор соҳиби бўлишига даъват этувчи маънавий-ахлоқий хусусиятлар, фазилатлар деб аталади. Инсонни хунук хулқ-атвори, хатти-ҳаракатларига даъват этувчи ишгислар разолат дейилади. Разолат инсондаги камчиликлар ёки ноқасликларнинг ифодасидир.

Форобий инсонларни ўзаро ҳамкорликка чақиради, дунёда ягона бир бутун инсон жамоасини тузиш ҳақида орзу қилади. «Бахт-саодатга эришув ҳақида» рисоласида камолотга бир кишининг ёлғиз ўзи (бировнинг ёки кўпчиликнинг ёрдамисиз) эришуви мумкин эмас. «Ҳар бир инсон ўз табиати билан шундай тузилганки, – дейди Форобий, – у яшаш ва олий даражадаги етукликка эришмоқ учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади, у бир ўзи бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди, уларга эришиш учун инсонлар жамоасига эҳтиёж туғилади. Шу сабабли яшаш учун зарур бўлган, кишиларни бир-бирига етказиб берувчи ва ўзаро ёрдамлашувчи кўп кишиларнинг бирлашуви орқалигина одам ўз табиати бўйича интилаган етукликка эришуви мумкин. Бундай жамоа аъзоларининг фаолияти бир

¹ Аль-Фараби. Социально-экономические трактаты. – Алма-Ата, 1973, 34-бет.

бутун ҳолда уларнинг ҳар бирига яшаш ва етукликка эришув учун зарур бўлган нарсаларни етказиб беради.

Форобий давлатни ҳар томонлама етук ўзида энг яхши инсоний фазилатларни жо қилган кишилар ёрдамида идора этиш зарурлигини кайд этади. Шунингдек, у ҳар томонлама етук аҳолини илм-маърифатга олиб борувчи идеал жамоа ҳақидаги ҳаёлотини олға суради. «Фозил одамлар шаҳри» китобида Форобий давлатни бошқарувчи Оллоҳдан бошқа ҳеч кимга бўйсунмаслиги керак, у табиатан ўн иккита ҳислат – фазилатни ўзида бирлаштирган бўлиши зарур, дейди ва уларни бирма-бир санаб кўрсатади.

Форобийнинг «Фозил одамлар шаҳри» китобидан келтирилган юқоридаги доно фикрлар ҳозирги мустақиллик шароитида яшаб фаолият кўрсатаётган шаҳар, туман, вилоят раҳбарлирига, олимларига, зиёлиларига, катта-ю кичик барча кишига бевосита тааллуқлидир. Форобийнинг илмий-фалсафий таълимоти инсониятнинг мислсиз маънавий бойлиги ва маданий-маънавий камолоти йўлидаги дастуриламалдир.

Форобий инсон қобилиятини иккига: туғма ва кейин эришилган қобилиятга бўлади. Унинг фикрича, туғма қобилиятга биологик, жисмоний ва баъзи рухий хусусиятлар киради. Уни камол топтириш жараёни эса инсон ўз ҳаёти давомида илм, ҳунар ўрганиши, ахлокий қонун-қоидаларни эгаллаши ва санъатни ҳаётий тажрибаси билан бойитиши орқали содир бўлади. Бундай фазилат, жумладан, эстетик фазилатлар инсон атрофини қуршаган муҳит таъсирида шаклланади.

Форобий инсоннинг ўз-ўзини тарбиялашида, уни эстетик ривожланишида назм ва мусика санъатининг ўрнини алоҳида таъкидлайди. Унинг фикрича, санъатнинг барча турлари бир-бирдан фарқ қилади: Мусика санъати сўз билан, тасвирий санъат эса бўёқлар билан иш кўради, лекин улар инсонга бир хил таъсир кўрсатади... У Арасту изидан бориб, бу санъатларнинг ҳар иккаласи тақлид қилиш ёрдамида кишиларнинг тасаввурида ва ҳиссиётига таъсир кўрсатишни мақсад қилиб қўяди, деб таъкидлайди.

Абу Наср Форобий фикрича кўп фазилатларни ўзида мужассам этувчи шахс жуда кам бўлади. Алломанинг дунёқараш хусусидаги фикрлари ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

ИФОДАЛИ НУТҚНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ОИЛАНИНГ ЎРНИ

Х.Б.САМИГОВА – ЎзДЖТУ

Ўзбекистон Республикасида юритилаётган мукамал тил сиёсати мамлакатимизда мавжуд халқларнинг тилларини барқарор тараққий этишига барча шароитларни яратиб беришни кўзда тутди. Ўзбек тили билан бир қаторда хорижий тилларнинг илмий тадқиқ қилиниши ҳозирги замон талабига айланган. Ўзбек халқининг, қолаверса, янги ўсиб келаётган кадрларнинг нутқни ифода этиш санъатини шакллантириш, уларда тил, маданий нутқ ҳақида ҳамда тўғри, мантикий, таъсири, равои гапира олиш борасидаги илмий мукамаллаштириш, эзулик, муомала, ҳушмуомалалик, ширинсуханлик, донолик, билимдонлик, ахлоқ каби тушунчаларни уларнинг онгида камол топтириш Ватанимизнинг юксак маънавий

курсагкичларидан ҳисобланади. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг таъкидлашича, фикрини мутлақо мустақил, она тилида равон, гўзал ва лўнда ифода эта олмайдиган мутахассисни, авваламбор, раҳбар курсида ўтирганларни бугун тушуниш ҳам, оқлаш ҳам кийин¹.

Нутқ маданиятини ҳар қачонгидан ҳам яхшироқ ривожлантириш умумдават аҳамиятига эга бўлган масалалардан бири экан, мазкур мақоланинг долзарблиги ҳам ушбу жиҳатлари билан характерланади. Бугунги кунда кўпгина идора раҳбарлари нутқидаги камчиликлар, муаллимлар нутқидаги чайналишлар, телсқўрсатувлардаги, ҳатто баъзи журналистлар нутқидаги гализликлар бизнинг маънавиятимизга ярашмайди. Тил ва тафаккур бир-бирига чамбарчас боғлиқ бўлгани ҳолда, нотиклик санъатини билмасдан ҳақиқий ижодий тафаккур, гўзал ва чиройли нутқ сўзлашимиз амри маҳол. Нотиклик санъати эса оиладан бошланади. Нутқ маданияти инсон ва жамият фаолиятининг барча соҳалари тараққиётида, ижтимоий бирдамликни таъминлашда, халқ турмуш даражасининг изчил ва барқарор ўсишида, давлатлар ва жамият ривожланиши, манфаатини тенг ҳуқуқли ҳамкорлик асосида амалга оширишда маънавий курул вазифасини бажарар экан, ҳозирги кунда ривожланиб келаётган Мустақил Ўзбекистони-миздаги фуқаролар, қолаверса, ҳар бир ўсиб келаётган янги авлоднинг ҳар кунги мулоқот чоғида сермазмун, аниқ-равшан, равон, тўғри, таъсирли, бадий, мантикий, жарангдор, ифодали нутқ сўзлашларида, идеал нутқ эгаси бўлишларида айнан оиладаги фарзандларимиз тилига бўлган эътибор катта аҳамият касб этади. Чунки биз Мустақилликнинг барча чашмаларидан баҳраманд бўлиб турган эканмиз, нотиклик санъати чашмаларидан ҳам бебаҳра бўлмаслигимиз керак. Кўпгина ҳолларда (масалан телеқўрсатувларда, ўзаро суҳбатларда, ўқувчи ва талабаларнинг мавзу юзасидан саволларга берган жавобларида) ёшларимизнинг чайналиб, ўз фикрини равон айтолмасликларининг гувоҳи бўламиз. Чунки нутқимизда нуксон кўп. Буни бартараф этиш учун эса оиладан тортиб, боғча ва мактабларда ҳам болаларимиз нутқидаги камчиликларга эътибор бериш зарур. Бирорта сўзни нотўғри талаффуз қилса ёки ноўрин ишлатса, албатта, эринмасдан улардаги шу кемтикликларни тўғирлаш зарур. Аввало, мактабда нутқни, унинг грамматикасини чуқур ўрганишимиз, фикримиз ва тафаккуримизнинг асоси бўлмиш нотиклик санъати сирларини ўргатишимиз жуда муҳим.

Тил ва адабиёт таълими жараёнида нутқ маданияти тарбияланади, камол топади. Нутқ маданиятини шакллантиришда, кишининг шахсга таъсир қилишда ҳар бир сўз ва жумлани ишлатишга маъсулият билан ёндашиш, ўзбек тилининг ғоят бой ҳазинасидаги сўз жавоҳирларидан усталик билан фойдаланиш малакасини сайкал топтира олиш, ибратомуз сўзлари, ёқимли иборалари, намунали ва мазмунли жумлалари, жарангдор талаффузи, ширин каломи, илик сўз сеҳри, қувватию самараси муҳим аҳамият касб этади. Оилада фарзандларга озми-кўпми бадий адабиёт ҳақида маълумот бериш, тил, нутқ, фикр, тафаккур, ахлоқ каби масалаларга эътибор қаратиш, оғзаки ва ёзма нутқни шакллантириш, фарзандларимизга эртақларни эринмай ўқиб бериш, уларни айниқса ифодали ўқиш, унинг мазмуни ва бугунги кундаги тарбиявий аҳамиятини ўсиб келаётган янги авлодга тушунтириш каби ҳаракатлар болаларнинг нутқ маданиятнинг шаклланишида аҳамият касб

¹ Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори./ Баркамол авлод орузи. – Т.: Шарқ, 1999. 15-бет.

этади. Чиройли ва тўғри нутк сўзлашни ривожлантиришда адабий-бадий асарлар ўқиш, улар устида ишлаш, овоз, нафас, талаффуз соҳасида тайёргарлик қилиш анча самара беради. Зеро, бизнинг ўсиб келаётган янги авлодимиз, биздан кучлироқ, оқилроқ, донороқ ва бахтлироқ бўлишларида бизнинг уларга бўлган эътиборимиз энг асосий туртки бўлади деб ўйлаймиз.

РОЛЬ ИДЕОЛОГИИ НАЦИОНАЛЬНОЙ НЕЗАВИСИМОСТИ В ВОСПИТАНИИ И РАЗВИТИИ АКТИВНОЙ ГРАЖДАНСКОЙ ПОЗИЦИИ МОЛОДЕЖИ

А.А.УСМАНОВА – доцент УМЭД

С момента обретения своей независимости и с целью продвижения нашего государства по пути демократического развития, в Узбекистане была утверждена национальная идея и идеология, которые явились методологическим ключом в воспитании и развитии гражданской позиции молодежи.

В сознании молодёжи формируется любовь к Родине, национальным ценностям и традициям, благосклонность к родителям, семье и махалле, стремление к овладению профессиями и знаниями. В центре устремлений взрослого поколения стоит мечта вырастить наших детей физически и духовно здоровыми, ни в чем и никому не уступающими, увидеть их счастье и благополучное будущее.

Институты социализации в нашей стране становятся важными организационными каналами внедрения в сердца и сознание молодежи активной гражданской позиции, опирающейся на: формировании чувства любви к Родине; любви к родному языку, уважении к национальным ценностям; раскрытии места и роли семьи в процессе воспитания; обучении молодежи тому, что махалля является аудиторией демократии и школой самоуправления; стремлении к светским знаниям, общечеловеческим ценностям, межнациональной дружбе, толерантности, приумножении сведений о том, что правовая культура является важным компонентом здорового мировоззрения и пр.

Признательно, что в обществе преобладают самоотверженные, образованные, патриотически настроенные, имеющие здоровое мышление молодые интеллектуалы. Важнейшая задача — направить их поиски и стремления на благие цели, служащие интересам Родины, общества и народа. Проведенное нами исследование по изучению политической ориентации узбекской молодежи дает нам сделать вывод о том, что современное молодое поколение в большей своей части настроено позитивно к политической настроению, переменам в стране, с надеждой смотрит в будущее. В молодежной среде усиливается доверие к институтам власти и ее представителям. В сознании молодых людей происходит формирование образа демократического государства, в котором благополучие и процветание выступают основополагающими¹.

На сегодняшний день, юноши и девушки проявляют активное участие в выбо-

¹ Данный социологический опрос был проведен в феврале-марте 2009 года в Университете мировой экономики и дипломатии. В нем приняли участие студенты, обучающиеся на 1-5 курсах. Всего опросом было охвачено 325 человек.

рах и подтверждают это собственными мотивами. Основные мотивы участия в выборах выстроены вокруг личной заинтересованности молодежи. Как показал опрос, самым популярным мотивом стал мотив в пользу патриотического долга «Я гражданин своей страны и обязан участвовать в выборах», личные интересы здесь уступили и заняли вторую позицию. Объяснение этому, мы скорее видим в том, что для молодежи самым святым и безоговорочным является исполнение своего гражданского долга – пойти на выборы и проголосовать. Это четкое определение личной позиции молодого человека. Вместе с тем, безусловно, их участие на выборах, в первую очередь, основывается на личном интересе участвовать в решении такого рода политических вопросов, Чувство гордости и ответственности за свое участие в выборах подкреплено собственным искренним желанием проявить личную активность. В этом случае, мотивы «гражданского долга» и «личной заинтересованности и желания» оказались взаимообусловленными.

Примечательно, что благодаря формированию в стране идеологии национальной независимости предоставлена возможность молодежи реализовывать мотив участия в выборах.

Хотелось бы отметить, что для проявления активной гражданской позиции молодых людей создана обоснованная конституционно-правовая база, подкрепленная Конституцией Республики Узбекистан, Законом «Об основах государственной молодежной политики Республики Узбекистан» (1991). Созданный фонд молодежи «Камолот» (1996) и в последствии переименованный (2001) в «Общественное движение молодежи Узбекистана» (ОДМ), выступает в поддержку политических устремлений, интеллектуальных способностей, творческого потенциала молодых людей. В целях реализации молодежной политики в стране созданы различные молодежные фонды, такие как: фонд Президента Республики Узбекистан «Истеъдод»; «Форум культуры и искусства Узбекистана»; «Соғлом авлод учун»; «Меҳр нури»; «Хаёт» и многие другие. Сегодня, они становятся важными средствами защиты прав, свобод и законных интересов молодежи, создают условия для реализации их личностного потенциала, внутренних ресурсов, повышения их гражданской активности, правовой культуры.

Одним из ярких примеров развития гражданской активности молодежи стало объявление 2008 года в нашей стране Годом молодежи. Он превратился в настоящее общенациональное движение республики, объединившее всё многомиллионное население страны одной главной идеей – придать мощный импульс развитию и становлению молодого поколения, силе призванной сыграть решающую роль в будущем Узбекистана. Благодаря Году молодежи появилась целая плеяда новых имен одаренных и талантливых юношей и девушек, которые с достоинством вносят свой вклад в развитие нашего общества. Они смогли взять новые высоты в науке, производстве, сельском хозяйстве, спорте, культуре. Молодежь поверила в свой личностный потенциал, свои силы и способности реализации которых стала возможной благодаря претворению в жизнь идеологии национальной независимости.

Нынешняя молодежь Узбекистана выросла в годы независимости. Именно она, сегодня учится в современных учебных заведениях. Это она своей активной гражданской позицией принимает участие во всех сферах жизни страны, достойно защищает честь Родины на международных олимпиадах, спортивных соревнованиях и различных конкурсах. Она становится решающей и надежной силой в участии в политических процессах страны.

Не менее важной, в изучении значимого места молодежи в общественно-

политическом движении, является позиция, согласно которой, молодежная организация представлена как часть политической партии или политического движения. В данном случае, для молодых людей предоставлено больше возможностей в политической ориентации, реализации позитивных мыслей, проявлении лидерских качеств и мн.др. Известно, что в Узбекистане существующие политические партии выражают политическую волю различных групп и слоев населения. Они через избранных демократическим путем представителей молодежного крыла участвуют в формировании и функционировании государственной власти. Более того, они ведут целенаправленную работу в воспитании политической культуры молодежи, которая так необходима в условиях формирования гражданского общества, развития правового государства. В связи с этим, важно учесть, что в стране, как показывают статистические исследования¹, молодежь составляет примерно 64 % населения. Сюда относится и учащаяся молодежь в возрасте до 15 лет. Если учесть тот факт, что на выборах могут принимать участие молодые люди в возрасте от 18 лет, то, каждый третий житель нашей страны имеет право голоса. В этой связи, можно понять существенную роль и место молодежной организации в системе политических объединений общества. Если же ее встроить в единую политическую систему, думается, что эта будет наиболее активная ее часть, играющая решающую роль в реализации политики государства.

ЁШЛАРНИ ИНСОНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШДА ФОРОБИЙ АХЛОҚИЙ ҚАРАШЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

Ж.З. АТАҚУЛОВ – ТДПУ магистранти

Маълумки, инсониятнинг маънавий маданиятида инсон ахлоқи, хулқ-одоби масалалари етакчи ўринни эгаллайди. Чунки инсонни ташки муҳитдан, тирик жониворлардан фарклантириб турувчи хислати – ақл билан бир қаторда унинг ахлоқидир. Шунинг учун ахлоқ ҳақида фикр юритиш инсонни, инсонийликни ўрганишдан иборат эди.

Хар бир даврнинг мутафаккирлари, шоирлари ўз ижодларида ахлоқ ва ахлоқийликка, унинг турли соҳаларидаги кўринишларига жуда катта эътибор берганлар. Шуниси ҳарактерлики, ахлоқ ақл билан узвий боғлиқ ҳолда, доно ахлоқ, тафаккурга асосланган ахлоқ сифатида талкин этилди ва одоб-ахлоқ, амалий ахлоқ ҳақидаги рационалистик таълимоти вужудга келди. Бундай рационалистик таълимотнинг асосий томонлари Фаробий ижодида дастлаб намоён бўлганлигини кўрамыз.

Хулқ-одоб масалаларини Фаробий инсоннинг интеллектуал сифатлари – «ақллилиги», «донолиги» билан узвий боғлиқ ҳолда олиб таҳлил қилди. У талкин этган ахлоқий тушунчалар, категориялар фақат кишиларнинг ўзаро муносабатларида мавжуд бўлган хулқ нормаларининг ифодасигина эмас, балки улар фаолиятнинг натижаси ҳамдир.

Фаробий инсоннинг хислатларини иккига бўлиб кўрсатади:

¹ См.: Турсунова Р.Ю. Основы духовности в преподавании общественно-гуманитарных дисциплин // Халқаро муносабатлар, № 3. –Т.: 2008. – С.97, 101.; Жураев К.А. Образование в области международного взаимопонимания (ОМВ) в Узбекистане // Политика в области образования для международного взаимопонимания в Центральной Азии. –Т.: Академия. 2006. – С. 41,43, 46.

Табий хислатлар – инсоннинг интеллектуал ва жисмоний имкониятлари.

Амалий хислатлар – илмга эга бўлиш, касб-хунар ўрганиш ва ҳоказо.

Инсоннинг илмли ва мохир касб эгаси бўлишида Форобий таъкидлаганидек, ирода асосий роль уйнайди. Шунингдек, Форобий инсоннинг шаклланишида таълим-тарбияга катта эътибор беради. Унинг фикрича, таълим – билим бериш, тарбия эса яхши хулқ-одоб нормалари билан қуроллантириш демакдир. Форобий ҳақиқий олим бўлиш инсондан ҳар томонлама етук бўлишни, ахлоқий покликни талаб этади, деб кўрсатади.

«Илмни ўрганишга киришмоқчи бўлган одам», – дейди у – «ёш, камтар бўлиши, яхши саломатликка эга бўлиши, одобли ва тарбия кўрган, катъий, айёрлик ва алдашдан узоқ, турли салбий қилиқлардан ўзини сақлай оладиган, илм аҳлларига ҳурмат билан қарайдиган бўлиши зарур»¹. Форобий таъкидлаб кўрса-тадики, билим яхши хулқ-одоб билан безатилган бўлиши керак.

Олий ахлоқий фазилатлар деганда, Форобий хатти-ҳаракатларда намоён бўлувчи билимдонлик, донолик, виждонлилик, камтар бўлиш, ўз шахсий мақсадидан кўпчилик мақсадини устун қўйиш, ҳақиқатга, муҳаббат ва маънавий юксакликка интилиш, адолатни севиш қабиларни тушунади. Шу билан бир қаторда жоҳиллик, ёлғончилик, адолатсизлик, золимлик, хасислик, очкўзлик, бойликка интилиш каби салбий иллатларни қоралайди. Хусусан, у халқни алдаб, диний йўлда қурбонлик қилиш, дин талабларига бўйсуниб зарурлигини даъво қилиб, улардан ўз мақсадлари йўлида фойдаланувчи инсонларни кескин танқид қилади. Форобий адолатсизлик ва зуравонликни ахлоқий нуқтан назардан қоралади.

Бахт, Форобий фикрича, бу – мутлак яхшиликдир. Форобийнинг бахт ҳақидаги фикрлари – унинг ақл ҳақидаги таълимоти билан узвий боғлиқдир. Инсон яқка шахс сифатида абадий эмас, лекин унинг ақлий фаолиятининг етук ютуқлари, маънавий бойликларнинг умумий хазинасига қўшилиб мангу бўлиб қолади. Демак, инсон, инсоният – ўз яхшиликлари билан мангудир.

Форобий диннинг ахлоқий мазмунини ҳеч қачон инкор этган эмас. Чунки бу улуг мутафаккир, дунёвий билимларни қанчалик ривожлантирган бўлса, ўз навбатида, диний билимларни ҳам шунчалик мукамал ўрганган. Шунинг учун Форобий инсоният тарихида қомусий ақл эгаси сифатида машҳур бўлган.

Форобийнинг таъкидлашича, инсон ўз ҳаракатларида, фаолиятида эркиндир. Унинг бахту саодати, ютуқ ва қамчиликлари азалдан ҳеч қим томонидан белгилаб қўйилмаган, буларнинг ҳаммаси реал ҳаётда қўлга киритилади. Кишилар туғилишда – тенгдир, лекин ташқи муҳит, таълим-тарбия ва бошқалар таъсирида уларнинг аксарияти яхшилик йўлидан, бошқалари эса ёмонлик йўлидан кетадилар. Дарҳақиқат, муҳит ва тарбия инсон қамолотида етакчи ўринни эгаллайди.

Хулоса қилиб айтганда, Форобийнинг ирода эркинлиги, бахт-саодатга илм-фаннинг роли ҳақидаги қарашлари сўнги илғор ахлоқий таълимотларнинг ривож учун катта таъсир кўрсатди, ижтимоий ҳодисаларни талқин этишда ҳур фикрлиликка кенг йўл очиб берди. Ёшлар онгига инсонпарварлик ғояларини сингдиришда, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда аллома Форобийнинг ахлоқий таълимоти беқиёс аҳамиятга эга.

¹ Абу Наср Форобий. «Фозил одамлар шахри» –Т.: «Мерос», 1993, 182-бет.

YOSHLARDA MAFKURAVIY IMMUNITETNI SHAKLLANTIRISHDA MAHALLA VA OILANING O'RNII

B.T. HAITOV – TDPU stajyor-tadqiqotchi-izlanuvchi

Darhaqiqat, bugungi kunda yoshlar, ularda mafkuraviy immunitetni shakllantirish haqida ko'p gapirilayotgan, yozilayotgan bo'lsa-da, bu mavzu anchayin jiddiy masalaligicha qolmoqda. Chunki bugungi kunda butun dunyoni o'z ta'sir doirasiga bo'lib olishga intilish tobora kuchayib bormoqda. Ular bu maqsadlarini amalga oshirish jarayonida mustaqil hayotga endigina qadam qo'yayotgan, tajribasiz yoshlarni to'g'ri yo'ldan ozdirishga harakat qilishlari sir emas. Biz yoshlarimizning hech kimdan kam bo'lmasligi, ularning baxt-saodatlari, ertangi kunga bo'lgan mustahkam ishonchlarini yanada kuchaytirish yo'lida ko'plab ishlarni olib borishimiz lozim. Bugungi murakkab sharoitda eng avvalo, o'sib-unib kelayotgan yosh avlodimiz ozgi va qalbida mafkuraviy immunitet hosil qilish muhim ahamiyat kasb etadi. Bu ishini bamosil yosh niholni parvarish qiladigan tajribali bog'bondek noziklik va mehr bilan, oqilona yo'l bilan amalga oshirishimiz lozim. Har qanday inson voyaga yetib, hayotda munosib o'rin egallashi, o'ziga xos ma'naviyatini shakllantirish va yuksaltirishda, muqaddas oila hamda mahallaning o'rni beqiyosdir. Chunki insonning eng sof va pokiza tuyg'ulari, hayotiy tushuncha va tasavvurlari dastlab oila bag'rida shakllanadi. Bolalardagi yaxshilik va ezgulik, olijanoblik, mehr-oqibat va andisha kabi muqaddas tushunchalarning kurtaklari oila bag'rida vujudga keladi, qanot yozadi. Shuning uchun, oiladagi muhit farzandlarimizning kelajakda munosib insonlar bo'lib voyaga yetishlarida muhim sanaladi. Xalqimizda «Qush uyasida ko'rganini qiladi» degan maqol zamirida chuqur ma'no bor ekanligi sir emas. Yoshlarimizda turli salbiy illatlarga, axloqsizlikka, ma'naviy tubanlikka qarshi mafkuraviy immunitetni shakllantirish eng avvalo oilalarimizning vazifalaridan biridir. Bola tarbiyasida oiladagi umumiy sog'lom muhit, mehr-muhabbat, oqibat, o'zaro hurmat, tinch-totuvlik, ota-onaning bilim saviyasi, iymon-e'tiqodi, moddiy va ma'naviy boylikka munosabati kabi ko'pgina narsalarga bog'liq. Afsuski bugungi kunda ayrim oilalarimizning moddiy ehtiyojlarga tobora ko'proq e'tibor berayotganlari ayrim yoshlarimizni to'g'ri yo'ldan adashishlariga sabab bo'lmoqda. Xuddi shu kabi holatlarning vujudga kelmasligi uchun ham oilalar bilan bir qatorda mahallalarning ham ma'suliyatini yanada oshirmog'imiz darkor. Ma'lumki, qadimdan o'zbek mahallalari haqiqiy ta'lim-tarbiya o'chog'i bo'lib kelgan. O'zaro mehr-oqibat, ahillik va totuvlik, yordamga muhtoj yoki yolg'iz keksalar holidan xabar olish, to'y-tomosh, hasharlarni o'tkazish kabi xalqimizga xos urf-odat va an'analar avvalombor mahallada shakllanadi va rivojlanadi. «Bitta bolaga yetti mahalla ota-ona» kabi purma'no hikmatlarimiz bejizga aytilmagan albatta. Oila va mahalla hamkorlikda, hamjihatlikda xalqimiz ayniqsa yoshlarimizning harakatlariga e'tiborsiz bo'lmasliklari lozim. Oila va jamiyat bir-biriga chambarchas bog'liq bo'lib, jamiyatning o'zi ham oilalardan tashkil topgan. «Hammamizga ayon bo'lishi tabiiyki, oila sog'lom ekan – jamiyat mustahkam, jamiyat mustahkam ekan – mamlakat barqarordir», deyiladi Prezidentimizning «Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch» asarida.

Shuni alohida ta'kidlash lozimki, insoniyat XXI asrga kelib, o'z rivojlanishining yanada yuqori pallasiga chiqib bormoqda. Lekin shu bilan birgalikda, uni chegara bilmaydigan, hech qanday to'siqlarni nazar-pisand qilmaydigan o'nlab muammolarga duch kelmoqda-ki, ularga to'xtalib o'tmaslikning iloji yo'q. Turli ijtimoiy-iqtisodiy,

siyosiy, mintaqaviy, diniy-etnik kelishmovchiliklar, tajovuzkor millatchilik va shovinizm asosidagi mojarolar, ekologiya falokatlari, ma'naviy tanazzul, giyohvandlik, terrorchilik kabi muammolar shular jumlasidandir. Shuningdek, globalshuv jarayonlari, axborot oqimining tezlashuvi, turli mafkuraviy vositalar yordamida insonlar qalbi va ongini egallash va shu orqali turli xalq va davlatlarni o'z yo'rig'iga yuritishga intilayotgan kuchlarning paydo bo'layotganligi ayniqsa alohida e'tiborga molikdir. Biror mamlakatga nisbatan harbiy hujum yoki iqtisodiy zarar yetkazishni osongina ko'rish va sezish mumkin. Ammo mafkuraviy ta'sir bunday emas. Uning ta'siri radio, televideniya, gazeta-jurnal, internet, umuman, hamma axborot vositalari orqali kirib kelaveradi. Ular odamlarga uyda ham, ko'chada ham, ishda ham ta'sir etadi. Aytish mumkin-ki, yadro poligonida tayyorlagan qurol faqat muayyan hududnigina vayron qilishi mumkin, ammo mafkuraviy vositalardan tarqaladigan, sirdan bezarar bo'lib tuyuladigan turli axborotlar: filmlar, badiiy asarlar, hattoki o'yinchoqlar, shu bilan birgalikda kundalik ehtiyoj mollari esa, avvalo, insonlarning nozik his-tuyg'ulariga ta'sir etib, ularning qalbi va ongini egallashga qaratiladi. Hozirgi vaqtda mafkuraviy vositalar orqali o'z ta'sir doirasini kengaytirishga intilayotgan siyosiy kuchlar va harakatlar ham yo'q emas. Tajovuzkorlik, millatchilik va shovinizm, neofashizm va fundamentalizm, irqchilik va aqidaparastlik mafkuralari shular jumlasidandir. Prezidentimiz: «Bugungi zamonda mafkura poligonlari yadro poligonlariga nisbatan ham ko'proq kuchga ega» deb ta'kidlaganlari bejiz emas.

Erkin va farovon hayot asoslarini yaratib, yanada olg'a intilayotgan ilg'or mamlakatlar o'z mafkuralarini umuminsoniy qadriyatlar va demokratik tamoyillar negizida rivojlantirmoqda. Chunki bunday mafkura insonning o'z salohiyatini erkin namoyon etishi uchun imkon beradi. Jumladan, Vatanimizning butun kuch-qudrati, yaratuvchilik iste'dodi yurtimizni yanada ravnaq toptirish, tinchlik-osoyishtalikni mustahkamlash, shu muborak zaminda yashayotgan barcha insonlar uchun farovon hayot poydevorini yaratishga qaratilgan. Shu bilan birga, bugungi tajovuzkor millatchilik, shovinizm, neofashizm, irqchilik va diniy ekstremizm kabi zararli mafkuralar taraqqiyotga moslashib, yangi shakllarda bosh ko'tarmoqda. Masalan, hududiy ayirmachilik (separatizm) asosidagi to'qnashuvlar, Afg'oniston va yana bir necha mamlakatlar hududida uya qurib olgan diniy ekstremistik kuchlar bunga misol bo'la oladi. Har qanday jamiyatda turli manfaat, maqsad va intilishlarni ifodalovchi g'oyalari va ularga tayanadigan kuchlar o'rtasida ziddiyat bo'lishi tabiiy hol. Inson va jamiyat bor ekan, ezgu g'oyalarning qarama-qarshisi bo'lgan zulm va zo'ravonlik, qabohat va jaholat yangi-yangi shakllarda namoyon bo'lishga urinadi. Lekin ular odamzodning adolat, tinchlik va birodarlik, taraqqiyot va farovonlik g'oyalari tayanib, oliy maqsadlar sari intilishini aslo to'xtata olmaydi. Har bir inson biror-bir oilada, muayyan mahalla va millat bag'rida dunyoga keladi. U ko'z ochib, onasini, uyini, o'zi tug'ilgan zaminni taniydi. Avval onasining oq sutidan, keyin o'zi tug'ilgan zamin ne'matlaridan bahramand bo'ladi. Shuning uchun ona va Vatan tushunchalari uyqash tushunchalardir. Zero, inson Vatanni ham onadek aziz biladi, unga bolalikdan mehr va ixlos qo'yadi. Onaning iliq bag'ridan, qadrdon go'shasidan, Vatanidan uzoqda bo'lgan odam uni darrov sog'inadi, uning diydorini qo'msab, intiq va intizor bo'ladi. Onasiga, tug'ilgan xonadoniga, Vatanga taalluqli narsalarning hammasi unga nihoyatda noyob va tabarruk bo'lib tuyulaveradi. Bu – onaga, qadrdon ostonaga, Vatanga bo'lgan so'nmas mehning dalolatidir.

Bugungi kunda yoshlarimizda yangicha dunyoqarash va mafkuraviy immunitet asoslarini, mustaqil fikrlash ko'nikmalarini shakllantirish, yosh avlod qalbidagi g'oyaviy

bo'shliq vujudga kelishiga yo'l qo'ymaslik, ularni ajdodlarning shonli kechmishi, fidokorligi va qahramonona hayoti ruhida tarbiyalashda oila va mahallaning o'rni va rolini muhim ekanligini also unutmaslik, shu bilan birgalikda oila va mahallalar hech qachon o'z oldilarida turgan yuksak mas'uliyat hissini aslo yoddan chiqarmasliklari lozimdir.

СВАДЕБНЫЕ ТРАДИЦИИ – ОСНОВА СЕМЕЙНЫХ ЦЕННОСТЕЙ

Н.Ю.ПОТАПОВА – к.и.н. ТХТИ

Свадебные традиции являются одними из самых интересных культурных традиций того или иного народа, связанных с институтом семьи. Кроме того, свадебные традиции и то, что предшествует этому ритуалу, представляет большой интерес в изучении антропологического аспекта культуры этноса, в котором прослеживается основа ментальности той или иной этнической группы. Так, к примеру, существуют такие свадебные традиции узбекского народа, как (на примере свадебных традиций Бухары):

1. приданное, которое является обязательным компонентом свадебной традиции. Оно собирается длительный период времени, это те вещи, которые будут необходимы в проведении свадьбы и дальнейшей совместной жизни молодой семьи;

2. сватовство – собирается детальная информация о будущей невестке (каков у неё характер, красива она или нет и т.п.) Тогда сваты отправляются в дом девушки. В настоящее время, в роли свата может быть мать будущего жениха или кто-либо из близких родственников. Они берут с собой конфеты, торты, отрез ткани.

Даже если сторона девушки были предупреждены о приходе сватов, на таких встречах, они стараются не готовить и не подавать горячее, просто накрывают стол сладостями и подают чай.

Сторона девушки не дают согласия в первый раз. Если сваты недовольны, то все, что гости привезли, возвращается обратно. Если они намекают, говоря, что они подумают, они оставляют то, что принесли сваты. Только на третий раз стороны девушки дают свое согласие, и предварительно решают дату свадьбы.

Кроме того существуют свадебные мероприятия:

1. Ширини Хури («съесть сладости») или жавоб берди («дал ответ»).

Со стороны жениха несколько мужчин (аксакалов) приглашаются в дом невесты, чтобы обсудить конкретную дату свадьбы. Сторона девушки дает список, в котором предусматривается, что вещи должны быть заданы как подарки для невесты: длинные ткани и ткани для платья, платья, костюмы, пальто, зимние сапоги и летняя обувь, золотые ювелирные изделия, национальные костюмы. Договаривается о количестве гостей на свадьбе, с обеих сторон и за счет свадьбы, и все что необходимо сделать до свадьбы.

Семья жениха должна принести до свадьбы все необходимые продукты в дом невесты: скот, рис, масло, овощи, напитки, муку, фрукты, сладости и прочее.

2. Фотиha или Занона («Участие» и «Сбор женщин») («свадьба женщин»).

Об этом событии предварительно договариваются со стороной жениха и,

они приносят все продукты питания и напитки за день до Фотиha. Рано утром в доме жениха собираются женщины и начинают готовить Лали (подносы), в которые они кладут подарки, и затем впервые продемонстрируют всем присутствующим. Их число обязательно должно быть четным.

Фотиха, иначе можно назвать официальным сватовством или праздник приглашения. Как правило, это мероприятие проводится в течение дня. Празднично одетые женщины и мужчины, и Лали в руках Лали, идут по улице.

Шествие во главе с музыкантами. Громкие звуки карнаев, сурнаев (национальные музыкальные инструменты) и барабаны звучат на всю округу, после объявления всем, что девушка из такого-то дома обручена, начинается подготовка к свадьбе.

3. Хино бандон («рисовать хной»)

В доме невесты устраивается мероприятие, на которое невеста приглашает своих друзей. Девушки поют, веселятся, читают стихи. На этом мероприятии, девочки рисуют хной на ладонях и ногах, поэтому это событие называется «Хино бандон».

Во время всего мероприятия невеста меняет наряды и идет к своим друзьям в своих новых нарядах.

4. Падар Ош («плов отца»).

Вечером, за день до свадьбы в доме невесты готовятся плов. Мужчины-ошпазы (повара) и добровольцы занимаются приготовлением плова. Знаменитый Бухарский плов (Ош-Софи) готовят в 4-х котлах. Рецепт плова держат в глубокой тайне и не каждый шеф-повар решится его приготовить. Падар Ош, буквально переводится «плов отца». Отец девушки дает обязанность отца, провозжа дочь в чужую семью. В этом случае, алкоголь не ставится на стол, так как этот день печальный день для отца, потому что он отдаёт часть себя - свою дочь. Во время Падар Ош звучит грустная старая песня.

Плов подается в 7 утра, приглашаются только мужчины, подают тоже мужчины. Мероприятие заканчивается быстро.

Далее идут всевозможные приготовления к свадьбе. Традиций довольно много, но в виду ограниченности в объёме статьи, мы пока ограничимся этими.

Таким образом, узнавая о некоторых особенностях свадебных традиций, приходишь к выводу, что довольно разумно заложены основы будущей семейной жизни, демонстрирующие как доброе отношение к членам семьи, так и уважение к новым членам семьи, а также довольно расчётливое отношение к будущей материальной составляющей семейного ведения хозяйства. И говоря об особенностях восточного типа культуры, одним из характерных факторов, которой является традиционность, можно предположить, что традиции, если они будут разумно сочетаться с современными реалиями жизни, могут выполнять функцию преемственности поколений, которые несколько не прослеживаются в традиционной культуре. В этом смысле, закономерен вопрос относительно современной проблемы – разводов. Статистические данные по разводам в различных странах мира и Узбекистане могут быть свидетельством тому, что в данной проблеме соблюдение традиций может дать положительный эффект.

А.ҚОДИРИЙ ВА Т.ДРАЙЗЕР АСАРЛАРИНИНГ ЁШЛАР ТАРБИЯСИДАГИ АҲАМИЯТИ

С.Ш.УРУНОВА – ЎзДЖТУ ўқитувчиси

Инсонни бахтли бўлишга ўргатиб бўлмайди, аммо уни шундай тарбиялаш керакки, ҳаётининг ўзи бахтли бўлсин. Чунки инсон ўзи-ўзидан дунёни англаб ола олмайди-ю, ўзининг ҳаракатлари билан унда яшаб, фаолият килиши орқали уни ўзи кашф этади. Улғайтган шахсда ижобий сифатлар шаклланишида биринчи галда оиладаги, кейинчалик эса жамиятдаги асолом муҳит катта аҳамият касб этади. Бу борада буюк аждодларимиз ва жаҳон адабиётининг бизга қолдирган бой маънавий меросини ўрганиш орқали уларни ахлоқий-маънавий қадриятларга муҳаббат руҳида тарбиялаш асосий мақсадларимиздан бири бўлиб келмоқда.

Шу ўринда биз ўзбек адиби А.Қодирийнинг «Ўткан кунлар» ва Америка ёзувчиси Т.Драйзернинг «Женни Герхардт» асарларидаги ёшлар тарбиясига оид ўринлар борасида фикр юритсак. Қахрамонлар қай даражада яратилиб, ҳаёт ҳақиқатини мавжуд кудрати, улуғворлиги, айни чоқда зиддиятлари, кучли ва заиф томонлари билан гавдалантираётганини таҳлил килиш билан бирга романларда ёшлар тарбияси учун ибрат бўладиган яхши хислатларни ўз қахрамонлари характер-хусусиятига сингдириб юборилганлигига эътиборимизни қаратсак.

Жамиятнинг ахлоқий устуворлиги энг аввало муомала маданиятида акс этади. Ўзидан паст табақа вакилларига муносабат зодагонлардаги тарбия муомала маданиятини белгилайди.

1. Отабек хизматкори Ҳасаналига қуйидагича мурожаат қилади:

- Тузукмисиз, ота?.....Баъзи юмушлар бўюрсам. (1.8-бет)

Т.Драйзер эса, икки ёшнинг ўзаро эркин мустақил қолишлари учун имкониёт яратиш вазифасини шундай шакллантиради.

Женни Летгининг (Летти Лестерни ёқтирарди) Лестерни учратганидан суюниб кетганини кўриб, икковларида ҳам холи гаплашиш истаги туғилишини пайқайди-ҳа, бунга имкон яратмоқчи бўлди: – Мени кечирасиз, сизларни бир-пастгина доли колдираман, тезда қайтаман. (2.242- бет)

2. Оилада аёл, она кадри. Ўзбек оиласида она фақатгина оиланинг таъминотчиси эмас, балки ҳурмат ва иззат юзасидан унинг бошқарувчиси ҳамдир. У эр-ота билан биргаликда оила тақдирини, оиладаги фарзандлар тақдирини хал қиладиган муҳим муаммоларда ўз фикрларини билдиради. Қутидор тилидан қуйидагича баён қилинган: – Бу иш учун ёлғиз ўзим қабул жавоби берсам-да, онаси бир чеккада колдирилса эҳтимол пухта иш қилмаган бўлармиз, (1.44-бет)

3. Ўзбек оиласида онани химоя қилиш унга муносабат миллий менталитет асосида туради. XIX аср Америка жамиятида «оилавий демократия» тушунчаси онага нисбатан икки хил муносабатни шакллантирган. Биз буларни қуйидаги мисоллардан ўқиб оламиз. Онани аяш Юсуфбек ҳожи томонидан қуйидагича таъкидланади: – Ҳасанали зинҳор унинг қамалганини онаси билмасин.(1.89бет)

Болалардан фақат Женнигина онасининг аҳволини тушунар ва азбаройи яхши кўрганидан жони борича унга қарашгиси келарди.

– Ойижон, бунга ўзим қила қолай.

– Кўйинг, ойижон, унга ўзим қарайман... мен ўзим. Ана шу оддий сўзларда Женнини онаси билан боғлаб турган чексиз муҳаббат намоён бўларди.(2.93-б)

4. Жуфти ҳалолони кадрлаш, бекиёс ҳурмат куйидагича эътироф этилади:

– Йўқ негаки қизингиз учун ҳақорат бўлган бу сўзни айтиш маним қўлимдан келадиган иш эмас (1.149-бет)

Ўзимни Женни билан орани очиқ қилгандай кўрсатишим ҳам мумкин, албатта, бироқ алдашни истамайман. Бу нарса Женнинг нафсониятига тегарди, у эса бунчалик алам тортишга муносиб эмас. (2.264-бет)

5. Солиҳ фарзандлар эътирофи куйидагича баён қилинган: -Ақлли кишиларнинг ўзуллари устидан қилган ишлари албатта номаъқул бўлмас (1.134-бет)

– «Бу ер жуда яхши, дада, – деб ёзганди Женни, – сенга ёқса керак... Бу ерга кел, биргаликда турамиз... Менинг ҳам бошим осмонга етарди!» (2.202-бет)

6. Чин қалбдан холис иқрор куйидагича эътироф этилади: Женнинг мактубидан: – Лестер, азизим, сени ташлаб кетишга юзим чидамаяпти...чакки ҳаёт кечираётганимни яхши биламан. фақат ўзимни айблайман. (2.196-бет)

7. Оила, рафика шаъни учун кураш куйидагича ифодаланган: Лестер отаси билан бўлган суҳбатда: – Сени яхши кўраман,...У сира сен ўйлагандака аёл эмас, уни бекорга ёмон отликка чиқараяпсан...уйланишим мумкин бўлган аёл ҳақида гапираяпсан...мен уни кўчадан топиб олганим йўқ.Унақа аёлга айланишиб ўтирмаслигимни ўзинг яхши биласан. Мени кечир.(2.217-бет)

Бадий асарда ижодкор қаламга олган мавзуда у кўзда тутган алоҳида ғоя бўлади. Биз юкорида келтирган мисолларда ҳар икки миллат ёзувчилари ўзларига замондош миллат вакиллариининг психологиясини очишда уларнинг энг биринчи ижтимоий маҳкама – оиладаги муомала маданиятини очиб берадилар. Энг муҳими ҳар бир асардаги воқеа парчалари ўринли, чунки улардаги воқеалар нақадар реал ва табиий бўлмасин, ўша моментдаги персанажларнинг ҳаракатлари ва гаплари бизда ғайритабиийлик туғдирмайди.

Реалистик асарда жамиятнинг ҳар бир бўлагида бутун бошли инсоният психологиясининг умумий ҳолати акс этади. Ёзувчилар қаламга олган оилавий муносабат нукталари инсоният жамиятининг тараккиётидаги оғрикли ёки устувор имкониятларини белгилашга хизмат қилади.

Юкорида санаб ўтилган инсоний хислатлар бутунги ёш авлоднинг комил инсон бўлиб етишишида муҳим аҳамиятга эга. Дарҳақиқат, улуг адибларимиз таъкидлаганларидек, бадий асарларни қайта-қайта ўқиш асносида инсонийлик хислатларини янада чуқурроқ англаб олиш мумкин.

ОИЛАДА ЭКОЛОГИК МАДАНИЯТНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ҚАДИМГИ ТАЪЛИМОТ ҲАМДА ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАРНИНГ ЎРНИ

Х.С.СИРОЖИДДИНОВ – ТДПУ ўқитувчиси

Бутунги кунда табиатни муҳофаза қилиш, экологик хавфсизлик масалалари жаҳон ҳамжамиятининг умумий глобал муаммосига айланди. Мамлакатимизда ўтган давр мобайнида жамият ҳаётининг барча соҳаларини ислоҳ қилиш баробарида, фуқароларга экологик барқарор ҳаёт шароитини яратиш давлат сийёсатининг устувор йўналишига айланди. Кўзланган мақсадга эришиш йўлида экологик тарбиянинг жамият маънавий ҳаёти билан алоқадорлиги масалалари,

хусусан, оилада экологик онг ва маданиятни шакллантириш масалалари долзарб ахамият касб этмокда.

Экологик тарбия инсон ва табиат муносабатларини ҳаётий тимсолларда акс эттириш орқали ёшларнинг экоманавий-маданий савияси даражаси ҳамда дунёкарашини ифодалаш билан бирга, инсон шахсини тарбиялаш вазифасини ҳам бажаради. Зеро, ҳар бир ёш нафақат етук ва баркамол бўлиши, шу билан бирга атроф мухитга одилона муносабатда бўлиб, табиат конун-қоидаларини ўз ички кечинмаларидек қабул қилса, яъни табиат билан ҳамоҳанг, уйғунлашган ҳолда фаолият олиб борсагина у том маънода юксак маънавият ва маданиятга эриша олади.

Жаҳон микёсида ёшлар тарбиясига эътибор қадим-қадимдан бошланади. Унинг намоёндалари қадимга грек олимлари Архимед, Аристотель, Сукрот, Платонлар ёшлар томонидан билимларни ихтиёрий, фаол ўзлаштирилиши ахамиятини чуқур ва ҳар томонлама асослаб берганлар. Айниқса, Марказий Осиёда ёшлар тарбияси, атроф мухит, табиий шароитлар, уларнинг ўзгариши, инсон ва табиат ўртасидаги муносабатнинг мавжуд ҳолати, табиатнинг инсоннинг маънавий жиҳатдан шаклланишига кўрсатаётган таъсири масалалари қадимги таълимотлар ва мутафаккирларнинг қарашларида акс этгандир. Масалан, Зардуштийликнинг муқаддас китоби «Авесто»да ер, тупроқ, дарёлар, қўллар, боғлар, тоғлар, ўсимлиги гиёҳлар мадҳ этилган. Она заминни улуглаш, сувни ҳаёт манбаи деб қадрлаш, қуёш, олов ва ҳавони эъзозлаш – булар «Авесто»даги марказий масалалардан бўлиб ҳисобланади. Зардуштийлик таълимотига кўра, ҳар бир киши руҳан ва хулқан қомиллиги унинг яхшиликка юз тугиби, ахст йўлни танлаб, дунёвий билимларни ўрганиб, ўз касбини эъзозлаган ҳолда Ахурамазда фарзларини нечоғлик адо этиши билан белгиланади. Зеро, қўш хайдаб, дон эккан, чорвани парваришлаб, чўлда боғ яратган, ернинг захини қочириб, шўрини ювиб, зироат эккан зардуштийнинг равони пок, хулқи хуш, амали чин бўлиши билан кўрсатилган. Зардуштийлик таълимоти бўйича, сув ва ҳавони ифлос қилиш, сувга нопок нарсаларни ташлаш қатъиян ман этилган. Анҳор ва арик бўйларида мол боқиш, отларни боғлашга руҳсат берилмаган. Сувга тупуриш, супургида сувга қараб ахлат супуриш, тоза қилиб ювилмаган идишларда арик ва ҳовузлардан сув олиш, нопок ҳолда сувга қараш аждодларимиз диний эътиқодлари бўйича одоб-ахлоққа хилоф тарзда баҳоланган.

Табиат муҳофазаси масаласи зардуштийлик динидан бошлаб бошқа барча динлар каби Исломи дини томонидан ҳам қадрлаб келинган. Исломи таълимотида хайвонот ва набобот оламига қатта эътибор берилган. Қуръон оятларидан бирида набобот олами бандалари учун ризқдир, ундан эса ўз ризқларини асраб-авайлаш ҳамда шукр келтириш лозимдир, дейилган. Табиатни эъзозлаш, атроф мухитни мусоффо, қурраи-заминни обод ва гўзал қилиш сингари экологик тарбия масалалари муборак ҳадисларда ҳам қатта ўрин тутди. Хусусан, «эмқом нијатида қўлингизда қўчат турган пайтда, беҳосдан қиёмат қоим бўлиб қолиши аниқ бўлганда ҳам, улгурсангиз уни экиб қўяверинг», «Ховли саҳнини тоза тутинглар», «енглар, ичинглар, қийининглар, садақа қилинглар, аммо, исроф қилманглар, мағрурланманглар», «киши ўз боласига одобдан кўра афзалроқ нарса ато этолмайди», «қимқи дарахт ўтказса ёки экин экса, унинг мевасидан қуш ёки хайвонлар еса, унинг ҳар биридан садақа ёзилади», «қишиларга соя берувчи дарахтни кесган киши боши билан дўзахга ташланади», «Ҳилол қилинглар (тиш, соқол, ланжа ораларига бармоқ тикиш), чунки у покизалиқдир», «қўлидаги овқат

мойларини ювмай ухлаган одамга бирор офат етса, ўзидан кўрсин», «Жони бор нарсани ўк отишда нишон қилманглар», кабилардир.

Шарқда «Иккинчи муаллим» номи билан машхур Абу Наср Форобий «Фозил одамлар шахри» асарида жамиятнинг ҳар бир фукароси мансаби, кимлигидан қатъий назар, фозил инсон бўлиши керак, ўз давлатининг барча қонун-қоидаларини яхши билиши, унга амал қилиши, халқни севиши, ўзлигини англаб яшаши керак, деган ғояни илгари сурди. Унинг «Идеал шаҳар ахлларининг фикрлари», «Идеал жамоа ҳақида», «Бахт-саодатга эришув» каби машхур асарлари экологик таълим масалаларига бағишланган.

Буюк бобокалонимиз Абу Райҳон Беруний қоиотдаги ҳодисаларни тараққиёт қонунлари билан, нарса ва ҳодисаларнинг ўзаро таъсири билан тушунтиришга уринар экан, ўзининг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида экологияга оид фикрларини баён қилиш билан бирга, инсонни табиатга нисбатан тўғри муносабат одобини тарғиб қилади. Унинг асарларида табиат берган неъматлардан фойдаланиш ҳамда унга эҳтиётқорона муносабатда бўлиш лозимлиги, табиатдаги ҳодисалар маълум табиий қонуниятлар асосида бошқарилишини, уларга таъқаридан қилинган ҳар қандай таъсир экологик бузилишга олиб келади, деган фикрни айтади.

Инсон билан табиат ўртасидаги ўзаро алоқадорлик, мувофиклик ва мувозанатни ифодалайдиган ҳикоят, ҳикмат ва тафсилларни Низомулмулкнинг «Сиёсатнома», Абу Ҳомид Ғаззолийнинг «Насихат ул-мулк», Муҳаммад Афвийнинг «Жомий ул-хикоят», Носириддин Бурҳониддин ўғли Рабғузийнинг «Қиссаи Рабғузий», Жомийнинг «Баҳористон», Алишер Навоийнинг «Маҳбуб-ул-қулуб» асарларида учратиш мумкин. Қомусий олимларимизнинг асарларида экологик тарбияга оид фикр ва мулоҳазалари ибратли ҳикоялар, шеърлар тарзида ҳам баён этилади.

Табиатга оқилона муносабатда бўлишнинг юксак намунасини ҳазрат амир Темур бобомиз амалий фаолияти мисолида аниқ-равшан кўриш мумкин. Бу масалани у давлат сиёсати даражасига кўтарган. Табиатдаги ҳар бир жонли ва жонсиз нарсани асраб-авайлаш, табиатни муҳофаза этиш, атроф муҳитни соғломлаштириш, табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш, экологик ва бошқа шу каби муаммоларни ҳал этишга биринчи даражали аҳамият бериш Амир Темур ва унинг авлодлари – Теурийлар сулоласи даврида ўзининг юқори босқичига кўтарилди. Бу даврда қанчадан-қанча боғлар яратилди, ариқлар тортилди, шаҳарлар обод этилди. Тарихчи Али Яздийнинг гувоҳлик беришича, Амир Темур ободончиликка ярайдиган бирон-бир қарич ернинг ҳам зое бўлишига раво кўрмаган, унинг қай бир жойидан бир ғишт олса, ўрнига ўн ғишт қўйди, бир дарахт кестирса, ўрнига ўнта кўчат эктирди, деган қайдлари фикримизнинг далилидир.

Мухтасар қилиб айтганда, табиатни эъзозлаш, заминни улуғлаш ўтмиш даврлардан, мозийдан бошланиб, аждодлардан-авлодларга, асрлардан асрларга ўтиб, бойиб, сайқал топиб ҳозиргача давом этиб келаётган шарқона, ўзбекона ҳикматлар, тузуқлар, таълимотлар, фалсафий қарашлар, миллий удум ва анъаналарда ўзининг чуқур аксини топган. Буларни ўрганиш орқали ёшлар табиат ва инсон ўртасидаги муносабат, уларнинг ўзаро алоқадорлик ва бирлик

¹ Қаранг: Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ҳадис. 1-4 жилдлар. –Т.: Қомуслар Бош таҳририяти, 1997.

моҳиятини, атроф муҳитга муносабатни, табиат муҳофазаси йўлида амалга оширилаётган хатти-ҳаракатларини таҳлил этиб, экологик муаммоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлган омилларни аниқлашга ҳаракат қилади. Мазкур ҳолат эса ёшларда экологик онг ва маданиятнинг шаклланишига замин ҳозирлайди.

MA'NAVİY BARKAMOL AVLODNI TARBİYALASHDA OILANING O'RNİ

B.T.HAITOV – Nizomiy nomidagi TDPU

Insonda madaniyat, dunyoqarash, tasavvur va e'tiqodga bog'liq ko'nikmalar dastlab oilada shakllanadi. Olam haqidagi dastlabki qarashlar, ilk tushunchalar inson qalbi va ongiga oila muhitida singadi. Oila – tom ma'nodagi ma'naviyat o'chog'i, mafkuraviy tarbiyaning asosiy omili va muhitidir. Oila va uning muqaddas an'analari orqali yoshlarda Vatanga sadoqat, mehr-oqibat, iymon-e'tiqod, mas'uliyat, oliyanoblik, insonparvarlik, vatanparvarlik kabi yuksak insoniy fazilatlarini shakllantirishda muhim ahamiyat kasb etadi.

Biz ma'naviy barkamol avlodni tarbiyalashni maqsad qilib olgan ekanmiz, bunda oilaning muhim o'rnini hisobga olib, unga taalluqli boy va sermahsul milliy an'analarimiz, urf-odatlarimizni avaylab-asrash, ularni milliy hamda umuminsoniy qadriyatlarimiz bilan uyg'unlashtirgan holda, yoshlarimiz ongiga oilaning muqaddasligi haqidagi fikrlarni singdirishimiz zarur. Oiladagi tarbiya jamiyatimiz manfaatiga mos bo'lishi uchun avvalo, ota-ona mas'ul, shu bois, birinchi galda ota-onaning o'zi ham ma'naviy, ham psixologik jihatdan tarbiyalangan bo'lishi lozim. Kasbni puxta egallash, jamiyatda munosib o'rin egallash uchun ilm qanchalik zarur bo'lsa, haqiqiy barkamol avlodlarni tarbiyalash uchun ham ilm shunchalik muhimdir.

Bola tarbiyasidagi eng muhim sharoit oilaning mustahkam, ma'naviy sog'lom asosga qurilganligi, ayniqsa ota-onaning o'zi tarbiyalangan, ular o'rtasida totuvlik, ahillik, chin do'stlik barqaror bo'lishi, bolalarni kelajak hayotga tayyorlashda ular o'z ma'suliyatini aslo yoddan chiqarmaslik lozim.

Ota-ona oldidagi mas'uliyatning naqadar muhimligi shundan iboratki, ular bolaning nafaqat yurish-turishini, balki uning har bir qadamini, xatti-harakatlarini kuzatib boradilar. Har bir ota-ona o'z farzandini jonidan ortiq ko'radi. Hech kim ulardan yomon insonlar bo'lib voyaga yetishlarini istamaydilar. Farzandining kichkina muvaffaqiyatidan ham ularning ko'ngli tog'dek ko'tariladi.

Agar ota-ona farzandlar tarbiyasidagi o'z ma'suliyatini chuqur anglab yetmasa, ularning faoliyatiga bee'tibor munosabatda bo'lsalar, unda bunday oilalarda tarbiya topgan bolalar kelajakda munosib o'rin topa olmaydilar. Shuning uchun ham farzandlarimizni barkamol avlod qilib tarbiyalash faqat ota-onaning vazifasi deb hisoblamasdan, yoshi ulug' kishilarimiz, ta'lim muassasalari va mahalla hamkorlikda ish olib borishi lozim.

Bugungi yoshlarimiz Vatanimizning kelajagini, ertangi kunining egalaridir. Agar biz o'z vazifamizni amalga oshira olsak xalqimiz va yurtimiz iqboli hamda saodati uchun kichik bo'lsada hissamizni qo'shgan bo'lamiz.

O'zbekiston xalqi tarixining boy va sermazmun sahifalari, donishmand ajdodlarimizning jahonshumul merosi bilan faxrlanamiz, xususan, Imom Buxoriy, Muhammad ibn Muso Xorazmiy, Ahmad Farg'oni, Bahouddin Naqshband, Mirzo

Ulug'bek, Alisher Navoiy, Bobur kabi buyuk mutafakkirlar, Amir Temur, Jaloliddin Manguberdi, Temur Malik kabi milliy qahramonlarimizning jasoratlarga to'la hayoti o'sib kelayotgan avlod uchun katta ibrat maktabidir. Vatan – insonning kindik qoni to'kilgan muqaddas zamin, uni kamolotga yetaklovchi, hayotiga ma'no-mazmun bag'ishlovchi tabarruk maskandir. Buning ustiga, Vatan – har birimiz uchun otabobolarimizning xoki poklari yotgan aziz joydir. U – ajdodlardan avlodlarga qoladigan tengsiz, bebabo meros, noyob in'om. Uni biz ham keyingi avlodlarga ozod, obod va farovon holda meros qilib qoldirishga mas'ulmiz. Shundaygina avlodlar bizdan minnatdor bo'ladi, nomimizni ulug'laydi, yurtimizga ko'z olaytirganlarga qarshi murosasiz kurash olib boradi. Vatan baxt-saodati, obodligi uchun fidoyilik – vatanparvarlikning asosiy belgisidir, uning oliy ko'rinishi esa Vatan ozodligi yo'idagi buyuk ma'naviy jasoratdir.

Shu o'rinda ta'kidlab o'tish lozimki, farzand tarbiyasiga mas'uliyat bilan yondoshmayotgan ba'zi oilalarimiz uchrab turibdi. «Men ish bilan bandman, bolamni bog'chadagi murabbiylari, maktab yoki kollejdagi ustozlari tarbiyalashi lozim», degan fikrda yurgan ota-onalarning uchrashi achinarli hol, albatta. Bunday befarqliklar natijasida, farzandlarimiz ma'naviyatdan, axloqdan, iymon-e'tiqoddan benasib bo'lib voyaga yetadiki, uning oqibati o'laroq birinchi galda ota-ona, oila a'zolari, qolaversa jamiyat aziyat chekadi.

2012 yilning «Mustahkam oila yili» deb e'lon qilinishi bejis emas. Chunki o'sib kelayotgan yosh avlodni ham ma'nau, ham jismonan sog'lom, ilmiy tafakkur doirasi keng, milliy qadriyatlarga va urf-odatlariga sadoqatli qilib tarbiyalash har bir o'zbek oilasining muqaddas burchi hisoblanadi. Shu sababli barkamol avlodni shakllantirishda va jamiyatga yetuk shaxs sifatida yetkazib berishda mustahkam oilalarning tutgan o'rnini beqiyosdir.

Eng muhimi, bugungi yoshlarimizning erishayotgan muvaffaqiyatlariga boqib, ta'lim-tarbiya sohasidagi tarixiy o'zgarishlarga qarab, yildan-yilga tobora ravnaq topib borayotgan, o'g'il-qizlari har sohada o'z kamoli bilan dunyoga dovrug taratayotgan O'zbekiston yaqin yillar ichida bundan-da obod va fayzli bo'lishiga ishonamiz. Prezidentimiz: «Barkamol avlod – O'zbekiston taraqqiyotining poydevori» deganda aynan O'zbekiston kelajagini qura oladigan, shu bilan birgalikda Vatanimizning dovrug'ini doston qila oladigan shijoatli yoshlarni nazarda tutgan edi.

ХАЛҚ ИЖОДИ НАМУНАЛАРИНИНГ ИНСОН МАЪНАВИЙ КАМОЛОТИНИ ЮКСАЛТИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ

*М.З. ҲАМДАМОВА – п.ф.н.доц, ТошДШИ қошидаги
академик лицейи ўқитувчиси*

Президентимиз таъкидлаганидек, «Бугунги кунда маънавият дунёсига нисбатан мавжуд бўлган хавф-хатарлардан албатта кўз юмиб бўлмайди, лекин бизнинг ишончимиз комилки, халқимиз тарихнинг мураккаб жараёнларида иродаси чиникиб, ҳар қандай ҳужум ва тазйиқларга қарамасдан, маънавий олами кучайиб ва юксалиб бораётгани, бизни кўролмайдиган кучлар ҳам бу ҳақиқатни тан олаётганини мамнуният билан қайд этамиз. Чунки халқ – бамисоли улуг ва шарафли йўлдан илгарилаб бораётган улкан қарвон. Уни йўлдан чағитишга уринувчилар, пайт пойлаб

оркаси дан ҳамла қилувчилар ҳамиша бўлган, бундан кейин ҳам бўлиши мумкин»¹. Албатта? барча маънавий бойликларни халқ яратади. Аммо Европа илмида мумтоз (классик) санъат ва халқ ижоди (фольклор)ни фарқлаш удум бўлган. Бунинг маълум асослари ҳам бор.

Ўрта асрларда мумтоз санъат намуналари кўпроқ ҳукмдорлар ёки йирик зодагонлар, кейинчалик, бизнинг минтақада, тасаввуф илми, усули доирасида яратилган. Аммо оддий меҳнаткаш касиблар, шаҳар аҳли, деҳқонлар орасида ҳам ўзига хос санъат турлари, йўналишлари вужудга келган бўлиб, уларни бир неча турга ажратиш мумкин.

Биринчи тур – сўз санъатига оид бўлиб, халқ дostonлари, термалар, турли маросим кўшиклари, халқ кассалари, эртақлар, афсоналар, топишмоқлар, маталлар, мақоллар ва ҳоказоларни ўз ичига олади. Буларнинг кўпчилиги халқ орасида озгаки ижро этилган. Аммо халқ китоблари шаклида қўлёзма ҳолида тарқалган дoston ва кассалар ҳам кўпдир.

Иккинчи тур – халқ амалий санъати деган умумий ном остида бирлаштирса бўладиган кулолчилик, мисгарлик, ёғоч ўймакорлиги, деворий нақш ишлаш, ганчорлик, зардўзлик, каштачилик, заргарлик ва бошқа қатор санъат турлари бўлиб, уларнинг ўзига хос умумий томони бундай санъат асарларининг кўпчилиги инсон турмушида муайян амалий вазифа ҳам бажаришга мўлжалланган бўлишидир. Халқ амалий санъати усталарининг кўпчилиги атоқли касиб-хунармандлар саналади. Бу санъатларнинг ўзига хос сир-асрори, маҳорат мактаби устоз-шоғирдлик шаклида асрдан-асрга ўтиб келган.

Учинчи тур – ижрочилик ёки халқ театри шаклида бўлиб, масхарабоз-кизиқчилик, аскиябозлик, ҳофизлик, раққослик санъати, кўғирчоқ ўйинлар, дорбозлик, турли спорт ўйинлари, сеҳргарлик (кўзбойламачилик) ва бошқалар бўлиб, булардан айниқса бахшилар ижросида мусиқа, ижро ва сўз санъати чапишиб кетган. Халқ ижоди намуналари одатда турли тоифалар дид-фаросатини чархлашга, уларнинг маънавий камолотини юксалтиришга, уларда назокат, нафосат туйғуларини тарбиялашга хизмат қилади, дунёни уйғун идрок этишга ёрдам беради.

Ўз билимларини муайян тизимга келтириб, тартибга солишга уриниш нафақат ҳар бир инсон, балки ҳар бир миллат, халқ учун ҳам хос нарса. Илмлар таснифи йўналиши ушбу табиий эҳтиёждан келиб чиқади. Илмлар таснифи бор ҳақиқатни уйғун идрок этишнинг асоси бўлиб, Европада кейинчалик «илмшунослик» (науковедение) деб ном олган бу йўналиш пайдо бўлган. Аввало, таъкидлаш жоизки бу соҳада бутун ислом минтақасида қатор комусий алломалар етишиб чиққан.

Маънавият инсон ва жамият ҳаётининг иктисод ва сиёсат сингари мустақил ва муҳим бир соҳаси, инсон ва жамият фаолиятининг бир йўналишидир. Мустақиллик даврида 1996 йилдан бошлаб, Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг бевосита ташаббуси билан барча даражадаги таълим тизимида «Маънавият асослари» алоҳида ва махсус ўқув курси сифатида ўқитила бошланди. Ҳар бир ёш авлодга маънавий баркамолликнинг моҳиятини тушунтириш, унинг руҳида бор ҳақиқат билан уйғунлик ҳосил этишга ҳар томонлама қўмақлашиш «Маънавият асослари» фанининг асосий мақсадидир.

¹ Каримов И.А. Юсак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. 172-бет.

Маънавий, инсондаги яратувчилик қудратидир, инсонда шу қудратни уйғотиш ва ҳаракатга келтиришга муваффақ бўлиш, барча улуғвор режаларни амалга ошириш учун имкон вужудга келади. Ушбу масалага бугунги жаҳон тараққиётининг илғор тамойиллари даражасида ёндашув амалга оширилса, миллий таълимнинг энг муҳим вазифаси ҳам ана шу имконни шакллантирилишидадир. Яъни, ёш авлод қалбида маънавий яратувчилик қудратини уйғотиб, уни башарият тараққиётига хизмат қилувчи муайян маънавий ривожлантириш сари йўналтира билиш билан белгиланади. Хулоса қилиб айтганда, Ўзбек халқининг ҳозирги миллий маънавияти ва қадриятлари ўтмиш миллий маънавиятининг давоми бўлиб уларга дўстлик, ўртоклик, меҳмондўстлик, одамгарчилик, инсонпарварлик, ахлоқий теранлик, тadbиркорлик, фазилатлилик, саҳийлик, хушмуомалалик, жамоа ичида ўзини тута билишлик, ҳаёлилик, сизла муомала қилиш, озодалик, хушчакчаклик, хушфёъллик, мардлик, самимийлик, лутфи карамлилик, ширинсўзлик, ташаббускорлик, она-юрт ва халқига муҳаббатлилик, инсофлилик, диёнатлилик, ростгўйлик, ҳалоллик, ор-номуслилик, тўғрилиқ, режалилик, поклик, сабр-андишалилик, вазминлик, ҳожатбарорлик, ота-она ва катталарни ҳурмат қилиш, меҳнатсеварлик, ўтмишга ҳурмат, инсофлилик, иймонлилик, миллий ғурур, мустақилликни қадрлаш, ватанпарварлик, миллатпарварлик ва бошқа миллий, маънавий-ахлоқий фазилатлар қиради.

Ўзга миллатларнинг маънавий қадриятлари қанчалик таъсир кўрсатмасин катталарга, ота-онага ҳурмат, қамтарлик, ҳалоллик, имон, меҳнатсеварлик, меҳмондўстлик сингари миллий маънавий фазилатларимиз барқарордир. Бу йўл истиқлол ва истиқбол муаммоларини ўтмишнинг бой таърибаси билан боғлашга яқиндан ёрдам беради.

МАЪНАВИЙ ТАҲДИДЛАРГА ҚАРШИ КУРАШДА АДОЛАТПАРВАРЛИК ВА ВАТАНПАРВАРЛИК ҒОЯЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

М.А.ИДРИСОВ – НамДКИ

Мустақилликнинг маънавий заминларини мустаҳкамлашда диний қадриятлардан, хусусан, одоб, ахлоқ борасида ислом дини таълимотидан оқилона, ижодий фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. «**Айниқса, кўп асрлар мобайнида халқимиз қалбидан чуқур жой олиб, ҳаёт маъносини англаш, миллий маданиятимиз ва турмуш тарзини, қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримизни безавол сақлашда муқаддас динимиз қудратли омил бўлиб келаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз**». Исломи динида нафақат миллий, балки умуминсоний аҳамиятга эга бўлган, ҳозирги пайтда ҳам ўз қимматини тўла сақлаб келаётган энг муҳим ахлоқий қондалар, фалсафий фикр-мулоҳазалар беҳисоб. Исломи одамларни динидан, миллатидан қатъий назар ўзаро ҳурмату иззатда бўлишга, бир-бирларини доимо қўллаб-қувватлашга ундайди. Миллат ажратиш, бошқа миллат вакилларини камситиш тушунчалари ислом динига таъомила ёт. «**Исломи дини – бу ота-боболаримиз дини, у биз учун ҳам имон, ҳам ахлоқ, ҳам диёнат, ҳам маърифат эканлигини унутмайлик, дейди И.А. Каримов – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи мажлисидаги**

маърузасида. – У қурук ақидалар йиғиндиси эмас. Ана шу маърифатни кишиларимиз жон-жон деб қабул қиладилар ва яхши ўғитларга амал қиладилар. Меҳр-оқибатли, номусли, ориятли бўлишга, «иззат-эҳтиром» тушунчаларига рия этишга ҳаракат қиладилар». Жамики табиий бойликларни, доварактларни авайлаш масаласида ислом динида баён этилган энг зарур, энг фойдали йўл-йўриқлар, бебаҳо ўғит ва ғоялар умуминсоний кадриятлар ҳисобланиб, у миллат танламайди.

Ислом динида табиатни кўз қорачиғидек авайлаш ҳақидаги ғоялар умумбашарий кадриятлардан бўлиб ҳисобланади. Унда алоҳида таъкидланишича, қайси бир мўмин бирор экин экса ёки мевали дарахт ўтказса-ю, улардан қушлар, одамлар ёки ҳайвонлар еса, бу унинг садақа ҳуқуқида бўлади. Унда яна соясидан халқ фойдаланиб турган дарахтни кесган одам дўзахга маҳкум этилади, деган фикрлар ҳам баён этилган.

Ислом дини жамиятда инсонпарварлик, адолатпарварлик ғояларини кенг тарғиб-ташвиқ қилади. Қуръонда инсонни улуғлайдиган, уни муқаррам зот, деб таърифлайдиган оятлар истаганча топилади.

Ислом динида бировларнинг ҳақиқа кўз олайтириш, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, ўғирлик каби қабиҳ ишлар билан шуғулланиш, фоҳишабозлик, порохурлик каттиқ қораланади. Дин одамларни ҳаром-ҳариш йўллардан узоқ юришга, инсофли-диёнатли бўлишга, ўзидан яхши из қолдиришга ундайди.

Тарбия, одоб-ахлоқ, ўзаро дўстона муносабатлар, қариндош, ота-она ва фарзандларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, меҳр-оқибат, ҳалоллик, поклик, адолат сингари инсоний кадриятлар динда кенг ташвиқ қилинади. Бунинг аксича, разолат, кибр-ҳаво, адоват, ҳасад, хиёнат, ёлғончилик, фитна-фасод, зулм каби инсонийлик шаънига доғ туширадиган разил сифатлар эса кескин қораланади.

Ислом, узоқ йиллар давомида тўхмат қилиб келинганидек, хурофот ва бидъат манбаи эмас, балки ҳар қандай илмни ўрганишга даъват этадиган таълимотдир. Ислом илмни ибодат даражасига кўтарган, хаттоки ибодатдан илмни устун қўйган. Имкони борича ва қаерда қодир бўлсанг илм ўрган, маърифатингни зиёда қил, деган ғоя ислом динининг мағиз-мағзига чуқур сингдириб юборилганлигини ҳадиси шарифдан олинган мисоллардан кўриш мумкин. «Илмни Чин мамлакатидан бўлса ҳам талаб қилинган», «Бешиқдан то тобутгача билим ол», «Олимнинг ўлими – оламнинг ўлими», деб ҳадиси шарифда айтилган чуқур маъноли фикрлар мусулмонлар учун асосий қўлланма бўлган.

Президентимиз томонидан таъкидланганидек, «Кўхна тарихимизнинг қайси даврини эсламайлик, дин ҳар доим одамларни ўз-ўзини идора этишга, яхши хислатларини кўпайтириб, ёмонларидан ҳалос бўлишга чорлаган. Ҳар бир алоҳида инсонга, оила, жамоа, мингака, бир сўз билан айтганда, умумхалққа раҳнамо бўлган. Уни оғир-оғир синовларга бардош беришга, ёруғ кунларга ингилиб яшашга даъват қилган, ишонтирган. Бундай даъват ўз навбатида одамларга қуч-қувват бағишлаган, иродасини мустаҳкам қилган, бир-бирига меҳру оқибатини оширган... Асрлар давомида дин одамларни энг улуғ мақсадлар йўлида бирлашишга, ҳамжихат бўлишга ундаган»[5.55]. Эндилликда диний ташкилотлару диндорларга нисбатан муносабат кескин ўзгарди. «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасида ҳамма учун виждон эркинлиги қафолатланади, деб белгилаб

кўйилди. Кейинги йилларда мамлакатимизда диний ишлар бўйича қилинган ишларга бир назар ташласак, бунга тўла ишонч ҳосил қиламиз.

Юртимизга Рамазон ва Қурбон ҳайитлари яна кириб келди. Мухтарам Президентимиз Фармони билан Рамазон ва Қурбон ҳайитларининг биринчи куни дам олиш кунлари деб эълон қилиниши мусулмонлар қувончига сабаб бўлди. Бухорода туғилиб ўсган, мусулмон оламида энг машҳур муҳаддислардан ҳисобланган буюк зот – имом Исмоил Бухорий таваллудининг 1200 йиллиги нишонланганлиги диний-ахлоқий кадриятларимиз тикланишида муҳим воқеа бўлди. Дунё миқёсида тантана билан ўтказилган имом ат-Термизий юбилеи ҳақида ҳам бемалол шундай дейиш мумкин. 1993 йилда тасаввуф илмининг йирик намоянаси Баҳоуддин Нахшбанд ҳазратлари таваллудининг 675 йиллиги кенг нишонланди.

Қуръони карим биринчи марта ўзбек тилида нашр этилди. Имом Бухорийнинг ислом оламида Қуръони шарифдан кейин иккинчи муҳаддас китоб ҳисобланмиш «Ал-Жомийъ ас саҳих» («Ишонarli тўплам») деб номланган 4 жилддан иборат ҳадисларининг ҳамда «Ал-адаб ал-муфрад» («Адаб дурдоналари»)ни ўзбек тилида халқимизга етказилиши катта воқеа бўлди. Бугунги кунга келиб халқимиз Абу Исо Муҳаммад ат-Термизийнинг «Шамоили Муҳаммадийя», Носириддин Бурхонуддин Рабғузийнинг «Қиссаси Рабғузий», Аҳмад Яссавийнинг «Ҳикматлар» номли китобларини ўқиш бахтига сазовор бўлди.

ZARARLI TA'SIRLARGA QARSHI KURASHDA, MAHALLA VA OILANING RO'LINI OSHIRISH MASALALARI

L. MUHIDDINOVA – TDPU qoshidagi akademik litsey o'qituvchisi

Insoniyat tarixidagi barcha xalqlar o'z taraqqiyotida uyushib yashashning turli shakllarini, ya'ni fuqarolik jamiyatining o'ziga hos bosqichlarini bosib o'tishgan.

O'rta Asiyo, hususan O'zbekiston xalqi tarixida bu shakl mahalla jamoalariga birlashuv shaklida bo'lgan. Uyushib yashash ko'pgina masalalarni birgalikda hal etishga imkon bergan, hususan mehnatni tashkil etish, himoya qilish tadbirlarini o'tkazishdagi ham jihatlik va boshqalar bu jamoaviy shaklning uzoq davrlar mobaynida saqlanib qolishini ta'minlagan. Mahalla O'zbekistonning muayyan tarixiy sharoitlarida, asrlar davomida shakllanib faoliyat ko'rsatayotgan, aholi yashaydigan ma'muriy – hududiy birlik.

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Islom Karimov ta'kidlaganidek, mahalla ta'bir joiz bo'lsa, kishilik jamiyatida alohida tarbiyaviy ahamiyatga molik bo'lgan o'ziga hos maskandir deyish mumkin. Shuning uchun ham insonni jamiyat bilan birga yashashga o'rgatganidek, shu ruhda tarbiyalaydigan birlamchi va beqiyos makon bu mahalladir. O'zbek xalqiga mos bo'lgan fazilatlar sifatida, xalqimizga xos bo'lgan mehnatsevarlik, kamsuqimlik, insonparvarlik, xalqparvarlik va yurt tinchligi mezonlariga tayanadi. O'zbek xalqiga xos ana shu fazilatlarining shakllanishida oilaning o'rni beqiyos.

Oila jamiyatning ijtimoiy tizimning ajralmas qismidir. Oila – o'ziga xos ijtimoiy birlik bo'lib, uning asosida er-xotin ittifoqi, qarindoshlik munosabati, maishiy hayot birligi, axloqiy va huquqiy mas'uliyat hamda jamiyat tomonidan o'rnatilgan otanalarning bolalarni tarbiyalash bo'yicha va farzandlarning o'z otanalari uchun muayyan majburiyatlari turadi.

Bugungi kunda rivojlanib taraqqiy etib kelayotgan jamiyatimizda mafkuraviy ziddiyatlar keskinlashgan davrda vayronkor kuchlar ma'naviy tahdidlar, zararli g'oyalar tomonidan maqsadga erishishning eng yovuz vositalari – bosqinchilik, terrorchilik, qo'poruvchilik kabi barcha vahshiyliklar qo'llanilishi mumkin. Ularga munosib zarba berish uchun ham insonda yuksak e'tiqod, vatanparvarlik, mardlik va fidoiyluk kabi oliy janob fazilatlar shakllangan bo'lishi kerak. Mana shu fazilatlarini shakllantirishda eng muhim omil sifatida, mahalla va oilaning roli beqiyosdir.

Prezidentimiz Islom Karimov ta'kidlaganidek, ...biz bugun yurtimizda yangi hayot barpo etar ekanmiz bir masalaga alohida e'tibor berishimiz lozim. Ya'ni kommunistik mafkura va axloq normalaridan voz kechilganidan so'ng jamiyatda paydo bo'lgan g'oyaviy bo'shliqdan foydalanib chetdan biz uchun mutlaqo yot bo'lgan, ma'naviy va axloqiy tubanlik illatlarining o'z ichiga olgan ommaviy madaniyat yopirilib kirib kelishi mumkinligi barchamizga ayon bo'lishi kerak».

O'zbekiston xalqining tub manfaatlari, yuksak orzu umidlari, ezgu niyatlari va buyuk ishlarni amalga oshirish yosh avlodga bog'liq.

Ma'lumki, inson bolasi har xil his-tuyg'ularga, tafakkurga ega bo'lgani uchun yoshi ulg'aya borgani sari o'zi ham o'zgaradi. Shu sababdan ham inson tarbiyasida oila eng muhim o'rin tutadi.

Sog'lom tarbiyaning bosh maqsadi insonni ezgu amallar va foydali ishlarga o'rgatish, yomon va zararli ishlarni qilmaslikka odatlantirish, har bir shaxsni ma'naviy komil bo'lishga erishishi, unda yuksak insonni tuyg'u va hislatlarni shakllantirishdir.

Aslida har qanday tarbiya, o'zining maqsadi va mohiyatiga ko'ra g'oyaviy mazmunda bo'ladi. Chunki sog'lom jamiyatda oila, bolalar bog'chasi, mahalla, maktab, kollej, litsey, universitet yoki akademiya – barcha ta'lim muassalaridagi o'quv tarbiya jarayonida bilimlarini boyitishga, jamiyat ravnaqi uchun zarur bo'ladigan fazilatlarini kamol toptirishga qaratiladi.

Bizga ma'lumki, mahalla sog'lom ijtimoiy muhit yaratishda muhim ahamiyatga ega. Shunday ekan yot g'oyalar, zararli ta'sirlarga qarshi kurashda mahalla o'zini o'zi boshqarishning o'ziga hos milliy modeliga ega bo'lib, xalqimizning azaliy umidlari, urf-odat va an'analari tayanadi va muhim tarbiya vazifasini bajaradi. Bu yerda jamoatchilik fikri odamlarning xulq atvori, munosabatlarini adolat mezonlari asosida tarbiyaga solib turadi. Mahallada g'oyaviy ishlarni samarali yo'lga qo'yish uchun katta imkoniyatlar bor. Milliy qadriyatlar, mehr-oqibat, el-yurt sha'ni uchun fidoiyluk kabi fazilatlar mahallada komil topadi. Har bir inson biror bir oilada, muayyan mamlakat va millat bag'rida dunyoga keladi. U ko'z ochib, onasini uyini, o'zi tug'ilgan zaminni taniydi. Avval onasining oq sutidan, keyin o'zi tug'ilgan zamin ne'matlaridan bahramand bo'ladi. Vatani bor odamning qadri baland, g'ururi yuksak, maqsad, muddaolari aniq bo'ladi. Vatan tuyg'usi insonni fidoiylikka, mardlik ko'rsatishga da'vat etib turadi. Shunday ekan xalqimizning tinch va osoyishta yashashi, oydin kelajagi vatan, yurt taqdiri bilan bog'liq. Madomiki shunday ekan, bugungi kunda «Yurtim tinch – men tinch. O'zimizni, o'z uyimni o'zim asramog'im darkor», degan haqiqatni chuqur anglash nihoyatda muhim.

Shunday qilib yuksak ma'naviyat, siyosiy madaniyat, doimiy ogohlik va xushyorlik, millatning g'oyaviy va mafkuraviy yetukligi yurt tinchligini saqlashning eng muhim omillidir.

*Ilm bi rgavhari noyob, yo'q o'lmas, bitmas,
Ilm bir nuri ziyodurki, jilosi ketmas,
Ilm bir nuri ilohiy – kishini xor etmas,
Ilm bir quvvat erur – millatini mahv etmas*

A. Avloniy

Abdulla Avloniy (1878-1934) ma'rifatparvar shoir, dramaturg, jurnalist, davlat arbobidir. U Toshkentdagi jadidlar harakatining ishtirokchisi hamdir. Shoir maktablar ochib, shu maktablar uchun «Birinchi muallim», «Ikkinchi muallim» va «Turkiy guliston yoxud axloq» kabi darsliklar yaratdi. Ularda Avloniyning axloqiy qarashlari, ma'rifat yo'lidagi jonkuyarligi aks etgan.

Islom o'lkasi bo'lgan Turkistonda XIX asr oxiri XX asr boshlarida maorif, fan rivojlanishi ma'rifatparvar shoirmi qanoatlantirmaydi. Avloniy to'ti tilidan yana fikrini davom ettiradi:

Hunar yo'q, ilm yo'q, fan yo'q, taraqqiydan nishon yo'qdur,
Musulmon kissasidan yel esadur ishda sarvatni

Abdulla Avloniy yosh avlodni axloqli, ilm-hunarli ko'rishni istaydi, Vatan taraqqiyoti shu yoshlar qo'lida ekanligini tushunadi. Adibning hikoyalari Navoiyning mashhur «Hayratul-abrori», Sa'diyning «Guliston va Bo'ston» asarining ta'siri sezilib turadi. Avloniy XIX asr rus klassik adabiyotidan jumladan, L.N Tolstoy va I.A. Krilov asarlaridan bahramand bo'lgan va ularning asarlarini o'zbek tiliga tarjima qilgan. 1913-yilda Avloniyning «Turkiy guliston yoxud axloq» asari bosilib chiqdi. Bu o'zbek jadid ma'rifatchiligida noyob asar bo'lganligi uchun maktab doirasidan chiqib, xalqning sevimli kitobiga aylandi. Unda insonlarni yaxshilikka chorlovchi axloq haqida fikr yuritilgan. Axloq – bu xulqlar majmui. Insonda yomon xulq yoki yaxshi xulq bo'lishi mumkin. Avloniy hech kim yomon bo'lib tug'ilmashligi, tarbiya asosida yaxshi xulqli kishilar yetishib chiqishini aytib o'tgan. U tarbiyaga shunday baho beradi: «Tarbiya biz uchun yo hayot, yo mamot, yo najot – yo halokat, yo sadoqat, yo falokat masalasidir». U o'z davrida aqliy va axloqiy tarbiyada jismoniy tarbiyaning roli katta ekanligini ko'rsatgan: «Badanning salomat, quvvatli bo'lmog'i insonga eng kerakli narsadur, chunki o'qimoq, o'rganmoq va o'rgatmoq uchun insonga kuchli, kasalsiz jasad lozimdur». U o'zining falsafiy qarashlarini misollar asosida quyidagicha isbotlaydi: «Badan tarbiyasining fikr tarbiyasiga ham yordami bordur. Jism ila ruh ikkisi bir choponning o'ngila tersi kabitur. Agar jism tozalik ila ziyatlanmasa, yomon xulqlardan saqlanmasa, choponning ustini qo'yub, astarini yuvub, ovvora bo'lmoq kabiturki, har vaqt ustidagi kiri ichiga uradur.» Bolalarda fikriy qobiliyatni yuksaltirish haqida gapirar ekan, muallimning fikriy quvvati va fikr doirasiga e'tiborini qaratadi. Avloniy «Turkiy guliston yoxud axloq» asarida aql va ilmni, ma'naviy, axloqiy olamni shunday izohlaydi: «Aql insonlarning piri komili, murshidi yagonasidir, ruh ishlovchi, aql boshlovchidir.» «Hukamolardan biri shunday deydi: har narsa ko'paysa arzon bo'lur, aql esa ilm va tajriba soyasida qancha ko'paysa shuncha qimmat baho bo'lur» degan hikmatni keltiradi. U ilm haqida shunday deydi: «Ilm insonlarning madori, hayoti, hahbari, najoti, dunyoning izzati. U inson uchun g'oyat oliy va muqaddas bir fazilatdir.»

Abdulla Avloniy ilm egallash uchun zehn va idrokni quvvatlashtirish, kitoblar,

gazeta va jurnallar o'qishga chorlaydi. U bolalami vijdonli bo'lishini istaydi va vijdonga aql va tafakkur mezoni deb ta'rif beradi. Vijdon tarozisining aql va hikmatga muvofiq ishlarga muhabbat qo'ydirib, qabohat va yomon ishlardan nafrat ettirishi deb tushuntiradi. Aslida ham vijdonli kishi vijdon amriga bo'ysunadi va hech qachon yomon yo'lga kirmaydi. Avloniy yoshlar tarbiyasini vatanparvarlik tuyg'ularisiz tasavvur qila olmaydi. U vatanni shunchaki sevish mumkin emas, uning dardi bilan yashamoq, uning baxtidan quvonmoq, u bilan faxrlanmoq kerak deb uqtiradi. U vatan she'rida

Vatan, vatan deya jonim tanimdan o'lsa ravon,
Mango na g'am qolur, avlodimda o'yu vatanim.
G'uborga do'nsa tanim, yo'q vujudi zerivahm,
Charoki, o'z vatanim hokidur go'ru kafanim.

Shoir o'z vataniga jon fido etmoqni sharaf deb biladi va vatanparvarlikka chorlaydi.

Til va madaniyatga e'tibor ham Avloniy nazaridan chetda qolmagan. U: har bir millatning dunyoda borlig'in ko'rsatadurg'on oyinayi hayoti til va adabiyotidir deb yozgan. U go'zallikni til go'zalligisiz tasavvur qila olmaydi:

So'z bilmas lablarni mumkinmas sevmak;

Otashsiz nigoh u – hidsiz bir chechak.

«Turkiy guliston yoxud axloq» da «Yomon xulqlar» deb atalgan bo'lim bo'lib, insonga xos 18 ta qusur haqida fikr bildirilgan. Bular: buzuqlik, g'azab, yalqovlik, xasislik, vatanparvarlik, takabburlik, chaqimchilik, g'iybat, qo'rqqoqlik, hasad, yolg'onchilik dushmanlik, tama' kabilardir. Ularning hammasi jaholatga kelib taqaladi. Jaholat esa ilmsizlik va nodonlikdir. Lekin davosiz dard yo'q, inson o'zini qo'lga olib, nafsini jilovlasa, atrofga ibrat ko'zi bilan boqsa, harqanday qusurdan xalos bo'lishi mumkinligiga Avloniyi shonch bildiradi.

МЕТОДОЛОГИЧЕСКОЕ ЗНАЧЕНИЕ ИДЕЙ ПРЕЗИДЕНТА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН ИСЛАМА КАРИМОВА В ДУХОВНОМ ВОЗРОЖДЕНИИ НАРОДА

Г.АБДУСАИДОВА – СамГУ

Среди наиболее важных приоритетов развития Узбекистана на ближайшую перспективу, Ислам Каримов особо выделил проблему дальнейшего духовного обновления общества. «Мы все, – подчеркнул Президент Ислам Каримов, – должны четко осознавать, что от духовного возрождения народа, сохранения традиций, развития культуры и искусства зависит положение дел в других сферах, зависит насколько результативными будут проводимые реформы». Поэтому, проблема духовности, проблема духовного и нравственного воспитания приобретает сегодня особенно важное значение. Ни одно общество не может видеть свою перспективу без развития и укрепления духовного потенциала, духовных, нравственных ценностей в сознании людей. В произведении «Узбекистан на пороге XXI века, угрозы безопасности, условия стабильности и гарантии прогресса» подчеркивается, что исключительно важное место в процессе возрождения и роста национального самосознания и национальной гордости занимает историческая память, восстановление объективной и правдивой истории народа, родного края.

Без духовного возрождения народа невозможно преодолеть последствия

господства административно-командной системы во всех сферах жизни общества, невозможно осуществлять курс на демократизацию общества, на установление гармоничных отношений между обществом и природой, между обществами в масштабах всего человеческого сообщества. Благодаря начавшемуся реформированию и обновлению нашей общественной жизни, открылись мощные пласты духовной культуры, изменившие психологию народа в сторону патриотизма, национальной гордости, открытости для всего мира. В своих работах Президент Ислам Каримов подчеркивает, что признание Узбекистана мировым сообществом, широкая внешнеполитическая и внешнеэкономическая деятельность нашего государства стали дополнительным импульсом к возрождению духовных ценностей и потенциала узбекского народа, осознанию себя в качестве полноправной нации в семье других народов.

Именно в сочетании наших традиционных ценностей с ценностями современного демократического общества – залог нашего будущего процветания, залог интеграции нашего общества в мировое сообщество.

«С первых дней нашей независимости, – подчеркивает Президент Ислам Каримов, – важнейшей задачей, поднятой на уровень государственной политики, явилось возрождение того огромного, бесценного духовного и культурного наследия, которое в течение многих веков создавалось нашими предками... Возрождение духовных ценностей мы рассматриваем как органический, естественный процесс роста национального самосознания, возрождения к духовным истокам народа, его корням.»

Духовные основы базируются на четырех устоях:

- приверженности общечеловеческим ценностям;
- укреплению и развитию духовного наследия нашего народа;
- свободной самореализации человеком своего потенциала;
- патриотизме.

Источник силы независимого Узбекистана – преданность нашего народа общечеловеческим ценностям. Через века он бережно пронес хрупкие ростки справедливости, равенства, добрососедства и гуманизма. Высшая цель обновления Узбекистана – возродить традиции, наполнить их новым содержанием, создать необходимые условия для достижения на нашей земле мира и демократии, достатка, культуры, свободы совести и развития каждого человека. «Гуманизм – это неотъемлемая черта национального духа узбекского народа. Жестокость и насилие чужды ему. За тысячелетия своей богатейшей, событиями истории наш народ пережил многое – радости расцвета культуры, науки государственности и горечь раздоров, чужеземного порабощения, потер лучших и дочерей. Ни превратности истории, ни жестокие войны, ни стихийные бедствия и голод не сломили человечности народа. И сегодня узбекского семья – воплощение добра и света, любви к детям, почитания старших, чуткого отношения к ближнему и к чужому горю» – указывал наш Президент.

Концепция Ислам Каримова о национально-духовном возрождении является актуальной не только для глубокого и конкретного понимания закономерностей развития общества, но и сущности самого человека. Изучение вопросов духовности в единстве с национальным возрождением и прогрессом поможет укреплению духовных основ независимости страны и воспитанию ее нового гражданина, гармонизации национальных ценностей с общечеловеческими.

МИНТАҚА МАДАНИЯТИ ТАРАҚҚИЁТИДА ВОРИСИЙЛИК ВА УНДА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

А.МИНГЎРАЕВ – ТДПУ магистранти

XX асрнинг охирларида Ўзбекистон халқлари ҳаётида чуқур тарихий ўзгаришлар рўй берди. Ўзбекистон қарамлик асоратидан қутилиб давлат мустақиллигини қўлга киритди. Ўзбекистон халқи, ўзбек миллати ўз маънавий-маърифий ва маданий қамолотининг мутлақо янги сифат босқичи, миллий истиқлол, миллий тикланиш ва ривожланиш даврига қадам қўйди.

Мустақиллик халқимизга ўз тақдирини ўзи белгилаш имкониятлари билан бирга ўз тарихини, ўтмишини, буюк алломаларини, маънавий ва маданий меросини ҳаққоний ўрганиш имкониятларини яратиб берди.

Ватанимиз келажagini, халқимизнинг эртанги кунини белгилаб беришда минтақамиз маданий ва маънавий ҳаёти тарихини ўрганишнинг аҳамияти каттадир, чунки тарихнинг ҳаққоний ёритилиши ҳар бир инсонда ўз тарихидан ғурурланиш ва фахрланиш туйғуларини шакллантириб беради.

Инсоният тарихий тажрибасини кўрсатишича, бирон-бир жамят маданий-маънавий имкониятларни, одамлар онги ва қалбида маданий-ахлоқий кадриятларни ривожлантирмай ва мустаҳкамламай туриб, ўз истиқболини тасаввур эта олмайди. Юксак маданиятга эришиш, маънавиятни юксалтириш ҳар қандай давлат ва жамят тараққиётининг асосий омилларидан биридир. Маданий-маънавий жиҳатдан қашшоқ бўлган мамлакат буюк, порлоқ истиқболга эга бўла олмайди.

Маданий қашшоқлик, маънавий инкироз, инсоннинг интеллектуал ноестуклиги барча даврларда ҳам жамят тараққиёти учун ниҳоятда ҳалокатли бўлган.

Маданий-маънавий тараққиёт бутун инсоният ҳаётида катта ўрин тутган ва устиворлик қилганидек, мустақил Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли учун ҳам муҳим ҳаётий заруратдир.

Халқ маънавиятини, миллий маданиятни доимий равишда юксалтириб бориш мамлакатимиз тараққиётида муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон халқининг маданияти, маънавияти тарих саҳнасида кун-кеча пайдо бўлган эмас, у ўз ичига у бир неча минг йилларни камраб олади. Миллий маданиятимизнинг тарихий илдишлари, томирлари қадим замонларга бориб тақалади.

Миллий маданиятимизнинг шакллана бошлаши ва ривожланиш жараёнининг илк асослари милоддан аввалги минг йилликларда яратилди ва ундан кейинги даврларда бойитилиб, ривожлантириб келинди.

Халқимиз маданияти қадимий эканлиги, уни авайлаб асраш, бу маданиятни жаҳонга намоиш қилиш, уни ҳар томонлама юксалтириш олдимизда турган асосий вазифаларнинг бири эканлиги Президентимиз томонидан доимо таъкидлаб келинмоқда. Авлод-аждоғларимиз томонидан қолдирилган маданий мерос ниҳоятда бой, жудаюм қадри, улуғ ва бебаҳодир.

Қадимий маданият, маънавият маскани бўлган Туронзамин, унинг бир муҳим бўлаги ҳисобланмиш Туркистон ҳудуди инсониятни азал-азалдан ҳайрону лол қолдириб келатган ушбу диёр доимо қатор манбаларда ёритиб келинмоқда¹.

¹ Ҳолиқов Э., Сиддиқов Б., Рустамов М., Мирзаев. Қалбан уйғониш даври. – Т.: Экстремум пресс, 2011, 23-бет.

Ўзбекистон халқи ўзининг ўтмиш тарихида бир неча бор маданий юксалиш босқичини Уйғониш даврларини кечирган. Ана шу уйғониш даврларида бизнинг қадимий ва муқаддас заминимиздан халқимиз маданиятини, маънавиятини ривожлантиришга катта хисса қўшган буюк сиймолар етишиб чиққан.

Ўрта Осиё минтақаси маданий ҳаёти тараққиётида Амир Темур ва темурийлар даври ўзининг алоҳида ўрнига эгадир. Темурийлар даври Туронзамин тарихи ва халқлари ҳаётида, юксак тараққиёт босқичи бўлганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. XIV ва XV аср аждодларимиз ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий ҳаётидаги туб бурилиш, гуллаб-яшнаган даври хисобланади.

Ана шу даврда шарқ алломалари яратган бебаҳо таълимотлар Амир Темур ва темурийлар даврида гуллаб яшнаган илм-фан, меъморчилик, тасвирий санъат, наққошлик, мусика дунёнинг кўплаб минтақаларига, жумладан, Европадаги маданий-маънавий соҳалардаги ривожланишга ўз таъсирини кўрсатди. Илм-фан, маданият, қурилиш-ободончилик ва бошқа соҳаларда эришилган ютуқлар ўзининг улғуворлиги, нафислиги, бадий шаклларининг хилма-хиллиги, маънавий софлиги ва етуқлиги билан инсоният ақл-идроқи ва тафаккурини юксакликка кўтарди, Ғарбий Шарқ билан яқинлаштирди.

Темур ва унинг сулоласи даврида Ўрта Шарқда фан, санъат ва маданият ривож топди. Шу даврда ажойиб саройлар, масжид ва мадрасалар, кошинкор макбаралар қурилди. Буюк олиму-фозиллар бу давлат шухратини оламга танитдилар. Буюк Улуғбек, Алишер Навоий, Абдураҳон Жомий, Камолиддин Бехзод каби олимлар, шоирлар ва миниатюра ижодкорлари шу даврда яшаб ижод қилдилар.

Шу даврда бу улут салтанатда яшаган кўп халқ ва элатлар санъати, маданияти урф одатлари чагишиб, ривожда бўлди. Шу санъат худудида шаклланган янги анъана ва жараёнлар эса тезда бошқа ерларда ўз давомини топиб янги мактаб ва йўналишларга туртки берди.

ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТЎҒРИСИДАГИ ҒОЯЛАРИ

*М.С. ХАЖИЕВА – УрДУ, ф.ф.д.
С. ЁРМАТОВ, С. МАШАРИФОВ – УрДУ талабалари*

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида ёшларга маънавий тарбия беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 1997 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» мазмунида ҳам юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрларни тарбиялаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканлигига урғу берилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Қаримов асарларида ёшларнинг билимли, юксак тафаккур эгаси бўлиш борасидаги қарашлар муҳим ўрин эгаллаган бўлиб, уларнинг интеллектуал салоҳиятини жамият тараққиётини таъминловчи омил эканлигига алоҳида урғу берилади. Чунончи, «... илму маърифат инсонни юксакликка кўтаради. XXI асрда, мен ишонаман, маданият учун, илму маърифат учун жонини берадиган ва буни ҳаётининг асосий мақсади қилиб қўядиган янги

авлод пайдо бўлади. Биз ана шу авлод учун яшаймиз. Биз ана шу олижаноб максадларни одамлар онгига сингдириш учун ҳаракат қилаймиз. Биз қутаётган авлод мана шу бойликни дунёдаги энг катта бойлик деб билса, ҳаётини шунга бахшида этса, билингки, одамзод ёруғ кунларга эришиши муқаррар»¹.

Шарк мутафаккирлари ўз асарларида билиш ҳамда инсон ақлий тафаккури масалаларига алоҳида ўрин берган. Хусусан, Абу Наср Фаробий инсон томонидан борлиқни ва табиат сирларини англашда илм-фаннинг ролини ҳал қилувчи омил сифатида баҳолайди. Алломанинг фикрича, инсон танаси, мияси, сезги органлари у туғилганда мавжуд бўлган бўлса, ақлий билими, маънавияти, руҳияти, интеллектуал ва ахлоқий сифатлари, характери, дини, урф-одатлари, маълумоти ташки олам, ижтимоий муҳит таъсирида, одамлар билан ташкил этаётган муносабатлари жараёнида шаклланади.

Абу Наср Фаробийнинг эътирофича, инсон ақли, фикри унинг руҳий жиҳатдан юксалишининг маҳсулидир. Инсон билимларни ўзлаштирар экан, борлиқда тирик мавжудотнинг яратилиш тарихигача бўлган маълумотларни ўзлаштира олади, уларни яратди, илмий жиҳатдан асослайди.

Алломанинг мазкур фикрларини давом эттирган ҳолда Абу Райҳон Беруний куйидагиларни илгари суради: «Инсон нарса ва ҳодисаларнинг фақат ташки сифати ҳамда хусусиятлари ҳақида билим олмай, балки тафаккури, ақли туфайли нарса ва ҳодисаларни таққослайди, бир-бири билан солиштириб кўради, ўз билимларининг чинлигини аниқлайди»². Мутафаккир, шунингдек, одамлар томонидан билимларни ўзлаштирилиб бориши янги билимларнинг яратилишига олиб келишини айтади: «Илмлар кўпдир. Улар замони иқболли бўлиб, турли фикр ва хотиралар уларга қўшилиб борса кўпаяди. Одамларнинг илмларга рағбат қилиши, илмларни ва илм аҳлларини ҳурматлаши ўша иқболнинг белгисидир.

(Айниқса) ҳукмрон кишиларнинг илм аҳлини ҳурмат қилиши турли илмларнинг кўпайишига сабаб бўлади»³.

Абу Али ибн Сино ўз асарларида «билим» тушунчасига шарҳ бериш билан бирга билимнинг чуқур ўзлаштирилиши донишмандлик эканлигини алоҳида қайд этади: «Илм нарсаларнинг инсон ақли ёрдами билан ўрганилишидир. Билим, деб эса нарсаларни идрок қилишга айтилади. Бу шундайки, инсон ақли уни ҳато ва йўлдан тоймасдан туриб унга эришиши керак бўладиган нарсадир. Бордию, бу далиллар очик-ойдин бўлсаю, исботлар чинакамига бўлса, у ҳолда бунга хикмат – донишмандлик дейилди»⁴.

Баҳоуддин Накшбанд тариқатида авлиёлик куч-қувватини эзгуликка, илм-маърифатни ривожлантиришга йўналтириш етакчи ўрин тутати. Бинобарин, илм-маърифат зулм ва бидъатдан фориғ бўлиш йўлидир. Аллома томонидан илгари сурилган «Хилват дар анжуман», «Сафар дар ватан» ғоялари мавжуд билимларни суҳбат ҳамда амалиёт ёрдамида ўзлаштириш мақсадга мувофиқлигига ишорадир. Зеро, баҳс-мунозараларда, доимий изланишларда ҳосил бўлган илм пухта ва мустаҳкам бўлади.

¹ Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. Тузувчилар: Ш.Курбонов, Р.Ахлиддинов, Х.Саидов. – Тошкент, Шарқ, 1999. – 57-бет.

² Беруний Абу Райҳон. Танланган асарлар. III-жилд – Тошкент, “Давлат” нашриёти, 1966. – 7-бет.

³ Беруний Абу Райҳон. Танланган асарлар. II-жилд – Тошкент, “Давлат” нашриёти, 1965. – 125-бет.

⁴ Ўзбек педагогикаси антологияси //Тузувчи-муаллифлар: Ҳошимов К., Сафо Очил. – Тошкент, Ўқитувчи, 1995. – 137-бет.

Алишер Навоий билимларни изчил, узлуксиз ўзлаштириш зарурлигини уқтиради. Шунингдек, илм ўрганиш машаққатли юмуш бўлиб, уни ўрганишда айрим қийинчиликларни енгиб ўтишга тўғри келиши, бу йўлда чидамли, каноатли, бардошли бўлиш оркалигина мукамал билимга эга бўлиш мумкинлигини таъкидлайди.

Абдулла Авлоний эса инсон ақлий камолоти хусусида тўхталар экан, куйидагиларни баён этади: «Илм дунёнинг иззати, охиратнинг шарофатидир. Илм инсон учун ғоят муқаддас бир фазилатдур, зероки, илм бизга ўз аҳволимизни, ҳаракатимизни ойна каби кўрсатур, зехнимизни, фикримизни қилич каби ўтқир қилур, илмсиз одам меvasиз дарахт кабидур»¹. Аллома билим инсонни жаҳолатдан қутқаришнинг энг самарали воситаси эканлигига ҳам ургу беради: «Илм бизни жаҳолат қоронғусидан қутқарур, маданият, маърифат дунёсига чиқарур, ёмон феъллардан, бузук ишлардан қайтарур, яхши хулқ, одоб сохиби қилур. Бугун ҳаётимиз, саломатлигимиз, саодатимиз, сарватимиз, маишатимиз, ҳимматимиз, ғайратимиз, дунё ва охиратимиз илмга боғлиқдур»².

Ёшлар дунёқарашини шакллантиришнинг бир неча мақбул шакл, метод ва воситалари бўлиб, улар сирасида маънавий-ахлоқий, ижтимоий-ғоявий, иқтисодий, ҳуқуқий, эстетик ва экологик мавзуларда ташкил этилувчи суҳбатлар, баҳс-мунозаралар, маърузалар, муаммоли вазиятларни яратиш асосида ўқувчиларни фикрлашга ундовчи амалий тренинглари, дебатлар, мустақил ишлар, шунингдек, ишчанлик ўйинлари янада самарали саналади.

Таълим-тарбия жараёнининг изчил, узлуксиз, тизимли ҳамда аниқ ижтимоий мақсад асосида ташкил этилиши, мазкур жараёнда фанлараро алоқадорлик, шунингдек, дунёқарашни шакллантиришда самарали саналувчи барча мавжуд омилларнинг бирлигига таянган ҳолда иш кўриш кўзланган мақсадга эришишнинг қафолатидир. Мазкур ҳолат маълум ижтимоий воқеа-ҳодисалар моҳиятини турли нуқтаи назардан баҳолаш, уларнинг ривожини кўра билиш, бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтишини кузатиш, уларнинг ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлиги, бир-бирини такозо этишини тушуна олиш имконини беради.

GO'ZALLIK EZGULIKNI UYG'OTADI

N.ASROROV, S.D. BOBOYOROVA – NavDKI

Inson yaralibdiki, doimo go'zallikka intilib keladi. Insonlarning go'zallikka intilishi azaliy hech to'xtamas bir harakatdir. Go'zallik – estetika tushunchasi bo'lib, islom ta'limotida ollohning jamoli nazarda tutiladi. Inson go'zalligi uning yaxshilik qilishida, sabr-toqatida ko'rinadi. Forobiy ta'limotiga ko'ra go'zallik insonning jismoniy, ma'naviy va axloqiy chiroyining ifodasidir. Alisher Navoiy fikricha hayot va insonda, ayni paytda barcha xunuklik va nopoklik ham insonda deb biladi, shuning uchun u inson tarbiyasiga katta ahamiyat beradi. Platon tasavvuricha, inson go'zallikni allaqanday estetik-ruhiy kayfiyat chog'idagina idrok eta oladi. Arestotel, Didro fikriga ko'ra, narsa va hodisalardagi uyg'unlik, mutanosiblik go'zallikni tashkil etadi.

«Go'zallik» deb odamlar o'z ixtiyorlari bilan qanchadan-qancha qurbonlar ber-

¹ Авлоний А. Одоб бўстони ва ахлоқ гулистони. – Тошкент, Ўқитувчи, 1994. – 10-бет.

² Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. – Тошкент, Ўқитувчи, 1992. – 22-23-бетлар.

ishmagan. Ispaniya ayollari ko'zlariga belladonna tomizishar, bunda garchi og'risa ham, qorachilari kengayib, ko'zlari chiroyliroq bo'lib qolaveradi.»Zebo bo'lmoq uchun jonni jabborga bermoq kerak». Masxarabozlar zahar – shodlantiruvchi gaz (Azot I oksidi) ni hidlar edilar. O'zini buyuk artist deb hisoblagan Rim imperatori Neron o'zini shunday qiynoqqa solardi. Burniga ro'molcha tutib nafas olar, ko'kragiga qo'rg'oshin taxtalarini qo'yib qo'yar edi.

Dilni quvontiradigan, his-hayajonlarni rag'batlantirib, quvvatlab boradigan eng qudratli vosita, chamasi san'atdir. Aytaylik, hatto fojeali voqea tasvirlangan ajoyib bir surat oldida to'xtadingiz (Masalan: I. Repenni «Ivan Grozni va uning o'g'li Ivan» yoki P. Pryudonning «Jinoyatni ta'qib etayotgan Adolat va Intiqom» suratlari). Avvaliga siz dahshat ichida qolasiz, tomiraringiz torayadi va qo'rqinchli manzaradan qochish payiga tushasiz. Biroq shohona polotno tez orada ko'nglingizda boshqa his-tuyg'ularni uyg'otadi. Go'zallikdan zavqlanish, san'atning ulug'vorligini tan olish fikringizni maf-tun etadi. «Go'zallik – bu uyg'unlik, uyg'unlik – bu mutanosiblik, mutanosiblik – bu yaxlit narsa va qismlarining birligi, payvastaligidir».

San'at ajoyib go'zallikni qidirib topishga qaratilgan faoliyatdirki, bunday go'zallikdan kishining yurish-turishi oliyanob tusga kirib, his-tuyg'ulari, o'y-fikrlari kamolga yetadi. Masalan: biz baxtiyor o'tgan kunlarimizni eslagan paytda hayajonlan-amiz, shodlanamiz, ya'ni kim, ruhiyatimiz tin olib tetiklashadi.

Tadqiqotlardan ma'lumki, go'zalliklar orasida tug'ilib, voyaga yetgan inson bilan xunuklik, qo'rqinch iskanjasida voyaga yetgan insonning osmon bilan yercha farqi bor. Farq shundaki, biri doim ezgulikni qidiradigan, ruhan sog'lom, jamiyatga teran nazar soladigan bo'lsa, ikkinchisi o'ziga nisbatan ishonchiyo'q, dilixira, befarq inson sifatida gavdalanadi. Go'zallik yaxshilikda noziqlanadi. Mabodo biz kimnidir ranjitar ekanmiz, ikki tomonlama yomonlik qilgan bo'lamiz: ham o'zimizni, ham o'sha odamni dilini og'ritamiz. Va aksincha, bir odamga qilgan yaxshiligimiz muqarrar o'zimizga qaytib keladi, albatta, ko'nglimizni ilitadi.

Barcha go'zallik ham dilni quvontiravermaydi. Sohbjamol ayol, aytaylik, beaqil, yolg'onchi, dangasa bo'lsa kishini ensasini qotiradi, xolos. Chiroyli gullar ham hamisha quvontiravermaydi. Masalan, Yavada yashovchi kishilar qirol primulasiga ko'zi tush-ganida dahshatga tushishadi. Sababi, bu oq rangli gul Pangrango tog'laridagina o'sadi va vulqon otilishidan bir kun ilgari gullaydi.

A.Navoiyning maftunkor she'rlarini olib ko'radigan bo'lsak, undagi jozibadorlik, serqirralikni ko'ramiz. Jumalarning mukammalligidan tuyg'ularning shundoqqina quyulib turganligidan inson zavq oladi: «O'n sakkiz ming olam oshibu agar boshindadir, ne ajab shul sarvinozim o'n sakkiz yoshindadir», «O'rtasa ishqi meni, so'rma sabab: kuysa hoshak yolindin, ne ajab», «Bizni zor etdi bu ra'no mutrib, nag'ma birla tarabafzo mutrib...».

Hayot – bu har kim o'z qo'li bilan yozib boradigan kitobdir. Unga hech narsani xomaki qilib, o'chirib, tuzatib, yozib bo'lmaydi: oqqa ko'chirib olishga iloj yo'q. Hayotda qilingan narsa bir umr qolaveradi. Yozganda shunday yozish kerakki, keyin-chalik ba'zi sahifalarining ustiga chiziq tortib yuborging kelmaydigan bo'lsin. Shuning uchun o'sib kelayotgan yosh avlodni har tomonlama go'zallik ruhida tarbiyalaylik. Shundagina jamiyatimiz tinch, farovon va go'zal bo'ladi.

МУСТАҚИЛЛИК ШАРОИТИДА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ ВА УРФ-ОДАТЛАРИМИЗНИНГ ТИКЛАНИШИ

Г. БЕРДИЕВА – НамДКИ

Маънавият мустақилликнинг энг муҳим шартларидан биридир. Чунки, маънавият бўлмаса мустақиллик ҳам, тараққиёт ҳам, бахт-саодат ҳам, иймон-этиқод ҳам, элда диёнату адолат ҳам, ҳуллас, одамларда Ватан ва эрк туйғуси ҳам бўлмайди. **«Маънавият – инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, продасини бақувват, иймон-этиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган бекиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир».** Маънавиятнинг энг муҳим таркибий қисмларидан бири албатта, миллий қадриятларимиз ҳисобланади. Қадриятлар юқорида таъкидлаганимиздек, ўтмиш билан ҳозирги кун ўртасидаги ворисийликни таъминлайди. Миллий қадриятларимизни аслига келтириш ва ривожлантиришда халқимизнинг қўп асрлик анъаналари, маданияти, урф-одатлари, ҳар хил байрамлари, бой қадимий мероси ўзининг алоҳида ўрни ва аҳамиятига эга. Маданий-маънавий меросимиз, асрий анъаналар – ўтмишдан, авлод-аждодаларимиздан бизларга етиб келган, бугунги ҳаётимиз учун хизмат қиладиган энг катта маънавий бойлик, буюк хазинадир. **«Бу хазина инсонга ҳаётда барқарорлик бағишлайди, унинг қарашлари шунчаки бойлик орттириш йўлида кун кўришга йўл қўймайди, фожиялар вақтида омон сақлаб қолади ва моддий қийинчилик кунларида иродани мустаҳкамлайди».** Халқимиз маданий мероси, анъаналари, урф-одатлари бизлар учун фақат ўтмишдан қолиб келаётган ёдгорликка эмас, барча маънавий бойликларнинг таркибий қисми, инсон ақл-идроки ва тафаккурининг буюк ютуғи ҳамдир. Дарахт ўз илдизлари билан заминдан сув, озик-овқат олиб воёга етганидек, инсон ҳам авлод-аждодаларидан қолиб келаётган бебаҳо бойликлардан руҳий озик, куч-қувват олади, уларга таянади. Ҳар бир миллат ва элат аждодалари билим бойликларидан, тажриба ва тарихий сабоқларидан, одоб-ахлоқ, таълим-тарбияга оид ўғитлари ва йўл-йўриқларидан фойдаланади, буларсиз яшай олмайди.

Ўтмишга, маданий меросга ҳурмат – бу, биринчи галда унинг яратувчиси, кўз қорачиғидек авайлаб-асровчи ва ривожлантирувчиси бўлган халқ оmmasига қўрсатилган иззат-икром, меҳр-оқибатдир. Ўзининг ўтмиш тарихига, маданиятига, тарихий меросига, миллий анъаналарига катта эътибор ва ҳурмат билан қарайдиган халқнинг истикболи порлоқ бўлади. Ўтмишдошларимизга бизлар қандай муносабатда бўлсак, насл-насабимиз ҳам бизларга худди шундай жавоб қайтаришади. Ўтмишимизни қанчалик яхши билсак ва эъзозласак, ҳозирги даврни, мустақиллигимиз истикболи ва аҳамиятини шунчалик чуқур ва мукамал тушунамиз.

Халқимизнинг маданий-маънавий бойликлари ва миллий қадриятларини тўла, одилона эгаллаш ва ривожлантириш ҳозирги авлодларнинг вазифасидир. Гап ўтмиш маданий-маънавий бойликларига эга бўлишдагина эмас, балки уни чуқур эгаллаб, янги, юксак босқичга кўтара билишдандир.

Ўзбек халқида дунё тан бериб келаётган ажойиб инсоний фазилатлар, нодир урф-одатлар мавжуд. Оила аъзоларининг барчаси тўпланмагунча овқат емай туриш, оила бошлиғини одоб сақлаб кутиш, ота-онани ўрnidан туриб кутиб олиш, уларга ҳар доим илтифот қўрсатиш, катталарга ҳурмат, кичикларга меҳр-шафқат, уруғ-аждодаларга, қўни-қўшиларга, хеш-ақробаларга, маҳалладошларга, таниш-билишларга ёрдамни аямаслик ва бошқалар бунга мисол бўлади.

Бировлар билан муомалада одоб-ахлоқ қоидаларига қатъий амал қилиш, ўзидан катталар, ёши улуглар билан ҳаё, одоб-андиша асосида сўзлашиш, уларга ножоиз сўзларни айтмаслик, бетгачопарлик қилмаслик, одоб-ахлоқ, андишани кўлдан бермаслик – буларнинг ҳаммаси халқимизда чинакам лутфу назокат ҳисобланади ва юксак даражада эъзозланади.

Ўзидан катталарни, биринчи галда кекса боболару оталарни, нуруний оналару бувиларни ҳурмат қилиш, эъзозлаш, улар учун кўлдан келган ёрдамни аямаслик ўзбек халқининг анъанавий қоидаси бўлиб, улар ўзбек оилаларида ёшлиқдан болалар онгига, қон-қонига, вужуд-вужудига чуқур сингдириб юборилади, ота-боболаримиз анъаналарига кўра, ёшлар ўзидан катталарни кўрганда таниш-танимаслигидан, миллати ва жинсидан қатъий назар салом беришлари, йўлда рўбарў келганда биринчи бўлиб ўтказиб юборишлари, улар билан самимий муносабатда бўлишлари, илтифотларини аямасликлари лозим. Ўзбек оилаларида ўтадиган биронта ҳам маросим, тўй-томоша, ҳашар кексаларнинг маслаҳатисиз ва иштирокисиз ўтмайди. Кексаларнинг турмуш тажрибалари, билим бойликлари, босиб ўтган йўллари, йўл-йўриқлари, маслаҳатлари, сабоқлари – ёшлар учун энг қатта бойлик, битмас-туганмас хазиналар қонидир. Кексаси бўлган хонадонда файз-барака бўлади, деган мазмунда айтилган қанчадан-қанча маталлар, мақоллар, афсонаю ривоятларимиз борлигини айтиб ўтирмасак бўлади.

Ўзбек халқининг энг қадимий даврлардан бошлаб ҳозирга қадар давом этиб келаётган, ўз аҳамиятини ҳеч қачон йўқотмайдиган аjoyиб кадриятлардан яна бири ота-онани юксак даражада эъзозлаш, иззат-икромлари, ҳурматларини жойига қўйишдан иборатдир. Фарзанд учун дунёда ота-онандан кўра меҳрибон, азиз ва мўътабар зот йўқ. Ота-она фарзандларнинг суянчиғи, битмас-туганмас бойлигидир. Ҳеч иккиланмасдан шуни айтиш керакки, ота-она фарзанд учун ҳеч нарсани аямайди. Уларнинг табиат ато этган буюкликлари ҳам ана шунда. Ўзбек халқи одоб-ахлоқи бўйича, кексаларнинг, ота-онанинг олдидан салом бермасдан ўтиш гуноҳ ҳисобланади. Бундайларни эл-юрт лаънатлайди. Шундай бўлар экан, ота-онани қадрлаш, уларнинг беўлчов хизматига бир умр содиқ бўлиш, дуоларини олиш – болаларнинг фарзандлик бурчидир. Бу – миллий кадриятларимизнинг энг муҳим талабларидан биридир.

ВАТАН ҲИМОЯСИ – МУҚАДДАС БУРЧ

О.ХАЙТОВА – ф.н., доц.,

М.САЙИДОВА, Г.САТТОРОВА – тадқиқотчилар

Ватан ҳаммамиз учун улуг ва муқаддас бешик. Неча асрлар давомида аждодларимиз Ватан озодлиғи, унинг гуллаб-яшнашини орзу қилиб келганлар. Бу орзу-умид йўлида жон фидо қилганлар. Ватан туйғуси, миллатнинг шаён-шавқати, миллий ғурур ва ифтихор, маданият ва маънавият, одоб ва ахлоқ, шу каби бошқа кўплаб эзгу фазилатлар аждодлардан бизга мерос бўлиб қолган. Боболаримиз, гарчи жон фидо этиб ҳам озодликка эриша олмаган бўлсалар-да, халқни халқ, миллатни миллат сифатида тутиб турувчи кадрият ва анъаналаримизни, дину диёнатимизни, бетакрор маънавиятимизни кўз қорачиғидек асраб келдилар. Мустақилликнинг дастлабки қунларидан бошлаб, давлатимиз раҳбари бу неъматларга қайта жон бағишлаш, уларни

янада бойитиш, келгуси авлодларга бус-бутун етказишни миллий истиклол ғоясининг ўзак вазифаси сифатида эътироф этди. Халқни буюк келажак ва улугвор мақсадлар сари бирлаштириш, мамлакатимизда яшайдиган, миллати, тили, динидан қатъи назар, ҳар бир фуқарони «Шу азиз Ватан – барчамизники» шиори остида ягона Ватан тараққиёти, мунаввар келажаги учун масъулият ҳиссини сезиб яшашга чорлаш, юксак фазилатли комил инсонларни тарбиялаш, уларни яратувчанлик ишларига даъват қилиш, шу муқаддас замин учун фидойиликни ҳаёт мезонига айлантириш тарғибот-ташвиқот ишларининг марказига қўйилди.

Мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритиб, эркин, демократик жамият қуриш йўлига ўтганидан бери орадан йигирма йил ўтди. Минг тўққиз юз тўқсон биринчи йил адоғида туғилган фарзандлар бугун вояга етиб, ёнимизга кирди, сафимизга қўшилди. Бундай қараганда, бу – жуда кўп фурсат эмас. Халқ тили билан айтганда, бир йигит ёши. Лекин, тарихнинг ўзига хослиги шундаки, баъзан вақт ҳам воқеа-ҳодисалар шиддати ва моҳиятини, эришилган натижаларни ифодалашга ожизлик қилиб қолади. Сўнгги икки ўн йилликдаги ҳаётимиз бунга ёрқин мисол бўла олади¹.

Ҳар қандай ғалаба, унинг натижалари сақлаб қолинган тақдирдагина аҳамият касб этади. Истиклолимизнинг дастлабки йилларида мамлакат олдида турган тарихий вазифа – мустақилликни мустаҳкамлаш, уни ёмон кўзлардан асраш, одамлар онг-шуурига янги жамият ғояларини сингдириш, халқнинг кадр-қимматини қўтариш, ор-номусини, шаън-шавқатини жой-жойига қўйиш эди. Шу мақсадда Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳбарлиги остида қисқа вақт ичида миллий тараққиётнинг Ўзбекистонга, халқимиз турмуш тарзи ва менталитетига хос ва мос янги модели, миллий истиклол мафқурасининг асосий тамойиллари, соддарок қилиб айтганда, жамият ҳаётининг олис келажакка мўлжалланган бош мақсад-режаси ишлаб чиқилди. Ўтган йиллар давомида талотўпли даврнинг оғир синовларидан ўтган ва дунё микёсида тан олинган бу модел, аввало, мамлакатда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг янги тамойилларига, халқимизнинг қуч-қудрати ва интеллектуал салоҳиятига асосланган эди. Бу тамойилларнинг моҳияти ўтиш даврида давлат зиммасига бош ислоҳотчи деган масъулиятнинг юкланиши, қонун устуворлиги, қучли ижтимоий ҳимоя ва ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошириш каби ўта мураккаб вазифалардан иборат бўлди. Бугун, дунёнинг кўпгина мамлакатлари молиявий-иқтисодий инкироз туфайли ғоят мураккаб муаммолар билан юзма-юз турганида, йирик корпорациялар, концернлар ишчи ўринларини, ижтимоий ҳимоя пакетларини қисқартиришга мажбур бўлаётганларида, дунёнинг номдор иқтисодчилари, мутахассислар тўқсонинчи йиллар бошида Ўзбекистон ривожланишнинг ғоят тўғри ва мақсадга мувофиқ йўлини танлаганини тақрор-тақрор эътироф этмоқдалар. Бу масалада муҳим ҳулоса шундан иборатки, Ўзбекистон энг қийин шароитда ҳам ўз қучи ва имкониятига таяниб иш кўрди. Давлатимиз раҳбарининг «Биз борини асраш ва йўғини яратиш йўлидан борамиз», деган шиори, маълум шартлар ҳисобига бошқалардан қарз кўтармаслик принципи ўзини тўла оқлади².

¹ Ахборот хавфсизлиги: муаммо ва ечимлар. – Т.: Akademiya, 2008, 76-бет.

² Эргашев Қ. Миллий истиклол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.: Янги аср авлоди, 2002, 78-бет.

ЁШ АВЛОД ОНГИДА МУСТАҚИЛЛИК ҒОЯЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ – АСОСИЙ ВАЗИФА

*С.ЮЛДАШЕВА – п.ф.н., доц.,
Г.НОРҚУЛОВА – тадқиқотчи,
Н.АДЫЛОВА – талаба*

Хар йили, ҳаётимиздаги энг улуғ, энг азиз байрамни нишонлашга тайёргарлик кўрар эканмиз, мустақиллик даврининг тарихга айланиб бораётган яна бир йилида мамлакатимизда, ҳаётимизда, турмуш тарзимизда юз бераётган ўзгаришлар, шижоатли меҳнат, ўқиш ва изланиш туфайли қўлга киритилаётган ютуқлар шодаси кўз ўнгимизда намоён бўлади. Бу ютуқларга озми-кўпми дахлдорлигимиздан кўнгилда мунаввар туйғулар уйғонади.

Ҳаёт пайдо бўлганидан бери инсоният эмин-эркин, тўқ-фаровон яшашни орзулаб келади. Жамият ривожлангани сари, бу орзу янада кенг қанот ёзади. Одамлар бугун кечагидан, эртага бугунгидан мазмунли яшашни, фарзандларини бекаму кўст тарбиялаб вояга етказишни, ўзидан яхши ном, эзгу амаллар қолдиришни ўйлайди. Демократик ривожланиш, миллий тараққиёт йўлини тутган мамлакатларда бундай истакларни рўёбга чиқариш мамлакат миқёсида қабул қилинаётган қонун ва қарорларнинг, ўтказилаётган ислохотларнинг, янгиланиш ва бунёдкорлик режаларининг бош мақсадига айланади.

Янги аср, таассуфки, ҳаётимизга ўзининг шиддатли талотўплари, мураккаб эврилишлари, қутилган ва қутилмаган бурилишлари билан кириб келди. Йигирманчи асрга хос бўлган кўпгина иллатлар, инсоният орзу қилганидек, шу юз йилликда қолиб кетмади, аксинча, қайта куч олиб, хавфли бир кўринишда янги асрга ҳам ўтди. Дунё минтақаларида яна шахсий манфаатлар устиворлик қила бошлади, қуролли, диний, иркий можароларни қасдан келтириб чиқариш, нифоклашаётган томонларни бир-бирига гиж-гижлаш ва бунинг оқибатида ўзга ҳудудлардаги табиий бойликларни «манфаатли таъсир доирасига» олиш, нефть қонларини кўздан қочирмаслик ҳаракатлари бошланди. Янги мустақил давлатлар мисолида айтадиган бўлсак, «оммавий маданият» никоби остида ҳаётимизга, дунёкарашимизга, онг-шууримизга ва хатто турмуш тарзимизга турли иллатлар, кўзга кўринмас маънавий айнишлар ёпирилиб кела бошлади. Ахборот хуружлари, ёш авлод онги ва қалбини эгаллаш учун кураш, турли ғаразли оқимларнинг ғаламисликлари кескин тус олди. «Бу ҳаётнинг шафқатсиз бир қонунияти бор, – деб ёзади Президент Ислом Каримов бу борада тўхталар экан. – Тарихнинг мураккаб ва ҳал қилувчи бурилиш палласида ҳар қандай миллат ва элат ўз аҳиллиги ва бирдамлигини сақлаб, ўз миллий манфаатлари йўлида қатъият билан турмаса, масъулият ва ҳушёрлигини йўқотадиган бўлса, охиروқибатда, ўзининг энг қатта, тенгсиз бойлиги бўлмиш мустақиллиги ва озодлигидан жудо бўлиши, шубҳасиз»¹.

Тарихда ҳам, яқин-ўтмишда ҳам бунга мисоллар кўп. Давлатимиз раҳбари бизни четдан ёпирилиб келаётган «оммавий маданият» никоби остидаги маънавий, ахлоқий ва бошқа кўринишдаги айнишларга лоқайд бўлмасликка, дунёда турли мафқуралар, иқтисодий ва сиёсий манфаатлар тортишуви кундан-

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. 129-бет.

кунга кескин тус олаётган бир пайтда, фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш янада муҳим аҳамият касб этаётганини англашга даъват этади.

Тарихдан шу нарса аниқки, маънавий илдишлари заифлашган халқ энг оддий хавф-хатар олдида ҳам кучсиз ва ожиз бўлиб қолади. Дунёнинг ривожланган ҳар бир мамлақати ўз ташқи сиёсатида, энг аввало, шахсий манфаатларини кўзлаб иш тутади, бу манфаатлар муҳим стратегик чорраҳаларда ўзаро тўқнаш келиб қолади. Иқтисодий, ҳарбий таъйикни сезиш осон, аммо мафкуравий таъйик кўринмас бир офат сифатида халқ, миллат ҳаётига пинҳона кириб келади ва илдиш отади. Иқтисодий тангликни энгиш мумкин, аммо маънавий таназуллини энгиш мураккаб вазифа. Бунинг сабаби, бузғунчи кучлар бугунги глобаллашув замонида ўзга бир халқ, миллат маънавиятига қарши кураш бошлар экан, бир қарашда ўта беозор кўринадиган, аммо таъсир кучи ғоят самарали воситалардан унумли фойдаланади. Бунда асосий куч ва имкониятлар ёш авлод онги ва қалбини эгаллаш, уларни тўғри йўллардан қалғитишга қаратилади.

Истиклолимизнинг дастлабки қадамлари мана шундай мураккаб шароитга тўғри келди. Мамлакат ҳаётида узоқ давом этадиган мураккаб ўтиш даври бошланиб, бир вақтнинг ўзида ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий, ҳам маънавий-маърифий вазибалар билан шуғулланишга, ички ва ташқи сиёсат йўналишларини белгилашга, жамият ҳаётининг ҳуқуқий, иқтисодий, маданий-маърифий асосларини ишлаб чиқишга, қабул қилинаётган ҳар бир қарорда ягона тўғри ва адолатли ечимни топишга тўғри келди. Давлатимиз раҳбари Илом Каримов Олий Кенгашнинг 12-сессиясида (1992 йил, 2 июль) сўзлаган нутқида бу ҳолатни қуйидагича ифодалаган эди: «Дунёга келган чақалоқ аввал эмаклаб, кейин тетапоя бўлади. Вазият шундай келдики, мустақил Ўзбекистон тузилган қуниёк оёкка туришга, ўзи юришга мажбур бўлди. Қарз олиш осон, лекин уни бир кун келиб тўлаш ҳам керак. Биз фақатгина бугунги кунни эмас, балки эртаимизни, келажак авлодларни ҳам ўйлашимиз зарур. Бугун биз хато қилиб қўйсак, фарзандларимиз келажакда яна қоқилиб қолишини ҳисобга олмасак, бу – катта гуноҳ бўлади. Озодлигимизни, иқтисодий мустақиллигимизни йўқотмасдан, ким билан, қайси давлат билан муносабат ўрнатмайлик, халқимизнинг иззатини жойига қўядиган, унинг тенглигини таъминлайдиган йўлни танлашимиз керак бўлади...»

ФОРМИРОВАНИЕ ДЕЛОВОЙ ЭТИКИ В БОРЬБЕ ПРОТИВ КОРРУПЦИИ

Ж.Т. НУРЖАНОВА – Научный стажёр-исследователь УМЭД

Специфика каждого народа, нации выделяет свои ценности и ориентируется на многовековые традиции. В целом, коррупция воспринимается как негативное социальное явления, о разрушительных последствиях которой, говорит не одно поколение ученых, исследователей, политиков. Обращает на себя внимание классификация коррупции, данная А.Хайденхаймером, которые подразделил коррупцию на несколько видов: белую, серую и черную¹. Белая коррупция – это такое явление, относительно которой, в общественном мнении существует согласие:

¹ Heidenheimer A., Johnston M., Levine V. (dir. publ.). Political Corruption: A Handbook. New Brunswick: Transaction Publishers, 1989.

данные действия не считаются предосудительными. Она как бы интегрирована в культуру и не воспринимается как некий отрицательный фактор. Черная а коррупция, противоположно белой, осуждается всеми слоями общества. Серой коррупцией А.Хайденхаймер, считал те коррупционные проявления, относительно которых никакого согласия не существует и, именно, вокруг нее возникают скандалы. То есть, существует не только личностное отношение, но и определенные действия, направленные на ее уничтожение.

Основной центр тяжести коррупций как правила приходится на места концентрации власти, где уполномоченные лица в силу занимаемой должности приобретают те или иные преимущества, дополнительные возможности, которые могут быть использованы для своих личных интересов. Таким образом, коррупция представляет собой некий негативный «аппендикс», который при лояльном отношении к ней процветает «у власти».

Учитывая разнообразие властных полномочий, сфер деятельности, выполняемых функций на занимаемой должности, пакета прав и обязанностей, приобретаемых чиновниками, М. Джонстон выделяет несколько типов коррупции: взятки чиновников в сфере торговли (за продажу нелегально произведенной продукции, завышение качества товаров и так далее), отношения в патронажных системах, в том числе, покровительство на основе земляческих, родственных, партийных принципов; дружба и кумовство; а также, так называемая кризисная коррупция, где предприниматели вынуждены работать в условиях чрезвычайного риска, когда решения органов власти могут привести к существенным для бизнеса изменениям и потому, эти решения становятся предметом торговли¹.

Такое положение вещей явно не вяжется с теми ожиданиями, которыми государство наделяет своих представителей. Ведь, если учитывать, что все должностные обязанности будут выполняться сквозь призму, которая указывается, к примеру, М. Джонстоном, то развития, как такового сложно будет ожидать. Обоснованные преимущества, неравенство в доступе к каким-либо правам и ресурсам, монополизация, снижение темпов и качества конкуренции лишь негативно отразятся в развитии не только одного государства, но будет ставить под угрозу его будущее в условиях глобализации, которая на сегодняшний день является составной частью человеческого общежития.

Одной из важнейших первооснов на пути решения проблемы коррупции, как просто это не казалось бы, является наличие правовой культуры и правосознания – т.е. этические вопросы в действиях должностных лиц. Поэтому, важнейшим на повестке дня, стоят вопросы деловой этики для государственных служащих и должностных лиц, стоящих у руля государства.

Моральный закон каждого формируется на основе этических ценностей, установленных в каждом отдельном обществе. Соответственно, только тогда, когда человек сможет соблюдать свои законы сам и научиться применять их и в отношениях с окружающими, вот тогда он сможет понять и принять законы, установленные государством, которые определяют поведенческие ориентиры для отдельных индивидов и общества в целом.

В настоящее время, во многих странах мира приняты специальные законы, регламентирующие моральный облик и поведение должностных лиц, так называ-

¹ Там же.

смысле этические кодексы или кодексы чести чиновников. Так, принципы этики правительственных служащих в США закреплены в специальном исполнительном приказе президента страны. Многие из его положений были закреплены законом 1992 г. Управления по этике государственной службы¹.

В Республике Узбекистан, с первых дней обретения независимости, было уделено особое значение в борьбе с коррупцией, в том числе, рассматривалось влияние определенных проблем на морально-этические нормы и как следствие развития преступности. В своем труде «Узбекистан на пороге 21 века: угрозы безопасности, условия и гарантии прогресса» глава нашего государства отмечает: «Проблемы борьбы с преступностью и коррупцией вызывают у нас далеко не абстрактный интерес. ...сложный период перехода от тоталитаризма к демократии и рыночным отношениям по сути означает ломку основных политических, экономических и культурных структур, что способно оказывать негативный эффект на морально-этические нормы и неизбежно сопровождается ростом преступности и коррупции².»

В настоящее время, в нашей республике ведется последовательная работа по созданию этико-правовой системы мер для борьбы с коррупцией. В Узбекистане, к примеру, действуют этические нормы для судей Конституционного Суда, которые закреплены и установлены принятым Судом Кодексом чести. В нем регламентированы правила поведения этического характера, которые считаются обязательными для судьи Конституционного Суда. В частности, согласно Кодексу чести, судья Конституционного Суда Республики Узбекистан всей своей деятельностью и поведением должен способствовать формированию у должностных лиц и граждан чувства уважения к Конституционному Суду и служить примером законопослушания. Всегда и везде должен вести себя таким образом, чтобы утверждать в обществе уверенность в беспристрастности и независимости Конституционного Суда³.

Не должен остаться без внимания вопрос об аттестации должностных лиц, работающих на государственной службе ни один год и ни два. До сих пор, четко, не систематизирован процесс продвижения по службе государственных чиновников, что уже само по себе является большим пробелом и благодатной почвой для процветания коррупции. Необходима комплексная разработка этических норм для всех сфер и областей, где имеют свое проявления властные элементы.

Таким образом, борьба с коррупцией должна заключаться не только в самой борьбе, наказании, привлечения к ответственности, но и носить превентивный характер на основе морально-этических мер предупредительного характера, направленных на ее предотвращение.

¹ Венгеров А.Б. Теория государства и права: Учебник для юридических вузов. www.bookluck.ru

² Каримов И.А. Узбекистан на пороге 21 века: угрозы безопасности, условия и гарантии прогресса. –Т.: Узбекистан, 1997. с.82.

³ www.lex.uz

ТАЛАБА ЁШЛАРНИ ЭКОЛОГИК ТАХДИДЛАРГА ҚАРШИ ҚУРАШГА ТАЙЁРЛАШНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

И. ХОЛИҚОВ – ТДПУ профессори

*«Миллий хавфсизликка қарши яширин тах-
дидларни кўриб чиқар эканмиз, Экологик хавф-
сизлик ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш
муаммоси алоҳида эътиборга моликдир»*

Ислоҳ Каримов

Маълумки Экология ҳозирги замоннинг кенг миқёсдаги кескин ижтимоий муаммоларидан биридир. Уни тўғри ҳал этиш халқларнинг манфаатига мос бўлиб, цивилизациянинг ҳозирги кун ва келажаги кўп жиҳатдан мазкур муаммонинг ҳал қилинишига боғлиқ. Шунинг учун ҳисобга олиб Президентимиз: **«Миллий хавфсизликка қарши яширин тахдидларни кўриб чиқар эканмиз, экологик хавфсизлик ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш муаммолари алоҳида эътиборга моликдир»**¹ деган эдилар. Тараққиётнинг ҳозирги босқичида инсон билан табиатнинг ўзаро таъсирига бир қатор муаммоларни ҳал этиш фақат бир мамлакат доирасида чекланиб қолмайди. Уларни бутун сайёрамиз кўламида ҳал этиш зарур. Кўришиб турибдики, табиий муҳитни инсон юритадиган ҳўжалик фаолиятининг зарарли таъсиридан химоя қилиш билан боғлиқ кўпгина муаммолар кенг кўлам касб этмоқда. Шу сабабли улар фақат халқаро ҳамкорлик ҳолида ҳал қилиниши лозим. Чунки Экология муаммоси ер юзининг ҳамма бурчакларида ҳам долзарб. Фақат унинг кескинлик даражаси дунёнинг турли мамлакатларида ва минтақаларида турличадир.

Марказий Осиё минтақаси экологик фалокатнинг ғоят хавфли зоналаридан бири эканлигини алам билан таъкидлаш лозим. Вазиятнинг мураккиблиги шундаки, у бир неча ўн йилликлар мобайнида ушбу муаммони инкор этиш натижасигина эмас, балки минтақада инсон ҳаётининг барча соҳалари Экологик хатар остида қолганлиги натижасида келиб чиққандир. Афсуски бу жараёнлар Ўзбекистонни четлаб ўтмади. Бу ерда мутахассисларнинг фикрича, жуда мураккаб, айтиш мумкинки, хавфли вазият вужудга келди. Бу куйидагиларда кўринади:

Биринчидан, ернинг чекланганлиги ва унинг сифат таркиби пастлиги билан боғлиқ ҳоллар тўхтовсиз ортиб борди. Марказий Осиё шароитида ер Оллоҳ таоланинг бебаҳо инъомидир. У том маънода одамларни боқади, қийинтиради. Бево-сита дехқончилик билан боғланган оилаларнигина эмас, балки маълум бир тарзда қишлоқ ҳўжалиги билан алоқадор барча тармоқлар ва унинг неъматларидан баҳраманд бўлаётган республикамизнинг барча аҳолиси фаровон турмуш кечиради учун моддий негиз яратади. Айни вақтда ер улкан бойлик бўлибгина қолмай, мамлакатнинг келажагини белгилаб берадиган омил ҳамдир. Бу ҳол Ўзбекистонда айниқса яққол намоён бўлмоқда, чунки ернинг иқтисодий ва демографик ва-зифаси йилдан-йилга кучайиб бормоқда.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка тахдид, барқарорлик шарт-лари ва тараққиёт қафолатлари. Т.: «Ўзбекистон», 1997й, 110- бет.

Ерларнинг нихоят даражада шўрланганлиги Ўзбекистон учун улкан Экологик муаммодир. Ерларни оммавий ўзлаштириш ҳатто шўрланган ва мелиорацияга яроксиз йирик-йирик яхлит майдонларни ишга солиш ана шунга олиб келди. Сўнгги 50 йил мобайнида суғориладиган ер майдони 7.46 миллион гектардан 4.28 миллион гектарга етди. Фақат ўтган асрнинг 1975-1985 йиллар мобайнида 1 миллион гектарга яқин ер майдонлари ўзлаштирилди.¹ 1990 – йилга келиб суғориладиган ер майдони 1985-йилдагига караганда 1.5 баробар кўпайди.²

Экин майдонлари таркибида сўнгги вақтларда (1990 йилга) қадар пахта деярли 75 фоиз майдонни эгаллаган эди. Тупрокнинг ҳар хил саноат чиқиндилари маиший чиқиндилар билан шиддатли тарзда ифлосланиши реал таҳдид тўғдирмоқда. Турли химиявий воситалар, зарарли моддалар ва минерал ўғитларни, саноат ва қурилиш материалларини сақлаш, ташиш ва улардан фойдаланиш қодаларининг кўпол равишда бузилиши ернинг ифлосланишига олиб келди.

Ўзбекистонда ноорганик минерал ўғитлар, гербицидларнинг қўлланиши энг юқори нормалардан ҳам ўнлаб баробар ортик эди. Улар тупрокни дарё, кўл, ер ости ва ичимлик сувларни ифлослантирди.

Фойдали қазилмаларни жадал қазиб олиш, кўпинча уларни қайта ишлашнинг технологик схемалари номуқаммаллиги кўп миқдорда ва бошқа моддаларнинг тўпланиб қолишига олиб келди.

Бугун Ўзбекистон ҳудудида қаттиқ маиший чиқиндилар ташланган 230 дан ортик шаҳар ва қишлоқ ахлатхоналари мавжуд. Уларда тахминан 30 миллион куб метр ахлат тўпланади. Улар асосан стихияли равишда жўғрофий, геологик – гидрогеологик ва бошқа шарт-шароитларни комплекс ўрганмай туриб ташкил этилган.

Республикамизда ҳали-ҳануз маиший чиқиндиларни саноат усулида қайта ишлаш масаласи ҳал қилинмаган. Фақат ягона Тошкент маиший чиқиндилар тажриба заводи 1991 йилдангина ишлай бошлади.

Ўтган асрнинг 90-йиллари охирларида Орол денгизидagi сувнинг сатҳи 400 куб кмдан камроққа, сув юзасининг майдони эса 32.5 минг кв км га тушиб қолди, сувнинг минераллашуви икки баробар ортди. Шулар эвазига Оролнинг соҳиллари 60 – 80 км га чекинди.

Мутахасисларнинг фикрича, бу ерда ҳар йилда атмосферага 15-75 миллион тонна чанг кўтарилади.³

Орол денгизининг қуриб бориши ва шу жараён туфайли Орол бўйи минтақасидаги табиий муҳитнинг бузилиши Экологик фожеа сифатида баҳоланмоқда. Чанг ва туз бўронларининг пайдо бўлиши, фақат Орол бўйида, эмас, балки денгиздан анча юқоридаги бепаён ҳудудларда ерларнинг чўлга айланиши, иқлим ва ландшафтларнинг ўзгариши – булар ана шу фожеа оқибатларининг тўлиқ бўлмаган рўйхатидир.

Экологик таҳдидлар фақат Орол сувининг қуриши билан тугалланмайди. Ўтган асрнинг 80 – йиллари бошларида қўшни Тожикистонда алюмин заводи ишга туширилиши муносабати билан Ўзбекистоннинг Сурхондарё вилоятига қарашли кўплаб

¹ Ўзбекистон Республикаси статистик бошқармаси маълумотлари. 1975 – 1990 йиллар. Тошкент «Ўзбекистон», 1990 йил. 115-бет.

² Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва таракқиёт қоғолатлари. Т.: «Ўзбекистон», 1997й, 119- бет.

³ «Правда Востока» 1992-йил, 17 май.

туманларга экологик жиҳатдан танг аҳвол вужудга келди. Мазкур завод атмосферага кўп миқдорда фторли водород, углерод оксиди, олтингугурт гази, азот оксидларини чиқариб ташламокда. Водийнинг юқори қисмида, Тожикистоннинг Ўзбекистон билан чегарасида жойлашган заводнинг чиқиндилари тоғдан водий томонга эсадиган шамол билан ундан узокларга, республиканинг чегарадош туманлари – Сарийосиё, Узун, Денов, Олтинсой туманлари худудига тарқалмокда.¹

Экологияга солинаётган хавф Ўзбекистон учун, умуман бутун Марказий Осиё минтақаси учун нақадар юқори эканлигини ҳисобга олган ҳолда ҳукумат ва атроф-муҳитни химоя қилиш, табиат заҳираларидан оқилона фойдаланиш масалаларига жуда ката эътибор бермокда.

Атроф-муҳитни химоя қилишни таъминлашга қаратилган қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Шулар жумласига 1992 – йил 9 декабрда Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди.² Соғлом авлод давлат дастури ва «Экологик таълим тарбия концепцияси» ишлаб чиқилди, «Экосан» жамғармаси тузилди, Олий Мажлис томонидан табиатни муҳофаза этиш ва Экологияга оид зарур қонун ҳужжатлари қабул қилинди.³ Шунингдек ҳукуматимиз атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан оқилона фойдаланишнинг турли жиҳатларини тартибга солишга кўплаб хилма-хил халқаро шартномалар ва битимлар тузилди.

Ўзбекистон МДХ давлат бошлиқларининг 1992 йил 8 декабрда имзолаган битимига мувофиқ тузилган МДХ мамлакатлари Экология Кенгашининг тенг ҳуқуқли аъзосидир. Ана шу Экология кенгаши доирасидаги ҳамкорликга аъзо давлатлар атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида келишиб олинган, мувофиқлаштирилган савъ-ҳаракат қилиш мақсадини кўзлайди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, экологик таҳдидларга қарши кураш учун қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

– Экологик таҳдидларга қарши тегишли технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш, кишлоқ, ўрмон ва бошқа хўжалик тармоқларидаги табиий жараёнларнинг кескин бузилишига олиб келадиган барча захарли кимёвий моддаларни қўллаш устидан қаттиқ назорат ўрнатиш. Ҳаво ва сув моҳиятини инсоннинг ҳаётий фаолияти учун зарарли ёки салбий таъсир кўрсатадиган моддалар билан ифлослантиришни тўхтатиш;

– Завод ва фабрикаларда эскирган ускуналарни алмаштириш, янги технологияларни жорий этиш, керак бўлса, бутун бошли заводларни реконструкциялаш асосида фойдали қазилмаларни саноат усулида янада тўлиқ ва оқилона казиб олишга эришиш;

– Экологик қулфатлар чегара билмаслигини назарда тутган ҳолда жаҳон жамоатчилиги эътиборини минтақанинг Экологик муаммоларига қаратиш лозим.

Табиатнинг муҳофазасига доир янги анъаналарни турмушга кенг жорий этиш экологик фаолиятнинг таркибий қисми ва йўналишига айланиши лозим. Бундай анъаналар ёшларнинг экологик маданиятини, ватанпарварлик туйғусини ривожлантиришга, назарий билимларни амалий кўникмаларни мустахкамлашга ёрдам беради.

¹ «Халқ сўзи» газетаси, 1997-йил, 15-май.

² Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ахборотномаси 1993-йил, 1-сон.

³ Исмоилов Т.И. Ёшлар экологик дунёқарашини шакллантиришнинг асосий хусусиятлари. Барқамол авлодни шакллантириш маънавий тараққиёт омилли. Республика илмий – оммавий конференция материаллари. Тошкент. 2010, 246-бет.

МЕХНАТ ҲУКУҚИГА ОИД ҲУКУҚИЙ АТАМАЛАРНИНГ СЕМАНТИК (МАЪНАВИЙ) ЖИХАТЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Ф. ТУРСУНОВ – ТДПУ тадқиқотчиси

Ҳуқуқий тушунча – предмет ва ҳодисаларнинг мантқан ажратилган муҳим белгиларини умумлаштириб, бирлаштириб акс эттирувчи умумий тасаввур бўлиб, ҳуқуқий онглилик, инсоннинг билим ва тасаввурлари даражасидир.

Қиссий ҳуқуқшунослик учун юридик атамашунослик тўғрисидаги масала аңча аҳамиятли, чуңки турли мамлакатларда қонунчилик ва юридик адабиёт турли ибора, атама ва тушунчалардан фойдаланади. Бир ҳуқуқий тизимнинг атамалари бошқа ҳуқуқий тизимда мутлақо ўзгача мазмунга эга бўлиши ёки умуман ўз муқобилига эга бўлмаслиги мумкин. Бу одатда турли ҳуқуқий оилаларга мансуб мамлакатлар ҳуқуқида кўп учрайди. Юридик атамашуносликнинг хилма-хиллиги ҳуқуқшунос учун қийинчиликлар манбаи эмас, у катта амалий аҳамиятга эга муаммоларни ҳам қамраб олади. Халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлашда, қонун матнларини таржима қилишда йўл қўйилган кўплаб хатолар маълум¹.

Н.П.Шайхутдинованинг фикрича, «аппарат» тушунчасининг сифати бевосита унинг ўзагини ташкил қилган атамалар (терминлар) сифатига боғлиқ. Мехнат ҳуқуқи терминологиясининг энг асосий сифатларидан бири, ундаги алоқа тизимини белгиланган тартиб ва аниқликда жойлаштирилганидадир. Терминологияга бўлган юқори талаб ягона универсал тизимга эга бўлиш, ягона сифатда намоён бўладиган қонуний равишда бирлашган ва ўзаро алоқадорликда бўлган Мехнат ҳуқуқининг қонунчилик терминларининг ўзаро хусусий шартлигида тушунтирилади. Фойдаланиш меъёрига кўра мехнат ҳуқуқи оид умумий қўлланиладиган сўзлар уларнинг дастлабки тушунчаларида қамдан-қам тугалланади. Улардаги сифатларни кўшиш йўли билан ёки бошқа сўз бирикмалари билан ўзгартириш натижасида, тушунчалар мехнат ҳуқуқи оид бўлади. Аниқлик йўли билан – сўз аниқлиги ва вақт аниқлиги билан мехнат ҳуқуқида соҳага оид терминлар шаклланади – «Иш вақти», «тўлиқ бўлмаган иш вақти»; аниқ сўз – «қун», ясовчи терминлар – «иш қуни», «дам олиш қуни», «байрам қуни»².

Семантик (сўз маънолари) жиҳатларни таҳлил қилиш – билимларни фаоллаштириш ва ривожлантириш тузилмаларидан (стратегияларидан) бири бўлиб ҳисобланади. Унинг моҳияти янги, деярли маълум бўлмаган жиҳатларни аңчагина маълум бўлганлари билан таққослашдан иборат. Фаолиятнинг дастлабки кўриниши (даъват фазаси)да талабалар иккита таниш ёндашувни муҳокама қиладилар³. Масалан, аванс-аккорд ҳақ тўлаш; пенсия – ёшга доир пенсиялар; ишбай ҳақ тўлаш-вақтбай ҳақ тўлаш каби ўхшаш атамаларни амалий машғулот дарсларида қўллаш талабаларни фикрлашга ундайди.

Семантик жиҳатлар таҳлилининг матнларга асосланмаган машғулотларда қўллаш яҳши натижа беради. Бу услубни мехнат ҳуқуқи амалий машғулот дарсларида турлича қўллаш мумкин.

¹ Ҳозирги замон асосий ҳуқуқий тизимлари. Маърузалар матни. ТДЮИ. 2005 й. 7-бет.

² Шайхутдинова Надежда Павловна. Терминологические проблемы трудового права: Дис. ...канд. юрид. наук.-Екатеринбург, 2008. с.17.

³ Фарберман Б.Л., Мусина Р.Г., Жумабоева Ф.А. Олий ўқув юртларида ўқитишнинг замонавий усуллари. Тошкент.: 2002, 151-бет.

Бир мавзу доирасида бир неча ҳуқуқий атама қўлланилади. Масалан, «Мехнатга ҳақ тўлаш» мавзусидан қуйидаги изоҳлар ўрин олган:

Иш ҳақи тизими дейилганда, меҳнат меъёри билан меҳнат учун тўланадиган ҳақ миқдори ўртасидаги нисбат назарда тутилади. Меҳнатни ҳисобга олиб бориш қандай усулда амалга оширилишига қараб, ходимларга вақт ва тайёрланган маҳсулот миқдори билан иш ҳақи тўлашнинг вақтбай ва ишбай тизими қўлланилади.

Вақтбай тизимида меҳнатга ҳақ ҳақиқатда ишланган вақт – соат, кун, ой учун тўланади, шунинг учун ҳам бу соатбай, кунбай, ой учун меҳнат ҳақи тўлаш деб аталади. Ходимларнинг асосий қисми ойлик лавозим маошлари олади.

Иш ҳақи тўлашнинг *ишбай тизимида* ходимнинг меҳнатига у ишлаб чиқарган ҳар бир маҳсулот бирлиги учун ишбай баҳолар бўйича ҳақ тўланади. Бу тизим қўлланилганда, ходимнинг иш ҳақи у қанча ярокли маҳсулот ишлаб чиқаргани ёки қанча ишни бажарганлигига боғлиқ бўлади. Ишбай асосида ҳақ тўлашнинг қуйидаги турлари мавжуд: бевосита ишбай; биливсита ишбай; ишбай прогрессив; аккорд тизими.

Бевосита ишбай тизимида меҳнат ҳақи ишлаб чиқарилган маҳсулотга тўғридан-тўғри муганосиб, ўзгармас баҳолар бўйича тўланади. *Биливсита ишбай тизими* ёрдамчи ишчиларга ҳақ тўлаш учун қўлланилади, бунда уларнинг ўзлари маҳсулот ишлаб чиқармайдилар, аммо бошқалар ишлаб чиқарган маҳсулот миқдори кўп жиҳатдан уларнинг ишига (масалан, чилангарлар, кўтарма кран ҳайдовчилар) боғлиқ бўлади. Улар ишбай асосида ишловчи асосий ходимлар ишлаб чиқарган маҳсулот бирлиги учун иш ҳақи оладилар.

Аккорд тизим қўлланилганда, тўланадиган ҳақ миқдори алоҳида бажарилган ҳар бир иш учун эмас, балки ҳақ тўланадиган вақт мобайнида бажарилган муайян иш ҳақи учун белгиланади. Бу тизимдан асосан қурилишда фойдаланилади. Булардан ташқари, яна меҳнатга бригада бўйича ҳақ тўлаш усули ҳам мавжуд. Бунда алоҳида олинган ҳар бир ходимнинг иш ҳақи бутун бригаданинг иш натижаларига боғлиқ бўлади.

Иш ҳақи тўлашнинг *мукофот тизими* ҳам бор. Мукофот тизими иш ҳақининг асосий тизимларида кўзда тутилмаган меҳнат натижаларига қараб, моддий рағбатлантириш шаклидир. Мукофотлар, юқорида қайд қилиб ўтилганидек, иш ҳақининг қўшимча, ўзгариб турадиган қисми бўлиб, унинг миқдори, одатда аниқ кўрсаткичларнинг бажарилишига боғлиқ ва асосий маошга нисбатан фоиз ҳисобидан белгиланади. Мукофотлар ўртача иш ҳақини ҳисоблаб чиқишда ҳисобга олинмайди, аммо меҳнат дафтарчасига ёзиб борилади.

Мукофотлар иш ҳақи ва моддий рағбатлантириш фондлари ҳисобидан тўланади. Йиллик иш якунига кўра мукофот пули берилиши мумкин. У рағбатлантиришнинг ўзига хос мустақил шакли бўлиб, моддий рағбатлантириш фонди ҳисобидан тўланади.

Меҳнат қонуларида *иш вақтидан ортиқ ишлаш* назарда тутилган. Иш вақтидан ташқари ишлар, дам олиш кунлари ва байрам кунларидаги ишлар учун камида 2 ҳисса миқдорида ҳақ тўланади. Ходимнинг илтимосига кўра иш вақтидан ортиқ ишлаган соатлар сонига тенг миқдорда дам олиш муддати берилиши мумкин. Бундай ҳолда бир ҳисса миқдорида ҳақ тўланади. Тунги вақтдаги ишнинг ҳар бир соати учун камида 1,5 барабар миқдорда ҳақ тўланади, бундай ҳақ жамоа шартномасида, агар у тузилмаган бўлса, иш берувчи томонидан қасаба

уюшма кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб белгиланади¹.

Меҳнат ҳуқуқи дари жараёнида баъзи ҳуқуқий тушунчаларни ҳаётий вазиятлар билан боғлиқ ҳолда келтириб ўтиш орқали ўқув мақсадига эришиш мумкин. Масалан, натурал иш ҳақи-меҳнатга ҳақ тўлашликнинг шакли бўлиб, бунда ходимларга пул тарикасидаги ҳақ билан бир қаторда меҳнат ҳақи сифатида озик-овқат маҳсулотлари, кенг истемол буюмлари ва бошқалар берилади. Натурал иш ҳақи масалан, уй ходимлари билан ҳисоб-китоб қилишда қўлланилиши мумкин². Бирок бу каби ҳуқуқий атамаларнинг аксарияти «Меҳнат ҳуқуқи» Энциклопедик лугатида (1981 йилда нашр этилган) келтирилган бўлиб, бугунги кунда амалиётда қўллаб бўлмайди. Миллий ҳуқуқ тизимимиз замон талабига мос равишда ўзгариб бормоқда. Шунинг учун ҳам меҳнат ҳуқуқига оид ҳуқуқий атамаларга изох беришни ўз олдимишга мақсад қилиб қўйдик ва меҳнат ҳуқуқига оид атамаларнинг изохли лугати тузилди.

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА ЁШЛАРНИ МАФКУРАВИЙ ТАҲДИДЛАРГА ҚАРШИ ТАРБИЯЛАШ

Ш. ИБРАГИМОВА – ТошДШИ қошидаги академик лицейи

Иқтисодиёт тараққиётида давлат томонидан олиб бориладиган сиёсатнинг роли ниҳоятда каттадир. Қайси мамлакатда иқтисодиёт, маънавият ва маърифатни кўтариш, у ҳақида ғамхўрлик қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган бўлса, ўша мамлакатда тинчлик, барқарорлик вужудга келади, илм-фан, маърифат ва маданият ривожланади. Бу ўз навбатида мамлакат олдида турган турли энг мураккаб муаммоларни ҳам ҳал этиш имконини яратади. Давлат ўз фаолиятида маънавият ва маърифатни ривожлантиришни устувор вазифа сифатида қарагандагина унинг барқарор тараққий этиши учун имкониятлар кенгайиб боради. Бу ҳолатни тўғри англаган мамлакатимиз раҳбарияти, хусусан Президентимиз Ислоҳ Каримов мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ иқтисодиётни, маънавият ва маърифатни ривожлантиришга алоҳида аҳамият бериб, унга раҳнамолик қилиб келаётирлар. Президентимизнинг бирор нутқи йўқки уларда у ёки бу жиҳатдан иқтисодиёт, маънавият ва маърифат, мафкура масалаларига ёндашмаган бўлсинлар. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да «Касб-хунар коллежи тегишли давлат таълим стандартлари доирасида ўрта махсус, касб-хунар таълими беради; ўқувчиларнинг касб-хунарга мойиллиги, билим ва қўникмаларини чуқур ривожлантириш, танлаб олинган касб-хунар бўйича бир ёки бир нечта ихтисосни эгаллаш имконини беради»,³ – дейилган. Бу таъкид ўрта махсус касб-хунар таълим тизимининг барча муассасаларида ўқув жараёнини бозор иқтисодиёти шароитига мос ва мафкуравий тарбияга хос равишда янги педагогик технологиялар асосида ташкил этишни такозо этади. Республикамиз Президенти

¹ Меҳнат ҳуқуқи: Маърузалар курси / Ж.Т. Холмўминов, А. Х. Дусманов, Т. Н. Тиллаев. Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2008. – 113-114-бет.

² Меҳнат ҳуқуқи. Энциклопедик лугат. – Т.: 1981й. 318-бет.

³ Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Шарк, 1998. 48-бет.

Ислом Каримов таъкидлаганидек, «Келажак бугундан бошланади. Ҳозир тарбия масаласига эътибор қилинимаса, келажак бой берилади. Тарбиядан ҳеч нарса-ни аямаймиз! Маънавий ва ахлоқий покляниш, имон, инсоф, диёнат, ор-номус, меҳр-оқибат ва шу каби чинакам инсоний фазилатлар ўз-ўзидан келмайди. Ҳаммасининг замишида тарбия ётади».¹ Кейинги йилларда, асосан, миллий дастурнинг сифат босқичида ёш авлодга таълим-тарбия бериш, уларнинг ақлий ва маънавий камол топишларини ташкил этишда жиддий ўзгаришлар содир бўлди. Айниқса, узлуксиз таълим муассасаларидаги узвийлаштириш дастурлари яратилиб таълим-тарбиянинг мақсад ва вазибалари янгиланди. «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талабларидан келиб чиққан ҳолда таълим-нинг мазмуни қайта ишлаб чиқилди. Бу омиллар таълим жараёни таркибий қисмларини янгича тартибда намоён бўлишини тақозо этади. Ана шу ташкилий педагогик жараёнда таълим қонуниятлари ва тамойилларига мос ҳолда янги тамойилларга амал қилиш таълим методларининг пайдо бўлиши, таълим воситаларининг такомиллашуви, таълим-тарбияни иқтисодий ва мафкуравий жиҳатдан ташкил этишнинг ноанъанавий шакллари кенг қўламда жорий этиш заруриятини келтириб чиқарди.

Ўзбекистон мустақилликка эришган кундан бошлаб ўтган қисқа вақт ичида ўзбек халқи сиёсий-ижтимоий ютуқларга эришди; ўз тарихига янгича тафаккур асосида ёндошиш, улуғ аждодлар қолдирган бой маданий, маънавий меросни ўрганиш шарафинга муяссар бўлди; миллий ғурури қайта тикланди; республикада илм-фан, жумладан педагогика фани янги тараққиёт босқичига кўтарилмоқда; ўтмишдаги педагогик тафаккур даҳоларининг шуҳратини тиклаш; уларнинг ғояларини халқ ҳаётига татбиқ этишдек улуғ ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳар бир мамлакатда амалга ошириладиган таълим-тарбия тизими негизида муайян мақсадлар ётади. Бу мақсадлар давлат сиёсати билан белгиланади. Иқтисодий ва мафкуравий тарбияни мустаҳкамлаш вазибалари эса бугунги кунда тарбия тизимини янада такомиллаштиришни талаб этади.

Таълим тизимини қайта қўриб чиқиш вақти етди, профессионал билимларни эгаллаш имкониятларини кенгайтириш, маъмур-менежерларни тайёрлашни қайта йўлга қўйиш, янги шароитларда, янги замонавий технологияларда ишлашга қобил ишчи ва мутахассисларни тайёрлашни йўлга қўйиш лозимлиги ҳар бир матбуотда таъкидланмоқда. Дарҳақиқат, янгича ўқиш, тарбияланиш, янгича ишлашнинг ўзи бўлмайди. Шунинг учун ҳам бизга рақобатбардош, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи, миллий ғурурли, миллий ғоя, мафкураси мустаҳкам фозил инсонлар керак. Бугунги кунда ўспирин ёшларни иқтисодий ва мафкуравий асосда тарбиялаш бугунги кундаги педагогика фани олдида турган долзарб масалалардан бири, деб ўйлаймиз.

Иқтисод, иқтисодиётнинг ўзи нима? Бу тушунча юнон олими Гелиот томонидан киритилган бўлиб, бу – «уй ҳўжалигини бошқариш санъати» маъносини англатади. Кейинчалик бу тушунчанинг моҳияти кенгайиб, маъноси ҳам тўлдириб борилган. Иқтисодиёт – бу жуда кенг ва мураккаб тушунча. «Иқтисод» атамаси тор маънода инсон яратган барча бойликларни тежаш, шунингдек, инсон меҳнатини кадрлаш маъносини англатади. Кенг маънода иқтисодиёт инсоннинг тирикчилигини ўтказишга қаратилган ҳўжалик фаолияти

¹ Барқамол авлод орзуси. – Т.: Шарқ. 1999. 53-бет.

бўлиб, бу фаолият ишлаб чиқаришдан бошланиб, яратилган маҳсулотларни истеъмол этиш билан якунланади.

Мафқуравий муаммолар ичида мафқуравий хавф, таҳдидни бартараф этиш муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эга. Ҳозирги кунда жиддий мафқуравий хавфлар сифатида диний экстремизм, миллатчилик каби ғоявий қарашлар тизими ва амалиётини кўрсатиш мумкин. Бу хавф ва таҳдидларни бартараф этиш масаласи ҳам иқтисод билан боғлиқ бўлиб, у ҳам мафқуравий муаммолар доирасига қиради. Шу нуқтани назардан ҳам иқтисодий ва мафқуравий тарбия масалаларига алоҳида эътибор қаратиш ўспирин ёшларни маълум бир тизим асосида тарбиялаш бугунги кундаги энг долзарб муаммолардан биридир.

РОЛЬ СЕМЬИ В ФОРМИРОВАНИИ ЦЕННОСТНЫХ ОРИЕНТАЦИЙ И ОБРАЗЦОВ ПОВЕДЕНИЯ МОЛОДЕЖИ

Э.С.СУЛТАНОВА – профессор УМЭД

А.А.УСМАНОВА – доцент УМЭД

Семья... Как много заключено в этом простом, но очень емком слове. Сколь сразу мыслей и чувств возникает в сердце, когда задумаешься над ним. И в первую очередь, вечные и незыблемые понятия – отчий дом, родители, дети, близкие. И еще зримая ассоциация с чем-то бесконечно дорогим и прекрасным, что оберегает и защищает человека на протяжении всей жизни. На нашей древней земле, семья испокон веков почиталась как высшая ценность. Вся философия Востока превозносила и возвеличивала ее. А с первых дней обретения независимости Узбекистана, институту семьи, в нашем обществе, придается огромное значение, неуклонно поднимается ее авторитет. В идее национальной независимости, разработанной главой нашего государства, одним из приоритетов является своеобразие и уникальность священных традиций и ценностей нашего народа, формировавшихся на протяжении тысячелетий, главной из которых является семья.

За последние годы возродилась выверенная веками этика семьи, родственных отношений, уважение к женщине-матери, укрепилась философия человеческой заботы о подрастающем поколении. Осуществляемые в этом направлении реформы, посвящены охране и укреплению здоровья населения, в том числе матери и детей, формированию здорового поколения, созданию единой национальной модели. Вопросам развития сферы здравоохранения, охраны здоровья матери и ребенка был посвящен международный симпозиум, состоявшийся в столице под названием «Национальная модель охраны здоровья матери и ребенка в Узбекистане: «Здоровая мать – здоровый ребенок». На нем было отмечено, что в годы независимости во главе с Президентом И.Каримовым, осуществлены кардинальные реформы в сфере здравоохранения. Созданы необходимые условия для обеспечения здоровой и достойной жизни народа, воспитания физически и духовно здорового молодого поколения¹. Усилилась работа по развитию и укреплению

¹ Туракулов О. Международный симпозиум по охране здоровья матери и ребенка // «Народное слово». 29 ноября 2011 г. с. 1.

системы охраны репродуктивного здоровья населения, оказание ему высококвалифицированной медицинской помощи, повышению информированности населения в области репродуктивного здоровья и формирования здоровой семьи. Положение молодежи в обществе, тенденции и перспективы ее развития представляют большой интерес и практическое значение прежде всего потому, что они определяют его будущее. Здесь существенное место занимает семья и ее роль в определении ценностных ориентаций и образцов поведения молодых людей, их отношения к будущим социальным устремлениям. Социальный статус семьи, ее психологический климат, утвердившиеся семейные отношения способствуют определению социальных установок и поведения молодых людей, выбору будущих жизненных приоритетов, профессиональных ориентиров, социальной направленности, реализации внутренних резервов и собственных личностных возможностей. Семейная среда является основным фактором социализации человека, формирования его как личности, всестороннего гармоничного развития. Родной дом как колыбель и начало жизни, окружение близких людей, материальные и моральные условия – все это целый мир, воплощенный в дружбе и любви членов семьи, особенно доброжелательных родительских отношениях, отношениях с родными и близкими. В этой связи, в обогащении знаниями и жизненным опытом, формировании мировоззрения, жизненной позиции, социальных установок и ценностных ориентаций ведущее значение приобретает процесс общения детей с родителями, близким окружением. Личное общение, превращаясь в смысл-образующее поведение человека, становится предпосылкой для развития его социально-нравственных качеств, определения круга его интересов и потребностей, будущих жизненных планов, устремлений.

Главными приоритетами, осуществляемых в Узбекистане под руководством Президента Республики Узбекистан Ислама Каримова, масштабных социально ориентированных реформ является воспитание подрастающего поколения физически здоровым и духовно зрелым, формирование в обществе идеалов высокой нравственности с учетом национальных и общечеловеческих ценностей. В вопросе модернизации страны в политической и экономической сферах на пути развития гражданского общества многое определяет институт семьи, семейные ценности и традиции. Учитывая важность и значимость этих вопросов, наступивший 2012 год был объявлен «Годом крепкой семьи».

Для нашего народа – семья, ее ценности всегда носили священный характер, она всегда остается основным звеном нашего общества. Как отмечает в этой связи Президент Республики Узбекистан Ислам Каримов: «Нет никакой необходимости доказывать кому-то, что здоровая семья – это прежде всего здоровое общество, а значит – сильна и стабильна страна»¹. Несомненно, семья является главной жизненной ценностью и важнейшим фактором воспитания гармонично развитого подрастающего поколения в выработке системы социальных ориентиров, которые находят отражение в уважении к старшим, умении вести себя в обществе, скромности и трудолюбию, заботе о родных и близких, умении благодарно использовать опыт старшего поколения, в привитии с детства твердых нравственных установок, гуманных моральных принципов.

¹ Каримов И.А. Наш путь – углубление демократических реформ и последовательное продолжение модернизации страны//«Народное слово». 2011 г. 13 декабря. с. 2.

Прошедший, в феврале 2012 года международный симпозиум, посвященный развитию системы образования в Республике Узбекистан, является подтверждением целенаправленных действий нашего государства в подготовке образованных и интеллектуально развитых молодых людей, способных конкурировать и управлять, занимать авторитетные руководящие посты, успешно реализовывать собственный личностный потенциал и интеллектуальные возможности¹.

Как показывают результаты социологического исследования, проведенного среди студенческой молодежи, благополучный семейный быт, удовлетворенность семейными отношениями, установленные традиции положительно сказываются в личностном развитии, в выборе будущей профессии. Беседы со старшим поколением о смысле жизни, поиске своего места в ней, осознании и понимании собственной значимости дают молодежи позитивный всплеск энергии, в какой-то степени усиливают реализацию их личностных возможностей, учат правильному применению собственных знаний и устремлений в профессиональной стезе, помогают в достижении карьерного роста².

С точки зрения поло-возрастных показателей, для девушек, равно как и для юношей, значимы вопросы карьерного роста, профессионального успеха. Однако, большинством голосов (около 60%), на вопрос «О чем вы мечтаете чаще всего?», девушки-старшекурсницы высказываются в пользу построения счастливой семейной жизни, приобретения статуса жены и матери будущих детей. Ни в этом ли предназначение молодых девушек как хранительниц домашнего уюта и очага. Хотя с точки зрения юношей, значимость и важность семьи видится в ее поддержке и создании условий для претворения в жизнь будущих устремлений, связанных с профессией и карьерой, социальной активностью, самоутверждением и самореализацией в окружающем социуме³. Полученные данные по изучению творческого (преобразующего) потенциала молодежи свидетельствуют о том, что в формировании у молодых людей мировоззрения о смысле жизни и поиске решения жизненно важных насущных проблем, способов достижения продуктивности творчества, критериев эффективной само-регуляции и самоуправления, большая роль принадлежит присутствию рядом близких окружающих людей. Развитию личностных способностей, самодостаточности и самоконтроля, уверенности в собственные силы, несомненно способствует морально-нравственная помощь и поддержка старшего поколения семьи⁴. По мнению молодежи, для достижения уровня творческой активности, значимое место занимают семейно-бытовые вопросы. Их разрешение, а именно, обустройство быта, построение прочной семьи, материальная обеспеченность и др., благотворно сказывается на проявлении инициативы, упорства и настойчивости в достижении цели, умении

¹ Каримов И.А. Подготовка образованного и интеллектуально развитого поколения – как важнейшее условие устойчивого развития и модернизации страны //«Народное слово». 22 февраля 2012 г. с.1.

² Усманова А.А. Динамика социально-политического развития молодежи (на примере научных изысканий студентов). –Т.: «Ижтимоий фикр» № 2. 2011 г. с. 112.

³ Там же. с. 110-112.

⁴ Усманова А.А. Стремление к собственной значимости и самооценке как психологический фактор роста творческого потенциала (на примере научных изысканий студентов). –М.: «Мир психологии», № 3. 2010 г. с. 240.

находить нестандартные подходы к ней, находчивости¹. Одним словом, в развитии творческого потенциала молодежи решающую роль играет семья, ее участие в жизнедеятельности молодых людей, благополучный социальный быт, благодаря которому, возможна реализация стремления к собственной независимости, значимости, раскрытия творчества в учебе, профессиональной деятельности и общественной жизни. Вполне закономерно, что происходящие в нашей стране реформы, направлены на создание условий для приобретения статуса преуспевающих юношей и девушек в личной жизни, их профессионального роста, уверенности в завтрашнем дне, выработке социальных ценностей ориентаций и образцов поведения в обществе. Таким образом, семья – великая национальная ценность. Устоявшиеся в ней, как в лучших восточных традициях, благородные отношения и образцы взаимодействия и общения, формируют достойный фундамент для молодежи, чьи будущие личностные устремления и надежды несомненно связаны с успехами общества.

ЁШЛАРДА КОРРУПЦИЯ ВА ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ МАҒКУРАВИЙ ИММУНИТЕТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

К. МАҲМУДОВ – ТМИ

Н. ҚОДИРОВА – ТДПУ магистранти

Ҳар бир давлат тарихида янги ижтимоий сифат ҳолатига ўтиш, афсуски, коррупция ва жиноятчилик каби жирканч ҳодиса билан бирга юз берган. Шу билан бирга, жиноятчиликнинг ўсиши нафақат ислохотлар йўлига жиддий тўсик, балки ўтиш даврида белгиланган мақсадларга эришишга қарши ҳам бевосита таҳдид туғдиради.

Қанчалик қайғули туюлмасин, жиноятчилик ҳамма мамлакатларда ва ҳамма даврларда бўлган. Бирок ўтиш даврида унинг мазмуни фақат жиноий қилмиш доираси билангина чекланиб қолмайди. Янги мустақил давлатларда амалга оширилаётган ислохотлар орқали амалда мулкни қайта тақсимлаш жараёни юз бермоқда. Айни шу ҳол ислохотларнинг моҳиятини белгилайди. Аввалги тузумда давлат томонидан тортиб олинган бойлик эндиликда уни яратган ва ўз меҳнати билан кўпайтираётганларга тегишли бўлиши лозим. Қайта тақсимлашнинг моҳияти шундадир.

Ҳар бир мамлакат бу жараённинг шакллари ва суръатларини мустақил белгиламоқда. Уни жиноятчилар дунёсининг ҳалокатли таъсиридан ҳимоя қилишга интиломоқда. Бу ўринда гап ўғирлик, талон-торож, одам ўлдириш ва шахсга нисбатан зўравонлик қилиш каби жиноятлар устидагина бораётгани йўқ. Ўтиш даврида янги иқтисодий механизмлар шакллантирилаётган бир пайтда аҳолининг асосий қўлчилиги бозор шароитида яшашни эндигина ўрганаётганлигидан ва унинг объектив қонуनларини пайқай бошлаганлигидан фойдаланиб, амалга оширилаётган иқтисодий жиноятлар тоифаси катта хавф туғдиради.

Тез-тез содир бўлиб турадиган жиноятчиликдан жамият, давлат, халқ, оддий

¹ Там же. с.248.

фукарлар кўраётган моддий-маънавий зарарнинг канчага тушаётганлигини аниқ айтиш, тўлиқ ҳисоблаб чиқиш осон эмас. Жиноятчилик оқибатида одам ўлдирилади, мол-мулк ўғирлаб кетилади, моддий-маънавий бойликларга, табиатга, атроф-муҳитга зарар етказилади. «Жиноятлар ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра: ижтимоий хавфи катта бўлмаган; унча оғир бўлмаган; оғир; ўта оғир жиноятларга бўлинади.

Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларга қасддан содир этилиб, конунда уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар қиради¹.

Унча оғир бўлмаган жиноятларга қасддан содир этилиб, конунда уч йилдан ортиқ, лекин беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар, шунингдек, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, конунда беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар қиради.

Оғир жиноятларга қасддан содир этилиб, конунда беш йилдан ортиқ, лекин ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар қиради.

Ўта оғир жиноятларга қасддан содир этилиб, конунда ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш назарда тутилган жиноятлар қиради².

Жиноятчиликнинг хавfli оқибатларини аниқ-равшан билиб олиш, уларни баргараф этиш учун «жиноят» тушунчаси, «жиноятларни таснифлаш», «жиноят учун жавобгарлик ва унинг асослари», «жавобгарликка тортилиши лозим бўлган шахслар», «айбнинг шакллари», «қасддан содир этилган жиноят», «эҳтиётсизлик орқасида содир этилган жиноят», «мураккаб айбли жиноят», «жиноятда иштирокчилик», «шахсга қарши жиноятлар», «тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноятлар», «экология соҳасидаги жиноятлар», «жавобгарлик ва жазодан озод қилиш» сингари юридик илмий тушунча, атама ва ибораларнинг маъно-мазмунини билиш, мағзига етиб бориш, улар моҳиятини аҳоли кенг қатламлари, биринчи навбатда навқирон авлоднинг, талаба-ёшларнинг онгига сингдириш хозирги даврнинг энг долзарб вазифаларидан биридир³.

Жиноятга жавобгарлик асослари, жазо ва уни тайинлаш, ҳаётга ва соғлиққа, оилага, ёшларга ва ахлоққа қарши ҳамда бошқа кўплаб жиноятларнинг туб негизи – мағзига етиб боришда ҳуқуқий билимлар мажмуи тарзидаги қомуслар ва луғатлар, сиёсий-ҳуқуқий йўналишдаги адабиётлар, асар ва рисоалар, шунингдек, олий ва ўрта махсус ўқув юр்தларининг ҳуқуқшунослик мутахассислиги бўйича таълим олаётган талабаларига, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимларига мўлжалланган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг (ЖК) 14-моддасига асосан ЖК билан тақиқланган, айбли ижтимоий хавfli қилмиш жазо қўллаш таҳдиди билан содир этилган қилмиш жиноят деб топилади.

Жиноят ўзига хос жиҳатлари билан бошқа қондабузарликлардан ажралиб

¹ Ражабова М. Жиноий жазоларни либераллаштириш: илмий ва амалий таҳлил. – Т.: Адолат, 2005, 35-бет.

² Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. – Т.: 1997, 8-9-бетлар.

³ Ғофуров З. Маънавий юксалиш ва ҳуқуқий баркамоллик. Т.: Молия институти, 2007, 72-73-бетлар.

туради. Бу килмишнинг ижтимоий хавфлигидир. Жиноят билан боғлиқ қилмиш натижасида жамият ва шахс учун ҳам моддий, ҳам маънавий зарар етказилади. Шунинг учун жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси жинойи оқибаотида акс этади¹.

Жиноят учун жазо муқаррардир. Жиноят қилган одам қилмишдан қатъий назар, қилган ноҳўя хатти-ҳаракатлари, қонунбузарлиги, бошқача айтганда, жинояти учун суд ҳукми билан жазоланади.

Жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жинойи фаолиятни давом эттиришга тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек, бошқа шахсларни янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади.

Олдимизга қўйган юксак мақсадларга эришиш учун бугунги Ўзбекистонга эркин ва раво фикирлай оладиган, унинг ҳаётида фаол иштирок эта биладиган, ўз сўзини айтишга қодир, ўз вазифа ва бурчларини тўғри англаб етган фуқаролар зарур. Бундай фуқарони тарбиялаш замон, тараққиётимиз талаби. Бунга қандай эришиш мумкин?

Демократик ҳуқуқий давлатнинг бунёдқорлари ҳуқуқий маданияти, тарбиясини тўғри йўлга қўйиш билан мақсадимизга эриша оламиз. Мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси. Сиз каби ёшлар қомусимиз ва бошқа қонунларни ўрганиб олишлари зарур. Конституцияни билмаган, пухта ўрганмаган киши ўз ҳақ-ҳуқуқларини билмайди. Ҳуқуқини билмаган одамнинг ҳаёти охир-оқибатда фожиали тус олиши мумкин. Ҳуқуқий саводхонликни юқори даражага қўтариш тарбия борасидаги асосий ишларимиздан бири бўлиб қолмоғи керак. Ҳуқуқий маданиятни, саводхонликни ривожлантирмай туриб қонунни менсимайдиган бузғунчилар, ўғри ва юлғичлар, товламачилар, лаганбардорлар, ахлоқ-одобсизликлар, қўрқоқлар, қотилликлар каби салбий ҳолатларнинг олдини олиш, тугатиш анчайин мушкул иш. Бундай қонунбузарлардан аввало одамларни, жамиятни ҳимоя қилиш зарур. Президентимиз Ислоҳ Каримов сўзлари билан айтганда: «...давлат давлатлигини қилмоқчи бўлса, фуқарони ўз иноҳига олиши зарур..»

Бошқача айтганда, давлат ҳар бир фуқаросини ҳимоя этиши, унга ҳуқуқий ёрдам бериши керак. Қонун олдида барча баробар. Мамлакат қонунларига жаъми фуқаро - ёшдан, миллатидан, ирки, динидан қатъий назар – барча баробар бўйсунмоғи фарз».

ЁШЛАРДА ЁТ ҒОЯЛАРГА ҚАРШИ МАҒҚУРАВИЙ ИММУНИТЕТНИ ШАҚЛЛАНТИРИШ

А.РАҲМАТУЛЛАЕВА – ТДПУ магистранти

Ислоҳ Каримов маънавиятни шакллантиришга бевосита таъсир қиладиган муҳим ҳаётий омил – таълим-тарбия тизимига алоҳида эътибор қаратиб, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ишлаб чиқиш билан боғлиқ жараённи таҳлил қилади.

Таълим-тарбия тизимидаги ислоҳотлар бошланган дастлабки йилларда жаҳон тажрибаси ва ҳаётда ўзини қўп бор оқлаган ҳақиқатдан келиб чиқиб, агар

¹ Юридик энциклопедия. – Т.: Шарқ, 2007, 156-бет.

бу мақсадларимизни муваффақиятли равишда амалга ошира олесак, тез орада ҳаётимизда ижобий маънодаги «портлаш эффекти»га, яъни янги таълим моделининг кучли самарасига эришамиз, деган фикр бугун амалда ўз тасдиғини топаётганини муаллиф мамнуният билан эътироф этади.

Дарҳақиқат, истиқлол даврида барпо этилган, барча шарт-шароитларга эга бўлган академик лицей ва касб-хунар коллежлари, олий ўқув юртларида таҳсил олаётган, замонавий касб-хунар ва илм-маърифат сирларини ўрганаётган, ҳозирданок икки-уч тилда бемалол гаплаша оладиган минглаб ўқувчилар, катта ҳаётга йўланма олаётган, ўз истисъодиди ва салоҳиятини ёрқин намоён этаётган ёш кадрлари мисолида ана шундай орзу-интилишлари бугуннинг ўзида ўз ҳосилини бераётганининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Энг муҳими шундаки, «портлаш эффекти»нинг ҳақиқий моҳияти ва аҳамияти вақт ўтиши билан, тобора камол топаётган соғлом ва баркамол авлоднинг ҳаётга тобора илдам кириб бориши билан янада яққолроқ сезилади.

Мухтасар қилиб айтганда, охириги йилларда таълим-тарбия соҳасида амалга оширилган, қўлами ва моҳиятига кўра улкан ишларимиз биз кўзлаган эзгу ниятларимизга эришиш, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган ҳаёт барпо этиш, ёшларимиз, бугун халқимизнинг маънавий юксалиши йўлида мустақкам замин яратган Президентимиз асарларида ишонч билан таъкидланади.

Мустақиллик туфайли миллий ғоя масаласи, республикамиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим масалага айланди. Айниқса, 2006 йил 26 августда эълон қилинган «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлиғини ошириш тўғрисида»ги ҳукуматимиз қарорида айтилганидек, «ёш авлод қалби ва онгига она юртига муҳаббат, истиқлолга садокат туйғуларини чуқур сингдириш масаласи бугунги кунда табора долзарб аҳамият касб этмоқда»¹

Миллий ғоя мамлакат фуқаросининг энг умумий дунёқараши сифатида миллатни бирлаштирувчи, уюна мақсад сари жипслаштирувчи ғоявий куч, ўз Ватанини асраб-авайлаш, унинг равнақи йўлида сидқидилдан меҳнат қилиш, ижтимоий фаолликдир. Миллий ғоя мазмуни даврга қараб ўзгариши аниқ, аммо ташвиқ қилинган ғоя умуммиллат манфаатига мос келмаса, бу ғоя шиордан бошқа нарса бўла олмайди, нари борса, айрим гуруҳ ёки социал катламнинг орзуси бўлиши мумкин.

Миллий ғоя жамиятнинг ҳар бир аъзосини ёвуз ғоялар таъсирига тушиб қолишдан асраб қолиш билан бирга уларни соғлом фикрлашга улғайиб келаётган ёшларни ўз халқи ва Ватани равнақи йўлида вояга етишини таъминлаб беради. Бугунги кунда жамият аъзоларини, айниқса, Ўзбекистоннинг келажаги бўлган ёшларни онги ва қалбини заҳарлашга интилаётган, жамиятимизнинг маънавий ҳаётини парокандалик ҳолатига туширишга ҳаракат қилаётган маънавий таҳдидлар мавжуддир. Мана шундай маънавий таҳдидларнинг олдини олишда Миллий ғоя катта роль ўйнайди. Маънавий ҳаётни юксалиб боришига тўсик бўлувчи маънавий таҳдидлар тўғрисида гапириб Президентимиз Ислоҳ Каримов яна шундай фикрларни илгари сурадилар: «Бугунги кунда дунёнинг айрим ҳудудларида ана шундай ҳаракатлар натижасида катта маънавий йўқотишлар юз бераётгани, миллатнинг асрий кадриятлари, миллий тафаккури ва турмуш тарзи издан чиқаётгани, ахлоқ-одоб, оила ва жамият ҳаёти, онгли яшаш тарзи жиддий

¹ «Халқ сўзи» газетаси, 2006 йил 26 август.

хавф остида қолаётганини кузатиш мумкин.

Энг ёмони, бундай хуружларнинг пировард оқибати одамни ўзи туғилиб ўсган юрти ва халқидан топишга, ватанпарварлик туйғуларидан маҳрум этишга ва ҳамма нарсага лоқайд бўлган шахсга айлантиришга қаратилганида намоён бўлмоқда¹.

Маънавий таҳдидларнинг олдини олишда юксак маънавиятга эришиш йўлида миллий ғоянинг тутаётган ўрнини ва бажарётган вазифаларини қуйидагиларда кўриб ўтсак бўлади.

– Жамият аъзоларининг дунёқарашларини бойитиш, уларга чуқур билим бериш, тафаккур эркинлигини шакллантириб бориш;

– Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқаросини Олий мақсадларга элтувчи тараққиёт моделини асослаш, юксалиш сари интилиб бораётган жамиятимизда маънавий шахс қандай бўлишини ҳам мантикий, ҳам назарий жиҳатдан асослаб бериш;

– Миллий ғоя маънавий ҳаётни юксалтириш йўлида тарбиявий вазифаларни ҳам бажариб бориб, у жамият аъзоларида ахлокий, ҳуқуқий ва эстетик меъёрларни юксалтириб боришни таъминлаб беради.

«...Такрор айтишга тўғри келади – ота-оналар, устоз-мураббийлар бу масалада хушёрликни йўқотмаслигимиз, ёшлар тарбиясида асло бепарво бўлмаслигимиз зарур»². Албатта, ёшларимизнинг айримларини арзимаган моддий бойлик эвазига кинғир йўлларга бошлаш мумкин. Унинг олдини олиш мақсадида ёшларда маънавий ва мафкуравий бўшлиқ пайдо бўлишига йўл қўймаслик ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир. Чунки ёшларимиз – келажакимиз пойдевори, буюк Ўзбекистон келажакининг асосчиларидир.

ОММАВИЙ МАДАНИЯТ ТАҲДИДИ ВА УНИНГ ЎҚУВЧИ-ЁШЛАР ОНГИГА САЛБИЙ ТАЪСИРИ

*М.ХАЙИТОВА, Д.ДЖУРАЕВА – катта ўқитувчилар,
Д.ТЎХТАЕВ – тадқиқотчи*

Маънавият жабҳаси вакили сифатида бугун кўз ўнгимизда содир бўлаётган воқеликларни теран назардан ўтказадиган бўлсак, ўз ечимини қутаётган бир талай глобал саволларга рўбарў келамиз. Улардан биринчиси, илк мушоҳадаларимиздаги мураккаб қарама-қаршилиқлар замирида ўз-ўзидан туғилди: «Хўш, замона нимани кўтарибди?».

«Табииyki, «оммавий маданият» деган никоб остида ахлокий бузуклик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига бепсандлик, уларни кўпоришга қаратилган хатарли таҳдидлар одамни тавшишга солмай қўймайди», – дея таъкидлайди Республикамиз Президенти Ислоҳ Каримов³.

Одоб-ахлоқ, ҳаё-ибо, ор-номус, диёнат каби фазилатлар азалдан халқимиз

¹ Каримов. И.А. «Юксак маънавият – енгилмас куч». Т.: Маънавият, 2008, 12-13-бетлар.

² Ўша манба. 15-бет.

³ Ўша манба. 117-бет.

маънавий оламининг ажралмас қисмига айланган. Бугунги глобаллашув шароитида «оммавий маданият» никоби остида ёшларимизга турли ёт ғоялар, маънавий тубанликларни тарғиб этишга уринаётган айрим кабиҳ ниятли кучлар айнан ана шундай кадриятларимизга чанг солаётгани сир эмас.

Мутахассислар айрим Ғарб мамлакатлари ёшлари орасида авж олаётган ахлоқсизлик, фахш, зўравонлик иллатларининг келиб чиқиш сабабларини ўрганишга жиддий эътибор қаратмоқда. Гарвард университети тиббиёт факултетида олиб борилган тадқиқотларга кўра, бола ўн саккиз ёшга етгунича телетасвирда бир юз саксон минг марта зўравонлик лавҳаларини томоша қилар экан. Уларнинг саксон мингтаси котилликларга доирдир.

Нима эксанг, шуни ўрасан, дейди доно халқимиз. Хўш, боланинг мурғак қалбига зўравонлик уруғи экилса, эртага унинг онгида муаммоларни зўравонлик билан ечиш керак, деган хулоса шаклланмаслигига ким кафолат беради?! Айрим хориж киноларининг «кахрамонлари» вафо, ибо, ҳаё, меҳр-окибат, никоҳ, оила, андиша, ота-онага хурмат каби тушунчалардан анчайин йироқ экани барчага аён. Бундай кинолар болаларнинг қалбига, дунёқарашига қандай таъсир қилишини тасаввур этиш қийин эмас. Хитой ҳукумати 2008 йилдан шарм-хаёсиз филмларни суратга олишни расман тақиқлади. Ҳа, бугунги кунда бутун дунёда умуминсоний кадриятларга зид ҳар қандай кўринишдаги таҳдидларга қарши кескин чоралар кўрилаётгани бежиз эмас.

Ўзбекистон Республикасининг «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 22 мартда қабул қилинган «Киновидео маҳсулотларни ишлаб чиқариш, қўпайтириш, дубляж қилиш, сотиш ва уларнинг прокати бўйича фаолият турларини лицензиялаш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори ва бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда бу борадаги тартиб-қоидалар аниқ белгиланган. Шундай бўлса-да, жойларда ушбу фаолият тури бўйича қўплаб қонунбузарликлар содир этилаётгани таассуфлидир.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Фарғона вилояти бошқармасидан олинган маълумотларга кўра, 2010 йилда беҳаёликни тарғиб қилувчи порнографик расмлар ва видеороликлар ёзилган 294 дона мобил телефон карталари ҳамда дисклар аниқланган.

Албатта, фаолият ноқонуний бўлгандан кейин савдога чиқарилган маҳсулотлар ҳам талаб даражасида бўлмаслиги аниқ. Кино-видео маҳсулотларнинг бундай ноқонуний савдоси, айниқса, бозорлар, аҳоли гавжум масканларда қўпаймоқда. Айрим бозорлар маъмурияти, мутасадди идораларнинг бу ҳолатларга эътиборсиз қарашига йўл қўйиб бўлмайди¹.

Фарзандларимизни турли таҳдидлардан, хусусан, «оммавий маданият» никоби остидаги мафқуравий хуружлардан асраш, уларга тўғри йўл кўрсатиш учун ҳаммамиз, ҳар биримиз доимо хушёр, огоҳ ва сезгир бўлишимиз даркор.

¹ М.Назаров, М.Лафасов, О.Тоҳиров, К.Юнусов, Ф.Тайлякова, Г.Лафасова. Ёшларнинг маънавий камолоти ва миллий ғоя тарбияси. – Т.: 2010, 29-бет.

ЁШ АВЛОДНИ МАЪНАВИЙ ТАҲДИДЛАРДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ

Р.АТАМУРАДОВА – УрДУ талабаси

Ёш авлодни маънавий тажовузлардан ҳимоя қилишда, халқимиздаги учраб турадиган ва азалдан унинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатиб келаётган номаъқул одатларни англаш, уларни бартараф этиш ёки улар келтирадиган нохуш ҳолатларнинг олдини олиш бугуннинг зарурати ҳисобланади, чунки улар миллат ва жамиятни ичдан кемирувчи иллатлардир.

Биринчи навбатда худбинлик ва лоқайдлик, қариндош-уруғчилик ва маҳаллийчилик, коррупция ва манфаатпарастлик, бошқаларни менсимаслик каби иллатлардан жамиятимизни бутунлай ҳалос этиш вазифаси, энг аввало, кенг жамоатчиликнинг, айниқса, зиёлилар, олим ва адиблар, санъат ва маданият аҳли, ўзини маънавият соҳасига бағишлаган инсонларнинг зиммасига тушади.

Одамзод ва жамият ҳаётида оғир асоратлар қолдирадиган ҳасад туйғуси авваламбор бошқаларни кўролмаслик, уларнинг ютуғидан қувониш ўрнига, қуйиниш, ичқоралик оқибатида пайдо бўлади. Азал-азалдан очикқўнгил, самимий ва меҳнатқаш, яхшиликни юксак қадрлайдиган халқимиз бундай иллатлардан доимо ҳазар қилиб келади.

Маънавий ҳаётимизга жиддий ҳавф соладиган яна бир иллат бу – соткинликдир. Ҳар қандай ёвузликни соткинлик келтириб чиқаради, десак муболаға бўлмайди. Эзгулик ва ҳақиқатга садоқати бўлмаган, уларга ишонмаган одам кўркинчлидир. Табиатида соткинлик хусусияти бўлган одамнинг раҳбарлик курсига ўтириши, тинчлик, осойишталикка раҳна солиши аниқ. Тарихдан мамлакатда фуқаролар ва давлатлараро урушларнинг бошланишига кўпинча ана шундай соткин кимсалар сабаб бўлганлиги маълум.

Машҳур файласуфлардан бири ҳаётий ҳақиқатни чуқур таҳлил этиб, қуйидаги ҳаққоний фикрларни баён қилган: «Душманлардан қўркма – нари борса, улар сени ўлдириши мумкин. Дўстлардан қўркма – нари борса, улар сенга хиёнат қилиши мумкин. Бефарқ одамлардан қўрк – улар сени ўлдирмайди ҳам, сотмайди ҳам, фақат уларнинг жим ва бепарво қараб туриши туфайли ер юзида хиёнат ва қотилликлар содир бўлаверади».

«Юксак маънавият – энгилмас куч» асарида иллат сифатида очиб берилган, бартараф этилиши лозимлиги уқтирилган ҳодисалардан яна бири – лоқайдликдир. Президент Ислом Каримов фикрича, бировнинг ҳаётига, ён-атрофда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга бетараф ва бепарво қараб, шунчаки кузатувчи бўлиб яшайдиган одамдан қўркиш керак. Улар ҳатто ўз халқи ва Ватани тақдирига ҳам бамисоли бегона одамдек қарайди.

Ҳар бир инсон ҳаётида ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлган ана шундай фикрларни униб-ўсиб келаётган ёшларнинг онгига сингдириш, уларни ҳаёт синовларига бардошли этиб тайёрлаш бизнинг ота-она, устоз-мураббий, раҳбар-раҳнамо сифатидаги, шу муқаддас юрт фуқароси сифатидаги муқаддас бурчимиздир.

Бу борадаги энг долзарб вазифамиз – юқорида зикр этилган барча жараёнларнинг илмий-назарий асосларини, уларнинг янги қирраларини муқам-мал очиб бериш, ўқувчиларимиз, талабаларимизга, кенг жамоатчиликка содда,

лўнда қилиб тушунтириб бориш ва уларни бугунги замон талабларига жавоб берадиган жамият қурилишининг фаол бунёдкорларига айлантиришдан иборат.

Бунинг учун авваламбор тараққиётимизнинг ҳар бир йўналиши – жамиятимиздаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий муносабатларнинг ривож ҳақида махсус адабиётлар яратиш тизимини янада такомиллаштириш зарур.

Факат ана шундай асосда ёшларни ўз фикрига эга, турли маънавий хуружларга қарши собит тура олишга қодир бўлган, иродали, фидойи ва ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялашга эришиш мумкин. Бу борада маънавий-маърифий тарғибот ишларини таъминлайдиган замонавий информацион ва компьютер технологияларини кенг жорий этиш, жамиятимизнинг мафкуравий иммунитетини кучайтиришга қаратилган самарали усул-услугларни ишлаб чиқиш, давлат ва жамоат ташкилотлари учун тегишли тавсия ва қўлланмаларни тайёрлаш бугунги кунда муҳим вазифамизга айланиб бораётганини чуқур тушуниб олишимиз зарур¹.

ЁШЛАР ЎРТАСИДА ЖИНОЯТЧИЛИКНИ ОЛДИНИ ОЛИШДА МАҲАЛЛАНING ЎРНИ

*Р.УМАРОВА – катта ўқитувчи
Д.РАХМОНОВА, Ў.МИРЗАЕВ*

Ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар қиради².

Унча оғир бўлмаган жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда уч йилдан ортиқ, лекин беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар, шунингдек, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, қонунда беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар қиради.

Оғир жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда беш йилдан ортиқ, лекин ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар қиради.

Ўта оғир жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш назарда тутилган жиноятлар қиради³.

Жиноятчиликнинг ҳавфли оқибатларини аниқ-равшан билиб олиш, уларни бартараф этиш учун «жиноят тушунчаси», «жиноятларни таснифлаш», «жиноят учун жавобгарлик ва унинг асослари», «жавобгарликка тортилиши лозим бўлган шахслар», «айбнинг шакллари», «қасддан содир этилган жиноят», «эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган жиноят», «мураккаб айбли жиноят», «жиноятда иштирокчилик», «шахсга қарши жиноятлар», «тинчлик ва ҳавфсизликка қарши жиноятлар», «экология соҳасидаги жиноятлар», «жавобгарлик ва жазодан озод қилиш» сингари юридик илмий тушунча, атама ва ибораларнинг маъно-

¹ Каримов И.А. Юсак маънавият – енгилмас куч. – Т., Маънавият, 2008, 124-127-бетлар.

² Ражабова М. Жиноий жазоларни либераллаштириш: илмий ва амалий таҳлил. - Т.: Адолат, 2005, 35-бет.

³ Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. - Т.: 1997, 8-9-бетлар.

мазмунини билиш, мағзига етиб бориш, улар моҳиятини аҳоли кенг қатламлари, биринчи навбатда навқирон авлоднинг, талаба-ёшларнинг онгига сингдириш ҳозирги даврнинг энг долзарб вазифаларидан биридир¹.

Жиноятга жавобгарлик асослари, жазо ва уни тайинлаш, ҳаётга ва соғлиққа, оилага, ёшларга ва ахлоққа қарши ҳамда бошқа қўплаб жиноятларнинг туб негизи – мағзига етиб боришда ҳуқуқий билимлар мажмуи тарзидаги комуслар ва лугатлар, сиёсий-ҳуқуқий йўналишдаги адабиётлар, асар ва рисоалар, шунингдек, олий ва ўрта махсус ўқув юртлирининг ҳуқуқшунослик мутахассислиги бўйича таълим олаётган талабаларига, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимларига мўлжалланган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг (ЖК) 14-моддасига асосан ЖК билан таъқиқланган, айбли ижтимоий хавфли қилмиш жазо қўллаш таҳдиди билан содир этилган қилмиш жиноят деб топилади.

Жиноят ўзига хос жиҳатлари билан бошқа қоидабузарликлардан ажралиб туради. Бу қилмишнинг ижтимоий хавфлилигидир. Жиноят билан боғлиқ қилмиш натижасида жамият ва шахс учун ҳам моддий, ҳам маънавий зарар етказилади. Шунинг учун жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражаси жиноий оқибатида акс этади².

Жиноят учун жазо муқаррардир. Жиноят қилган одам қилмишидан қатъий назар, қилган ноҳўя хатти-ҳаракатлари, қонунбузарлиги, бошқача айтганда, жинояти учуе суд ҳукми билан жазоланади.

Жиноят кодексининг 42-моддасига асосан, «Жазо жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсга нисбатан давлат номидан суд ҳукми билан қўлланиладиган ва маҳкумни қонунда назарда тутилган муайян ҳуқуқ ва эркинликлардан маҳрум қилиш ёки уларни чеклашдан иборат мажбурлов чорасидир.

Жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятни давом эттиришга тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек, бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади».

Суд жиноят содир этган шахсни қонунга зид қилмишлари учун жазога тортади. Суд жазо тайинлашда Жиноят Кодексининг 54-моддасида белгилаб қўйилган қуйидаги тамойилларга асосланади: «Жиноят содир этишда қонунда белгиланган тартибда айбли деб топилган шахс жазога тортилади. Суд ушбу Кодекс Махсус қисмининг жиноят содир этганлик учун жавобгарлик назарда тутилган моддасида белгиланган доирада Умумий қисмининг қоидаларига мувофиқ жазо тайинлайди.

Олдимизга қўйган юксак мақсадларга эришиш учун бутунги Ўзбекистонга эркин ва раво фикрлай оладиган, унинг ҳаётида фаол иштирок эта биладиган, ўз сўзини айтишга қодир, ўз вазифа ва бурчларини тўғри англаб етган фуқаролар зарур. Бундай фуқарони тарбиялаш замон, тараққиётимиз талаби. Бунга қандай эришиш мумкин?

Демократик ҳуқуқий давлатнинг бунёдкорлари ҳуқуқий маданияти, тарбиясини тўғри йўлга қўйиш билан мақсадимизга эриша оламиз. Мамлакатимизнинг ҳар бир

¹ Ғофуров З. Маънавий юксалиш ва ҳуқуқий баркамоллик. Т.: Молия институти – 2007. 72-73-бетлар.

² Юридик энциклопедия. – Т.: Шарқ – 2007. 156-бет.

фукароси, Сиз каби ёшлар комусимиз ва боска конунларни ўрганиб олишлари зарур. Конституцияни билмаган, пухта ўрганмаган киши ўз ҳақ-ҳуқуқларини билмайди. Ҳуқуқини билмаган одамнинг ҳаёти охир-оқибатда фожиали тус олиши мумкин. Ҳуқуқий саводхонликни юкори даражага кўтариш тарбия борасидаги асосий ишларимиздан бири бўлиб колмоғи керак. Ҳуқуқий маданиятни, саводхонликни ривожлантирмай туриб конунни менсимайдиган бузғинчилар, ўғри ва юлғичлар, товламачилар, лаганбардорлар, ахлоқ-одобсизликлар, кўрқоклар, котилликлар каби салбий ҳолатларнинг олдини олиш, тугатиш анчайин мушкул иш. Бундай конунбузарлардан аввало одамларни, жамиятни химоя қилиш зарур. Президентимиз Ислом Каримов сўзлари билан айтганда: «...давлат давлатлигини қилмоқчи бўлса, фукарони ўз паноҳига олиши зарур...»

МАҒКУРАВЙ ТАРБИЯНИ ЁШЛАР ОНГИГА СИНГДИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

А. МАҒМУДОВА – ТДПУ катта ўқитувчиси

Миллий ғоя Ўзбекистон халқининг туб манфаатлари, асрий орзу-умидлари, эзгу ниятлари, буюк мақсадларини ифода этиб, халқнинг ўз мақсад-муддаоларига эришиши учун маънавий-руҳий куч-қувват бўладиган пойдевордир. Бу жараён жамият аъзоларининг туб манфаатларини кўзда тутати, бинобарин, ҳар бир фукарони миллий истиқлол ғояси руҳида тарбиялаш шу юртнинг фарзандлари учун муқаддас бурчдир.

«Тарбия» тушунчасининг туб маъносига эътибор берадиган бўлсак, бу инсоннинг ўзи ва ўз хулқи ҳақидаги тасаввурининг тўғри ва холис бўлишини таъминловчи мураккаб жараёндир. Ҳар бир давлатнинг ўзига хос тарбиявий усул ва воситалари бўлади. Қадим замонлардан тарбия ёш авлоднинг кекса авлод тажрибаларини ўзлаштириш шаклларида бири сифатида қараб келинган.

Тарбия асосан меҳнат фаолияти (овчилик, чорвачилик, деҳқончилик ва шу каби) жараёнида, турли урф-одатлар, маросимлар ўтказиш вақтида амалга оширилган. У асосан жисмоний бакуват бўлишга қаратилган. Меҳнат фаолиятининг кўп қиррали бўлгани ва мураккаблашиб бориши, рўй берган ўзгаришлар натижасида болалар жамияти пайдо бўлган, бу жамият катталар тажрибасини ўзлаштиришнинг турли йўлларини топиб, ўз ҳаётий фаолиятларида такомиллаштириб борилган.

Бу биринчи навбатда касб-ҳунар таълими турларининг кўпайиши ва такомиллашиб бориши билан боғлиқ. Бола истаган соҳаси бўйича таълим-тарбия олиб, ўзи хоҳлаган ихтисосликни эгаллашга ҳақли бўлган. Лекин кўпинча, одатда ота касбини, бобо мерос касбини тутган ёшлар ҳаётда кўпроқ муваффақият қозонади. Чунки болада отанинг қони, унинг лаёқати бўлади. Демак, касб тарбияси, бола ёшлиқдан эл-юртга фойдаси тегадиган меҳнат фаолиятига йўналтириш ҳам мағкуравий аҳамиятга эга.

Ғоявий тарбиянинг моҳияти. Шахс тарбиясининг муҳим йўналиши – бу ғоявий тарбиядир. Бу инсон онги ва тушунчалари тизимида ҳаёт ҳақидаги фалсафий, сиёсий, ҳуқуқий, диний, эстетик, ахлоқий, касбий қарашларни мақсадли шакллантириш жараёнидир. Ҳар қандай тарбия жараёни охир-оқибат, ўз мақсад ва моҳиятига кўра ғоявий тарбиядир.

Бу боланинг дунё ҳақидаги, оламнинг ривожланиш қонуниятлари, инсоний муносабатлар борасидаги ўзига хосликлар, ахлоқ тамойиллари, гўзаллик ҳақидаги тушунчаларини кенгайтиришга хизмат қилади. Бу – том маънода мафкуравий тарбиянинг асоси, пойдеворидир. Шунинг учун мафкурасиз инсон, мафкурасиз гуруҳ, миллат, халқ, жамият бўлиши мумкин эмас.

Мафкуравий тарбия – инсон, ижтимоий гуруҳ, миллат, жамият дунёкарашини шакллантиришга, уларни муайян мақсадларни ифода этадиган ғоявий билимлар билан қуроллантиришга йўналтирилган жараён.

Ғоялар адолатли, ҳаққоний бўлиб, кўпчиликнинг талаб-эҳтиёжларига мос келса, бу соҳадаги тарбия воситалари таъсирчан, тарбиячилар эса фаол ва фидойи бўлса, ғоявий тарбиядан қўзланган мақсадга эришилади. Жамият, халқ хали ўз манфаатларини англаб етмаган, ўз мафкурасини шакллантириб, мақсадлар сари сафарбар бўлмаган ҳолларда бегона ва зарарли ғоялар таъсирига тушиш эҳтимоли ортиб боради. Бу эса ғоявий тарбияни йўлга қўйиш, соғлом мафкура тамойилларини аҳоли қалби ва онгига муттасил сингдиришчи долзарб вазифага айлантиради.

Ўзбекистон шароитида мафкуравий тарбиянинг асосий вазифаси – халқимизнинг озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш йўлидаги асрий орзу-истаклари, мақсадларини, Миллий истиқлол мафкурасининг моҳиятини кенг жамоатчиликка тушунтириш, айниқса, ёшлар онгига сингдиришдан иборат. Мафкуравий тарбия жамиятда аввало, оила, мактабгача ёшдаги болалар муассасалари, мактаблар, лицей, коллежлар, олий ўқув юртлари, оммавий ахборот воситалари, жамоат ташкилотларининг биргаликдаги фаолиятини тақозо қилади. Узлуксиз таълим тизими мафкуравий тарбияни олиб борувчи асосий бўғиндир, зеро мафкуравий мақсадларни ёшлар онгига сингдириш вазифаси асосан таълим тизими орқали амалга оширилади.

Ҳар қандай мафкуравий тарбиянинг мақсади – жамиятнинг ҳар бир аъзоси ва улар тимсолида ҳар бир ижтимоий қатлам, гуруҳнинг тарбиявий даражасини таъминлашдир. Бу пировард натижада ўша жамият ривожига туртки берувчи илғор ғояларнинг ҳар бир фуқаро томонидан онгли равишда ўзлаштирилишини, унинг тафаккур ва фикрлаш тарзига айлантирилишини таъминлайди. Шу маънода, миллий истиқлол мафкураси Ўзбекистонда яшаб, ижод қилаётган ҳар бир фуқаро онги ва шуурида асрий миллий кадрятларимиз, халқимизнинг бутунги ва келгусидаги манфаатларини ифодаловчи энг соғлом ғоялар ва фикрлар тарзида халқ тафаккури тарзида ўз ифодасини топиши лозим. Бу жиҳат мафкуравий тарбиянинг бош хусусиятларидан биридир.

«Таълим тўғрисида»ги ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қонунари «Кадрлар тайёрлаш миллий модели»нинг меъёрий асоси, уни амалга ошириш усули ва механизmidир. Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг ўзаги ва муҳим хусусиятига асосий таркибий қисмлар сифатида қуйидаги компонентлар киради: *шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан, ишлаб чиқариш.*

Тарбия кенг маънода ижтимоий-маданий тажрибани махсус ташкил этиш йўли билан авлоддан-авлодга ўтказиш ҳамда боланинг ички асосларини рўёбга чиқариш учун шарт-шароит яратиш жараёнидир.

Тарбия тор маънода катта ёшли одамнинг болани ҳамжамят ҳаётининг конкрет вазиятларига олиб кириш борасидаги аниқ фаолияти, унинг ички ўсиши учун шарт-шароитларни яратишдир.

Мазкур мақсадларга эришиш умумий демократик ўзгаришлар жараёни билан, шунингдек мамлакатда янги ижтимоий-сиёсий муҳитни шакллантириш, халқ менталитетига мустақиллик йилларида яратилган янги прогрессив кадриятларни жорий этиш учун шароит яратиш билан чамбарчас боғлиқдир.

ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО И ЛИЧНОСТЬ ПРЕПОДАВАТЕЛЯ

Л.Л БАБАЕВА, И.А ИСЯНОВА, Ш.Т.ХАЛМАТОВ – ТГТУ

Время предъявляет все более высокие требования к личности преподавателя и его педагогическому мастерству. Изучение процесса обучения, с точки зрения педагогической и социальной психологии показывает, что в личности педагога должен наличествовать и получить гармоническое развитие целый комплекс специфических способностей и умений.

Характер проявления у педагога соответствующих способностей и умений зависит от его индивидуальных качеств и, прежде всего, от типа нервной системы.

Тип нервной системы является весьма устойчивым обжалованием. Преподавателем может быть, разумеется, человек любого темперамента при условии, если он знает особенности своего типа нервной системы и их использует, сдерживая возможные отрицательные проявления темперамента. Так, холерики и сангвиники должны умело использовать в педагогической деятельности свою активность, энергию и в то же время постоянно гасить проявление резкости, вспыльчивости, раздражительности, воспитывая в себе сдержанность и терпение, столь необходимые преподавателю. Преподавателям, меланхолического и флегматического темперамента, необходимо преодолевать свою нерешительность, застенчивость, развивать коммуникативные способности за счет присущих им тактичности и мягкости. Они должны следить за темповым режимом своих занятий и, насколько возможно, компенсировать некоторую замедленность ведения занятия точностью и координированностью своих действий.

Процесс подачи материала преподавателем и усвоения его студентами, никак нельзя считать механическим и нейтральным. Для всякого обучения характерно несколько видов общения:

преподаватель	↔	группа
преподаватель	↔	студент
студент	↔	студент
студент	↔	группа

Итак, между преподавателем русского языка и студентами устанавливается довольно сложная система отношений, причем очень важно, чтобы группа и каждый студент в отдельности чувствовали органическую потребность в общении с преподавателем.

Целью общения на занятиях по русскому языку, должно быть установление взаимопонимания, которое было бы основано не только на уровне официальных, корректных отношений и даже не только на уровне симпатии, а на наиболее высоком уровне – эмпатии. Иными словами, получаемая от преподавателя русского

языка информация, должна переживаться студентом со знаком того же эмоционального состояния, как у преподавателя.

Продолжительность и качество общения с группой обуславливаются прежде всего внутренним тактом преподавателя и степенью развития его коммуникативных способностей. Следовательно, развитие способностей является первоочередной задачей преподавателя.

Коммуникативные способности преподавателя проявляются в его умении установить в группе определенный микроклимат, в условиях, которого у студентов возникает чувство доверия к педагогу и группе, пропадает боязнь допустить ошибку и быть смешным, появляется желание отвечать на вопросы или высказаться самостоятельно.

В создании такого микроклимата, важную роль играет настроение преподавателя. Вполне естественно и закономерно, что у преподавателя не может быть всегда хорошего настроения. И в связи с этим, необходимо подчеркнуть, что в преподавателе должны быть развиты артистические способности, которые помогут ему постоянно поддерживать в группе нужный микроклимат. Именно об этом писал А. С. Макаренко: «Я должен быть таким же радостным как коллектив. Я никогда не позволял себе иметь печальную физиономию, грустное лицо, даже если у меня были неприятности, если я болен, я должен уметь не выкладывать всего этого».

Артистичность дает возможность преподавателю любой дисциплины живее и ярче донести до студентов учебный материал, у преподавателя русского языка этот артистизм должен быть развит в наивысшей степени.

Особенностью педагогической профессии является преимущественно второсигнальный словесный характер введения информации, когда «при обучении, без сомненья, слова – это важный и почти единственный способ передачи человеком своих мыслей разуму другого» (Макаренко). Разумеется, речевые способности преподавателя во многом определяют живость и образность подачи материала.

Обучая студентов, преподаватель русского языка постоянно должен следить за правильностью и чистотой своей речи, так как она служит обучаемым образцом для подражания.

Преподавателю необходимо следить за темпом своей речи и ее интонационным рисунком. Обучение устной речи в замедленном темпе ослабляет внимание обучаемых, вызывает снижение надежности работы их памяти. Привычка к восприятию речи, предъявляемой в чрезмерно замедленном темпе, приводит к тому, что, не успевая полностью охватить удержание, студент выхватывает лишь отдельные смысловые куски, следствием чего является неправильное, неточное понимание услышанного.

Речевые способности преподавателя русского языка проявляются в умелом использовании пауз. Преподаватель дает студенту больше времени для осмысления материала, предъявляемого на слух в темпе, постепенно приближающемся к оптимальному.

ЁШЛАР ОНГИ ВА ҚАЛБИГА ВАТАНПАРВАРЛИК ТУЙҒУЛАРИНИ СИНГДИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛЛАРИ

*С.ЮЛДАШЕВА – п.ф.н. доц.,
Р.УМАРОВА, Д.АРАПБАЕВА*

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг Президентимиз томонидан баён қилинган Концепцияси ижтимоий-сиёсий ривожланиш, миллий таракқиёт, халқимизнинг тинч-тотув, фаровон ҳаётини таъминлаш, мамлакатда демократик тамойиллар ва социал адолат принципларига катъиян амал қилинишини янада кучайтириш борасида узоқ йилларга мўлжалланган дустуриламал бўлиб, бу муҳим ҳужжатни ҳар томонлама чуқур ўрганиш, тақлифларнинг маъно-моҳиятини англаш ва уларни аҳоли турли қатламлари орасида тарғиб қилиш бутунги куннинг энг муҳим вазифаси ҳисобланади. Бу вазифанинг ижросида ижодкор зиёлилар, фаол бўлишлари талаб этилади.

Инсонга фақат атроф-вокелик ҳақида, одобу ахлоқ қоидалари ҳақида билим беришнинг ўзи унинг маънавий-ахлоқий тарбияси учун старли бўлмайди. Унда прода қудрати, масъулият туйғусини шакллантириш, кўнглида атроф-табиатга, меҳнатга, касбга, илмга, ўзга инсонларга меҳр уйғотиш, дилида улғу мақсадлар туйғилишига эришиш лозим. Масалан, тан олиб айтиш керакки, Ватан ёки Адолат туйғуси ҳақида китобларда ёзилганларни ўқиб чиққан одам дарҳол Ватаннинг қадрига етадиган ёки Адолатга хиёнат қилмайдиган бўлиб қолади, деб тасаввур қилиш ўта соддалик бўлур эди. Ҳар бир инсон Ватан, Миллат, Адолат тимсол-тушунчаларининг ўз руҳидаги пойдор маънавий қадриятларга айланиши учун ўзгалар ибратида синаши, бу йўлда риёзат чекиши, уларга нисбатан кўнглида меҳр уйғотиши зарур. Бунга турли йўللار, турли воситалар билан, биринчи навбатда ёш авлод тарбиясига самимий (чин кўнгилдан) ва изчил ёндошув, тинимсиз изланишлар билан эришилади.

Маълумки, имон-этикод маънавиятнинг умуртқа поғонаси ҳисобланади. Халқимизда бировни «имонсиз» деб аташ энг оғир ҳақоратдир. Биз динимиз ислом деймиз, Қуръони каримда ёзилишича, Аллоҳ бани башарни ўзига ибодат қилиш учун яратган. Лекин кўпчилик исломий ибодатлар деганда, намоз, рўза, закот, ҳаж амалларини кўз олдига келтиради. Буюк тасаввуф пири Баҳоуддин Нақшбанд эса Расулulloҳ (с.а.в)нинг қуйидаги ҳадисини келтиради: «Ибодат ўн қисмдир, унинг ўндан тўққизи ҳалол ризқ топиш ҳаракати, қолган барча ибодатлар ўндан бирини ташкил этади.» Аҳмад Ясавий ва Абдуҳолик Ғиждувонийларнинг пири муршиди ҳисобланган шайх Юсуф Ҳамадонийнинг «Ҳаёт мезони» асарида Пайғамбаримизнинг яна бир ҳадислари келтирилади: «Мусулмон бўлмагуналарингизча жаннатга қирмайсизлар, бир-бирларингизча самимий меҳр қўймагуналарингизча мусулмон бўлмайсизлар.» Шу сабабли биз фарзандларимизга имоннинг асосий шарти ҳалоллик, адолат ва инсонга, табиатга меҳр деб ўқдиришимиз, нафақат ўқдиришимиз, балки шу йўлда ўзимиз ибрат бўлишимиз шарт.

Президент китобида «**инсон маънавий оламининг юксалиши**» деганда нимани тушуниш керак, деган саволга аниқ ва лўнда жавоб берилган: «**Оллоҳнинг ўзи бизга буюрган қомил инсон бўлиш, ҳалоллик ва адолат билан ҳаёт кечирish**». Аммо муаллиф яна таъкидлайдики, ушбу қоида

тушуниш ва эътироф этишнинг ўзи кифоя эмас, балки айни шу эътиқодга амал қилиб яшаш – «одамзотнинг маънавий бойлигини белгилаб берадиган асосий мезон»дир.

«Такрор айтишга тўғри келади – ота-оналар, устоз-мураббийлар бу масалада ҳушёрликни йўқотмаслигимиз, ёшлар тарбиясида асло бепарво бўлмаслигимиз зарур.» Президентнинг ҳушёрликни йўқотмаслик, бепарво бўлмаслик хусусидаги уқдиришларини тўғри тушунадиган бўлсак, бу дегани ёш авлодга тўғри таълим бериш билан бирга, ҳар бир айтган сўзимизга аввало ўзимиз риоя қилишимиз керак бўлади. Масалан, «илм ол» дедикми, ўзимиз умр бўйи илмимизни ошириб, пухталаб боришдан тўхтамаслигимиз керак; «ҳалол ва адолатли бўл» дедикми, ўзимиз фарзандларимизни ҳалол лукма билан боқаётганимизга, ўз фойдамизни кўзлаб бировга зулм бўладиган хатти-ҳаракатдан сакланишга қатъий уринмоғимиз лозим бўлади. Ана шундагина болаларимиз келажагидан хотиржам бўлишимиз мумкин¹.

ЁШLARDA ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ДЎЗАРЪ МАСАЛАЛАРИ

Д. ЙЎЛДОШЕВА – ТДПУ магистранти

Табий равишда ҳуқуқий маданият нима деган савол туғилади? Ҳуқуқий маданият – бу қонунни тушуниш, билиш, ҳаётга татбиқ этиш, ижросини таъминлаш ва ҳар бир шахсни, фуқарони ижтимоий ҳаётда фаол иштироки ва бундай фаолликни бошқалардан ҳам талаб қилиш жараёнидир. Ҳуқуқий маданиятни, аввало, инсоннинг ички дунёси, ички маданияти, умуминсоний анъаналарга ва ҳуқуқий билимларга бўлган муносабатлари белгилайди. Шахснинг ички маданияти унинг ташки одобини кўрсатади. Ҳуқуқий маданият эгаси бўлган киши жамият талаблари ва қоидаларига ҳурмат билан қарайди, жамиятни бошқаришда ўзининг ҳуқуқий малака ва билимларини ишга солиб фаол қатнашади.

Президент Ислоҳ Каримов асарларида илмий асослаб берилганидек, одамларни замон талабларига жавоб берадиган юксак ҳуқуқий билимлар, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият билан қуроллантириш жамиятни тўғри, демократик йўлдан ривожлантиришнинг, ҳуқуқий давлат қуришнинг зарур шартларидан бўлиб ҳисобланади. Аҳоли кенг қатламга чуқур ҳуқуқий билим беришни йўлга қўйиш, шу йўл билан ҳуқуқий, маданиятнинг юксалишига эришиш, бошқача айтганда, том маънодаги ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни шакллантириш оқ билан қорани, яхшилик билан ёмонликни, ўғирлик билан тўғриликни, ҳалоллик билан нопоқликни фарқлайдиган, жамият, давлат, халқ ва миллат манфаатларига катта зарар келтирадиган маҳаллийчилик, қариндош-уруғчилик, ошна-оғайничилик, вазифани суниистеъмол қилиш, порахўрлик каби ҳуқуққа, қонун-қоидаларга, одоб-ахлоққа зид хатти-ҳаракатларга, салбий ҳодисаларга мурасасиз бўлган кишиларни тарбиялаб вояга етказишда муҳим аҳамият касб этади.

Ҳуқуқий саводхонлик ва ҳуқуқий маданиятликнинг роли ва аҳамияти айтилганлардангина иборат эмас. Аҳамияти яна шу қадар каттаки, унинг ёрдами-

¹ Имомназаров М. Миллий маънавиятимиз асослари. – Т.: “Ўзбекистон файласуфлар миллий жамияти” нашриёти, 2006. 78-бет.

да инсон ноҳўя ишлардан, жамият, халқ ва миллат манфаатларига хилоф ҳаракатлардан, ҳар хил жинойтлардан ўзини тияди. Ана шундай йўл тутиш ва муҳимлигини бошқалардан ҳам талаб қилади.

Инсон учун қонун-қоидаларни, қонуний актлар ва меъёрларни шунчаки билиб олишнинг ўзи етарли эмас. Бу ҳали унинг ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият эгаси бўлганидан далолат бермайди. Бу масалада энг асосий нарса ҳуқуқий билим ва маданиятга, қонун-қоидаларга, Конституцияга қатъий амал қилишдир. Ҳаётда ҳуқуқий соҳада чуқур билимга эга бўлса-да, лекин амалда қонунларнинг бузилишига йўл қўйган, билатуриб қонунларни четлаб ўтган, қонунлардан, эгаллаб турган мансабидан ўз манфаати йўлида фойдаланган, натижада қонун олдида жавоб берган раҳбарлар ҳам мавжудлигини кўриш мумкин.

Президент Ислоҳ Каримов Ўзбекистон телерадиокомпанияси раиси саволларига берган жавобда шундай дейди: «**Биз бугун афсус-надомат билан фикр юритиб, бартараф этиш чораларини излаётган ноҳўш ҳолатни вужудга келтирувчи асосий сабаб шундан иборатки, кўп ҳолларда давлат ходими, давлат назоратчиси, яъни давлат ваколатидан фойдаланган амалдор шу ваколатни сунистеъмол қилишга интилади. Нима учун? Чунки мансабдорнинг ўз хизмат вазифасини сунистеъмол қилиши учун кутқу соладиган омиллар кўп. Чунки унинг қўлида ваколат бор, куч бор. Ана шундай ҳолда нопок ходим давлатни ниқоб қилиб, моддий бойликларни тақсимлаш, ишлаб чиқариш соҳасига қўшилиш, кадрлар масаласини ҳал этиш каби нозик масалаларга аралаша бошлайди. Бундай муҳим масалаларда давлатнинг таъсири ва амалдорларнинг роли қанчалик кўп бўлса, у шунчалик аянчли оқибатларга олиб келиши мумкин».**

Ижтимоий-иқтисодий тараққиётимизга салбий таъсир этиб келаётган эскича иллатлар ва қусурлардан қутулиш, бартараф этиш учун нима қилиш керак?

Президент Ислоҳ Каримов томонидан белгилаб берилганидек қуйидаги вазифаларни ҳал қилиш лозим:

1. Замоннинг илғор талабларига жавоб берадиган, ғайрат-шижоатли, инсофдиёнатли ёшларни қўллаб-қувватлаш, ҳал қилувчи вазифаларга қилиши учун кенг йўл очиб бериш керак.

2. Жамоатчилик назоратини кучайтириш, жамиятда демократик тамойилларни мустаҳкамлаш, кенг жамоатчиликнинг ижтимоий ҳаётдаги таъсирини, ўрни ва ваколатини, ҳуқуқини кучайтириш лозим.

3. Мулк масаласини ҳал этиш, яъни ўз эгасини топишига эришиш. Қачонки, хусусий мулк бошқа мулк шакллари орасида асосий устувор ўринни эгалласа, ана шу мақсад тўла амалга ошса, ўшанда давлат мулки ҳисобидан ўғрилиқ, талон-тарож қилиш, ундан нопок йўлда фойдаланиш каби беъмани ишларга чек қўйиладди. Ўшанда ҳеч ким, ҳеч қачон ўз мулкни ўғирламайди.

4. Бунинг учун одамларни ҳуқуқий билим, ҳуқуқий маданият соҳиби бўлишларига эришиш зарурки, бу замон талабидир.

Ўз навбатида демократия, сиёсий ҳаётни эркинлаштириш орқали фуқаролардан ўз манфаатларини давлат ва жамият манфаати билан уйғунлаштиришни, юксак сиёсий маданиятга эга бўлишни талаб қилади.

Ҳозир ёшларимиз иқтисодий, ҳуқуқий билимларни ўрганишга берилганлар. Бу яхши. Шу билан бирга тарих, она тили, адабиёт, санъатни ҳам севиб ўрганиш лозим. Кишининг маънавий дунёсини кенгайтиришда мусика, театр, рассомлик санъати ва айниқса, бадий адабиётнинг роли бешиқоқ катта. Адабиёт хисларни,

ички маънавий туйғуларни тарбиялайди, кўнгил мулкани обод қилади, тафаккур ва онгни бойитиб улғайтиради. Қадимда мадрасаларда «балоғат илми» ўтилган. Бу, асосан, адабиётдан лаззатланиш, шеърни, сўзнинг куч-қудратини англаш ва чиройли ва ёқимли сўзлаш илмидир.

ЁШЛАРДА ЖАМИЯТИМИЗ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ СОҶАЛАРИДАГИ ЭРИШИЛАЁТГАН ЮТУҚЛАРГА, ИСЛОҲАТЛАРГА ДАҲЛДОРЛИК ҲИССИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Ж. АТАҚУЛОВ – ТДПУ 1-босқич магистранти

Ёшлар жамиятнинг, давлатнинг бугуни ва келажак тақдирини белгилайдиган ижтимоий куч ҳисобланади. Шу сабабли давлатимиз раҳбари кадрлар масаласини давлат сиёсати даражасига кўтариши бежиз эмас. Ҳаётни тебратиш, иқтисодийetni юқори суръатлар билан ривожлантириш – бу давлат, вилоят, шаҳар, туман, қолаверса, оддий хўжалик бўладими – аввало, шу ҳудудлар ҳамда хўжаликларни бошқарадиган раҳбар ва мутахассисларнинг ақл-заковати, билими ва тажрибаси, шижоат ва қатъиятига боғлиқ эканини бугунги кунда исботлаб беришнинг ҳожати йўқ.¹ Раҳбар одамлардаги ташаббускорлик, фидойилик туйғусини уйғотиши, уларнинг турмуши, кайфиятини яхши билиши, эртанги кунга бўлган ишончини мустаҳкамлаши зарур. Ақс холда, одамлар калбида ёниб турган умид рўёбга чиқмасдан сўниб қолади.² Айни вақтда раҳбар номаъқул ишни кўрганда бировнинг ёқасидан олмаса, эл-юрт манфаатини ўйлаб, эй инсон, нима қилиясан, демаса, камчилик-нуқсонларга қарши жамоатчиликни кўтармаса, у ҳеч қачон яхши раҳбар бўла олмайди. Агар раҳбарнинг ўзи тиним билмай ишламаса, янги имкониятларни топиб, одамларни олижаноб ишларга бошлаш учун куйиб-ёнмаса, унинг атрофидагилар – муовинлар дейсизми, бошқа мутасаддилар дейсизми – беғамликка, лоқайдликка берилиб, шундай иш услубига, шундай ҳаёт оқимига ўрганиб-кўникиб қолади. Раҳбар ўзига ишонч билдирган одамларнинг юрак уришини доимо сезиб туриши, унинг секин ёки безовта уришига қараб, вазиятга тўғри баҳо бериши, шу асосда тўғри қарор қабул қила олиши даркор. Раҳбарнинг фазилати, аввало, унинг одамларга муносабатида, одамларни рози қилиш, уларга ғамхўрлик, меҳрибонлик кўрсата олиш қобилиятида намоён бўлади. Раҳбар учун зарур бўлган яна бир муҳим фазилат шундан иборатки, у халқ билан тил топиша олиши лозим. Раҳбар энг мураккаб, энг қийин вазиятларда ҳам одамларни кўндириши, уларни баъзи бир ноҳўя йўللاردан, ҳагги-ҳаракатлардан қайтариши ва ўз атрофида соғлом вазият, соғлом иқлим барпо этиши даркор. Бунинг учун раҳбар албатта катта маҳоратга, худо ато этган ўзига хос, ўзига мос фазилатларга эга бўлиши зарур. Раҳбар киши эл-юртнинг дарду ташвиши билан, шу ташвишларни имкон қадар осон қилиш ва енгилатишни ўйлаб яшаши, одамларни ҳимоя қилишга доимо тайёр туриши, бир сўз билан айтганда, халқнинг дардини ўз дарди, деб билиши керак. Ҳар қайси раҳбар қатъиятlilik, талабчанлик, керак бўлса, қаттиққўллик хусусиятларига эга бўлиши лозим. Ҳаёт олдимизга қўяётган кўпдан-кўп муаммоларни вақтида ечиш

¹ Каримов И.А. Ҳавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т. 10. – Т.: Ўзбекистон, 2002. 77-бет

² Ўша манба. 78-бет

хақида муттасил кайғуриш, бу йўлда кечани кеча, кундузни кундуз демай, ўз халоватидан воз кечиб, бошлаган ишини охирига етказмагунича тиним билмаслик – бу ҳам ҳар қандай раҳбарга қўйиладиган ҳаққоний талаб, десак асло хато бўлмайди. Биз кўпинча, раҳбар аклли, доно, билимдон бўлиши керак, деб ҳисоблаймиз. Албатта, бу хусусиятлар керак, лекин бутунги кунда уларнинг ўзи етарли эмас. Нега деганда, инсон аклли, доно ва билимдон бўлиши мумкин, лекин у ҳаётда ёниб яшамаса, ҳаммаси бекор. Бу фикрга қўшимча қилиб шуни айтмоқчиманки, бутунги кунда раҳбар фақат ўзи ёниб қолмай, унга қўз тикиб, ундан кўп нарсани кутиб турган халқни ҳам ёндира олиши зарур. Мен ёндириш деганда, авваламбор, одамларни бишлаштиришни, одамларни бошқаришни, уларни юксак мақсадлар сари сафарбар этишни назарда тутаман. Яъни раҳбар эзгу мақсад-муддаоларга, олижаноб режаларга эришиш учун одамларни ўз ортидан эргаштира билиши керак. Раҳбар деган одам фидойи бўлиши, халқнинг дарду ташвишларини, орзу-умидларини юрагидан, қалбидан ўтказиб, уларни рўёбга чиқариш, зиммасига юклатилган вазифаларни адо этиш учун ўзининг ҳаётини фидо қилишга ҳам тайёр бўлиши керак. Раҳбар ўзига ёқадиган, ўзига мос бўлган, ўзига шахсий садокат кўрсатадиган одамларни амалга ўтказишдек номақбул кайфиятларга берилмаслиги, маҳаллийчилик, ошна-оғайнигарчилик, уруғ-аймоқчилик ва кабилабозлик каби иллатлардан узоқ бўлиб, кадрларни ўзгартириш масаласида жуда эҳтиёткорлик билан иш олиб бориши зарур.¹ Яхши кадрларни асрайдиган раҳбар, аввало, ўзини асрайди, муҳитнинг доимо барқарор бўлиб қолишига хизмат қилади. Раҳбарнинг асосий вазифаси шундаки, у ўзи етакчилик қилаётган тармоқ ёки ҳудуднинг истикболи билан боғлиқ энг муҳим масалаларни олдиндан кўриб, уларнинг аҳамиятини ҳис этиб, сафарбарликни олдиндан ташкил қилиши шарт. Раҳбарликнинг оғир масъулиятини бўйнига олган шахс аввало ўзига ҳам, ўзгаларга нисбатан ҳам талабчан, қаттиққўл бўлиши, керак бўлса, кимгадир ёмон кўринишдан ҳам қўрқмаслиги керак. Ахир, халқимизнинг, элга бошлик бўлиш осон, элни бошламоқ қийин, деган нақли бежиз айтилмаган.

Раҳбар қачон эл-юрт ишончини, эътиборини қозона олади?

Қачонки, юраги, қўли тоза, қўнгли очиқ, ақл ва заковат соҳиби бўлса, унинг табиатида қатъиятлилиқ билан билим, талабчанлик билан адолат уйғун бўлса, у ўзи бошқарадиган одамларнинг ғам-ташвишларини ўз қалбидан ўтказишга қодир бўлса. Раҳбар энг мураккаб, энг мушкул вазиятларда ҳам одамларни кўндириш, уларни баъзи бир ноҳўя ишлардан, ҳатти-ҳаракатлардан қайтариш ва жамоада, туман ёки вилоятда соғлом вазият, соғлом иқлим барпо эта олиш салоҳиятига эга бўлиши даркор. Раҳбарнинг обрў-эътибори унинг қийми ва кўринишида, савлату салобатида, қовоқ-димогойда, ўзига бино қўйишида эмас, балки аввало унга ишонч ва ҳурмат билдирган сайловчилар ва фуқароларга бўлган самимий муносабатида, одамларнинг оғирини енгил қилишга қаратилган амалий ишларида намоён бўлади. Халқимизнинг, қовуннинг палағи тоза бўлса, ҳеч қачон айнинмайди, деган мақолида чуқур маъно бор. Яъни бошқача айтганда, одамнинг аждоди, насл-насаби тоза бўлса, унинг фарзандлари ҳам шундай бўлади. Лекин, шу билан бирга, ҳаётнинг ўзи шуни кўрсатмоқдаки, нафс балосига қарши туриш, ундан ўзини асраш ҳар қандай одамнинг, жумладан, қатта ваколат ва имкониятга

¹ Каримов И.А. Тинчлик ва ҳавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжихатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т-ХII. – Т.: Ўзбекистон, 2004. 127-бет.

эга бўлган рахбарларнинг ҳам кўлидан келавермас экан ва минг афсуски, бугун кўп жойларда бундай номакбул ҳолатларни кўрмоқдамиз. Ҳамма жойда ҳам аввало рахбарлар ва масъул ходимларнинг фаолияти, юриш-туришига қараб, уларнинг оилавий ҳаёти ва маънавий кифасига қараб, фуқароларнинг, умуман жамиятнинг ҳокимиятга бўлган ишончи ёки ортади, ёки бутунлай йўқолади.

Оилавий турмуш, шахсий ҳаёт бу ҳар қайси инсоннинг аввало ўз иши. Лекин эл-юртга рахбар бўлган, етакчи бўлган одам бошқаларга ақл ўргатиб, уларга талаб қўяр экан, биринчи галда ўз боласининг тарбияси ҳақида ўйлаши керак. Халқимизнинг «Олдин ўзингга бок, кейин ноғора қок» деган ҳикмати ҳам бежиз айтилмаган.¹

Хулоса қилиб айтганда, Рахбар талабчан, керак бўлса, қаттиққўл бўлиши, лекин биринчи галда адолатли бўлиши зарур.

БАРКАМОЛ АВЛОДНИ КОМИЛ ИНСОҶ ЭТИБ ТАРБИЯЛАШДА НАВОИЙ АСАРЛАРИНИНГ ЎРНИ

Ш. САЙФУТДИНОВ – ЖИДУ талабаси

Бугунги глобаллашув жараёни давом этаётган замонда, давлатлар ўртасида маънавий ва мафқуравий, шуниингдек, гоёлар жанги бўлаётган бир даврда барқамол авлодни етиштириш ва уни қомил инсон этиб тарбиялаш долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Бу масалани хал қилишда эса, албатта буюқ аждодларимизнинг қолдирган маънавий меърослари муҳим ўрин эгаллайди. Шундай аждодларимиздан бири – буюқ мутафакқир, шоир ва давлат арбоби Алишер Навоийдир.

Алишер Навоий халқимизнинг онги ва тафакқури, бадий маданияти тарихида бугун бир даврни ташқил этадиган буюқ шахс².

Бизга маълумки, миллий гоёмизнинг узвий тарқибий қисмларини ташқил қиладиган қомил инсон, ижтимоий ҳамқорлик, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик тамойиллари³ Алишер Навоий иждодий меросининг моҳиятини ташқил этади.

Алишер Навоий «Лисон ут-тайр»да моддий дунёнинг асоси ҳақида фикр юритиб, унинг тўрт элемент – тупроқ, сув, ўт, шамол ва етти қават осмон, олти тараф ердан ташқил топганини, лекин ундаги энг улуғ ҳурматга сазовор нарса, материянинг энг етук кўриниши – одам эканлигини, унинг муқамаллиги олдида ҳар қандай ақл ҳайрон қолишини жуда содда ва аниқ қилиб айтади:

Тўрт унсур, етти қўк, олти жиҳот

Нодиру олий асоси қоинот.

Барчадин ашрафки, ул инсон эрур,

Қим қомолида хирад ҳайрон эрур. («Лисон ут-тайр»)

Алишер Навоийнинг барча асарларида ҳам ана шундай қомил инсон бош

¹ Қаримов И.А. Тинчлик ва ҳавфсизлигимиз ўз қуч-қудратимизга, ҳамжихатлигимиз ва қатъий иродаимизга боғлиқ. Т-ХН. – Т.: Ўзбекистон, 2004. 308-бет.

² Қаримов И.А. Юқасқ маънавият – енгилмас қуч. Т.: Маънавият, 2008. 47-бет.

³ Ўша асар, 75-бет.

кахрамон сифатида танланади. Комил инсон масаласига ёндашувда шоир ўзига хос йўл тутган. Етакчи қаҳрамонлар фазилатларини очишда умуммаданий кадриятларнинг ўрни, миллатлараро ҳамкорлик ва тотувлик ғояларига алоҳида эътибор қаратган. «Хамса»нинг деярли барча дostonларида ҳам асар қаҳрамонлари турли миллат вакилларини ташкил қилади. Шунга мувофиқ воқеалар ҳам ана шу персонажлар яшаётган юртларда бўлиб ўтади. Бу, энг аввало, асарнинг саргузаштларга бой бўлишини таъминлайди, иккинчидан эса, шоир тасавурида инсонни комилликка эришишида муҳим омил ҳисобланади. Биргина «Садди Искандарий» дostonида турли мамлакатлар, бу юртда яшовчи миллатлар номи шундай кўп қўлланадики, буларнинг бари Навоий ижодининг туб моҳияти – инсонпарварлик, миллатлар ҳамдўстлиги каби ғояларни ёритишда муҳим ўрин тутди. Масалан, Искандар бутун дунёни ўзига бўйсундириб, ҳамма халқларни зулмдан қутқариб озодликка чиқаргач, дунёни ва денгизларни ҳам фатҳ қилиши, Қирвон деган жойдаги одамларни яъжуж деган махлуқлар зулмидан қутқариш учун мустаҳкам девор қурдириши Искандар образининг такомилни кўрсатиб беради. Навоий дostonда Искандарни ҳамма халқни зўрламаздан бу ишга сафарбар қилганини, Русия, Сурия ва Византиядан усталар чақирганини ва турли касбдаги ниҳоятда чаккон усталар каттик моддаларни эритиб, ўша моддалардан узунлиги ўн минг метр келадиган мустаҳкам девор қурдирганини тасвирлайди.

Искандар девори тимсолида Навоий миллатлар тотувлигини, маданиятлар ҳамкорлигини кўради ва барча халқлар қўлни-қўлга бериб, бир тан-бир жон бўлиб курашагина, ўзаро аҳил бўлиб яшасагина инсониятга ҳеч бир ташқи хавф дахл қила олмаслигини уқтиради.

Навоий ўз дostonларида дўстлик ғоясини тараннум этувчи Шопур ва Навфал образларини яратди. Улар ўз дўстларининг (бири Фарҳод учун, иккинчиси Мажнун учун) гўзал максadларига эришишлари йўлида жонларини фидо қилдилар. Навоий ўз даврида битта ҳам бегараз дўст топа олмагани ҳақида бир эмас, ўнлаб ғазалларида шикоят қилиб ёзган эди. Бу образлар орқали эса дўстнинг қандай бўлиши кераклигини маҳорат билан тасвирлаб берди. Айниқса, бу жиҳатдан Шопур образи диққатга сазовордир. Фарҳод хитойлик, Шопур эронлик бўлиб, бунда икки киши ўртасидаги дўстлик миллатлараро дўстлик даражасига кўтарилади. Миллатлар ҳамдўстлиги ғояси дostonда Фарҳоднинг Арманистон мамлакатига келиб, мингларча кишиларнинг машаққатларини енгил қилиб, ариқ казишга киришиши тасвирида ўзининг чиройли ифодасини топган:

Хунарни асрабон неткумдур охир,

Олиб туфроққаму кеткумдур охир? («Фарҳод ва Ширин»)

Навоий дostonларида халқлар ўртасидаги низо ва урушлар каттик қораланади. «Фарҳод ва Ширин» дostonида Навоий тож-тахтни эмас, чин инсонийликни афзал билувчи Фарҳодни Хитой ҳоконининг ўғли сифатида тасвирлайди. Бунинг сабаби шундаки, шоир бу асарда муросасиз темурий шахзодаларга ўрнатилган ижобий киши образини яратмоқчи бўлади. Ширин Эрон подшоҳи Хисрав Парвезнинг совчиларига рад жавобини бергач, Эрон билан Арманистон, Хисрав билан Фарҳод ўртасида катта тўқнашув юз беради. Хисрав кабиҳ йўллар билан Арманистон ва Фарҳод устидан устунликка эришади. Навоий бу билан халқлар ўртасидаги ҳар қандай урушлар ҳеч кимга манфаатли бўлмаслигини алоҳида таъкидлайди.

Навоий дostonларида воқеалар қўламининг бу қадар кенг ҳудудларда белги-ланишининг асосий сабаби, аввало, илгари сурилаётган муаммоларнинг умумин-

сонийлиги билан, иккинчидан эса шоир хаёлот оламининг бекиёс кенг эканлиги билан белгиланади.

Ўйлаймизки, юртимизнинг мустакиллиги шарофати ила тикланган Алишер Навоийнинг буюк мероси бундан кейин ҳам чуқур таҳлил қилиниб, ҳар томонлама тадқиқ этилади, хусусан, унинг комил инсон етиштириш тўғрисидаги қарашларини ўрганиш борасидаги илмий изланишлар ҳам янада ривожланиб боради. Зеро, Навоий ижоди бир уммон! Бу мисоли илм уммонидур. Уни забт стиш эса жуда мушкул!

МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИ ВА МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАР УЙҒУНЛИГИ

*Ф.Х.УСАРОВА – ЖИДУ доценти, с.ф.н.
А.Ф.АБЕРҚУЛОВА – талаба*

Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ, Ўзбекистон Республикаси миллий истиқлол ғоясини миллий-маънавий қадриятлар асосида шакллантириш, ривожлантириш ва мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратди. Мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларни ўтказишга қаратилган бир бутун таркибий қисми сифатида маънавий соҳани ривожлантириш дастури олға сурилди ва бунга тўлиқ амал қилинди.

Ёш авлодни маънавий-ахлоқий қадриятлар асосида миллий истиқлол ғояси руҳида тарбиялаш, шубҳасиз, жисмоний ва руҳий саломатликни муҳофаза қилишни ва мустаҳкамлашни, соғлом турмуш тарзи асосларини шакллантиришни назарда тутди. Дарҳақиқат, бугунги кунда нафақат маънавий, балки жисмонан соғлом комил инсонларни тарбиялаш муҳим масалалардан бири бўлиб келмоқда. Бунда ота-оналарга, маҳаллаларга ёшларнинг бўш вақтини самарали ва мазмунли ўтказишда қатта масъулият юкланади. Ёшларнинг ҳаётда тўғри йўл ва ўзларининг салоҳиятига қараб касб-хунар танлашида маънавий қадриятларнинг ўрни бекиёсдир.

Бу борада Сингапур менеджментни ривожлантириш институти президенти (Сингапур Республикаси) Эрик Куан: «Ўзбекистонда ёш авлодни барқамол этиб тарбиялаш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Юксак малакали кадрлар тайёрланаётгани мамлакатингиз раҳбари таълим соҳасига улкан эътибор қаратаётганидан далолатдир», – дея таъкидлади.¹

Шунинг учун ҳам миллий истиқлол ғоясининг яна бир асосий вазифаларидан бири бу – хотин-қизларнинг ўз имкониятларини эркин намоён қилишга кенг йўл очиб ва миллий руҳда тарбиялашдир.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида» ги Қонунга мувофиқ, сиёсий партиялардан кўрсатиладиган депутатликка номзодларнинг камида 30 фоизини аёллар ташкил этиши белгилаб қўйилди². 2009 йилги сайловлар жараёнида айни ана шу норманинг татбиқ этилиши парламентнинг

¹ Қаримов И.А. Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш-мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шarti" мавзусидаги халқаро конференциядаги маъруза. //«Халқ сўзи» газетаси. №35,(12.096).Т., 2012.

² Аёллари эъзоз топган юрт //«Халқ сўзи» газетаси. – Тошкент, 2011 йил 27 май. №104 (5271).

қуйи палатасига умумий депутатлар сонининг 22 фоизини ташкил этадиган 33 нафар хотин-қиз депутатни сайлаш имконини берди.

Сенат аъзолари этиб сайланганларнинг 15 фоизи аёллардир, маҳаллий вакиллик органларида фаолият кўрсатаётган аёллар эса, бугунги кунда жами депутатлар сонининг 20 фоизидан ортиғини ташкил этади¹.

Умуман олганда, бугун мамлакатимизда иш билан банд бўлган аҳолининг 48 фоизини хотин-қизлар ташкил қилади.² Бу эса, миллий истиқлол ғоясининг миллий хусусиятларидан бири бўлган, аёл зотига ҳурмат ва эҳтиром тамойилининг амалдаги юксак ифодаси бўлиб, ўзбек хотин-қизларининг жамиятни ҳамма жабҳаларига ўз хиссаларини қўшиш ўсиб бораётганидан далолат беради.

Дарҳақиқат, миллий истиқлол ғояси қизларимизни миллий анъаналар руҳида тарбиялашга катта эътибор қаратади. Масалан, кейинги уч йил мобайнида мамлакатимиздаги умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари, олий ўқув юртлири талабалари жаҳон миқёсида ўтказилган нуфузли фан олимпиадаларида ғолиб бўлиб, жами 41 та медални қўлга киритган бўлса, уларнинг 8 таси қизларимиз ҳиссасига тўғри келади. Ана шу охириги уч йил мобайнида 1 минг 464 нафар истеъдодли спортчи ёшларимиз халқаро мусобақаларда зафар қозонган бўлса, уларнинг 448 нафари айнан қизларимиз экани албатта барчамизга гурура ва ифтихор бағишлайди³. Бу мисоллар айнан маънавий кадриятлар асосида ёшларни миллий истиқлол ғояси руҳида тарбиялашнинг ёрқин намунасидир.

Дарҳақиқат, фақат маънавий кадриятлар билан суғорилган миллий истиқлол ғоясигина бағрикенг ва хурфикр ёшларни тарбиялашга қодир бўлади. Бу аввало миллатлараро тотувлик ғоясининг амалдаги фаолиятида ҳам яққол кўринади. Масалан, бугунги кунда 150 га яқин миллий-маданий марказлар ўз фаолиятини олиб бормоқда.⁴ Бу маълумотлар маънавий кадриятларнинг миллий истиқлол ғояси билан ҳаммаҳанглигини исботлайди.

Юқорида келтирилган фикрлардан хулоса қилиш мумкинки, мустақиллик йилларида ёшларни маънавий кадриятлар асосида миллий истиқлол ғоясини шакллантириш жараёнида Озод ва Обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишда Ватанимиз 20 йиллик, яъни асрларга татиғулик тажрибага эга бўлди. Буни дунё ҳамжамияти ҳам тан олмақда. Масалан, Исроилнинг нуфузли нашрларидан бири «Менора» бош муҳаррири Эстал Сегалнинг «Ўзбекистон – ғўзал мамлакат» сарлавҳали мақоласини чоп этди. Унда Ўзбекистоннинг 20 йиллик давр давомида иқтисодий, сиёсий ва маданий-маънавий ютуқларини сарҳисоб қилиб, қуйидаги хулоса берилди: «Ўзбекистон мустақилликнинг 20 йили давомида асрларга татиғулик йўлни босиб ўтди».⁵

¹ Каримов И.А. Мамлакатда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 12.11.2010

² Алоев У. Мустақил Ўзбекистон ва БМТнинг ижтимоий адолатга оид асосий хужжатлари: халқаро нормалар ва сиёсий амалиёт уйғунлиги //Фуқаролик жамияти. – Т.: 2011. №1(25). 11-бет.

³ Каримов И.А. 8 Март Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан мамлакатимиз хогин-қизларига байрам табриги. «Халқ сўзи» газетаси// – Тошкент, 2010 йил 9 март.

⁴ <http://www.pv.uz/?inc=6&snd=&news=3636>.

⁵ Ўзбекистон мустақиллик йилларида асрларга татиғулик йўлни босиб ўтди // «Халқ сўзи» газетаси. – Т.: №39 (5206). 24 февраль 2011. 4-бет.

Алоҳида эътибор қаратиш керакки, 2010 йил Париж шаҳрида нашр этилган «Ўзбекистон геосиёсати» китоби Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларидаги тараққиёт йўли ҳақида ҳикоя қилади.

Ушбу китоб муаллифи сиёсатшунос олим, профессор Ж.Барра 2011 йил май ойида мамлакатимизда меҳмон бўлди ва қилинаётган ишларни таҳлил қилиб: «Ўзбекистон ўзи танлаган йўлдан қатъий ишонч билан дадил бормоқда, демократик тамойиллари асосида давлат, жамият ва иқтисодий қурилми соҳаларида тобора кўпроқ ютуқларга эришилмоқда. Халқингизнинг бу борадаги ютуқлари дунё тараққиётига интилаётган кўплаб давлатлари учун ибратдир!»

ОИЛА – МИЛЛИЙ МАНФААТЛАР КЎЗГУСИ

Р.У.МАМАТҚУЛОВ – ТКТИ катта ўқитувчиси

Миллий манфаат тизимида оила муҳим бўғиндир. Зеро инсон муайян миллат вакили бўлиш билан бирга оилада қарор топади. Миллий хусусиятлар, анъаналар, кадриятлар ва урф одатлар оилада шаклланади. Миллий манфаатлар оилада англана борилади. Оила мўъжаз ижтимоий макондир. Манфаатлардаги ижтимоийлик, шахсий дахлдорлик ижтимоий муҳит кўриниши бўлмиш оилада шаклланади. Ижтимоий ҳаётдаги жараёнлар оилада акс этади. Ўз навбатида оиладаги ижтимоий-ахлоқий, маънавий ҳолат, муҳит жамият ривожига таъсир этади. Оиладаги анъанавий ахлоқ ва қариндошлик ришталари ўзбек халқи маънавий кадриятларининг манбаи ҳисобланади. «Оила ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга, келажак насллар қандай инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғи эканини тан олишишимиз даркор»¹. Авлод қолдириш, аҳоли нуфузи, шахс тарбияси, миллий кадриятлар каби масалалар оилада ўз ечимини топади. Барча инсоний манфаатлар, фазилатлар оилада шаклланади. Жамиятдаги турли ижтимоий муносабатлар оила орқали қарор топади. Инсон умрининг асосий қисмини оила бағрида ўтказиши. Оила жамиятнинг муҳим бир ҳал қилувчи бўғинидир.

Шахс муайян миллат аъзоси сифатида ўз халқини, миллатини эъзозловчи, уни химоя этувчи, ташқи ва ички турли ижтимоий ҳавфларга қаршилиқ кўрсатувчи кучни, қўнқмани аввало оилада ўзлаштиради. Оила – миллий манфаатлар кўзгуси ҳисобланади. Оилада инсоннинг барча эҳтиёжлари маънавий-ахлоқий жиҳатдан сайқал топади, шу асосда, оилавий манфаатлар вужудга келади. Оила манфаатлари билан оила аъзоларининг ҳар бирига тааллуқли манфаатлар монандлиги изчиллик ила босқичма-босқич тарбияланиб борилган шароитда соғлом ижтимоий муҳит майдонга келади. Шу маънода Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов таъкидлаганидек, «**Ҳар қайси миллатнинг ўзига ҳос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, ҳеч шубҳасиз, оиланинг ўрни ва таъсири бекиёсдир. Чунки инсоннинг энг**

¹ Каримов И.А. Оила фаровонлиги – миллат фаровонлиги. – Т.: Ўзбекистон. Т-IV. 1998, 400-бет.

соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оила бағрида шаклланади»¹.

Аввало, оилада меҳр муҳаббат, оқибатлилик, оила аъзолари ҳар бири муносабатлари муросаи-мадора, улар аъзоларининг ҳар бирига тааллуқли манфаатлар монандлиги тарбияси, оила ғурури, ор-номуси, оила бошлиғининг ўзаро аҳил муносабатлари ва унинг фарзандлар тарбиясига намунавий таъсири, тарбиядаги метёр ва мезоннинг мавжудлиги, оилада жамиятга ҳам монанд келувчи кадриятларни қарор топтириш каби шартлар борки, буларнинг изчил йўлга қўйилиши оила ва унинг аъзоларини фақат манфаат қўрувчи инсон бўлиб қолишининг олдини олади. Унинг фаол шахсларни, фуқароларни, миллатпарварларни тарбиялаб, шакллантириб вояга етказувчи, ижтимоий миллий руҳда тарбияловчи маскан, уюшма сифатидаги нуфузини оширади. Оилада шахс, оила аъзолари ва жамият манфаатлари тарбияланади. Ушбу масканда шаклланган кишилардан жамият, миллат макоми ҳамда нуфузи киёфа касб этиб боради. Шахс, миллат аввало муайян оилада тарбия топар экан, у аввало ўзи олдида ҳам оилада ҳам, жамият ва давлат (кузатувида) кўзгусида ҳам бир хил, асл киёфасини намоён қилишга одатланади.

Оила манфаатлари миллий манфаатларнинг реал ифодаси, унга киёфа ва безак бериб турадиган муҳим ижтимоий манфаат шаклидир. Уни юксалтириш миллий манфаатларнинг шаклланишига олиб келади.

Бунинг учун биринчидан, оиладаги тинчлик, ўзаро муносабатлардаги самимийлик, ҳурмат, эътибор каби кадриятлар асосида оила ва миллат бирлик манфаатларини шакллантириб бориш, иккинчидан, оиланинг ҳар бир аъзосида миллий мансублик, ўз миллатига садоқат ва ўзга миллат вакилларига нисбатан бағрикенглик фазилатларини тарбиялаб бориш, учинчидан, оилада инсоннинг шахс сифатида шаклланиши жараёнларига таълим ва тарбиявий вазифа сифатида янада эътиборни кучайтириш; тўртинчидан, оила аъзоларида, айниқса, ёшларда миллий-маънавий, ахлоқий кадриятлар тизими таркибида ватанпарварлик, инсонпарварлик, миллатпарварлик каби ўз Ватани миллати ва оиласига нисбатан иймон ва эътиқодни қарор топишига алоҳида, узлуксиз жараён сифатида қараш лозим бўлади. Айниқса, оилада бошқа халқлар кадрияти ва тилига ҳурмат маданиятини қарор топтириш билан бирга, ўз миллий тили – она тилисини қадрлаш, у билан ғурурланиш хиссини янада қарор топтириб бориш оилавий – миллий – умуминсоний манфаатлар муштараклигини таъминлаб боровчи асосий мезондир. Бунинг учун, миллий гоёнинг асосий тамойиллари мақсад ҳамда вазифаларини нафақат таълим тизимида, аввало оилавий муҳитда ёшлар дунёқараши, онгининг ажралмас қисмига айланиб боришига узлуксиз жараён сифатида қараш зарур бўлади.

Хулоса миллий гоёни жамият аъзолари, ёшлар онгига синглириш, уларни жамият ҳаётига дахлдорлик руҳида тарбиялашда оиланинг ўрни бекиёс.

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. Т.: Маънавият, 2008. 52-бет.

ЁШЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ ТАРБИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ ЎРНИ

Н.С.РАСУЛОВА – ТДПУ доценти в/б, т.ф.н.

Ҳозирги даврда жаҳонда интеграция ва глобаллашув жараёнлари чуқурлашуви барча мамлакатлар тараққиётида ўз аксини топаётган бир вақтда ёшларнинг маънавий тарбиясига салбий таъсир кўрсатаётган омиллар ҳам талайгина. Ёшларни маънавий ва жисмонан баркамол қилиб тарбиялаш барчамизнинг бурчимиздир.

Айнан шу муносабатдан келиб чиқиб, республикамиздаги барча жамоат ташкилотлари ёшларнинг маънавий тарбияси, уларнинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлаш мақсадида тегишли дастурлар ва вазифалар белгилаб олганлар.

Жумладан, демократик институтлардан бири сиёсий партиялар сўнгги йилларда жамиятнинг энг интилувчан, ҳаракатчан ва янгиликка мойил қатламларининг манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни ўз сафларига кўпроқ жалб қилиш мақсадида ўз сафларида ёшлар қанотларини ташкил этдилар. Сиёсий партиялар ўзларининг ёшларга оид сиёсатини бу каби тузилмалар орқали амалга ошириб келмоқдалар.

Бугун партиялар Ўзбекистон болалар ва ёшлар аҳолининг асосий қисмини ташкил этадиган мамлакат эканлигини инobatга ола бошладилар. Обьектив равишда бу амалдаги барча сиёсий қучларнинг ёшларни ўз қаторларига фаол жалб этишларини талаб этмоқда. Ҳозирги кунда ёшлар партиялар таркибининг 40–60 фоизини ташкил қилади. Барча амалдаги партиялар сезиларли даражада ёшара бошлади – ЛиДеП ва ХДП сингари партиялар таркибида ёшлар барча партия аъзоларининг ҳар 20–25 фоизини ташкил этади¹.

Охириги тўрт йил ичида Ўзбекистон сиёсий партияларининг ёшлар билан ишлашдаги фаолиги сезиларли даражада кучайди. Барча сиёсий партияларда ўз ёшлар қанотининг шаклланганлиги ана шундан далолат бермоқда. Уларнинг ёшлар қатламига муносабатида умумий жиҳатлар бўлгани ҳолда, сиёсий партияларнинг дастурларида ўз сиёсий платформаларига хос мақсад ва вазифалар ҳам белгиланганини кайд этиш лозим. Масалан, ЛиДеП ёшларда тadbиркорлик ва ишбилармонлик кўникмаларини шакллантиришни, ёш тadbиркор ва фермерларга шарт-шароит яратиб беришни асосий вазифаларидан деб билади. АСДП Дастурида эса ёшларни адолатпарварлик руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилган.

Ўзбекистон сиёсий партиялари айни вақтда ёшларга оид ўз сиёсатини «Ёшлар қаноти», «Ёшлар кенгаши» каби тузилмалар орқали амалга ошириб келмоқда. Ҳозирги кунда сиёсий партияларнинг сафида ёшларнинг салмоғи йилдан-йилга ортиб бормоқда. 2008 йил маълумотларига кўра, ХДП аъзоларининг 25,3 фоиз, МТДП – 37 фоиз, АСДП – 41 фоиз, ЛиДеП – 50 фоизни 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. Мавжуд сиёсий партиялар ичида ЛиДеП ёшлар билан ишлаш бўйича самарали натижаларга эришди.

2006 йил 27 февралда ташкил этилган ЛиДеП «Ёшлар қаноти»нинг асосий мақсади – янгилик яратишга чанқок ишбилармон ва тadbиркор ёшларни, малакали ёш

¹ Қаранг: «Press-uz.info». Политические партии Узбекистана активизируют борьбу за влияние среди молодежи. 06/09/2006. (мнение эксперта – заместитель директора Института по изучению гражданского общества Баходир Эргашев) // www.uzlidep.uz

мутахассисларни ўз атрофида жипслаштириб, партиянинг дастурий мақсад ва вазифаларини ҳаётга тағбиқ этишга йўналтириш, ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, манфаатларини ҳимоя қилиш, жамиятда муносиб ўрин эгаллашлари учун шарт-шароитлар яратиб беришга қўмаклашишдан иборат¹.

АСДП Ёшлар Кенгашининг бошқа партиялар ёшлар қанотларидан фарқли томони шундаки, улар олий ва ўрта махсус таълим тизимида талабаларни ўқитиш сифатини ошириш, тиббий ёрдам кўрсатиш тизимида ёшларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, истеъдодли ёшларнинг илмий мартабаларини ўстириш ҳамда битирувчиларни ўз мутахассисликлари бўйича иш ўринлари билан таъминлашга қаратилган мукамал лойиҳа ва дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда рўёбга қариш каби вазифаларни ўз олдига қўйган².

Ўзбекистон сиёсий партияларининг ёшлар қанотлари мамлакатимиз ёшларини жипслаштириш, уларнинг бўш вақтларини тўғри ташкил қилиш, уларни гиёҳвандлик, турли бузғунчи ғояларга берилишининг олдини олиш, шу билан бирга соғлом турмуш тарзини тарғиб қилувчи турли оммавий тадбирлар, спорт мусобақалари, конференциялар, семинар-тренинглар ўтказиб келмоқдалар.

Бундай тадбирлар биринчилардан бўлиб ФМДП Ёшлар кенгаши томонидан ташкиллаштирилган. Жумладан, 2000–2006 йиллар мобайнида болаларнинг ёзги таътил кунларида ФМДП барча вилоят ташкилотларининг ташаббуслари билан жойлардаги болалар оромгоҳларида республика миқёсида «Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!» шиори остида ёшларнинг ватанпарварлик қўшиқ фестиваллари, «Биз истиклол фарзандларимиз!», «Ватаним ифтихорим», «Ватан ягона-дир – Ватан биттадир!» каби мавзуларда мингдан ортиқ қаттаю кичик анжуман ва тадбирлар ўтказилиб, ушбу тадбирларда 300 мингдан ортиқ ёшлар иштирок этдилар ва бу тушган маблаг эвазига республиканинг олис қишлоқларида жойлашган мактаб ҳудудларида спорт майдончалари барпо этилди³.

Гиёҳвандлик ва терроризмга қарши кураш борасида партиялар ёшлар қанотлари бир қатор тадбирлар ўтказдилар. МТДП, ЛиДеП, ХДП партияларининг ёшлар қанотлари эса ўз эътиборларини кўпроқ ёшларнинг ижтимоий-сиёсий онгини оширишга қаратмоқдалар.

ЛиДеП «Ёшлар қаноти»нинг ташаббуси билан ишлаб чиқилган «Ёшлар ва қонунчилик» лойиҳаси мамлакат ёшларини, партия электоратининг ёш вакиллари қонун чиқариш жараёни билан таништириш, жойларда мавжуд муаммоларни ҳал қилиш ҳамда амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга доир ёшлар таклифларини ўрганишни назарда тутди. Лойиҳага кўра жорий йилнинг охирига қадар «Ёшлар қаноти» партия фракциясига баъзи қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифлар тақдим этади. Ушбу мақсадда Қорақалноғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларида ёшларнинг таклифларини ўрганиш юзасидан ишчи гуруҳлари тузилмоқда⁴.

¹ Ўша жойда. – Б. 14–15.

² Қаранг: <http://www.adolat.uz/> «Адолат» СДП ёшлар қанотининг мақсад ва вазифалари.

³ Қаранг: Илғор ғоялар сиёсий фаолликка даъватдир / Ўзбекистон ФМДП МК матбуот хизмати // Жамият. – 2007. – № 16. – 20 апрель.

⁴ Қаранг: УзЛиДеП за активное участие молодежи в законодворческом процессе // <http://www.uzlidep.uz>.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ХДП «Ёшлар каноти» томонидан ҳам ёшларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги иштирокини янада кучайтириш мақсадида, қатор вазирлик ҳамда нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорликда аниқ мақсадларга йўналтирилган лойиҳалар амалга оширилмоқда¹.

Шуни ишонч билан айтиш мумкинки, сиёсий партияларнинг ёшлар билан олиб бораётган ишларининг кузатилаётган фаоллашуви, шунингдек, ёшларнинг сиёсий партияларда иштирок этишга кизиқиши кучайиб бораётгани мамлакатимизда кўп партияли тизим янада ривожланиши учун зарур қафолатлар яратмоқда.

ЁШЛАР ОНГИДА МИЛЛИЙ ҒУРУР ВА ФАХР ТУЙҒУЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Ҳ.КАРИМБОЕВА – ТДПУ катта ўқитувчиси

Ёшларимизнинг мустақил фикри ва дунёқараши шаклланишига кўмаклашиш, ҳаётда ўз позицияси ва ёндашувини белгилаб олишга ёрдамлашиш, уларни онгли ва билимли қилиб тарбиялаш, ён атрофдаги воқеаларга бепарво бўлмастик, дахлдорлик туйғуси билан яшашга ўргатиш бугунги кундаги энг муҳим вазифалардан биридир.

Ўзбекона тарбия мазмунидан жой олиб, ўзаро муносабатларда намоён қилиниши лозим бўлган инсоний фазилатларни ифодаловчи сўз – сигналлар мавжуд. Масалан, «тавозе», «ҳаё», «виждон», «иймон» ва бошқа сўзларнинг фаол қўлланилганлиги миллий маънавиятимизнинг юксак чўққига кўтарилганлигидан далолат беради. Лекин халқимиз тарихининг кейинги асрларида содир бўлган мустамлакачилик, миллий фазилатларни «қолоқлик, маданиятсизлик кўрсаткичи», «эскилик саркити» дея кадрсизланиши юқоридаги тушунчаларни ўзбек мактаби дарсликлари матнидан сикиб чиқарди. Натижада, миллий фазилатлар ўқувчиларнинг иккинчи сигналлар системасига киритилмаганлиги туфайли, бошқа тилдаги сўздек тушунарсиз бўлиб қолаверди.

Эски ҳовлимизнинг рўпарасидаги ўрта мактабнинг тўполончи ўқувчиси ўзидан кичик болани дўппослаганида қулидан ушлаб, «Инсофинг борми, ўзингдан кичик болани урасанми?» - десам, «Инсоф деганингиз нима?» деб анкайиб қолди. Шундан кейин бошқа бир неча боладан ҳам сўрадим. Унақа дарс ўтганимиз йўқ, деб жавоб қилдилар. Шу воқеадан кейин мактабларда инсоф дарсини ўтиш керак шекилли, деган хулосага келдим.

Инсофли бўлиш ҳақида на уйда, на мактабда ва на атрофдагилардан таълим олмаган айрим ёшлар инсофсизлик қилиб кўйганини ўзлари англамаяптилар, англасалар ҳам унинг хунук оқибати – гуноҳи тўғрисида мутлақо ўйламаяптилар²...

Бу ҳолат ўзбек умумтаълим мактаби ўқувчиларини «Ўзбек тилининг изоҳли

¹ Қаранг: Ўзбекистон ХДП «Истикбол» ёшлар канотининг Ёшлар йилидаги устувор вазифалари. Ўзбекистон ХДПда сиёсий ва фуқаролик маърифати тизими. Ахборот-услубият кенгаши. Ўзбекистон ХДП кенгашлари ҳузуридаги ўқув семинарларининг маърузачилари ва модераторларига услубий қўлланма. – Тошкент, 2008. 2-3-бетлар.

² Иброҳим Раҳим. Ҳаёт чорраҳаларида. – Т.: Ўзбекистон, 1991. 110-6.

луғати»дан жой олган, инсоний фазилатларни ифодаловчи 1,5 мингдан ортик сўзлар (масалан, «одамгарчилик», «инсоф», «виждонлилик», «меҳрибонлик» ва ҳ.к.) билан махсус таништира боришни такозо қилади. Бирок, сўзларнинг фақат маъносини тушунтириш билан юқоридаги фазилатларни ўқувчиларнинг одатига айлантириш мушкул. Бунинг учун миллий-инсоний фазилатларни махсус ташкил қилинувчи тарбиявий вазиятларда, тарбиявий соатларда ўқувчиларга намойиш қилиш (масалан, «миллий одоб»нинг қандай намоён бўлишини нафақат тушунтириш, балки кўрсатиш) ва ўқувчилар билан миллий одоб машқларини ташкил қилиш талаб этилади. Тарбиявий таълим – муомала, одоб қодаларини махсус ўргатиш жаҳон миқёсида янгилик эмас ва ўрнак олса арзигулик мисоллар бор. Масалан, Япония мактабларида «япон хулқ-атвори» дарси махсус, мажбурий ўтилади. Бу дарсада муомала, одоб-ахлоқнинг энг нозик қирраларигача махсус ўргатилади, машқ қилдирилади. Жумладан, меҳмон келганда мезбон эшикни қандай очиши кераклигигача ва ҳ.к. Хуллас, миллий-тарбиявий таълим миллий фазилатларни ўқувчиларнинг дастлаб биринчи, кейин эса иккинчи сигналлар системасига айлантиришда, пировард натижада эса, ўқувчиларнинг шахсий ҳислатларига, одатларига айланишида педагогик технология вазифасини ўтайди.

«Миллий тарбия, миллийлашув эса ривожланаётган бола шахсига илк ёшларданок бевосита таъсир қилиш орқали самарадорлик, табиийлик, устуворлик касб этади. Дастлаб биринчи, кейинчалик иккинчи сигналлар системаси мазмунини белгилувчи миллий муҳит, миллий руҳ, оила, маҳалла, кишлоқ муҳити шахсга тарбиявий таъсир кўрсатади.

Умуман, миллий руҳиятни шакллантиришда: «миллий ғурур», «миллий ифтихор», «миллий ҳис», «миллий характер» каби тушунчалар ҳам муҳим ўрин тутайди.

Президент Ислом Каримов асарларида «мустақиллик – буюк неъмат, уни авайлаб-асраш устувор вазифалардан бири» эканлиги асослаб берилган.

Бугунги кунда миллий масала борасида иккита тенденция кўзга ташланади:

- 1) Миллатларнинг уйғониши (XX аср бошига ҳос).
- 2) Миллий давлатчиликка интилиш (XX аср 90-йилларига ва ҳозирга давргига ҳос).

Миллий ўз-ўзини англаш деганда:

- 1) Миллий бирликни ва бошқа этносларнинг мавжудлигини тушуниб етиш.
- 2) Миллий кадриятлар: тил, тугилиб ўсган жой, маданиятга (кенг маънода) мансублигидан фахрланиш.
- 3) Миллий манфаатларни тушуниш.
- 4) Миллий мустақиллик ва миллий тараққиётга интилиш.
- 5) Ватанпарварлик.

Миллатнинг миллий ўз-ўзини англаш шахснинг миллий ўз-ўзини англаш билан ҳам чамбарчас боғлиқдир:

- 1) Миллат (этнос)га мансубликни англаш.
- 2) Мазкур миллатнинг инсоният тараққиётидаги тарихий ўрнини тушуниб етиш.
- 3) Миллий кадриятларга содиқлик.
- 4) Миллатнинг эҳтиёжлари ва манфаатлари ҳақида англаш, унинг ривожланиш йўллари ҳақида билиш.

Шундай экан, маънавий тарбияда миллий ўзликни англашдан келиб чиқадиган вазифаларни эътиборга олиш муҳим аҳамиятга эга.

ПРЕЗИДЕНТ И.А.КАРИМОВ АСАРЛАРИДА МАЪНАВИЯТ МАСАЛАЛАРИНИНГ ИЛГАРИ СУРИЛИШИ

Э. З. САЛМАНОВА – ТДПУ магистранти

Маънавият жамият тараққиёти ва инсон камолотида катта аҳамиятга эга бўлганлиги учун ҳам у Президент И.А.Каримов асарларида доимо кенг ёритиб келинмоқда.

Маънавиятнинг мазмун – моҳияти, маърифий – тарбиявий аҳамияти, шахс камолоти ва жамият тараққиётида туганган ўрни масаласига барча даврларда шаклланган ва ривожланган фалсафий таълимотларда бўлгани сингари Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов асарларида ҳам катта эътибор берилган.

Президентимиз томонидан маданият, маънавият ва маърифат муаммолари бўйича чуқур илмий асослаб берилган коида ва хулосалар ўзининг тамомила янгилиги, ўта замонавий ва ўзига хослиги, миллий ва умуминсоний кадрлар руҳи ва мазмуни билан тўла ҳамоҳанглиги, Шарқ маънавий таълимотидаги илғор ғояларга асосланганлиги, истикболни назарда тутганлиги билан айниқса эътиборга сазовордир. Буни биз унинг «Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли», «Истиклол ва маънавият», «Ўзбекистон иктисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида», «Ўзбекистоннинг сиёсий – ижтимоий ва иктисодий истикболининг асосий тамойиллари», «Ватан саждагоҳ каби мукаддасдир» каби асарларида ва барча маърузаларида, олимлар, илм-фан ва маданият арбоблари, хорижий меҳмонлар, мухбир ва журналистлар, давлат ва ҳукумат бошлиқлари билан бўлган учрашувларда сўзлаган нутқларида, Ўзбекистон телевиденияси мухбирининг саволларига берган жавобларида баён этилган илмий хулосалари, дастурий коида ва йўл-йўриқларида яққол ифода этилганлигини кўрамыз.

Ислам Каримов асарлари ва рисоаларида маънавиятнинг назарий ва илмий муаммолари ва уларнинг ечимлари бўйича илмий асослаб берилган янги ғоялар, хулоса ва коидалари ёритиб берилган.

Президентимизнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида маънавият масаласи кенг ёритиб берилган. Унда инсоннинг улғайиши ва куч-қудрат манбаи эканлиги айтиб ўтилади ва маънавиятга қуйидагича таъриф берилади: «Маънавият – инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват имон-эътиқодини бутун киладиган, виждонини уйғотадиган бекиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир»¹ деб баҳо берадилар.

Дунёдаги ҳар бир давлат ката-кичиклигидан қатъий назар ўзининг тараққиёти жараёнида маънавиятга эҳтиёж сезган ва сезади. Бу – тарихий заруриятдир. Маънавиятнинг жамият тараққиётидаги аҳамияти тарихий бурилиш даврларида айниқса бекиёс бўлади. Бу фикр мустақил Ўзбекистонга ҳам тўла дахлдордир.

Мустақиллик учун маънавиятнинг аҳамияти шу қадар муҳим ва бебаҳоки, уни бир-икки оғиз сўз билан чуқур баён этиб бўлмайди. Аввало шунга айтиш керакки, мустақиллик ўз-ўзидан, стихияли равишда амалга ошадиган нарс эмас, балки узоқ давом этадиган орқага қайтмайдиган, кишиларнинг юксак маънавиятига асосланадиган тарихий жараёндир.

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: Маънавият 2008 й. 19-бет.

Агар юксак маънавият бўлмаса мустақиллик ҳам, тараққиёт ҳам, келажак ҳам бўлмайди. «Халқнинг маънавий руҳини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, – дейди Президент ўзининг «Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли» асарида, – Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг энг муҳим вазифасидир. Маънавият шундай қимматбаҳо меваки, у бизнинг қадимий ва навқирон халқимиз қалбида бутун инсониятнинг улкан оиласида ўз мустақиллигини тушуниб етиш ва озодликни севиш туйғуси билан биргаликда стилган».¹

Маънавият жамият ҳаётида тутган ўрни ҳақида гапириб, И.А.Каримов куйидаги фикрларни билдириб ўтадилар: «Шуни мамнуният билан қайд этиш лозимки, эзгу фазилат ва интилишлар халқимизнинг қон қони ва суяк – суягига сингиб кетган. Унинг табиатига хос бўлган юксак маънавият неча асрларки бизни не-не бало-қазолардан, тўфон ва бўронлардан асраб келмоқда».²

Ислом Каримов «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» асарида маънавиятни инсонийликка олиб борадиган йўлдир, деб таърифлайди. Ана шу қиска ва лўнда таърифда олам-олам маъно бор. Инсонни улғулайдиган, гўзаллаштирадиган, унга инсоний моҳият қасб этадиган жамики ҳислат ва фазилатлар – маънавиятлар.

Маънавият буюқ неъматдир. Инсон ана шу буюқ неъмат туфайли ўзаро бир-бирини юксак даражада қадрлайди ва эъзозлайди, қалбан ва виждонан меҳнат қилади, ақл-идроқи ва тафаккури, қобилияти, истеъдодини ишга солиб, риёзат чекиб ўзини қуршаб турган ташқи муҳитни ижобий маънода ўзгартиради, табиатни обод ва гўзал қиладики, беҳисоб моддий ва маънавий бойликлар яратади. Инсон ҳеч қачон ва ҳеч бир жамиятда маънавиятсиз ва маърифатсиз яшамаган ва яшай олмайдди. Маънавиятсиз инсон бўлмагани каби маънавий баркамол инсонларга эҳтиёжи бўлмаган жамият ҳам тарихда бўлган эмас.

Ислом Каримов асарларида инсон маънавияти жамият, давлат ва миллат маънавияти билан узвий алоқадорлиги масаласига ҳам қатта эътибор берилган. Инсон ва жамият маънавияти моҳият жиҳатдан яқин бўлиб, бир-бирини бойитса ва тўлдирса-да, лекин улар айнан бир хил эмас. Инсон маънавияти миллат, давлат ва жамият маънавиятининг таркибий қисмидир.

Инсон маънавияти, шахснинг маънавий қамолоти жамиятда мавжуд бўлган қўп қиррали муносабатлар, шарт-шароит ва имкониятлар асосида шаклланади ҳамда амалга ошади. Миллат, давлат ва жамият мадания-маънавий тараққиёти эса инсон маънавий қамолотига асос бўлади. Шунингдек, инсон – шахс маънавиятини таъминламагунча жамият маънавий тараққиётини амалга ошириб бўлмайди.

Маънавий баркамоллик бўлган жойда тараққиёт бўлади, одамлар ўртасида тенглик, биродарлик, ҳамкорлик, адолатга асосланган муносабатлар қарор топади. У халқимиз, давлатимиз, жамиятимизга қуч-қудрат бахш этади. Маънавият йўқ жойда тараққиёт ҳам, келажак ҳам бўлмайди. Ислом Каримов сўзлари билан айтганда: «Маънавият – инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг қуч-қудратидир. У йўқ жойда ҳеч қачон бахт-саодат бўлмайди. Нафақат қўхна тарих, балки янги тарих ҳам бунинг қўплаб мисолларини беради».³

Бир сўз билан айтганда, Президент Ислом Каримов асарларида маънавият

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура, 78-бет.

² Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас қуч. Т.: Маънавият, 2008 й. 7-бет.

³ Ўша асар, 79 – бет.

масалаларининг кенг ёритиб берилиши, жамият тараққиётини асосий мезонларидан бири бўлган маънавиятни юксалтиришга берилган эътибор Ўзбекистоннинг келажagini белгилаб берадиган кудратли куч эканлигини билдиради.

ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДА МАЪНАВИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Т.Ж. ЮСУПОВА – ТДПУ магистранти

Мустақиллик йилларида маънавий ҳаётимизда эришган дастлабки энг биринчи ва асосий ютуғимиз шу бўлдики, Ватанимизда инсоний кадр-киммат юксак мақом касб этди, халқимиз сарчашмаларининг кўзлари қайтадан очилди, жамиятимизни маданий-маънавий жиҳатдан янгилаш ишларига жиддий равишда киришилди. Бозор муносабатларига юксак маънавият ва маърифат негизда ўтиш бошланди. Ҳуқуқий билим ва маданият ривожлантирила бошланди. Кишиларда янгича фалсафий тафаккурлаш усули шакллана борди.

Президент Ислам Каримов жамият тараққиётида катта роль ўйнайдиган кишилар уларнинг маънавий камолоти, бу соҳаларда ўйнайдиган роли ҳақида гапириб, таъкидлаганларидек, «...бугунги шиддатли даврда чинакам маънавиятли ва маърифатли одамгина инсон кадрини билиши, ўз миллий кадриятларини, миллий ўзлигини англаш, эркин ва озод жамиятда яшаш, мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўрин эгаллаши учун фидойийлик билан кураша олиши мумкин»¹.

Мустақилликнинг маданий-маънавий жаҳодаги ютуғи ва сабоқларидан яна бири шундан иборатки, халқимиз ўзининг буюк тарихи ва миллий ўзлигини чуқур англай бошлади. Аждодларимиз қолдирган бебаҳо, меросидан баҳраманд бўлди. Ўз келажagini, ўз истикболини буюк тарихимиз мезони билан ўлчашни, уни аниқ ва кенг кўламда тасаввур этишни ўргана бошлади.

Аждодларимизнинг асрий анъаналари, одоб-ахлоқи, таълим тарбия тизими борасидаги ютуқларини, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий-маънавий ҳаёти ва ўзига хос турмуш тарзи ва кадриятларини ифодалаган она тилимизнинг мазмун-моҳияти ва кадр-кимматини чуқур англай бошлаганлиги мустақиллик шароитида маънавий ҳаётда рўй берган ижобий ўзгаришларнинг муҳим кўринишларидан биридир.

Юксак маънавият ҳар қандай вазиятда ҳам жамият тараққиётининг асосий омилларидан бири бўлган. Халқи маънавий жиҳатдан қашшоқ бўлган мамлакат ҳеч қачон буюк, порлоқ истикболга эга давлат бўла олмайди. Маънавият ва маърифатнинг жамият тараққиётидаги мавқеи ва аҳамияти, айниқса тарихнинг туб бурилиш даврида бекиёс бўлади.

Ўзбекистон давлат мустақиллигини қўлга киритиш қанчалик оғир ва машаққатли жараён бўлган бўлса, уни сақлаб қолиш, мустаҳкамлаш, барқарорлигини таъминлаш ҳам шу қадар мураккаб ва ўта масъулиятли вазифадир. Мустақилликни мустаҳкамлаш, жамиятимиз тараққиётини тезлаштириш ва жадаллаштиришда иқтисодий ва сиёсий омиллар қанчалик муҳим аҳамият касб этиши ўз-ўзидан тушунарлидир, албатта.

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. Т.: Маънавият. 2008 й. 16-бет.

Мустақиллик учун маънавий билан боғлиқ бўлган омилларнинг аҳамияти шу қадар муҳим ва каттаки, уларни ҳеч қачон иккинчи ўринга суриб қўйиб бўлмайди. Шунингдек, мустақилликнинг иқтисодий ва сиёсий муаммолари ҳал қилиб бўлинганидан кейин маънавий масаларига ўтилади, – деб ҳисоблаш назарий жиҳатдан ҳато бўлса, амалиётда эса зарарлигидир. Жамият тараққиётида маънавийнинг ўрни катта эканлигини Ислоҳ Каримовнинг қуйидаги фикрларидан билиб ола бўлади «Умуман олганда, инсоният тарихи маънавий – инсоннинг, халқнинг, жамият ва давлатнинг буюк бойлиги ва куч-қудрат манбаи эканини, бу ҳаётда маънавийсиз ҳеч қачон одамийлик ва меҳр-оқибат, бахт ва саодат бўлмаслигини яққол тасдиқлайди»¹.

Агар халқда мустақиллик ҳақида билим ва тасаввур бўлса-ю, аммо мустақиллик ҳақидаги гоё эътиқодга, дунёқарашга айланмаган бўлса, унда мустақиллик барқарор бўлмайди. «Чунки тафаккур озод бўлмаса, онг ва шуур таъйикдан, қулликдан қутилмаса, инсон тўла озод бўлолмайди. Тараққиёт тақдирини маънавий жиҳатдан стук одамлар ҳал қилади. Техникавий билим, мураккаб технологияни эгаллаш қобилияти маънавий баркамоллик билан, мустақил тафаккур билан бирга бориши керак. Ақлий заковат ва рухий-маънавий салоҳият-маърифатли инсоннинг икки қанотидир»².

Бугунги кунда ижтимоий тараққиётимизга, бизнинг онгу тафаккуримизга, маънавийтимизга қишан бўлиб турган эскича асорат ва иллатларнинг олдини олиш, уларни давлат ва жамият манфаатларига етказадиган моддий, маънавий, рухий зарарли таъсирларини бартараф этишнинг жуда қўплаб воситалари, омиллари, ечимлари мавжуд. Мазкур муаммонинг энг муҳим ва зарур ечимларидан бири – маънавий борасидаги ислохотлардир.

Халқнинг маънавий руҳини мустаҳкамламай ва ривожлантирмай, бунинг учун зарур бўлган қулай шарт-шароитлар, ижтимоий-сиёсий асосларини яратмай туриб, жамиятимиз тараққиётини амалга ошириб бўлмайди.

Маънавий юксалиш ўз-ўзидан амалга ошадиган жараён эмас. Инсоннинг маънавий қамолоти, қобилияти, иқтидори, салоҳиятини рўёбга чиқариши, амалиётда, иш майдонида ўзини тўла намоеън этиши учун шарт-шароит ва имкониятлар зарур.

Шундай қилиб, мустақиллик яратиб берган ижтимоий-иқтисодий сиёсий-ҳуқуқий, маданий шарт-шароитлар ва имкониятлар асосида ва умумбашарий қадриятлар негизида юксалиб бораётган маънавийтимиз ва маърифатимиз Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори бўлган баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказишда, дунёқараш ва эътиқодини шакллантириш ва мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда маънавий соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида халқимиз меросининг ноёб намуналарини тўплаш, авайлаб-асраш, тарғиб этиш, халқимиз, айниқса, ёшларимизда мустақиллик, ватанпарварлик туйғусини шакллантириш, миллий анъаналаримиз ва урф-одатларимиз давомийлигини, раванқини, уларнинг умуминсоний қадриятлар билан уйғунлашиб боришини амалга ошириш учун республикаимизда жуда катта ишлар амалга оширилди.

Жамият тараққиётида, Ўзбекистонни янада юксалиб боришида ва олдимизга

¹ Каримов И.А. Юксак маънавий – енгилмас куч. Т.: Маънавийт. 2008 й. 28-бет.

² Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд. Т.: Ўзбекистон. 1996 й. 34-бет.

қўйган мақсадларга эришишда маънавиятни юксалтириш мақсадида амалга оширилаётган ислохотлар бугунги кунда Президентимиз Ислом Каримов маънавиятнинг бош химояси сифатида мамлакатимизда маънавият ва маърифат ишларини ривожлантириш жараёнларига биринчи даражали аҳамият бериб келмоқда. Унинг қуйидаги фикрлари бунга мисол бўлади: «Биз маърифат ва маънавиятга тадбиркорлик ва тижорат соҳалари томонидан қилинаётган хомийликни қўллаб-қувватлаймиз, бундай хомийларга энгиллик бериш лозимлигини ҳам биламиз. Лекин хомийлик маблағлари чинакам бадий асарларга сарфланиши шарт. Халқимизнинг келажаги учун сувдай, ҳаводай зарур бўлган соҳаларга биринчи ва энг катта хомий давлатнинг ўзи»¹ доимгидан кўра ҳам муҳимроқдир.

ЁШ АВЛОДНИ КОМИЛ ИНСОН ҚИЛИБ ТАРБИЯЛАШДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ЎРНИ

• *Ф.САТТАРОВА – ТДПУ ўқитувчиси*

Оммавий ахборот воситалари (ОАВ) ва ғоявий таъсир кўрсатиш механизмлари. ОАВ – энг асосий, қудратли ва таъсирчан мафкура воситасидир. Оммавий ахборот воситалари – ахборотни кенг жамоатчиликка етказиб берувчи матбуот, радио, телевидение каби воситаларга нисбатан қўлланувчи тушунча. Оммавий ахборот воситаларининг жамият ҳаёти, фуқаролар фаолиятига таъсири ниҳоятда кучлилигидан уларга нисбатан «тўртинчи ҳокимият» атамаси ҳам қўлланади.

ОАВларнинг таъсир кучи унда бериладиган материалларнинг характериға боғлиқ бўлади. Шу нуктаи назардан қараганда, берилаётган материалларнинг тезкорлиғига, тахлилийлик даражасига алоҳида эътибор берилади.

Оммавий ахборот воситаларида материаллар айна пайтда қандай аудиторияга мўлжаллангани билан ҳам ажралиб туради ҳамда истеъмолчининг ёши, жинси, билим даражаси, дунёқарши, миллий диний мансублиғи каби омилларини ҳисобга олган ҳолда тузилади.

Қ.Назаровнинг фикрича, тарқалганлик доираси, қамров даражасига қараб маҳаллий, умуммиллий, минтақавий оммавий ахборот воситаларини фарқлаш лозим бўлади. Айна пайтда бугунги кунда глобал микёсда фаолият кўрсатаётган ва таъсир доираси катта бўлган телеканаллар ва ахборот агентликлари борлигини ҳам таъкидлаш зарур².

Ижтимоий ҳаётга таъсири ҳақида гап кетганда, оммавий ахборот воситалари кучи жамият ҳаётидаги долзарб масалаларни кўтариб чиқишида, унинг самарали ечимларини топишга уринишида, мавжуд муаммоларга жамият аъзолари диққатини жалб қилишида, давлат органлари фаолиятини назорат қилиб боришида кўринади. Шу маънода у халқни ҳокимият билан боғловчи восита, механизм сифатида чиқади.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида замонавий техник усқуналар, кенг ва чуқур фикрловчи кадрларга эга бўлган, янгича мазмун-моҳият касб этадиган оммавий

¹ Каримов. И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд. Т.: Ўзбекистон. 1996 й. 36-бет.

² Назаров Қ., Очилдиев А. Миллий истиклол ғояси: асосий тушунчалар, тамойиллар ва атамалар. – Т.: Янги аср авлоди, 2002 й. 125-126-бетлар.

ахборот воситалари фаолияти учун ҳамма шароитлар яратилди. Ўзбекистонда оммавий ахборот воситаларининг ҳуқуқий пойдевори барпо этилди. Ўзбекистон Конституциясида оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги, конунга мувофиқ иш юритиши, цензурага йўл қўймаслиги (67-модда) белгилаб қўйилди. Бугунги кунда мамлакатимизда хусусий оммавий ахборот воситалари фаолият юрита бошлади. Дунёнинг турли мамлакатларидан мустақил равишда ахборотлар олиш имконияти юзага келди. ОАВ фаолиятини тартибга солувчи бир қатор конулар қабул қилинди.

1996 йилнинг май ойидан бошлаб республикада АҚШда жойлашган жаҳондаги йирик компьютер тизими «Интернет» билан алоқа ўрнатиб, ундан энг муҳим янгиликларни қабул қилиб олишнинг йўлга қўйилгани Ўзбекистон ахборот воситалари тарихида улкан янгилик бўлди. «Интернет»нинг 50 миллион абоненти бўлиб, жаҳондаги энг йирик ахборот марказлари унга аъзо бўлишган. У бугун дунё бўйича турли соҳалардаги янгиликлар қабул қилиб олади ҳамда ана шу янгиликларни ўз абонентларига тез ва аниқ етказиб беради... 1996 йил 7 майда «Ўзбекистоннинг ижтимоий тараққиётида телевидение ва радионинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» фармон қабул қилинди.

Унда Ўзбекистон Давлат телевидение ва радиоэшиштириш Қўмитаси Ўзтелерадиокомпанияга айлантирилди. Умуман, ОАВ мустақиллики мустаҳкамлаш, халққа тезкор ва объектив характердаги ахборотларни етказиб бериш минбарига айланди.

Оммавий ахборот воситалари жамоатчилик фикрини шакллантириш, миллий истиқлол мафқурасини халқимиз, аввало ёш авлод онгига сингдиришда алоҳида ўрин тутди. Улар маънавий-маърифий ислохотлар жараёни, бу борадаги муаммоларни, жамият ҳаётининг турли қирраларини тезкорлик билан акс эттирадиган энг самарали воситадир. «Тўртинчи ҳокимият» ҳисобланган ОАВлари турли хил фикрлар, ранг-баранг қараш ва ёндашувларга кенг йўл очиб бериши, ҳаётимизда юз бераётган янгиланиш ва ўзгаришларга одамларнинг онгли муносабатини уйғотиши, холислик ва ҳаққоният тамойилларига таяниб фаолият юритиши лозим.

Президент Ислам Каримов 2002 йил 29 августда Олий Мажлис 9-сессиясидаги «Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари» маърузасида белгилаб берилган 7 та устувор йўналишлардан бири, тўртинчи йўналишда бевосита инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, сўз ва матбуот эркинлигини, шунингдек, ошқоралиқни, жамиятда ўтказилаётган ислохотларнинг очиклигини таъминлайдиган демократик тамойилларни сўзда ёки қоғозда эмас, амалий ҳаётида жорий қилиш зарурлигини белгилаб берди.

Бунда ахборот соҳасини жадал ривожлантириш, оммавий ахборот воситалари-матбуот, радио-телевидение фаолиятини эркинлаштириш фуқаролик жамияти асосларини барпо этиш жараёнининг узвий таркибий қисмига айланиши зарурлиги айтиб ўтилди. Бунда Президентимиз томонидан «Оммавий ахборот воситалари соҳасида иқтисодий муносабатларнинг асослари тўғрисида», «Телерадио фаолияти тўғрисида»ги конуларни қабул қилиш зарурияти ҳақида ҳам фикр юритилди.¹

Оммавий ахборот воситаларидан жамиятда юз бераётган воқеа-ҳодисаларни

¹ Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-жилд. Т.: Ўзбекистон, 2003 й. 23-27- бетлар.

хакқоний ёритиш талаб этилади. Негаки, бордию берилаётган хабарлар, айниқса хорижий мамлакат хусусий телерадиокомпаниялари томонидан узатилаётган ноҳолис кўрсатув ва эшиттиришлар фуқаролар сиёсий онгига бошқача таъсир этиши мумкин. Шу боисдан ҳам Президентимиз Ислом Каримовнинг 2005 йил 12-13 май кунлари Андижон шаҳрида рўй берган воқеалар муносабати билан 14 май куни Оксарой қароргоҳида, 17 май куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида мамлакатимиз ва чет эл журналистлари ҳамда дипломатик корпус вакиллари учун ўтказилган матбуот анжуманларидаги баёлотлар ва мухбирларнинг саволларига жавоблари ҳар қандай инсонни бефарқ қолдирмайди¹. Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 25 май куни Хитой Халқ Республикасига давлат таърифидан жўнаб кетиш олдидан Тошкент аэропортида оммавий ахборот воситалари учун берган интервьюсида Андижондаги бўлиб ўтган воқеа-ҳодисаларга объектив баҳо берди. Албатта шу ва шунга ўхшаш воқеа-ҳодисаларни талаба-ёшларнинг онгига етказиш бугунги куннинг талабидир.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА «МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ» ТАЪЛИМИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ШАКЛ, УСУЛ ВА ВОСИТАЛАРИ

Ф.ТУРСУНОВ – ТДПУ тадқиқотчиси

Олий таълим муассасаларидаги ўқитиш жараёни ўқитишнинг шакл ва методларини ташкил қилишнинг кўпқиррали ягона тизими доирасида амалга оширилади. Олий таълим муассасаларидаги ўқитишнинг шакл ва методлари йиғиндиси ўқув жараёнининг объектив қонуниятлари билан белгиладиган ягона дидактик комплексни ташкил этади.

Р.Ишмухамедов, А.Абдуқодиров, А. Пардаевлар ўқитишнинг интерфаол услубларини 4 гуруҳга бўлиб кўрсатади:

1. Когнитив (*cognito* – лотинча сўз бўлиб, «билим», «билиш» маъносини беради) – энг аввало талабаларнинг тафаккурини шакллантиришга йўналтирилган у ёки бу шаклда жамоа муҳокамасини ташкил этиш билан боғлиқ бўлган услубдир.

2. Экспериментал – талабаларнинг «жонли», шахсий тажриба орттиришларига йўналтирилган услуб.

3. Ролли ўйинлар, моделлаштириш – ҳаётий вазиятларни моделлаштириш ҳамда маълум ролларни ижро этиш орқали уларни синаб кўришга йўналтирилган (услуб жамоа тафаккури, муҳокама билан боғлиқ, аммо муҳокама ролли ўйин таҳлили асосида олиб борилади).

4. Фасилитация (инглизча *facilitate*-осонлаштириш) – гуруҳ ишини ташкил этиш, кўпгина аниқ, ҳақиқий, амалий топшириқлар билан боғлиқ, аниқ қарор қабул қилиш бўйича муҳокама, фаолиятнинг ҳақиқий режасини ишлаб чиқиш, ҳақиқий, жоғрофи манфаатларни мувофиқлаштиришга мўлжалланган².

¹ Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. – Т.: Ўзбекистон, 2005 й. 160-бет.

² Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). –Т.: Истеъдод, 2008 й. 180-б.

Р.Турдибоеванинг фикрига кўра, ҳуқуқий таълим-тарбиянинг асосий вази-фаси барча ўқув муассасаларида тингловчиларга конунларимизни чуқур ўргатиш ва ҳурмат руҳида тарбиялашдан иборат эканлигини эътиборга олган ҳолда, ҳозирги кунда ҳуқуқий таълимнинг аҳамияти муҳимдир. Ҳуқуқий таълим-тарбия асосида ўз ҳуқуқлари ва бурчларини яхши билган жамият аъзоларигина ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида онгли равишда меҳнат қилади ва уларнинг яратувчанлик фаолияти анча юкори бўлади¹.

Меҳнат ҳуқуқини ўрганишда ҳам юридик амалиёт материалларидан фойдаланиш айниқас муҳимдир. Шу билан бирга, Меҳнат ҳуқуқини ўрганиш доирасида турли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга таяниш мақсадга мувофиқ.

Меҳнат ҳуқуқи фани бўйича ўқув жараёни маъруза, амалий машғулотлар, мустақил иш, курс иши ва якуний имтиҳонни ўз ичига олади. Маърузани ўтишда ўқитувчи мавзунинг асосий тушунчаларини ва у билан боғлиқ бўлган назарий ва амалий муаммоларни ифода этади ва тушунтириб беради. Ҳозирги пайтда маъруза машғулотларининг аҳамияти муайян масалалар юзасидан ўқув адабиётларида турли хил маълумот ва фикрларнинг мавжудлиги туфайли айниқас ортиб бормоқда. Шунингдек, маъруза дарсларида Меҳнат ҳуқуқига оид бўлган тушунчаларни кўргазмали методлар орқали тушунтириш лозим.

Маъруза дарсларида иллюстрациянинг ўрни ҳам муҳим. Иллюстрация (лотин. *Illustrare* – оидинлашмоқ) – ўрганилаётган ҳодиса образини кўргазмаллик воситаси ёрдамида аниқ, равшан ўқувчи онгида юзага келтириш мақсадларида ўқитувчи томонидан қўлланиладиган ўзаро таълим бериш усули².

Фикримизча, ҳуқуқий таълим, жумладан меҳнат ҳуқуқи таълими жараёнида инновацион дарсларнинг қўлланилиши таълим сифатининг ўзгаришига олиб келади. Инновация (инглизча, *innovation*-янгилик киритиш):

1) Фан ва илғор тажриба ютуқларидан фойдаланишга асосланган техника, технология, меҳнатни ташкил этиш ва бошқариш соҳасидаги янгиликларни жорий этиш;

2) Таълимдаги инновация-таълим ва тарбиянинг мақсади, мазмуни, усуллари ва шаклига, ўқитувчилар, ишлаб чиқариш таълими усталари, талабалар биргаликдаги фаолиятини ташкил этишда янгиликни жорий қилиш; тафаккур услубидаги ўзгариш.

Шунингдек, инновация дарси стандарт бўлмаган, анъанавийликдан холи, мослашувчан, ўзгарувчан тузилмани ва ўқув фаолияти янги шаклини ташкил қилиш йўли билан талабаларнинг таълимга қизиқишларини оширишга қаратилган машғулот. Ўтиш шакли бўйича дарсларни мусобақа ва ўйин шакли (танловлар, турнирлар, иш ўйинлари ва бошқалар)га ажратиш мумкин; дарслар мулоқотнинг оммавий шакли (матбуот конференцияси, аукционлар, бенефислар ва бошқалар); муассаса фаолияти имитация (судлов, илмий кенгаш, тахририят кенгаши) кабиларни киритиш мумкин.

Фаолиятли билим олишни ривожлантиришнинг яна бир оқими «Матнли ўқитиш технологияси»дир. Ўқув жараёнини матнли ўқитиш технологияси асосида қуриш таълим фаолиятини касбий фаолият шакл ва усулларига тобора яқин-

¹ Турдибоева Р. Талаба ёшлар ҳуқуқий маданиятини шакллантиришнинг назарий ва амалий муаммолари. –Т.: Адолат. 97-б.

² Олий таълим (луғат-маълумотнома). –Т.: Молия. 2003 й. 90-б.

лаштиради ва аста-секин меҳнат фаолиятига ўтишни таъминлайди.

Матнли ўқитиш ғояси «ишбилармон ўйинлари»да ўз аксини топади. Барча ўйинлар каби ишбилармон ўйинлари талабани муайян вазиятда маълум хатти-ҳаракатни амалга оширишни тақозо этади. Талаба ўқув жараёнида бўлса-да, ўқув амалиётга молик вазифаларни бажаради: таҳлил этади, маълумотларни танлайди, маълум вазият учун масалани қўяди, масалан, маълум идора ёки ишлаб чиқариш корхонаси учун. Бундай ўқитиш шубҳасиз маҳсулдордир. У бўлгуси мутахассиснинг ижодий ривожланишини таъминлайди¹.

Ҳозирги кунда энг кенг қўлланиладиган интерфаол усуллардан бири ўйин усулидир. Ўйин усулларининг асосий мақсади талабаларни фақат тинглаш эмас, балки билимларни ўзлаштиришда бевосита иштирокини таъминлаш ва бу орқали таълим самарадорлигига эришишдир. Ўйин ҳар хил муаммоларни ҳал этишдаги тахминий фаолиятни тузиш учун энг қулай асос ҳисобланади. Иштирокчиларнинг ўйин мақсадларини аниқ тушунишлари ва шахсий кизиқишлари вазиятни бошқаришнинг муҳим омиллари ҳисобланади.

Ўйинни моделлаштириш қоидалар орқали амалга оширилади. Ўйин қоидаси ўйин элементларига мувофиқ унинг мазмунини ифодаловчи низомдир. Ўйин қоидаси ҳаётдан олинган ёки махсус ўйлаб топилган бўлиши мумкин. Ўйиндаги ташкилий фаолиятнинг муҳим белгиси ролларнинг шартли эканлиги. Аммо ҳар бир рол мақсади аниқ белгиланиши ва ролларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаши зарурдир. Шунинг учун роллар ўйин иштирокчиларининг кизиқишларига қараб тақсимланиши мумкин.

Ўйиннинг бошқарувчиси жамоа бўлиб, иштирокчиларнинг ўзаро ҳамкорлигини ва мулоқотга киришини таъминлайди. Жамоа бўлиб қарор қабул қилинади. Лойиҳалаштирилган ўйинлар қоида сига кўра таълим муассасалари ёки муайян ташкилотларда юзага келиши мумкин бўлган муаммолар асосида ўтказилиши мумкин.

Ролли ўйинлар доимо реал ҳаётга яқин бўлган инсон ҳаётининг ҳар хил шарт-шароитларини кўзлаган ҳолда амалга оширилади. Иштирокчилар ўйин давомида вазиятни таҳлил қилишади. Бунда уларга ҳеч ким ёрдам бермайди. Улар ўзларини бошқариши ва уюштира олиши лозим. Мураккаб вазиятлар билан боғлиқ ўйин мақсадларига шахсий ҳаракатлар орқали эришадилар ва хулосаларни қабул қиладилар. Демак, ролли ўйинларда қандайдир ҳаётий вазият ижро қилинади.

Ролли ўйинларнинг афзалликлари:

1. Ролли ўйинлар талабаларда шахслараро муомала малакасини шакллантиради.

2. Келгусидаги амалиёт учун муайян малакаларни таркиб топтиради.

3. Назарияни амалиёт орқали ўрганишга олиб келади.

Ролли ўйин раҳбари қоидага кўра ўйиннинг бевосита иштирокчиси бўлолмайди. Унинг вазифаси ўйин усули орқали объектив воқеликни белгиловчи шарт-шароитларни яратиши ва қўллаб-қувватлашидан иборат. Шунингдек, ролли ўй-

¹ Фарберман Б.Л., Мусина Р.Г., Жумабоева Ф.А. Олий ўқув юртларида ўқитишнинг замонавий усуллари. –Т.: 2002, 102-б.

инларда жамоавий ёки индивидуал қарор қабул қилиниши мумкин¹.

ХИХ асрнинг буюк педагоги А.В.Дистервегнинг «фанни ўқитиш усули, албатта шу фаннинг табиатига ҳам боғлиқ. Турли фанларни бир усулда ўргатиш мумкин эмас. Аммо ёшларни ўқитишда бу объектв нуктаи назар ҳал қилувчи эмас, балки субъективлик ҳал қилувчи бўлади»², деган фикри бутунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Юқорида кўрсатилган масалардан келиб чиккан ҳолда ўқитувчи дарсга киришдан олдин мавзу бўйича махсус ҳуқуқий ҳужжатлар (наъмунавий дастур ва ишчи ўқув режалар) билан танишиб, таълим методлари асосида дарснинг технологик харитасини тузиб, дарс матнини тайёрлаб, тингловчилардан тушган саволларга жавоб бериш даражасида тайёргарлик кўриши лозим.

Шунингдек, олинган билимларни ҳаётга татбиқ этиш, бу шахснинг ҳаётида учраган меҳнат ҳуқуқига оид муаммоларнинг ечимини топиш демакдир. Ҳуқуқий билимга, маълумотларга эга бўлган шахс, ҳуқуқий муносабатларга кирганда ҳаракатларини қонун асосида амалга оширишга эришади. Бутунги кундаги ҳуқуқшунос-педагогларнинг вазифаси таълим-тарбия жараёнида жамият ва давлат ижтимоий ҳаётида етакли роль ўйнайдиган ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишдан иборат.

«Меҳнат ҳуқуқи» фанини ўрганиш ўқитишнинг анъанавий ва илғор услублари, жумладан, маъруза, семинар машғулотлари, мустақил иш, тест сўровлари, дастурий ўқитиш, давра суҳбатларини ўтказиш, муаммоли ўқитиш, техник воситаларни қўллаш, юридик клиника, замонавий ахборот технологиялари (интернет сайтлари, дарслик ва қўлланмаларнинг электрон шакллари) ва бошқа шакллардан фойдаланиш орқали амалга оширилади.

ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ

Н.ЮСУПОВ – ТДИУ тадқиқотчиси

Бутун инсоният ҳаёти, кишилиқ тараққиёти шундай босқичда турибдики, унда халқаро глобаллашув ва интеграциялашув жараёнлари янгича замон талаблари асосида кечмоқда. Энди бу давр майдонида ижтимоий мавқеи, ҳарбий қудрати каби омиллар эмас, балки интеллектуал салоҳият, ақл-идроқ, фикр, илғор инновацион технологиялар ҳал қилувчи аҳамият касб эта бошлади. Мухтасар қилиб айтганда ХХI аср интеллектуал бойлиқлар ҳукмронлик қиладиган аср сифатида эътироф этилмоқда. Бундай мақомга эса таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш билангина эришиш мумкин.

Мамлақатимиз микёсида турли соҳаларда амалга оширилаётган

¹ Содикова А. Таълим жараёнида интерфаол усуллардан фойдаланиш. Личностно-ориентированный подход к современному обучению и воспитанию. Второй выпуск. Под общ. ред. редакцией д.п.н.проф.Р.Х.Джурасева. – Т.: 2008 й. с. 115-116

² Ҳўлдошев Ў., Юсупов М., Зияев А., Дистервегнинг дидактик қоидалари. Илмий рисола. – Т.: ЎзРФА «Фан», 2009 й. 10-б.

ислохотларнинг натижалари айнан таълим тизимидаги ислохотларнинг самараси билан чамбарчас боғлиқдир. Таълим ислохотларини чинакам чуқурлаштириш орқалигина бош мақсад – ҳуқуқий демократик давлатга, тўлақонли фуқаролик жамиятига, мамлакатнинг халқаро миқёсда мавқеини мустаҳкамлаб боришга эришиш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасидаги муаммоларни кўриб «Шунинг учун ҳам бу оғир масъулиятли, аммо ҳал қилиниши асло пайсалга солиб бўлмайдиган ишни кадам-бақадам изчиллик билан бажаришга бел боғлади»¹, – деб таъкидлаган эди. Бу муаммоларни ечиш мақсадида Президентимиз ташаббуси ва раҳнамолигида қабул қилинган янги «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури» республикамызда таълим ислохотларини самарали бўлишда янги сифат босқичига олиб чиқди.

Бу янги андозадаги таълимнинг Миллий Моделида – таълим Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий тараққиётида устувор деб эълон қилиниб, бу дастур – мамлакатимизда янги жамият қуришнинг босқичма-босқич ва тадрижий ривожланиш принципларига асосланган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий, яъни, биз танлаган «ўзбек модели» – ўз тараққиёт йўлимининг ажралмас таркибий қисмидир. Таълим соҳасидаги давлат сиёсати – таълим ва тарбиянинг инсонпарварлиги, демократик характерда эканлиги, таълимнинг узлуксизлиги ва узвийлиги ҳамда изчиллиги, умумий ўрта махсус, касб-хунар таълимининг мажбурий-ихтиёрийлиги, таълим тизимининг дунёвий характерда эканлиги, давлат таълим стандартлари доирасида таълим олишнинг ҳамма учун очиклиги, таълим дастурларини танлашга ягона ва табақалаштирилган ёндашув, билимли бўлишни ва истеъдодни рағбатлантириш, таълим тизимида давлат ва жамоатчиликни уйғунлаштиришидан иборат асосий тамойиллари асосланади.

«Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури» миллий тажрибаларининг таҳлили ва таълим тизимида дунё мамлакатлари эришган ютуқлар асосида тайёрланган. Юқсак умумий ва касб-хунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётда қатъий фуқаролик позициясига эга бўлган, истикбол вазибаларини илгари суриш ва ҳал этишга қодир кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга йўналтирилган.

Кадрлар тайёрлаш Миллий Модели фақат таълим-тарбиядангина иборат эмас, балки у бир-бирига боғлиқ бўлган ҳаёт босқичларини ҳам ўз ичига олади. Миллий моделimiz бу – шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан. ишлаб чиқаришнинг узвий бирлиги ва ҳамкорлиги, уларни ўзаро бир-бирига алоқасини акс эттиради.

Қабул қилинган дастурга мувофиқ, мамлакатимизда 9+3 схемаси бўйича 12 йиллик умумий мажбурий бупул таълим тизими жорий этилди. Бу дастурда асосий эътибор умумтаълим ва олий таълимни бир-бири билан боғловчи ва кадрларни шаклланишидаги асосий босқич – бу ўрта бўгин, яъни академик лицей ва касб-хунар коллежаларини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган. Зеро, бу тизимда халқ хўжалиги учун зарур бўлган кичик мутахассислар тайёрланади.

Яратилган янгича ўрта махсус, касб-хунар таълим тизими илгариги хунар техника билим юртлари ва техникумлардан тубдан фарқ қилиб, педагогларнинг

¹ Каримов И.А. Юқсак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008 й. 6-бет

савияси ва ижтимоий мақомининг юқорилиги, инновацион педагогик технологияларнинг мавжудлиги, таълим стандартлари ва ўқув-методик қўлланмалар, ўқув жиҳозлари ва моддий техника базасини мустаҳкамлаш каби масалаларга алоҳида эътибор берилган.

«Қадрлар тайёрлаш Миллий Дастури»да қўйилган мақсад ва вазифалар бир лаҳзада эмас, балки босқичма-босқич рўёбга чиқарилиши кўзда тутилди. Биринчи босқич вазифаларини 4 йил давомида (1997-2001 йиллар), иккинчи босқич вазифаларини 2001-2005 йилларда, учинчи босқич вазифаларини эса 2005 йилдан кейинги йилларда амалга ошириш белгилаб берилди.

Бугунги кунда «Қадрлар тайёрлаш Миллий Дастури» асосида мамлакатимизда замонавий рақобатбардош кадрлар тайёрлаш тизимининг мукаммал ҳуқуқий асослари, педагогик салоҳияти, моддий-техника базаси ва молиявий негизлари яратилди. Бундай имкониятлардан оқилона фойдаланиш мамлакатимизни XXI аср халқаро глобаллашув шароитига мослашиши, дунё мамлакатлари билан рақобатлаша олиши ва стратегик ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Зеро, ҳар бир мамлакатнинг ривожланиш даражасини белгиловчи мезонлар айнан таълим соҳасидаги ислохотлар ва унга бўлган эътиборнинг натижасига боғлиқ.

ЁШЛАР ҚАЗОЛТИДА МАЪНАВИЯТНИНГ ЎРНИ

А.М. РАСУЛОВА – ТДПУ магистранти

Ўзбекистон давлат мустақиллиги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий соҳаларда бўлганидек, маънавий-маърифий ва маданий тараққиётда ҳам туб бурилишдир. Мустақиллик йилларида халқимизнинг азалий ва абадий қадриятлари, гўзал миллий урф-одатлари ва анъаналарини, ўзига хос одоб ахлоқни тиклаш, қарор топтириш ва уларни замонавий мазмун моҳияти билан бойитиш ҳамда такомиллаштириш учун кўплаб илмий-амалий ишлар қилинмоқда.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз олдида турган энг асосий вазифалардан бири ҳар томонлама етук бўлган қомил инсонларни маънавий жиҳатдан барқамол шахсларни вояга етказиш масаласи бўлиб қолмоқда.

Маънавий жиҳатдан барқамол шахсларни, қомил инсонларни вояга етказиш, бунинг учун зарур бўлган омилларни излаб топишни талаб этди.

Мана шундай омиллардан бири катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлган маънавий меросимиздир.

Халқимиз меросининг ноёб намуналарини тўплаш, авайлаб-асраш, тарғиб этиш, халқимиз айниқса, ёшларимизда мустақиллик, ватанпарварлик, туйғусини шакллантириш, миллий анъаналаримизни ва урф-одатларимиз давомийлигини, раънақини, уларнинг умуминсоний қадриятлар билан уйғунлашиб боришини амалга ошириш учун республикаимизда жуда катта ишлар амалга оширилди.

Ўсиб келаётган ёш авлод тақдирига дунёдаги биронта ҳам жамият ва давлат бефарқ қарай олмайди. Ёшлар истиқболига эътибор қилинмаса, келажак бой берилмайди. Ёшларни ақлий-ахлоқий, маданий-маънавий жиҳатдан пухтарок қилиб тайёрламасдан, фанга истеъдодли ёшларни кириб келишини таъминламасдан, ёшларни замонавий фан техниканинг, умуман илм фаннинг ютуқларидан баҳра-

манд килмасдан, ёшларни қўллаб-қувватламасдан, уларнинг қадрига етмасдан, уларга ишонмасдан туриб мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ва миллий ривожлантиришдек жуда кийин ва муҳим вазифаларни ҳал этиб бўлмайди. «Агар келажакимизни ўйлаб иш қилмоқчи бўлсак, – дейди Президентимиз Ислом Каримов, – келажакда ишимизни давом эттирадиган бугунги ёшларимизга шароит яратиб, унинг ҳаёти ҳақида қайғурадиган бўлсак, аввало маҳаллий ёшларни тарбиялаш ишига муносабатимизни мутлоқо ўзгартиришимиз керак. Мумкин қадар кўпроқ иқтидорли ёшларимизни Иттифоқнинг энг илғор қорхоналарига, шулар жумласидан, ҳатто хорижий мамлакатларга, керак бўлса янги технология, янгича иш ташкил қилишни ўрганиш учун Япония, Америка ҳамда бошқа жойларга юбориб, уларнинг ўқишига имконият яратиш лозим. Иқтисодиётимизни, ҳаётимизни ўзгартириш ана шуларга боғлиқ бўлади. Агар шунини қилмасак, бу юришимизда катта йўлга чиқишимиз кийин бўлади»¹

Вояга етиб келаётган ёш авлодни қомил инсонлар сифатида вояга етказиб боришда уларга берилаётган маънавий тарбиянинг ўрни жуда каттадир. Аждодларимиз асрлар мобайнида ёшлар тарбиясига катта этибор бериб келишган, бу борада Президентимиз Ислом Каримов шундай фикрларни билдириб ўтади, «Маълумки ота-боболаримиз қадимдан бебаҳо бойлик бўлмиш илму маърифат, таълим-тарбияни инсон қамолоти ва миллат раванқининг энг асосий шарты ва гарови деб билган.»²

Қомилликка интилаётган ёш авлодни, энг яхши фазилатларидан бири ўз халқи ўтмишини ва тарихини яхши билишликдир. Ўз халқи тарихини яхши билиш, буюк алломаларимизни катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлган меросни билишлик инсонда гурур ва фахрни шакллантиришнинг асосий омилларидан ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг бугунги салоҳияти, халқимизнинг ақл-заковати ва иродаси бу масъулиятли, шарафли ишни бажаришда хизмат қиладиган ёш авлодни тарбиялашдек вазифани бажарадиган замин ва имкониятларимиз беқиёсдир.

Қомилликка интилаётган ёш авлоднинг маънавиятини, юксак даражадаги онгини, ўзгаларга ибрат бўладиган хулқ-атворни шакллантиришда, уларда ҳалоллик, поклик, имон-эътиқод, ор-номус сингари фазилатларни тарбиялаш талаб этилмоқда.

XXI-асрга келиб ёшларни маънавий тарбиялаш тарихий заруратга айланади, чунки ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатадиган маънавий таҳдидлар хавф-хатари кучайиб бормоқда ва улар қомил инсонларни вояга етказиш йўлидаги асосий тўсқинлардан бирига айланмоқда.

Маънавиятли, маърифатли, маданиятлиликнинг энг муҳим йўллари ва зарур шартларидан бири ҳар бир халқ ва миллатнинг ўз тарихини муқаммал равишда билиши, тарихий хотирага эга бўлиши буюк аждодларининг ишлари ва жасоратлари билан чексиз равишда фахрланишидан иборатдир. Ўз халқининг, жонажон ўлкаси, давлатининг тарихини билмаган, таъбир жоиз бўлса, миллий ғурури ва ифтихори заиф бўлган миллат ва инсоннинг келажаги бўлмайди. Президентимиз Ислом Каримов тарихни яхши билмасдан туриб, юксак

¹ Барқамол авлод орзуси. – Т.: «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни Бош таҳририяти. 1999, 50-бет.

² Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. 60-бет.

маънавиятга эришиш мумкин эмаслигини кайд этиб шундай дейди: «Маънавиятни тиклаш, туғилиб-ўсган юртида ўзини бошқалардан кам сезмай, бошини баланд кўтариб юриши учун инсонга, албатта, тарихий хотира керак. Ҳар қайси инсон мен шу миллат фарзанди эканман, менинг аждодларим кимлар бўлган, миллатимнинг ибтидоси қайда, унинг оёққа туриши, тикланиши, шаклланиш жараёни қандай кечган, деган саволларни ўзига бериши табиий»¹

Мустақиллик тарихни, тарихий хотирани тиклаш учун шароит яратади. Халқнинг тарихий руҳи, тарихий хотираси ва тафаккури уйғонмоқда, маънавия-тимизнинг кўзи очилмоқда, шу туфайли одамлар калбида миллий ғурур туйғула-ри камол топмоқда.

Комилликка эришиш йўлида энг масуъиятли вазифа таълим-тарбия тизи-мининг зиммасига тушмоқда, чунки таълим ва тарбия ёшлар маънавиятини юк-салтирадиган энг муҳим ҳаётий омилдир, у ёшлар маънавиятини шакллантиради ва бойитади. Ёшларни комиллик даражасига эришиб бориши уларнинг таълим ва тарбия олишларига боғлиқ. Эндиликда олдимизда турган энг долзарб вазифа, И.А.Каримов таъкидлаётганларидек: «**Бунинг учун ҳар қайси ота-она, устоз ва мураббий ҳар бир бола мисолида аввало шахсни кўриш зарур. Ана шу оддий талабдан келиб чиққан ҳолда, фарзандларимизни мустақил ва кенг фикр-лаш қобилиятига эга бўлган, онгли яшайдиган комил инсонлар этиб вояга етказиш таълим-тарбия соҳасининг асосий мақсади ва вазифаси бўлиши лозим, деб қабул қилишимиз керак.**»²

РОЛЬ НАУКИ В РАЗВИТИИ ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ

У.Л. КЕРИМОВ – НУУЗ

Гуманитарная наука, философия и образование стали маргиналами³ современной цивилизации из-за того, что они не способны находиться на уровне открытия истин бытия. Их маргинальность исходит из причины их существования, которым является учёный, как носитель маргинальных знаний и как пропагандист этих знаний в системе высшего образования. Однако, противоположные явления дают одинаковые результаты. Маргиналом является и тот учёный, который распространяет гуманитарную науку и философию в высшем образовании как чужие ошибки и заблуждения, и тот учёный, который способен выбраться из этих ошибок и заблуждений, и выйти на уровне чистых идей разума. Первый учёный пребывает на низе сознания – в истине науки, в рациональной мысли от чувств. Второй учёный пребывает на уровне чистых иррациональных идей разума от духа как сущности сознания, в истинах бытия. Маргинальность первого учёно-

¹ Тарихий хотирасиз келажак йўқ. –Т.: «Шарк» нашриёт-маъбаа концерини Бош тахририяти. 1998 й, 8-9-бетлар.

² Каримов И.А. Юсак маънавият – энгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008 й. (61-бет).

³ Википедия: «Маргина́л (от *лат.* *margo* - *край*) - вольно трактуемое понятие для обозначения человека, чьё положение в обществе, образ жизни, мировоззрение, происхождение не вписываются в общую массу. Так же - таким термином именуют субъекты общества, утра-тившие свои функции».

го – это результат развития человечества, веление времени. Практически всё, что можно было сделать на уровне истины науки, сделано. Критерием верификации знаний является компьютер, который, как и все вещи как онтологические явления¹, имеет не только материальное, но и идеальное начала. Если компьютер совершенствуется на основе открытых знаний, то знания – истинные. Если он не совершенствуется, то знания – ложные. Результатом творческого процесса человечества является завершение работы над искусственным интеллектом. Искусственный интеллект – это синтез в субъективном сознании учёного, знаний всех трёх истин – статичной истины науки и двух истин бытия, которым открываются внутренние изменения вещей как онтологических явлений и причина этих внутренних изменений: «тайная гармония»² как «закон единства и борьбы противоположностей»³ и абсолютная истина бытия. Маргинальность второго учёного – это непонимание результатов, что является открытием истин бытия. Результаты открытия истин бытия – непривычные абсолютному большинству, которое состоит из первых учёных.

Первые учёные находятся на уровне рациональных мыслей, которые опускают их сознание на уровень субъектно-объектных отношений чувственного восприятия, на низ сознания. Вторые учёные способны пребывать в идеях от духа как сущности сознания.

Проявление духа как сущность сознания – это проявление чистых идей на том уровне сознания, который называется разумом. Разум находится за пределами чувственного восприятия, за пределами субъектно-объектных отношений чувственного восприятия, за пределами пространства и времени, за пределами материального начала любой вещи как онтологического явления и бытия как абсолютного онтологического явления – разум находится в открытии их идеальных начал. Любая вещь и бытие – есть то, что она имеет в идеальном, а не в материальном начале. Открытие идеальных начал вещей и бытия позволяет не только открыть знания о них, но и открыть истины бытия. Истина науки не отрицается, так как современный уровень развития науки – это материализация идей разума на уровне истины науки, материализация истины внутренних изменений бытия на уровне истины науки. Синтез истины науки и истин бытия – есть главное условие совершенства сознания человека и развития науки и философии в системе высшего образования. Могущество учёного, в этом понимании распространяется не только на могущество Узбекистана, но и на могущество человечества, которое погрязло в глобальных проблемах современности как главной причиной его самоуничтожения. Духовность – как основа будущего государства есть Ноев Ков-

¹ Керимов У.Л. Теория логического синтеза единого явления речи как микрокосма бытия. – Ташкент: SAN'AT, 2005. В данном исследовании вещь как онтологическое явление именуется единым явлением.

² Гераклит // Памятники философской мысли. Фрагменты ранних греческих философов. От эпическо-теокосмогоний до возникновения атомистики. Часть 1. – М.: Наука, 1989. – С.192.: «Тайная гармония» – так назвал Гераклит истину внутренних изменений бытия, которая отразилась во всех вещах как онтологических явлениях.

³ См. логические труды Гегеля: Энциклопедия философских наук. Наука логики. Тома 1,2,3. – М.: Мысль, 1970, 1971, 1972; «Тайную гармонию» Гераклита Гегель назвал «законом единства и борьбы противоположностей».

чего спасения человечества от самоуничтожения¹.

Президент Ислам Каримов как руководитель Узбекистана, понимая могущество духовных знаний, поставил перед нашей молодёжью цель быть лучше нас, мудрее нас, счастливее и благополучнее нас. Немногим руководителям государств, империй и цивилизаций исторического прошлого удавалось управлять с позиции созидательных идей разума от духа как сущности сознания. Ими были Фараон, который жил при Иосифе, Давид и Соломон. Пребывать в могуществе идей разума от духа как сущности сознания – это иметь великие достижения не только в руководстве государствами, империями и цивилизациями, но и иметь достижения в любой деятельности, в том числе и в науке, и в философии, и в образовании. Кризис учёного, науки, философии и образования состоит в том, что сознание как высшая ценность человека отчуждается от иррациональных идей разума и духа как сущности сознания – от истин бытия и духовности. Истины бытия открываются чистым иррациональным идеям разума от духа как сущности сознания, абсолютному духу². Главный недостаток учёного, науки, философии и образования в современную эпоху – это пребывание в истине науки, которая пребывает в рациональной мысли от чувств. Чувства и дух как сущность сознания – это два абсолютно противоположных источника информации. Если гуманитарная наука и философия не пребывают в истинах бытия, они обращаются в самое уродливое явление в истории культуры человечества. Никому не дано определить планку творческому процессу сознания учёного. Однако, абсолютное большинство учёных абсолютизируют в гуманитарных науках истину науки от чувств, чем определяют планку творческому процессу молодого поколения и преграждает доступ к истинам бытия, не ведая о том, что они низвергают их в уродливое состояние ошибок и заблуждений. Творческий процесс нарушает границы не только естествознания, но и множества гуманитарных наук. Творческий процесс есть причина развития естествознания, а в гуманитарных науках творческий процесс позволяет вернуть сознание человека в систему высшего образования, так как никому не дано вместо другого пройти путь вертикального продвижения по ступеням совершенства собственного сознания. Каждый человек в своём сознании, должен этот путь пройти независимо и самостоятельно. Человек как субъект истины внутренних изменений бытия, на этом пути выполняет свои задачи о смысле своего существования. Государство как субъект не свободно от истины внутренних изменений бытия и подчиняется в своём развитии всеобщему принципу аналогии, по которому возникают и существуют все вещи как онтологические явления. По этой причине Президент Узбекистана Ислам Каримов выбрал собственный и независимый путь развития. Собственный путь развития государства аналогичен пути вертикального продвижения по ступеням совершенства своего сознания – оба пути ведут к духовности: к духовности государства и

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008; Каримов И.А. Без высокой духовности нет будущего. – Ташкент: Узбекистан, Т.5., 1997; Каримов И.А. «Мыслить и работать по-новому – требование времени». – Ташкент, Т.5., 1997; Каримов И.А. Гармонично-развитое поколение – основа прогресса Узбекистана. – Ташкент: Узбекистан, Т. VI, 1998.

² Гегель Ф. Энциклопедия философских наук. – Часть 3. Философия духа. Москва, 1956.; Энциклопедия философских наук. Т. III. Философия духа. – М.: Мысль, 1977.

общества. Истины бытия, которые открываются чистым идеям разума от духа как сущности сознания, есть предмет истинной философии, а открытия в любой другой науке выводят учёного на уровень истин бытия. Такой учёный рождается в своём собственном сознании как философ – мудрый человек. Чистые идеи разума позволяют открыть всеобщий принцип аналогии, по которому возникают, существуют и уничтожаются все вещи как онтологические явления в бытии как в абсолютном онтологическом явлении. Вещь, как онтологическое явление – это такое явление, каким оно является на самом деле в момент возникновения, в моменты существования и в момент уничтожения. Вещи как онтологические явления не могут быть синтезированы в сознании на уровне рациональных мыслей от чувств. Идеальное начало вещи как онтологического явления отчуждается от чувств. От чувств, так же отчуждается и бесконечное количество признаков её материального начала. Чувства не способны к обобщению и воспринимают эти признаки по одному, избирательно. Несколько признаков, которые запоминает память, становятся содержанием понятия вещи. Такое понятие, которым пользуется рациональная мысль, – привнесённое понятие, так как истинным содержанием вещи является её идеальное начало, которое вещь получает в момент возникновения, изменяет в моменты существования и имеет в момент уничтожения. Рациональное познание не способно представлять вещи как онтологические явления. От него отчуждаются и бесконечность качественных измерений идеально-го, и бесконечность количественных измерений материального начал вещей, за исключением тех его внешних признаков, которые стали содержанием понятия как логической формы мышления. Определение содержания понятия Аристотеля¹ сделано на уровне субъектно-объектных отношений чувственного восприятия. Чувства искажают вещь как онтологическое явление, так как чувства отождествляют её всего лишь с несколькими признаками её материального начала. От чувств отчуждаются две бесконечности – бесконечность идеального и бесконечность материального начал. Остаются жалкие крохи внешних признаков материального начала вещи как онтологического явления, которые составляют содержание понятия, от которого стартует рациональный несовершенный процесс мышления абсолютного большинства людей. Если абсолютное большинство людей есть ментальность общества, то учёный должен находиться выше ментальности общества. Учёный, который абсолютизирует чувственное восприятие, находится ниже ментальности общества, так как он пребывает в ошибках и заблуждениях. Эти ошибки и заблуждения восхищают всех, удостаиваются научных степеней и званий. Однако, тот учёный, который исправляет ошибки и заблуждения абсолютного большинства людей, становится маргинальным явлением. Раньше учёные, которые абсолютизировали чувственное восприятие, в своём неведении негласно состязались в чувственном восприятии с животными, которые немисливо превосходили человека. Теперь, эти учёные негласно состязаются с компьютером, который немисливо превосходит рациональный процесс мышления человека. Однако, эти учёные не ведают об этом. Об ошибках заблуждениях рационального процесса мышления говорят творческие люди, которые никакого отношения к науке и философии не имеют. Творчество – это мудрость, обрётённая неформальным путём. И никто не запретит быть мудрым тому, кто не имеет высшего

¹ Аристотель. Органон // Сочинения в 4-х томах. Т. II. – М.: Мысль, 1978.

образования. Не академии создают high-tech¹, а отдельные личности, которые никакого отношения не имеют к академиям и традиционному образованию. Формальность науки, философии и образования отчуждает всякое проявление творческого процесса. Например, тождество как основа математики, не существует. Карлсон, который живёт на крыше, прилетает к Малышу и спрашивает: «Ой, что это у тебя?». «Торт и восемь свечек. У меня сегодня день рождения», – поясняет Малыш. «Лучше бы у тебя было восемь тортов и одна свечка»², – заявляет Карлсон. Он заявляет не только Малышу, но и всем нам учёным-рационалистам, что мы никогда не сумеем ему объяснить, что от перемены мест слагаемых сумма не изменяется, так как мы и предположить не смеем в своих ошибках и заблуждениях, что тождества не существует.

Нет в бытии двух тождественных вещей как онтологических явлений.

¹ Наиболее новые и прогрессивные **технологии** современности относят к **высоким технологиям** (англ. hightechnology, high-tech).

² Линдгрэн Астрид и Милн Алан Александр. «Три повести о Малыше и Карлсоне», «Вини-Пух и все, все, все...». – Ташкент: Юлдузча, 1988.

МУНДАРИЖА

Халқ фаровонлигининг ёркин намоёиши. Тошкент шаҳри аҳолиси вакиллари билан ўтказилган суҳбатлар мисолида <i>М.Қуронов</i>	3
Мустаҳкам оила йилида ёшлар тарбиясига эътибор <i>Н.А. Муслимов</i>	8
Оила мустаҳкамлигини таъминлаш бўйича халқаро стандартлар ва Ўзбекистон тажрибаси <i>Т.А. Умаров</i>	9
Оилалар фаровонлиги – жамият фаровонлиги манбаи <i>И.Ж.Юлдашев</i>	14
Ахборот глобаллашуви даврида маънавий таҳдидларга қарши кураш <i>М.Собирова, И.Холиқов</i>	16
Оила мустаҳкамлигини таъминлашда зарарли таъсирларга қарши курашишга доир ижтимоий-фалсафий қарашлар <i>Ш. Тўраев</i>	19
Оила муҳотида ахлоқий қонуният ва тамойиллар функционаллиги <i>М.М.Қаҳҳорова</i>	20
Ёш авлодни бузғунчи ғоялар таъсиридан ҳашида оиланинг ўрни <i>А.Яхшиев</i>	25
Свобода и ответственность, как составляющие личности и семьи <i>К.Туленова, Э. Расулев</i>	29
Оила муҳотида содир этилаётган жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг олдини олиш масалалари <i>М.А. Мусаев</i>	32
Ўтмишда маҳаллада эркакларнинг анъанавий йиғинлари <i>В.Ишқуватов, Ф.Толипов</i>	36
Оилада содир этиладиган жиноятлар ва зўравонликларга қарши курашишга оид қонуңчиликни такомиллаштириш масалалари <i>А. Одинаев</i>	39
Оила қонуңчилигини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари <i>М.А.Аминжонов</i>	45
Эркинликнинг чегараси борми? (Замонавий Фарб тамаддунида оилага муносабат ва маънавий таназзул) <i>М.С.Имомназаров</i>	48
Оила ва жамият тараққиёти <i>М.Ф.Лафасов</i>	51
Оилани мустаҳкамлашнинг асосий йўналишлари <i>А.Абдуҷабборов</i>	54
Ёш авлод ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазаси – давлатимизнинг доимий нигоҳида <i>З.Турсунов</i>	58
Оилада вояга етмаганларнинг уй-жойга бўлган ҳуқуқини амалга ошириш хусусиятлари <i>М.Ашурова</i>	61
Болалар тарбиясида васийлик ва ҳомийликнинг тутган ўрни ва уни такомиллаштириш муаммолари <i>У.Э. Раҳманов</i>	67
Роль семьи в формировании гармонично развитой личности <i>Н.А.Каримова, А.М.Мусиченко</i>	71
«Шарк тароналари» халқаро мусика фестивали – ёшларни умуминсоний кадриятлар руҳида тарбиялаш омили <i>У. Болиев</i>	73
Ёшлар маънавиятига таҳдид жамият тараққиёти учун жиддий ҳавфдир <i>Д. Назарова, М. Раҳимбобоева</i>	76
Оила – муқаддас даргоҳ <i>О.А.Каримова, Г.Султанова</i>	78
Абдурауф фитратнинг «оила ёки оила бошқариш тартиблари» асарида оила ва тарбия масаласи <i>К. Номозова</i>	80
Zararli oqibatlarга qarshi kurashda mahalla va oilaning oʻrni <i>S. Sabohiddinov</i>	82

Миллий маънавий кадриятларнинг инсон ва жамият ҳаётидаги ўрни <i>Ҳ.С. Жуманиёзов, Г.К. Маширатова</i>	84
Маҳалла муҳити – мустақкам оилани шакллантириш воситаси <i>Г.Умарова</i>	86
Потенциал семьи в противодействии влиянию разрушительных идей <i>Г.Н. Усманов</i>	89
«Оммавий маданият» хавфига қарши курашда миллий ахлокий нормалар ва тамойилларнинг ўрни <i>Ҳ.Алиқулов</i>	91
Зарарли таъсирларга қарши курашда педагогларнинг ўрни <i>Р.Ярматов</i>	94
Маънавий таҳдиднинг илдилари (Оила мустақкамлигини таъминлаш масаласи талқинида) <i>Б.Жалолов</i>	95
Adabiyot – ma’naviy-axloqiy tarbiyaning debochasi <i>M.X. Qo’chqorova</i>	97
Farb ахлокидаги инкирозли ҳолатларнинг ёш авлод маънавиятига салбий таъсири <i>Н.А.Шокирова</i>	99
Ғоявий таҳдидларнинг олдини олиш оиллари ва воситалари <i>Б.Алимбоева</i>	101
«Оммавий маданият» унинг жамиятимиз ҳаётига салбий таъсири <i>Н.Х. Ёриқулов</i>	102
Маҳалла – ўз-ўзини бошқариш институти сифатида <i>Ш.Зокиров, Ш. Атаджонов</i>	105
«Оммавий маданият»нинг миллий кадриятларимизга таъсири <i>У.А. Азимов</i>	106
Фавкуллда ҳолатларнинг олдини олиш барқарорлиқнинг муҳим шарти <i>А.Норбоев</i>	108
Ватан равнақида маҳалланинг ўрни <i>М.Э.Хўжамоев</i>	110
Оила ва маҳалла институти: ижтимоий, ғоявий, мафкуравий муносабатлар <i>Тизимида Ҳ.М.Расулов, Я.Э.Алимов</i>	112
Ёшлар маънавиятида маҳалланинг тутган ўрни <i>М.Ф. Ҳасанова, Ф. Шералиев</i>	115
Ёшлар тарбиясида маҳалланинг роли <i>М.Ф. Ҳасанова, Н.И.Қодирова</i>	117
Ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришда маҳалла омили <i>Д.И. Азимова</i>	120
Ёшларни миллий ғоя руҳида тарбиялашда бадний адабиётнинг ўрни <i>У.Кўчимов</i>	122
Репродуктивные установки семей Узбекистана <i>Н.Каримова</i>	125
Оила ва ёшлар <i>Қ. бегниязова</i>	129
Зарарли таъсирларга қарши курашда маҳалла ва оиланинг тутган ўрни <i>А. Имомалиева</i>	131
Оила тинч бўлса, Ватан тинч! <i>Д. Сайдуллаева</i>	133
Маънавий таҳдидлар ва уларнинг кўринишлари <i>Н.Эшонкулова, Г.Сатторова, А.Худойбердиева</i>	135
Киберлудомания: ўсмирлар маънавий ҳаётига таҳдид <i>Б.И. Бердиев, З.О.Мингбоев</i>	137
Бағрикенглик негизида гуманистик ғояларнинг шаклланиши <i>М. Айтбоев, Р.Сауров</i>	139
Спёсий маданиятли, маънавий баркамол авлодни тарбиялашда оила муҳитининг таъсири <i>Ф.Мамадалиева</i>	140

Абу Наср Форобий асарларида инсонпарварлик масалалари <i>Ҳ.Ю. Атамуратов</i>	142
Ифодали нуткини ривожлантиришда оиланинг ўрни <i>Х.Б. Самигова</i>	144
Роль идеологии национальной независимости в воспитании и развитии активной гражданской позиции молодежи <i>А.А. Усманова</i>	146
Ёшларни инсонпарварлик руҳида тарбиялашда форобий ахлокий қарашларининг аҳамияти <i>Ж.З. Атақулов</i>	148
Yoshlarda mafkuraviy immunitetni shakllantirishda mahalla va oilaning o'рни <i>В.Т. Haitov</i>	150
Свадебные традиции – основа семейных ценностей <i>Н.Ю.Потапова</i>	152
А.Қодирий ва Т.Драйзер асарларининг ёшлар тарбиясидаги аҳамияти <i>С.Ш. Урунова</i>	154
Оилада экологик маданиятни шакллантиришда қадимги таълимот ҳамда фалсафий қарашларнинг ўрни <i>Х.С. Сирожиддинов</i>	155
Ма'naviy barkamol avlodni tarbiyalashda oilaning o'рни <i>В.Т.haitov</i>	158
Халқ ижоди намуналарининг инсон маънавий камолотини юксалтиришдаги аҳамияти <i>М.З Ҳамдамова</i>	159
Маънавий таҳдидларга қарши курашда адолатпарварлик ва ватанпарварлик ғояларининг аҳамияти <i>М.А.Идрисов</i>	161
Zararli ta'sirlarga qarshi kurashda, mahalla va oilaning ro'lini oshirish masalalari <i>L.Muhiddinova</i>	163
Abdulla avloniyning axloqiy qarashlari <i>I.T.Ochilova</i>	165
Методологическое значение идей президента Республики Узбекистан Ислама Каримова в духовном возрождении народа <i>Г.Абдусайидова</i>	166
Минтақа маданияти тараққиётида ворисийлик ва унда темурийлар даврининг тутган ўрни <i>А.Мингтўраев</i>	168
Шарқ мутафаккирларининг таълим-тарбия тўғрисидаги ғоялари <i>М.С. Хажиева, С. Ёрматов, С. Машиарифов</i>	169
Go'zallik ezgulikni uyg'otadi <i>N.Asrorov, S.D. Boboyorova</i>	171
Мустақиллик шаронтида миллий қадриятларимиз ва урф-одатларимизнинг тикланиши <i>Г. Бердиева</i>	173
Ватан химояси – муқаддас бурч <i>О.Ҳайтова, М.Сайидова, Г.Самторова</i>	174
Ёш авлод онгида мустақиллик ғояларини шакллантириш – асосий вазифа <i>С.Юлдашева, Г.Норқулова, Н.Адылова</i>	176
Формирование деловой этики в борьбе против коррупции <i>Ж.Т. Нуржанова</i>	177
Талаба ёшларни экологик таҳдидларга қарши курашга тайёрлашнинг долзарб муаммолари <i>И. Холиқов</i>	180
Меҳнат ҳуқуқига оид ҳуқуқий атамаларнинг семантик (маънавий) жиҳатлари таҳлили <i>Ф. Турсунов</i>	183
Бозор иқтисодиёти шаронтида ёшларни мафкуравий таҳдидларга қарши тарбиялаш <i>Ш. Ибрагимова</i>	185
Роль семьи в формировании ценностных ориентаций и образцов поведения молодежи <i>Э.С. Султанова, А.А. Усманова</i>	187
Ёшларда коррупция ва жиноятчиликка қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш <i>К. Маҳмудов, Н. Қодирова</i>	190
Ёшларда ёт ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш <i>А.Раҳматуллаева</i>	192

Оммавий маданият таҳдиди ва унинг ўқувчи-ёшлар онгига салбий таъсири <i>М.Хайитова, Д.Джурсаева, Д.Тўхтаев</i>	194
Ёш авлодни маънавий таҳдидлардан химоя қилиш <i>Р.Атамуродова</i>	196
Ёшлар ўртасида жиноятчиликни олдини олишда маҳалланинг ўрни <i>Р.Умарова, Д.Рахмонова, Ў.Мирзаев</i>	197
Мафқуравий тарбияни ёшлар онгига сингдиришнинг долзарб масалалари <i>А.Маҳмудова</i>	199
Педагогическое мастерство и личность преподавателя <i>Л.Л. Бабаева, И.А. Исянова, Ш.Т.Халматов</i>	201
Ёшлар онги ва калбига ватанпарварлик туйғуларини сингдиришнинг муҳим омиллари <i>С.Юлдашева, Р.Умарова, Д.Араббаева</i>	203
Ёшларда ҳуқуқий маданиятни ривожлантиришнинг долзарб масалалари <i>Д. Ўлдошева</i>	204
Ёшларда жамиятимиз ижтимоий-иқтисодий соҳаларидаги эришилаётган ютуқларга, ислохатларга дахлдорлик хиссини шакллантириш <i>Ж. Атакулов</i>	206
Баркамол авлодни комил инсон этиб тарбиялашда Навоий асарларининг ўрни <i>Ш. Сайфутдинов</i>	208
Миллий истиқлол ғояси ва маънавий кадриятлар уйғунлиги <i>Ф.Х. Усарова, А.Ф. Аберқулова</i>	210
Оила – миллий манфаатлар кўзгуси <i>Р.У.Маматқулов</i>	212
Ёшларнинг маънавий тарбиясини шакллантиришда сиёсий партияларнинг ўрни <i>Н.С.Расулова</i>	214
Ёшлар онгида миллий ғурур ва фахр туйғуларини шакллантириш <i>Ҳ.Каримбоева</i>	216
Президент И.А.Каримов асарларида маънавий масалаларининг илгари сурилиши <i>Э. З. Салманова</i>	218
Жамият тараққиётида маънавий ислохотларнинг ўрни ва ахамияти <i>Т.Ж. Юсупова</i>	220
Ёш авлодни комил инсон қилиб тарбиялашда оммавий ахборот воситаларининг ўрни <i>Ф.Саттарова</i>	222
Олий таълим муассасаларида «Меҳнат ҳуқуқи» таълими самарадорлигини оширишнинг шакл, усул ва воситалари <i>Ф.Турсунов</i>	224
Глобаллашув шароитида ўрта махсус таълим тизимида малакали мутахассислар тайёрлашнинг ҳозирги ҳолати <i>Н.Юсупов</i>	227
Ёшлар камолотида маънавиятнинг ўрни <i>А.М. Расулова</i>	229
Роль науки в развитии высшего образования <i>У.Л. Керимов</i>	231

РЕСПУБЛИКА МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА МАФКУРА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИНИНГ ОЛИЙ ЎҚУВ
КУРСЛАРИ
НИЗОМИЙ НОМИДАҒИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ- НИНГ ҲУҚУҚИЙ-МАЪНАВИЙ АСОСЛАРИ

«Сано-стандарт» – Тошкент, 2012

Нашр учун масъул *М. Умирова*
Мухаррир *А. Тилавов*
Техник муҳаррир *М. Қосимова*
Бадий муҳаррир *И. Зоҳидова*

Наш.лиц. № АІ 177, 03.01.2011.
Теришга 14.08.2012 йилда берилди. Босишга 22.11.2012 йилда рухсат этилди.
Бичими: 60x84^{1/16}. Офсет босма. Таймс гарнитураси. Шартли б.т. 13,95.
Нашр б.т. 19,5. Адади: 3000. Буюртма №1497.
Баҳоси шартнома асосида.

«Сано-стандарт» нашриёти, 100190, Тошкент шаҳри,
Юнусобод-9, 13-54. E-mail: sano-standart@mail.ru

«Сано-стандарт» МЧЖ босмахонасида босилди.
Тошкент шаҳри, Широк кўчаси, 100-уй.
Телефон: (371) 228-07-94, факс: (371) 228-07-95

*“Сано-Стандарт”
наширѣти*

ISBN 978-9943-396-75-3



9 789943 396753